

# Одам алайҳиссалом китоби

*Илмий оммабон фалсафий китоб*

Хожиматов Озодбек Гуломжонович  
АНДИЖОНИЙ

Андижон 2011



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI  
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ASARNING RO'YXATDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDAGI GUVOHNOMA  
СВИДЕТЕЛЬСТВО О РЕГИСТРАЦИИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ**

**№ AGU 0009**

Ushbu guvohnoma quyidagi asarning ro'yxatga olinganligi to'g'risida berildi:

Настоящее свидетельство выдано о регистрации следующего произведения:

**«Одам алайҳиссалом» китоби**

Huquq egasi(egalari):  
Правообладатель(и):

**Ҳожиматов Озодбек Ғуломжонович, UZ**

Muallif(lar):  
Автор(ы):

**Ҳожиматов Озодбек Ғуломжонович, UZ**

Muallif(lar), huquq egasi (egalari) yuqorida qayd etilgan asar yaratilganda boshqa shaxslarning mualliflik huquqlari buzilmaganligiga, shuningdek unda O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga zid keladigan ma'lumotlar mavjud emasligiga guvohlik beradi.  
O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi asarning fazilati, vazifasi va mazmuni uchun javob bermaydi:

Автор(ы), правообладатель(и) свидетельствует(ют)ет, что при создании вышеуказанного произведения не были нарушены авторские права других лиц, а также в нем отсутствуют сведения, противоречащие законодательству Республики Узбекистан.  
Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан не несет ответственности за достоинство, назначение и содержание произведения.


O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligining asarlar reestrda 17.01.2012 yilda Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Зарегистрировано в реестре произведений Агентства по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан, в г. Ташкенте, 17.01.2012 г.

Bosh direktor

Генеральный директор

  
А. Ходжаев





АССАЛОМУ АЛАЙКУМ  
АЗИЗ КИТОБХОН

Ушбу китоб - монография мустақил тадқиқотлар асосида алоҳида журъат ва тафаккур назари билан ёзилган ҳамда китобхонни илм- фаннинг барча соҳаларида ҳаётий ва амалий аҳамиятли фикрлашга чорлайди. Шунингдек ушбу китоб фан ва дин ўртасига қурилган илмий кўприқдир..

## М У Н Д А Р И Ж А

|   |     |
|---|-----|
| 1. Чақалок «инға»сига яширинган «Андижон» тилсими | 7   |
| 2. Одамато луғати                                 | 15  |
| 3. Одамато тили ўзбек луғатида.                   | 19  |
| 4.Одамато тили рус луғатида.                      | 30  |
| 5.Одамато тили лотин луғатида.                    | 40  |
| 6.Одамато тили араб луғатида                      | 57  |
| 7.Одамато тили форс луғатида                      | 62  |
| 8.Одамато тили хинд луғатида                      | 67  |
| 9.Одамато тили хитой луғатида                     | 73  |
| 10.Одамато тили юнон луғатида                     | 81  |
| 11.Инсоннинг илоҳий табиий товушлари              | 89  |
| 12.Табиий товушлар                                | 96  |
| 13.Этимологиянинг этимологияси                    | 100 |
| 14.Мантиқ алифбеси                                | 105 |
| 15. Моҳият ва мантиқ                              | 133 |
| 16. Мантиқ ва қонун                               | 140 |
| 17.Мантиқли белгилар                              | 145 |
| 18.Мантиқ турлари                                 | 147 |
| 19.Сўз қамрови ва мантиқ                          | 151 |
| 20. Мантиқшунослик                                | 153 |
| 21.Этимология ва мантиқ                           | 158 |
| 22. Донишманд мантиқи                             | 161 |
| 23. Ҳақиқат ва мантиқ                             | 164 |
| 24.Афлотун мантиқи                                | 166 |
| 25.Аристотел ва мантиқ                            | 171 |
| 26.Илм ва мантиқ                                  | 174 |
| 27.Билим ва мантиқ                                | 180 |
| 28.Товуш физикаси ва мантиқ                       | 186 |
| 29.Математика ва мантиқ                           | 191 |
| 30.Лингвистика тарихи ва мантиқ                   | 201 |
| 31.Тил тарихи ва асосий сўзлар                    | 205 |
| 32.Тилшунослик ва мантиқ                          | 212 |
| 33.Табиий, демакки Илоҳий                         | 215 |
| 34.Психология ва мантиқ                           | 224 |
| 35.Ҳислат ва мантиқ                               | 227 |
| 36.Мўжиза ва мантиқ                               | 230 |
| 37.Метафизика ва мантиқ                           | 239 |
| 38.Нур мантиқи                                    | 250 |
| 39.Оллоҳни англаш                                 | 254 |
| 40.Тафаккур ва мантиқ                             | 260 |
| 41.Интуиция(хис-туйғу) ва мантиқ                  | 263 |
| 42.Фалсафа ва мантиқ                              | 275 |
| 43.Фан ва дин: мақсад ва вазифалар ягоналиги      | 287 |
| 44.Ривоятлар мантиқи                              | 307 |

## Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Қуръон – Илоҳий муқаддас китоб.
- 2.Қуръони карим маънолари таржимаси. Абдулазиз Мансур.2001й.
- 3.Ал Қуръон Ал Карим. изоҳли шарҳ. Саййид Назир ат-Тарозий.2002й.
- 4.Қуръони Карим. изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. 1992й.
5. Тафсири ҳилол. Қуръони Карим тафсири. Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. 1998й.
- 6.Коран. перевод. И.Ю.Крачковский. 1990.М.
- 7.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Ислом Каримов. Тошкент. 2000й.
- 8.Юксак маънавият, енгилмас куч. Ислом Каримов.Тошкент.2008й.
9. Умумтаълим мактаби «Алифбе» дарслигидан бошлаб дарсликлар, илмий адабиётлар, бадиий адабиётлар, газета- журналлар, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларининг хабар- ахборотларидан ҳаётимиз давомида йиғилган амалий аҳамиятли, илмий маълумотлар.

## Чақалоқ «инга»сига яширинган «Андижон» тилсими.

Андижоннинг тарихи ва Андижон сўзининг этимологияси ҳақида Андижон давлат университети профессори С. Жалилов домла 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён илмий фаолият олиб бормоқда. Ушбу даврдаги илмий изланишлари маҳсули сифатида «*Бобур ва Андижон*» (Тошкент 1993й.), «*Бобурнинг Фарғона давлати*», «*Фарғона водийсининг сугорилиши тарихи*» каби китоблари ва 20дан ортиқ илмий мақолалари матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Хусусан «Бобур ва Андижон» китоби илмий манбаларининг ҳабар беришига кўра «Андижон» сўзини келиб чиқиши ҳақида биринчи бўлиб, 1886 йилда Қўқон хонлиги тарихини ўрганган рус ўлкашуноси В.Наливкин ёзган. У ўз мақоласида -Андижон шахрининг номи бўлган *Андижон* сўзи қадимда ушбу маконда яшаган *анди* қабиласи номидан келиб чиққан,- деб чалкаш фикр юритган, дейди тарихчи олим.

Шунингдек қадим Х аср арабий адабиётларида *Андукон*, кейинги даврлар форсий манбаларида эса «Андугон» шаклида бу ном қайд этилган. Лекин кейинги тадқиқотларида ушбу маълумотлар «Андижон» сўзининг асл, келиб чиқиш маъносига олиб бормагани айtilган.

Яна ушбу китобда ёзилишича тарихчи олим, академик Я.Ғуломов –Андижон сўзи қабил аёки уруғ номидан олинмай, балки қадимий жой номи ёки маълум касбдаги кишилар гуруҳи номи бўлиши мумкин– деган. Ёзма манбалар араб ва форс тилларида битилганини эътиборга олиб тилшунос олим С.Иброҳимов эса–шаҳарни қадимий туркча номи бошқача эмасмикан, – деган фикрни илгари сурган.

Тарихчи олимлардан А.Жувонмардиев 1964 йилда «*Ер ва Эл*» журналида, Х. Нурмухамедов 1972 йилда «*Фан ва турмуш*» журналида В.Наливкиннинг гапларини такрорлаганликлари келтирилган. Ушбу мавзу буйича С.Жалиловнинг ўзи эса: Андижон сувга сероблиги учун «*Анда жон бор, жоннинг роҳати у жойда*» маънолари булса керак, дейди. Умуман ушбу китобида С.Жалилов *Андижон* сўзининг келиб чиқиш манбаси ҳақида олимлар тамонидан аниқ бир фикрга келинмагани ва ушбу масала очик эканини билдирган .

Яна шунингдек *Андижон* сўзининг келиб чиқиши ҳақида «*Тарихий ўлкашунослик*» дарслик китобида (А.Набиев, Тошкент, Ўқитувчи. 1966й.) ҳам катор афсоналар келтирилган:

Бу афсоналарда айтилишича:

- Шаҳарнинг номи Афросиёб подшоҳи ноиби қизининг исми бўлган *Андижон* сўзидан олинган;
- *Анди* - шаҳарга асос солган кишининг исми, иккинчи қисми эса жон маъносини англатади;
- Қачонлардир бу ерларни *анди-хинд лар* ишғол қилганлар, бу хиндлар макони;
- *Анди* шаҳарга асос солувчи, *жон* эса *бахш этмок* демакдир;

ўлдирганлар. Андижон сўзи *ўнта жон* сўзининг бузилган шаклидир.

Ушбу дарсликда яна –«Андижон шаҳри топонимикаси ҳақида баъзи тарихчи олимлар, жумладан С.Жалиловнинг шу соҳадаги фикри ҳам ҳақиқатга яқиндир. Хозирга қадар бу шаҳарни халқ тилида *Анжон* деб атаб келадилар. Ўрта Осиё Рус подшоҳлиги тарафидан босиб олинганидан сўнг, руслар *ж* ҳарфи олдига *д* ни қўшиб айтишлари натижасида *Анжон* сўзи *Андижон* бўлиб қолган»,– деган фикрлар ҳам ёзилган.

Хуллас, Андижон шаҳри тарихи қадимий ёзма манбаларда муайян таърифланган бўлсада, *Андижон* сўзининг этимологияси хозирга қадар илмий равишда исботланган эмас, дейди дарслик муаллифи А.Набиев.

Ушбу мавзунинг хануз жумбоқлиги яна бир тарихчи олимни қўлига қалам олишига ундаган. Академик А.Мухаммеджанов «Андижон– сойбўйи демакдир», (*Мозийдан садо* журнали. Тошкент 2002 йил №2 (14)) номли мақоласини эълон қилди. Мақолада ёзилишига кўра қадимий илмий манбаларда:

— Андикон, Андигон ва хозирда Андижон сўзининг туб маъноси, унинг иккинчи ўзаги *кон, гон, жон* сўзларида бўлиб, у суғдийча «қазимок», «қавламок», «уймок» маъноларини англатади. Биринчи ўзак *Анда* сўзининг маъноси эса тилимиздаги *қуда-анда* синонимидаги *қариндош*, ёки *яқин* маъноларини беради. *Кон, гон, жон* сўзлари сув, дарё, кўл маъноларини ҳам англатишини эътиборга олсак Андижон-Сойбўйи демакдир- деб, хулоса ясалган.

Юқорида келтирилган маълумотлар, республикамизнинг йирик олимлари томонидан айтилган фикрлар, хулосалар «Андижон» аталмиш шаҳримизнинг номи хануз жумбоқ эканини қалбан сезиш, у номни келиб чиқишини ёки асл маъносини билиш истаги бизни ҳам илмий изланишга етаклади.

Изланишларимизга 1984 йилда Москванинг «Мысл» нашриётида чоп этилган географик топонимика фанининг катта тадқиқотчиси Эдуард Мурзаевнинг «Словарь народных географических терминов» –«Халқ географик атамалари луғати» китоби тўртки ва бош асос бўлди. Ушбу луғатда берилган, бизни қизиқтирган ва фикрлашга ундаган сўзлар ва уларнинг маънолари ҳақидаги маълумотларини ўзбек тилига ўгирган ҳолда келтирамиз.

*Ан*-турк. Устюрт воҳасидаги қудуксимон чўкма жойлар, ер ости ўпирилишидан ҳосил бўлган, чуқурлиги 8-20 метр ва айрим ҳолларда ундан ҳам ортиқ .

*Анга*- сўзма- сўз асл маъноси. хайвон оғзи.

Топонимияда –

ёриқ оғзи, жарлик, сувлик, сув ювган жой, унбир...маъноларида қўлланган.

Шунингдек ... *Анга* аталувчи Лена дарёсига, ундан Бойқол кўлига қуйилувчи ирмоқлар бор.

*Ангар*-турк. Ковак, ёриқ, унгур, водий.



*Ангархай*–очиқ оғиз. Ушбу сўз тунгус, манжур, эвенк, мўғул, ёкут, козок, қорақалпоқ, қирғиз тилларида мавжуд ва ҳар бир ҳолда –катта очилган оғиз, дарё адоғи, унгир, водий, жарлик, ўпирилган жой – маъноларида ишлатилади. **Ангара** дарёси сув тўпловчи ва Бойқол кўлига элтувчи дарёдир. Қирғиз-помир лаҳжасида, қирғизчада **анқов** сўзи мавжуд.

Ушбу топонимик луғат берган маълумотлар, хусусан қадим туркий бўлган **ан**, **анга**, **ангар**, **ангара** сўзлари таркибида **ан** ўзак ёки асос сўз борлигига ва бу сўз – «хайвон оғзи» маъносидан тортиб «дарё, кўл, унгир, водий...» каби маъноларда истемолда мавжудлигига эътибор бердик. Чунки биз излаётган **Андижон** сўзининг таркибида ҳам **Ан** қисм–сўз бор. Яна бир боғлиқлик шундаки, луғатга номлари кирган Сибир дарёлари, умуман Сибир ўлкалари қадимдан туркий халқлар маконидир. «Бобурнома»-да ёзилганидек «Андижонни эли туркдир, шаҳар ва бозорида туркча билмас киши йукдир». Демак Сибир ва Ўрта Осиё қадимдан бир миллатнинг маконидир.

Тадқиқотларимиз давомида тарихий, географик ва топонимик манбаларда таркибида **ан** сўзи бор бўлган кўплаб топонимик номларни қадимдан туркий халқлар яшаган маконларда учратдик. Хусусан Россияда Анадир, Катанга, Абакан, Туркияда Анкара, Анатолия, Ўзбекистонда Андижон, Охангарон, Ичанқала, Қирғизистонда Ўзган, Новқан, ва ш.к ва х.к.

Яна шунингдек қадим туркийда **ангар** сўзи ҳозирги ўзбек тилида ўз маъносини сақлагани ҳолда **унгир** шаклида мавжудлиги, андижон шеvasида **хандак**, адабий тилда **хандақ** сўзи бу айнан луғатдаги **ан** сўзи билан бир маънони, чуқурликни англатиши, луғатда **ан**-чуқурлик, ўзбекчада **хандақ** – **чуқурлик**, демак **ан** = **хандақ**, яъни ўзбек тилидаги **хандақ** сўзининг таркибида **ан** борлиги ва икковлари ҳам чуқурликни англатиши, бизни чуқурроқ фикрлашга тортди. Кўп асрлик тил эволюцияси жараёнларида қадимий туркий тилдаги **ан** ўз шакли ва маъноси билан ўзбек тилида сақланиб, шунингдек икки томонлама кўшимчаларга эга (х + **ан** + дақ) бўлиб қолгани ҳолда, қадимий маъносини сақлаб турганини кўраимиз. Ушбу ҳолат биз мантиқан ва моҳиятан тўғри йўналишда изланиш бошлаганимизга далил бўлди.

Академик В.В Бартольд берган маълумотларга кўра (Асарлар.1том .117,118,173- бетлар) қадимда Самарқанд ва Бухоро заминларида ҳам - Андижарағ, Андак, Анбардуван, Анжафарин, Анисун, Андек деб номланган **ан** ўзакли жой номлари бўлган. Ушбу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Юқорида кўрсатилган халқ географик атамлари луғатидан олинган, қадим туркий сўз **ан** нинг том маъносини англамоқ, бугунги ўзбек тилида қандай бирикма ва маъноларда мавжуд эканини аниқламоқ мақсадида, фонетик, морфологик ва мантиқшунослик таҳлиллари қилдик.

Фонетик талаблар ва мантиқшунослик нуқтаи назари билан географик луғат бизга берган:

**анга** –(асл маъноси.пастъ животного)**хайвон оғзи**, сўзининг келиб чиқишини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

анга–«жонзод оғзи» деб атаганлар ? саволига жавобда кўрдик.

Фикримизча, бирор бир хайвон **анга** шаклида товуш чиқарган бўлса керакки бундай атама пайдо бўлган дедик. Навбатдаги қилган изланишимизда, хайвонлар ва улар чиқарадиган товушларни таҳлил қила бошладик. Хусусий холларда кўрсак:

қорамоллар: мў-ў-ў  
қўйлар: ба-а-а-а,  
итлар: вов-вов ёки хов-хов  
мушуклар: миёв каби товушлар чиқаради.

Уй хайвонлари ва ёввойи хайвонлар орасида **ан** ёки **анга** га ўхшаш товуш чиқарувчи жонзодни аниқламадик. Изланиш жараёнида тўсатдан!!!, набирамизнинг овози, йиғлаётган чақалоқ, яъни **одам боласи** овози эътиборимизни тортди. У – **инга, ханга, анга** шаклларида ёзма тасвирлаш мумкин бўлган товуш чиқарар эди. Чақалоқлар **инга**-сининг айрим хусусиятлари бўйича ўтказган кузатувларимизда қуйидагиларни аниқладик. Чақалоқлар хусусан туғилиш пайтидаги биринчи нафасидан бошлаб баъзиларда 40 кун, баъзиларида эса 4 ой, ва айримлар ҳатто 8- ойда ҳам

**инга-а-а, анга-а-а, ханга-а-а** шаклида ёзма ифодалаш мумкин бўлган товушлар чиқарар экан. Бу товушни ўзбекларда чақалоқ **инга(инга)**си деб аталиши ҳаммага маълум. **Инга** товуши кўкрак қафаси мушакларини қисқариши, шунингдек ўпканинг ҳам қисилиши туфайли ўпкадан отилиб чиқаётган ҳаво оқими тилнинг охириги қисми танглайга қисқа муддат қисилиб буғилиши ва қўйиб юборилиши туфайли ҳосил бўлар экан. Чақалоқнинг инғалаш жараёнида унинг бир марта очилган оғзи жараён охиригача ёпилмай **очиқ оғиз** ҳолати сақланиб, ҳаракатсиз лаблар ва қип-қизил **чуқурча** эътиборингизга ташланар экан. Шунингдек инғаловчи чақалоқ кўз ёши чиқармас экан. Чақалоқ «инга»лашининг давомийлиги унинг ота-онасининг характерида ижобий- ахлоқий сифатларнинг оз ёки кўплигига боғлиқ бўлар экан.

Ер юзидаги ирқи ва миллати, ота-онаси қайси тилда гаплашганидан қайтий назар ҳар қандай чақалоқ – одам боласи ягона тилда– **инга, анга, ханга** оҳангида товушлар чиқаради! Ушбу кузатувлар асосида, нима учун қадим туркий халқлар, луғатда ёзилганидек **анга**– хайвон оғзи,– деб атаганини бошланғич хулоса қилдик. Яъни, **инга** –инсоннинг оғзидан чиққан биринчи товушни, тақлидий сўзни «очиқ ва бақираётган оғиз»ни ифодаловчи атама– сўз сифатида қабул қилинган ва ушбусўз хайвонот оламига ҳам қўлланилган!

**Анга** сўзи аслида одамнинг, аниқроғи чақалоқнинг «оғзи очиқ» ҳолда, **инга** лаётган ҳолатидан олинган! Бундай хулоса қилишимизга асосимиз шуки барча халқлар луғатининг муайян қисм сўзлари асосини табиий товушлар–тақлидий сўзлар ташкил этади. Бу фикримизнинг ҳаётдаги ўрнини тўғри тушунмоқ учун, албатта турли миллатлар бир табиий товушни ҳар-хил қабул ва талаффуз қилишларини табиат қонуни сифатида тушуниш шарт. Масалан: итнинг ҳуришини ўзбеклар «вов-вов» ёки «хов-хов»

атайдилар. Ушбу мавзуни кенгроқ қилиб алоҳида мақолада ёритамиз. (М: ит хуряпти= собака гавкает)

Инсоният бошқа жонзодлардан **тили ва таффақури** билан фарқланади. Тафаккурнинг бош иш қуроли **сўзди**. Тарихан, одамлар ўзининг эътиборига тушган янги нарса ёки ходисага ном-исм беришда ушбу нарса ёки ходисага бирон бир кўриниши ёки сифати, ёхуд функцияси билан ўхшовчи, номи маълум нарсалар ИСМИни ифодаловчи **сўздан** фойдаланганлар.

Инсонларнинг дастлабки муайян сўзлари бевосита чақалоқ-гўдақлар чиқарган товушлардан олингани тафаккур эгаларига маълум.

Гудак товушларидан: мам-ма, пап-па, дад-да, буб-бу кабилар асосида Европа ва Осиё халқларининг кўп қисми

**мамма**-аёл кўкраги,  
**момо, маман, мама**-она,  
**папан, папа, отец**-ота,  
**дед, дада, дедди** –ота сўзларига эга.

Дарвоқе, гўдак сўзи ҳам боланинг **гу –гу** товушидан олинган. Яна суриштирувларимизда маълум бўлдики туркий халқлардан бошқалар, хусусан славян, роман-герман тилларида сўзлашувчи халқлар биз **чақалоқ -ингаси** деб атайдиган чағалок товушини шунчаки **бола йигиси** сифатида қабул қилар эканлар ва уни ўз жарангидагидек номлаш **-инга** сўзи уларнинг луғатларида йуқ экан. Эҳтимол бу маълумотимиз мукамал эмасдир.

Шундай қилиб халқ географик атамалари луғатида берилган **анга**- (географик луғат берган асл маъноси- **хайвон оғзи**) – сўзи **ингалаётган** чақалоқ (одам) ҳолатидан олинган, деган қатъий фикрда тухтадик.

Энди ушбу луғатда  
**ан**-чуқурлик,  
**анга**-чуқурлик

маълумотлари тарихан янги сўзларга булган эҳтиёжларини қондириш ва тил такомиллашуви жараёнида **анга**-очик оғиз-га, қизил чуқурча-га, чақалоқ-га (эътибор беринг, озуқа беринг) мазмундаги мантиқий мушоҳадалар асосида

**анга** = **ан** + **га**  
**ан** – ўзак сўз

**га**-кўшимча, қараткич келишиги ясовчи таркибига ажратилган.

Оқибатда маъноларидан бири – **очик оғиз** – бўлган **анга** сўзидан шу маъно билан **ан** ўзак сифатида ажратилган ва бир бутун маъноли сўз сифатида қабул қилинган. Назаримизда кишилик жамиятининг сўз бойлиги ортиб бориши, тилининг ривожланиши тарихий жараёнида **ан** сўзи инсоннинг биринчи товуши сифатида, мантиқан ўта кенг қамровли фикрлашлар асосида навбатдаги, жуда кўп янги сўзларни ясашда фойдаланилган.

**Ан–очик оғиз** ↓ → 1. жон-рухли → илоҳий → илоҳ...  
Чақалоқ ↓ → 2. кўрувчи, эшитувчи, чақирувчи, турувчи, ушловчи...  
чуқурча ↓ → 3. чуқурча, чуқурлик, жарлик, унгир, водий, денгиз...  
водий ↓ → 4. Андижон, Анқара, Абакан (чуқурликдаги шаҳар)

ва шу каби улкан миқдордаги сўзларни (маъноларни) бевосита ёки сўз таркибий қисми сифатида ифодалашга хизмат қилган. Ушбу айтилганларнинг исботи сифатида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан бир оз мантиқий аниқликлар кўшган ҳолда **ан** сўзи асосида ёки иштирокида ясалган сўзлардан бир қисмини келтирамиз. Бу сўзлар барчаси **илоҳ** ёки **инсон** маносини бермоқда.

**Аний**(татарча) – **она**

**ана** – бирор одамни кўрсатиш ёки нарсага ишора.

**анди** – ёт, бегона одам, ёки бу ҳам худонинг бир бандаси.

**андух** - **ан+дух** (аслида **ан+хух**)- руҳий чарчоклик, тушкунлик

**ан** – рух, **хух**– одамларнинг чарчокликдаги табиий товуши.

**анъана** – эски, қадимий одат; Одамато замонидан такрорланаётган иш.

**анвор(анвойи)**- турли,кўп. Мантик:ан–илоҳ. вор=бор. Анвор= Илоҳнинг бори(ҳамма) ёки берган неъматлари. М:анвор гуллар, анвор мевалар.

**анбийё** - ан – илоҳ, биё – келган, келтирган,

Оллоҳдан хушхабар, хидоят келтирган одам, **пайгамбар**.

**анжир**- ан-илоҳ, жир-туғиш.

мева туғувчи илоҳий дарахт.

**онҳазрат**- он-илоҳ, ҳазрат-Хизрга ўхшаган. Оллоҳ улуғ қилган одам.

Ушбу сўз-ном пайгамбарлар,подшоҳларга нисбатан қўлланилган.

**онг** – 1. ақл, 2. фикрлаш қобилияти.

**анга** – унга (бирор- бир одамга)

**андак** – бир оз ёки бир неча нафас олишга етгулик вақт маъносида.

**қуда-анда** **қуда = қутда** – қут-баракада, **анда**-оллоҳ хохиши билан биргаликда. Мантик: оллоҳнинг хохиш–иродаси билан биргаликда қут-баракада яшаш.

**қуда-анда**– биргаликда қутли–баракали яшамок.

Махмуд Қошғарийнинг **Девони луғотит турк** асарида ҳам **ан** сўзи иштирокидаги бир қатор сўзлар бор.

**ана**-она

**анд**-қасам(Оллоҳ номи билан)

**анук**-мавжуд(Оллоҳ инояти билан)

I. **ан**-юз

II. **ан**-қуш исми (анқо бўлса керак, худонинг махлуқи)

III. **ан**-йук, эмас– маъносида (ўғиз) (Илоҳий эмас).

**анг-анг** - йук-йук

**анут** - шароб қуядиган воронка (ката оғизли).

**ан** сўзига олд кўшимча кўшиш асосида ясалган сўзлар

**жон**-одам жони ёки тирик одам

**кон** - кўмир кони ,озуқа кони

Ўзбек тилида шунингдек бошқа тилларда ҳам к ва г ҳарфлари ўзаро яқин товушлар сифатида алмашилиб туради. Ўзбек адабий тили ва Хоразм шеvasини солиштирувда бу хол бизга аниқ кўринади.

Шунинг учун ҳам **кон** ва **гон** сўзларини мантиқан ва мазмунан бир маъноли сўзлар сифатида кўрсак бўлади.

**Ан** сўзининг туркий тилда, хусусан ўзбек тилида бу қадар кўп ва кенг маъноларда мавжудлиги туркий халқларнинг қадимий ва азалийлигининг белгисидир. Ушбу сўзни Европа ва Осиёнинг бошқа тиллардаги иштироки ва ўрни хақида алоҳида мавзу ва мақолада фикр юритмоқчимиз.

Энди филологик чекинишлардан топонимикага қайтамыз. Тўпланган, таҳлил этилган, тушуниб етилган манбалар асосида хулоса қилдикки, бир гуруҳ халқ географик атама сўзларининг ташкил этувчиси бўлган **ан**, **кон**, **гон**, **жон** сўзларининг қадим туркий аجدодларимиз қабул қилган топонимик луғавий маъноси қуйидагича экан.

**ан**-чуқурлик, жарлик, ер ёриқлари, унгир, кўл, денгиз, водий.

**кон**-озик овқатга кон, яшашга қулай жой, макон, шаҳар.

**жон**–жонга роҳатли, ёқимли, яшашмоқ–жонни сақламоқ учун қулай макон, жой, шаҳар.

Шундай қилиб қадимги китобларда **Андикон**, **Андигон** XV-асрдан бошлаб эса **Андижон** шаклида ёзилган, шаҳримиз номининг асл маъноси қуйидагича экан.

**ан-чуқурлик** маъносида

**ди**-келишиқ қўшимчаси –**чуқурликдаги**-маъносини ясовчи.

**жон**- шаҳар (жон сақлаш – яшаш мумкин бўлган ер, жой)

**Андижон- чуқурликдаги шаҳар.**

Ушбу таъриф Андижон шаҳрининг географик ўрнига хос ва мосдир. Ушбу ҳақиқатни ҳар ким ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, шаҳарни шарқдан ўраб турган Хакан адирларига ёки шаҳар ичидаги энг баланд бинолар томига чиқиб қарасин. Қозонга ўхшаш рельефли шаҳар замини кўп асрлардан буён қизиқувчиларни алоҳида ҳайратга солиб келмоқда.

Яна шунингдек «Бобурномада» ёзилганидек Андижон шаҳри Мовароуннахр шаҳарлари ўртасида Самарқанд ва Кешдан кейинги катта шаҳар булган. Шаҳарда ҳунармандчилик, савдо, илм ва маданият ривож топган, олим ва фозил одамлар кўп бўлгани учун XIII асрдаёқ бу шаҳар «Қуббатулислом» номини олган. («Бобур ва Андижон» китоби.)

Чўл ва саҳролар катта майдонларни эгаллаган Марказий Осиё шароитида, тупроғи унумдор ва серҳосил, набоятоти ва сувга мўллиги билан Қуръони Каримда таърифланган жаннатга ўхшаганлигини, ҳамда **ан** сўзи билдирувчи кенг маънолар ичида **илоҳий**, **жаннат** маънолари ҳам борлигини инобатга олсак, ўша замон донишмандлари:

**Андижон-Оллоҳ назари тушган шаҳар, жаннатга ўхшайдиган макон, шаҳар** деган маъно-мазмун берганларига шубҳамиз йук.

Шундай қилиб Андижон сўзининг келиб чиқиши, шунингдек асл маъносини аниқлаш буйича қилган мантиқий мушоҳадаларимиз шаклан ва

мазмунан шаҳарнинг географик ўрнига ва топонимик сифатларига мос ечимлар топди.

- Андижон*- 1. Жаннат макон.  
2. Чуқурликдаги шаҳар. (шаҳар чуқурликда жойлашган)

Якуний хулоса. Шаҳарнинг бирламчи аталиш бўйича номининг асл маъноси, яъни **сўз— ном**га берилган маъно «жаннат макон» бўлган. Чунки ном кўювчи, бирламчи ном-сўз айтиш фақат **донишманд**ларнинг ишидир ва ушбу замин сифатларига кўра бошқача маъно бериши ҳам мумкин эмас:

**Андижон — жаннат макон.**

## Одамато луғати

*Андижон* сўзининг этимологияси – келиб чиқиши ва асл маъносини аниқлаш мақсадида қилинган илмий тадқиқот ва кейинги изланишлар жараёнида бу сўзнинг таркибий қисми «ан» сўзи қадимдан мустақил сўз сифатида мавжуд бўлган ва ер юзида тарқаган барча инсонлар, яъни Одамато авлоди – жаҳон халқлари тил–луғатларининг асоси сифатида мавжуд бўлган ва бошқа сўзларни ясашида ўзак, асос бўлиб хизмат қилган, деб хулоса қилдик .

«Ан» сўзи ҳар бир инсон зотининг биринчи жарангли товуши, овози «инга» (инға) нутқ-тилининг ўзаги-асоси бўлиб, шу товуш-сўз билан инсоният ҳаётга кириб келган. «Ан» сўзининг бугунги ўзбек тилида ва жаҳоннинг бошқа йирик тилларидаги сўзлар таркибида, қандай бирикмалар ва мантиқий маъноларда истемолда мавжуд эканини ўрганиш жараёнларида ушбу хулосага келдик.

[«Инга» ҳар қандай инсон боласининг туғилиш ондаги биринчи нафаси билан чиқарадиган товуши. Ушбу товушни чиқариш давомийлиги ҳаммада ҳар хил, 40 кундан 8ойгача бўлади. Илмий адабиётда «чақалоқ «инга»си – тақлидий товуш аталади. Кузатувларимизда инга(инға), анга(анға), ханга(ханға) шаклларда тақлид-ифода қилса бўладиган товушларни фарқладик. Шунингдек «инга», йиғи эмас экан. Тиббиётдаги «ингаляция» сўзи ҳам шу ўзакдан ясалган. Чунки ингаляция муолажаси айнан «инга» товуши талаффуз қилинадиган ҳиқилдоқда олиб борилади.]

«...Андоқ ривоят қиладиларким ...» деб бошланувчи ўрта асрлар ҳикоятлари, хусусан Алишер Навоий асарларида кўп учровчи ибора, шунингдек ман, сан, андиша, андоза, анқов, антиқа, ... хандак, тантана, дандана, сандиқ, чандиқ, канда, ранда, ханда, раъно, жанона... каби таркибида «ан» бор сўзлар фикримизга куйилиб, ёзувимиз қаторларини тўлдириб бораверди. Ушбу «ан» сўзи иштирокида ясалган сўзларни мантиқий таҳлил қилганимизда бу сўзнинг бирламчи маъноси: Илоҳ, Оллоҳ, Худо, Бог... ҳамда иккиламчи маъноси – Инсон ва кейинги ўринларда Илоҳ сўзининг мантиқий ҳосиласи сифатида кўриладиган, яъни инсон илмидан ташқарида бўлган: олам, вақт, табиат, ва улардаги айрим нарса, ҳодисалар шунингдек илоҳий – рухий нарса ва мавжудотларни билдириши маълум бўлди. Шунингдек туркий халқларнинг кўпчилигида «ан» шаклида учровчи сўзлар ёки сўзларнинг таркибий қисми, ўзбек тилида «он» шаклига ўтиб қолгани, лекин ушбу унли ҳарф-товуш алмашинуви сўзнинг маъно-моҳиятини ўзгартмаслигини кузатдик .

Яна шунингдек, инсоният тарихи, тилнинг ривожига эҳтиёж, миллатларнинг ажраб чиқиши тақозоси ва эҳтиёжлари асосида ан даги «а» унли ҳарфи бошқа унлилар билан алмашган ҳолда, яни «он», «ин», «ун», «ўн», «эн», «ен», ёки «йен», «ын», товушлари билан алмашган бўлсада, кейинги сўзларнинг маъно-моҳияти, биринчи сўз «ан»нинг, яъни бирламчи маъноси (Илоҳ) ёки ан–нинг иккинчи ва ундан

кейинги маънолари сифатида тил-нутқларда мавжудлигини кузатдик .  
Мисол : ўзбек тилида– **она**, эна, татарларда **аний**, туркларда **анэ**,

шаклларида ҳам мавжуд, лекин буларнинг ҳаммаси **она** маъносида. Бу сўзларда «а» ҳарфи «э» ва «и» ҳарфларига алмашган ҳолда келмоқда. Умуман айтсак турли сўзлар таркибида «**он**», «**ин**», «**ун**», «**ун**», «**эн**», «**ён**» ёки «**йон**», «**ян**» ёки «**йан**» ёхуд «**йэн**» шаклларида учрайдиган сўз-лар ёки сўз бирикмаларига чуқур мантиқий–этимологик нуқтаи назари билан қараганда ҳаммалари «**ан**» сўзи ва унинг бирламчи маъносига бориб тақалишини яъни синоним эканини, янада аниқроқ айтсак уларнинг ҳаммалари «**ан**»дан келиб чиққанини кузатдик . Ушбу нуқтаи-назар билан мантиқий таҳлиллар жараёнида бугунги ўзбек тилимизда истемолда мавжуд ва муайян маъноларни англатувчи «**ан**» ўзакли ва 3 ҳарф дан иборат қуйидаги сўзлар алоҳида эътиборимизни тортди. Бу сўзлар: ман , сан , жон , қон , тан , хон , қон, йан (ян) ёки йон (ён) сўзларидир. Эътибор берсак бу сўзлар «ан» сўзи олдига алифбонинг турли ундош ҳарфлари қўйилиши билан ясалган ва бугунги ўзбек тилимизда муайян маъноларга эга сўзлардир . Айниқса бу қатордаги – жон , қон , тан – сўзлари инсон танаси аъзоларини– анатомик маъноларни бераётган- лиги алоҳида қизиқиш уйғотди . Ушбу қаторни алфавитнинг бошқа ундош ҳарфлари билан тўлдирдик . Пайдо булган сўзларни тарихан энг қадимги , бошланғич маъноларини мантиқан аниқлашга ҳаракат қилдик ва қуйидаги алифбо – луғат пайдо бўлди .

1. **Ан** – 1.Илоҳ , Аллоҳ , Худо , Парвардигор ...
  - 2.Инсон измига тушмайдиган нарсалар: вақт, олам, табиат кучлари, илоҳий мавжудотлар... қисқаси, илоҳий нарса ва ҳодисалар.
  3. Инсан(Инсон) ...
2. **Шан** – бош .
- 3; 4.**Пан** = Фан – мия .
5. **Ран** – юз .
6. **Сан** – кўз
7. **Ман** – бурун .
8. **Хан** – оғиз
9. **Ған** – тил .
10. **Чан** – қулоқ .
11. **Тан** – тана .
12. **Нан** – кўкрак ,→( аёл кўкраги,→ кўкрак сути.)
13. **Йан** – қўл .
14. **Лан** – оёқ .
15. **Қан** – қон .
16. **Жан** – юрак, жон-рух .
- 17;18.**Бан** =Ван – эрлик жисми .
19. **Зан** – аёллик жисми .
- 20; 21. **Қан** = Ган – орқа пешоб .



Ван, Ган, Пан каби ҳарф сўз-ҳарфлар инсоният луғатига унинг тараққиёти ва бўлинуви даврларида кўшилган.

Ушбу алифбо ҳарф – сўзлар устунини инсон танасидаги қисмларни ифодалаётгани эътиборлидир. Юқорида биз бу сўзни «инсан» шаклида ёздик, бу шакл, асл, мутлоқ бирламчи шакл, аробий шакл, фақат ўзбек тилимизда юқорида айтганимиздек, турланиб «инсон» шаклида бўлиб қолган.

Дастлаб, ушбу «анатомик алифбо – луғат» бугун 92 миллатга сочилиб кетган қадим туркий аجدодларимизнинг тил асосларига мансуб деган фикр қилдик. Таҳлиллар жараёнида эса ушбу «анатомик алифбо –луғат» сўзларга маънодош бўлган сўзларни туркий тиллардан мутлақо узоқда бўлган Европа халқлари: юнон, рус, латин тиллари шу жумладан роман – герман тиллари, араб, форс, хинд, хитой, япон ва хатто Африка, Жанубий Америка халқлари тилларида ҳам учратдик. Кейинги таҳлил ва изланишларимизда юқоридаги 21 алифбо-сўз:

### 1. Одаматого берилган биринчи луғат.

Ер юзидаги биологик мавжудотлардан фақат ИНСОНга фикрлаш ва уни махсулини турдошларига етказиш учун ИСМ—СЎЗ лар берилган. Албатта бу бирламчи исм-сўзлар инсонлар томонидан ўзини –ўзи англамоғи-танимоғи-билмоғи –фарқламоғи учун учундир. (Одам оғзи билан қулоғи ёки бошқа тана аъзосини фарқлай олмаса бу қандай тафаккур бўлади. Шунинг учун ҳам ИНСОНга берилган **биринчи билим — ИСМ—СЎЗ** лар одам анатомияси, яъни тана қисмларини исмларини билдиришдан бошланган.

### 2. Инсоният учун мутлоқ сўзлар деган хулосага келдик.

–Асосимиз, Қуръоннинг Бақара сураси 31-оятда: «Ва У Зот Одамга барча нарсалар исмини ўргатди...». Ушбу хулоса психология фанининг– инсонда тил ва тафаккур тенг ва бир вақтда пайдо бўлган, –илмий тушунчасига мос тушмоқда. Чунки «тафаккур» ва «тил» бир бирига чамбарчас боғлангандир. Сўз тафаккурнинг моддий ифодаси ва таянчидир. Шунинг билан бирга «сўзлар» тафаккур ҳосиласидир». Биз ушбу мақоламизда, Дарвиннинг илмий эмас, фикрий тахмини– эволюцион назариясига бизнинг худди шундай «революцион назария»мизни қарама-қарши қўймоқдамизки, бунга мантиқий асосларимиз бор. Ушбу фикрларимиз шарҳи билан кейинги мақолаларимизда танишасиз.

### 3. Жаҳон халқлари тиллари, барча тиллар ушбу «Одамато луғати»дан келиб чиққан.

Кейинги таҳлил — изланишларимиз:

**Ан** сўзининг ўзбек ва жаҳон тилларидаги сўзларни ясашидаги ўрни ва мантиқий мазмунлари.

Ан — :

1. Илоҳ, Оллоҳ, Худо, Тангри, Парвардигор, Моҳ, Бог, The God, Астра, Тео...

- 2.Рух, жон. Рухий мавжудотлар: инс, жин, фаришта, шайтон, иблис...  
3.Яратувчи, табиат, борлик, дунё, олам, фазо, чексизлик, коинот...

4.Жонли, хаётий, тириклик...

5.Илохий нур, нур, мўжиза, каромат, сеҳр, сеҳрли...

6.Азиз, муқаддас, буюк, қудратли, раҳнамо...

7.Инсон, одам, биринчи одам, адашувчи, гуноҳкор...

8.Онг, ақл...

9.Океан, денгиз, кўл, дарё, водий, жарлик, хандақ, унгир, ёрик.чуқурча...

10.Оғиз, томоқ, бўғиз,... инсон танасидаги чуқурча-тешиқлар...

11. Бир, сон, рақам, биринчи, бирламчи, қадимий, асосий, намунавий, бошланғич, ...

12.Кўмакчи сўз, сўзларни боғловчи сўз, қарама карши қўювчи сўз — аммо, лекин,бирок, ва ш.к.... Сўзнинг ушбу маъноларига чуқурроқ эътибор қилсак бу сўз буюклик сифатини кўрсатмоқда

Навбатда ушбу «алифбо –луғатнинг» анатомик маъноларини топиш йўлида қилинган илмий тадқиқотларимизни кўрсатамиз. Луғатда ва кейинги ёзувларимизда қўлланилган математик тенглик ( = ) белгимиз – **бир хил маънода** – мазмунини беради ва уларнинг тенглик сабабларини асослаб берамиз. Бунинг учун «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ( 1-2т. З.Маъруфов тахр.да. 1981й. Москва.) китобларининг тегишли бетларидан мисоллар оламиз.

## Одамато тили ўзбек луғатида

### Ан

Ушбу тахлилларга олган сўзларимиз таркибидаги «ан»нинг асл маъноси ортиқча исбот— далилларсиз ҳам англаниб турган маънолардир. Шунингдек ушбу қаторда «ан» сўзи таркибидаги унли (а) ҳарф бошқа унлилар (и, у, ў, е, я, э)га алмашгани ҳолларида (ин, ун, ен...) сўзлари ҳам бу сўзларнинг асл маъноси «Илоҳ» экани яққол кўриниб турган сўзлар мисолларини кўшдик.

«Фалакка қўл узатиб, шамси *анварни* олиб бўлмас».

Ушбу қўшиқ қилиб айтилаётган ҳасос шоир илҳомидаги мисралар таркибидаги **анвар** сўзи Ан — Илоҳ маъносини бераётганини жуда кам фикрлаб кўрганмиз. Фикрлашни бошлашимиз билан кўзга ташланиб турган яқун-хулосани асослашга аргументларимиз етарли бўлмагани учун фикрлашни тўхтатамиз. Лекин барибир ҳақиқат қопга беркитилган бигиздек беркитувчини тешиб, ташқарига, инсон кўз ўнгига чиқаверади.

Анвар = ан + вар. ан —Илоҳ. вар — бор. **Вар** сўзи **бор** сўзининг синонимии эмас айнияти фақат туркийнинг озарбойжон тилида кўрамиз. Шундай қилиб,

Анвар — Худо бор, маъносини бермоқда. *Шамси анвар*, дегани бу *Худонинг яратган шамси*, маъносини бермоқда. Ваҳоланки ҳозирга пайтгача «шамси анвар» ибораси остида фақат — куёш, - маъносини тушунар эдик.

Анабиоз — грек.→рус.→баъзи бир тирик организмларда ҳаётий процессларни вақтинча секинлашуви. (қишда ўлиб, ёзда тирилувчи хашаротлар). тахлил: анабиоз = ан + а + би +оз.

**ан** — Илоҳ → ҳаёт, тириклик.

био — ҳаёт.

Этимологияси: би← бан — туғдирувчи, кўпайтирувчи, уруғ берувчи.

биологик←уруғидан кўпаювчи, туғувчи нарсалар. 1.ўсимликлар уруғдан «туғилади». 2. жонзодлар.

**био** — уруғдан кўпаювчилар: ўсимлик ва жонзодлар.

**оз**— секинлашув, камаюв, озаюв. Кўриниб турибдики тилимиздаги «оз» сўзи билан Европа қабул қилган «оз- » сўзи, талаффузлари мутлақо фаркли ҳолда, айнан қадим арабий сўздан ўтган.

анабиоз— Илохий ирода билан ҳаётий жараёни озайган, сусайган ҳолат, жараён.

Анбиё -- араб. Набийлар, пайғамбарлар

анбиё = ан + биё ; ан — Илоҳ; биё — кел, келган, келтирган. илоҳ + кел (форс. келган , келтирган ) =

Оллоҳдан хушхабар ёки ҳидоят келтирган одам =  
= Оллоҳни элчиси , пайғамбар .

Онҳазрат—форс. аслида «анхазрат». Подшоҳ ва пайғамбарларни шу сўз билан улуғлаганлар.

онхазрат = он + ҳазрат ;

он – Илоҳ, Оллоҳ, Худо...

ҳазрат – хизрлардан бири. Хизр- Оллоҳнинг айрим одамларга илоҳий хабарни етказишга вакил қилинган, инсон қиёфасида ҳозир бўлувчи фариштанинг исми. Подшоҳлар фуқарога нисбатан чексиз имкониятларга эга бўлганлари учун уларни ҳам шундай улуғлаганлар. Шундай қилиб

Онҳазрат – Оллоҳнинг хизрларидан бири;

– Оллоҳнинг хушхабарини етказувчи инсон қиёфасида ҳозир бўлувчи фаришта.

(Муқаддас китобларда Хизр исмли Пайғамбар ҳам яшаб ўтган деган, маълумотлар бор. Лекин бу шахс ва Оллоҳнинг фариштаси бир нарса эмас.)

Ангел – рус. Фаришта ан + гел

ан – Илоҳ

Гел – айрим манбаларда грекча, ген– зот. Бизнингча туркий сўз гел– кел(келган) маъноларига бормоқда. Европа адабиётларида ген– зот, маъноси асосида ангел– илоҳий зот, маъносида тушунадилар.

Иккала ҳолда ҳам: ангел– илоҳий зот ; ангел — Илоҳдан келган зот маъно бир хил бўлмоқда.

– Оллоҳ хузуридан келган хабарчи; илоҳий зот(мавжудот).

Антропос – грек. одам.

ан + тропос. ан– Илоҳ; тропос = иссиқлик; ҳарорат.

– илоҳий руҳли, жонли, иссиқ танли мавжудот – одам.

**Инсан** – ўзб. Одамато ва ундан тарқалган авлодларнинг умумий номи. инс + ан = инсон руҳи + илоҳ.

Инсан – онасидан туғилибоқ – «инга – анга» – деб қичқирувчи биологик мавжудот. (маъноси: **Ан** га раҳмат, **Ан** га шукур) Ҳеч бир бошқа жонзод туғилибоқ бундай товуш чиқармайди.

Инсондаги бу ҳол мўжизадир.

Инсан – лотин. адашган, гунохкор.(бу тилда инсон зотининг тафаккур оламидаги табиати, умумий характеристикаси тушуниланган, қабул қилинган.)

Анима – лотин. руҳ, жон.

ан + има = илоҳ + «тегишли» маносини берувчи қўшимча.

Яъни «илоҳга тегишли нарса».

Ушбу **анима** сўзи асосида ясалган жуда кўп сўзлар деярли ҳамма халқлар тилларига кириб келган: **Анабиоз**.

Анимация – лотин. жонлантириш. Реанимация – қайта жонлантириш.

Анализ – рус.грек. Бирон бир нарсани фикран таркибий қисмларга аж-

ратиб(табиат–Илоҳ яратгандек ҳолатида) тадқиқ қилиш усули.  
Ан + ализ. Ан – бошланғич ҳолат; энг аввалги «Табиат–Илоҳ яратган ҳолат». ализ – текшириш, тадқиқот.  
Анархия – рус.грек. ҳар қандай тартиб қонидани инкор этиш. Ҳеч қандай

хукмдорларсиз яшашни ҳоҳловчиларнинг орзу тузуми.

Ан +архия .

Ан – Одамато яшаган вақтлар, давр – маъносида.

архия – қадимий, эски, раҳбар ва чекловни йўқлиги, эркинлик.

Ушбу қисқагина мисолларимиз билан тақдим қилаётган мавзуимизни инсониятнинг биринчи луғати, яъни Одаматога Оллоҳ таоло берган биринчи билим, сабоқ дейишга комил ишончимиз билан журъат қилдик. Бунга асосимиз инсоният тарихида «буюк олим ва давлат бошлиғи» сифатида ном қолдирган Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ « Тарихи арба-и улус» китобининг таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов таҳририда 1994 йилда йилда чиққан «Тўрт улус тарихи» номли китоби 17-бетда «ҳақ таъолонинг Одамни яратишида кўп ҳикматлар ва турли–туман сирлар саноксиздир. Шу жиҳатдан исм қўйиш илмининг барча қийлу қолини (инсоннинг акли етадиган ва етаолмайдиган томонларини) бевосита унга ўргатди. «Аллама Адам ал асмаа куллаҳа»(Одамга исмларларнинг ҳаммасини ўргатдим.) бунга шоҳиддир.» Юқоридаги тарих китобининг яна 21 – бетда «Машхурдирки, Жаброил алайҳиссалом ерга нозил этилиши (юборилиши) билан Одам алайҳиссаломни дастлаб темирчилик санъатига ўргатдики, ўйин олатларини ясагай, зироат эккай, нассожлик асбобларини тарошлагай, ...ва ўз авлодлари орасидан Шисни нассожлик санъатига ўргатди.» 22–бетда «Уммулқитобнинг (китоблар онаси; биринчи китоб.)нинг абжод, сазах, зазат, Одам алайҳиссалом сурасидирки, Одам алайҳиссалом бу саҳифаларини Сифри Одам деб атадилар.» Яна 35 – бетда «Чунончи Ҳазрати Одам алайҳиссалом Сифрида ҳарфлар... (битилгандир). Ушбу маълумотларга асос муқаддас китоб Қуръон Бақара сурасининг 31– оятидир. Бизда хозиргача диний адабиётлар ва илмий адабиётлар бир- бирларидан фарқли, диний мавзулар фақат «насиҳат» ва илмий асоси етарли эмас, сифатида қаралиб келинган. Бизнинг тадқиқот ва хулоса қилинган фикрларимиз эса бунга тескари: 1.Оламни ва одамни яратилиши Илоҳ илми асосида – мўжизавий, метафизик -яъни моддий олам, қайсики инсон ўзлаштираоладиган илмлар– қонуниятлардан ташқари, Одамато авлодига насиб этган илмлар эса барчаси моддий асосга эга ва инсонлар томонидан илиниб(илм) = олиниб– ўрганилиб, такрорлаш мумкин бўлган ишлардир. Ва бу илмларни ҳам бирламчи очиш –кашф этиш донишманд аталувчи инсонларга насиб этган.

Юқорида берилган луғат маълумотларига топилган асосларимизни шархлаймиз. Бизнинг узрларимиз. Айрим ҳолларда сўзларнинг асл, бирламчи маъноларини аниқлашда айрим келишиқ қўшимчаларга етарли эътибор қилмадик. Сабаб бирламчи сўзлар келишиқсиз, фақат **ном, исм, от** –ни билдирувчи сўзлар бўлган. Шунингдек кўп ҳолларда «ан» сўзининг биринчи ҳарфи «а» турланган холда **он, ин, ун,ўн, эн, йен**, шаклида ясалган сўзларни

хам ҳақли равишда маъно ва моҳиятларига кўра «ан»– маъносига эга, деб қабул қилиб таҳлил қилдик.

М: Луғатдан. 506-бет.

Ўнғалмоқ – асл холига келмоқ, тузалмоқ, яхшиланмоқ.

Таҳлил: асл холига келмоқ = яратилган ҳолати (қандай яратилган бўлса ўша

ҳолати), яъни Худо, Табиат қандай яратган бўлса ўша ҳолати, маъносида.

Бу ерда ўн + ғалмоқ ўн = ан – худо маносини бермоқда.

ғалмоқ = галмоқ = келмоқ . Бу ерда ортиқча изоҳга тўхтамадик, чунки мақсадимиз майда тафсилотлар эмас, биз бу ерда Одамато давридан фикр юритмоқ-дамизки, айрим китобхонларимизнинг луғат бойликларида ушбу сўзларга тегишли бошқа маънолар бўлиши табиий, инсоният тарихи, сўзлар ривож тарихий йўли, шакллари биз фикр қилаётган маъноларга нисбатан оралик ҳолатлардир.

инграмоқ – табиий товуш асосидаги тақлидий сўз. оғриқ таъсирида инсоннинг ичидан чиқарадиган товуши.

Таҳлил: инграмоқ = инг + ра + моқ;

инг = ин = ан – Илоҳ = илоҳий = илоҳий товуш.

рамоқ – қилмоқ, этмоқ, чиқармоқ. табиий товуш = Илоҳий товуш.

Илоҳ берган, шакллантирган товушни чиқармоқ.

унификация = ун + ификация — бир ҳилликка, бир кўринишга, бир маънога... келтириш.

универсал = ун + иверсал — **бир**-га, ягонага; бир жойга; ўзи битта, лекин ҳаммага тегишли, ҳаммага керакли, ҳаммага яроқли..., **бир**-лаштирилган.

### **Бан = Ван— эрлик жисми.**

Ушбу хулосани чиқарилишида Марғилонча **бан** сўзи иштирок этган сўқинишни таҳлилий хулосаси асос бўлди.

**Банда** — луғатда. Худо яратган одам, худонинг қули.

Таҳлил: Одам авлодининг физиологик кўпайиши албатта уни жисмининг қисми — **бан**нинг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Банан** — тропик мамлакат меваси.

Таҳлил: аввало бу меванинг кўриниши банга, ёки бан мевага ўхшайди.

Асосий фикр: банан Табиатнинг инсонга берган озиқ-неъмат.

**Банда** — луғатда. италян. Куролланган каллакесарлар, босқинчилар.

Таҳлил: Барча сўқиниш, ҳақорат, таҳқирлаш сўзлари инсоннинг жинсий аъзолари ёки ҳайвонот жинсий аъзолари, шунингдек ҳайвонларга ўхшатиш шаклида экан. яна италянлардан «**каналья**»— айёр, ёлғончи, алдамчи(аслида—нопок, ифлос) сўзи ҳам мавжуд ва бу сўз Европа тилларига ҳам тарқалган.

Руслар адабиётида сўқиниш сўзларини «**банальное слово**» , дейишади. Ва албатта бу сўз лотин тилидан олинган.

Ўзбек тилидаги «бодиринг», андижон шеvasида «бадринг» сўзининг келиб чиқиши ҳам шу асос «бан»га олиб бормоқда, яъни «бадринг» билан эркиши «бан»и кўринишдаги ўхшашлик асос қилинган.

**Банги** — нашаванд, чекувчи одам.

Тахлил: албатта бундай, инсониятга зиёнли нарсага ўрганган одамга нисбатан ҳақоратли сўз билан аташдан бошқа чора йўқ.

P. S. Бан, кан, зан, нан каби «Одамато луғати»даги инсонни жинсий аъзолари номи ўз номиналидан ташқари бошқа, адабий сўзларнинг ҳам ясалишида хизмат қилган, иштирок этган. Чунки кейинги тахлилларимизда хулосалар чиқдики, «Одамато луғати» — бирламчи Илоҳий сўзлар, номлар, ҳарфлардир ва улар иштирокисиз ҳеч бир миллат тилини тасаввур қилиб бўлмайди. Мисол учун яна Ўзбек тили изоҳли луғатидан сўзларни кўрамиз:

Бандак — паранжининг орқа томонида осилиб турадиган иккита сохта енг.

Банд — бирор нарсанинг ушланадиган қисми. даста, тутки.

Банк — молиявий муссаса. Тахлил: Бу муассаса фуқаролар пулини омонат сақлаб ҳеч қачон ютқазмайди, фақат фойда кўради. (аскиябозлик назари-услуги билан қарасак).

Мантқиқшунослик тадқиқотларимизда **Ван, Ган, Фан** ҳарф-сўзлар инсоният луғатига нисбатан кейин қўшилган, деган хулосага келган эдик. Бу фикримизга илмий манбавий далил ҳам чиқди. Айнан шу фикрни тасдиқловчи маълумотлар «Латинская — русская словарь» китобида мавжуд.

**Вандалы, вандализм** — лот. душманлар, душман ниятлилар.

Тахлил: Бу ерда ҳам **вандал** сўзи **бандал** сўзини турлангани бўлиб, бу сўз билан душманларни, ёмон ниятлиларни ҳақорат билан аталган.

Барча халқлар луғатларида «Одамато луғати»да берилган инсон тана аъзолари хусусиятлари, ҳолатлари, ўхшашликлари ҳисобга олинган ҳолда янги **нарсаларга** ном бериш амалиёти қонуний тарзда амалга ошган. М: Араб тилида «банун — банан» сўзи Одамато луғатидаги «бан»дан олинган.

**Дан** — тиш, суяк

**дандон** — 1. тиш.

2. фил тиши, фил суяги. М: **Дандон** сопли пичоқ.

**дандана** — Андижон қассоблари гўштнинг қовурғали қисмини «дандана» атайдилар.

**данак** — мева ичидаги уруғнинг қаттиқ қобиғи.

Албатта мева **данагини** инсон танаси ичидаги суякка ўхшатиш ўринлидир.

**Жан** — юрак, жон — рух.

Луғатларда асосан **рух-жон** маъносида ишлатилган.

**Жанг** — Жанг албатта жонлардан кечган, жонларни аямаган ҳолда кечинади, чунки бунда қарама-қарши томонлар бир-бирларини ўлдирадилар.

**Жангчи** — ватанини химоя қилишда душманларини **жонини** олувчи — ўлдирувчи ва албатта ўз **жонини** ҳам қурбон бўлишга тайёр одам.

**Жаннат** — рухий оламдаги яхши одамларнинг рухлари макони.

**Жаноб** — ҳурматлов сўзи.

Тахлил: жан + об. жан – жон. об – сув. сув- қувват, ҳаёт манбаи. Демак, жаноб сўзи «сиз ҳаётим қувватисиз» маъносини бермоқда. Аслида ушбу сўз билан энг аввало Илоҳимиз - Оллоҳ аталган.

**Зан** — аёллик жисми.

**Занғар** — хотини ғар(бузук). ҳақорат сўз

**Занталоқ** — хотининг талоқ бўлсин, маънодаги ҳақорат суз.

**Занбар** — тош-тупроқ ва бошқа нарсаларни ташиш учун мўлжалланган ёғоч мослама. **Занбарнинг** шотисини орасида икки киши туриб кўтаради.

**Занг** — металл-темирнинг сув-нам таъсирида оксидланиб емирилиши, бузилиши. Занг аталувчи модда темирнинг ичидан ташқарига чиқади. Бу сўзни қабул қилишда сифат ўхшашлиги асос бўлган.

**Зангори** — яшил билан кўк ранг оралигидаги ранг. Тахлил:

Ернинг баҳордаги ўт -ўланларга бурканган кўриниши. Ушбу сўзда **зан** — **ер** маъносида. **Заннинг** туғувчи сифати **ерга** ўхшатма- асос бўлган ва ерни **зан** аталган.

**Йан** — қўллар

**ёндош** — аслида **йандаш**.— икки ёнимизга қўшни.

**йанги** — аслида йандаги. Йандаги кўйлак. Йандаги нон, Йандаги сув.

Яъни ёнда, ёнимизда олиб юрилган эҳтиёт чора нарсалар: нон, сув, кўйлак ва яна ҳоказолар. Йандаги нарса албатта кўп ҳолларда **янги** бўлади-да.

**Кан** = **Ган** — орқа пешоб.

Кейинги сўзлар барчаси ўхшатма асосда қабул қилинган.

**Канда** — диалект. Ердаги сув кириб кетаётган тешик.



**Канал** — Сунъий қурилган сув оқадиган иншоот.

**Канализация** — чиқинди оқизиладиган қувурлар. *Ўхшатма.*

**Кон** — Бирор **нарсага** жуда мўл, сероб манба

**Конвейер** — узлуксиз ҳаракат билан бирор хонадан иккинчи хонага тешик орқали нарсаларни етказиб берувчи, ташувчи лента ёки занжирли механизм.

**Киноя**, киноя гап — бировга нисбатан айтилган тўғри гап шаклидаги

танбеҳ, норозилик, «маданий сўкиш».

**Ганда** — ахлат, нажас.

### **Лан** — оёқ.

**Ланг** — чўлоқ, оқсоқ.

**Лангар** — Дорбознинг дор устида оёғи мувозанатини сақлаш учун фойдаланадиган чўпи.

**Ланжлик** — қувватсизлиги туфайли оёғида туролмаслик ҳолати.

**Ланка** — оёқ билан тепиб ўйналрадиган оғир нарса ёпиштирилган пўстак парчаси.

**Ландавур** — ҳеч бир ишни уддалайолмайдиган нимжон (демакки оёғи қувватсиз) одам.

Ўзбек тилида бирқанча сўзлар таркибида **лан** ҳаракат ясовчи сифатида мавжуд экан.

М: бошланди, ишланди, ошланди, тишланди, қашланди, мойланди. сирпанди, ювинди, суринди каби сўзлар таркибида **лан**-нинг **л**-си қисқариб қолмоқда, лекин барибир **ан**, **ин**, **ун** каби қисмнинг ўзи ҳам ҳаракат ясовчилик вазифасини бажараётгани кўриниб турибди.

### **Ман** — бурун.

**Манқа** — 1.бурундан оқувчи шиллиқ модда.

2. димоғида гапирувчи.

3. шамоллаш касаллиги.

**Манман**, манмансировчи —

— ўзини бошқалардан устун кўрадиган фақат сўзда эмас, ўзини тутишда ҳам бурнини кўтариб юрувчи, бошқаларга бурни устидан қаровчи одам.

**Ман** — мен. олмош сўз. Сўзни пайдо бўлиши ҳам юқоридаги «манмансираш»

сўзи мантикий сифатига олиб боради.

**Ман** қилмоқ. — таъқиқламоқ. Ушбу маъно ҳам юқоридаги манмансировчи - нинг (мен) айтдим, (мен) таъқиқладим деб, бўйнини чўзиб, бурнини кўтариш, бурни билан ишора қилиши каби ҳолатлардан келиб чиққан.

**Маний** — эркаклар жинсий уруғи. Манқага ўхшайди.

**Манна** — буғдой ёрмасидан бўтқа. Ушбуни ҳам манқага ўхшатишган.

**Нан** — кўкрак, эмчак.

**Нанна** — 1. она сути.

«У ҳали ҳам **нонни нанна** деб юрибди». Бу фикр халқ ичида дангаса, ишқмасга йигитга нисбатан айтилган истехзоли гап:

1. «нон, она сутидай текин» ёки

ўзини бола ҳисоблапти шекилли,- маъносидаги киноя гап.

2. **нонни** болаларча аташ.

**Пан = Фан** — мия

**Пандавақи** — гапга осонликча тушунавемайдиган, калтафаҳм, анқов— мияси ёмон ишлайдиган одам.

**Панд** — ўғитли гап, насихат. Мияга олиш фойдали фикрлар.

**Панд** — алдамоқ, алдаб зиён етказмоқ. Мияси айлантириб, гангитиб ўз мақсадига эришмоқ.

**Панг** — ўзаги қуриб қолган сабзи, редиска, турп.

**Фан** — бирор - бир мавзудаги тафаккур, мия махсули.

**Фантазия** — янги фикр.

**Афина** — ақллилар шаҳри (Ал Беруний. Танланган асарларидан.)

**Ран** — юз, бет.

—Сенга нима бўлди? Рангингда ранг қолмабди. диалект.

Ушбу диалектдан кўриниб турибдики, узоқ даврларда **ран** сўзи ўз позициясини «юз, бет.» сўзларига бериб кўйган бўлсада, барибир юқоридаги «**рангингда ранг қолмабди**» ибораси остида асл маъно сақланиб қолган.

**Ранг** — 1.бўёқ.

2. бирор нарсанинг ўзига ҳос бўёғи.

3.кишининг юзидаги қизиллик даражаси.

4.гап, нутқ, оҳанг ва ш.к.даги нозик бўёқ, тус, жилва.

**Рангпар** — юзини ранги заҳил, рангсиз.

Тахлил: ран — юз; пар — оқ рангли куш пати,

**Ранг-рўй** — киши юзининг ранги ва кўриниши.

**Раъно** — қизил гул

**Ранж** — кўнгилга етказилган озор.

Тахлил: Албатта инсон кўнглига озор етганда бу ҳолат уни биринчи навбатда асабига, асабидан юраги фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат эса уни рангу-рўйида ўз аксини беради.

### **Сан** — кўзлар

**Сан** — сен. Мен бир, сен икки. сан-кўз, кўз иккита.

**Сана** — йил, ой, кун; нарсалар миқдорини санамоқ.

Нарсалар миқдорини санаш **бир** тушунчасидан чиқиб **икки** тушунчасиги етишдан бошланади. Бу масалани ечими **мандан санга** ўтиш билан ҳал этилган, деган хулоса, тушунча чиқмоқда. Хуллас «бир» тушунчасидан «икки(сан)» тушунчасига ўтиш— бу санокнинг бошланишидир.

**Сандал** — қишда ичига ўт солиб, устига кўрпа ёпиб исиниш мосламаси.

**Сандиқ** — сандиқнинг тузилишида кўз-қовоқ бирикмасиги ўхшашлик бор. Кўз устида қовоқнинг очилиб-ёпилиши сандиқ қопқоғининг очилиб-ёпилишига ўхшайди.

### **Тан** — тана

— 1. пуштсиз тухум. 2. вайсақилар.
- κυνεος** (кунеос) — 1. собачий. 2. дерзкий, безстыдный.  
— 1. итфеъл(одам). 2. қайтмас, уятсиз.
- Ξενος** (ксенос) — 1. чужой. 3. чуждый, посторонний, непричастный,  
— 1. ёт, бегона. 3. бегона, ташқаридан келган, далхсиз.
- γαξα-** (газа) — царская казна (персидская) (газа → казна → касса)  
— подшо ҳазинаси.
- γαμος** (гамос) — 1. брак, супружество. — никох, эр-хотинлик.  
— 2. половое сношение, сожителство.  
— жинсий муносабат, никоҳсиз яшаш (ўйнашлик).
- γανος** (ганос) — 1. блеск, слава, краса. 2. сок, живительная влага.  
— 1. кўзга ташланувчи ялтироқлик, шухрат, гўзаллик.  
2. сув, ҳаёт суви.
- γανυμα** (ганума) — **γαννυμα** — веселиться, наслаждаться, радоваться.  
— хурсандлик, лаззатланмоқ, шодланмоқ
- γενεα** (генеа) — 1. род, происхождение, поколение. 7. век, время.  
— 1. авлод, уруғ, келиб чиқиш. 7. аср, вақт.
- γενελογον** (генелулон) — генеология, родословная.  
— генеология, шажара (уруғ-авлодлар маълумоти).

## Дан

- δαναιζω** (данаизо) — отдавать денги в рост. — судхўрлик,  
(кўпайтириб қайтариш шартти билан қарзга пул бериш).
- δοναζ** (доназ) — 1. тростник, камыш. — қамиш (қаттиқ чўп).

## Зан

**ζωτικός** (зсотикос) — дающая жизнь, животворный.  
— *ҳаёт бағишлолчи, яратувчи.*

## Тан

**θανατος** (танатос) — 4. труп, мертвец. — 4. мурда(жонсиз тана).

**θανάτοις** (танатозис) — смертельный, причиняющий смерть.  
— *ўлимга олиб борувчи.*

**θεο** (тео) — бог — Илоҳ, Таоло.

**θεη** (теар) — почитающий бога. — художўй, такводор.

**1.θαομα** (таома) — 1.сосать. 2. кормить грудью. 3. доить.

— *1.эммоқ. 2. кўкрак сути билан боқмоқ. 3. соғмоқ*

. Бу ерда грек-юнон **θαομα** (таома) сўзи арабча «таьом»га тўғри келмоқда.

**2. θαομα** (таома) — 1.глядеть, взирать. — карамоқ, кўз ташламоқ.

2.глядеть с восхищением, восторгаться (посмотрев на  
красивой тело женщины.

— *хайрат ва лаззатланиш билан боқиш(аёлнинг гўзал  
танасини кўриб)*

**θεναῶρ** (тенар) — 1.ладонь. 2.углублен. полость.

— 1. кафт. 2. чуқурлашган маъно. *бўшлиқ (нарсанинг ичи).*

**θεοτης** (теотес) — божественная природа. — *илоҳий табиат.*

**θεραπειῶς** (терапеиос) — религиозное служение, почитание, уход,  
выращивание.

— *1.диний ибодат маросими, эҳтиром.*

3. *парвариш, ўстириш-етиштириш.*

4.

**Οῦ ἐνὶ τῆς θεραπειῶς** (О эни тэс терапеиас) — начальник  
телохранителей. — *тансоқчилар бошлиғи.*

**θεραπειῶς** (терапеиа) — целительные средства, лекарства от болезней.

— *цифо берувчи воситалар, касалликлар дориси.*

**θηλαζω** (телазсо) — кормить грудью. — *кўкрак сути билан боқиш.*

**θηλειῶς** (телеиа) — женщина — *аёл.*

**θηλυ -νοος** (телу-ноос) — по женски кроткий, робкий как женщина.

— *аёллардек хуркак, хотинлардек журъатсиз.*

**θηλυνω** (телуна) — 2. кокетничать — 2. *эркаланиш.*

## Лан

λανος = ληνος (ланос = ленок)

1. λαζ (лаз) — пятой ногой. — бешинчи оёқ.

2. λαζ (лаз) — ударь ногой или копытом, пинок. — тепки.

λαζις (лазсис) — участок земли, земельная площадь. — ер майдони.

## Ман

μαμα (мама) — 1.мама, матушка. 2. бабка. — 1.она, онажон. 2. аёл, хотин.

μαννα (манна) — евр. манна. — манна.

μανια — (мания) — сумасшествие, безумие. — 1.ақлдан озииш 2.манмансираиш.

μαν - ωδης (ман- одэс) — негустой, жидкий. — қуюқ эмас, суюқ.

μεν (мен) — частица — конечно, право же, ведь то, вот именно.

— кўшимча. албатта, тўғрида, у ахир, шунинг учун,

μενω (мено) — 2.оказать сопротивление, выдерживать.

— қаршилик кўрсатиш, бардош бериш.

μινυριζω (минурзсо) — ныть, жалобно стонать. — инқиллаш, ўнташ.

## Нан

ναννος (нанос) — маленький, карликовый. — кичкина, пакана.

νεανιας (нэаниас) — молодой, юный. — ёш, ўсмир.

νεανις (нэанис) — 1.молодая, юная. — 1. ёш қиз, ўсмир қиз.

— 2. две девушки. — 2.икки қиз.

Бундайлар ўзларининг **нани** бўртиб қўзга ташлана бошлаларидан ном-сўз асосланган.

νεο- γενης (нео-геэнс) — 1.недавно родившиеся, новорожденный.

— 1.яқинда туғилган, чақалоқ.

## Пан = Фан

πανη (панэ) — заплата, ловушка троянский конь(умом сделанный вещь)

— тузоқ., ақл билан қилинган иш.

πανη κρατης (пане-кратэс) — всепобеждающий, овладевающий всем.

— мутлоқ голиб, мутлоқ эгалловчи.

πανδκτης (пандктэс )пандекты) — содержащий всё.

— панд̄насихатлар тўплами.

φαντασιο (фантасио) — фантазия,

— впечатление, психический образ, воображение.

— таъсурот, рухий қиёфа, тасаввур, фантазия.

**Афина** — Ал Беруний китобида ушбу сўз — *ақллилар шахри* — маъносида, - деган.

### **Ран**

**ρανδατηριος** (рандатэриос) — обрызганный кровью, обагранный.  
— *қон сачраган, қип-қизил тусга кирган.*

### **Сан**

**σανδαλον** (сандалон) — сандалия, две штуки обуви.  
— *сандаллар (ёзлик оёқ кийими, шиппак).*  
**συν** (син) — вместе, вдвоём — *биргалашиб, икковлон.*

### **Тан**

**τανυ-πεηπλος** (тави -пеплос) — в длинной одежде, — *кенг кийимда.*  
— *широкий, пышный. — кенг, салобатли.*  
**τανυ- πλευρος** (тану-плеурос) — широкобокий, огромный.  
— *кенг ёнли, улкан.*

### **Хан**

**χαν- δον** (хандон) — широко разевая рот. — *огзини катта очиб.*

Хайратимиз учун, хандон = хан + дон .

Одамато луғатида **хан** — оғиз, **дон** — тиш -ни билдиради. Юқоридаги, «хандон»нинг билдираётган маъноси— «катта очилган оғиз» ҳам унинг таркибий қисмлари маъносини тасдиқламоқда, яъни «оғиз» катта очик турган бўлса ундаги «тиш»лар ҳам кўриниб турибдида. Ушбу қадимий юнон сўзи бугунги ўзбек сўзимиз «хандон» билан ҳам шаклан ҳам, маънан мутлоқ бир экан.



Одамато тилининг мантиқий изларини топиш йўлида илмий изланишларимиз деярли барча, қўлимизга тушган бошқа халқлар луғатлари билан ҳам бўлди. Жумладан 1961 йили чоп этилган Н. В. Охотинанинг «Язык зулу» — Очерки о лексике, фонетике, фонетические особенности языка зулу» китобида асар мав- зусида кўзда тугилмаган, анъанавий тилшуносларни қизиқтирган мавзудан бошқа, бизгагина муҳим кўринган маълумотлар эътиборимизни тортди. Зулулар тилида «мутлоқ олмошлар» аталувчи, сўзларнинг ядросини ташкил қилувчи 13 сўз-олмошлар бор экан. Улар ҳар бир конкрет ҳолда мустақил тушунчани ташкил этадилар», деган маълумот берилган экан.

Хусусан: мина, вена, йена, вона, лона, сона, йўна, бона, рона, тина, нина, зона шаклидаги маълумотни айнан олдик ва ҳавола этдик. Кўриниб туриб - дики, узоқ африкадаги ҳалқлардан бири «зулу»-лар тили сўзлар ўзагида ҳам биз «Одамато луғати» атаган сўзлар. Биз билган уч ҳарф бир бўғиндан иборат сўзлар бироз ўзгарган ҳолда ҳар бирига яна бир «а» унлиси қўшилган ҳолда турибди.



Шундай қилиб инсоният отаси — Одаматога Яратувчи томонидан берилган биринчи илм — луғатни бир-бирларидан муайян узоқликда бўлган саккиз ҳалқ: туркийлардан ўзбеклар, араб, форс, ҳинд, хитой шунингдек рус, лотин, юнонлар луғатларидан мантиқий мушоҳадалар асосида аниқланган мисоллар билан асосладик, деб ҳисоблаймиз. Ҳаётга реализм кўзи билан қаровчиларга бизни ва фикрларимизни тушуниш осон бўлади, деб ҳисоблаймиз. Албатта бу биринчи қадам бўлгани учун ҳали шарҳларимизда чалаликлар кўп. Лекин улар тўғрилаш мумкин бўлган нарсалардир. Албатта бу иш китобхонларимизнинг мадад-фикрлари билан амалга ошади.

Ушбу билан Одамато луғатини асословчи биринчи туркум тадқиқотларимизни яқунлаймиз. Мақсадимиз, Яратганнинг изни- иродаси билан яқин келажакда ўзбек, рус, лотин, луғатларини тўла этимологиясини аниқлаш ва қадим араб заминидаги тил этимологиясига боғланиш нуқталарини очишдир. Бунинг учун биз барча ихтиёр қилувчиларни ҳамкорликка чақирамиз. Ушбу мақсадларнинг рўйобга чиқиши тил илминитўласича аниқ фан қаторига чиқаради. Бу ишлар оқибати илм олами ва инсониятни ўзлигини англашида, маънавиятини янада юксалишида аҳамияти бекиёсдир.

## **Инсоннинг табиий товушлари.**

### **Азалий ва абадий товушлар**

Биз юқорида Одам алайҳиссаломга берилган «инсан луғати» билан танишдик. Тадқиқотлар жараёнида барча луғатлар ва лексиконларда сўзларни ясашда асос бўлиб хизмат қилган яна бир, биз **табиий** (демакки илоҳий),—деб ўрганган нарсага—товушларга— этиборимиз тушди. (Илоҳий нарса ёки илоҳий инъомни қандай илмий фарқлаш тўғрисида алоҳида мақолада фикр юритамиз.)

Аввало ушбу мақоламиздаги «табиат», «товуш» сўзларининг тушунча — си, маънолари, моҳиятини аниқлаб олишимиз керак.

Замондошларимизнинг илмий тушунчаларида «табиат» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кўрсатилганидек –1. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун борлик; мавжудот. Табиат ходисалари. Жонли табиат, органик дунё, ўсимликлар ва ҳайвонлар. 2. Теварак-атроф, дала, тоғ, адир, ўрмон, дарё, денгиз ва шу кабилар шароити, манзараси,—деган, тушунча мустаҳкам ўрнашган.

Бахтимизга шу китобда «табиат» сўзининг – сўзлашув тилида қўлланилган, эскирган сўз– **Яратувчи, илоҳий куч, худо** – деган маъноларни ҳам билдириши кўрсатилган. Биз «табиат» сўзини айнан шу маъносида қабул қиламиз. Чунки ушбу арабча сўз «байт» яъни бино сўзи асосида ясалган ва «бино эгаси, бино қилувчи, яратувчи» каби маъноларни билдиради. Шунга кўра «табиат» сўзининг асл маъноси юқорида кўрсатилганидек – **Худо, Яратувчи, илоҳий куч** – бўлиб, бошқа қабул қилинган маънолари биринчининг ҳосиласи сифатида : илоҳ яратган борлик, илоҳ яратган денгиз, илоҳнинг тоғи, илоҳнинг адир...– каби маъноларга эгадирлар ва бу маънолар амалиётда кўпроқ қўлланадилар.

Товуш– деб, одамларнинг турли психологик ҳолатларда ва ҳаётий шароитларда, **беихтиёр ҳолда**, оғзидан чиқадиган **ун-садо**, ҳайвонлар ун-садолари, табиат ходисаларида пайдо бўладиган шовқин-садолар, шунингдек турли жисмларнинг ўзаро урилиши, тўқнашуви натижасида ҳосил бўладиган жаранг-садоларни тушунамиз.

Ибн Сино ўзининг «Рух ҳақида китоб»ида «Инсоний, яъни фақат инсонга ҳос бўлган, унинг яшаши, ҳаёти ва фаолиятидаги, ундаги энг нодир сифат бу товушлардир ва уни фарқлай олишидир. Товуш ҳарфларга бўлиниб, бу бўлинмалар ўз навбатида кўплаб мураккаб қисмларни ташкил этади. Бу мураккаб қисмлар ўз навбатида инсон танаси билан туташади, таъсир беради. Бу мураккаб қисмлар шундай нарсаларки, улар ҳеч нарса билан мустаҳкам боғланмаган ва доимо қолмайдилар, яъни бир онда йўқоладилар».

Инсонлар турли психологик ҳолатларда ва ҳаётий шароитларда беихтиёр товушлар чиқарадилар. Кузатув ва таҳлилларимиз кўрсатдики, бу товушлар инсонларда азалий ва абадийдир. Бу товушларда ҳеч қандай эволюцион ёки маданий тараққиёт изи йўқ. Одамато отамиз ва момо Ҳаводан буён улар ўзгаришсиздир ва шундай қолади.

Товушлар оламида ҳар бир одамнинг товуш оҳангининг ўзига

ҳослиги, одамлар товушларини бир-бирлариникига ўхшамаслиги ҳам инсондаги, ҳали ўзи эътибор бермаган, табиат мўжизаларидан биридир. Бу хилма-хиллик ва ранг-баранглик ичида ҳар биримиз ўз яқинларимиз ва таниш-билишларимизларимизнинг товушларини фарқлаймиз. Шу пайтгача ҳеч ким одамлар товушларини қанча ёки неча хиллигини ўрганганидан хабар топмадик. Фақат мусиқашунослик илмида ёқимли, ашулачи овозлар турларга ажратилган. Лекин ранглар борасида бундай тадқиқот бор экан. Рассомлар биргина қора рангнинг 66 хилини фарқлар эканлар.

Шунингдек ҳайвонлар товушлари ҳамда табиат ходисаларида ва турли жисмларнинг ўзаро тўқнашувларидан ҳосил бўладиган товушларга



инсоният тарихида донишмандлар муайян эътибор берганлар. Чунки инсон ҳаёти шу товушлар ичида ўтади. Бу товушлар асосида уларга тақлид қилиб ясалган-қабул қилинган сўзларнинг ҳамма миллатлар луғат ва лексиконларида катта ўрни бор. Муаммо, ушбу товушларни айнан, яъни тўла ўхшатиб такрорлашнинг, талаффуз қилишнинг ва ёзишнинг иложи йўқ. Тилшунослик фанида инсонларнинг бу товушларга ўхшатма қилиб талаффуз қилишларини «тақлидий сўз» деб аталади.

Табиий товушларнинг инсонлар луғатларидаги ўрни, аҳамияти мавзусининг тадқиқотидаги мурраккаблик шуки ҳамма миллатлар қулоғига ушбу товушлар бир хилда етиб борсаларда, уларнинг «тақлидий сўз»лари фонетик ва орфографик жиҳатдан бир-бирларидан анчагина фарқ қилади. Табиий товушлар миллатларнинг «тақлидий сўз»и сифатида оғзаки ва расмий тилларга кириш жараёнлари, улар ҳарф-товушларни қандай талаффуз қилишларига монанд, ҳамоҳанг ҳолда кечган. Масалан, бақалар товуши ўзбек тилида: вақ-вақ,—деб ёзилса, рус тилида эса: квак-квак,—деб, биз—соат «чиқ—чиқ»,—дейди, десак, русларда «тик—так»—деб, ёзишади. Бир вақтли матбуотдаги илмий мақолада «муайян психологик ҳолатда бир итнинг «хуриши» тўртта қизга тўрт хил эшитилиши» ёзилган. Шундай қилиб «жаранглаётган бир товушни» турли инсонлар турлича қабул қилишлари ҳам табиий жараён, яъни стандартсиз экан.

Ушбу мақолада одамнинг табиий товушлари ҳамда ҳаракат ва фаолияти жараёнида унинг жисмида пайдо бўладиган товушлар ва уларнинг луғатдаги ўрни ҳақида ҳам бир қадар фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Қуйида «Ўзек тилининг изоҳли луғати» китобидан инсоннинг табиий товушлари ва улар асосида ясалган сўзлардан айрим намуналар ва уларга мантиқий изоҳлар келтирамиз.

1. Инга, инға . тақлид сўз. Чақалоқ йиғиси ҳақида.

Кузатувларимизда - инга, инға, анга, анға, ханга, ханға -каби тақлид қилса бўладиган товушларни эшитдик. Ушбу товушлар **чақалоқларнинг биринчи нафасидан бошланиб** «40 кундан 8 ойгача» давомийликда такрорланиб туради. Деярли ҳамма уни чақалоқ йиғиси ҳисоблайди. Бу ҳақда кенгроқ алоҳида мақоламизда фикрлаймиз.

М: ингаламоқ, ингаляция(тиббиётда томоқнинг «инга» товуши пайдо бўлишида ҳизмат қилувчи қисмига буғ ёки газ шаклидаги дори юбориш иши), ингилламоқ...

2 Инсон йиғиси. – инг–инг, хўнг–хўнг, ихи—ихи, уху—уху, пиқ—пиқ, ҳиқ–ҳиқ...

М: **их**ҳилламоқ, **хўн**грамоқ, **ин**дамас, **ин**гичка, **пиқ**қиллаб йиғламоқ, мунгли(аслида **минг**–**минг**-дан ясалган.)...

Биринчи ва иккинчи табиий товушларнинг фарқи шундаки, **инг**алаш йиғидан фонетик фарқ қилади ва ушбу фонетик 40 кундан 8 ойгача давом этиши кузатилган. Уларнинг умумийлиги икковларининг ҳам «йиғи» деб аталишидир. Фарқи, инга фақат бўғиз–танглай–димоғ товушидир, йиғининг бошқа турларида эса димоғ(танглай ва унга туташган бурун бўшлиғи)нинг ҳамда оғиз бўшлиғининг иштироки кенгроқ.

3 Инсон кулгиси. – ха–ха–ха, хи–хи–хи, ху–ху–ху, қикир– қикир, пиқпиқ, воҳ–ҳоҳ–ҳоҳ... –инсоннинг яхши кайфиятида, хурсандчилигида вақтичоқлигида, завқланганда содир бўладиган психологик ҳолати.

М: қикирлаб(кулди), пиққиллади, воҳолади,ҳиринглади, воҳавоҳа, тиржайди(ушбу унсиз кулишда инсон юзининг тиришиши сўзга асос бўлган)... Кулги сўзи эса тақлидий сўз:ку–ку–ку ёки кул–кул–кул –дан ясалган, келиб чиққан.

Хап–хап, ҳаб– ҳаб – Ушбу товуш инсоннинг яхши кайфиятли пайтида ёш болани севиб–эркалатаётган, унинг юзларидан ўпаётганда пайдо бўлади. Ушбу товуш инсон учун энг азиз сўз:– муҳаббат–нинг ўзагидир.

Муҳаббат му + ҳаб + бат

му–масдар. Ушбу ҳолат ёки нарса эгаси,– маъносини беради.

ҳаб– болани (одамни) севиш–эркалаб, «хап-хап»деб ўпишда пайдо бўладиганган товуш, яъни, севиш, яхши кўриш.

бат = ат– воқеа, ходиса эгасига тегишли,уники– деган маънода.

Мен яхши кўраман, севаман, ёқтираман, юрагимга яқин деб биламан.

Муҳаббат ← Оллоҳга, фарзандга, аёлга, ватанга... Абдулла Қодирининг «Меҳробдан чаён» романидаги Солиҳ маҳдум доим такрорлайдиган « ҳабба » сўзи Оллоҳга муҳаббат изҳоридир.

4. Инсон аксириши - апчшуу- апчши-апчше.– Димоғ қичиши натижасида ғайритабиий равишда ўпкадан кескин ҳаво чиқаришда пайдо бўладиган товуш. Ушбу ҳолатнинг юз беришига сабаб: тўсатдан келган совуқ ҳаво оқими ёки меъёрсиз ейилган-ичилган таомнинг таркибидаги аминокислоталар инсон организми таркибидаги кислота-ишқор мувозанатини бузиб юборса, ўз навбатида организм «тасирга акс тасир» билдириб акса уриш содир бўлади.

М: аксирмоқ, диалектларда:– аскирмоқ, апширмоқ, чучкирмоқ; акс-садо, аксинча, аксланмоқ, аксар ҳол, аксинча, аксар ҳол, аскар, акт рус.лотин.→акустика, актив, аксиома рус.юнон.лотин; ...

5. Ҳиқ–илк маротаба ҳар бир инсон она қорнидан чиқиб,уни ҳаётий таминлаётган йўлдошдан киндиги узилган онда биринчи сесканиш ва биринчи «ҳиқ» билан у ўпкасига ҳаво ютади,шунингдек инсон жони танасидан чиққанда,ва яна ички қайғу–алам кучайганда беихтиёр чиқадиган товуш. Унинг хусусий холи: ҳиқичоқ–

Ушбу ходиса ёш болаларда осон кузатилади, йиғлаб–йиғлаб тўхтаганларидан

кейин ҳам бундай товушни чиқарадилар. Бу товуш қадимий араб тилида «ик», «ақ»шаклида қабул қилиниб энг аввало–узилиш, ажралиш маъносида, сўнгра–товуш,→ сўз,→ сўзлаш,→ гапириш,→ фикрлаш, ақл... ва яна бир қанча сўзлар, шунингдек жаҳондаги жуда кўплаб миллат сўзларига асос қилинган.

М: ҳиққиллама, ҳиққилдоқ.ҳиқичоқ, иқроараб –сўзла, ўқи; →икрор, иқбол, истиқбол, иқлим (илоҳий иш ←илоҳий сўз, илоҳий илм ) ...

6. Инграш. –ички оғриқлар ёки алам чидаб бўлмайдиган даражага етганда беихтиёр чиқадиган товуш. Бу товушни «мунг» ҳам аталади.

М: Инграмоқ, ингичка, индамас, мунгли, мунғайган.

7.Тўлғониш– Ушбу сўз билан юқоридаги психологик ҳолатларда нотинч, буралиб,ағдарилиб ётиш– жараёнлари аталади.

8.Йўталиш. –ўхў–ўхў, ўххў–ўххў, ихи–ихи...

М: ўхўлаб йўталди.

9.Эснаш. Чуқур нафас олган куйи ихтиёрсиз, оғизни катта очиб ҳаво ютиш жараёни. Буни ҳомуза– деб ҳам аталади. Ушбу психологик ҳолатнинг номида сўз ўзаги «эс» ётибди. «Эс» сўзи эса «инс»= рух сўзининг турланганидир.

Эс–одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти; ақл, ←онг, ←мия.

Эснаш–одамнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчоқ ҳолатида ёки тўсатдан руҳий қувватсизланганида, беихтиёр, ўз–ўзини табиий– руҳий энергия билан тўйинтириш жараёнидир.Демак одам чарчаганда унинг мияси, онги,ақли руҳи чарчаган бўлади ва «беихтиёр эснаш» асосида унда йўқотилган «энергиянинг тикланиши» жараёни бошланади. Яна эсновчига қараб турган бошқа одамларга ҳам «эсноқ»нинг юқиш хусусияти ҳам бор. Бу– парапсихологик ходиса–ўзаро энергия алмашинув жараёнидир.

Мантиқий тадқиқотларимиз «эснаш» сўзи учун асос–ўзак ушбу психологик жараённинг моҳиятидан олинган, деган фикрга келтирди. Агар тақлидий сўз кўлланилганда «ҳомуза» сўзи анчайин мос тушган бўлар эди.

Эснаш= эсн+аш= (эс ← ис←инс = рух) + аш = рух + одам

Бу ерда «эснаш» сўзининг ўзаги «эс» жараённинг моҳиятига монанд «инс»дан ясалган бўлиб, сўз аввал «иснаш» шаклига, сўнгра «эснаш» ҳолатига турлантирилгандир ва «рух» ёки «руҳий қувват» маъносини беради, «аш» сўзи эса қадимий араб тилида «одам» маъносида, умумлаштирсак «одамни руҳий қувват олиши» маъносини беради.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида «эснаш» сўзининг таркибий қисми «эс»дан ясалган 45 дона сўз санадик.

М: эсар, эслик–хушлик, эссиз, эсдалик ...

10.Тупириш– ушбу жараёнда ҳосил бўладиган товуш адабиётимизда асли арабча «туф»шаклидаги тақлидий сўз билан ифодаланиб, тилимизда кўпинча «туп» шаклига турланиб, кўпгина сўзларга асос бўлиб хизмат қилади.

М: тупирги, туппак, туфдон, туф– лотин, рус, ўзбек.–вулқон –дан ҳосил бўлган, қурилиш материали сифатида ишлатиладиган тоғ жинси номи; тупроқ, тупроқшунослик, тупроққалъа...

11.Хуррак–уйкуда, нотўғри ётиш ёки ўта семизлик туфайли нафас олишнинг қийинлашувидан пайдо бўладиган, **хурриллаган** товуш. Диалектларда — хўррак, хуррак - шакли ҳам мавжуд.

М: хурракчи, хур, хуррам, хуррамлик, хурсанд, хурмат

12.Инсон унлари.

Авалло айтишимиз керакки, инсонларнинг турли психологик ва ҳаётий ҳолатларда беихтиёр чиқарадиган товушларидан бир қисми –ун (ушбу сўздаги «у» ҳарф–товушининг талаффузи биз ўрганган «у»дан фарқ қилади) деб, ҳам аталади ва у– товуш сўзининг синонимидир. М: Унингни чиқармай ўтир!

Ушбу унлардан унли ҳарфлар: а, о, и, у, ў, э, е(йэ), ё(йо), ю(йу),я(йа)– ҳарфлар қабул қилинган. Инсон талаффузида бу ҳарфлар оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай чиқадилар.Бошқа миллатларда ушбу унли ҳарфларга ёндош бошқа унли ҳарфлар ҳам қабул қилинган.

Бу товушлар– жисмоний, шунингдек қаттиқ руҳий оғриқ сезганда, ҳайратланганда, дахшатга кириш ҳайқириғи–душманига ёки ваҳший ҳайвонга қарши жангга ташланганда, тўсатдан пайдо бўлган фалокат ёқасида (М: кутилмаганда жар ёқасига келиб қолганда, йўл–транспорт ҳодисаси фавқулодда вазиятида) ва бошқа кўплаб ҳаётий ҳолатларда содир бўладилар.

|            |   |
|------------|---|
| А-а- а     | Айй, ахх, ахх,                              |
| О-о-о      | Охх, охх, ойй                               |
| И-и-и      | Ихх, ихх, ийй,                              |
| У-у-у      | Ухх, ухх, уйй                               |
| Ў-ў-ў      | Ўхх, ўхх, ўйй                               |
| Э-э-э      | Эхх, эхх, эйй                               |
| Йа-йа-йа-я | йо-йо-йо-ё йу-йу-йу-ю йэ-йэ-йэ-е –Ушбу унли |

товуш ва ҳарфларда «й» урғусиз, ўта юмшоқ талаффуз қилиш асосида унлашган ва бундай ун ҳаётийдир.Энг муҳими бу унли ҳарфлар ҳам табиий товушлардир, яъни ушбу товуш–ҳарфлар ҳам муайян табиий шароитларда ўз-ўзидан, беихтиёр, тафаккур иштирокисиз инсон оғзидан отилиб чиқади. Яна шунингдек «ун» сўзини алоҳида таҳлил қилсак, бу сўз «ан» сўзини турлангани, маънодоши эканини кўрамыз. «Ан» сўзининг эса бошланғич маъноси «илоҳ»дир, демак «Инсон унлари» табиийдир,яни у инсон ақл-идрокининг маҳсули эмас, **табиат**дандир, демакки Оллоҳдандир.

### Ундош ҳарф-товушлар

Ушбу тадқиқотимизда инсон луғатининг иккинчи ташкил этувчи товушлар яъни тилшуносликда ундош ҳарфлар деб аталувчи ҳарф-товушлар этимологияси устида фикр юритмоқдамиз. Бу ҳарфларни ундош аталишига сабаб улардан бир қисми бир-бирларига ўз жаранги бўйича яқиндирлар.Шу

билан бирга улар унли ҳарфлардан паст жаранги, паст уни билан ҳам фаркланадилар

Масалан: б←в, б←п, п←ф, к←қ, к←г, г←ғ, м←н, т←д, з←с, ш←с,  
Ушбу ҳарфларни ундошлиги туркий ҳалқлар луғатларидаги айрим сўзларни солиштганимизда яққол кўринади. Улар бир маъноли сўзларда алмашган ҳолда қўлланилсада сўзлар маъно-моҳиятлари ўзгармас қолади. Масалан: Ўзбекларда – бош, бошим, бошқа...

Қозоқларда – бас, басим, басқа ва ш .к. ва ҳ. к.

Ундош ҳарфли товушлар инсон томонидан, биз ҳали уни онгсиз деб ҳисоблайдиган, гўдаклик даврларида унинг оғзидан талаффуз қилинишига эътибор қаратайлик.

Ат-ат- ат

Баб-баб-баб

Дад-дад-дад

Гаг-гаг-гаг

Мам-мам-мам

Пап-пап-пап

Тат-тат-тат

Бу товушлар гўдаклар «ижодининг» маҳсулидир, демак табиийдир. Бу ҳолат инсонлар луғатларидаги барча ҳарф-товушлар табиий, демакки илоҳий фаолият маҳсули эканини кўрсатмоқда.

Яна бир қатор, муайян табиий ва ҳаётий жараёнларда инсон оғзидан беихтиёр чиқиб кетадиган, ундош ҳарф-товушлар иштирокида ясалган, илмий талқинда икки ёки уч ҳарф билан ифодаланадиган, лекин амалда бир ун-товуш сифатида жаранглайдиган табиий товушларимиз мавжуд ва улар ҳам луғатларимизни бойитувчи «хом-ашё»лардир.

Ба, бо, бу, бў, би, бээ, бай–бай–бай

Ва, во, вў, ву, ви, вай, вой, вэй, вуй, вий, вахх.

ха, ҳо, хи, хэ, ху, хў, хай–хай, хай–хуй, хий, хэй.

га го ги гу гў гэ

да, дад, дод, дит, дуд, дўд, дэд

жа жо жи жу жў жэ

за зо зи

Ушбу товушлардан бизга ўта танишлари– вой– дод, хай,ҳай, хуй, хей, ҳмм, –жаа (очилич кетибсизми), ийи–ийи– ийи (зап келибсизда)

Инсон танаси ҳаракатида пайдо бўладиган товушларга тақлидий сўзлар

бармоқлари шаққиллайди, қирсиллайди,

Бурни пирқиллайди, шилқиллайди. хўртиллайди, хўриллайди...

Гангир –гунгир овозлар, чакчақлашиб ўтирибди.

Диккиллаб, зинғиллаб уйига чопди.

–Жиз–жиз, жизза, жиззаки (жирраки), жизғанак.

Совуқдан жағлари– какирларди, такирларди. Кикирлаб– қикирлаб кулар эди.

Итдек саккиллаб юрибди.

лаққиллаб

маккиллама (бемани сўзларингни кўп гапираверма!), кўзлари мўлтираган...

Оббоо. обболама,

қадами гурсиллайди, дуппиллайди, дуккиллайди.

Паш–паш, (қўли куйиб пашпашлаб қолди), **пишшил**лаб ухлаш,

Пуф –пуф. Пуфлама, писмик  
Суяклари ғисирлайди  
Тиззалари ғижирлайди, таккиллаб юрибди  
Тишлари таккиллайди  
Шак–шубха, шивир–шивир, шиппиллаб кетди,қулоғи шанғиллайди  
Юраги дуккиллайди.  
Ит юравериб ҳақкиллаб, тили осилиб қолди.  
Ба бақирмоқ  
Бў бўқирмоқ бўқиртирмоқ  
Мак–мак  
Минг–минг, минғир–минғир,миш–миш, миқ–миқ, мош–мош,  
Чак–чак чак–чак чақирмоқ чақкиллатмоқ

### Тасаввурий товушлар

Бошим ғуввилаяпти, лўққиллаяпти, жиққиллаяпти  
Кўзлари пориллайди, яраклайди, ялтирайди, жовдирайди  
Болдирлари диркиллайди, лорсиллайди  
Қовоқлари пирпирайди  
Суяклари зирқирайди, зинғиллайди, шақирлайди  
Қулоқлари шанғиллайди  
Юзлари тиришган  
Этлари жимирлайди, жиққиллаб санчмоқда

### Табиий товушлар

Биз юқорида жаҳоннинг барча халқлари луғатлари таркибида катта миқдор сўзларнинг асосларини ёки таркибий қисмини табиий товушлар ташкил қилишини айтдик. Табиат деганда биз – ер планетаси ва ундаги инсоннинг иштирокисиз мавжуд бўлган, ўсаётган, сифатлари ўзгараётган нарсалар- ни тушунамиз. Мана шу тушунчамизни моддий асослари, қисмлари табиий-ҳаётий жараёнларда муайян товушлар чиқарадилар. Энди айтилган фикрни аниқ мисолларини кўриб чиқамиз. Келтирадиган

мисолларимиз «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китоби (икки томлик. З.М.Маъруфов таҳрири остида.) маълумотлари ҳамда ўзимизга маълум миллий диалект-шеваларимизда мавжуд тақлидий сўзларни ҳам қўшганмиз. Албатта, биз эслай олмаган ёки беҳабар товуш-тақлид сўзлар ҳам бор. Бунинг учун узр сўраймиз.

### Табиат товушлари

Ушбу маълумотларда табиат ҳодисаларидан пайдо бўладиган товушлар асосида қабул қилинган тақлидий сўзларни биратўла улар асосида ясалган сўзлар таркибида берақолдик. Тақлидий сўзлар остига чизилган.

Сув–шовуллайди, шалдирайди, шилдирайди, чулдирайди, томади, чаккиллайди.

Шамол–эсади, гувиллайди, увиллайди. Шабда, аслида шаббода эсади, ғириллайди. Шаб+ бода. шаб–араб. тун, бода– форс. совуқ, салқин ҳаво.

Момақалдиروق=момагулдирак– гулдирайди, қалдирайди, гумбирлайди,

Чакмок чақади, қарсиллайди.

Айрим зилзила пайтида ер остидан гулдираган овоз эшитилади.

Денгизда бўрон хайқиради. Хайқирик сўзи арабча иқ, икро–ўзбекча хиқ – яъни товуш, сўзи асосида ясалган.

Ёмғир шивалайди, томчилайди, чаккиллайди. Сел шовуллайди.

Гуппиллаб қор ёғмоқда.

Ўрмон шамолда шоввулламоқда.

Шабдада бақатерак барглари шилдирамоқда, тол барглари эса хилпирамоқда.

### Физик товушлар

Биз ушбу мавзуда табиатдаги, ишлаб–чиқариш жараёнларидаги, уй–рўзғор ва бошқа маиший–турмуш анжомларини ҳаракатлантириш жараёнларида пайдо бўладиган товушлар ва улар асосида қабул қилинган тақлидий сўзлар ва бу тақлидий сўзлар асосида ясалган бошқа сўзларни кўриб чиқамиз. Эътибор қилишимиз шартки, бу товушларни пайдо бўлишида инсон фаолияти мавжуд бўлсада, бу мавжудлик табиат муҳитида бўлади. Демак, бу товушлар ҳам табиийдир. Чунки биз мавжуд бўлган табиатдан бошқа муҳитда, яъни космосда ёки бошқа планетада бу товушлар ё бошқача

бўлади, ёки умуман бўлмайди.

1. Бак, бум, бим, бўм, бак, буқ, биқ... бада–банг, бака–банг, гиж–банг, бўт–бўт, бўк–бўк...

М: Чилдирмалар овози бака– бум янграмоқда.

Қозондаги шўрва биқиллаб қайнамоқда.

Бўтқа, бўтана (бўтқасимон) сув

Бўкса (думба), бўкмок–одам ёки ҳайвоннинг ошқозони емишга ўта тўлгани учун қийналиб бўў–деб юборади.

Виж–виж, виқ–виқ, виқ–вуқ...

Гум–гум, гумбир–гумбир, гурс–гурс, гудус–гудус, Замбарак гумбирлади.  
Дак –дак, дакир –дакир, дакир–дакир, дақа–дақ, данг –данг, дангир –  
дангир, дунг –дунг, дунгир –дунгир, дик –дик, дикир –дикир, динг –динг,  
дингир –дингир, дук –дук, дукир –дукир, дўнг –дўнг, дўнгир –дўнгир, ддр...  
Жанг–жунг, жангир–жунгир, жаранг–журиг, жакир–жукир, жинг–жириг,  
Жақ–жуқ, жиқ –жиқ, жарақ–жарақ, жим–жим, жимир–жимир, жикир–  
жикир, жикир–жикир, жақа–жуқ, жиқа–жиқ, Жиққиллаб игна санчилди.  
Жиққа ҳўл бўлди.

Зинг –зинг, зирқ –зирқ. Унинг суяклари зирқираб оғрир эди.

Какир –какир, кукир –кукир, кик –кик. Кикир –кикир

Ланг–лунг, лангир–лукиг, лангир–ликиг, лиқ–лик, лиқ–лик, лўқ–лўқ,

Лоп–лоп, лип–лип, лорс–лорс,

Мак–мак, мокки, моккидўз,

Пап–пап, поп–поп, пип–пип, пат–пат, пит–пит...

Тар–тар, так–так, тақ–тақ, тап–тап, туп–туп, тук–тук, тик–тик, тиқ–тиқ, тук–

тук, тўк–тўк, такир–тукир, такир–тукир, тап–туп, тапир–тупир, типир–типир,

так–така, така–так, тақа–туқ, тикир–тикир, тиқир–тиқир, тринг–тринг, тир–тир,

М: техника, типратикон, типирчиламок, тормоз, транспорт, трактор,

Пақ–пақ, пақ–пуқ. Тўппонча паққиллади (аслида–тўппиллади).

Чокидан сўкилди, чак машина

Ялт–юлт, ярақ–юрук

Шап–шуп, шақ–шақ, шиқ–шиқ, шарақ–шурук, шақир–шуқир, шиқир–шиқир,

шапир–шупир, шарт–шурт

Чак–чак, чак–чук, чик–чик, чиқ–чиқ, чакир–чуқир, чақир–чуқир, чим–чим,

чимир–чимир, чирқ,

Қиз–қиз (қизик,)

### Чолғу асбоблари

Най– чий–чий.

Ноғора, дўмбира, чирманда, доира–дўм–дўм, бака–бум, така–тум...

Карнай– вот–вот, ғата–ғат

Сурнай–чий–чий

Дутор–динг–дириг

Танбур–тинг–тириг

Ғижжак –ғий–ғий ... ва яна бошқалар

### Жонзодлар товушлари

Навбатдаги инсонлар луғатларидан ўрин олган, шунингдек бошқа сўзларни яшашда ҳам ўзак–асос бўлиб ҳизмат қилаётган табиий товушлардан яна бир тури жонзодлар товушларидир. Бу товушлар ҳам табиий, яъни товуш чиқарувчиларнинг изтиёридан ташқари товушлардир. Этибор беришимиз керакки жуда кўп жонзодларнинг номлари бевосита улар чиқарадиган товуш–тақлидий сўзлардан олинган. Шу жумладан



## Уй ҳайвонлари

Мол (сигир)– мўў.

Мол мўради.

Қўй – баа.

Қўй бааради.

Эчки – мээ.

От – хи–хи–хи, кишнайти.(хиш–хиш, киш–киш)

Эшак–ҳанграйти

Туя – ўўў, ўкирайти.

Ит – ак –ак, вак –вак, вов – вов, ҳов –ҳов. Ит ангиллайти, кучук вингиллайти.

Мушук – минг – минг, миёв – миёв.

## Ёввойи ҳайвонлар

Арслон – наъра тортди, ўкирди.

Бўри – увиллайти.

Илон – вишшиллайти.

## Уй парандалари

Товуқ – ку–ку,

Хўроз – куқку–куқку

Товуқ жўжаси – чип– чип, жип– жип.

Ғоз – ғо –ғо.

Ўрдак– ға –ға.

## Парандалар

Мусича – кукулайти.

Чумчуқ –чирқ–чирқ.

Булбул – вит –вит, чах –чах.

Бедана – бит –билиқ, битбилдиқ, питпилдиқ.

Қалдирғоч – вижир –вижир, ғужир –ғужир, қалдир –қалдир.

Қарға – қар –қар.

Хакка – шик –шиқ.

Какку – как –ку.

Бойўғли – худ –худ.

## Ҳашаротлар

Бақа – вақ –вақ.

Чигиртка –чир –чир.

Пашшалар, куртлар – виж – виж, ғиж–ғиж.

Сичқон– чий– чий. Шевада – чичқон – чиййилловчи.

Қурт – курт–курт. кирт-кирт Дарахт танаси ёки баргларни ейиши жараёнида шунга ўхшаш товуш чиқарайти.

Христиан ҳалқларида «баптистлар» аталувчи қавм бор. Бу қавмни бошқалардан ажаратиб турувчи «баптист» сўзини келиб чиқишини ўрганганимизда бу сўзнинг маъноси русларда– крещение, ўзбекча «чўқинтириш» бўлиб, бу чўқинтириш маъросимининг асосий саҳнаси черковдаги муқаддас сувга чўқинтирилаётган чақалоқ, бола (ёки киши) уч марта шумғитилади. Бу одат аслида Яҳё пайғамбар замонидан қолган бўлиб, Яҳё пайғамбар Иордан дарёсида ҳатто... Исо алайҳиссаломни ҳам чўмил - тирган. (Инжил). Ушбу сувга шумғитиш жараёнида одам боласи беихтиёр «хўпп» деган товуш чиқаради. Ушбу товуш ўзбекча талаффузда «хўпп» православ қавми ( юнонлар, славянларнинг бир қисми) талаффузида « бапп» талаффуз ва кўринишига келган.

### **«Этимология»нинг этимологияси**

Ушбу тадқиқотимизни сўзлар ва уларни таркибий қисмларга тўғри ажратиш, уларнинг бирламчи, асл маъноларини, шунингдек замонавий маъноларини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўналишларида олиб бордик. Минг бор таассуфким ушбу мавзуда фан археологик далил ашёларга эга эмас. Қадим Миср ёдгорликлари ва яна бошқа шу каби ёдгорликлардаги ёзувларни пок рухли, беғараз олим, асли касби тилшунослик бўлмаган француз Шампалеон

ўқишга, тафсирлашга эришган бўлсада улардаги гап, сўзларнинг шаклланиш грамматик қонуниятлари ҳақида фикрлар айтишдан ўзини сақлаган.

Жаҳондаги барча миллатлар тилларининг асоси қадим араб тили асосида пайдо бўлган, дейди тилшунос донишмандлар. Лекин бугунги илм-фан соҳасида эса – **мен маймун авлодиман** – деб, фан соҳасида тирикчилик қилиб юрган, юзаки тушунчали шахсларнинг фикрлари хукмрондир. Бу ҳолат ўз навбатида инсониятни Ҳақдан, ҳақиқатдан йироқлаштиради, илмий ҳақиқатга қарашларини шубҳага айлантиради.

Тилшунослик фанида сўзларнинг келиб чиқишини, манбаини ўрганадиган бўлим «этимология» аталади. Ва бу сўзни ўзи юнон(грек) тилидан рус тилига ва рус тилидан бизнинг ўзбек тилига ҳам ўтган. Энг аввало ушбу сўзнинг ўзини юқорида айтилган тарихий ҳақиқатдаги илмий асосини топиш-га ҳаракат қиламиз.

Бизнинг этимологик тадқиқотларимиз ананавий этимологик услубдан фарқ қилади. Тадқиқотларимизда сўзларни таркибий қисмларга ажратдик. Бу таркибий қисмларни «Одамато луғати», табиий товушлардан ясалган тақлидий сўзлар, шу товушни келтириб чиқарган ёки ушбу товуш билан боғлиқ ҳодиса маъно-моҳиятидан, арабий этимологик маълумотлар ва мантикий мушоҳада асосида таҳлиллар қилдик, тушунишга ҳаракат қилдик. Айрим ҳолларда бу маълумотларга сўзларнинг англашилган маъно-моҳияти доирасида ижодий ёндошувлар қилганмиз. Тадқиқотларга олган сўзларимиз ва уларни изоҳлари манбаси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (Ўзбекистон фанлар академияси Пушкин номли тиллар институти. З.М.Мағруфов тахр. 2 томли. Москва 1981) китоблари бўлди. Бундан кейинги ёзувларимизда «Ўзбек тили луғати» да шундай берилган, деб ёзиб борамиз.

Ўзбек тили луғатига кўра

**Этимология** – рус←грек. 1. тилшуносликнинг сўзларни келиб чиқишини, манбаини ўрганадиган бўлими.  
2. Сўзнинг манбаи, сўзнинг келиб чиқиши.

Ушбуларга яна, – сўзшунослик; сўз тарихи; сўзнинг асл, мутлоқ, бирламчи маъноси,

– каби изоҳларни ҳам қўшамиз, чунки бу фикрларимиз **этимология** мавзуси бўйича ҳаётий мушоҳададан келиб чиқмоқда.

Шу жойда тилшунос мутахассисларга бир узримизни айтиб ўтаемиз. Таҳлилларимизда «морфология» ва «морфема» атамаларидан фойдаланиш-

дан мутлақо воз кечдик. Чунки бизнинг фаҳмимизда, бу сўзнинг асоси форсий бўлиб, **мор** – ўлим; ўлик маъносига эга.

Сўзларнинг таркибий қисмлари – сўзларнинг ўзаклари «морфема» – яъни, ўлик эмас, балки улар тирикдирлар. Сўзнинг тириклиги шундаки, у мантиққа эга, мантиқда рухий куч мавжуд, ушбу рухий куч инсон онги-тафаккурини кўзғотади, ишлашга мажбурлайди, инсонга онги - руҳига ижобий ёки салбий таъсир етказди. Буни тадқиқотларимиз давомида кўп томонлама изоҳлай -

миз. (Сўз маъно-моҳиятига кўра «морфология» атамаси тиббиёт фанида тўғри қўлланган. Ушбу соҳада мурдалар жисмидан намуна олиб тадқиқ этадилар.)

Асосий сўзни таркибларга ажратиб, ҳар бир қисми алоҳида кўриб чиқамиз.

**Этимология** = эти + мо + лог + ия.

Асосий мавзу сўзшунослик ҳақида бўлгани, қадимда бирламчи сўзлар эса **ном, исм, от** сўзлар бўлганини (айрим тилшунослар фан қилганларидек, -фeyл эмас.) ҳисобга олиб фикр қилсак, этимология – сўзшунослик – номшунослик, исмшунослик, отшунослик – маъносига тўғри келиб турибди. Яъни,

**Эти – ном; исм; от.**

Назаримизда ушбу «эти» ўзак сўзи, ўзбек тилимиздаги «оти», ← «от» сўзининг фақат бошқачароқ талаффуз қилинаётгани эканига имонимиз комил бўлди. Улар ягона манба- сўздан келиб чиққани шундоқ кўриниб турибди. Яъни грекча «эти» сўзи билан ўзбекча «оти» сўзи синоним сўзлардир. Ушбу мулоҳазалар жараёнида фикримизга яна бир сўз келди: лотинча «name» ўзбекчада «номи» шаклида мавжуд ва уларнинг маъноси битта. Ушбу ҳолатдан яна бир мантиқий ҳулоса чиқадики «от»; «оти» ёки диалектда «ат»; «ати» сўзи тилимизда инсоннинг исмини билдирувчи сўздир ва асли қадим араб луғатида боради. Кўп сўзларни тахлилидан:

қадим аравий «ат» ёки «от» сўзи асл бирламчи маъноси — «кимса», «шахс», «одам», «яралмиш» маъносини билдирган. Шу билан биргаликда «Ўзбек тили изоҳли луғатида», тилимизда

**ато** — яратилган, маъносини берадики, ушбу сўз остида асосан Одамни тушунамиз, эслаймиз.

Ушбу мантиқий маънони жуда кўп сўзлар тахлилида кузатмоқдамиз.

**мо** – ушбу сўз «Одамато луғати»даги «ман» – **бурун**, ҳарф – сўздан ясалган. «Ман» эса Илоҳнинг биринчи исми **ан** сўздан ясалган. «Ман»нинг тарихан иккиламчи маъноси куп тиллирда ва адабиётларда қўлланишига асослансак – бир, биринчи, ягона, олдинги ва Илоҳ ... маънолари - дир.

**лог**рус – ушбу сўз лотин тилидаги «logos»– «логос» сўздан чиққан бўлиб, бу сўз араб тилидаги لَغ «лағ» – сўз, гап» – сўздан келиб чиққани кўриниб турибди. Ва ҳатто ушбу сўз бугунги ўзбек тилида «лақма, лаққилламоқ, лаққи, лақаб, лукма, луғат» каби сўзларнинг асоси сифатида тилимизда ҳам мавжуд экан. ( М: –ҳадеб лаққиллайверма! ). «лог» сўзи бизга кўпги-

на фанларнинг номини ифодаловчи сўзларни ясовчиси, таркибий қисми сифатида маълум: биология, филология, зоология...

Шундай қилиб

**ЛОГ** лотин = **ЛАГ** араб = **сўз** → **гап** → **илм- фан...**

«Этимология» сўзи таркибидаги тўртинчи бўғини бўлган «**ия**» = **ийа** = **ийэ** = **ийи** сўзининг аслида инсонларнинг табиий товуши турибди. Ушбу сўз тилшуносликда сўз ясовчи кўшимча аталади ва инсоннинг «табиий тову-

ши» -дан ясалган «тақлидий сўз» ҳисобланади. Ушбу тақлидий сўз арабча этимологияда Яралмиш (Инсон)- нинг Яратувчи– Оллоҳ билан учрашуви, юзла- шуви пайтидаги ҳайратланишни билдиради. (Буни омон бўлиб яшай- версангиз аста-секин тушунасиз). Ҳаётда деярли ҳаммамиз ўта яқин, қадрдон кишимизни бирор жойда учратиб қолсак ёки қутилмаган ҳолда кимнидир кўрсак ҳайратимизни яшираолмай, беихтиёр – иййа, иййи, иййе яна шунингдек айй, вой, (руслар– ойй; инглизлар– waw – вау ) каби товуш чиқарамиз.

Ушбу табиий товушдан ясалган тақлидий сўз бошқа тилларда ҳам, хусусан араб, форс, хинд ва туркий, шунингдек европа, хусусан рус тилларида сўз ясовчи кўшимча сифатида:– ия(ийа), ий, ият(ийат), йа, йат, ат,... шаклларида кенг истемолда мавжуд эканини кузатдик ва албатта ушбу сўзлар турли миллатларда турлича урғу ва талаффуз қилиниши билан фарқлидирлар, лекин маъно- моҳияти бирдир.

Ушбу табиий товушни тақлидий сўз, грамматикада сўз ясовчи кўшимча ҳисобланадиган «**ия, иййа**»нинг бирламчи маъноси:

1. – инсоннинг Яратувчи – Оллоҳ билан юзлашуви.  
кейинги маънолари: .

2.– таниш, билиш, ҳамкасблар, ҳамюртлар, ҳамкасблар, ҳамҳоналар, ватандошлар...

М : хокимият, хукумат, жумхурият,

хокимият = хоким + ият;

хоким – хукмдор, раҳбар.

ият – хоким ёрдамчилари

хокимият – хоким ва унинг ёрдамчилари.

Россия, Греция, Англия, Туркия, империя...

протекторат, ректорат, патриархат...

Росс + ия. русс...+ лар яшайдиган жой.

3.– инсон онги, тафаккури «илоҳий-руҳий олам»га бевосита боғлиқлиқлиги, алоқадорлигини билдиради.

Илоҳий- руҳий олам – Илоҳ ва унинг тасарруфидаги руҳий олам,

М : оят, жаннат, жиноят, адолат, шафқат, раҳмат, иззат, ҳурмат, ҳикмат...– каби сўзлар маъноси шундан далолат беради.

оят<sub>араб</sub> – сўз, ибора; ...сўзлардан бири;

келиб чиқиши: о+ят ; о – Илоҳ, илоҳий товуш-сўз;

ят← ийат → инсон...лардан бири. оят– илоҳ инсонга берган сўзлардан бири.

жаннат– жонлар- руҳлар жойи, макони...

4.– кўпдан бери кўрмаган, учрашмаган қадрдон, таниш,

дўст билан кутилмаган учрашувдан ҳайратланиш.  
М : -ийе, ийе... ёки ийа, ийа... ай, вой ... кадрдоним,  
қайси шамол сизни бу жойларга келтирди.  
Ўзбек тилидаги **ой**(қамар) сўзи ҳам янги чиққан ойни  
кўриб, ҳайратланишдан шу тақлидий товуш-сўз  
билан номланган.

5. муайян тоифа, тур, гуруҳ ва яна шу қабиларга ман-  
суб турли нарсалар... ни билдиради.

М: вилоят, исломия, жамият, жамоат, зироат...  
саноат, санъат, сифат, ғайрат, шижоат...

санъат = сан + ат; сан = кўз, → кўради, қарайди,  
кўрган нарсаларидан завқланиш, ҳайратла-  
ниш.

ат= санъатини кўрсатаётган одам ёки одамлар.  
санъат– кўз кўриб, дил баҳра оладиган қилиқлар,  
хунарлар, ҳаракатлар, ишлар...

мантиқий, туркий, замонавий, хорижий...  
мантиқий – мантиққа оид, мантиққа тегишли...  
туркий – туркларга оид, тегишли, мансуб...

вилоят= вил + оят;  
вил = бил; → билмоқ  
оят – сўз, гап, тил.  
вилоят– бир-бирларини тилини (шахсини) билувчи,  
бир тилда сўзлашувчи одамлар, эл, халқ.

**ғайрат= ғайр + ат;**

**ғайр**– одатдагидан бошқачароқ, ёт, нотаниш, қарши,  
рақиб, кучлироқ, тезроқ, кўпроқ, бошқача иштиёқ,  
хоҳиш билан.

**ат** – ...ва шундай сифатлар ёки сифат эгаларидан(би-  
ри). Бугунги ўзбек тилидаги сўзлар таркибида  
кўпинча ...**лар** қўшимчаси маъносини бермоқда.

**ғайрат**– бошқача(кучлироқ, тезроқ) ҳаракат, ишлаш...

Ўзбек тилида сўзларнинг замонавий истемолида ушбу тоифадаги «**ия**» –  
қўшимча сўзи ҳам асосий-ўзак сўз маъносини сон-миқдор жиҳатдан кўплик-

ка айлантирувчи, янада соддароқ айтсак– «лар» қўшимча сўзи маъносини  
бермоқда. М: Россия — руслар ватани. Умуман айтганда тақлидий сўз «**ия** =  
ийа» нинг осие ва европа халқлари тиллари таркибида биз юқорида кўрган  
маънолардагидек ўрни катта экан.

Таҳлилимиз берган маъноларни умумлаштирсак,  
Этимология – номшунослик, исмшунослик, отшунослик – маъноларини  
бериб, таърифларни умумлаштирсак,

**Этимология – нарса, ҳодисаларнинг номи (исми, оти)ни билдирувчи сўзларнинг бирламчи(Илоҳий) маъно-моҳиятини ўрганувчи фан.**

Юқорида «ат-от» таркибий қисм «кимса, шахс, яралмиш» сўзларини билдиради дедик. Боиси, кимса, шахс сўзлари бошқалардан, кўплардан алоҳида ажралиб турувчи одамларни билдиргани ҳолда исм-ном ҳам албатта биринчи навбатда мана шу ажралиб турувчиларни танимоқ, билмоқ учун керакдир. М: «– ҳов анави **Назар полвонни** биласанку...». Ушбу мисолдаги «Назар полвон» — шахс, кимсанинг «оти»дир.

Бизнинг бош мақсадимиз тилнинг келиб чиқиши ва унинг миллатлараро тармоқланишида ва бу жараёнда мантиқ қонуниятларининг ўрнини аниқлаш, кўрсатишдир. Сизларга ушбу фикрларимизни тақдим қилинишига биринчи навбатда барча соҳалардаги мавжуд КИТОБлар ва бошқа илмий мақолалар (уларни ҳаммасини рўйхатини келтирсак китобимиздан кўпроқ ҳажм эгаллайди) мададкоримиз бўлди.

«Яратувчининг 3000 дан ортиқ исми мавжуд» – деган қадим донишмандларидан қолган ривоятни кўпларимиз эшитганмиз. «Лавҳи Бузрук.» номли китобчада (Тошкент. «Мовароуннаҳр» 2002.) ёзилганига кўра Оллоҳнинг 3136 исми бўлиб, бу китобчада Унинг 1001 исми бор, дейди. Барча халқлар тиллари шу илоҳий исмлар, асос-ўзаклардан ясалганини, яъни «Одамато луғати» ва «табиий товуш»лардан ясалган «тақлидий сўзлар»дан иборатлигини луғатлардан фаҳмлаб турибмиз. Ушбу ҳаракатлардан мақсад, китобимизда жаҳондаги барча халқларининг луғатидаги сўзлари ягона, – Одаматога берилган «алифбо-луғат- тил»дан тарқганини кўрсатишдир. Чунки, ҳар қандай сўзлар Оллоҳнинг исмлари ва фақат Унинг иродаси маҳсули сифатида пайдо бўладиган, «табиий-илоҳий товуш»лардан ясалганини фаҳмлаб турибмиз. Китобхонларимизга ҳам уни фаҳмламоқни (*биздан илгари фаҳмлаганлар жуда ҳам кўп, фақат бундан бизни алоҳида ҳабардор қилмаганлар ёки шундоқ ҳам бундай сўзларни маънолари ақлга аён бўлиб турибди, - деб ҳисоблаганлар.*) фикрларимизни тушунишини Яратувчидан илтижо қиламиз. Зеро, илм Оллоҳдандир.

## **МАНТИҚ АЛИФБЕСИ**

Аввало, нима учун бизгача керагидан ҳам ортиқ ўрганилган мантиқ мавзусига қўл урдик, деган саволга жавоб беришимиз шарт, деб ҳисобладик. Сабаб шуки биз биринчи мақоламизда сўзларни «мантиқшунослик» нуқтаи назари билан таҳлил қилдик, дедик. Иккинчидан, Биринчи Инсонга берилган «Одамато луғати»ни ва «табиий товушлар»ни ер юзидаги барча инсо -

ният луғати асоси, ўзаги дедик. Учунчидан ушбу соҳада мавжуд адабиёт ва дарсликлар, демакки илм оламида **мантиқ** ҳақида фикрлар ягона, умумлашган, илмий фикр-таърифга эга эмас экан. Шунинг учун, илмий-оммабоп мантиқшунослик тушунчаларга эга бўлишимиз шарт, деб ҳисобладик.

### Илмий - тарихий муқаддима

Албатта ушбу мавзу бўйича тадқиқотларимизга мавжуд академик илмий дарслик– адабиётлардаги умумий фикр, қонун-қоидаларни асос қилдик. (М.Шарипов Д.Файзихўжаева. марузалар матни. Тошкент.2001й., шунигиндек 2004й.да чиққан, қайта ишланган, тўлдирилган нашри, яна ўзбек ва рус тилида чоп этилган «Мантиқ» ҳақидаги бошқа муаллифлар китоблари.)

« Мантиқ ҳақида фикр юритиш Аристотелдан бошланган. У фикрлаш жараёнларига нисбатан «аналитика»(таҳлил қилиш) услубини қўллаган ва яна тушунчаларни ҳукмнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил этади. Якка тушунчалар биринчи моҳият бўлиб, мазмунан бойдир, –деган. Унинг устози Платон эса – умумий тушунчалар нарсалар моҳиятини ифодалайди, –деган. «Стоиклар» аталувчи кейинги авлод юнон донишмандлари эса ушбу мавзуга «логика» атамасини киритганлар. (Стоиклар– ўзбекчада «илм устунлари» ёки «бардошлилар» – бўлса керак.)»– дейди китоблар. Шунингдек,

«Мантиқ» арабча сўз бўлиб, маъноси «логика» сўзига мувофиқ келди. «Логика» атамаси юнонча «logos» сўзидан келиб чиққан бўлиб – сўз, фикр, ақл, қонуният- каби маъноларга эга. Мантиқ ҳақиқатни излаш методларини ўрганувчи фандир. Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан, деб аташ мумкин», дейди барча китоблар.

Ўзбек тилидаги иккинчи манбаъмиз( Мантиқ.. М.Хайруллаев. М.Хақберди-ев.Т.Ўқитувчи.1993й.) да эса « Мантиқ – биринчидан, у нарса ва ходисалар тараққиётидаги ходисаларнинг ўзаро боғланиши ёки тафаккур ёрдамида вужуд-га келадиган тушунчалар алоқаси ва боғланишини ифодалайди...

Мантиқ деганда биз инсонларнинг қундалиқ фаолиятида, муносабатларида тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий фикр юритишини тушунамиз.»-дейди.

«Мантиқ» сўзининг илмий моҳиятини тўғрисида «Алгебра ва сонлар назарияси» (Р.Назаров, Б.Тошпўлатов, А.Дўсимбетов. 1993.й. Тошкент. «Ўқитувчи») номли олий таълим учун дарслиқда: «Бирор фикрнинг рост ёки ёлғонлигини тиклаш учун тўғри ҳулосага олиб келувчи қоидалар одатда мантиқий қонунлар, деб юритилади»– дейди..

Яна бошқа бир адабиёт (Логический словарь- справочник. Н.И.Кондаков. 1975г.М.Наука.) мантиқ тўғри қўллангандагина «билиш»нинг дастури бўлиб хизмат қилади,– дейди.

Ушбу фанни ўрганишимиз жараёнида **«мантиқ»** ҳақиқатни, рост ёки ёлғонни аниқлаш, асосли фикр юритишга хизмат қилади, –дейилсада, илмий дарсликларда фикр-гапни, сўзни мантиқли ёки мантиқсиз эканини кўрсатувчи содда, раво услуб топа олмадик.



«Ҳисоблаш илмини(математикани) эгалламай туриб нарсалар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин эмас, – деган эди Платон, Аристотел ва бошқа



кадимги буюк донишманд-файласуфлар. Бу фикрга исбот бўлиб замондошларимиздан ўнлаб олимларнинг аввал физика-математика соҳасида олим даражасига етиб, кейин фалсафа–инсоншунослик фанларидан ҳайратлантирувчи илмий натижалар бергани илм аҳлига маълум.

Психология нуқтаи назарига кўра– **одам** аниқ ҳисоб-китоблар асоси - да фикр қилиш(аналитик тафаккур) ва ҳукм чиқаришни одатга айлантирмай туриб, умуман ҳар қандай мавзу-фанда рост ва ёлғонни фарқлаши, чуқурроқ фикрлаши қийин ва аниқликка талабчанлиги етарли бўлмайди. Демакки янги, мукамал ва тўғри илмий ҳулоса чиқариши қийин бўлади. Бу фикрлардан мурод, тадқиқотларимизда физика- математика, техника фанларидагидек аниқликни, шунингдек фикрлари асос сифатида олинаётган муаллифларнинг рухий сифати «илм-фанда беғаразлик» эканини илмий асос қилдик.

Биз ўз олдимизга қўйган биринчи вазифа, ўзбек тилидаги илмий адабиётларда ёритила олинмаган, арабча «мантик» сўзининг келиб чиқиши ва асл маъносини аниқлаш, шунингдек «мантик» сўзининг маъно-моҳияти тўғрисида олимларнинг берган турлича таърифлар (юқорида, остига чизилган кўчирмалар)ни ўрганиш, унинг ягона ва тўла қамровли таърифини топиш, ва яна СЎЗларни мантик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш,— яъни, сўзда мантик борми-? саволига жавоб излаш. Чунки мавжуд мантикшунослик ва тилшунослик адабиётларида бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Ваҳоланки сўзларнинг таркибий қисмлари қачонлардир мустақил ҳолда бирор-бир маънони билдирган. Шунинг учун, уларга мантик тушунчаси қайдаража даҳлдор ва сўзларнинг ясовчи ўзак-асослари қандай мантик қонуни асосида бириктирилганини билишимиз муҳимдир.

Пировард мақсадимиз, СЎЗларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида, демакки тафаккур ривожиди, шунингдек илм-фан тараққиётида мантикнинг ўрни ва аҳамиятини, шунингдек сўз ва гапларнинг ва *илмий* аталмиш фикрларнинг мантиқлилиқ даражасини осон аниқлашни ўрганишдир. Сабаб, ҳозирги даврга келиб фанда, энг ёмони, дарсликларда соҳага даҳлдор ва муҳимлигига мактаб ўқувчилари ҳам шубҳа қилаётган, ҳаётий-амалий аҳамияти бошқотирма-ўйин даражасидаги ёки умуман фан соҳасига ҳатто зиёнли, моҳиятига кўра соғлом ақлга тесқари йўналишдаги мавзулар кўпайиб кетди ва бу мавзулар фундаментал, азалий илмий мавзу-қонунлардан ёш авлод фикр – онглари чалғитиб, ўта керакли билимларни пухта ўзлаштиришларига ҳалақит бермоқда. Оқибатда...

Бирор-бир фикрларни ёритаётганда ҳар бир асос сўзни кўлимиздан келганча данагини чақиб, мағзини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ортиқча таф-

силотчилиқ деб малол олмайсиз, деган умиддамиз. Чунки мавжуд тилшунослик ва мантиқ илмлари лабиринтларида қолган китобхонни тўғри ва равон тафаккур йўлига олиб чиқишни мақсад қилганмиз. Ва айтмоқчи бўлган фикрларимиздан энг асосийси, қайси фан йўналишидаги фикрга суянсак, асос сифатида қабул қилсак, фақат **фалсафа** нуқтаи назарини, шунингдек фалсафий атама, ибораларни қабул қилдик. Масалан, **нарса**, **ҳодиса** ибораси.

Айрим фанларда ушбу ўринда: жисм-предмет, воқеа, жараён ва яна шу каби сўзлар ишлатилган.

Яна шунингдек ҳар қандай фаннинг бирор бир **нарса, ҳодиса** тўғрисидаги фикрлари, қоидалари фалсафа билан ягона бўлиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Масалан, «мантиқ» мавзусига файласуф, тилшунос, математик ёки физик ўз соҳаси талабига кўра айрим мавзуларига нарса, ҳодисанинг турли сифатидан ёндошиши мумкин, Лекин айнан бир нарса, ҳодисага тегишли мавзуда бирининг фикрлари иккинчиларининг фикрларига қарама-қарши эмас, балки бир-бирларини тўлдирувчи бўлишлари керак.

Мантиқ фанининг биринчи талаби тилшуносларга қаратилгандир. Тилшунослик фанидан мақсад нима? Мақсад, фикримизни тушунарли қилиб бошқаларга етказиш қонуниятларини топишдир. Шундай экан, ҳар қандай фан соҳасидаги фикрлар, ҳар бир маълумотли қизиқувчи учун тушунарли ёритилиши шарт. Бизнингча бу тушуниш-билишнинг қонуний талаби, ҳар қандай **фикрни мантиқли деб ҳисоблашнинг асосидир!**

Замондошларимиз «мантиқий» деганда «Заковат», «Ўйла.изла.топ» телеўйинлардаги жараёнларни тушунмоқдалар. Ҳақитатан ҳам бу ўйинларда заковатли ёшларимиз «мантиқий фикрлаш» ишларини бажармоқдалар. Мантиқ назарияларида эса бундай фикрлаш жараёнларининг илмий асослари кўрсатилмаган. Аксинча, амалий аҳамияти йўқ турли «олиб қочар» назарияларга тўлиб кетган. Сабаби, **мантиқ** фан сифатида мавжуд бўлсада ҳеч ким унинг назарияларидан амалиётда фойдаланмаяпти. Аксинча ғализ назариялардан фойдаланиб амалий аҳамияти йўқ «фан-махсуллар»ни мантиқ қонунлари билан тасдиқланган илмий иш, деб асослаб олмақдалар.

### *«Мантиқ» сўзининг этимологияси*

Энди асосий мавзумизга қайтамыз.

«Мантиқ» арабча сўз бўлиб, маъноси «логика» сўзига мувофиқ келади,– дейди ўзбек тилидаги илмий адабиётлар.

«Лог» сўзини аввалги мавзуда этимологик таҳлил қилдик.

1. Лотин тилидаги «logos»– логос сўзи, фикримизча, араб тилидаги لُغ «лағ»араб – сўз, гап» – сўзидан келиб чиққани аввалги мушоҳадаларимизда маълум бўлди.

Логика = лог + ика

ЛОГ лотин = лағ араб = сўз, гап, ... → илм-фан.

ика лотин – шунослик. Тадқиқотларимизда аниқланишича бошқа сўзлар каби ушбу сўз ҳам арабча асосга эга бўлиб, ушбу сўз инсоннинг туғилишидаги биринчи ва энг охирги нафасидаги табиий товушдан олинган тақлидий сўз экан, араблар «ик», «ақ», биз ўзбекларда «ҳик» ёзиладиган табиий товушдан келиб чиққан. бўлиб қуйидаги икки тармоқ сўзларга асосдир:

1.ик, ақ араб عَق = узилиш, ажралиш; ушбу маъно инсоннинг она қорнидан тушиш, она вужудидан бўлаётган таъминотдан узилиши, демакки она вужудидан тўла ажралиши, ва ушбу онда чақалоқ вужудида бўладиган биринчи автоном ҳаётий ҳаракат, яъни ўпканинг ишга тушиб нафас олишининг бошланиши ва ушбу жараённинг бошланғичи албатта «ҳик, иқ» шаклидаги табиий товуш чиқарувчи ўпка, бўғиз ҳаракати бўлади. Ушбу ҳолатлар ҳар бир инсонда содир бўлиши қонуният экани билан мутлоқ «ҳақ»дир, «ҳақиқат»дир, Илоҳийдир. Ушбу мантиқий асослар ўзбек тилидаги яна бир неча сўзлар учун асос бўлган: оқ – оқ қилиш (қарғаш). Ва умуман оқ сўзи, ранг номи ҳам шундан келиб чиққан. Исломиё ҳалқларда ота қарғишини олганлар тана ранги оқариб, «витиличи» аталувчи ҳолга етганлар. Ҳиқўзб → ҳақўзб → ҳақиқат → ҳақиқатга етиш = ҳақиқатни аниқлаш.

«ҳақиқат» сўзи маъносини келиб чиқиши – «ҳик» товуш-ҳодисаси мантиқига тегишли сифатдир, Ушбу товуш ҳар бир инсон дунёга келиб қолган биринчи нафас олишининг бошланиши ва ҳаёти сўнаётганда охирги нафасни чиқиши билан муқаррар чиқарадиган товушдир.

Араб этимологиясида حَاق, – «ҳақ» – ушбу сўзга ўзбек тилида– мавжуд, маъносини берганлар; «мавжуд»нинг асл маъноси – мавжуд = ма + в(у)жуд.

ма – масдар – эгаси, маъносида;

вужуд – жисм, тана. мавжуд – тана–жисмга эга бўлмоқ.

(ву← бу← ба←бан – яратилган; ж– жонли; д– қаттиқ.)

яъни инс-рухнинг моддий оламда «вужуд»га эга бўлган онда «Оллоҳнинг изн-иродаси билан» чиқарган биринчи товушидир. Демак «ҳақ» товуши инсоннинг ихтиёридан ташқари ҳолда пайдо бўладиган «муқаррар ҳодиса», ҳосил бўлган товушдир. Шу тушунчаларни мантиқан умумлаштириб фикр қилсак :

«Ҳақ» – ҳар бир инсон дунёга келгач чиқарган биринчи табиий товуш ва Оллоҳнинг исмларидан биридир.

2. иқ араб → товуш, сўз, гап.

Ушбунинг исботи Қуръон Алақ сурасининг биринчи ояти ва умуман Мухаммад с.а. в. га Қуръоннинг нозил қилиниши, яъни унинг онгига берилиши, етказилишининг бошланиши бўлган –

أقرأ – «Иқро» – сўзла, гапир, ўқи, – сўзининг ўзагидир.

Шундай қилиб аниқланган этимологик маъноларни бирлаштираем:

**Логика**– сўз (товуш), гапдаги ҳақиқатни аниқлаш = «сўзшунослик», гапшунослик, маъносини бермоқда.

Бу тафсилотлардан кейин арабча «мантиқ» сўзининг асл маъноси ва келиб чиқиши биз учун яна жумбоқ бўлиб қолди.

2. Ушбу мавзуда изланишларимизга замондошларимиз, исломий илм буюк устозлари бўлган Қуръон таржимони, тафсирчилари ва яна бошқа уламо–илм устозлари томонидан дин илми адабиётлари ва маърузаларида берилган қадим араб тили этимологик маълумотлари бизга ҳам бошланғич илмий-мантиқий, ҳам услубий асос сифатида хизмат қилди. Шунингдек сўзлар ўзагини этимологик таҳлили жараёнида «Одамато луғати» ва «табиий товуш»-лар асосида қабул қилинган «тақлидий сўз»лар маълумотлари бизнинг таянч-асосимиз бўлди.

«Мантиқ» сўзини этимологик таҳлил учун таркибий қисмларга ажратаем:

**Мантиқ = ман + тиқ.**

ман – 1. асл маъноси– бурун.

2. сўз ўзаги **ан** – илоҳ сўзидан ясалган.

3. Илоҳ.

4. бир, ягона...

5. биринчи, олдинги...

.....

тиқ – 1. тақлидий сўз. – асл маъноси икки жисмни

урилишидан ҳосил бўлувчи «тиқ» товушини билдиради.

2. сўз.

3. «тиқ» этиб тўхташ.

4. «тиқ» этган акс-садо.

5. онга урилаётган маъно.

Бу таркиб таҳлилида «мантиқ» сўзини ҳар бири мустақил маънога эга икки қисмга ажратдик.

1. «Ман» сўзининг бирламчи маъноси «бурун» (Одамато луғати).

Бу сўз «ан» – Илоҳ сўзидан ясалган. Турли адабиётларда «ман» сўзи – Оллоҳ; бир, моҳият; ягона... ва яна бошқа маъноларда, ҳам қўлланилган.

2. «Тиқ» сўзи бир жисмни иккинчи жисмга урилиши ҳодисасида ҳосил бўладиган табиий товушни ифодаловчи тақлидий сўздир.

Шундай қилиб «мантик» сўзи таркибий қисмлари бераётган маъноларини, юқорида айтилган қонунларни ҳисобга олган ҳолда, узоқ давом этган мушо - ҳадалар билан кўшганимизда қуйидагича маънолар кўрамиз.

- 1. «ман» –товуш, инсон онгига етиб, «тик» этиб, акс садо ҳосил қилади, бу «акс-садо» онгда ҳосил бўлган маъно, маълумот, ахборотдир.
2. товуш – СЎЗ ўз физик ва рухий кучи билан мия-онгни кўзғотиб ундаги мавжуд билим асосида , маъно уйғотади, етказди, пайдо қилади. (хайвонларда инстинкт аталувчи ҳодиса юз беради.)

Бу охирги таърифлар, назаримизда, **мантик** сўзининг асл маъносига етказувчи бошланғич топилмамиз бўлди, яъни «**ман**» – «Илоҳ»; Ушбу сўз **маъно** сўзининг ўзагини кўрсатмоқда. «**ман**»о = маъно – асл маъноси – **Илоҳий, Илоҳга тегишли** (нарсалар).

Ҳар қандай сўзда **маъно** бор.

«**тик**» – товуш-сўзнинг онгга етиб-бориб аксланиши, яъни сўз таъсирида фикрлашнинг бошланиши, эшитилган сўз остидаги **нарса, ҳодиса** ҳақида тасаввур уйғонишининг, СЎЗ маъносини **англаш**нинг бошланишидир.

Шундай қилиб:

***Мантиқ – товуш-сўзнинг маълумот етказиш ва онгда маъно пайдо қилиш шунингдек, сўз маъносининг онгда аксланиш ҳодисасидир.***

Бу бизнинг мантиқ ҳақидаги бошланғич топилмамиз эди.

Ушбу топилмада **мантик** сўзи асосида **маъно** сўзи борлиги эътиборимизни тортади.

## М а ъ н о

– Маъно нима?

Ҳаётини мисолларга қараймиз ва мушоҳада қиламиз:

–Айтган сўзинини маъносини биласанми? – каби ҳаётимизда бевосита учрай-диган саволлар бизни фикрлашга чақиради.

Мушоҳада учун кўпчиликка қарата бирор маънони билдирувчи сўз айтамыз.

– **Олма !**

Бизни эшитган нимани тасаввур қилди, тушунди ?

Ким «қизил олма»ни, ким «яшил олма»ни, кимдир «олтиндек сариқ олма»ни тушундим, дедилар.)

Мана шу «олма» сўзини эшитганда тасаввур-онгимизда пайдо бўлган

**нарса** – тафаккур оламида СЎЗ- лар шаклида умумлашган ҳолда – **маъно** аталар экан.

Энди, ҳаётий ҳақиқат шуки, биргина **сўз** турлича ва бир неча маъно-тушунча-нарсаларни билдирмоқда. Демак **маъно** сўзининг камрови катта экан.

Умуман айтганда **наrsa**, **ҳодисаларни** исми-номи бўлган барча СЎЗлар „маънога эга сўзлар“, аталади ва умуман ҳар қандай СЎЗ аталувчи товуш муайян маънога эга бўлади.

Сўзни эшитганда эшитувчи онгида пайдо бўладиган дастлабки маъно предметдаги барча томонларни эмас, балки муҳим, умумий томонларни акс эттириб, иккинчи даражали сифатларни ҳисобга олмайди, ҳажман кичик бўлади,- дейди илмий адабиётлар. Лекин илмий тадқиқотларда **биргина сўзнинг маъноси кўпгина тушунча, демакки маъноларни бермоқдаки**, ушбу қоидага сиғмаяпти. Бизнинг тадқиқотларимизда **маъно** сўзининг камровида тушунчалар, демакки нарсалар, ва яна улар ўз навбатида маънога бораяпти. Юқоридаги биргина, «ОЛМА» сўзини эшитганда, турли фикр-ловчиларга олманинг турли хилларини тасаввур қилишлари, тадқиқотларимизда **СЎЗ маъносини**, сўзнинг камровидаги маъноларни бирдан ортиқ, яъни кўпроқ, кенгроқ олишимиз кераклигини билдирмоқда. Чунки инсон тафактури жараёни динамик: ижодкор, қизиқувчи, аниқликка интилувчи хусусиятли бўлади. Яъни ОНГ ўзига қабул қилган, ҳосил бўлган бирламчи маъно-тушунча билан чекланмайди, эшитилган сўз маъноси, мавзу ахамияти, талабига қараб англашилган маънони турли очик ва ёпиқ саволлари билан кенгайтириб, қабул қилган тушунча-билимини мукамаллаштириб боради. **Маъношунослик**даги бу иккинчи фикр ижодий тафаккур эгаларига тегишли, биринчиси эса оддий истеъмолчи тафаккур жараёнидир. Биз илмий тадқиқотимизга иккинчи тоифа фикрлаш услубини асос қиламиз.

Узр, азиз китобхон. **Нарса, ҳодисани** билдирувчи «СЎЗнинг камровидаги маънолар» миқдори деган тушунча бўйича илмий жавобга эга эмасмиз. Лекин ҳозир унга катта эҳтиёж сезиб турибмиз. Сўзлар маъноси оламида **мантиқ тушунчаси** нималарга боғлиқ ҳолда у ёки бу маънога, тушунарликка, тўғрилиқка, ростликка, ҳақиқатга олиб боришини билиш асосида **мантиқнинг** томирини топишни мақсад қилганмиз.

Ўзбек тили диалектларида маъно, мазмун, моҳият, мантиқ сўзларини синоним сифатида фойдаланиш мисоллари «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кўрсатилган. Лекин илмий таҳлилларда бу сўзларни синоним сифатида фойдаланиш катта хатоларга олиб келишини пайқаб қолдик.

Ўзбек тили луғатида,

**Маъно** – сўз билан ифодаланган тушунча.

**Мазмун** – гап ёки асарнинг умумий маъноси.

Мазмун сўзи арабча «мажмуа» сўзидан ясалган бўлиб – «маънолар жамланма» -си маъносини бермоқда.

**моҳият** – бирор нарсанинг замиридаги туб, **энг муҳим маъно**, ички мазмун, мағиз.

Бу ерда **маъно** сўзини тушунмоқ-билмоқ учун *тушунча* сўзи маъносини , **моҳият** сўзини тушунмоқ-билмоғимиз учун **нарса, ҳодисанинг** замиридаги **энг муҳим ички маъно, мағизни** топишни билишимиз керак экан.

Олдимизда турган аниқ талабларимиз ўз навбатида **сўз** ёки **гап** бераётган хабар, дарак, ахборот, маълумотни тўла маъносини **билиш** осон, содда иш эмаслигини, бу жараён босқичма – босқич амалга ошадиган иш эканини билдирмоқда.

Яна бир фикр. Биз СЎЗ мантиқини топишни олдимизга мақсад қилган эдик. Бугун ўзбек тили миллий луғати 60 мингдан ортиқ сўзларни камровига олган. Тадқиқотларимиз илмий ва фалсафий бўлгани учун, фалсафа фани эса «Олам ва Одам»ни, **нарса, ҳодисаларни** ўргангани сабабли биз ҳам **нарса, ҳодисаларни** ифодаловчи СЎЗларни тадқиқотларимиз учун асос сифатида қараймиз. **Нарса, ҳодисаларни** ифодаловчи сўзлар ИСМ-НОМ аталади. (М: ер, қуёш, ой, юлдуз, болта, теша, шамол, довул, зилзила...)

Мантиқнинг этимологик маъносини бирламчи ҳолда топдик. Лекин биз топган ушбу маъно ҳали кўшимча исбот далиллар талаб қилади. Навбатда ушбу фикрларимизни мустаҳкамламоқ учун «мантиқ» сўзининг замонавий илмий адабиётлардаги таъриф ва талқинларини кўриб чиқамиз.

Илмий адабиётларда **мантиқ** сўзига таъриф ва тавсифлар кўп экан. Ушбу таърифлар асосида сўз, гапдаги **мантиқни** «кўришни» иложини топаолмаямиз. Асосий мақсадимиз, **мантиқни** шундай сифатини топайликки, бу сифат сўз, гап таркибидаги эга, кесим, сифатлардек осон фарқлансин.

## 2. *Илмий адабиётлардаги «мантиқ»нинг таърифлари таҳлили*

Биз юқорида этимологик таҳлил билан «мантиқ» сўзи маъносини бир қадар топдик. Лекин ҳали кўнглимиз тўлганича йўқ. Навбатдаги вази-фамиз, **мантиқ** сўзининг илмий адабиётларда берилган илмий, луғавий ва бошқа назарий маъно ва таърифларини, замонавий талқинларини таҳлил қилиш асосида **мантиқ** сўзи қандай маъно касб этаётганини, билишни мақсад қилдик.

Бу ҳақда энг катта ва асосий китоб «Фалсафа энциклопедик луғати»да (Философский энциклопедический словарь. М. 1983.) :

Логика – наука об обшезначимых формах и средствах мысли, необходимых для рационального познания в любой области знания.

Общезн. форм. мысли: понятия, суждения, умозаключения.

Обшезначимые средства мысли – определения, правила образования понятий, суждений и умозаключений...

**Логика – тафаккурнинг умумаҳамиятли шакл, воситалари ҳақидаги фан бўлиб, у – тушунча, хукм, хулоса чиқариш, таърифлар бериш асосида самарали билишга хизмат қилади.**

– бу **мантиқ**нинг Фалсафа Энциклопедик Луғатидаги таърифидир.

### Мантиқнинг дарсликлардаги таърифлари

«Мантиқ» деб номланган илмий-академик дарсликларда ушбу сўзга берилган илмий, назарий ва бошқа умумий таъриф, маънолар ва талқинларни териб оламиз.

I–Мантиқ– I.тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан; логика.

2.Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабиларнинг ақлга монандлиги, асослилиги.

II–Мантиқ – сўз, фикр, ақл, қонуният каби маъноларга эга.

III–Мантиқ – ... нарса ва ходисалар тараққиётидаги ходисаларнинг ўзаро боғланиши ёки... тушунчалар алоқаси ва боғланишини ифодалайди.

IV–Мантиқ деганда биз инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабатларида тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий фикр юритишини тушунамиз.

V–Мантиқ ҳақиқатни излаш методларини ўрганувчи фандир. Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан, деб аташ мумкин.

VI– Бирор фикрнинг рост ёки ёлғонлигини тиклаш учун тўғри хулосага олиб келувчи қоидалар одатда мантиқий қонунлар, деб юритилади.

VII–Мантиқ тўғри қўллангандагина «билиш»нинг дастури бўлиб хизмат қилади.

VIII– Мантиқ илмини ўрганиш объекти тафаккур ҳисобланади. Тафаккур эса билиш жараёнининг муҳим бир зарурий босқичидир.



«Фалсафий Энциклопедик Луғат», олий ва ўрта махсус таълим учун чиқарилган академик адабиёт-дарсликларда ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида берилган **мантиқ** сўзининг таърифларини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида сўзларга берилган изоҳлар асосида таҳлил қиламиз:

**Мантиқ**— I. тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан; логика.

II. гап, фикр, ҳаракат ва шу қабиларнинг ақлга монандлиги, асослилиги.

I. Луғатнинг биринчи рақамли изоҳини таҳлилдан ўтказамиз:

– I. тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан; логика.

Тафаккур шакллари ва қонунлари мавзуси алоҳида «Тафаккур психологияси» фанида ўрганилади. Ушбу мавзу бўйича фикрларимизни алоҳида мақоламизда кенгроқ айтганмиз. «Тафаккур психологияси» фанида «тафаккур турлари» ибораси қўлланган бўлиб, бу мантиқан тўғридир. Сабаб, «шакл» **нарсаларда** бўлади. «Тафаккур» – фикрлаш жараёнидир. Фалсафа фани нуқтаи назари бўйича бу жараён – **ходиса** аталади. Мантиқ адабиётларида «тафаккур шакллари» қандай бўлиши ва унинг мантиқли фикрлашга хизмати ҳақида алоҳида фикр кўрмадик. Назаримизда «тафаккур шакллари» ибораси остида инсонларнинг, айнан бир мавзуни турли даражада ёритувчи, турли даражада очиқ берувчи, тушинтирувчи фикрлашлари тушунилади. Оддий кузатувлардан маълумки, ҳар бир инсон бир тафаккур объектидир. Фикрлашларнинг тури ва даражаси – фикр эгаларининг савияси, иқтидори, маълумот-билим даражаси, ҳаётий қизиқишлари, рухий хусусиятлари ва яна бошқа сифатлари билан фарқ қиладилар ва стандарт- қолипга йўқ. Лекин ҳар қандай мавзу бўйича тафаккур эгаларига мантиқнинг талаби ягона: ўз тафаккур шакли, тури ва нуқтаи назаридан қатъий назар:

1-мавзуга тегишли фикрларини ҳаммага, хусусан тўла умумтаълим маълумотли одамга тушунарли баён қилиши;

2- фикр тушунарли бўлмоғи учун: фикрлаш тури-услугидан, нуқтаи назаридан қатъий назар, мавзу- масалага: натижали, ҳаётий аҳамиятли ечим, маълумотларни кўрсатиши ёки таклиф этиши шарт.

Чунки айнан мақбул фикр, маълумот, ечимгина, айтилган фикрлар **мантиқли** эканидан далолат беради.

Хулоса қилсак, юқорида айтилган «мантиқ»нинг таърифи ҳаётга мос тушмади, чунки «мантиқ» ҳақидаги адабиётлар, хусусан Москвада чиққан «Фалсафа энциклопедик луғати» бераётган тушунчаларга кўра **мантиқ – тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги фан эмас, балки тафаккур шакли, услубидан қатъий назар, ҳар бир тафаккур эгаси ўз фикрини мантиқнинг умумий талаби бўлган: маъно-моҳиятлилик, мукамаллик, тушунарлилик, илмий асослилиқ, ҳақиқий, тўғри ва ростлик билан баён этиши керак экан. Чунки фикр остида ҳаётий нарса, ходиса- (жараён) ётади.**

**Илмнинг қонуний талаби: Ҳаётий нарса, ҳодисани фақат тўғри, рост, тушунарли сўз – фикрлар билан баён этиш керак. Акс ҳолда илм эмас, амалий аҳамиятга эга бўлмаган фан-фикр (сафсата) пайдо бўлади.**

Таърифни 2- сини таҳлил қиламиз:

**Мантиқ**– Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабиларнинг ақлга монандлиги, асосли-лиги.

Ушбу таъриф ҳаётий бўлган. Лекин ушбу мақсадга етказувчи «бир маъноли, содда ифодаланган формула-фикр» кўрмадик. (формула– илмий-назарий қолип. Ушбу қолипга солинган «муаммо-масала» ечилиб чиқади.)

Аслида мантиқ – **нарса, ҳодисалар** тўғрисидаги гап, фикрларни ақлга монанд, асосли бўлишини талаб қилувчи фактордир. Бу талаб, фикр-гапни эшитган, қабул қилган инсон тафаккуридан келиб чиқмоқда. Яъни эшитувчига етган муайян мантиқ-маъно туфайли, унинг онгида қўшимча талаб-савол пайдо бўлади: –

– нима учун?

– қандай асосга кўра?

Яъни мана шу талаб-саволларга жавоб бўлгандагина гап, фикр тушунарли, амалий аҳамиятли, демакки мантиқли бўлади. Шунинг учун Аристотел, бирор бир фикр айтилганда «Агар мана бундай бўлса, мана шундай бўлади» – (М: Агар куёш чиқса, ҳаво иссиқ бўлади.

Агар ёмғир ёғса, йўллар лой бўлади) шаклида фикр айтишни ўргатган.

Лекин айнан **мантиқ**, ҳар бир фикрловчи инсон қайси тилда гапиришидан қатъий назар стандарт-қолип эканини соҳа донишмандлари уқтириб кетганлар. Лекин ушбу қолипни шакли ва «ўлчам»лари кўрсатилмаган. Мана шу «мантиқ қолипларидан бири – тушунарли ёки тушунарсизлик» айтилаётган янги фикрни асосларини **билиб** гапиришдан бошланади. Демак, айтадиган фикримиз мантиқли бўлмоғи учун, ҳар қандай **нарса, ҳодиса** ҳақида фикр айтсак, ўша нарса, ҳодиса ҳақида **муайян билимимиз** бўлиши керак экан.

**Билим эса ўша нарса, ҳодисага тегишли барча сифат ва маълумотлардан хабардорлик ва уларни такрорлаш имкониятидан иборатдир.**

II. –Мантиқ – ... нарса ва ходисалар тараққиётидаги ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ёки... тушунчалар алоқаси ва боғланишини ифодалайди.

Ушбу қараш ҳам мутлақо тўғри айтилган. Лекин айнан **нарса, ходисалар** тараққиётидаги ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ёки ... тушунчаларнинг ўзаро боғланиши нима ҳисобига ва қандай қилиб ? – деган саволга жавоб тушунарли ва амалий аҳамиятли жавоблар берилмаган. Ушбу мавзуда «мантиқ ва тушунарлилик» сарлавҳаси остидаги фикрларимизда жавоб айтдик.

III «Мантиқ» сўзига берилган учинчи катта луғавий изоҳ:

–Мантиқ – сўз, фикр, ақл, қонуният каби маъноларга эга.

Ушбу илмий таърифларни ўзбек тилининг изоҳли луғати маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

- Сўз – товуш ёки товушлардан иборат, бирор маънони билдирувчи нутқ бирлиги, гап бўлаги... Бизнингча яна, сўз– нарса, ходисанинг исми.
- Фикр – бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида ўй, ҳаёл; тушунча, билим; онг, ақл маҳсули.
- нарса ва ходисаларни таққослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси, хулоса...  
ва яна «фикр» аталувчи сўзни бошқа маъноларда истемол қилиниши маълумотлари ҳам берилган.
- Ақл– одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти;  
заковат даражаси; фаҳм–идрок; эс–хуш, мия; мулоҳаза, маслаҳат;
- Қонуният – маъноси: қонунга тегишли талаб; қонунлардан бири;  
бу ҳам бир қонун.

Ушбу, луғатдан олинган маълумотлар, ўрганаётган сўзларимизнинг қамровидаги маънолардан бир қисми холос. «Мантиқ» сўзи ўзагида «маъно» сўзи мавжудлигини этимологик тадқиқот ва «луғат» изоҳларидан кўришиб турибди. Лекин, сўз, фикр, ақл, қонуният каби сўзлар маънолари «мантиқ» сўзининг маъносига айният эмас экан. Демак мақоланинг бошида берганимиз, илмий адабиётларда ёзилган «мантиқ — сўз, фикр, ақл, қонуният- каби маъноларга эга— таърифи тўғри эмас экан.

СЎЗ аталадиган МАЪНОЛИ ТОВУШ, яъни **нарс**, **ходис**анинг исми – инсон МИЯсининг, унга берилган, ОНГ аталувчи фаолияти билан ФИКР ёки ФИКРЛАШ деб аталадиган жараёни, яъни мияни ишлаши учун хомашъё маҳсулот экан. Бу соҳада ишончимизни мустаҳкамламоқ учун «фикр» сўзини этимологик таҳлил қиламиз.

Этимологик таҳлилда арабча «фикр» сўзи фа + икр таркибга ажралади.

Бу ерда ф ← фа ←фан дан келиб чиққан. Одамато луғатига кўра  
фан– мия, онг, ақл маъноларига эга.

Икр ← арабча, **икро** — дан олинган ёки айнан ўзидир. Икро– товуш, сўз, гапирмоқ, ўқимоқ маъноларини беради,

Маъноларни бирлаштиради:

**фикр** – Илоҳнинг иродаси таъсирида инсон миясининг **СЎЗ**дан фойдаланиб ишлаши, сўзларни фрқлаши, танлаши, уларни ўзаро боғлаши; онгнинг иши, онгнинг маҳсули, – маъноларини бермоқда.

**Қонуният** – 1.Объектив ходисалар ўртасидаги боғланишлар ва уларнинг қонунлари.

2. Қонуний асосда, табиий равишда ўз-ўзидан келиб чиқувчи, табиий, муқаррар иш, ҳодиса ва шу кабилар.  
(бу изоҳлар луғатдан олинди).

Одам борки яхши ёки ёмон сўз, гап эшитса албатта ундан таъсирланади. Бу инсоннинг табиий хусусияти – қонун сифатидир. Мана шу, инсоннинг ҳар қандай товуш- сўздан таъсирланишини чуқурроқ қарасак, **бу ҳодиса бўлиб қонун экан.** Демак, **мантиқ** сўзи **қонуният** сўзига айният эмас, балки, **СЎЗ мантиқининг** инсон (мия-онг)га таъсир кўрсатиши — **табиат қонуни**, - экан. Буни биз **табиат қонуни** атадик. Чунки бу ҳодиса инсонга боғлиқ

бўлмаган ҳолда содир бўлмоқда. Худди Нютон фахмлаб қолган, «дарахтидан узилган олманинг ерга тушиши»га ўхшаш ходиса бўлмоқда.

Хулоса қилсак, **мантиқ** сўзининг маъноси:

**мантиқ** – **сўз, фикр, ақл, онг, қонуният** сўзларига, маъноларига айнаёт эмас экан.

Бу хулоса этимологик таҳлил билан топилган «мантиқ» сўзининг асл маъносини тўлдирмоқда.

Очиқ айтишимиз керакки, турли адабиётларда **мантиқ** сўзига, демакки унинг маъно-моҳиятига берилган турлича таърифлар уни тушунишни мураккаблаштирган. Ушбу мураккаблик асосида мантиқшуносларнинг катта қисми фикрида мантиқ тушунчаси мавҳум ҳолда. Мантиқли гап билан мантиқсиз гапни бевосита фарқига боровчи ўқувчи юқоридаги таърифлар асосида ўз фикрини асослашга қийналади. Иккинчидан, **билим** асосида **нарса ҳодиса** ҳақида фикр юритиш мантиқли фикр айтишнинг биринчи шартидир. Ушбу, мантиқни таърифлашда турли муаллифлар фикрларидаги турлилик, мантиқ мавзусига услубий ёндошувлардаги ҳар хилликдан, деб билдик. Илмий адабиётлардаги мантиқ ҳақидаги турлича фикрлар **мантиқ** нинг асл маъно-моҳияти ҳақида ягона, мукамал тушунчага эга бўлишимизга ҳалақит қилмоқда. Шунинг учун биз мантиқ ҳақидаги фикрларни барчасини ягона тушунчада кўришни ният қилдик. XXI-асргача тўла шаклланиб бўлган «мантиқ» фани таълимотларида ягона назарий таъриф йўқлигига таассуфли ва бўлганида ҳамма фан соҳалари ундан фойдаланар эди, деб ўйлаймиз.

Бу ҳақда мантиқшунос олим Иномжон Раҳимов «Мантиқ» (Тошкент. Университет. 1994.) дарслигида: «мантиқ фанини фалсафанинг таркибий қисми сифатида фақат гуманитар (инсоншунослик) соҳаларидагина эмас, мутахассислар тайёрлайдиган ҳамма соҳаларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ, дейди. Амалиётда аниқ фанлар бўйича мутахассислар тайёрлашда «мантиқ» ўқитилмайди. Лекин бу соҳалар мутахассислари илмий-амалий фаолиятларида мантиқ фанида яратилган назарияларга эҳтиёж сезмайдилар. Шунга қарамай ушбу соҳаларда ҳар қандай мантиқсиз фикр жуда тез баҳосини олади.

– Нима учун ?

– Жавобини ўзингиз айтинг.

IV–Мантиқ деганда биз инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабатларида тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий фикр юритишини тушунамиз.

Ушбу таърифда «мантиқ – инсонларнинг тартибли, аниқ, асосли фикрлаши» дейилибди. Мутлақо тўғри. Лекин ўша тартибни, аниқликни, асосни нима экани етарли очиб берилмаган. Иккинчидан «мантиқий фикр» ибораси ҳақида. Аввало ҳар қандай фикрнинг ўз мантиқи бор. Ҳамма гап фикр юритувчининг фикрлари қайдаража мавзуга мос ва тўғри келишидир.

V–Мантиқ ҳақиқатни излаш методларини ўрганувчи фандир. Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан, деб аташ мумкин.

Мавжуд мантиқ назарияларида ушбу айтилган фикрга мос тушувчи, бирор амалий аҳамиятли формула – фикр кўрмадик. «Мантиқ» мавзусига қарашлар фақат «янги фикр айтиб донишлик қилишга чанқоқлик»дан бошқа

хеч нарса, яъни амалий ахамияти йўқ гаплардан иборат. Илм-фанда мантиққа тўғри келувчи фикрни ёки фикрдаги **тўғрилиқ** ва **ҳақиқатни** аниқлаш ишида, «тажриба- тадқиқот ва амалий ахамиятлилик» услубидан афзалроқ услуб кўрмадик. Ҳар қандай чиройли-мантикли кўринувчи фикрларни тажриба-тадқиқот ва амалий эҳтиёж пуч ёки саракка ажратиб қўяди. Нарса, ҳодиса ёки улар ҳақидаги янги фикрни *амалий ахамиятлилик* кўрсаткичи ҳам мантиқ-нинг қонуний талаби деб ҳисоблаймиз.

Демак ҳар қандай янги илмий фикрни, унинг амалий ахамияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўлдириши шарт экан.

VI– Бирор фикрнинг рост ёки ёлғонлигини тиклаш учун тўғри ҳулосага олиб келувчи қоидалар одатда мантиқ(нинг)ий қонунлар(и), деб юритилади.

Ушбу фикрга бошқа сўз қўша олмаймиз. Чунки у тўғридир. Лекин шундай қоида- қонунларни топиш керак.

VII–Мантиқ тўғри қўллангандагина «билиш»нинг дастури бўлиб хизмат қилади.

Мантиқ қўлланилмайди, балки нарса, ҳодисани билишни мезони бўлган барча сифат, хусусиятлари ўзлаштирилади. Айнан мана шу, **нарса, ҳодисани** «билиш», билдим дейишга олиб келувчи сифатлар»ни излаб топиш кераклиги мантиқ адабиётларида етишмайди. Мантиққа тегишли, **нарса, ҳодисанинг** сиз излаётган сифатини фаҳмламоқ учун аввало ўша **нарса, ҳодиса** ҳақида мавжуд маълумотларни кўп ўрганиш, ўзлаштириш керак. **Нарса, ҳодисалар** эса аниқ фанлар йўналишида ўрганилади. (бу ҳақда батафсилроқ «илм» мавзусидаги мақолада танишасиз).

VIII– Мантиқ илмини ўрганиш объекти тафаккур ҳисобланади. Тафаккур эса билиш жараёнининг муҳим бир зарурий босқичидир.

Назаримизда ушбу фикрни айтувчилар ҳали **тафаккур** сўзининг маъно-моҳиятини ўрганишлари муҳимдир. Мантиқ тафаккурни эмас, *тафаккур, яъни фикрлаш* билан **мантиқ** ўрганилади.

### *Дарсликлардаги «мантиқ қонунлари» таҳлили*

Мантиқ назарияси дарсликларида «мантиқ қонунлар»и баён этилган. Лекин биз бу қонунларни илмийликдан ташқари топдик. Сабаб, бирорта фан ўз соҳасида **ҳақиқатни** аниқлаш учун мантиқ дарсликларида берилган «қонун»лардан фойдаланганини кузатмадик. Қуйида олий ўқув юртлари учун 1994 йилда «Университет. Тошкент.» нашриётида чиқарилган «Мантиқ» дарслигида берилган **қонунларни** таҳлил қиламиз.

Фанда қандай фикрлар **қонун** аташ мумкинлиги ҳақида алоҳида мақоламизда танишасиз. Ушбу мушоҳадалар асосида мантиқ қонунлари деб аталган фикрларни нақадар «мантиқ»ли эканини таҳлил қиламиз.

Дарсликларда:– **Бирор фикрнинг рост ёки ёлғонлигини тиклаш учун тўғри ҳулосага олиб келувчи қоидалар одатда мантиқий қонунлар, деб юритилади.**

Шу ерда бир фикр. «Мантикий қонунлар» эмас, «мантиқ қонунлари» дейилса тўғрироқ бўлар эди.

Биринчи навбатда эътиборимизни соҳа назариётчиларидан бошқалар **мантиқ** қонунларидан беҳабарлиги тортди. Шу ҳолнинг ўзи ушбу «қонунлар»ни қадрини пасайтиради.

1. Айният қонуни: (китобда)

Агар фикрлар бир хил ҳажмга эга бўлсалар, айнан фикрлардир. Агар айтилган фикрлар ҳажми жихатидан ўзгармай қолсалар, айнан фикрлардир. Мисол: «Ахмедов» «Ахмедов»га тенг. «Ҳайвон» «ҳайвон»га тенг. «Дарё» «дарё»га тенг. Демак айният қонуни фикрларни ўз-ўзига тенглигини кўрсатиб беради.»

Тахлил қиламиз:

Ҳурматли китобхон. Бизнинг қишлоқда етиштирилган ошқовоқларнинг энг кичиги 0,5 кг. дан, йириклари эса 5 кг. дан ҳам ортиқроқ оғирликда бўлади. Газетада ёзишди. Бир селекционер 75 кг. оғирликдаги ошқовоқ яратибди. Ушбу ғўра «қонун»га кўра «ошқовоқ» аталганлари учун барча майда-ю – йирик, ширин-у –бемаза ошқовоқлар тенг эмиш.

Менинг фамилиям Хожиматов. Бизнинг оилада отам ва яна 5 нафар ўғиллар ва яна 11 нафар набира Хожиматов-лармиз. Ушбу айният қонунига кўра ота Хожиматов ва унинг 5 ўғли ва 11 набираси ҳаммалари тенг эканмиз.

Сиз нима дейсиз китобхон ?

2. Нозидлик қонуни: (китобда)

Бир предмет тўғрисидаги икки, бир-бирига қарама қарши фикр айна бир вақтда, айна бир нарсага нисбатан бирданига тўғри(ҳақиқат) бўлиши мумкин эмас.

М: «Бу одам тўғри гапирмоқда». «Бу одам хато гапирмоқда»

«Ахмедов фаол студент» «Ахмедов фаол студент эмас»

Тахлил қиламиз:

Фикримизни соддароқ ифодалашга ҳаракат қиламиз: **Нарса, ҳодисанинг** ҳолати тўғрисида бир вақтнинг ўзида айтилган икки қарама- қарши фикр тўғри бўлмайди. Бу математиклар ибораси билан ифодаласак, аксиома – яъни исбот талаб қилмас фикрдир. Лекин оддий –«гаплашиш, суҳбат» жараёнида ҳақиқат юзага чиқмайди. Чкнки биз Платон, Аристотел замони ва шароити, шунингдек уларга берилган иқтидорга эга эмасмиз. Ҳақиқатни юзага чиқар-моқ учун ҳар қандай айтилган гаплар бераётган хабарларни ҳаётдаги ҳолатини **амалий текшириб кўриш** шарт. Ҳаётда гап-хабар ёки ҳолатни текшир-моқ учун аниқ фанлар йўналишида тажриба-тадқиқот, инсоншунослик (гуманитар) соҳада эса суриштириш, аниқлаш, далилий ашъё, гувоҳларни юзлаштириш, ҳодисани амалий тажриба тадқиқот қилиш, каби услублар кўлланади. Ана шундагина айтилган гапнинг қайси бири тўғрию, қайси бири нотўғри, маълум бўлади. Ҳақиқатни бундай юзага чиқаришни «тажриба-тадқиқот» усули аталади. Демак «мантиқнинг нозидлик қонуни» бу қуруқ ва ҳавойи гапдан иборат экан.

Иккинчи муаммо қонуннинг номи –«нозидлик» сўзи ҳақида ҳақида.

Нозидлик = но + зид. нофорс.– эмас; зид– қарама- қарши,

нозидлик – қарама- қарши эмас, – маъносини бермоқда.

Ваҳоланки «нозидлик»– «қарама -қарши эмаслик» қонуни : қарама- қарши фикрлар бир вақтнинг ўзида иккаласи тўғри бўлмайди, деярли. «Қонун»га берилган номнинг ўзи эътиборга олинган мисоллар учун мутлақо тугуриқсиз. Иккинчидан «қарама- қарши» иборасининг ўзи бизга етарли эмасми ! Ушбу қонунда кўтарилган муаммони фалсафий саҳнага чиқариб, талаб этилаётган мавзунини **нарса, ҳодисалар** мисолида кўрмасак, ҳақиқатни «кўз билан кўриш, кўл билан ушлаш» имконсиз бўлиб қолади. Энди ҳақиқатан ҳам қарама – қарши фикрлар мисолини кўрамиз: хунук – чиройли, пакана – новча, иссиқ – совуқ, аччиқ – ширин. Ушбу айтилаётган қарама- қарши маъноларнинг муайян нарса, ҳодисалар учун қайси бири тўғри эканини фақат тажриба - тадқиқот усули аниқлаб бериши ҳар қандай одамга ҳам тушунарли. Ҳақиқатан ҳам ягона бўлган **Ҳақиқат , Тўғрилиқ**ни фақат тажриба-тадқиқот аниқлаб беради холос.

3.Учинчиси мустасно қонуни: (китобда)

«Бир-бирларини инкор қилувчи икки ҳукмнинг бири албатта ҳақиқат бўлади.

М : «Бу одам ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси». «Бу одам

Ўзбекистон фанлар академиясининг аъзоси эмас».

«Ҳар бир санъатшунос архитектор эмас», «Баъзи санъатшунослар архитектор». Бу ҳукмларнинг бири тўғри бўлса, иккинчиси ҳато, учинчиси бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун «Учинчиси мустасно» қонуни деб аталган. Ўз ўзидан кўришиб турибдики, бу ҳукмлар нозидлик қонунига ҳам бўйсунди».

Тахлил қиламиз.

Ушбу «қонун» мавзуси «муҳаббатда учинчи ошиққа ўрин йўқ», иборасини эслатмоқда.

Тилшуносликда «дарак гап» аталувчи шаклда ифодаланган фикр психология -да «ҳукм» махсули аталган. Чунки тафаккур жараёнида **нарса, ҳодисанинг** бирор -бир ҳолати ҳақида аниқ хабардор бўлиб, яъни «қатъий хулоса-ҳукм»га келибгина кейин у фикр бировга гапирилади. Қолаверса «қонун» ижодкорларининг эътирофига кўра «учинчиси мустасно қонуни» мисоллари «нозидлик қонуни»га ҳам бўйин сунади, дейилган.

Қаранг-а, унда бу «учинчи қонун» фанга нима берапти ва кимга керак ?

Бунинг учун том маънода, ҳаётдаги ҳолатларга кириб кўрамиз.

Мисол учун: «Бу қаттиқ нон», «Бу юмшоқ нон» гапларини кўриб чиқсак, ҳаётда учинчиси: юмшоқ ҳам, қаттиқ ҳам деб бўлмайдиган ноннинг ҳолати етарли учрайди ва бундай мисолларни исталганча келтирсангиз бўлади.

Хулоса: ушбу «қонун» ижодкорлари,– **мантиқ** – сўзга тегишли; сўз эса

**нарса, ҳодисаларнинг** номи ёки уларнинг ҳолати ҳақида дарак беради,– тушунчасига эътиборсизлик қилганлар. Ҳаётда **нарса, ҳодиса-** ларнинг

ҳолатлари учинчисигина эмас, 1, 2, 3, ...n –гача турлича бўлиши мумкин.

Хулоса: ушбу «қонун»нинг ҳаётда ўрни йўқ. Икки танишнинг кўчада учрашиб қолиб, бекорчилик ва вақт ўтказиш учун лаққиллашувида кўтарилаётган «муаммолар»га ўхшаш фикрлар тахлили **мантиқ** фани вазифасига кирмайди.

#### 4. Етарли асос қонуни: (китобда)

«Ҳар қандай фикр ишонарли бўлиши учун исботланган бўлиши керак. Ҳар қандай фикр тўғри бўлиши(ҳақиқий) бўлиши учун етарли асослар билан исботланган бўлиши керак.

Тахлил қиламиз.

Бизнингча бу фикр, ақл эгалари учун аксиома – яъни исбот талаб қилмайдиган фикрдир.

Фикрни ишонарли бўлиши учун етарли асос кераклиги қонун эмас, мантиқ талаби. Талаб шуки, бирор бир маълумот-хабарни эшитган, қабул қилган одам онгида эшитилган нарсалар бўйича муайян тушунча-маълумот пайдо бўлади. Агар олинган маълумот «эшитувчи»ни тўла қониқтирмаса ёки олинган тушунчани мустаҳкамламоқ, «етарли асос»ламоқ учун қўшимча саволлар ҳам пайдо қилади. Бу «мантиқ-нинг талаби»дир. Ушбу талаб, ахборотни қабул қилишда уни тушуниш учун нарса, ходисанинг етишмаётган сифатлари тўғрисидаги маълумотларни талаб қилувчидир.

Мисол:

– Олма пишибди.

– Кўрдингми, еб кўрдингми, ширинми ?

Ушбу содда мисолимизда қабул қилинган маълумот устига қўшимча маълумотлар талаб қилинмоқда, қайсики нарса(олма)нинг пишган ёки пишмаганини тасдиқлайдилар.

Ушбу «мантиқ талаби»ни «қонун» деб атасак бўлмайди, сабаб илм-фанда ҳам, жамиятда ҳам «қонун»га бўйсунмаслик ёки унинг талабини бажармаслик мумкин эмас, чунки у **қонун**, у билан ҳисолашилмаса, унинг талаби бажарилмаса қонун тўсиғидан ўтиб бўлмайди ёки зиён-зарбага учрайсиз, жавоб берасиз. Ваҳоланки ҳаётда, хусусан фанда етарли асосланмаган минглаб хом-хатала фан (илмий эмас) фикрлар, хусусан ушбуга ўхшаш «қонун»лар муайян давр яшаб турибди. Бунинг **дахшатли оқибати** шуки, улар ўзларидан ҳам хом, хатто тескари, зарарли фан-фикрларни асослашга хизмат қиляптилар, қиладилар! Улардан инсониятга зарар шуки, Ҳақиқатдан, ХАҚдан узоқ лаштиради, «қўшалок ҳақиқатлар»ни– иккиюзламачиликларни кўпайтиради.

Хулоса қилсак, **қонун** сўзини қўлламоқ учун назарда тутилган ҳолатлар ҳар қандай фанда, ҳар қандай шароитданазарда тутилган **ҳодиса табиат қонунидек** хусусиятга эга бўлиши шарт. Хусусан, СЎЗда **мантиқ борлиги** – бу **қонун**. Қонунлик шуки, ҳар қандай СЎЗ маъноси билан инсон онгига таъсир кўрсатади, фикр уйғотади, яъни мантиқ ходисаси юзага келади, хатто товуш-сўзни мутлақо тушунмаган ҳолда ҳам... Илм-фандаги янгилик ҳар қачон фақат тажриба-тадқиқот ва амалий ахамиятлилик даражалари билан инобатга олинади. Яна эътироз шуки, мантиқ адабиётларида **мантиқий** тадқиқотга олинган «**гап**»-мисоллар фалсафа нуқтаи-назаридан эмас, кўчадаги олди-қочди гаплар асосида борган: «Бу одам академик. Бу одам академик эмас», каби. Демак, бизгача «кашф қилинган мантиқ «қонунлар»и аслида ҳеч қандай қонун эмас экан.



Бундай илм-ижод маҳсули ҳеч кимни қизиқтирмаса ва ҳеч кимга керак бўл – маса нима учун уни илм -фан ютуғи сифатида тафаккур ахли кўтариб юриши керак. *Амалий ахамиятлилик* кўрсаткичи ҳам маъно-моҳиятни асословчи-тасдиқловчи ва ҳисоблашмасдан бўлмайдиган талаб, деб ҳисоблаймиз. Бу талабга жавоб бермаган ҳар қандай «илмий фикр» ҳеч кимга керак эмас.

### *Мантиқ қандай кўринишга эга.*

Юқоридаги таҳлилларимиз биз кутган натижани бермади, яъни, академик адабиётлар «мантиқ» сўзига берган таърифларни ўзбек тилининг амалдаги луғатида кўрсатилган маъно, тушунчалар тасдиқламаяпти. Шунингдек «кашф этилган «мантиқ қонунлари»ни ҳам ҳеч қандай қонунлиги йўқ экан.

Буёқ файласуф Эммануэл Кант:

**«Фикрларни эмас, фикрлашни ўрган»,** – деб айтган экан. Донишманднинг ўғити йўлида юриш бизнинг ҳаракат дастуримиз.

Навбатдаги изланишимиз, «мантиқ»ни сўз ёки гап таркибида қандай шакл, маъно ва ҳолатларда кўрамиз, фарқлаймиз,– деган саволга жавоб излаймиз. Бунинг учун академик адабиётлар ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да берилган мантиқнинг таърифларини тушуниш учун фикрлашимизни бироз бошқа йўналишда давом эттирамиз.

Тилшунослик нуқтаи-назаридан қараганда ҳар қандай «гап» қайси даражада мантиқли эканини аниқ ва осон кўра олмаяпмиз. Ушбу мақсадда мантиқ сўзининг «ичига» чуқурроқ киришни ният қилдик. Тадқиқотларимиз бошланишида **мантиқ**нинг бирламчи маҳсули **маъно** эканини билдик. Ва мавжуд мантиққа оид илмий фикрларни маъноларини ўрганиб чиксак улар мантиқ талабига жавоб бермаяпти.

**Маъно – сўз билан ифодаланган тушунчадир.**

Таърифларга кўра: мантиқ → маъно → тушунча

**Маъно**– сўз билан ифодаланган *тушунча* бўлса, унда «тушунча» нима ? Энди *тушунча* сўзининг маъно-моҳиятига етиш вазирамиз бўлади.

## **Тушунча**

Фалсафа фанида «тушунча» иборасининг маъно -моҳиятига етарли катта эътибор ва ўрин берилган.

**«Тушунча –инсон миясининг олий маҳсулидир»,** дейишган фалсафа даҳолари. Тушунча **нарса, ҳодиса**даги барча томонларни эмас, балки муҳим, умумий томонларни акс эттириб, иккинчи даражали белгиларини четлаб ўтади, ҳисобга олмайди.» Бу ҳақда «Фалсафа энциклопедик луғати»да (Философский энцикло- педический словарь. М. 1983.) :

Понятие – мысль, отражающая в обобщенной форме **предметы и явления** действительности и связи между ними посредством фиксации общих и специфических признаков, в качестве которых выступают **свойства предметов и явлений** и отношения между ними. В понятии часто отражаются такие предметы и их свойства, которые невозможно

представить в виде наглядного образа.

«Тушунча – борлиқ **нарса, ходисалар** ва улар ўртасидаги боғлиқликларини умумлашган ҳолда акс эттирувчи **фикр** бўлиб, бу боғлиқликларнинг асосида нарса, ходисалар сифат-хусусиятлари ва уларнинг умумий ва алоҳида белги-лари орасидаги муносабатлар туради.

Тушунчаларда, кўпинча қиёфасини кўриш мумкин бўлмаган нарсалар, ҳолатлар ва уларнинг хусусиятлари ўз аксини топади.» (*Таърифнинг шу қисми умуман «тушунча»ни мавҳумлаштирган. Ушбу мавҳумлаштириш эса амалий аҳамияти йўқ «назария, қонун-қоида, фикрларни» ҳаётийлаштириш учун илм-фан ичидаги платформа сифатида хизмат қилмоқда*).

Биз ўз олдимизга мана шу ва бошқа адабиётларда ёзилган «тушунча» ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиб **тушунишни** вазифа қилдик.

Аввало «тушунча» иборасини оддий истемолдаги маъноларига назар ташлайлик. Ўрта мактаб сабоқларида «биология фани ҳақида умумий тушунча», «физика фани ҳақида умумий тушунча» каби гапларни эшитганмиз, билганмиз. Ёки – «Кўрган, эшитган нарсаларинг бўйича бирор тушунча олдингми?», «Бу ҳақда бирор тушунчага эгамисан?», каби ибораларни ҳаммамиз эшитганмиз, жавоб берганмиз. Бу савол–иборалар «тушунча» сўзининг маъно -моҳиятига бизни қониқтирадиган даражада тушунмоғимиз учун, бирор -бир **нарса, ходиса** ҳақида озми-кўпми, бирор –бир ҳажмда маълумотга эга бўлишни ёки хабардорликни талаб қилмоқда.

Психология уқтиради:

**Ҳамма тушунчалар тажриба - амалиёт (практика) асосида ҳосил бўлади, шу сабабли конкрет тушунчалар ҳам абстракт тушунчалар ҳам – идрок ва тасаввурлар асосида ҳосил бўлади..**

Инсондан ташқари жонзодларга назар солсак хайвонлар ҳам чекланган ҳажмда «тушунча» олишлари сезилиб туради. Масалан, ўзига озуқа бўладиган нарсани ҳидидан ҳам фаҳмлай олади, ёки ҳаётига хавф солувчи нарсани сезса, кўрса ёки товушни эшитса дарҳол жонини сақлаб қолиш ҳаракатида бўлади. Демак унинг миясида илгари кўрган, эшитган, ҳиди димоғида қолган нарса билан боғлиқ, ҳайвоний, инстинкт– «ҳайвоний тушунча» бор. Илмий тадқиқотчиларнинг айтишича филларнинг хотираси инсонлардан 100 марта кучли экан. Хотиранинг инсон тафаккури ва ҳаётида ўрни беқиёс. Лекин тафаккурсиз яратилган жонзодга бундай хотира нима фойда бераётганини филларнинг ўзигина билади. Хусусан 20-аср бошидан буён ривожланган давлатларнинг жуда кўп илмий марказларида узок йиллар давомида ўтказилган тажриба-тадқиқотларда ҳайвонларга кўп нарсани ўргатиб кўрилди. Бундай амалиётлар тарихи эрадан аввалги даврларга боради. Албатта тадқиқотдаги жонзодлар муайян ҳаракат ва қилиқларни такрорлашга ўргатилди. Лекин бирорта ҳам ҳайвонда тафаккур ривожланиши давом этмади. Сабаб, жонзодларда идрок ва тасаввур бўлмайди. Тафаккур ривожини нима? Ўзлаштирилган муайян билимлар асосида жонзод янги ҳаракат ёки қилиқ чиқариши.

Этибордан қочирмайлик, юқоридаги инсоний сифатлар асосида тил, нутқ, сўз ётади.

Психологияда фан донишмандлари:

–«**инсонда тафаккур ва нутқ бир вақтда, теппа– тенг пайдо бўлган**» – фикрини илгари сурганлар. Лекин унинг бевосита, айтайлик, археологик ашёвий исбот, далили йўқ, бўлмади ҳам. Турган гапки инсонда, хайвонлардан фарқли ҳолда, онг ҳосиласи бўлган «тушунча» лар сўз билан ифодаланади ва онгда шу ҳолда сақланади. «Тушунча», умуман айтганда «тафаккур», инсон борлигидаги ҳал қилувчи ва ҳукмрон сифатдир, аслида инсонни «инсон» қилган мўжизалардан биридир. Бу мўжиза қуйидагича намоён бўлади

– **инсон Нарсани кўрганда унинг Номи(сўз) эсига келади ёки бирор-бир Сўзни эшитганда шу нарсанинг қиёфаси (кўз олдига келади) (таъсирот) хотирасида тикланади, эслайди.**

Мана шу жараён инсон тафаккурининг ўзгинасидир.

Мана шу фикр психология донишмандлари айтган:

«**инсонда тафаккур ва нутқ бир вақтда, теппа– тенг пайдо бўлган**» – деган қонунни шархидир. Ва шунинг билан бирга инсоният учун муқаддас китоб-Қуръонни Бақара сураси 31-оятида айтилган: «Мен одамни яратдим ва унга **нарсалар** исмини ўргатдим»-дейилган хабарга шарх сифатида қарашимиз мумкин. Чунки Яратувчимиз одамни яратиб қўйиб унга бирламчи билимларни кўргазмалли қилиб ўргатган. Бамисоли: мана бу **Шан** –яъни бошинг, мана бу эса **Фан**-яъни миянг, мана бу эса **Сан**- яъни кўзинг мана бу **Жан** –юрагинг қабилада... Ушбу ҳолатни янада аниқроқ тасаввур қилмоқ истасак, чақалоқликдан чиқиб одамни фарқлаш давримизда деярли ҳар биримизни ҳаётимизда бўлиб ўтган сабоқлар: «Мана бу кўлингиз ёки кўлингизни кўрсатинг, мана бу бурнингиз ёки бурнингизни кўрсатинг... каби жараёнлардан барча инсон болалари ўтган . Зеро инсон боласининг биринчи сабоқлари, унга ўз вужудидаги қисм- нарсаларни таништириш, билдиришдан бошланган.

Ушбу ҳолатдан бошлаб фикр ипини чуватсак «Хайвон– маймуннинг эволюцион ўзгариш билан инсонга айланиши» ақлсиз гап экани очилиб қолади.

Юқорида биз инсондаги мўжизавий сифатлардан бири ҳақида гапирдик. Уни тушунмоқ учун алоҳида тадқиқот-мушоҳадалар қиламиз, яъни **Мўжиза** нима, деган? (бу ҳақда алоҳида мақоламизда батафсил танишасиз).

**Нарса** ёки **ҳодиса** ҳақида инсон онгида пайдо бўладиган **тушунча** аталадиган жараён *ичига қирамиз*. Фалсафий ва мантиқ ҳақидаги адабиётларда «тушунча»га мантиқнинг асоси сифатида қаралади. Шундаймикин?

Энди «тушунча» сўзининг маъно-моҳиятига чуқурроқ назар ташлаймиз.

Ваҳоланки ҳар қандай **нарса, ҳодиса** тўғрисида ҳамманинг **тушунчаси** (яъни ўз тушунчасининг баёнида сўз-гап-фикр ҳажми, демакки билими. ) ҳар- хил-ку. **Нарса, ҳодиса** ҳақидаги киши **билими** айнан мана шу тушунчалар ҳажми билан ўлчанади-ку. Масалан, космик ракета ҳақидаги одамларнинг тушунчаларига эътибор қаратайлик. Соҳага даҳлсиз миллиардлаб кишиларнинг тушунчаларидан, бевосита уни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар

тушунчаларини таққослашга ҳаракат қилиб кўринг-а. Ана энди шу миллиард одамларга космик кема яшаш вазифаси қўйилса, бу тушунчаларнинг 99,99999999 фоизи космик кема қуриш ишида ҳеч нарсага арзимаслигини, ва асосийси одамлардаги бир мавзудаги минглаб тушунчаларнинг фарқини ва бу тушунчаларни ахамиятини дарҳол фаҳмлаймиз.

Ўзбек тили луғатидан *тушунча* сўзига берилган илмий изоҳни оламиз.

**Тушунча** – нарса ва ходисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини умумлаштириб, бирлаштириб акс эттирувчи умумий *тасаввур*.

Аввало, охириги таърифдаги «наrsa, ходисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгилари» иборасини тушунишга, бу белгилар нималардан ибора эканини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бу масалани олдимизга қўйган пайтда мана шу бизга ноаниқ бўлиб турган «белги»ларни умумлаштириб, бирлаштириб турувчи «умумий тасаввур» ибораси ҳам туриб қолди. Шунинг учун, тахлилларимизни «тасаввур» сўзини том маъносини тушунишдан бошлаймиз. Луғатга кўра:

**Тасаввур** – 1.Кишининг нарса, ҳодиса ва шу кабилар ҳақидаги тажрибага асосланган билим- тушунчаси.  
2.Идрок қилинган, ҳис этилган **наrsa ёки ҳодисанинг** киши онггида акс этиши, гавдаланиши.

Кўриниб турибдики **наrsa, ҳодисани** кўриш билан онгга етган **таъсир** – сўз-маъно билан бойитилиб **тасаввурга** асос, тасаввурлар умумлаштирилиб **наrsa, ҳодисанинг** асосий сифатлари ҳақидаги кўшимча маълумотлар билан фикр бойитилиб **тушунчага** асос бўлар экан. Тушунчалар амалиётдан олинган маълумотлар билан янада бойитилиб, мукамаллаштирилиб **билим** даражасига етар экан.

P.S. Кўпинча гуманитар фанлар соҳасида айрим «илмий фикрлашларда» мана шу, **тушунча тасаввур** –га, **тасаввур** эса тажрибалардан олинган **таъсиротларга, таъсирот** эса ҳаётдан–амалиётдан олинишини эътибордан қочирадилар ва оқибатда **тушунчанинг** асл моҳиятидан йироқлашиб, уни **физик асосли** эканини унутадилар ёки тушуниб етмайдилар. Оқибатда, илмдан йироқ, балки илмга тескари йўналишда, фантастик фикрларга ўтиб кетадилар ва гоҳида бундай фантазияни илм деб сотмоқдалар.

## «Тушунча»нинг этимологияси

«Тушунча» сўзини маъно-моҳиятига етмоқ йўлида албатта бу сўзнинг этимологик таҳлили ҳам муҳим маълумотни бериши керак. «Одамато луғати» асосида таҳлил қиламиз.

**Тушунча = ту + шун + ча.**

Жуда кўп сўзларимизда бўлганидек биринчи бўғин ҳам арабча «масдар», яъни ту = та – эгаси, килувчи, этувчи, ишловчи каби маънолар берувчи сўзолди қўшимча экан.

шун = шан – бош, маъносини бермоқда.

ча ← чан – қулоқ, маъносини бермоқда. Ўзбек тилидаги замонавий маъноси ча – кичик, маъносини ҳам беради.

Лекин биринчи маънонинг эҳтимоллиги мантиқан юқори турибди, яъни – **«қулоқ»қа кирган товушни «бош» қабул қилди.**

Ушбу таркибий маъноларни жамласак:

**тушунча – бошнинг иши, ишлаши,** демакки ушбу сўзнинг асл маъноси:

**тушунча – миянинг, ақлнинг иши, фаолияти,** – деган этимологик маъно чикмоқда.

Энди «тушунча»нинг, яъни инсон мияси фаолиятининг асоси бўлган– **«нарса ва ходисаларни мантиқан ажратилган муҳим белгилари»** нималардан иборат эканини ўзимизга аниқ қилиб оламиз.

Луғатга кўра:

**Нарса** – дунё, табиат, борлиқ: ер, сув, осмон... инсон, ўсимлик, жонзод... олма, ўрик... микроб, хужай

**Нарсанинг мантиқан ажратиб кўрса бўладиган сифат ва хусусиятлари:**

оқ, қора, катта, кичик,

оқувчан, ўткир, ўтмас, ширин, аччиқ, кўп, оз...

**Ходиса** – табиат, жамиятдаги жараёнлар: шамол, зилзила, туғилиш, ўлим, тўй, аза...

**ҳодисанинг... сифатлари-** деб, биз ҳодисанинг юз бериш сабаби, ҳодисада иштирок этаётган нарсаларни тушунамиз.

## «Тушунча» олмоқ учун тадқиқот

Энди **тушунчани** тушунмоғимиз учун унинг асоси бўлган **тасаввур** ва шу тасаввурни шаклланишида муҳим бўлган **нарса** устида кичик тажриба – тадқиқот қилишни ният қилдик. Ва оддий **нарсалардан** бири сифатида мева – «олма» ни танладик. Мақсадимизни амалга оширмоқ учун олмазорга ёки олма бозорига борамиз. Бевосита **нарсани** ўз кўзимиз билан кўрдик, кўлимиз билан ушладик, шу соҳа мутахасисининг имкони доирасида **олма**– деб аталувчи **нарса** ҳақида анчагина маълумотлар олдик. Унинг турлари, сифатлари, тафовутлари, айрим хусусиятлари ҳақида мутахасис берган маълумотларини эшитамиз, кўрамиз, ўрганамиз.

Олма –тоғ олмаси, ўрмон(ёввойи) олмаси, боғ олмаси...

- навли олмалар: чиллаки(бахорги), ёзги, кузги, наманган олмаси...
- емиш, озуқа, мева.
- пишган, ғўра, хом...
- думалок, ноксимон.
- катта, кичик, соққача,
- юмшок, қаттик, карсиллаган, тиш ўтмас,пахтага ўхшаш, қумок ...
- сувли, камсув, сувсиз...
- ширин, аччиқ, нордон, чучук, тахир, бемаза.
- хидсиз, хушбўй,
- оқ, қизил, сариқ, яшил, кўк.
- соғлом, ачиган, сасиган, қурт еган, чириган
- шарбатбоп, сиркабоп, винобоп...
- овқат ҳазмини тезлатувчи ва яхшиловчи, шифобахш...
- организм ва қондаги хилт-чиқитларни эритиб-тозаловчи...
- олманинг яна бошқа: истемол, биологик, кимёвий, физик ва яна хоказо хусусиятлари.
- олманинг таркибий қисмлари: банди, пўстлоғи, эти...

Энди биз *нарса*–олма ҳақида асосли фикр юритиш учун бир микдор маълумотларга эга бўлдик. Бу маълумотлар *нарсанинг сифатлари* деб аталади. Бу маълумотлар «олма» деб аталувчи *нарса* ҳақида бизда биратўла **бошланғич ва умумий тушунча** пайдо қилди.

Мана шу, олманинг турлари, сифатлари, илмий таъриф қўлласак, **нарсанинг табиий, истемол, физик, биологик, кимёвий, тиббий...** ва яна хоказо сифат ва хусусиятлари, *нарса* (олма) ҳақида *тушунчани* ташкил қилувчи, «**нарсанинг «мантиқан (яъни, маъно жиҳатидан) ажратилган, фарқ-ли, муҳим белгилари»** экан.

Ушбу олган маълумотларимиз учун ОЛМА – *сўзи умумий тушунча* бўлса, бу тушунчамиз ичидаги маълумотлар яна кўпгина кичик *тушунчаларни* бермоқда. Масалан :

- Эртаки олма навлари ҳақида тушунча.
- Узоқ муддат сақланадиган олма навлари ҳақида тушунча.
- Олманинг шифобахш хусусияти ҳақида тушунча.
- пишган олма, хом олма, ғўр олма ҳақида тушунчалар....

Ва яна хоказо ... сифатлар, хусусиятлар ҳақида тушунчалар. Ва энг муҳим хулоса:

**Тушунча – нарса, ҳодисанинг муайян сифатлари билан ўзлаштирилган, англаб етилган, мияга жойланган маълумот, фикрдир.**

**Шу ерда STOP. Психологик жараён!!!**

Инсон **нарса, ҳодисани** кўрганда унинг онгида шу нарса, ҳодисанинг ИСМИ-СЎЗ пайдо бўлмоқда. Аксинча, инсон ИСМ-СЎЗни эшитганда унинг онгида шу сўз остидаги **нарса, ҳодиса** шаклланмоқда.

Мана шу психологик жараённи асосида илгарироқ олинган **тушунча** ётибди.

**Ҳар қандай тушунчалар амалий тажриба-тадқиқот асосида ҳосил қилинади.**

Бу қонундир. Ушбу қонунга ҳилоф равишда ҳосил қилинган «тушунчалар» амалий аҳамияти йўқ бўм-бўш фикрлардир.

Демак, айнан шу— тажриба-тадқиқотларда олинадиган, аниқланадиган, **нарса, ҳодисанинг сифатлари** ҳақидаги маълумотлар миқдори ва ҳажми **тушунчаларимизнинг** тор ёки кенглигини, катта ёки кичиклигини, мукамал ёки саёзлигини, бирор нарсага арзирли ёки арзимаслигини, тўғри ёки нотўғри, ҳақиқат ёки ёлғон эканини белгилайди.

### Тушунчанинг хусусиятлари

Айнан бир **нарса** ёки **ҳодиса** тўғрисида одамларнинг тушунчаларини таҳлил қилганимизда, ҳатто мутахассисларнинг ҳам тушунчаларининг мукамаллик даражаси, амалиётга арзирли фикрлари бир хил эмас, яъни нисбатан фарқли экани эътиборимизни тортди. Бу ҳолат юқоридаги қонунга риоя қилиниши ва идрок даражасига боғлиқ экан.

Иккинчидан, **тушунча** сўзи фалсафий нуқтаи назарда *ҳодисани* англатади. Бу ҳодисалар эса 2-3 сўздан тортиб бутун бошли мақола, китоб ҳажмида ифодалаш мумкин бўлган фикрлар мажмуасидир. **Нарса, ҳодиса** ҳақидаги «болаларча тушунча»дан тортиб, «мукамал, олимона, бир неча китоб бўладиган **нарса, ҳодисанинг** сифатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам **тушунча** — аталса бўлаверар экан. Энди шу тушунчалар асосида бирор-бир нарсани **БИЛДИМ**, демоқ учун ўша нарса, ҳодисани шу тушунчаларингиз билан ўз кўлингизда такрорлай олишингиз, янгисини ясай олишингиз керак экан. (М: нон пиширишни биламан, автомобил яшашни биламан, космик кема қуришни биламан, космосга учиш илмини ўргандим, ...) Ана ўшандагина тушунчаларингиз **БИЛИМ** даражасига етган бўлар экан.

### Илм-фанда тушунчанинг мукамаллиги асосийдир.

**Тушунча** сўзининг таҳлилидан яна бир ҳулоса: Бирор- бир кўрган, эшитган ёки ўқиган нарса- маълумот асосида «қабул қилувчи»да **тушунча** бўлмоғи учун: аввало маънони, мавзуни **тушуниш— ўзлаштириши** керак экан.

**Тушуниш** учун эса қабул қилувчида янги мавзудаги нарса, ҳодисани бирор бир сифати билан бир хил бўлган бошқа нарсани сифати муайян бирламчи тушунча-билим сифатида мавжуд бўлиши шарт экан. Бўлмаса «мен» ҳеч нарса тушунмайман ва оқибатда «мен»да ҳеч қандай **тушунча** пайдо бўлмайди.

М: Одам ато ва Момо Ҳаво буғдой билан озикланар эдилар. Ўрмондан қайтган Момо Ҳаво таклиф қилди: Мен ўрмондан «ейиш мумкин бўлган нарса» топдим, ўзим еб кўрдим ва сизга ҳам олиб келдим, ейсизми? Ушбу ахборот-маълумотни қабул қилишида Одам ато миясида «буғдой — ейиш мумкин бўлган нарса» тушунчаси мавжуд эди. Янги таклиф қилинаётган нарсада ҳам шу— «ейиш мумкин бўлган нарса» **сифати** бор экан. Ушбу, ҳам буғ —

дойда, ҳам янги топилган нарса «олма»да мавжуд сифат– «ейиш мумкин бўлган нарса»– таклифни, янги гап, фикрни тушунишга асос бўлди.

**Нарса ёки ҳодисага тегишли мантиқий сифатлар фикрдаги сўз, гапларни бир-бирларига боғланишига олиб келади экан.**

### **Тушунча мукамаллигига қандай эришилади.**

Юқоридаги тажриба-тадқиқотдан кўрдикки **нарса, ходисаларни ўрганиш** жараёнида уларга тегишли ва турли фанлар ўз йўналишларида аниқлаган жуда кўп сифат-хусусиятлар мавжуд экан ва бу сифат- хусусиятлар **нарса, ходиса** ҳақида жуда кўплаб маълумотларни берар экан. Бу маълумотлар ўз навбатида инсон хотирасида тушунча шаклида ўрнашади.

М: нарса-ОЛМА

- Эртаки олма навлари ҳақида тушунча.
- Узоқ муддат сақланадиган олма навлари ҳақида тушунча.
- Олманинг шифобахш хусусияти ҳақида тушунча.
- пишган олма, хом олма, фўр олма ҳақида тушунчалар....

### **Мантиқ ва тушунарлилик.**

**Психология айтади:** Тушуниш – нарса, ходисанинг энг муҳим белгиларини пайқашдир.

Юқоридаги мулоҳазаларимизда «тушунча» сўзи маъно моҳияти бўйича изланишларимизда у нарса, фикрни **тушуниш асосида пайдо бўлишини билдик.**

**Қачонки фикр тушунарли бўлса демак шу фикр мантиқли экан.**

**Мантиқ – тушунишдир.**

Яъни тушуниш — «мантиқ»нинг ҳосиласи, яъни қилган иши, меваси экан.

«Тушуниш» қачон ва қандай пайдо бўлади?

Дарвинчилар айтганидек «ўз-ўзидан» пайдо бўлдимми?

Сўз — Маъно қулоққа кириб онгни кўзғотди, яъни, маъно онгга «тиқ» этиб урилди, агар сўз таниш бўлса сўз ортидаги нарса, ходиса онгда аксланди.

**Инсон нарса, ходисани кўрганда унинг исми эсига келса ва аксинча бирор сўз-исмни эшитганда унинг шакли-шамойили кўз олдига келса – бу, тушуниш бўлади, яъни мантиқ ходисаси юз беради.**

**Агар Одам атога бирламчи Илоҳий таълим бўлмаганида эди, у онгсиз қолиб кетар эди.**

**Бирламчи сабоқ берувчи одамсиз ва ундан таълим, ўрганишсиз одам— инсонни ўзи ҳам йўқ ва бўлмайди экан.**

Археология топилмалари асосида дунёга жар солинган «илмий хабарлар» :Неандертал одам, Атлантроп, Синантроп одамлар ҳақидаги гаплар бўм-бўш фикр-гаплар экан. Одам кўзиқориндек турли жойларда пайдо бўлавермаган экан.



**Нарса, ходисаларни Номи–товуш ва жисмоний кўриниши(қиёфаси) – биргаликда ёки бирлашган ҳолда – маъно – аталади экан.**

Инсоннинг ушбу ҳолати «ўз-ўзидан» пайдо бўлишини жонзодларни тарихан ўрганиб чиқиб тушуниб, асослаб бўладими? Ҳеч қачон Яратувчи бизга берган муқаддас китобида ёзиб қўйганидек, «Одамни яратдим ва унга нарсалар исмини ўргатдим» – тарихий, мўжизавий, илоҳий жараёнисиз Тафаккур қилувчи Инсон (Homo Sapiens)ни тушуниб бўлмайди. Фанда одамзоднинг қадимий аجدодлари аталган археологик топилма суяклар барчаси «Тарзан»лар экан. Яъни улар шаклан одамсимон, лекин хайвон жонзодлар экан. Уларни биз инсонларга мутлақо дахли йўқ экан. Чунки уларга «бирламчи илм»ни ҳеч ким бермаган. Таълим берувчи одамни ўзи бўлмаган. Китобхон, эътибор беринг таълим берувчи Муаллим бўлмаса фикрловчи одамни ўзи ҳам бўлмайди экан.

Гап, сўз, фикрнинг маъноси **тушунилгандагина** эшитувчида **тушунча** ҳосил бўлса, демак, қадим донишмандлар қабул қилган, **мантиқ – деб аталган фан– сўз, гап, фикрларни тушунарли бўлишини талаб қилувчи қонун, нарса, ходисалар сифатлари баён қилаётган фикрларни тушунарли бўлиши талабларини ўрганувчи илм экан.**

**Ушбу, тушунарлилик талаблари бажарилмаса, Биз ва Сиз билдирган фикр, айтган гапнинг қадри йўқ, чунки уни ҳеч ким тушунмайди.**

**Фикр-гап тушунарли бўлмоғи учун нарса, ходисанинг муҳим сифатлари фикр баёнида бўлиши шарт. Мана шу сифатларни излаш жараёнларида кўпинча илгари маълум бўлмаган сифатлар кашф этилади.**

**Мантиқ сўзининг моҳиятини излаганимизда маълум бўлдики:**

**Мантиқ – товуш – сўзнинг табиий кучи бўлиб, у физик ходисадир, яъни тафаккур фаолиятининг асосидир. Бу фаолият – физик ходиса туфайли маънавий фаолият яъни илм асосида тафаккур бошланади. Инсон илмининг бошланиши эса Қуръоннинг Бақара сураси 31-оятда айтилганидек, «Одамни яратдим ва унга нарсалар исмини ўргатдим»–дан бошлангандир.**

**Мантиқ – товуш- сўзнинг онгга муайян маъно-моҳият етказишидир.**

**Мантиқ – нарса, ходисаларнинг сўз шаклидаги руҳи, маънавий олам кучи.**

**Мантиқ – тушинишдир, яъни нарса, ходисани унинг исми орқали тушинишдир. Инсон сўзни эшитганда унинг билдираётган нарса, ходисани тасаввур қилади, нарса, ходисани кўрганда унинг исмини эслайди.**

**Ушбулардан келиб чиқиб фалсафанинг тил ва психология соҳалари учун ягона бўлган «Тафаккур қонуни»ни шакллантирамиз:**

**Ҳар қандай товуш– сўз инсон онгига мантикий таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтиради. Оқибатда онгда товуш-сўз ортидаги нарса, ходисанинг тасаввури пайдо бўлади ва аксинча, – нарса, ходисани кўриб унинг исми-номи – Сўз пайдо бўлади.**

**Сўзни эшитганимизда Мантиқ ходисаси туфайли миянинг ишчи**

юзасига Маъно бамисоли, қалқиб чиқади. Яъни, Сўз эшитган бўлсак нарса, ҳодисани қиёфаси ёки нарса, ҳодисани кўрсак унинг Исми эсимизга келади, ёки эсимизга тушади.

Инсон ҳаёти давомида янги-янги «маъно»ларни ўзлаштириб, кашф қилиб бораверади. Илмий йўналишда эса «топдим»,– деб ҳисобланган, амалий ахамиятсиз бўлган нарсалар ахамиятсизлигича, ҳеч кимга керак бўлмай, фойдаланилмай, қуруқ, маъносиз гап, сўз бўлиб қолаверади.

### *Яқуний фалсафий ҳулоса*

*Яратувчи Олам ва унда Одамни яратди.*

*Одамнинг оламга хукмронлиги унинг аввало ўзини ва нарса, ҳодисаларни ва англаб етмогидан бошланди. Яратувчи бунинг учун Одамга «НАРСАЛАР ИСМИ»ни ўргатди(Қуръон,Бақара сураси, 31оят.) ва бу исмлардан фойдаланмоқ учун онг, ақл, тафаккур , нутқ берди.* (Инсонда нутқ ва тафаккур тенг ва бир вақтда пайдо бўлган. Психология.)

*Бу ўргатилган ИСМлар – биринчи инсон ва инсоният тафаккурининг бирламчи ва асос билимидир. Шу билан бирга унинг тафаккурига узликсиз мадад, метафизик нур – қувват(энергия), фикр-илҳомлар берди, бермоқда.*

*Инсон тафаккури метафизик оламнинг «ижобий–салбий фикр оқимлар»и билан узликсиз алоқададир. Бу алоқалар қонунийдир.* (Ўй-хаёл, кутилмаган фикрлар, илҳом ва ҳоказолар. Келадиган фикр- илҳомларни салбий нусхалари кўпроқ, ва одамни қизиқтирувчи «фикр-мавзу» бўлиб келади. Албатта келувчи фикрлар инсон онгида мавжуд тушунча-билимлар ва маълумотларга монанд яъни тушунарли бўлиб келади)

*Нарса, ҳодисаларнинг ИСМи – СЎЗдан иборатдир. Сўз–Исм нарса, ҳодисанинг энг муҳим сифатини билдириб умумий тушунча аталади, бу умумий тушунча ўз навбатида таркибий қисмларга ажралади.*

(Нарса, ҳодисалар исми – Моҳиятдир. Платон. Моҳ – Илоҳдир — Бу дегани — нарсанинг ИСМи донишмандга Илоҳ томонидан «илҳом» шаклида билдирилган, берилган илмдир. Бу фикр нарса ҳодисани биринчи кашф этувчиларга тегишлидир. М: «Компютер» сўзини уни кашф этган одам атади, айтди. Биз эса ундан билиб олдик ва фойдаланмоқдамиз).

*Товуш- СЎЗ қулоққа эшитилганда – мантиқ ҳодисаси юз беради. Мана шу эшитилган товуш-сўзни тушуниш жараёнида иштирок этувчи барча моддий ва маънавий нарсалар тушунишга ҳизмат қилади. Мантиқнинг энг содда маъноси – тушунишдир. Тушуниш эса ўз навбатида инсон миясида кечинадиган жараён бўлиб, у ҳодиса инсон онгида мавжуд БИЛИМга асосланган ҳолда кечинади. Тушуниш бу— СЎЗ-ИСМни эшитганда «нарсa, ҳодисани» тасаввур қилиш ва « нарса,*

*ходиса»ни кўрганда унинг ИСМИ-СЎЗни эсланишидир. Мана шу жараёнга асос бўлиб хизмат қилаётган, инсон онгидаги маълумотлар — тушунча — аталади.*

*Мантиқнинг асоси ва бирламчи маъноси – у тушуниш жараёнини амалга оширадиган ТАБИИЙ КУЧдир.*

*Мантиқ – СЎЗнинг маъно- моҳиятини етказувчи табиий кучи бўлиб, у тафаккурни Исм-Сўз билдираётган нарса, ҳодисанинг барча сифатларини билишга етаклайди. (Барча илмий изланишлар ва унинг натижалари нарса, ҳодисанинг илм-фанга номалум сифатларини излайди ва кашф этади Шунинг учун фаннинг барча соҳасидаги изланишлар «мантиқий» изланишидир.)*

*«Мантиқ –табиий куч» тўғрисида Сўздаги маъно-моҳият иккинчи (эшитувчи, кузатувчи) онгига етиб боради ва унинг онгида нарса, ҳодиса сифатида қайта жонланади.*

*СЎЗ – товушдан иборат бўлгани учун товуш турланувчи хусусиятга эга. Ушбу хусусият, талаффузлар асосида Яратувчи- Табиат айнан бир сўзни турлича-миллий тилларга ажратган.*

*Тафаккурнинг иш қуроли ва маҳсули ИСМ – СЎЗдир. Яратувчи–Табиат Сўзга МАНТИҚ аталувчи куч берди ва бу маънавий восита билан инсон оламнинг бошқа физик ва метафизик қисмлари билан алоқададир.*

*Мантиқ — тушуниш сўз билдираётган нарса, ҳодисанинг барча объектив ва субъектив, физик ва метафизик сифатларини ўзида жамлагандир.*

## МОҲИЯТ ВА МАНТИҚ

**Моҳият** тушунчаси «**маъно**»нинг бевосита таркибий қисми, ядроси, ўзагидир. Ўхшатма қилсак, **маъно** – ўрик- мева бўлса, шу ўрик данагининг ичидаги мағиз – моҳиятдир. Донишмандлар **моҳият**ни худди шу мағизга ўхшатишган. Луғатда,

**моҳият** – бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим **маъно**, ички мазмун, мағиз.

Донишманд Платон – «Умумий тушунчалар буюмлар **моҳиятини** ифодалайди», – деган.

Унинг шогирди Аристотель эса: Якка тушунчалар биринчи **моҳият** бўлиб, мазмунан бойдир, – деган.

Буюк донишмандлар тилга олган **моҳият** ҳақида уларнинг издошлари, қадим юнон реалист файласуфлари эса:

**«нарсанинг номи шу нарсанинг моҳиятини билдиради»** – деганлар.

Демак, **нарсанинг** НОМи – **умумий тушунча** бўлиб у **моҳият**ни билдиради. Эндиги вазифа, **нарсалар**, масалан: инсон, кун, тун, сув, ҳаво, олма, анор, узум... каби сўзлардан қандай қилиб уларнинг моҳиятига етишдадир.

Бизнинг бу қадар ҳарфхўр(буквоед, демоқчимиз)лик билан мавзуларга ёндошишимизнинг сабаби, ҳамюртимиз, Россия фанлар академиясининг академиги Мирзакарим Норбеков ўзининг («Где зимует кузькина мать, или как достать халаявный миллион решений» Москва, АСТ, Астрель 2007) (Жўжалар қаерда қишлайди, ёки миллион текин маслаҳат Тошкент 2009) китобида замонимизнинг илм аҳлига нисбатан:

**«Сиздаги энг қўрқинчли ҳасталик бу – сиз моҳиятига тушунмай, тайёр шаклда олган билимлар»дир**, – деган.

Бу фикр ХХI аср ўқимишлилари учун, агар хоҳласангиз, ҳар қандай касалликдан қутилиш, бевосита умрни узайтириш ва яна бошқа орзу-ниятларга етиш калитидир.

Шунинг учун донишмандларнинг **моҳият** сўзи остидаги тушунчаларини ўз онгимизда «бир бошдан» шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

**Моҳият**ни луғавий изоҳини таҳлил қиламиз.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да

Моҳият– 1. бирор нарсанинг замиридаги туб– энг муҳим **маъно**, ички мазмун, мағиз.

2. Нарса ва воқеаларнинг энг муҳим, мазмунан чуқур ички белгилари, ходисалари ўртасидаги ички боғланиш. Уларнинг зухур этиш характери ва усулларини белгиловчи бош омил.

Бу маълумотлар сўзнинг академик илмий изоҳидир. Ушбу таърифлар мутахассис ёрдамисиз амалий дастур бўлаолмаяпти. Аниқроғи бу сатрлар донишмандларга тегишли бўлсада замонаси билан мурасосозлик учун мавҳум ёзилган фикрлардир. Демак мантиқан мукамал ёритилмаган, яъни тушунарсиз. Энг ёмони, **моҳият**ни хуш кўрмайдиган фан аҳли учун бундай ифода–формулировкалар доим амалий ахамиятсиз фикрларга ўтиб

кетмоқ учун трамплин вазифасини ўтаб келмоқда. Бизнинг вазифамиз эса, **моҳият** сўзини мутлоқ тушунишдан иборат.

Энди **моҳият** сўзининг келиб чиқиши ва асл маъносини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Ушбу сўзнинг ўзагида **моҳ** турибди. Моҳ нима? Замонамиздаги айрим поэтик асарларда ёзилганидек, **моҳ** – **Ой**-ми? Фалсафанинг асосий сўзи бўлган **моҳият**-га Ернинг сайёраси –Ойнинг қандай дахли бор. Бу ҳақда кўп йиллик изланишларимиз асосида мутлақо кутмаган жойлардан мантикий асослар топдик. Бу ҳақда Уйғониш даврининг буюк намоёндаларидан бири, италян инсонпарвар файласуфи Пико делла Мирандола Жованни (1463-1494) ўзининг «Инсоннинг қадри ҳақида» асарида – «Аслида, Порфирийнинг таъкидлашига кўра, бизнинг тилдаги «**маҳия**» сўзи, форсларнинг тилидаги (моҳия)– «илоҳий» сўзига тўғри келади, - деган». ( **Человек**. М. 1991. Мыслители прошлого и настоящего о его жизни и бессмертии. – **Инсон**. Ўтмиш ва ҳозирги даврлар донишмандлари инсоннинг ҳаёти ва абадияти ҳақида.). (Ёш китобхонларга эслатма. Европаликлар Н– ўзбекчада Х товушини руслар Г товуш ва ҳарфи билан ёзадилар). Ушбу фалсафий асар «**Моҳ**» сўзи – «**Илоҳ**» сўзининг синоними эканини далолат қилди. «**Моҳ**» сўзининг бундай маъносини Карл Эккартсгаузен «**Табиат сирларига очқич**» (Ключ к тайнствам природы. Т.1993г.) номли инсон руҳияти ҳақидаги китобида ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, рус тилидаги «**магия**» сўзининг (магрус– сеҳргар), маъно-моҳияти ҳам тасдиқлайди. Яъни сеҳргарлик – санокли инсонларга **берилган** нодир, **Илоҳий** сифатдир. Ушбу сифат эгаларининг айримлари ўз ҳислатларини эгоистик мақсадларда фойдаланиши ва бу туфайли айрим ҳолларда салбий маъноларга эга бўлиши, энди бу бошқа мавзу. (Бундай ҳолатлар сабаби «**Мантиқ ва тафаккур**» мақоласида ёритилган.)

Этимологик таҳлил: моҳият = моҳ + ият.                    ият = ий(а) + ат

моҳ – 1.асл маъноси: м – → бир, ягона, — Илоҳ.

оҳ – инсон оҳи, тилаги, илтижоси.

шундай қилиб,

Моҳ = Илоҳ– инсоннинг оҳини эшитувчи  
ягона Зот.

Моҳ – оламда Ягона.

ият – 1.ушбу ўзақдаги ия = ийа – инсоннинг ҳайрат  
ҳолатидаги табиий товушидан ясалган таклидий  
сўз. Араб этимологиясида бу сўз:

– Яратувчи билан юзлашув чоғида инсоннинг  
ҳайратланиши – ни билдиради.

– ат – Яралмиш, шерик, ҳамкор, ёрдамчи  
шунингдек Моҳга тегишли ва унинг томонидан  
яратилганлар, Моҳнинг тасарруфидаги нарсалар;  
фаришта, товуш, сўз, табиат қонунлари, инсон...  
кабилар.

Шундай қилиб,

**моҳият** сўзининг таркибий қисмлари – ясовчиларини этимологик маъноларини бирлаштирсак: –

**Моҳият** – нарса, ҳодисаларнинг барчаси инсон учун– улар Моҳ – Илоҳ томонидан яратилган, маъносини бермоқда Моҳ – оламда Ягона Зот. Оллоҳнинг яралмиши Ой- қоронғу тунни ёритувчи, ўхшаши йўқ гўзал нарса — Моҳ-Илоҳнинг яралмиши мантикий сифат - маъносида шоирларга асос экан... – маъноларида кўп қўлланади.

Бу маъноларни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да келтирилган изоҳлардаги мағзи чақилмаган сўз-ибораларга қўйсак:

1.Бирор нарсанинг замиридаги туб– энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз нима? –

бу, **Оллоҳ**нинг 3313 дан ортиқ исмларидан бири бўлиб, улар Моҳ, Илоҳ, Ан, Худо, Парвардигор, Тео, Бог, The God каби барча ҳалқлар тилларидаги бевосита ва билвосита **Оллоҳ**нинг исмларини билдирувчи синонимлардир – Инсан луғати, табиий товушлар– тақлидий сўзлар ва ҳарфлардан ясалган. Бу СЎЗ **нарс**а ва **ҳодис**аларнинг номида, СЎЗ(ном)нинг ўзагида, ўзак-асос сўз бўлиб турибди. Шунингдек **нарс**а, **ҳодис**аларнинг инсонга даҳлдорлиги, инсонга тегишлилиги, инсон учун кераклиги, фойдалилиги ва ҳаммалари Оллоҳнинг Яралмиши экани ҳақида хабар бермоқда, билдирмоқда, Масалан: **Нон** сўзи. Унинг вазифаси, уни яратилишидан мақсад – инсонга озуқа;

бу сўз ўзаги **нан** Одамато луғатида кўкракни билдиради ва кейинги мантикий маъноларидан – аёл кўкраги маҳсули – сут, озуқани билдиради.

**нан** сўзи ўз навбатида н +ан – га бўлиниб унинг таркибидаги **ан** – Оллоҳ маъносини билдирувчи Одамато луғати сўзидан ясалган экан.

Яна шунингдек,

–Ердаги ҳаёт ва унда ИНСОН мавжудоти ва бошқа жонзодлар ва нарсалар ўртасидаги боғлиқлик, кераклилик каби глобал мавзуда фикрловчиларнинг (бу мавзуда телевидение орқали кўплаб хужжатли филмлар намойиш этилмоқда) илмий фикрларини тушунишга ҳаракат қилсак – Шимолий ва Жанубий қутблар музликлари ва у ердаги магнетизмдан тортиб, оддий микроблар-у, океандаги улкан кўк китларгача, Ерни ўраб турган атмосфера (қадим ҳинд тилида **Атма** – Илоҳ) ва умуман **7** қобиғи ва яна Қуёш системасидаги сайёралар ва галактикамиздаги барча нарсалар ҳам Инсоннинг Ерда мавжуд бўлиши шартларидан эканини фаҳмлай бошлаймиз. Ушбу фикрларнинг илмий изоҳини англашга инсониятнинг барча илмий фикрлари ва Яна яратилажак илмлар, кашфиётлар хизмат қилади. Амалий аҳамияти ноаниқ ва мавҳум, ҳаётий бўлмаган «бизнес- фикрлар» эса халақит қилади. Яқинда матбуотда хабар тарқалди: Оламларнинг чегараси топилибди! Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса шу чегара ортида кимнинг «ранчо»си жойлашган ?

Сўзнинг вазифаси – бирор-бир фикр-хабарни етказишдир. Шундай қилиб сўз маъносида «Моҳ» аталувчи Илоҳнинг исмларининг биридан иборат **маъно-мағиз** борлиги, ва бу мағиз **моҳият**нинг ҳам объектив, ҳам субъектив ядро экани, объектив томонида инсон, унинг манфаати ва фаолияти бевосита кўринса, субъектив томонида нарса, ҳодисанинг асл

ижодкори **Моҳ-Илоҳ**ни билдирувчи сифат экан. Яъни, тафаккур соҳиби бирор нарса ёки ходисани объектив моҳиятига тўла тушуниб етганидан кейин, ушбу объективлик инсоний махсул эмаслигини англаб, унинг ўзаги, яратувчиси бўлган **Моҳ**ни, унинг яратувчилик механизмини билишни хоҳлаб қолар экан.

М: Ўтган замонларни бирида бир доништабиат изланувчи бошқа тараққий топган юртга бориб у ердаги қурилган уй-жой, биноларни кўрди. Бу қурилишлар пишиқ ғиштдан қурилганини билди. Табиат нарсалари ичида пишиқ ғишт тайёр ҳолда учрамагани учун уни ясаш, тайёрлаш технологияси билан танишди, қизиқди. Уста-хунармандларга бориб, бирга ишлаб ғишт ясаш, тайёрлашни ўрганди. Ушбу касбни маҳоратли уста даражасида ўзлаштириб олганидан кейин ҳам унга бир фикр тинчлик бермади, яъни нима учун **шундай ғиштарни ясаш фикри** бизнинг юртимиз одамларига ҳам келмади... Мана шу жараён Моҳни излаш бўлади.

Лекин иккинчидан ҳамма ҳам Моҳни излайвермайди, атрофга қарайвермай –ди. Чунки уни кўрмоқ учун таҳлилларни чуқурлаштириш керак. Жуда кўпчилик моҳиятга етганидан кейин, яъни эҳтиёжи қониққанидан хотиржамликни афзал кўради. Бу иш таҳлилларни чуқурлаштириш, аналитик тафаккурни ёқтирмайдиганлар учун тескари йўналишдир. Бундай услубда тафаккур қилишни ҳамминг ҳам таъбиати ёқтиравермайди. Бу мавзуда аналитик тафаккурни ёқтирмайдиган, шуғулланишни хоҳламайдиган, лекин ўзининг ярим-ёрти фикрини тикиштираверадиганлар замонамизда анчагина. Психология айтади: одамларда тафаккур хилма-хилдир. Бу хилма –хиллик ичида «моҳиятни ўйлашни табиатан хоҳламайдиганлар» нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Сабаб, инсон тафаккури рухий оламдан узликсиз информация олиб турар экан, бу информацияларнинг-келаётган фикрларнинг «ёқимли, мақбул туюлувчи»лари эгоистик мазмундадир. Бу Табиийдир.

**Моҳиятнинг бундай, асл маъносини тушунишнинг ҳаётий, амалий аҳамияти шуки, инсоният ҳаётий эҳтиёжи учун фойдаланаётган барча тиллардаги ҳар бир СЎЗ ўзаги- асосида «Илоҳ»–Аллоҳнинг Исми мавжудлигини эслатиб, инсондан ўз маънавий қиёфасини покиза тутишга ундайди. Бу ҳақда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» ( Тошкент.2009.) китоби барчамизга дастурдир.**

**Ушбу ҳолат инсонлар учун қонундир: Сиз, диндормисиз, динсизмисиз барибир ўз тилингиз, нутқингиз, сўзларингиз билан доим Илоҳ-Оллоҳни такрорлар, тасдиқлар экансиз. Одам боласи тукқан онасини рад этаолмаганидек, тил- нутқида фойдаланаётган мантиқ- маънолар ва моҳиятни ҳам рад этаолмайди. Шунингдек товуш - СЎЗ ва унинг мантиқи – яъни таъсир кучи мавжудлиги «шакл ва мазмун бирлиги» бўлиб, бу фалсафий нуқтаи назардан қонундир. Яна, ҳар қандай тил ўз миллий муҳотида қонуний таъсир кучига эга.**

**Яна бир муҳим қонуният: инсон нутқининг асоси бўлган СЎЗлар – «шартли қабул қилинган маъноли товушлар»– эмас, балки яратувчи Оллоҳ томонидан берилган, муайян мутлоқ маънога, шунингдек ушбу**

**маъно, шунингдек физик – Илоҳий таъсир кучига эга «нарса»лар экан. Бу ерда, сўздаги «Илоҳий куч» таъсири табиатнинг бошқа кучларидан фарқли равишда алоҳида қонуният асосида кечинади. Сўзларнинг Илоҳийлигини асоси шуки, улар беғараз фаолият юргизувчи ДОНИШМАНДларга илхом сифатида келади.**

Бу кучни микдорларини ўрганиш келажакка вазифадир. Асос: Яхши хабар сизни қувонтираяптими, рухлантираяптими? Аксинча ёмон хабар ёки ҳавфдан хабар берувчи, тўсатдан айтилган сўз сизни титратаяптими, кўрқитаяптими? Демак, сўзда куч бор экан! У сизни ҳаракатга солаяпти.

Сўзни –**нарса**, дедик. Сўзнинг нарсалиги ва унинг реал маъноси ва бу маънонинг таъсир кучи билан тасдиқланади. Сўз нафақат инсонлараро мулоқот воситаси, балки инсон кўзига кўринмайдиган Илоҳиёт билан ҳам мулоқот воситасидир. Сўзнинг нафақат инсон ёки айрим жонзодларга балки сувга ҳам таъсир кўрсатиб унда молекуляр ва ҳатто таркибий ўзгаришлар ясаши, исботдир. (Сувга сўз ва ниятларнинг таъсири бўйича япон олими Ямото Масару ва яна Европалик бошқа олимлар тажриба-тадқиқотлари.)

Бизнинг ушбу хулосаларимиз маънавият оламига тегишлидир. Маънавият олами қонунлари моддият қонунларидан биров фарқ қилади. Асосий фарқ шуки, маънавий оламнинг моддий олам билан ўзаро таъсирлашув ҳолатлари(парапсихология) фақат «танларганлар» учунгина «илмий» бўлган, асосан **илм-фандан** ташқари «зона»дир.

Ушбу хулоса, товуш-сўздаги, маънавиятдаги буюк **Ҳақиқат**дир.

Маънавиятдан моддият пайдо бўлиши мумкинлигини англамоқ учун 20-30 йил амалий илм билан ва кейинги 10-15 йилни парапсихологларнинг илмини тушуниш билан шуғулланиш керак, деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина амалий аҳамиятли кашфиёт-ишлар қилган, нисбатан оз сонли олимлардагина мавжуд бундай, «руҳиятдан моддият пайдо бўлиши мумкин,-деган фикрга (илмга эмас) фикран яқинлашиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Маънавият** = маъно + ият – маънолар тўплами, маънолар олами.

**ман – Илоҳ – Рух**

**Маънавият – дунё, нарса, ҳодисанинг фақат сўзлардан иборат рухий оламдир.**

Мана шу сўз аталув-чи «**нарса, ҳодисанинг номи шу нарсанинг моҳиятини билдиради**» файласуфлар фикрига кўра ва яна шу сўз умумий тушунча бўлгани ҳолда **биринчи моҳият** бўлиб, улар **мазмунан бой** экан. Ушбу ҳолат яъни, **мазмуннинг нарса, ҳодиса** номидангина иборат СЎЗ-НОМИ уларга тегиш- ли сифатлар аниқланиши, очилиши ҳисобига бойиб кетишини аввалги, **мантиқ** нима?– деган тадқиқотларимизда равшан бўлиб қолди.

М: *Олма* –сўзига эгамиз. *Олма*– сўзи моҳият экан. Ушбу олманинг ( истемол, тиббий, физик, химик, биологик ва яна бошқа...) сифатларини қўшиб айтсак, биргина «олма» сўзидан иборат фикримиз **нарса** ҳақида дostonга айланиб, мазмунан бойиб кетади.назаримизда юқорида тилга олинган, донишмандлар назарий фикрларини ҳаётий кўринишига эга бўлдик.



**Моҳият** сўзининг бу, ҳар қандай **нарса, ҳодиса исми** ўзаги, мағзида турувчи маъноси, инсониятга берилган-ўргатилган луғатнинг ўзида, тил- нутқимизнинг яралишидаёқ товуш-сўзларга, кейинги ясаладиган сўз *исм*ларга мағиз- ўзак сифатида жойланган экан. Бу хулоса, товуш-сўздаги, маънавиятдаги Буюк **Ҳақиқат**дир. Бу ҳақда қадим юнон реалист (художўй, ҳақиқатчи)лари:

«**нарсанинг номи шу нарсанинг моҳиятини билдиради**» (Лингвистический энциклопедический словарь. М.1990.), –деб номиналистлар (юзаки қаровчи, кўриб, ушлаб турганимиз ҳақиқат-деювчилар) билан тортишувларидаги фикрларининг мутлақо тўғри эканини исботи билан кўриб турибмиз.

XX аср психологлари томонидан «инсон тафаккури «идеал» ҳодиса» деб тан олинди. Энди **идеал** сўзининг келиб чиқишига қарасак французча «идеал» сўзи лотинча deus-деус — Илоҳ , у эса– **Тео** юнон – **Илоҳ** сўзи дан келиб чиққан. Демак **идеал** сўзини асл маъноси ва моҳияти – **Илоҳий** , экан. Яъни, бирор нарсани **идеал** атасак, ўша нарса **Табиат-Илоҳ** томонидан яратилгандек **нарсалар**дек нуқсонсиз ва мукамал, -деб тан олинганидир.

Ушбу тан олиш орқали тафаккурнинг иш қуроли ва маҳсули бўлган **СЎЗ – нарса, ҳодиса – моҳиятининг** бевосита Илоҳ сўзидан келиб чиқаётганини, ёки сўзлар асоси Илоҳ сўзига бориб етаётганини кўриш муҳим ҳодисадир.

Яна шунингдек – тафаккур идеал-илоҳий нарса экан, унинг маҳсули сўз ҳам Илоҳий экан. Энди, товуш- сўздаги маънонинг мантиққа, яъни физик таъсир кучига эгаллиги яъни маънонинг физик кучи – тафаккур жараёнига, тафаккур эса руҳий олам боғлиқлиги, тафаккур жараёнига руҳий оламдан мадад ва таъсир борлиги, уларнинг ўзаро ҳамкорлигидан хабар берапти.

Моҳиятни аниқламоқ учун этимологик таҳлил.

2. «Жиноят» сўзини кўриб чиқамиз. Бу сўз ҳодисанинг номидир.

Жиноят = жин + оят.

Жин – руҳий оламга мансуб илоҳий мавжудотнинг номи.

Оят – арабча. Сўз, ибора, гап.

Жиноят – руҳий оламга мансуб «жин»нинг васвасаси(инсон онгига келган салбий фикр) асосида қилинган нотўғри хатти-харакат.

Ушбу сўзнинг ҳам ғоявий, ҳам табиий моҳияти – айрим одамлар онг- хаёлига келган васваса – бошқа одамлар учун ёмон оқибатларга олиб келувчи – фикрлардан ўзларини тия олмайдилар: ўзгаларнинг нарсаларини қонунга ҳилоф ҳолда ўзлаштирадилар ёки ҳаётига, соғлигига тажовуз қиладилар.

Шунинг учун бундай ҳаракат– жиноят– аталади ва айниқса ушбу сўзда моддий бўлмаган, демакки илмий бўлмаган нарса – «жин» номи–сўзидан ясалган ижтимоий ҳодисалардан бири– жиноят билан иш кўраямиз. Биз ушбу, кенг тарқалган сўз-номга урғу бериш билан, бундай сўзлар инсоният луғатида кам эмаслигини таъкидламоқдамиз холос. Ва бу билан бундай сўзлар **бежиз** пайдо бўлмаслиги, ушбу «**жиз**» ҳам ҳар қандай илм шайдосига эмас, танланган инсон – донишмандда пайдо бўлишини айтмоқчимиз.

Покиза, инсонсеварлик ғояларида тарбияланган, маънавий дунёсини пок тутувчи инсон, онгги-фикрига келган васвасадан (**Васваса** ҳар қандай инсон зоти онггига ҳар қачон, ҳар бир мавзуда келаверади. **Қуръон**. Кўпгина сура ва оятларда таъкидланади.) ўзини сақлайди, бошқаларга зиён етказиш, уларга тегишли нарсаларни ўзлаштиришдан ўзларини ақл ва покиза фикр кучи билан тиядилар. Шундай қилиб **нарса, ҳодисаларнинг моҳияти** ҳам маънавий, ҳам моддий асосга эга экан. Хулоса–

***Моҳият – ҳар бир нарса, ҳодиса марказида унинг яратувчиси – Оллоҳ турибди ва бу нарсалар инсон учундир, инсонга дахлдордир, унинг эҳтиёжларини қондириши учундир.***

Ушбу мақола мисолида психология ва мантиқ фанлари дарсликларида «фикр идеал ҳодисадир», деб айтилган маълумотни шарҳини кўряпмиз. Яъни «ҳар қандай сўз, ибора – идеал, яъни «илоҳий + инсоний» фикр маҳсулидир ва бу сўз, ибора турли нарсаларнинг НОМини ифодалаб, «нарса, ҳодиса» моҳиятидан ҳабар ва уларга инсоннинг дахлдорлиги ҳақида тушунча берар экан. Бу ердаги «илоҳий + инсоний» ибораси остидаги бизнинг маъно:

**Илоҳий ирода ва илҳом-мадад асосида инсон томонидан амалга оширилган иш.**

Шундай қилиб, моҳиятнинг мантиққа дахлдорлиги, **Моҳ** мантиқнинг мағизи экан. Мағиз, Моҳ – Табиатнинг бераётган кучи туфайли СЎЗ мутлоқ экан.

Академик Мирзакарим Норбеков ўзининг «Где зимует кузькина мать, или как достать халявный миллион решений» ( Москва, АСТ, Астрель 2007) китобида:

– Замонавий мактаб нимага асосланган?

– Мантиққа.

– Нима хисобидан , (ёки нимани хисобга олмасдан)?

– интуиция – туйғу-ни.

– Замонавий мактаб ўзининг энг яхши ниятли ҳаракатларида оламни бир томонлама кўришни ривожлантиради холос.

Агар мантиқий тафаккур туйғудан ажралган ҳолда ривожланса, унда сизнинг фақат бир томонлама қобилиятингиз ривожланади. Мантиқий тафаккур рухий хиссиётни ишлатишни тақозо қилмайди. , – дейди. (120-бет)

Бу фикрлар замонамиздаги йирик ва машхур олимнинг минглаб амалий исботлари кўрсатилган, илмий фикридир.

Хулоса шуки нарса, ҳодисанинг асл моҳиятига етган ҳолда тафаккур килувчилар туйғу-интуицияси ҳам кучли инсонлар экан.

## Мантиқ ва қонун

Биз ўз олдимизга «қонун» сўзининг келиб чиқиши ва унинг маъно-моҳиятига етишимиз керак, деган вазифа қўйдик. Сабаби, ўзбек тилидаги мантиқ дарсликларида 4та «мантиқ қонунлари» борлиги кўрсатилган. Лекин тадқиқотларимиз у фикрларни рад этди. Шунинг учун, қандай шартлар бажарилганда фикрни «қонун» аташ мумкинлиги мутлоқ талабларини аниқлашдир. Ушбу аниқлаш жараёнида **қонун** сўзини туб маъно-моҳиятига етиш эҳтиёжи туғилди. Албатта бу тадқиқотимиз пировард натижаси, фанда бирор-бир фикрни **қонун** атамोक учун у фикр қандай талабларга жавоб бериши керак, деган саволга жавоб топиш ва **қонун** аталувчи фикр ўз номига монанд бўлишига эришишдир.

Аслида бизгача фалсафада «қонун» сўзи остидаги тушунча етарлича кўриб чиқилган. **Қонун** сўзи билан аввало табиатнинг муқаррар ходисалари номланган. Шунингдек одамлар жамияти учун содир бўлиши ҳатарли, зиёнли ходисаларни олдини олиш мақсадида алоҳида чекловлар ҳам шундай аталган.

Ушбу тахлилгача қонун сўзининг келиб чиқиш ва асл маъноси тўғрисида ўйлаганимизда, у – «қон ҳақи ёки хун тўлови» тушунчаси асосида пайдо бўлган, деган фаразда эдик. Сабаб, қадимда айрим қабилаларда ўзаро ва қабилалараро низо-жанжалларда кимдир ҳалок бўлса, унинг ўлими сабабчиси ёки айбдоридан муқаррар «қон ҳақи– хун тўлови» олингани тарихий китоблардан маълум. Лекин «**сўз қамровидаги маънолар**»ни сўзнинг мантиқий сифатларини аниқлаш илмий услубини топиб олганимиздан кейин, бу сўзни шу услуб билан тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Луғатга кўра,

Қонун– объектив борлиқда турли ходисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабат.

Ушбу таъриф жуда мукамал чиққан. Яъни, «борлиқдаги...киши онги ва ихтиёридан ташқари боғланиш». Ушбу «киши онги ва ихтиёридан ташқари боғланиш» нима ва қандай боғланиш Сизу-биз думалоқ Ердан космосга учиб кетмаяпмиз, ёки фазо бўшлиғига тушиб кетмаяпмиз? Чунки Бизни ва яна бошқа барча нарсаларни илм оламида биринчи бор донишманд Ньютон эътиборига тушган ва «Ернинг тортиш кучи қонуни», деб аталган «табиат кучи», яъни Табиий = Илоҳий **куч** Ерга боғлаб, сақлаб турибди-да. Иккинчидан, Ньютоннинг донишига сезилган бу КУЧнинг мавжудлигида **ҲЕЧ БИР ИНСОННИНГ** дахли ЙЎҚ.

Мана шу каби «табиат кучлари» нима учун **қонун** сўзи билан аталган. Шу сабабни билиш мақсадимиздир. Бунинг учун **қонун** сўзини келиб чиқиш асосларини ўрганамиз.

Нима учун табиат кучларини қонун аташган? Қонун нима? Этимологик тахлил қиламиз.

қонун = қон + ун, қон = қан. Одамато луғати.

қан = қон – тирик жонзодлар томирида оқувчи модда, қизил суюқлик.

ун = ан – Илоҳ.

Қон ва илоҳ. Маъно қани ?

Бунинг учун «қон»нинг мантиқий сифатларини кўриб чиқамиз.

– қизил, оч қизил, пушти ранг, тўқ қизил, ўта тўқ қизил...

– суюқ, нормал, қуюқ, ўта қуюқ, бўтқасимон, қотиб қолган, қуриб қолган.

– ҳаёт манбаси, тана қисмларига, хужайраларга озуқа-қувват олиб боради.

– организмда қон камайиб кетса одам ўлади.

**Қон** сўзининг мантиқи сифатлари тахлилини шу ерда тўхтатамиз. Чунки биз излаган сифатни кўрдик !!! Яъни,

**қон** – тирик жон ҳаётини таъминловчи, жонли тана қисм, хужайраларига *куч-қувват* етказиш хусусияти – сифати экан.

Одамато луғатидаги қон = **қон сўзи ва ўзи** инсон тана аъзоларига **куч-қувват** етказиш хусусият-сифати асос сифатида олинган ва шу сифати билан янги сўзни ясашда ўзак-асос сифатида фойдаланилган. Бу мантиқий фикрдир. Шундай қилиб, қонун = қанун – **Илоҳий куч** маъносига эга экан. Билдикки **қонун** аталувчи барча ҳолатлар сабабчиси **табиат кучи** экан.

Онорье де Бальзакнинг «Ланатланган фарзанд» қиссасида шундай тарихий маълумот келтирилган. Биринчи бор 1600 йилларда кашф этилган оқ **қант** дорихонада сотилган экан ва у деярли олтин нархида бўлган экан.

Биз табиат қонунларини биламиз. Бу қонунлар кўпроқ физика фанида ўрганилади, чунки у фан табиатшунослик фани асосидир, Шунингдек, бир қисм бошқа фанларда ҳам қонунлар мавжудлиги бизга маълум. Физика фанидаги Архимед қонуни, Ньютон қонунлари, Авагадро қонуни ва яна ҳоказолар. Чуқурроқ эътиборимизни қаратсак, уларнинг барчалари табиатдаги мавжуд кучлар экан. Яъни Архимед ёки Ньютон бу қонунларни кашф этмаган замонларда ҳам табиатда бу кучлар мавжуд эди. Сувга (суюқликка) туширилган жисмга таъсир қилувчи кучни Архимед аниқлади. Ёки Ньютон Ерни тортиш кучи (гравитация) тўғрисидаги қонунни, шунингдек инерция қонунини аниқлади. Яна астрономия фанига тааллуқли: Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш қонуни, Ернинг Қуёш атрофида айланиш қонуни ва ҳоказолар. Демак, **қонун** қандай фан йўналишида аниқланса ҳам – **Табиат кучи** экан. «Табиат қонунлари» аталувчи ҳодисалар эса табиат кучи асосида кечиниб, Архимед, Ньютонлар бу қонунларни кашф этиши ёки этмаслигидан қатъий назар, **нарсаларга** ўз таъсирини ўтказиб, уларни ўзаро мувозанатда сақлаб турибди. Табиат қонунини ўрганишдан мақсад, ўша **қонуний куч** таъсир кўрсатиб турган **нарса, ҳодисадан** фойдаланаётган Инсон «**табиатнинг бу таъсир кучи**» характеринини билиши муҳимлиги, агар унинг иш-ҳаракатига бу қонун-кучни йўналиши тўғри келса фойдаланиши, тескари келса у **табиат кучи** таъсири билан хисоблашиши ва «ҳақини тўлаши» ёки эҳтиёт бўлиши керак экан.

Мана шу кучнинг барча хусусиятларини, физик ва маънавий қийматини аниқламай туриб мўлжалланган мақсадга етиб бўлмайди ёки сарфланаётган куч-қувватни бир қисми бефойда кетиши мумкин.. Ер тортиш кучи ва унинг ердан узоқлашаётган жисмга таъсири динамикасини аниқламай

туриб космик кемани ер орбитасига чиқариб бўлмас эди...

**Табиат қонуни** аталган барча илмларни кўриб чиқсак, инсон фани бу кучлар сифатларини аниқлаш билан шуғулланади ва ўз мақсадларига эришиш йўлида учрайдиган бу **кучлардан**:

– **эхтиёт бўлиш...**

Юқорига отилган ёки юқоридан ташланган нарса **ернинг тортиш кучи** туфайли албатта ерга тушади. Тушиш пайтида йўлида учраган нарсаларга тегади, бу тегинишдан **нарса** синади, эзилади ёки ўрнидан силжийди. Бундаги таъсир кучи тушаётган нарсанинг оғирлигига боғлиқдир. Юқоридан тушаётган футбол тўпининг оғирлигига чидайсиз, лекин унинг ўрнида тош ёки темир бўлса муқаррар теккан нарсасини мажақлайди. Эхтиёт бўлинг !!!

– **енгиб ўтиш** учун қанча куч-қувват– энергия сарфлашни аниқлаш... тезликка эга бўлиш, велосипед, автомобил, самолёт, қосмик кема ва яна бошқа, минглаб нарсаларни ҳаракатлантирмоқ учун инсоният озмунча куч-қувват – энергия, бу қувватни пайдо қилмоқ учун озмунча ёқилғи сарфламоқдами?

– **фойдаланиб қолиш**

Тарихда қолган сув тегирмонлари, гидроэлектростанциялар, шамол тегир-мони ва электр генераторлари, қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш, аккумуляторга энергия йиғиш ва фойдаланиш...

**илмларини яратади.**

Шундай қилиб билдикки,

– **нарсаларни ўзаро боғлаб турган ёки табиат ҳодисалари келиб чиқишига олиб келувчи кўзга кўринмас мавжуд ва муқаррар табиий кучлар таъсири – қонун**(илоҳий куч) аталади экан.

### **Қонуннинг бошқа кўринишлари.**

Бир қарашда **куч** кўзга ташланмайдиган, кишилиқ жамиятини яшаши учун қабул қилинган тартиб- интизомлар қандай асосда **қонун** аталган?

Жамият қабул қилган **қонун**ларни давлатнинг алоҳида – адлия, прокуратура, суд, ички ишлар вазирлиги каби алоҳида, интизомни бузганларга нисбатан **куч** ишлатиш ҳуқуқи берилган идоралар назорат қиладилар.

Қоида нима? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: Турли ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ифодаловчи, маълум система, амал ва ш.к.нинг асосини ташкил этувчи тартиб, қонун.

Ушбу таҳлилдан мақсадимиз ягона. Қонун нима-ю қоида нима? Уларнинг фарқини мутлоқ билишдир. Юқоридаги луғат изоҳининг охирида, «қоида - бу қонун ҳамдир» маъносида маълумот берилибди.

Қоида нима ? Қоидаларга мисоллар:

–Корхонада иш соат 8 дан бошланади.

–Йўлларда автомашиналар йўлнинг ўнг томонидан юришлари шарт.

–Мактабдаги санитария қоидалари.

–Шахсий гигиена қоидалари.

Ушбу қоидаларни бузиш ҳоллари ҳақида сўз айтмаймиз, лекин ушбу қоидалар жамиятнинг кичик бўлаги бўлган айтайлик... шаҳарда ёки бирор –бир корхонада тартибни сақлашда хизмат қилиб, бу кичик қонунларни фақат корхона маъмурияти ёки одамларнинг ўзлари бир бирларига назоратда бўладилар. **Қоида** кишилиқ жамиятига тегишли бўлиб, улар қонундан фарқли ўлароқ нисбатан чекланган ёки кичик соҳаларда кучга эга экан.

**Қонунлар** табиатнинг нафақат физик, балки маънавий (сўз) соҳасида ҳам мавжуддир.

Бу соҳада аввалги тадқиқотларимизда аниқланган: **сўз мантиқи** мисол бўлади. Яъни ҳар қандай сўз, у қайси тилда талаффуз этилишидан қатъий назар **мантиққа**– табиий таъсир кучига эга. Бу **қонун** СЎЗни эшитиш асосида пайдо бўладиган **тафаккур реакцияси** билан тасдиқланади.

Маънавий соҳадаги биринчи қонун:

Жонзодлардан сут эмизувчиларнинг табиатини ўрганиш асосида аллақачон психологияда хулоса қилганлар:

**1.Тафаккур – фикрлаш фақат СЎЗ асосида кечинади ва у фақат ва мутлоқ ИНСОН- га тааллуқлидир.**

**Жонзодлардан инсонгина туғилиши билан товуш чиқаради(инга) ва мана шу туғаса товуш фикримизга Инсон яралишидан нутқ-тафаккурли қилиб яратилган – дейишга асос бўлади. Бошқа жонзод–сутэмизувчиларга бундай сифат берилмаган.**

**Айнан шу ва бошқа табиий товушлари Инсоннинг тил –тафаккурига асос-база бўлди.**

XX-аср охирида фанда «**Фикр моддийдир**» хулосаси пайдо бўлди. Бу хулоса илоҳиётни англаш йўлидаги биринчи илмий қадамлардандир. Лекин аслида бу фикрни олға сурувчилар «**Фикр кучга эга**» ва у инсон ҳаётига ўзининг моддий– ижобий-салбий таъсирини беради, демокчилар.

Нарса, ҳодисага НОМ(сўз) берилган. СЎЗда маъно бор. Маъно мантиқлидир. Мантиқ эса сўзнинг кучидир. Ушбу кучнинг ташкил этувчилари: нарса, ҳодисанинг сифат ва хусусиятларидан иборатдир. Сифат хусусиятларнинг энг асосийси, ўзаги моҳиятдир. Моҳият марказида Моҳ турибди. Демак, ИСМ-СЎЗ ичида – Моҳ, моҳият бордир.

**Моҳ** нарса, ҳодисани сўзга «ипсиз боғлайди». Юқорида билдик-ки табиат кучлари **нарсаларни** бир-бирларига ипсиз боғлайди. Худди шу каби маънавий оламида(сўз оламида) ҳам шундай. **Нарса, ҳодисани** сўзга ипсиз боғлаш вазифасини **моҳият** бажарар экан. Моҳият асоси Моҳдир – Илоҳдир. Ушбу ҳолатни қонуний кучи **нарса ҳодисаларни** мавжудлик қонуниятларини ўрганиш, тушуниш жараёнида англонади.

**Моҳ** сўзи ўзак бўлган иккинчи муҳим сўз бор. Бу **маҳоратдир**.

Маҳоратни этимологик таҳлили.

маҳорат= маҳ + ор +ат

Маҳ = моҳ = Илоҳ

ор – юз, гўзал, баланд, юқори.

ат – лар.

Ушбу сўзни луғавий маъноси:

маҳорат– бирор иш ёки касбдаги юқори даражали усталик, гўзаллик яратувчи ёки саънат даражасига етказилган касб-кордаги усталик.

Одатда йирик корхоналарда кўп сонли касб-кор усталари ишлайди. Лекин улар орасида бир-икки маҳоратли усталар ажралиб туради. Уларга ҳақ тўлашнинг энг юқори даражаси (разряд) бўйича иш ҳақи тўланади. Шундайлардан бири– 6-разрядли электр пайванд пайвандчига энг ноқулай жойларда ва мураккаб вазифа топширилади. Яъни вертикалтик (||) чокларни пайвандлаш. Электр пайвандлаш жараёнида металлга муайян яқинлаштирилган электроддан электр қуввати сакраб манфий кутбли металлга ўтади ва шу жараёнда катта ҳароратли электр ёйи – ўт чакнаш жараёни ҳосил бўлиб, бу ўт пўлатдан ясалган электродни эритиб юборади. Физика қонунига кўра пўлат электроднинг эриган томчилари (°) Ерга оқиб тушиши керак. Агар пайвандчи **маҳоратли** бўлмаса ҳақиқатан ҳам эриган электрод ерга оқиб кетади. Лекин усталиги 6-разряд билан баҳоланган ишчи кўлида эриган металл Ерга оқмай, балки горизонтал (→ бўйича) ҳаракатланиб, пайвандлаш керак бўлган икки металл конструкцияси орасига (||) кириб уларни бир-бирига пайвандлаб кўяди.

Ана Сизга **МАҲОРАТ**нинг кучи, қайсики ҳеч қандай кўшимча мослама ишлатмай ёки куч сарфламай, табиат-физика қонунига хилоф равишда эриб оқаётган метал томчилари Ерга эмас, юқорига ҳаракат қилмоқда. Бу юқорида биз айтган, **Моҳ**нинг кўзга кўринмас кучи!!!. Лекин бу **кучга** ҳамма ҳам эришавермайди! Бунинг учун анча йиллар касбга меҳр қўйиб ва албатта анчагина жонни қийнаб, шуғулланиш керак бўлади. Марҳамат, агар тафаккурда дониш бўлсак, ҳеч бўлмаса бирор бир касбда **маҳоратга** етишиб кўрайлик-чи. Чунки, барчамиз баҳузур фойдаланаётган барча ХХI- аср шароитлари-комфортдаги кашфиётлар барчаси **маҳ+ор+атли**нинг **маҳсуллари**дир.

**Ҳар қандай, ҳоҳ жисмоний, ҳоҳ маънавий касб- корда маҳоратга етган инсонга Моҳ мададкорга айланар экан. Бу мадад шундан билинадики, шу касбдаги бошқаларга халақит бераётган бирор-бир Табиий кучни Табиатнинг ўзи «Йўқ» қа келтириб, халақит бермайдиган қилиб кўяр экан.** М: Ўқитувчи маҳоратга етганда унинг дарсида барча тўполончи болалар ҳам тинч ўтирадилар ва муайян даражада дарсларни ўзлаштирадилар.

Бу фикрлар эса ҳар қандай Инсоннинг шахсий, касб –кор, фаолиятда орзудаги **қишилик жамияти юқори поғонасига** етишиш йўлидир.

## Мантиқли белгилар.

Ҳаётда **мантиқ** бу фақат сўз, фикрларни эшитиш асосида иккинчи онгда маъно пайдо бўлиш ходисасигина эмас, балки сўзсиз ҳам маъно олиш жараёнлари мавжуд. **Нарса, ҳодисани** кўриш асосида кўрувчи онгида пайдо бўлаётган маъно-фикрлар ҳам мантиқ ҳодисаси аталади. Чунки кўриш асосида ҳам онггимизга маълумот–ахборот «тиқ» этиб урилади. Шунинг учун ушбу ҳодисани ҳам «мантиқ» жараёни атайверамиз.

Инсониятнинг тафаккур ва меҳнат фаолият доираси кенгайгайгани сари қўшимча, мантиқли, яъни муайян маънога эга, муайян маъно етказувчи белгиларга эҳтиёжи пайдо бўлди. Энг аввало маъноли белги – бу одамларнинг юз ифодали белгиларидир. Писандсизлигини билдириб бурнини кўтариш, «ёқмади» деб афтини буриштириш, «ҳа» ёки «йўқ»- маъносини билдирувчи бош чайқашлар, қўлини «ҳайр» ёки «кет» маъносини билдирувчи силкитишлар ва яна бошқа ҳоказолар. Инсон тафаккури, меҳнат, турмуш тараққиёти кучайгани сари инсон ҳаётига ёзув, алифбо ҳарфлари кириб келди. Бизгача етиб келган қадим миср, мая ва яна бошқа ёдгорликлардаги ёзувлардан тортиб, асталик билан А...Б...В, W...G... Z... . الأبی . Ҳисоб китоб ишларига эҳтиёждан бўлиб аввал рақамлар ва сўнгра амаллар: 1, 2, 3... +, =, -, x, :, . , ; Фақат «точка-тире»- дан иборат «Морзе алифбеси» ва ундан фойдаланувчи XIX асрнинг телеграф машиналари, Денгиз маёқлари-дан тортиб, замонамиздаги светофор чироклари-ю ва йўл белгилари ва яна ҳоказолар. Даврлар ўтиб кар-соқовларнинг қўл ва юз ҳаракатлари, имо-ишоралари билан уларнинг ўзаро сўзлашиш «тили» қўшилди. Кўрлар учун Брайл алифбоси... **Буларнинг барчаси мантиқли белгилардир.** Яъни, шартли қабул қилинган, маъно берувчи нарсаларни кўрганда, ундан хабардор инсон онгида пайдо бўлаётган маънолар. Таъкидлаб айтамыз, мантиқий белгилар эмас, мантиқли белгилардир. Яъни ҳар бир грамматик, математик ёки инженерлик чизик, ёзув ва яна бошқа белгиларининг, «йўл белгилари»нинг ҳар бирининг шартли қабул қилинган ўз мантиқи-маъноси бор. Булар ҳаммаси мантиқшунослик ҳосилаларидир. Хусусан «информатика техникаси» аталувчи замонамизнинг компютер машиналарининг фаолиятида мана шундай шартли белгиларнинг содда системасидан математиканинг биз ҳисоб-китоб ишларимизда фойдаланмайдиган «иккилик санок системаси» аталувчи рақам-белгиларидан фойдаланиш қабул қилинган. Бу системани юқоридаги Морзе алифбесига ўхшаш қулай ҳисобланган «икки дона белги»- дан иборат амалиётга қабул қилинган система деб тушунишимиз керак. Бундаги қулайликни осон тушунмоқчи бўлсангиз «Морзе алифбоси»ни ўрганинг. Морзе алифбесида гаплашиш аввало девор-тўсиқни тикирлатиб гаплашишдан бошланган ва вақти келиб электр сигналларидан фойдаланишга ўтилди. Бундай шартли қабул қилинган ва керакли ва такрорланувчи точка-тире товушларни электр-ли сигналларга алиштириб олинган ҳолос .Шундай қилиб асталик билан янги белги ва улар асосида компютер машиналари яратилди ва унга янги-янги имкониятлар қўшила борди. Албатта бу нарсаларни инсоният даҳоси амалга оширди. Юқоридаги мантиқли белгиларни энди ўз навбатида икки турга ажратишимиз мумкин: мантиқли ёзувлар– бунга барча алфавит ва ёзув



-чизув белгилари киради. Иккинчиси мантиқли белгилар аташимиз мумкин: светофорлар, йул белгилари, огоҳлантирувчи сиреналар ва яна ҳоказолар.

Инсоният тарихида донишмандлар тафаккурига ном-сўз мантиқи сифатларини ўзлаштириш, табиатдаги ҳодисалар мантиқини англаш илҳомлари кела бошлади. М: Кузда дарахтларнинг барглари юқори қисмидан тўкила борса, демак қиш совуқроқ бўлади ва эртароқ келади. Ва аксинча пастки барглар тўкила борса, аниқроғи, дарахтларнинг юқори қисмидаги барглари мустаҳкам тураётган бўлса, демак куз нисбатан илиқ бўлиб, совуқ кунлар ҳам нисбатан кечроқ келади. Ушбу мушоҳадалар табиатнинг бошқа қонунларига ҳам тадбиқидан унинг янги-янги қонунлари маълум бўлиб борди. Ньютоннинг бошига тушган, « дарахтдан узилиб тушган олма нима учун ерга тушди, нима учун учиб кетавермади— саволларининг пайдо бўлиши ҳам ҳодисанинг мантиқий таъсиридир. Изланувчан ва аналитик тафаккур эгалари бирор бир янги фикрни эшитганда «нима учун?» саволини беришга одатландилар. Чунки айнан шу савол ҳодисанинг асл сабабини билишга ундай-ди, янги билимни юзага келишига сабабчи бўлади., М: Ёмғир ёғиб, ерлар лой бўлди. Нима учун? Чунки биз яшаётган жойлар бўз тупроқдан иборат. Бу тупроққа сув қўшилса у лойга айланади. Чунки тупроқ зарралари сувда эрийди ва ёпишқоқ массага айланади, ва яна ҳоказолар.

## Мантиқ турлари

**Мантиқ илми** ва фалсафада мантиқнинг бир қанча турларини фарқлаганлар.

- диалектик мантиқ.
- формал-расмий мантиқ.
- анъанавий мантиқ.
- модал мантиқ.
- интуитив мантиқ,
- конструктив мантиқ.
- математик мантиқ. . .

Ҳайратимиз учун дарсликларда, «Мантиқ — тўғри фикрлаш ҳақидаги фандир», дейилгани ҳолда бу соҳада ёзилган жуда кўп фикрлар илм-фанда амалий тадбиқини топмаган. Яъни, тўғри фикрлашни ўрганишга **логика-мантиқ** мавзусида ёзилган назариялар дастур бўлолмаган. Чунки бу назариялар том маънодаги **мантиқнинг** эмас, балки унинг ён- атрофидаги зўрма-зўраки фикрлардир.

Бизгача ёзилган «Логика» — «мантиқ» аслида сўзшуносликни билдириб, ўз мавзусидаги кўпгина фикрлари «сўзшунослик» маъносига унчалар мос тушмайди. Сабаб, ҳар қандай фан каби ўзининг асосий мавзу-предмети яъни **сўз** «нимадан бошланган, қандай пайдо бўлган, нимани билдиради, инсон ҳаётидаги аҳамияти, ундан самарали фойдаланиш йўллари»... каби саволларга жавоб излаши керак эди. Бунинг ўрнига «улар ўзларини ҳайвондан тарқаганлардан, хисоблашиб» фикр қилганлар.

Бизнинг фаҳмимизда **мантиқ** — сўзнинг табиий кучи бўлиб, у товуш, сўз, фикрни маъносини **тушуниш** ходисасининг номидир. (Асрлар оша инсоният тафаккури ривожланиб сўзсиз мантиқ олиш даражасига ҳам келди.) Бу тушунишлар остида нарса, ходисалар ва уларнинг таркибий қисмларининг сифатлари ҳақида тушунчалар шаклланди, улар йиғилиб илм ва билимга асос бўлди. Бу ҳолатларни бир томондан тафаккур ва унинг механизмларини ривожланиши десак, иккинчи томондан мантиқшуносликни, яъни бир сўздан бир неча маъноли сўзлар ясаш ва тушуниш илмини ривожланиши сифатида кўриш керак.

Бизнинг тушунчамиздаги **мантиқ** содда, ҳаётий ва фалсафанинг жонидир. Барча фанлар ўз йўналишларида олиб бораётган ИЛМИЙ изланишлари мантиқшуносликнинг айнан ўзидир. Ҳар бир фаннинг ўзи мантиқ, ва мантиқшуносликнинг бир туридир. Яъни «Одамато луғати», ҳарфлар ва табиий товушлар базасидан фойдаланиб фанлар ўзларига керакли янги-янги ном-сўзлар қабул қилдилар ва билимларини кўпайтириб, демакки ўз луғат бойликларини кўпайтириб келмоқдалар. (Ҳар бир янги сўзнинг миллат луғатига қўшилиши, шу миллат вакили—доншманднинг илҳоми ва фикри асосида пайдо бўлган ва халқ истеъмолига қўшилиб келган.)

Демак, мавзу **мантиқ**— **тушуниш** экан, мавжуд сўз, гапларимизни қандай маънода гапирган бўлсак, уларни айнан шундай маънода қабул қилиш, тушунишларини ҳоҳлаймиз. Бу соҳадаги бошқа ҳар қандай сунъий назария, қонунлар мутлақо аҳамиятсиздир. Эшитилган сўз, гап, фикрни

тўғри тушунмоқ учун айтилаётган нарса ҳақида бирор- бир «тушунча»га эга бўлиш керак-ки, бусиз ҳеч нарса тушунарли эмас.. Бу тушунчани олмоқ учун эса ўша тушунчадан хабардор бўлиш масаласи турибди. Бу иш эса энг аввало нарса билан танишлик, ўқиганлик, ўрганганлик сифатимизга боғлиқдир.

Азалда инсон истемолида сўзлар жуда- жуда оз бўлган, дедик. Шу фикримизга заррача бўлсада асос бўлаоладиган мисол кўрайлик:

Ушбу мақоламизнинг номини «Мантиқ турлари» атадик. Бу иборадаги «**турлари**» сўзини, аниқроғи шу сўз ўзаги «**тур**»ни тахлили асосида юқоридаги фикримизга асос ва мақола сарлавҳасини қайдаража тўғри танлаганимизни фикрлаб кўрамиз.

Шу кундаги ўзбек тилшунослик назариётчиларининг фикри билан қарасак **тур** сўзи, **турмоқ** феъл сўзининг ўзгидир ва **тур** сўзи буйруқ шаклидаги феъл- сўзни билдиради. (Минг таассуфки ҳозирги кунда тилшунос олимларимиз барча сўзлар феъл сўзлардан ясалган, деган хом хулоса чиқаришиб, дарсликларга ҳам киритиб улгирибдилар) «Ўзбек тили изоҳли луғати»да ушбу сўз ўзаги «**тур**» ва ушбу ўзакдан ясалган 162 сўз ва маънолар, уларни ичида бта Европа ва техника сўз- маънолари ҳам мавжуд экан. Бу маълумотлар тадқиқотчини жуда хурсанд қилувчи ҳолатдир.

Энди ушбу сўздан ясалган ҳозирги нарса, ходиса-ҳолатларни билдирувчи 162 маънолари, бу маъноларни пайдо бўлиш тарихий босқичлари бор.

Ушбу ўзакдан ясалган сўзларни тушунмоғимиз учун биринчи навбатда ўқимишли бўлиш талаби бор. Адабиёт, тарих, қадимги дунё тарихи, техник – инженерлик каби соҳаларда ўқимишли бўлишимизни тақозо қилмоқда.

Демак сўзлар қайси фан соҳасида ўқитилса, сўзни тушуниш, билиш шу соҳадан хабардорлигимизга боғлиқ экан. Ушбу ўзакдан ясалган техникага оид «турбина» сўзини тушунмоқ учун эса камида ўрта махсус ёки олий техник маълумотга эга бўлишни тақозо қилади. Демак, сўзларни маъномантики жихатидан фанлар йўналишида бўлинишлар қилишимиз тўғрироқ экан.

Тахлилларимизда **тур** сўзи даставвал бирор **нарса**ни билдирган. Шу 162 маъно- ҳолатларни ва арабча ёзувда **ط** — **тр** сўзини бошқа турланишлари : тар, тер, тир ва бу турланишларнинг ўз маънолари бор. Шунингдек ҳозирги тилимиздаги тарона, тарғил, тарвуз, сўзлари ўзаги **тар** — ер маъносини бераётганини кўрамиз.

Ушбу сўзларни қадимий маъноларини тахлил қилганимизда **тр** -нинг умумлашган маъноси «**ернинг бетигаги ёки ернинг юзидаги нарса**» маъносига эга бўлмоқда. Бу фикримизга қадим Арабистонда «**Тур**» тоғи бўлгани (Курондан: Худо Мусо алайҳиссалом билан бевосита сўзлашган жой) маълум.

«Мантиқ турлари» бу дегани- ер юзидаги калом, инсоний муносабатларни барча турларини тушуниш, деганидир. «Сўз»ни тушуниш ҳақида гап кетар экан, бир сўзга турли маънолар жойланиб, ёки айнан бир сўздан турли нарсаларни ифодалаш амалиёти инсоният ичида мавжудлигини эсдан чиқармаслигимиз шарт экан.

М: Очлик туфайли уйдан узоққа кетган «бани Одам»га дарё яқинидаги яшил майдонда дарахт учради. Унда мевалар жуда кўп эди. Еб кўрган эди ёқиб қолди. Бу изланишда топилган «нарса»га ном бериш керак бўлди. Ном эса «нарса»нинг хусусиятидан келиб чиқиб, тафаккур омбори— яъни луғат бойлигидаги маълум ҳарф, сўз ва товушлардан фойдаланилди. Яъни, янги топилган «нарса» бизга маълум нимагадир ўхшамоқда. Бу Илоҳнинг бизга инъоми, яъни «банун». Шундай қилиб бизга таниш **банан** номланди.

Номланишда топилган нарсанинг «бан»га ўхшашлиги сўз асос-ўзагини қабул қилинишига сабаб бўлди. Худди шунингдек, туркий аждод-бобомиз дехқончиликда бир полиз махсулоти етиштирди ва унинг номини қўйишда ҳам махсулотни банга ўхшашлиги асос бўлди ва нарсани «бадринг» атади. Шу каби, донишманд Платон, Аристотел «муаллими **моний**» аталганлар, Беруний, Ибн Сино -лар «муаллими **соний**» аталганлар. Ушбу фикрда моний —биринчи-маъносида, соний— иккинчи маъносида. Ушбу сўзларнинг ўзаги **ман** ва **сан** Одамато луғатидан бўлиб: ман — бурун-ни, сан — кўзларни билдиради, биламизки бурун битта, кўзлар эса иккита бўлади.

М: «Бани Одам ўтин синдиргани хадеб қўл, оёғини ишлатиш жонига тегди, ёғоч каттиқ, қўл, оёқни оғритаяпти. Унга илхом келди ва калласини ишлатиб тошболта ясаб олди. «Бани одам» энди қўли, оёғини оғритмасдан «**тарақ**»латиб тошболтада ўтин ёра бошлади. Ва илхом асосида тошболтага «**тарақу**» деб ном қўйди, чунки болта билан ўтинни урганда «тарақ», «тарақ» деган товуш чиқади. . Араб тилида «ал тарақу» — ўзбекчасига «болта» бўлади.

Юқоридаги мисолларимиз Одамато луғатидан замонамиз луғатидаги айрим сўзларни келиб чиқиши мисоллари бўлди. Бу дегани Одамато луғатидан фойдаланиб ҳар қандай тилни дархол тушуниш мумкин дегани эмас. Аввало айнан бир сўзни турли тилларда турлича талаффуз қилинишини ўзи миллий тил адабий мантиқи мажудлигига олиб келади. Миллий тил адабий мантиқидан кейин сиёсий тил, қонуншунослик тил ёки сийсий мантиқ, қонуншунослик мантиқи, техник сўзлар мантиқи, тиббий сўзлар мантиқи каби бўлиниб, қаватларга ажралиб кўпайиб борверади. Умуман айтганда мантиқ турларининг пайдо бўлишига сабаб, инсонга берилган Одамато луғати ва табиий товушлар миқдори миллий луғатимиз бойлигидан жудаям кам. Уни бойитиш эса юқоридаги мисоллар асосида кечинган, кечинмоқда.

Мантиқ — энг аввало тилшунослик фанидир. Тилни, сўзни тўғри тушунишни ва қўллашни ўзлаштириб олсак, кейин бошқа муаммолар билан шуғулланамиз. Мантиқшунос учун фақат ўз миллий тилида гапириш, ўқиш-ёзишнигина эмас, балки нарса, ҳодисалар сифатлари, хусусиятлари ҳақида билимлари бўлиши муҳимдир.

Фалсафага, яъни «нарса, ҳодиса ҳақида соф фикр, тўғри ва рост фикр илмига мантиқ асоси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир миллий тил изоҳли луғатлари хизмат қилади. Ушбу изоҳли луғат берган маънолардан фарқли бўлиб қолган «сўзларнинг мантиқий, қабул қилинган маънолари» фан соҳалари луғатларида ифодаланган. М: «Психология луғати», «Физика

луғати», «А.Навоий щериятидаги айрим сўзлар луғати»... Биз аввалги мақолаларимизда айтдикки тилларнинг асоси «Одамато луғати» ва табиий товушлар асосида тиллар келиб чиққан. Фаннинг вазифаси турли соҳалардаги фикрларни тушунишни ўрганишдир. Математикада рақам-белгилар билан йўқ(0)дан тортиб нарсанинг чексиз миқдори ҳақида маълумот берса, адабиётда 32-45 ҳарф -белгилар билан чекли миқдорда, 3,5 минггача ўзак сўзлар билан кўпи билан 60-80 минггача маънони ифода-лаймиз.

Айрим донишлар мантиқни, яъни тушунишни математика фани асосида ҳал қилиш назарияларини яратдилар. Лекин бу услуб ўта мавҳум бўлгани учун амалий тадбиқ топмади. Сабаби, нарсанинг ҳодисанинг жуда кўп сифат, хусусиятлари бор. Бу сифат, хусусиятларни, айтиш билан, олманинг ширинлиги ёки шифобахшлиги сабабини ҳисоб китоб билан топишмайди. Балки — нима учун? — саволини ўз олдига қўйиб яширин сифат, хусусиятлар ва уларни асосини топиш жараёни кетади. Математика эса фалсафанинг «нарсалар миқдорини жамлаш ишлари илми» бўлишидир. «Математикада сон-рақамлар ва белгилар фақат бир маънолидир. Бу ҳақда «Математика ва мантиқ» мақоламизда кенгроқ фикрлаганмиз.

Хитой ёзувчиси Лао Ше: Айримлар муайян ибораларини ўз тушунчалари бўйича ифодалядилар. Бундай ибораларни тушунмоқ чун аввал гапирувчинини ўзини тушуниш керак. Хатто тилшунос ҳам хотинини зўрға тушунади. Шунинг учун доим унинг кўзига термулиб туради, деб ҳазил қилиб ёзган.

Бизнингча мантиқ, яъни тушуниш турлари қўйидагича, яъни юқорида кўрсатилган мавҳум номларда эмас, балки:

1. адабий мантиқ.
2. фалсафий мантиқ.
3. сиёсий мантиқ.
4. тиббий-медицина мантиқи.
5. математик мантиқ.
6. психологик мантиқ.
7. биологик мантиқ....
8. инженерлик —техника мантиқи
9. автомобилчилар мантиқи
10. космонавтлар мантиқи ва яна ҳоказолар мантиқлари...

...ҳар бир фан, соҳа ўз мантиқи, яъни қабул қилинган муайян маъноли сўз-атамалари, белги ва ҳоказолари, номлари борки, демак ўз мантиқлари бор.

## СЎЗ ҚАМРОВИ ВА МАНТИҚ

Ушбу мавзуга эҳтиёжни шу билан асослаймизки, сўз мантиқи мавзусини тушуниб етиш босқичларида бу мавзуга эҳтиёжни сездик. Яъни сўзни қамровидаги маъноларни билмасдан унинг мантиқини тушуниш мумкин эмас экан. Чунки сўз маънога ва моҳиятга эга. Сўз маъноси эса ўз навбатида тушунчадан иборат. Тушунча эса нарса, ходисани борлигини ташкил этиб турган сифат ва хусусиятларидан иборат экан. Назаримизда бизгача сўз қамровидаги маънолар анчайин оддий тушунилган.

Тадқиқотларимизда сездикки, сўз қамровидаги тушунчани ташкил этиб турган сифатлар ва хусусиятлар илгари фикр қилиб турилган ҳолатдан бойроқ, кенгроқ, чуқурроқ экан. Ушбу фикрларни тушунмоқ учун амалий мисолга ўтамиз, ва «нон» сўзининг қамровидаги маъноларни ва шунингдек «нон» сўзининг мантиқий сифатларини таққослаб кўрамиз. Илгариги тушунчаларга кўра (бу тушунчаларга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобидаги изоҳларни асос қилдик.

**Нон** (ф+т) — 1. Хамирдан тайёрланиб, тандирда, печда пишириладиган егу — лик. Буғдой нон, зоғора нон, ширмой нон, бўлка нон.

2. Умуман егулик-ичкилик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарса.

Мантиқ мавзусини ўрганишда СЎЗ-НАРСАга юқоридагидек умумлаштирилган, содалаштирилган ёндошув, мавзуни моҳиятини, сўзнинг Табиий сифатларини тушунишни беркитиб кўяр экан.

Энди ушбу мавзуни **мантиқий** таҳлил учун **нарсани** ташкил қилиб турган сифатлари рўйхатини ёзамиз:

—буғдой нон, арпа нон, зоғора нон, кепак нон, қора нон, оқ нон, тандир нони, бўлка нони...

—иссиқ нон, совуқ нон, суви қочган нон, қотган нон, куйган нон, ширин нон, хушбўй нон, гўшти нон, жиззали нон, сутли нон, сарёғли нон...

—суви қочган нон, қотган нон, пўпанак босган нон, хидланган нон...

—патир нон, самарқанд патири, кўқон патири, андижон патири, наманган патири, ёғлик патир, сарёғ дўлтали патир, арзон патир. қиммат патир...

—нон ушоғи, бурда нон, , яримта нон, , бир тўғрам нон...

—нонни ташкил этиб турган: углерод, аминокислота, ёғ-мой, сув...

—углеродни кимёвий таркибий ташкил этувчилар, аминокислотани таркибий ташкил этувчилари, ёғ-мойни таркибий ташкил этувчилари, сувни таркибий ташкил этувчилари ва уларнинг физик қисмлари...

—нон қорин тўйдиради, у озик, у жон, у ҳаёт манбаи...

Бундай таркиблаштиришни нима кераги бор? — дейсиз. Изоҳлаймиз:

—нонда молекула-атомлар борми? — бор!

—нонда сув борми? — бор!

—нонда ёғ борми? — бор!

—нон ундан тайёрланганми? — ҳа!

—ун - буғдой, арпа, нўхот... дан қилинганми? — ҳа!

—хамир - ун, сув, туз, ёғ, шакар- лардан иборатми? — ҳа!

- Буғдой, арпа, нўхот далада ўстирилганми ? — ха!  
 — Дала - ернинг қисмидан иборатми ? —ха!□  
 — Ер сайёрами ? — ха!  
 —..... ?

Шу жойда сизга иккинчи услуб билан Сўз мантиқини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир нарса ёки ҳодисани билдираётган сўзни бамисоли қозонга ўхшатдик. Яъни «Нон» аталувчи қозон. Бу қозонда биз юқорида айтган, нонга тааллуқли барча сифатлар: оқ нон, қора нон, ширин нон, қотган нон, арпа нон, буғдой нон, зоғора нон..... барча сифатлар қайнаб ётибди.

Энди тушунгандирмиз мантиқни Табиийлигини, кучини. моҳиятини. Ҳа, айнан шу сифатлар дунёнинг нарсаларини нарсаларига, ҳодисаларни ҳодиса ва нарсаларга қандай қилиб улаётгани, туташтираётгани, уларнинг ўзаро алоқасини, шунингдек сўзни сўзга, гапни гапга улаб бораётганининг асосини. Назаримизда илм тарихидаги буюкларнинг деярли барчаси **мантиқ** мавзуси билан шуғулланганининг сабабини ҳам биз юқорида қилган мантиқий сифатларни таркиблаштириб эринмасдан кўриб чиқиш даври келмаганидандир. Чунки юқоридаги таҳлиллар учун керакли илмий тушунчалар кейинги 100 йил ичида оммалашди. Тилшуносликдан бошқа фанга қизиқиб кўрмаганлар албатта бизни тушуниши қийин бўлади. Чунки улар сўз, гап ва уларни мантиқи деган тушунчани фақат «даханаки» нарса сифатида қараганлар. Дарсликлар бошланишида эпиграф қилиб ёзиб қўйилган,

Платон: **тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажралган ҳолда, мутлоқ ғоялар сифатида тушуниш керак»,**

– деган, фикрини ичига кирмасдан бизни тушуниш қийин бўлади. Хулоса қилсак ҳар қандай СЎЗнинг қамровидаги маъно -маълумотлардан шу сўзнинг **мантиқи** берадиган маълумотлар кўп бўлар экан. Бу ҳолда Сўз қамровидаги тушунчаларни ўзлаштирмай туриб унинг мантиқини тушуниш мумкин эмас экан.

## Мантиқшунослик.

Ушбу илмий тадқиқотларимиздан мақсадимиз ягона: тилнинг пайдо бўлиши ва ундаги **Одамато луғати** ҳақидаги келиб чиққан фикр фавқулодда, мақсадли пайдо бўлган фикр эмаслигини мавжуд соғлом илмий мушоҳадаларда асослашдир. Бу йўналишда **илм оталаридан** бошлаб ва улар изидан юрган донишмандлар томонидан шу кунгача айтилган илмий фикр-мушоҳадалар бизнинг дастуримиздир. Мантиқ мавзуси билан шуғулланмаган илм тарихида ҳеч бир буюк зот йўқ экан. Сукрот, Платон, Аристотел, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал Коший... Лобачевскийлар исмлари рўйхати ўзи кичик китоб бўлади.

Бунинг сабаби нима ?

Сабаби, улар барчалари инсон тафаккурининг асоси, хомашёси, қуроли бўлган СЎЗни нима эканини билиш, унинг таъсир кучининг моҳиятига етиш бўлган.

Номиналистлар — **нарсаларнинг номи моҳиятдир**- деганлар.

Платон эса – умумий тушунчалар нарсалар моҳиятини ифодалайди, -деган. Айнан **нарсанинг номи –умумий тушунчадир** ва у моҳиятни ифодалайди. **Моҳият нарсани** нима эканини билдирар экан, демак **нарса номи шу нарсани** нима эканига боғлиқ экан. **Сўзлар, демакки номлар фавқулодда айтилган товуш эмас, балки донишманд томонидан ўша нарсани инсон ҳаётидаги аҳамиятини билган ҳолда, Илоҳий илҳом билан айтилган сўз экан.**

Нарса, ходиса ҳақидаги фикр тушунарли бўлса, фикр мантикли ҳисобланади. Ҳарқандай йўналишдаги илмий изланиш — мантиқшунослик бўлади. Мантиқшуносликда **нарса, ходисанинг** бирор- бир маълум сифатлари асосида **нарсанинг ўзи** нима? –экани ёки унинг муайян **сифатининг** мавжудлик асоси изланади, аниқланади ва бу илмий янгиликдан фойдаланилади.

Сўз мантиқи кўп тармоқли ва серқирра. Яъни нарса, ходисанинг қанча сифатлари бўлса барчаси мантиқнинг ташкил этувчиларидир.

Демак сўз мантиқи бизга нарсанинг объектив ва субъектив ҳолат ва сифатлари ҳақида маълумот берар экан.

Математика тилида таърифласак мантиқ бу кўп аргументли функциядир.

Техника тилида айтсак мантиқ кўп функциялик машинадир.

Биология тилида айтсак мантиқ мевалари ҳар хил дарахтдир.

Кимё тилида айтсак мантиқ бу ҳаводан ҳар қандай нарсалар яшашдир.

Яъни инсоннинг инсонлиги тил билан, тил эса мантиқ туфайли таъсирлидир.

Ҳар қандай муомала, муносабат, суҳбат ва фан- илм муайян мантиқ асосида мавжуддир.

Мантиқшунослик маънавий мавзу. Тилшуносликда сўзларнинг асл маънолари ёки келиб чиқишини асосан тарихий маълумотларга асосланган ҳолда аниқланиб келинган. Тил ҳайвонот олами қичкириқларидан эволюцион келиб чиққан» -деган асоссиз «илмий фикр» бу соҳадаги мантиқий изланишга тўсиқ бўлиб турди. Хусусан тилшуносларнинг «Омонимлар—



фавкуллода ўхшаш сўзлар» деб қабул қилган қонуни бу соҳадаги ҳар қандай изланишга, тафаккурга тўсиқ бўлиб қолган.

Бизнинг услубимизда эса сўзлар таркибий қисмларга ажратилди. Бу таркибий қисмлар аввало Одамато луғати, табиий товушлар ва қолаверса сўзнинг маъно-моҳиятига қараб унинг тарихий ва физик маълумотларига суянган ҳолда тадқиқ қилмоқдамиз. Назаримизда бу услубнинг натижалари бизни кониктирмоқда ва ўйлаймизки сизларга ҳам мақбул бўлади.

М: **Тупук, тупроқ** — сўзлари. Буларда умумийлик бор. Сабаби нима экан? тупук = туп + ук. тупроқ = туп + роқ. Ушбу сўзлардаги «**туп**» деган қисми иккала сўз учун ягона ва келиб чиқиши, инсоннинг **туплаш** жараёнидаги табиий товушдир, унинг мантиқий асосидир. **Туплаш** сўзининг маъно-моҳияти асосида **тупроқли ерни** хусусиятида ўхшашлик борлиги учун, нарса-тупроққа ном қўйишда фойдаланилган. Яъни, ер ўз ичига кўмилган нарса(уруғ)ни «тупириб»— ташқарига чиқаради, яъни ундириб, ўстириб ер бетига чиқаради. Бу сифатлардаги ўхшашликдан келиб чиққан ҳолда Ернинг унумдор қисмини донишманд тупроқ-тупурувчи деб номлаган. Шундай қилиб **тупук** ва **тупроқ** сўзларининг ўзаги ҳақиқатан ҳам фавкуллода ўхшаш сўз эмас экан.

Яна бир сўз — **бардош** — сўзини асл маъносини топишга ҳаракат қиламиз.

Луғат берган маълумот:

**бардош**— чидам, сабр, тоқат, матонат, тўзим.

Бардош = бар + дош. Биз ҳозирча **бар**-ни ҳам, **дош**-ни ҳам нимани англатишини билмаймиз.

Бунинг учун ўзакдош сўзлардан бир нечтасини луғатдан оламиз.

бар + дош — чидамли.

бар + қарор — қарорида, фикрида мустаҳкам. Энг аввало **қарор** бор.

бар + по — яратиш, бор қилиш.

бар + вақт — вақтидан олдинроқ. Демак ҳали белгиланган пайтгача вақт бор.

бар + ча — ҳамма, барчани — ҳаммани, барчани чақиринг — ҳаммани чақиринг, — демак ҳаммани тенг, бир қилиб чақиринг.

Кўриб турибмизки, бир хил ўзакдан турли маънолар чиқаётгандек. Лекин мантиқшуносликда бир нарсани фаҳм қилдикки, айнан бир **нарса- сўзни** мантиқий сифатлари кўп экан ва уларни барчаси шаклан бошқароқ бўлсада, моҳияти бир бўлар экан. Бамисоли бир одамни олдин қараб таърифласак бир хил, ортидан қараб таърифласак бошқа сифатларни кўрамиз, лекин икков таърифдаги нарса битта одам, яъни моҳият битта. Шу ҳолатга кўра чуқурроқ изланишда билдикки қадим араб тилида **бар** بَار ўзбек тилидаги бир, бор, бер сўзлари маъноларини ўзак- асоси экан. Ўзакдош сўзларда ҳам шу —**бор**—лик мантиқи онгга уриниб турибди. Ушбу маъноси билан юқоридаги сўзларимизнинг ўзаги **бар**—нинг асл маъноси — **бир, бор**—экан. Ушбу **бор** ва **бир** -ни синоним сифатида кўриш мумкинми?

Мушоҳада қиламиз.

1. Қўлимда ҳеч нарса йўқ. 2. Менга бир дона олма берди. 3. Демак менда олма бор. Тил тарихида аввал **бир** бўлганми ёки **бор** бўлганми —бу кейинги масала. Эҳтимол икковини ҳам ўзаги диалектда **бр** шаклида бўлгандир.

Энди **бар**-нинг ушбу маъносини ҳисобга олган ҳолда бардош сўзини қолган қисмини изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

бардош бар — бор — бир; дош —?

д— дан — суяк, қаттиқ, мустаҳкам.

ш— шан — бош, ақл, фикр.

маъноларни жамласак:

**бардош = мустаҳкам фикр(қарор) бор.**

Ҳақиқатан ҳам мустаҳкам фикрли одамгина **бардошли** аталади ва ушбу чиқарилган маъно луғатдаги — **чидамли** маънога мос келмоқда.

**барқарор**— қарори битта ва уни ўзгартирмайди. Демак, қарорида мустаҳкам.

**барпо** — бар — бир. по — мия, ақл. Турган гапки бирор нарсани барпо қилиш энг аввало ақлнинг, ақли борнинг ишидир.

**барвақт** — бар ← бор. -ҳали тайинланган ёки келишилган пайигача вақт бор.

**барча** — бар = бор. ча — чан — қулоқ. Эшитганлар ҳаммаси ёки ҳамма бирдек эшитсин.

Албатта ушбу мушоҳадалар бадиий асар ўқигандек бир ўқишда тушунарли бўлмаслиги аниқ. Бунинг учун китобхон қоғоз, қалам олиб бошқа сўзлар билан ўхшаш мушоҳадалар машқ қилса яхши иш бўлади. Натижада ҳақиқат —ни, Ҳақни фарқлашни ўргана борамиз. Бу ҳаммамизга муҳимдир.

Мантиқшуносликда яна бир ҳолат кузатилмоқда. Б у Одамато луғати мантиқларидан келиб чиққан ҳолда турли сўзлар таркибидаги айрим товушлар ҳақида. Аниқроқ айтсак турли унлилиларнинг а —га маънодошлиги, яъни

ан = он = ин = ун = ўн = эн = йэн = ен = ян = йан худди шунингдек

а = о = и = ы = у = ў = ө = э = йа = йу = йэ

Бирқанча сўзлар таркибий қисмларини маъноларини таҳлил қилганимизда уларда ҳам Одамато луғати сўзлари маънолари сезилмоқда, кузатилмоқда.

Бан = ба = б бан = бин = бун = бўн = бен = бэн

Сан = са = с сан = син = сун = сўн = сен =сэн

Дан = да = д дан = дин = дун = дўн = ден = дэн

Жан =жа = ж жан =жин = жун = жўн = жен = жэн....

... бу қаторимизда алифбенинг барча ҳарфлари бўлади.

Бу тушунчалар ҳар қандай сўзларни этимологик таҳлилида иш беради.

Илмий мушоҳадаларимиз қуруқ сафсатага ўхшаб қолмаслиги учун юртимиздаги асл маъноси ҳозиргача мавҳум қолаётган номи жаҳонга машхур шаҳарлар номлари мантиқи билан шуғулланайлик. Аввало Фаластин еридаги Йерусалим шаҳри номи бўйича қилган изланишларимизни эслаймиз. Ушбу ном-сўз — Йер + у + салим Бу суз таркибидаги **йер** ва **салим** сўзлари мустақил сўз сифатида бизга маълум. Сўз таркибидаги ва умуман барча

сўзларда алоҳида боғловчи сифатида турган унли ҳарфлар Оллоҳнинг исми бўлиб, уларнинг маъноси ва вазифаси боғловчи эканлиги кўринмоқда. Йер = Ер . Бу сўз Одам алайҳисалом луғатига мансуб деб тушундик. Салим сўзи эса биз бошқа мақоламизда маъноси чақилган салом сўзининг ўзи бўлиб асл маъноси салом— Оллоҳнинг назари, маъносини беришини билдик. Уларни жамласак

**Йерусалим** — Оллоҳнинг назари тушган ер, - маъносини бермоқда.

Бизнинг биринчи тахлилимиз **Бухоро** шаҳрининг номи бўлади.

Этимологик тахлил учун таркибий қисмларга ажратамиз.

Бухоро = Бу + хо + ро ёки Бу + х + ор + о

Бу сўзи **бан** сўзидан мантиқий ҳосила бўлиб, мазкур мисолда **яралган, пайдо бўлган** каби маъноларни беради. Зеро **бан** яратувчилик ишининг асосий ижрочисидир.

Иккинчи бўғин сўз Хо қадим донишманд-авлиёлар маълумотларида Оллоҳнинг исмларидан бўлиб, аслида Хааа, Хууу каби чақирикқа жавоб маъносини англатувчи инсоннинг табиий товушларидир. Ушбу сўз –бўғин бизнинг мисолимизда ҳам Илоҳнинг ўз бандаси илтижо-хитобига жавоби, маъносида турмоқда. Яъни **хо = ха** — Илоҳнинг ўз бандаси илтижо-хитобига жавоби.

Учинчи сўз-бўғин **ро – ёки оро** — нинг этимологик келиб чиқиши Одамато луғатидаги **ран**— юз, - сўзидан ҳосила бўлиб, **ориф** сўзи тахлилидан бизга маълум бўлдики **ран**-нинг ҳосилаларидан — **инсон ўз юзини юқори қадрлаши**, - маъносидан кўпгина сўзларда **юқори, улуғ** каби маъноларни бермоқда. (Ҳар бир инсон ўз юз қиёфаси билан бошқалардан ажралади ва ким халқ ичида улуғлик мартабасига етган бўлса уни юзидан таниймиз, ажратамиз, фарқлаймиз.)

Ушбу топилган мантиқий маъноларни бирлаштирсак:

Яралди + Илоҳнинг ўз бандаси илтижо-хитобига жавоби + юқори, улуғ = Ушбу макон Оллоҳ улуғ қилган банда(лар)си илтижоси билан пайдо бўлди

**Бухоро = Оллоҳнинг улуғлари макони** — маъноси келиб чиқди.

Мушоҳадани яна бир оз давом эттирамиз. Оллоҳнинг танлаганлари тарихий мисолларга кўра «инсон ҳаёти учун ҳамма шароити муҳайё макон»да эмас кўпинча ҳар томонлама табиий шароити оғир маконларга тўғри келмоқда-ки, бу хулоса Илоҳни англашда тафаккуримиз учун озуқадир.

Иккинчи тадқиқотимиз Қадимда буюк Хоразмнинг асосий шаҳарларидан бири **Ичанқалъа** номи бўлади. Ушбу қалъа-шаҳар Қизилқум саҳроси ўртасида ва албатта сув бор жойда жойлашган. Шу сифати сабабли бу ерни аждодлар макон тутганлар.

Ичанқалъа сўзини таркибий қисмларга ажратамиз.

**Ичанқалъа** = ич + ан + қалъ + а

**Ич** сўз- бўғин аввало Одамато луғатидаги **ч←чан** — кулоқ сўзидан мантикий ҳосила бўлиб, **чан** сўзининг мантикий сифатларидан бири— товуш-сўзни «ичкарига», мия-онгга олиб бориш—дир. Шу маънодан ҳосила сифатида тилимизда «ички», «ичкари» «молни ичи», «қўйни ичи», каби бизга таниш сўзлар фикримиздан ўтди. Илмий манбаимиз «Ўзбек тили луғати»да

**Ич** — 1.ички бўшлиқ, ичи тушган қовун, сумкани ичи,- мисоллари

2.Ошқозон, қорин, меъда —мисоллари

3.*кўчма*. кишининг ички, рухий дунёси, кўнгил юрак, дил, қалб.

— мисол - тушунчаларига эга бўлдик.

Навбатдаги сўз-бўғин **ан** бўлиб унинг бирламчи маъноси Илоҳ бўлса, ушбу сўзнинг ҳосилаларидан, гап жой номи ҳақида кетаётгани учун **жаннат** маъносини қабул қилдик. **ан = жаннат**.

Охирга бўғин-сўз қалъа сўзи ўзак **қол** сўзидан ясалган. Ушбу сўз ҳам қадимий сўзлардан бўлиб маъноси ҳозиргача тилимизда биринчи маъносидан узоқлашмай турибди. (қолмоқ, Илми қол, шу ерда қол, мақол.) Ушбу мушоҳадаларимиздан қатъий назар **қалъа** сўзини луғавий маъносига эгамиз. Жаҳон халқлари қадимдан қалъа-қўрғонлар қурганлар ва у жойда ҳимояланиб яшаганлар. Туркийлардан қозоқ қардошлар ҳозир ҳам шаҳарни **қалъа** атайдилар. Хуллас замонамизда **қалъа — шаҳар** дир.

Топилган маъноларни жамлаймиз.

Ич, ичкари + жаннат + шаҳар. Шундай қилиб,

### **Ичанқала — ичи жаннат шаҳар.**

Туя карвони таркибида Қизилқум саҳросидан ёз жазирасида иссиқ ва сувсизликдан қийланиб, қиш аёзида шамол совуқни суягингизгача етиб азоблаган ҳолатда «ичи сув, нонга бой, иссиқ гўшага —карвонсарой» лари бор қалъага кириш бу жаннатдир.

## ЭТИМОЛОГИЯ ВА МАНТИҚ

Биз биринчи мақоламизда «Андижон» сўзининг ясовчиларидан бўлган «ан» сўзининг асл, келиб чиқиш маъносини мантиқшунослик билан аниқладик, деган эдик. Ушбу фикрларимизнинг назарий асосини энди яратдик. Яъни қадим донишмандлар – Платон ва Аристотел асос солган ва издошлари чуқурлаштирган «мантиқ» назариясини тушундик. Уни инсон тафаккури жараёнидаги ва шу жараённинг маҳсули бўлган СЎЗдаги ўрни ва аҳамиятини бевосита кўраолишни ўргандик. Тадқиқотларимиз сўзларни мантиқий ҳамда этимологик таҳлил қилиш услубига олиб келди ва уни «мантиқшунослик» атадик.

Мантиқшуносликда ҳар қандай нарса ёки ҳодисанинг «мантиқини ташкил этувчилари бўлган сифати ва хусусиятлари, мақсад ва сабабларини аниқлаш ёки пайқаш муҳим вазифадир. Айнан шу «мантиқан ажратилган муҳим белги, яъни нарсанинг сифати ёки ходисанинг тафсилотига тегишли айрим сифат – ларнинг ўхшашликлари инсоният сўз бойлигини кўпайтиришда аҳамият касб этган. Хусусан «Одамато луғати» билдирувчи номлар ва табиий товушлар - дан биринчи манба сифатида фойдаланиб, янги эътиборга тушган, ясалган нарсалар номлари, янги ном берилаётган нарса, ходисани номлаш, демакки янги сўзлар ясалишида «асос –ўзак» бўлиб хизмат қилган. Бунда «асос –ўзак сўз» билдираётган нарса , ҳодиса билан «янги номланаётган» нарса, ходисанинг мантиқий маъноларини ташкил қилувчи объектив, субъектив сифат ва хусусият, сабаб ва тафсилотлар ва яна бошқа улардаги бирор- бир «умумийлик» эътиборга олинган. Биз аввалги мақоламизда янги ном қўйилаётган нарса ёки ходисага бирор бир сифати, кўриниши, ёки иш фаолиятидаги ўхшашлиги бор нарса номидан фойдаланиш амалиёти барча тилларда мавжуд ва шу асосда иш қилинган деган эдик. Ва ҳақиқатан ҳам шундай.

Мантиқшуносликда бирор- бир бизни қизиқтирган сўзни таркибий қисмларга ажратамиз ва сўз ўзаги ёки сўз ясовчи қўшимчани этимологиясини аниқлаймиз. Бунинг учун биз этимологиясини аниқламоқчи бўлган ўзак ёки қўшимча иштирок этган бошқа сўзларни ҳам танлаб, уларни бир гуруҳ қиламиз. Услубда, гуруҳдаги маъноси бизга аниқ бўлган сўздан бизни қизиқтирган сўз ёки қўшимчани маъносини аниқлаймиз. Ва ушбу маънони биз излаётган мисолга қўямиз. Шундай қилиб биз излаган тилшунослар морфема атаган сўз ўзаги ёки олд ёки кейинги қўшимчани маъноси ҳамда этимологиясини аниқлаб оламиз.

Ушбу таҳлил тадқиқот услубининг қулайлиги айрим сўзлар таркибидаги айрим ясовчи- ўзакнинг асл маъносини маъноси маълум сўзлар билан таққослашда номаълумни сўз ясовчисининг маъносини тушуниб қоламиз. Инсоният тарихидаги тил- нутқ пайдо бўлиши ва нутқнинг янги сўзлар билан бойиши жараёнларида «Одамато луғати»даги сўзлардан ва табиий товушлар -дан ўхшаш сифатлари бор лекин номсиз нарсаларга ном беришда фойдаланилган. Буни мантиқий ёндошув атадик.

М: **манзара** = ман + зара ман– 1 бурун. 2 бурун олди→ рўпара.

Зар + а– кўриниш + илоҳий зар = з+ а + р

з —туғилган, туғилиш, яралган. **р**— кўриниб турган, кўриниш.

Рўпарадаги кўриниб турган: 1. табиат 2. табиатнинг қисми.

Назорат =на + зор +ат– қараб туриш, кузатиш(ўзига бўйсунувчилар ишини)

Надзиратель рус – назоратчи ўзбекчалаги **зор**, хатто рус тилидаги **зир**

ўзлари иштирок этган сўзлар маъно-моҳиятига кўра айният, бир маънода

«кўриниб турган» маъносини бермоқда.

Мантиқшуносликда «тушунча-билимнинг» асоси бўлган **нарс**а **ёки** **ходис**а- нинг «мантиқан ажратилган муҳим белгиларини аниқлаш ёки пай - қаш муҳим вазифадир.Айнан шу «мантиқан ажратилган муҳим белги, яъни нарсанинг сифати ёки ходисанинг тафсилотига тегишли маълумотлардаги ўхшашликлар инсоният сўз бойлигини кўпайтиришда аҳамият касб этган. Хусусан «Одамато луғати» ва табиий товушлардан манбаъ сифатида фойда - ланиб ясалган нарсалар номлари янги, ном берилаётган нарса, ҳодисани ном - лаш, демакки янги сўзлар ясалишида «асос сўз-ном» ва «янги сўз-ном» ман - тикий маъноларини ташкил қилувчи объектив, субъектив сифат ва хусусият, сабаб ва тафсилотлардаги бирор бир «умумийлик» эътиборга олинган. Биз аввалги мақоламизда янги ном қўйилаётган нарса ёки ходисага бирор бир сифати, кўриниши, ёки иш фаолиятидаги ўхшашлиги бор нарса номидан фой - даланиш амалиёти барча тилларда мавжуд ва шу асосда иш қилинган, деган эдик. Ва ҳақиқатан ҳам шундай.

Мисол:

Мантиқшуносликнинг муҳим хусусияти бу сўзларни таркибий қисмларга ажратган ҳолда бу қисмларнинг маъноларини аниқлашнинг имкониятидир. Илмий тилшуносликда бу ишни морфология аташади. Бундай атама бизга мақбул кўринмади .Сабаб, ушбу атаманинг ўзаги бўлган морф сўзи ўлик, бузилмас маъносига эга. Ваҳоланки бизнинг назаримизда сўзларнинг таркибий қисмлари хатто биргина ҳарфдан иборат бўлганда ҳам у аморф эмас, балки аномал хусусиятларга эга экан.Сўз таркибий қисмини аморф деб аташнинг ўзиёқ бу соҳадаги ҳар қандай тадқиқотларни боши берк кўчага олиб кирди.

Мантиқшунослик худди математика илмидагидек сўз таркибий қисмининг бизга номаълум қисмини худди шундай таркибий қисмга эга ва маъноси тўла маълум бўлган сўзлардан фойдаланган ҳолда номаълум таркибий қисмни маъносини билиб олишимизга ҳизмат қилади. Масалан:

|          |             |
|----------|-------------|
| омад     | дар хол     |
| Дар омад | дар ҳақиқат |
| Бур омад | дар ча      |
|          | дар ров     |
|          | дар д       |
|          | дар ҳақиқат |
|          | дарвоёқе    |

дароз –баланд бўйли одам.

дорбоз–баланд(лик)да юрувчи

дарвоза дар = дор + воз =боз + а(н) = дарвоза

дор – баланд

боз – ёқтирувчи, яхши кўрувчи, севувчи.

а(н) – инсон, одам маъноси бор. баланд эшикдан кириб-чикиб юришни ёқтирувчи маъноси бор.

Дарвоза– аслида, дарбоз билан омоним, бу сўзда баланд эшик- бошқалардан остонаси ҳам баландлиги билан, юқори қисми эса эҳтиёждан ортиқ ҳолда одамлар бўйидан анча баландлиги билан дорбознинг дорига ўхшаш.

|           |        |           |
|-----------|--------|-----------|
| Бир       | бор    | бер       |
| Бирлик    | борлик | берилган  |
| Биринчи   | бордон | бертилган |
| Бирдамлик | бардам |           |

**Барака** –арабча. бар + а + кот + Ушбу қадимий арабча сўз негизида **бар** турибди. Демак биз тахмин қилган: **бир, бор, бер** сўзлари қадим арабий илдишга бораяпти. Фақат бугун араб тилида бу ўзак сўз бирламчи ҳолатда йўқ экан. **бар –бор** нарса, яъни инсонга керакли нарса. **ка** – бу сўз бизга **кан=кон** сўзини эслатаяпти. Яъни: **барака – борлик кони**. Фикримизча, бар = бор → бер → бир. Яъни бирламчи **бар**, ундан **бор** ва кейин **бер** сўзи пайдо бўлган, муомилага кирган. Яна шунингдек Оллоҳнинг 99 шарофатли исмлари қаторида Яратувчининг **Ал бар** исми ҳам бор экан ва бу исм инсон томонидан касбу- корда баракотга эришиш калити сифатида берилган.

Иккинчи сўзлар гуруҳидан барваста, баркамол, барпо (этмоқ).

барваста – катта, йирик, баланд. васта = баста ← баста – бўйи, гавдаси.

баркамол – камоли баланд, камоли юқори, камоли хавас қилса арзигулик;

бу ерда камол – эришилган натижа, даража, мавқе...

барпо (этмоқ) – бор қилмоқ (йўқ нарсани), яъни қурмоқ(бино)

**бар** →бор дегани. **кон бор бўлсин**. маълумки ҳар қандай **кон** фақат инсон ва унинг манфаатига ҳизмат қилади.

Хулоса шуки, сўзларни этимологик тадқиқот қилиб унинг асл, келиб чиқиш маъносини аниқлашда ушбу таклиф этилаётган мантиқшунослик услуби ишонарли натижаларга олиб келмоқда ва бу илм тил- нутқимиздаги ҳақиқатга олиб келмоқда.

## ДОНИШМАНД МАНТИҚИ

Ўтган даврда диалектик материализм назариясига асосланган тарихда - ижодкорлик халққа тегишли — деган фикр айтилиб унинг сафидаги айнан сабабчилар мавхумлигича қолди.

**Аристотел айтади: Хунарманд ўзи одатланган нарсалардан одатланган ҳаракатларни қилиб нарсалар ясайди. Лекин нима учун шундоқ бўлди саволга жавоб айтолмайди. Донишманд эса ҳодисаларни сабабини, нима учун шундай бўлганини билади.**

Телевизор кўраётган эдик. Диктор гапириб қолди:

Ўзбек халқ мақоли :

**«Донодан сўз қолади, ботирдан иш».**

Ушбу мақол фикримизга алоҳида таъсир қилди, ўрнашиб қолди. Аниқроғи ҳаёлимиздан кетмай қолди. Ва бу мақол маъносини чақа бошладик. Аввало, мақол нима ўзи. Бадиий асарми, ўткир сўзми, шунчаки сўзга бой инсонни ўткир сўзими ? Бу мавзуга чуқурроқ кириш учун болалиқдан бери таниш, демакки маълум ва машҳур мақолларни бир нечасини эсга олдик.

–Вақтинг кетди, нақдинг кетди.

–Ер хайдасанг куз ҳайда, куз хайдамасанг юз ҳайда.

–Ит хуради, карвон ўтаверади.

–Етти ўлчаб, бир кес.

Булар 40-50 йиллардан буён таниш мақоллар.

1-мақол. Ҳар қандай иш муайян вақт ичида бажарилади. Иқтисод назариясида ҳам, ишлаб чиқариш амалиётида ҳам шу фикр. Мехнат унумдорлиги, машина маҳсулдорлиги тушунчалари ҳам асосан муайян вақт ичида бажариладиган иш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Ҳар қандай ишни бажарувчи ёки ишчи 8-соатлик иш вақтидан унумли фойдаланиб, кўпроқ маҳсулот чиқарса шунга яраша иш ҳақи олиши мумкин, ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Ишлашдан мақсад, ишлаб, пул топиб ўзини, оилани боқиш бўлса, айнан ушбу мақолни ўзига қонун сифатида кўрган одам, кўпроқ даромад, нақд пул топар экан ёки аксинча топиши аниқ бўлган даромаддан қуруқ қолар экан.

Мақол сўзининг луғавий маъноси:

Мақол –араб. Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда

панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап.

Мақол сўзининг маъно-моҳиятини ўрганганимизда ушбу сўз яна:

— муайян иш-фаолият билан шуғулланаётганлар учун кўзлаган мақсадларига етиш йўлидаги қонун экан.



Очиғини айтсак хозирги ёппасига умумтаълим тадбирлари ҳосиласи сифатида деярли жуда кўпчилик ҳар қандай мавзуда ўз фикрига эга бўлган ва даврда тарбия-билим беришнинг панд-насихат, мақол айтиш услубини қадрли бир оз пасайган.

Бир-икки жойда «инсоншунослик фанлари» мутахасисларининг халқ мақоллари тўғрисидаги фикрларига назаримиз тушиб қолди. Уларнинг ушбу мавзудаги фикрлари, мавзуга ҳаётий ёндашув етишмаслиги, хулосалар бадий-лирик баҳолар даражасида мазмунан номувофиқлик, бизни кўпҳам қаноатлантормади. Мақолларнинг албатта бадий-адабий мукамаллигига тушунувчининг ҳайратланишдан бошқача реакцияси бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Сабаб бу бадий-адабий асар «танланган инсонлар»нинг ижодий маҳсули. Бунинг устига айрим телевикторина ўйинларида савол сифатида «янги тўқилган ва ғўрароқ» мақолларни келтирганлари энсамизни қотирди. Бунга эътибор қаратишимизга сабаб, халқ ижоди маҳсули деб тушуниладиган «мақол» деган нарса, ҳар қандай «ёзиб тирикчилик ўтказувчиларнинг иши эмаслигини тушуниш керак. Назаримизда жуда кўп мақоллар 20-асрнинг 70-йилларига ҳам одамларга ҳам ҳаётий ҳам касб-кор ва бошқа билимлар беришнинг лўнда сабоғи –илми бўлиб келган. Ёмони шундаки кейинги даврнинг ғўра мақоллари (халқ мақоли деб бўлмайди) хатто дарсликларга ҳам киритиб юборилган.

Мақол сўзини этимологиясини ўргандик.

Мақол = ма + қол

ма – масдар. қилувчи, ясовчи, эгаси қаби маънолар беради.

қол – ушбу сўзни келиб чиқишини тушунмоқ учун «илми қол» иборасини эслаш керак, яъни қолувчи илм, мухтасарроқ айтсак «инсондан қолувчи илм»- ўрганиш, ўзлаштириш мумкин бўлган илм– маъносини беради. Шундай қилиб,

**Мақол – доно инсонлардан қолган илм, маъносини бермоқда.**

Ушбу мавзу бўйича немис файласуфи ва шоири Хйўте (русча Гёте):

*«Халқ ичида юрган доно фикрлар кўпгина донишмандлар томонидан қайта-қайта таҳлил этиб бўлинган. Хамма гап ва сизнинг муаммоингиз - ушбу доно фикрни ўз онгингизда томир отдираолишингиз-да», деган экан.*

***Бу қонундир.***

Биз фикримизни асосини мустаҳкам қилмоқ учун: «Донишманд ким ва у қандай одам» деган мавзуга чуқурроқ кирдик. Кўшилаётган янги илм – кашфиётларни бармоқ билан санарли миқдордаги, жуда оз сонли донишмандлар: олимлар, амалиётчи-мутахасислар инсоният ҳаётига, амалиётига олиб кирадилар. Кашф этилган, яратилган янги илм заррасини муайян даражада ўзлаштираолган, Хйўте ибораси билан айтганда : янги доно фикрни ўз онгида томир отдираолганлар, уларни турли хусусий ҳолатларга тадбиқ этадилар.

**Одаматодан бошлаб нутқ - тил ривожланиш жараёни, ақл ва юрак билан фикрловчи донишмандлар томонидан, уларнинг табиатидаги софлик, беғаразлик, моддий-тирикчилик муаммоларини фақат ўз ақли ва меҳнати устига юклайдиган, истемолидаги сўзлар асл маъноларига эътиборли ва фарқловчи табиатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи инсонлар томонидан бойитилган. Албатта айримларининг алоҳида маълумотлари бўлмаганлари ҳолда, ўз табиатларидаги сифатлари-хислатлари тугайли уларнинг тафаккури доимо муайян изланишда бўлади.**

**Хулоса: илм ва амалиёт соҳасидаги барча янгиликлар нодир хислат эгалари — донишмандларга тегишли экан.**

**Донишмандни эса табиатан шуғулланаётган ишидаги бизнес, яъни даромадга эга бўлиш қизиқтирмайди. Албатта унга ҳам яшаш учун маблағ керак. Лекин У шундай яралган.**

**Бу фикр албатта миллионларга ёқмайди, ҳазм бўлмади. На чора!!!**

## ҲАҚИҚАТ ВА МАНТИҚ

Ҳар қандай инсон, ҳар қачон ва ҳар қандай мавзуда «ҳақиқат»ни хоҳлайди, сўрайди, талаб қилади, излайди. Ўз ҳаётий фаолиятини, бизнесини ўзгаларнинг ишончи, чорасизлиги, юз-хотирини суистемол қилиш устига қурганлар ҳам ўзларига айтиладиган, етказиладиган ҳар қандай гап, маълумот, ахборотни фақат «ҳақиқатдан» иборат бўлишини талаб қилади. Кузатувларимизда сездикки, бошқаларга маъсулият ҳис қилмасдан фикр айтувчи, ваъда берувчилар ўзига нисбатан айтилган, етказилган ҳар қандай ёлғонга тоқат қилаолмайди экан.

Ҳақиқатнинг бу даражада муҳимлиги нимада ?

Ушбу сўзнинг бу даражада кучи, ҳар қачон, ҳар нарса ва ҳодисада бундай «ҳақиқат» аталадиган сифатдан кечиб бўлмаслиги» унинг келиб чиқишидаги табиий мутлоқлик, ўзгартириб бўлмаслик, этимологик мантиқда кўринди.

Яъни

Ҳақиқат = ҳақ + иқ + ат.

ҳақ ← ҳиқ, тақлидий табиий товушдан олинган. Ҳиқ – инсоннинг она қорнидан ёруғ дунёга, ҳаво муҳитига ўтиш, ҳамда ёруғ дунёдан кетиш онда чиқарадиган мутлоқ товуш–жараёндир.

иқ – бу сўз ҳам «ҳиқ»дан ясалган ва – товуш, сўз– маъносини англатади.

ат – ўзбек тилидаги «лар» қўшимча берадиган маънони беради. Ушбу сўзга ҳақ сўзлардан, ҳақ ишлардан бири маъносини беради.

**Ҳақиқат** –нарса, ҳодиса мантиқининг ўзгартириб бўлмайдиган қонун-сифатидир.

Академик Мирзакарим Норбеков ўзининг «Где зимует кузкина мать, или как достать халявный миллион решений» фалсафий китобида:

Одамни ҳақиқатга ўргатиб бўлмайди.

Одамга ҳақиқат тайёр ҳолда берилмайди.

Ҳақиқат фақат шахсий тажрибаларда ҳосил бўлади.

Ҳақиқат берилмайди унга эришиш, етишиш керак бўлади.

Инсоннинг олдида турган йўллари бирлашиб ягона йўлга айлангандагина

Ҳақиқат пайдо бўлади. Ўшандагина мукамал инсон пайдо бўлади.

Фикр юритилаётган мавзунини тўғри, ҳаққоний ёритмоқ учун тўғри ва ҳақиқий маъноли сўз ишлатилиши керак. Сўзни ҳаққоний ва тўғрилигини қандай биламиз. Бу сўз моҳиятдир. Моҳият эса илоҳиятдир, илоҳият сўзи марказида Илоҳ — Яратувчи турибди . Юқорида «мантиқ– ҳақиқатни излаш услубидир», – деб, айтдик. Ҳақиқат ўзагида ҳам «ҳақ» турибди. «Ҳақ» ҳам «Илоҳ»нинг исмларидан биридир. Демак, юқоридаги дарслик айтганидек, сўз мантиқшунослиги ҳам сўз таркибидаги ҳақиқатни излайди, «Ҳақ»қа,демакки «Илоҳ»га олиб боради ва албатта бунда бир-бирларига ўхшамаган турли услублардан фойдаланади.

Фалсафада, хусусан диалектик материализмда билиш ҳақиқатга асос ланади, Мавҳум ҳақиқат йўқ, ҳақиқат эса доим конкрет бўлади, дейилган. Аммо табиий жараёнлардаги ҳар бир вақт-ҳолат ( масалан вақт ўзгариши

билан ҳарорат, тезлик, химиявий таркибни ўзгариб бориши каби) учун ҳақиқатни ўзгариб туриши бу табиийлиги кўрсатиб турибди. Табиий, демак Илоҳийдир.

Демак, *мантиқ– ҳақиқатнинг ўзидир ва у турли-туман кўриниш ва маъно-мазмунларга эга.* Сўз мантиқшунослиги эса сўздаги табиийликни, асл ва керакли мантиқни, ҳақиқатни, ростни излайди.

## АФЛОТУН МАНТИҚИ

Ҳозиргача файласуф ва назариётчилар энг аввало унинг фикрига суянадиган қадим юнон донишманди (эрамизгача 427-347йилларда яшаган) Афиналик Платон, шарқда Афлотун, олими Илоҳий, олими Моний номлари билан улуғланадиган зот. Бу ерда биз 2500 йилдан буён инсоният илм-фан учун фикрларини асос қилиб келаётган :

**«Умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажралган ҳолда, мутлоқ ғоялар сифатида тушуниш керак»,**

– деган, илмий тилшунослик адабиётларимизда берилган маълумотларини мушоҳадаларимизга асос қиламиз. Ушбу фикрни мағзини чақишга ҳаракат қиламиз.

Аввалги мақоламизда сўз мантиқи нима, –деган саволга жавоб топ - дик. Билдикки, табиат ва жамиятни борлиғи бўлган нарсалар ва ҳодисалар тафаккур оламида СЎЗ (нарсанинг ёки ҳодисанинг номи) воситасида ифода -ланади. Ва бу СЎЗ бирор бир нарсанинг барча турлари учун ягона бўлмоқда. М: минглаб турли гуллар– ГУЛ– аталади; Сўм, доллар, рубл... – ҳаммаси ПУЛ аталади ва уларнинг бир неча юз тури бор; қонунбузарлик туридан қатъий назар ҳаммаси ЖИНОЯТ аталади, табиатда ДАРАХТ аталувчи ўсимликни турлари хисобсиз, лекин ҳаммалари аввало дарахт аталадилар ва ҳ.к.

Демак ном - СЎЗлар , *нарса, ходиса* ҳақида умумий тушунча берувчи восита экан, яъни умумий тушунча экан.

Тилсиз, забонсизлар учун дунё нарса, ҳодисалардар иборат. Яъни: Ер, осмон, дарахт, одам, ўсимлик, сув каби. Инсон эса **тил** билан шу нарсаларни атайди, ифодалайди.

Илмлар отасининг фикридаги : **умумий тушунчаларни** буюмлардан ажралган ҳолда... қисмидаги «умумий тушунча» иборасини маъно-моҳияти -га етишга ҳаракат қиламиз.

Муаллиф бу ерда «умумий тушунча» ибораси остида СЎЗни кўрган. Чунки ва ҳақиқатан ҳам асосий сўзлар сўз мулкида пайдо бўлиши жихатидан бирламчи, биринчилардан бўлиб луғатга кирганлар. Бу сўз-номлар кўп ва ўхшаш нарсаларни бир сўз билан аталганлар. Кейинги, илмлар даврида улар умумий тушунчаларни билдириши маълум бўлган. [Сизлардан узр сўраб бир изоҳ қилмоқчимизки, Платоннинг фикрлаши, нарса, ҳодисалар ҳақида билдирган муносабатлари математика тили билан айтсак, интеграл (умумлаштирувчи, жамловчи) фикрлаш экан. Бекорга 2500 йилдан буён ундан қолган илмларни ўрганаётганимиз йўқ] Яъни кўп ва ўхшаш нарса, ҳодисаларни умумлаштириб кейин керакли таърифни берган.

Масалан: **дарахт** сўзи берадиган маънолар:

Манзарали дарахтлар

тол

терақ

чинор

қайрағоч...

Мевали дарахтлар

олма

ўрик

шафтоли

гилос...

Бута дарахтлар

йилғин

саксовул

анор

анжир...

Кўриб турибмизки бу рўйхатни узликсиз давом эттиришимиз мумкин, улар ҳаммаси энг аввало **дарахт** аталадилар. Шунинг учун бундай сўзлар **умумий тушунча** аталганлар.

Платон мана шундай **сўз - умумий тушунчаларни** буюмлардан ажралган ҳолда тушунишни талаб қилапти.

Қайси ва қандай буюмлардан?

Мантиқ алифбесида айтдикки, ҳар қандай **сўз** аввало бирор –бир нарса ёки ходисанинг исмидир. Донишманд **СЎЗ – НОМ**ни унинг асоси бўлган **нарса** -дан ажратишни талаб қилапти. Яъни **дарахт** сўзини дарахтлардан, **нон** сўзини нонлардан, **уй** сўзини уйлардан ажралган ҳолда қарашни сўраяпти. Мана шу ажралган ҳолида сўзлар, яъни *дарахт, нон, уй... ва яна ҳоказо барча сўзлар мутлоқ ғоя* экан.

Буни қандай тушуниш керак. ? Аввало **мутлоқ** сўзини тушунишга ҳаракат қиламиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида

**Мутлақ** ар. — айн. абсолют. 1. 2. *Ҳақиқат- мутлақ бир нарса эмас. Абдул. Қаххор. Сароб.* **Мутлақ** ҳокимият - чекланмаган подшо ҳокимияти ва шундай ҳокимиятга асосланган идора усули.

Хуллас катта китобимизда **мутлақ** сўзига нисбатан юқоридан изоҳлар бор экан халос. Шунинг учун бу сўзни этимологик тадқиқ қиламиз.

Юқоридаги изоҳлар маъносига эътибор қилсак **мутлақ** сўзи — Чексиз, чегарасиз; Ягона, фақат унинг ўзи., маънолари чиқди.

**Мутлақ** — аслида қадим арабчада **Илоҳнинг** исмларидан биридир ва юқоридаги : **ягона, фақат Унинг ўзи, чексиз, чегарасиз, бошқа нарса Унинг ўрнини босаолмайдиган, Ундан бошқа бу ишни қилаолмайдиган** каби сифат-маъноларини билдиради.

Навбатда **ғоя** сўзини маъно – моҳиятига етишимиз керак.

Луғатга кўра **ғоя** – араб. 1. Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад.

2. Дунёқарашнинг асосий, муҳим принципи, идея.

Ушбу изоҳлардан биринчиси тушунарли, инсонларда кечинадиган **табиий** жараён. Биз ушбу тадқиқотларимизда **табиий** сўзининг асл маъноси – **Илоҳий**, деган хулосани асослаган эдик. Шу билан бирга психологик тадқиқотлар инсон тафаккурининг жараёнлари бўлмиш **ният, мақсад**ни кўриб чиқамиз. Энди **ният, мақсад** мавзуси орқали биз «янги ғоя» инсон онгида пайдо бўлишини ўргансак ҳеч қачон « менга ушбу мавзу бўйича янги ғоя қелиши керак ёки келади,- дея олмаймиз. Бундан ташқари аввалги мақоламизда «Инсонга янги ғоя-фикрлар қачон келади» саволига жавобни топган эдик. Шунга кўра илмий мерослари илм оламига маълум ҳеч бир буюк зотлардан «қелиши мумкин бўлган янги ғояни планлаштиргани»дан хабар-маълумот қолдирмаганлар.

Демак янги ғояни ҳеч ким режалаштира олмайди. Изланувчига у тўсатдан келади.– Қаёқдан келади ? Ва нима учун фақат унга келаяпти. Албатта Илоҳдан! Турли замонавий латифаларда айтилганидек потолок-шифтдан

ёки ручкани сўришдан пайдо бўлмайди. Янги ғоя нарса, ҳодисадаги мавжуд сифатларни мутлоқ англаб, тушуниб етган, беғараз изланувчига кутилмаганда ва тўсатдан келиши ва хатто нокулай шароитда келиши мумкин.

Биз луғатдаги **ғоя** таърифининг иккинчисини кўриб чиқамиз:

**ғоя** – *дунёқараешнинг асосий, муҳим принципи, идея.*

Бу принцип фақат икки йўналишга эга: 1. Илоҳиётга ишонч. Олам ва ундаги бирламчи Яратилиш илмий эмас, мўжизавийдир.

2. Табиат нарсаларининг эволюцион пайдо бўлган деб тушунувчи, аниқроғи ўзини маймун авлоди хисобловчилар.

Биз 1- йўналишдамиз. Илоҳиётга ишонамиз, муайян илоҳий мавзу ва ҳолатлар бўйича фикрларимизга асос кўрсата оламиз. Биз илм-фанни материалистик асосда кўрамиз. Чунки инсоният илм-фани, ижодкорлиги фақат моддий асосда кечинади. Шу билан бирга НОДИР инсонларнинг моддий оламда каромат кўрсатишлари, мўжиза яратиш имкониятлари илмий соҳа эмас, яъни оммавий ўқиб, ўрганиб такрорласа бўладиган илм эмас. Айрим инсонларнинг бундай хусусиятларини «билим» эмас, «илми ҳол» яъни «ҳолат илми» аталади. Унинг асоси, кароматчининг рухий ҳолатидадир. Уни буюк Яратувчининг «назарида» турганидадир. Айрим инсонлардаги бундай хусусият Табиий бўлиб уни шогирд тушиб ўрганиш ёки бирор жойда ўқиб, ўрганиш йўли билан ўзлаштириб бўлмайдиган, балки бундай одамларни Табиат мўжизаси – нодир хислат эгаси деб тушуниш керак.

Шундай қилиб тахлилларимизни умумлаштирсак, донишманд айтган **Умумий тушунча = мутлоқ ғоядир**. Яъни, **наrsa, ҳодисаларнинг** исмини биринчи марта аталиши— номланиши донишмандга Илоҳдан келган **ғоядир** — фикрдир. Жамоат ва жамият ичида ҳамма қатори яшаётган **донишманд** наrsa ёки ҳодисанинг муайян сифатларидан хабардор, шу наrsa ҳақида муайян тушунчага эгадир. Ушбу тушунчалар ичида фикран изланаётган донишманд онгига, тафаккурига шу наrsa ёки ҳодиса тўғрисида **«мутлоқ ғоя»** – СЎЗ – НОМ, ИСМ Илоҳиётдан келади!!!

Шундай қилиб миллат- халқ луғатига яна бир сўз қўшилади.

М: Донишманд кўпдан бери ўрмондаги олма дарахти ва мевасидан хабардор. Уни ўзи ҳам еган, бошқаларга ҳам берган. Олманинг озукаликдан ташқари шифобахш хусусиятларидан ҳам хабардор. Мана шу олма сифатлари ҳақида ўйланиб юрганда унга илҳом– фикр– ғоя келди. Бу ОЛМА. Ва бу сўзни жамоа ичида ёки ўзининг бирор бир яқинига айтди: ўрмонда ОЛМА бор, у яхши наrsa.

Шундай қилиб, Илоҳий ғоя билан янги бир сўз пайдо бўлди ва халқ истемолига кирди.

Яратилиш ва яратиш масаласи. Айнан шу мавзуда «файласуфлар»: «тошдан, ёғочдан меҳнат қуроли ясаган инсон», «буғдой экиб ҳосил олишни ўзлаштирган инсон», «техника воситаларини ихтиро қилиб ясаган инсон» ... «ва яна ҳоказоларни ижодкори инсон – ҳар наrsaга қодир инсон» деб шахсан

ўзлари ҳеч нарсани **тажриба- тадқиқот** қилмаганлари ҳолда «буюк ҳулосалар» чиқаришиб, илм-фанга асос солган **олими илоҳий**ларни фикрларини тушуниш, бунинг учун изланиш ўрнига, уларни шубҳа остига солиб келмоқдалар. Ваҳоланки инсон биологик оламда бошқалардан «тафаккури» билангина фарқланганда, инсон тафаккури эса фақат илоҳиёт воситасидагина мавжуд эканига етарли этибор бермаганлар. Бу воситани кўриб таҳлил қилиб бўлмайди. Буни амалий ахамиятга эга янги ишлар қилган, кашфиёт-ихтирокилганлардан сўраймиз. 6.5 млрд аҳолининг жуда қатта қисми 99 фоиздан ортиқроғи эса асосан ижрочилик, истемолчилик сифатларига эга холос..

Ўз даврининг етук адабиётларидан ҳисобланган, ва ҳақиқатда ҳам ўта тушунарли ёзилган В,Г,Афанасьевнинг «Философик билим асослари» (Тошкент 1975й. «Ўзбекистон») китобининг «Тил ва тафаккур» мавзуси баён этилган 64-бетда «Ҳақиқатда эса сўзлар кишилар томонидан ўзбошимчалик билан белгиланмайди., балки билиш ва амалий фаолият жараёнида муайян предмет ва ҳодисаларга биркитилади. Сўзларни алмаштиришда бу объектив процесслар ўзгармайди ва йўқ бўлмайди.)

Фикримизча, «буюмлар ва инсонлардан ажраган ҳолдаги **мутлоқ ғоялар**»:

1.а) инсон онгига келади, беихтиёр ва бемаҳал пайдо бўлади. (буни фаҳмлаш даражасига етмоқ учун узок муддат, 50- 60 ва ундан ортиқ йил яшаб, кузатиш керак. Фақат санокли одамлар: «Сукрот, Платон, Аристотел, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби оз сонли «олими Илоҳий»лар бундан мустасно.

2.Албатта, ғоя –фикрларни юбориш- келиш манзили Илоҳиётдандир.

3. Ғояларни келиши ҳар кимга ҳар хил. Ҳар ким нимани излаб яшаган бўлса ўша қачондир келади. Ғоя келганини фаҳмлаб қолиш яна индивидуал вазифа –муаммодир.

Келувчи ғоя, «илхом» = ил + хом сифатида, яъни ил–илоҳий; хом– пиши - тишга мухтож ҳолатда келади. (Энг кўп илхомланувчилар– шоирлар ҳам калласига келганини ёзаббермайдилар, келган фикрларни аввало имкон қадар «пиштадилар».)

4. Аввало инсон, излаётган нарсасига керакли билимларни ўзлаштириб, яқинлашиши шарт. Энг муҳим яна бир шарт, изланишда беғаразлик, яни илмий изланиш якунидан моддий ва маънавий манфаатни бош мақсад қилмаслик. (Халқ мақоли: «Яхшилик қил сувга ташла, билса балиқ билади, билмаса Ҳолик(Илоҳ) билади.)

Платоннинг фикрича – нарса, ҳодисалар НОМи, яъни товушдан иборат СЎЗ – НОМ – нарса, ҳодиса ҳақидаги «умумий тушунча» бўлиб, инсоннинг шахсий ижоди маҳсули эмас, балки инсон онгига Илоҳдан келган « ғоя, сўз, фикр.» демокда. Бу ерда муқаддас китобларда айтилганидек ва кейинги донишмандлар эътироф этганидек:

Қуръон, Бақара сураси 31. :«Яратувчи Одаматого нарсалар исмини ўргатди ; Таврот: Ер юзида яшай бошлаган Одаматого нарсаларга исм берди , яъни Одаматого (жаннатда – рухий оламда эканида) ўзига ўргатилган ва кейинчалик



хам Илоҳ томонидан унинг онги– тафаккурига ғоя сифатида юборилиб турилган фикр-исмларни – ерга тушгач, овоз чиқариб, сўзларни айтди, атади: ЙЭР, СУУ, КУН, ТУН, ҲАВА, ЖАН, МАН, САН...– бу сўзлар Одамато луғатидан.

Ушбу муқаддас китоблар фикрлари донишмандларнинг:–

– Биринчи сўзлар фақат ном-исмлардан иборат бўлган, –деган фикрларига монанд фикрлар. Назаримизда онг, ақл, фикр, идрок, хотира, тушунча, тасаввур, аталувчи ва яна бошқа инсон тафаккури жараёнларидаги сифат ва ҳолатлар ва уларнинг асосий маҳсули тафаккур – инсон онгига илоҳий таъсир мавжудлиги ва лекин ҳал қилувчи ҳукм, ҳулоса, чиқариш, қарор қабул қилиш инсоннинг шахсий маъсулиятида эканлигига барчамизнинг иқрор бўлишимиз бу соҳада жуда муҳим. (Бундай иқрорликка қаршилар керагидан кўп топилади, бу табиат қонуни. Лекин халқ мақолида айтилганидек «Ит ҳуради, карвон ўтаверади.») Инсон боласи ўзига берилган ақл билан ҳаётий жараён, мактабларда ўзига берилган билимлар, тарбияларни қайдаража ўзлаштирганини кўрсатиши керак. Инсон тафаккури жараёнларидаги илоҳиётдан келаётган ижобий ва салбий фикрлар оқими»ни англаш, фарқлаш, инсоният ҳаётида амалга ошираётган ва кузатаётган ҳолатларда **илмийлик** билан **илмдан ташқарилик** (метафизика, парапсихология) тафовутларини қайсарлик билан эмас, тушуниш билан қараш даври келди. Чунки кейинги 20 -30 йил ичида метафизик, парапсихологик мавзуларда жуда кўп информацион қарашлар эълон қилиндики, улардан беҳабарлик ёки этибор қилишни хохламаслик илмий одобдан эмас, деб ҳисоблаймиз. Ҳозир ҳам, хусусан биздаги олий маълумотлилар (ва катта ўқитувчилар) оммасининг анчагинаси моддий борлиқ бирламчи, онг иккилламчи, деган таълимот таъсиридан қутулаолганлари йўқ. Аниқроғи, **ҳа** дейишга ҳам, **йўқ** дейишга ҳам илмий асослар етишмаяпти. Ваҳоланки 20 йилдан буён « Бағри кенг ўзбекнинг **ўчмас иймони**» деб, кўлимизни кўксимизга қўйиб давлатимиз мадҳиясини қўшиқ қилиб айтаяпмиз.

Илм – материалистик, лекин олам ва ундаги нарсаларнинг шунингдек инсоннинг **бирламчи яратилиши** ва унинг тафаккур олами муайян идеалистик (Илоҳий) асосда турганини англаш даври келди, бундай фикрлашга информацион, илмий асослар етарли йиғилди.

## Аристотел ва мантиқ.

**Фикрлаш, ҳукм қилиш шакл ва услублари** ҳақида дастлабки таълимотлар қадим Хитой, Ҳиндистон заминларида пайдо бўлган. Лекин замонавий «логика» ва унга асосланган мантиқшунослик милоддан аввалги 4-асрда яшаган Аристотелдан бошланган, деб маълумот беради, илмий адабиётлар.

Шарқда олими Илоҳий, Муаллими Мониё аталадиган Платоннинг шогирди донишманд Аристотелнинг тилшунослик-мантиқшунослик бобидаги фикрларига **бизнинг тушунчамиздаги мантиқнинг** қай даражада монандлигини аниқлаш вазифаси турибди. Чунки ул зотнинг фикрини асос қилиб, 2500 йил ичида «логика»-тилшунослик мавзусида тўқилган фикрлар бир уммонча келади.

Ўзимизга саволлар бердик. 1. Тилшунослик фанидан мақсад нима? 2. Аристотел биринчи бўлиб гап, фикрдаги «логик шаклни» унинг мазмунидан ажратган, дейдилар. 3. У фикрлаш қонунларига нисбатан «аналитика» атамасини қўллаган. Буларни қандай тушуниш керак?

Биринчи фалсафий саволимизга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

– Тилшуносликдан мақсад, назаримизда, фикрни бошқаларга **тушунарли** қилиб етказиш, тушунарли фикр айтиш илмига эга бўлишдир;

– **Тушунарлилик, тушуниш** бўлмоғи учун эса – дарак, хабар, маълумотдаги ҳолат, ҳодисанинг сабаби аниқ кўрсатилиши ёки билиш шартдир.

М: – Йўллар лой экан. (нима учун?) Чунки аввалроқ ёмғир ёққан эди.

– Ҳаво исиб кетди. (нима учун) Чунки қуёш чиқди.

Ушбу маълумотни қабул қилувчи ҳавонинг мавжуд ҳолати бўйича «тушунча» олди ёки қабул қилди.

**Тушунарлилик**– қабул қилинаётган маълумотнинг мукамаллиги,

**тушунча** эса– қабул қилинган ва хотирага жойланган маълумот.

Фикр **тушунарли** бўлмоғи учун эса мантиқ таълабига кўра фикр- хабардаги асосий сўзни, яъни гапдаги **эга сўзни**, мавзуга керакли мантиқий сифати айтилиши шарт.

**Мантиқли фикр, гап** деб шу пайтгача тушунарли гап, фикрни атаганмиз. Чунки **нарса, ходиса** тўғрисидаги мантиқли фикр-гап аввало илмий, яъни амалий аҳамиятли ва мавзунини содда изоҳловчи, тўғри-рост, аниқ, ва тушунмоқ учун керакли барча маълумотлар бўлади. Мантиқли фикр муаммосиз тушунча қолдиради.

М: **Ёмғир ёғди, йўллар лой бўлди..** Ушбу фикрни мантиқли атаймиз. Чунки «гап» бераётган «дарак»ни сабаби-асоси маълум қилинмоқда. Яъни дарак гап(**йўллар лой бўлди**)нинг сабаби, асоси, демакки гап эгаси(йўллар)нинг мантиқий сифати «лой»нинг келиб чиқиш сабаби (ёмғир)ни айтиб бермоқда. (Илм доимо шу шаклда изланиб келган).

Аристотел қолдирган тилшунослик илмида:

«Агар ундай бўлса, бундай бўлади», шаклда фикрни ифодалашни ўргатган.

М: Агар ёмғир ёғса, йўллар лой бўлади.

Агар қуёш чиқса, ҳаво исийди...

Бундай шаклдаги фикрда воқеа, ҳодисанинг асл сабабини олдиндан айтиб қўймоқда. Чунки бу донишманднинг фикри.

Энди ҳаётимиздаги оддий, мантиқли-тушунарли фикрни аристотелча фикр билдириш шаклига солиштириб кўрайлик:

илмий фикрлаш

аристотелча фикрлаш

**Ёмғир ёғди, йўллар лой бўлди. – Агар ёмғир ёғса, йўллар лой бўлади.  
Қуёш чиқди, ҳаво исиб кетди. – Агар қуёш чиқса, ҳаво исийди.**

Ушбу таққосламада оддий, мантиқли– тушунарли, илмий фикрлаш воқеа-ходиса юз бергандан кейингина, ходисадан келиб чиқаётган оқибатга эътибор қаратилмоқда ва уни сабаби аниқланмоқда. Донишманд Аристотел эса фикрда воқеа, ҳодисанинг асл сабабини олдиндан айтиб қўймоқда.

Чунки у донишманддир.

Эътибор қилишимиз муҳимки, барча йўналишидаги фанлар илмий тадқиқотлари ҳалқона-илмий тафаккур базасида амалга ошиб келган. Яъни кузатилган, эътибор берилган нарса, ҳодисани нима учун шундай эканини билишни хошлаш ва шу йўлда изланиш билан рўёбга чиққан.

М: Йўллар лой экан. (фан– нима учун?)

Ёмғир ёққан экан, чунки тупроқ сувда эрийди ва ёпишқоқ массага айланади..

–Магнит тоши темир буюмларни ўзига тортаяпти. (фан – нима учун?)

Чунки темирда магнит кучларига бўйсунувчи сифат–хусусият мавжуд.

–Олма узилса, олманинг тагига тушар экан. (фан– нима учун?)

Чунки узилган олманинг массасига ернинг тортувчи кучи таъсир қилади.

Мантиқ дарсликлариди: Аристотел гап, фикрдаги «логик шакли» унинг мазмунидан ажратган, дейдилар. Фаҳмимизча, ушбу ҳулосани айтган тадқиқотчи биров шошган. Чунки:

Мантиқ бу маънонинг ишидир.

Мазмун– фикр, гаплардаги маънолар жамланмиси, яъни бу ҳам маъно.

Логик шакл нима? мантиққа тегишли шаклими?

Юқоридаги тадқиқотларимизда билдикки мантиқ–бу нарса. ҳодисанинг сифатлари мантиқни ташкил этади, яъни фикрни тушунарли қилади.

Мазмун бу маъноларнинг жамланмасидир. Фикр гапни мантиқли–тушунарли деб қачон айтамыз? Қачонки тушунмоқ учун берилган саволларга тегишли сифатлар ҳақида маълумотлар бўлса.

Логика назариётчилари «логик шакл» деганда мантиқий шакл демоқчи ва бу тушунчасига донишманднинг

**– Агар ёмғир ёғса, йўллар лой бўлади.**

**– Агар қуёш чиқса, ҳаво исийди;** – шаклидаги фикр билдириш тавсиясини тушунган. Юқоридаги таҳлилларимизда донишманднинг тавсиясини табиий, ҳалқона ва демакки илмий тафаккурдан илгарилаб кетаётгани ва ушбу услубда мулоқотлар донишмандларга ҳослигини тушунишга ҳаракат

қилдик. Донишманд **айтиладиган гап-фикрни сабабини билиб, кейин гапиришни** ўргатмоқда. Юқоридаги хулосага келган илмий тадқиқотчи, мисолимиздаги «йўллар лой бўлди» қисмини гапнинг мазмуни, «агар ёмғир ёғса» эса фикрнинг мантиқи деб қабул қилган. Ваҳоланки мантиқ фақат сўзга тегишли бўлиб, унинг талаби асосида фикр тушунарли-мантиқли шаклга келишини тахлилларимизда билдик.

Мантиқ услуби ойнаси орқали Аристотел бобонинг услубига қарасак, донишманд фикрлари ва услуби **башоратона**. Энди ушбу, башоратона тафаккурнинг асоси эса «Олими Илоҳий» қайси мавзуга назар ташласа, унинг тафаккурига ечим-фикр

### **к е л и б т у р г а н .**

Айнан унга ва у кабиларга. Донишмандларнинг илмий махсулдорлигини асоси ҳам шу. 2400 йил илгари Аристотел томонидан таклиф қилинган фикр билдириш услуби ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини заррача йўқотмаган. Бунинг боиси, ҳар қандай инсон бирор-бир дарак, ҳабар, ахборот эшитса ва унга етказилган маълумотларни тушунмоғи учун, фикрдаги мантиқий сифатлар етарлича бўлишини хоҳлайди. Бу мантиқнинг талаби. Иккинчидан фалсафанинг табиат, **нарса, ҳодисалар**даги «сабаб ва оқибат» қоида –тушун-часи талаби ҳам шу. Яъни ҳар қандай ҳабар, маълумот эшитсак унинг содир бўлиш **сабабини** билишни хоҳлаймиз. Ушбу қизиқишларнинг барча - си **мантиқнинг** илмий талабидир.

Ушбу мақоламизда Аристотел қўллаган **аналитика** атама-сўзга алоҳида эътибор қаратдик.

«Аналитика»– сўзининг ўзагида бизга таниш,– «анализ» – «тахлил» – маъно берувчи сўз ётибди. Унга асослансак, **аналитика** – тахлил илми,– маъносини беради.

Аналитика сўзининг этимологик тахлил қилсак, унинг ўзаги **анал** = ан + ал = ан–Илоҳ + ал– берган; – яъни «анал» сўзини бирламчи маъноси, «нарса, ҳодисаларни Илоҳ қандай шакл, ҳолда берган, яратган бўлса ўша ҳолга», таққослаш асосида ўрганиш илми, маъноси чикмоқда.

Хуллас Аристотел фикрлаш қонунларига нисбатан «аналитика» атамасини қўллагани, бу бизлардан тафаккур жараёнларига сунъий фикр, қолип-тўқималарни тикиштириш эмас, балки табиатда **нарса, ҳодисалар** қандай ҳол ва шаклда яратилган бўлса, ўша ҳолатини тушуниш, ўрганиш кераклигини ўғит қилган.

Илм -фан олами Аристотелнинг «аналитикасига», яни «воқеа-ҳодисаларни тахлил қилиш асосида уларни рўй бериш сабаби, қонуниятини аниқлаш ва унинг амалий аҳамиятини тажриба тадқиқотларда тасдиқлаш»га тўла риоя қилган ҳолда, фақат башоратона эмас, балки кейинроқ, аниқланган, тасдиқ -ланган сабаб- қонуниятлар асосида **хукм** қилиб келмоқда.!

Аристотелнинг мантиқшуносларимиз асос қилган «силлргизм» аталувчи «икки маълум фикрдан учинчисини хулоса қилиш услуби» ҳозир ҳам барҳаёт ва бу услуб илмий изланишларнинг эмас, оддий суҳбатларнинг мушоҳада услубидир.

## ИЛМ ВА МАНТИҚ

Ушбу тадқиқотимизга сабаб, асосий мақсади сиёсат бўлган марксча «диалектик материализм» ва дарвинча эволюция назариялари таъсирида, ер юзида катта қисм **фан** аҳлининг **илм** тушунчаси нотўғри, бузилган ҳолда Оламни ва Одамни тушунмоқдалар. Оқибатда мантиқсиз-тушунарсиз, амалий ахамиятни кўяверинг, куруқ сафсатааларни илм, деб тарғиб қилиб юрганлар бу асосда нафақат ўзларини, балки ўқимишлиларнинг анчагина қисмини ҳақиқатдан, **Ҳақдан** йироқлашишига сабабчи бўлаётдилар. **Мантиқ** — фикрлашнинг шакли ва услубларидан қатъий назар тушунарли, тўғри, рост, ҳақ фикр айтилишини, билдирилишини талаб қилади.

Фан аҳли **нарса, ҳодисаларни** сир-асрорларини билиш қизиқтирган ва бу ишни «**мушоҳада шакл ва услублари**» орқали билиш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва шуғулланганлар.

Айримлар эса кузатув, тажриба тадқиқотларга қодир бўлмаганлари ҳолда эмас, бекорчиликда йиғилиб олишиб дунёнинг сир-асрорларини очишни орзулаганлар. Бундоқлар у ёки бу калласига келган илмий асоссиз фикрларни айтиб, **фалсафа**(яъни нарса, ҳодиса ҳақида **соф фикр** айтилишини тақозо қилувчи фан)нинг буюк китобини самарасиз фикрлари билан тўлдиришга ҳисса қўшганлар ва муайян миқдорда эришганлар.

Ваҳоланки, илм— фан тинчгина, фалсафий шовқин-суронларсиз, оддий ва соддагина:

- «НИМА УЧУН ? » саволи воситасида ривожланиб келди. Масалан:
- *Нима учун қуёш фақат шарқдан чиқади ?*
- *Нима учун фасллар алмашади ?*
- *Нима учун сувлар тоғдан келади ?*
- *Нима учун сув музлайди ва парлайди ?*

каби аввал саволлар пайдо бўлиб кузатувлар, тажриба-тадқиқотлар ва тафаккур- мушоҳадалар асосида нарса ва ҳодисаларнинг сир-асрорлари очирилиб, ўрганиб келинмоқда.

### Илм нима ?

XX аср охирида «ядрочи физиклар» газ-водород атомидан металл атомини яратган бўлсалар, ёки изланувчилар кўмир-углероддан сунъий олмос яратган бўлсаларда, улар табиатдан ўзлаштирилган илм асосида мавжуд нарсалардан иккинчи бир нарсаларни яратдилар. **Ҳа, айнан табиатдан ўзлаштирилган илм** воситасида ( инсонлар «йўқдан бор» қилмайдилар, балки **мавжуд нарсалардан** фойдаланиб) ўзига керакли иккинчи нарсани ясайдилар. Рус олими Ломоносовнинг «Йўқдан бор бўлмайди, бор нарса йўқ бўлмайди» хулосаси ҳақиқатан **инсоният илмига** тегишлидир, лекин **Табиатга** эмас. **Илм** сўзининг маъно-моҳиятига тегишли тушунчаларимизни бузилишига сабаб, айримларимиз **инсонни** табиатда мутлоқ тушуниб, унинг илминини **табиатдан устун-хукмрон кўрдик.** Сабаб, Табиат деганда Оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун борлиқ, мавжудот -тушунчасида фикрладик.

Тушунмадикки, **Табиат** – Яратувчи, илоҳий куч, Худо, туғдирувчи, - маъносига эга. (Ўзбек тили изоҳли луғати. М.1981. 2-қисм 102 бет. 1- ва 7-изоҳлар.) **Инсон илми** билан яратилган нарсалар эса туғмайди!!! (Илтимос, фикримиздан кулманг, бизни тушунишга ҳаракат қилинг.) Табиат сўзининг мантиқий сифатлари ичида **табиат кучлари** ҳам борлигини эътиборсиз қолдирдик. Айнан мана шу кучларни характери ҳақида ўзлаштирилган билимлар Ерда ҳаётни ва инсон илмини асоси экани ҳақида мантиқий фикр қилмадик. Инсонни Табиат яратган. Қолаверса Табиат, инсон илмидан яралган,- деб ким журъат қилаолади. Демак, Табиатнинг яралиши, ундаги ўзгаришлар инсондан ташқари эканини тан оламиз. Иккинчидан биз, Платон, Аристотел, Беруний, Ибн Сино Архимед, Авагадро, Ньютон, Галилей, Эйнштейн ва яна ҳоказо минглаб донишмандларимиз заковатига ғурурланиб, улар номи билан аталган куч-қонунларни баайни инсонга тегишли куч деб ҳисобладик. Ваҳоланки барчаси Табиатнинг кучларидир. Уларнинг бирортасини инсон ўзгартира олгани йўқ. Об-ҳаво ўзгаришини илм билан олдиндан билиш бу, об-ҳаво устидан хукмронлик ёки бошқариш эмас. Хукмрон бўлсак қиш фаслини бартараф қилиб, бутун Ер юзини ҳамиша баҳор, ёз, куз қилиб олмаймизми?

Табиатнинг қайси кучини ўзгартира олдик? Ернинг тортиш-гравитация кучиними, инерция кучиними, атмосфера босими кучиними, электромагнит кучиними...???

Ҳеч қайсисини!!! Бизнинг илмимиз билан ушбу кучлар ичида, худди Африка жунглисида яшагандек, ҳар бир сафар алоҳида маблағ ва энергия сарфлаб ўзимизга йўл очиб бормоқдамиз ҳолос. **Илм** билан табиатни ўзгартириш мумкин, деб ҳисобловчиларнинг тушунчаси, «мен ота-онамни туғиб, ёки ясаб бераоламан» - дейиш, билан баробардир.

Мантиқ назарияси талабидан қарасак, **илм** тушунчаси **табиат** сўзининг мантиқий сифатидир. Яъни, **илм** Табиатдандир. Илло, инсон Табиатнинг боласи экан, унинг илми ҳам табиатдандир. Қаергадир дарахтзорлар-ўрмонлар барпо қилишимиз, ёки чўл-даштда шаҳарлар қуришимиз, табиатни ўзгартириш-ривожлантириш эмас, балки жамият тараққиёти бўлиб, у фақат табиатни бузиш эканини XX аср охирларида сеза бошладик. . «Тараққиёт» сўзи инсоннинг меҳнат фаолиятида пайдо бўладиган табиий товуш «тарақтурук» дан келиб чиққан. «Тараққиёт»-нинг маъноси – **янги –янги амалий ахамиятли илмлар очиш, уларнинг асосида меҳнат қилиш ва албатта унинг маҳсулига эга бўлиш деганидир.**

«Илм» – сўзининг асл маъноси нима ? Сўзни чақиб мағзига, асл маъносига етиб олишимиз керак.

Луғатга кўра:

**Илм**– 1.кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирган билими; маълумот, дониш.

2.айнан. фан.

Луғатда: **фан**– табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси, дейилган.

Демак, **фан**– табиат .... тараққиёт қонунларини очиб берувчи;

1. Табиат тараққий этмаслигини, уни инсон илмидан ташқарида эканини юқо-ридаги фикрларимизда асослашга ҳаракат қилдик, тушундик.

2. Фан асосидаги инсон илмининг атроф муҳитга кўрсатадиган таъсири кўпинча салбий бўлишини тушундик. Бошқа изоҳлар ортиқча, деб ҳисоблаймиз.

Шу иккинчи, « **илм** айният **фан** » тушунча - изоҳни мантиқий таҳлил қиламиз.

**Фан** сўзининг мантиқий сифатлари:

Аввало Одамато луғатида: **фан** –**мия**-дир. Миянинг сифатлари:

– Бош чаноғида жойлашган; инсоннинг тафаккур «машинаси-механизми»; оқ қилқилдоқ эт; инсоннинг асаб-бошқарув маркази ва ҳоказолар...

–Тафаккур-фикрлаш, ўйланиш, хотирада сақлаш, ҳаёл суриш, туш кўриш, назарий фаолият: нарсалар ҳоссалари ва табиат ҳодисалари ҳақида информациялар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, ва яна шу кабилар...

**Илм** сўзининг мантиқий сифатлари:

мия-ақлни ишлатиш, ўқиш, ўрганиш, кузатиш, ўзлаштириш, тажриба-тадқиқот, нарсалар яшаш: қурувчи, кулол, темирчи, чевар, этикдўз, ...ўқитувчи, инженер, архитектор, астроном, синоптик, врач, космонавт.... ва яна шу каби ҳоказолар.

Кўриб турибмизки **илм** тушунчасини мантиқини ташкил этувчи сифатлар **фан**–**фикрлаш**- тушунчасининг ичидадир. Шунинг учун **илм**, фан-фикрлаш-нинг маҳсулидир. Янада аниқроқ айтсак, **илм** тушунчаси **фан**- тушунчасининг сифатларидан асосийсидир. Хуллас, **илм** сўзи **фан** сўзига айният ёки синоним эмас, балки **фан**нинг мантиқини ташкил қилувчи ва асосий сифати, (боласи) экан.

Шу жойда ҳаммага маълум бир фикрни таъкидлашни истардик. Ҳамма **фан**, яъни тафаккур маҳсуллари **илм** эмас. Биз ушбу сўз маъно-моҳиятига етиш йўлида энг аввало керакли сўзни этимологик таҳлил ҳам қилиб оламиз.

«Илм» сўзининг асл маъно-моҳиятини осонроқ тушунмоқ учун ушбу сўз билан бир асосли бўлган, тилимиздаги очиқ- содда ва ҳаммага маъноси таниш бўлган сўзга қиёслашдан бошлаймиз. Бу сўз устида чуқурроқ фикрласак, у ўзбек тилидаги «ол», «олим» сўзлари билан бир ўзак-асосдан эканини фаҳмлаймиз. Бу дегани илм – сўзнинг ўзаги «ол»нинг турланган шакли эканини кўриб турибмиз. ол ⇒ ил

Бу дегани 1. **илм** – мия-онг(фан)га **ол**-инган-жойланган, бирор бир ишни бажариш тўғрисидаги фикрлардир;

2. Табиат, жамият, инсонларни кузатиш, тажриба- тадқиқотлар ўтказиш асосида улардаги ўзгаришлар қонуниятларини олмоқ-ўзлаштирмоқ, билмоқ. Айнан шу иш билан шуғулланувчилар «олим» аталадилар. «Илм» сўзи ва «олим» сўзи биринчи, унли ҳарфлари фаркли бўлсада ягона асос-ўзакда

турибди, яъни ил = ол. Бу мушоҳадани тушунмоқ Туркийлардан уйғурлар диалектида бизнингча «олинг» сўзини «илинг» ёки «элинг» шаклли талаффузлар билан ифодалашади. Олмоқ – нонни олмоқ, олмани олмоқ... шу каби мисоллар ушбу сўзни истемолидаги энг оддий тушунчаларимиздир. Ушбу мушоҳадаларимиз билан «ил» сўзи ва «ол» сўзлари синоним эканини, улар шаклан ҳар хил бўлсада уларни асоси мазмунан бир эканини тушундик, англадик. Ушбу мушоҳада билан бир вақтнинг ўзида:

Ўзбек тилида ва умуман барча тилларда муайян асос сўзлардан яна бошқа, ёндош ҳолат ва сифатларни тавсифлашда сўзнинг унли ёки ундош ҳарфини, бошқачароқ талаффуз қилиш, сўз урғусини ўзгартириш йўллари билан янги шаклдаги сўзлар ҳаётга кириб келганини кузатмоқдамиз. Бундай, янги сўзларни пайдо бўлиш, яратилиш жараёнлари Табиий илҳомдир ва уни қабул қилиб ҳаётга, ҳалққа етказувчиси –Донишмандлардир.

Шу жойда беихтиёр? мухтарам Оқил Шарафиддинов ёзган, биз ўқиган биринчи алифбоимиз эсга тушди. Унда биз ўрганган биринчи сўз «ол» эди. Биринчи инсонлар Одамато ва Момоҳаво ҳам бир бирларига айтган биринчи сўзлардан бири албатта «ол» бўлганини мантиқ айтиб турибди. Ўзаро муҳаббатлари туфайли бири иккинчисига ниманидир раво кўрди, илинди, – «ол» (сен ҳам егин – маъносида). Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. (Уларку биринчи инсонлар. Хатто биз ваҳший ҳисоблайдиган ҳайвонлар ҳам жуфтларига емиш илиниш ҳолларини хужжатли филмларда кўриб турибмиз.

Ушбу мавзуимизда «илм» сўзининг маъноси

**Илм – инсоннинг нарса, ходисаларга, шунингдек жамиятга тегишли қонунлар тўғрисидаги кашф қилган маълумотлардир.**

Шу ерда китобхонга илтимосимиз: Ушбу таърифни атайин қисқа ва лўнда шаклда ёздик холос, бу таърифни дарсликбоп қилиб янада кенгроқ ёзишимиз ҳам мумкиндир. Бу таъриф қанча кенгайса ғализлик ва нотўғри фикрларни илм деб аташ шунча кўпаяр экан.

Бу ерда,

Қонун- кучдир;

Куч- физик ва кимёвий сифатлар, хусусиятлардир;

Қонунни изланувчилар-донишмандлар очади, кашф қилади, ҳаётга жорий қилади.

**Илм** мавзуси Илоҳиётда, ҳусусан Исломда ИНСОН ҳаётида биринчи ўринга қўйилган, ундан талаб қилинган биринчи бурч- вазифадир. Ушбу мавзуда биз учун асос-фикр Қуръоннинг энг биринчи нозил бўлган 96-Алақ сурасида битиб қўйилган: ИҚРО- ўқи, оятидир.

Ислом шарқида «илм» тушунчаси ҳам диний, ҳам дунёвий мазмун касб этган. XI-асрдан яъни тасаввуф таълимоти илм сифатида шаклланганидан бошлаб «**илми қол**» ва «**илми ҳол**» тушунчалари муомалага киритилган. Хурсандмизки замонамизда «тасаввуф» таълимоти **илм** сифатида тан олинди ва айрим замондош донишмандлар ХХI аср кишисига монанд табиат билан бу йўлдан кетмоқдалар.



**Тасаввуф** сўзининг асл маъноси ҳақида тадқиқотларимиз:

та + савв + уф

та – масдар,

савв←сафф ← соф, – соф рухли, қалбли, вужуд-жисмли, ниятли.

уф – табиий товуш, – Яратганга нола- ох; илтижо.

Ушбу вариантда **тасаввуф** сўзининг маъно-моҳияти:

**Соф қалбли, фақат Яратганга (уф– оҳ-нола) илтижо қилувчи** –

маъносини бермоқда. Бундай маъно назаримизда, **тасаввуф** аҳлига мутлоқ тўғри келувчи таърифдир.

Тасаввуф илми эгалари фақат Яратганга илтижо-дуо қилиш асосида Инсонларга беғараз ёрдам бериш билан шуғулланадилар холос. Улар орасида ҳарф танимайдиганлардан тортиб буюк олимларгача бўлган ва ўз имкониятлари асосида инсониятга ва илмга ҳизмат қилганлар. Дуо – илтижонинг самарасини билмаганида эди, Ер юзидаги энг катта мустабид давлатнинг мустабид хукмдори И. Сталин, II- жаҳон урушининг энг танг палласида, Ўрта Осиё мусулмонларини диний идорасини ташкил этиш ҳақида зудлик билан фармон бермас эди. Ушбу мавзуда арабча **ибодат** сўзидан ясалган, келиб чиққан ўзбек тилидаги «**обод**» сўзини эслашни хоҳлардик. Ўзбек тили изоҳли луғатида ушбу сўз ортида – «қишлоқ ва шаҳарлардаги кўркам, чиройли иморатлар ва аҳолига турли –туман хизматлар кўрсатиш шаҳобчалари мавжудлиги ва одамларни ўзаро аҳил яшаётгани» билан белгиланади. **Мантиқан** қарасак, ободликни асосида аҳолини тинч ва фаравон меҳнати ва ундан топаётган даромадлари туради. Ушбу барқарор яратувчилик албатта аҳолининг «шукроналик» ҳисси ва ибодатли ҳаёти натижасидир. Ибодати йўқ юртда аҳоли ўртасида фиску-фужур, ўзаро зиддият ва низолар кўп бўлади ва албатта бундай юртга бориб қолган меҳмон бу жойда «ободлик» кўрмайди.

Ҳаким ат-Термизий илм мавзусида «Китоб ал-хуқук» асарида «Оллоҳ таоло энг аввало **илм**ни яратган, илмдан эса донишмандлик(хикмат) ни вужудга келтирган. Донишмандликдан адолатни (адл)ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган, деб ёзади. «Масала фил фарқ байн ал-илм вал фикх (Илм ва фикх ўртасидаги фарқлар масаласи) китобида. **Билим – нарсаларнинг** инсон онгида намоён бўлиши – тажаллисидир, деган хулоса чиқарган. Ҳақиқатан ҳам инсонлар томонидан яратилган барча нарсалар **инсон илми**нинг маҳсулидир.

«Тасаввуф таълимотида «иймон» сўзи «илм» сўзининг маънодоши- синоними, инсон қалбидаги Оллоҳнинг мавжудлик тасдиғи ва эътирофидир.» («Тафаккур» журн. 2009 №1).

Лекин сизу-биз ушбу тушунчани ўз онгимизда шакллантирмоғимиз учун аввало тасаввуф амалиётчиси даражасига етиш ва бунинг учун бир умр вақт ва машаққатни зиммамизга олишимиз керак-ки, буни гапириш осон холос.

**Тасаввуф – фикран, руҳан ва жисмонан ПОК** ҳолга етиш ва одамларга фойдаси тегиб яшашдир. Бу ҳолат, биз инсонлар – оддий ёки улуғ nonхўрлар учун илмий даражамиздан қатъий назар, осон иш эмас.

Кейинги 20 йил ичида замондошларимизда **илм**ларнинг бу икки турини англаш, тушуниш бўйича катта силжишлар бўлди. Бу ҳолат журналларда чоп этилаётган илмий мақолалардан кўриниб турибди. Лекин ханузгача фан ишқибозлари бу тушунчани ўзлаштиришга қийналмоқдалар. Бу табиий албатта. Чунки бу соҳа аввало илмий эмас, «танланганларники». Танланганлар ҳам бу соҳага «шунчаки спортга қизиқишдек» кириб қолмайдилар. Илло, тақдир-ҳаётнинг кўп азобли-машаққатли жараёнларини бошдан кечириб, тафаккури ўзига керакли тушунчаларга тўлиб бориши асосида келабошлайдилар. Албатта, ҳамма жойда бўлгани каби «танланганлар» орасида ҳам Ижобий фикрлардан салбийлари кўпроқ. Чунки бу Табиат ҚОНУНИ. Исломо доирасидаги донишмандлар инсон илмини 2 турга бўлганлар.

**Илми қол** – бизнингча «илм», «дунёвий илм» ҳарқандай инсон ўзлаштириши ва бошқаларга ҳам ўргатиб, мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган билимлар. «Мақол» сўзи ушбу асосда яралган. Яъни, инсон ўлсада ундан қолувчи илм, ма + қол – инсоният ҳаётида муҳим ўринга эга, яъни инсонларнинг муайян соҳалардаги фаолиятига тааллуқли қонунлардир.

**Илми ҳол** – муайян одамларга Оллоҳ томонидан вазифа – мажбурият, хислат сифатида берилган «**ҳолат илми**»дир. Пайғамбарлар, авлиёлар ва яна бошқа, барча нодир хислат, сифат эгалари «илми ҳол» эгалари тоифасига киради. Уларнинг ўзлаштирган «илм»лари ва сифатлари ҳам бир - бирлари - никидан фарқлидир. Ва бу илмлар асосан одамларнинг саломатлигини тиклашга ёрдам беришга қаратилган. Ушбу вазифани тўғри бажармаслик, ушбу сифат соҳибларига зиёнли: саломатлиги ва тақдирининг ҳалокатли бўлиш эҳтимоли мавжуд -ки, бу ҳолатни шу сифат эгаларигина англайди ( лекин барибир улар ичида суистемол қилувчилар кўпроқ.

Сабаб, инсон табиатида моддий ва маънавий манфаатга ўчлик ҳисси, **эгоцентризм** кучлилигидир.

(Эго ← йэго ← **ҲА НОО** → **Ё Ҳуу** , **Ё Оллоҳим бер менга...**

Инсон илми нимадан бошланади ? - деган ҳақли савол ҳамиша кўпчиликнинг фикрида турибди.

Ушбу саволга жавобни шакллантиришда қуйидаги фикрга суянамиз. Осмон қаердан бошланади?- деган саволга бир донишманднинг Осмон Ернинг юзасидан, демакки оёғимиз остидан бошланади.- деган экан. Ушбу фикрни мушоҳада қилгач фикрга етдик: Инсон илми унинг чақалоқликдаги ўз онасини , яқинларини танишдан, биринчи онгли сўзи- она, ая, буви, мама... каби сўзларидан бошланади экан.

## БИЛИМ МАНТИҚИ

Ушбу мақолани ёзишимизга сабаб, замондошларимизнинг **билим** сўзи остидаги тушунчаларида аниқликка эҳтиёжи бор экан. Эҳтиёж шуки, «диалектик материализм»нинг нотўғри ва ҳаётий бўлмаган фикрлари таъсирида қуруқ сафсаталарни билим ҳисоблаш қонунга айланиб, оқибатда академик таълимда **ҳақиқий билим** қуруқ сафсаталар ичига кўмилиб бормоқда.

**Нарса, ҳодиса** ҳақидаги мавжуд маълумотларимизни уларнинг ҳажмидан қатъий назар билим атамоқ учун шу маълумотлар асосида ўша нарсани, ҳодисани қайта такрорлай олишимиз, янгидан ясашимиз шарт. Зеро, инсон илми асосан ўзига керакли нарсаларни яшаш ва маънавий бойиш ишлари билан шуғулланади. Фикримизни соддалаштирсак, бирор нарсани **биламан** демоқ учун ўша нарсани қилаолишимиз керак.

Ўзлаштирилган **илм** — **билим** аталади. Сўзнинг ўзидан кўриниб турибдики, **билим** сўзи **илм** сўзидан ясалган. **Илм** аталувчи фикрларнинг хусусияти биринчи навбатда амалий ахамиятли ва инсонларга фойдали бўлади.

1. Нарса, ҳодисани яшаш, тайёрлаш илми: уй-жойлар, йўллар, станоклар, автомобиллар, самолёт, космик кемалар ва яна шу каби ва ҳоказолар қуриш ва фойдаланиш илмлари.

2. Табиат кучларидан фойдаланиш ва эҳтиёт бўлиш илмлари.

3. Амалиётга керакли назарий билимлар.

Амалиётга умуман асқотмайдиган «назариялар» илм аталмайди, чунки уни **олиб, ўзлаштириб ва фойдаланиб бўлмайд**.

Масалан: эволюцион назария.

Саккизоёқларни пайдо бўлиши ҳақидаги назария...

Яқинда телевидение орқали кўрсатувда денгиз саккизоёқлари (осминоглар) тўғрисида Америка олимларининг янги кашфиёти ҳақида хабар айтиб қолдилар. Хабарга кўра, «саккизоёқлар» 4 миллион йилдан буён мавжуд» деган «илмий фикр» бор эди. Охирги аниқлашларга кўра осминоглар 800минг йилдан буён мавжуд экан холос. Ана сизга илмий каромат!? Энди нима қиламиз?

Бир вақтлар атом –молекуляр таълимот амалиётдан ўзиб ҳаётда пайдо бўлди. Бу ҳолат даставал кўпчиликда тушунмовчилик туғдирди. Лекин вақти келиб ушбу назария амалиётда ўз исботини топди. Кўпинча ахамиятсиз назариялар эгалари ва уларни тарафдорлари ўз «илм»ларини юқоридаги тарихни эслатиб, ўз фикрини маъқуллайдилар ва албатта бу назария ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб қолишини айтадилар.

Айниқса касб-ҳунар коллежлари математика дарслигига киритилган «математик мантиқ» ва «тўплам назарияси». Ваҳоланки ўзлари ёзиб қўйишган, бу назарияларни амалий қўллаб бўлмаслигини. Аслида ўйинчоқлар яшаш илми ҳам мавжуд. Шу билан бир қаторда «тафаккур ўйинлари»га ҳаётда ҳам, бизнес сифатида ҳам ўрин ва ҳаридорлари бор. Бундай нарсаларни дарсликларга киритиш, касб ўзлаштиришга сарфлаши керак бўлган вақтларини на

Ўқитувчи ва на ўқувчи тушунаолмайдиган нарсалар билан ўтказиш, бу зиёнкорликдир.

«Диалекти материализм» замондошларимизни асосий қисмига сингдирган «**дунёни тўла билиш**» фалсафий қарашини ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини таҳлил қиламиз.

Биз **билиш, биламан** сўзи остида инсон ўз ақли, идроки ва меҳнати билан такрорлаши мумкин бўлган **нарса, ҳодисаларни** ва амалий ахамиятли назарияларни тушундик, Яъни: Буғдой етиштиришни биламан, ун ишлаб чиқарадиган тегирмон ясашни биламан, нон тайёрлашни биламан, кема ясашни биламан, космосга учишни биламан, Ньютон қонунларидан ҳаётда фойдаланишни биламан ва яна ҳоказолар... ёзишни, чизишни, ўқишни, физика фанини ўрта мактабда ўқитишни, ушбу мавзуда катта аудиторияда лекция ўқишни... биламан. Бизнинг Дунё ҳақидаги билимларимиз қисмий характерга эга бўлиб, яъни нарса, ҳодисаларнинг фақат айрим сифатларига тегишли қонуниятлари бизга маълум. Биз бу билимларимиз шарофатида табиат қонунларининг зиёнли таъсиридан сақланамиз, керак бўлганда табиатнинг қонуний куч-энергиясидан фойдаланамиз. Айрим ҳолларда табиатнинг қонун-кучи «тескари шамолдек» бизнинг ҳаракат йўналишимизга қарши бўлганда, энергия сарфлаб бўлса ҳам кўзлаган томонимизга борамиз. Демак Инсоннинг илми қайси даражага чиқса ҳам ҳеч қачон Табиатдан устун бўла олмайди.

Лекин, Ерни ясашни билмайман, Ойни ясашни билмайман, Қуёш ясашни билмайман... ва яна Ерни магнит майдонини ўзгартириб юборишни, Ерни тортиш кучини йўқ қилишни, йил фасллариини ўзгартириб юборишни ва яна жуда кўп инсонга ҳаводек зарур нарсалар ва яна ҳоказоларни қилаолмайман, билмайман, билаолмайман. Фақат уларни мантиқига тегишли айрим сифат-хусусиятларидан ҳабардорман холос.

Ана энди «дунёни билиш мумкин» ёки «дунёни билиш мумкин эмас» ибораларига назаримизда мутлоқ жавобга эга бўлдик. Юқоридаги фалсафа дарсликларидида айтилган айрим «диалектик материализм» тарафдорлари, қайсики идеализмни инкор этувчилар «дунёни қайдаражада билиши мумкинлигини кўриб турибмиз. Яъни бу «билиш» қуруқ сафсата, қуруқ гап экан. Кўпинча бундаф «фалсафий фикр» амалий ахамиятли билимлардан деярли камҳабар одамлардан чиқади. Ёмони, соғлом фикрларга катта тўсқинлик қилади.

Тушунча ва тасаввур мавзусида биз *тушунча* мавзусини узоқ тадқиқ қилиб, бу БИЛИШ жараёнидан олдинги босқич эканини билдик. **Билиш** –бирор-бир мавзуда тушунчалар сифатида инсон онгида йиғилган ва мукамаллашган назарий маълумотлар ва амалий малака-кўникмалар асосида – ушбу нарса, ҳодисани қайтадан қилиш, яшадир, такрорлашдир.

М: Кулол сопол буюм ясашни билади, чевар костюм тикишни билади, инженер-технолог автомобил ишлаб чиқаришни билади, деҳқон буғдойдан юқори ҳосил олишни билади... – бу фикрлар билувчилар тўғрисида. Энди ушбу соҳада фақат муайян тушунчаларга эга одамлардан, масалан археолог-

дан сопол товоқ ясаб беришни, костюм тикиб беришни, муайян майдонда буғдойдан юқори ҳосил етиштириб беришни сўраб кўрингчи ? Албатта рад жавобини оласиз, чунки ушбу ишлар бўйича муайян тушунчага эга бўлиб кўринсаларда, керакли – етарли билим ва малакаларга эга эмаслигини айтадилар. **Тушунча** сўзи ортида **нарса, ҳодиса** тўғрисида болаларча тушун - чадан тортиб, маҳоратли уста даражасини эгаллаган ёки олим даражасидаги ўзлаштирилган маълумотлар ётар экан.

**БИРИНЧИ ИНС** (Одам ато рухи) Яратувчидан биринчи сабоқ–билимни ном -исмлар шаклида олиб (Одамато луғати), мўжизавий тарзда моддий дунёга келгани, ҳаёт бошлагани (ҳамма мавжудотларнинг, турларнинг бирламчи дунёга келиши мўжизавий тарзда амалга ошган) ва албатта бу сабоқлар ҳаёт давомида ва инсонга илоҳиёт мадади (илҳом –фикр шаклида) билан ва инсоннинг ўз билимини оширишга, аниқлик–конкретликка эҳтиёжи ва хоҳиши асосида янги сўзлар ҳаётга кириб келаверди. Бу соҳада юқоридаги тафаккур қонуни «бирор нарса ҳақида фикрламоқ учун аввало онгда аввало бирор нарса, қолаверса ўша нарса ҳақида бир оз бўлсада тушунча бўлиши шарт» асос бўлади. Кар-соқов ҳеч нарсани эшитмагани учун унинг миясида сўз шаклида ҳеч нарса йўқ, чунки у товуш шаклида ҳеч нарса қабул қилмаган ва демакки овоз аппарати соғлом бўлса ҳам гапирмайди.

Тафаккурли инсон (Homo Sapiens) ҳайвонот олаmidан эволюцион ривожланиб, ажралиб чиққан эмас. Мўжиза билан яратилган инсонга ҳар бир энг оддий сўз– информация, янги ғоя, илҳом сифатида онгига келиб, бу ғоя, илҳом асосида тажриба –тадқиқотлар ўтказилиб, янги тушунча ва билим кашф этилиб, ўзлаштирилиб, мавжуд пойдевор билимлар устига навбатдаги «янги билим ғиштчаси» бўлиб қўшилиб келди.

Инсон қушдек учишни орзу қилиб илмлар яратди, ер шарини бемалол айланиб чиқа оладиган улкан самолётлар ясади. Денгиз жонзодларидек эркин сузишни орзу қилиб илмлар яратди, океан-денгизларда йиллаб беҳавотир сузиб юраоладиган кичикроқ шаҳарлардек кемалар қурди. Илм-билимларини кўпайтириб, ҳатто сайёралардан ҳам ўз мақсади ва эҳтиёжи учун фойдаланмоқ орзусида космик кемалар қурди, космосда йиллаб инсон яшаши мумкин бўлган космик кемаларни яратди, космосда изланишни давом этмоқда. Лекин бу инсоннинг ўзлаштираётган илмлари имконияти барибир чекли.

Мавжуд мантиқ адабиётларида «**Мантиқ** тўғри қўллангандагина «**билиш**»-нинг дастури бўлиб хизмат қилади, – дейилган. Тадқиқот, таҳлилларимизда **мантиқ – сўзнинг кучи** эканини билдик. Ушбу тушунчага кўра мантиқ қўлланилмайди. Чунки у маънавий ҳодисадир. Мантиқни асоси тушуниш экан. Бирор – бир фикрни тушунмоқ учун инсон аввал муайян даражада билимга эга бўлиши шарт. Нарса, ҳодисани «бирор –бир номаълум сифатини излашда, шу нарсанинг маълум мантиқий сифатларидан фойдаланиб, номаълум сифат изланади. Бамисоли, «пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор, бу нима», топишмоғига ўхшатиб.

**Мантиқ** функция сифатида қўлланиб, номаълум сифатлар изланади. Ушбу фаолият сўз етказётган ахборот-нарсадаги ҳали очилмаган кирраларни, сифатларни очилишига хизмат қилади.

Айнан мана шу, номаълум сифатларни аниқлашга яроқли, «дас - тур бўлувчи сифатлар»ни топиш кераклиги мантиқ адабиётларида етишмайди. Мантиққа тегишли сиз излаётган муаммоли сифатини фаҳмламоқ учун аввало ўша нарса, ҳодиса ҳақида кўп билиш керак. Билимни эса ўрганмоқ керак. Ўрганмоқ учун онг, уқув, тушунмоқ керак. «**Тушунмоқ**»ни энг, энг биринчи Одамга бориб ўргансак ва унинг билими ҳали 0 десак, яна албатта муаммо ундаги бирламчи уқиш, тушиниш имкониятига бориб тақалади. Ўша бирламчи, билим олиш сифати яна айланиб келиб, мавжудотга берилган бирламчи ва кейинги сифатларга бориб тўхтади. М: делфинга берилган уқув ҳамма сув жонзодига берилган эмас; итга берилган уқув қўйга берилган эмас.. Энди «олимлардан бири»: «уқувли ҳайвоннинг организми мана бундай, миясининг тузилиши мана бундоқ» дегани билан «бу фаннинг» амалий ахамияти, яъни уқувли жонзодлар яратиш илмида 0 га тенгдир. Яна чуқурлашсак бундай «фан» билан «нима учун қўйнинг калласи фақат шўрва пиширишгагина ярашини билиб оламиз холос. Сабаб «бу фан»– бу «илмий хулоса» билан уқувсиз жонзодларни уқувли қилиб ўзгартириб бўлмайди.

Биз бошқа мақолаларимизда асослашга ҳаракат қилдик. Яъни Инсон учун, борлиқни яратилиши Илохий-мўжизавий. Шу пайтгача ҳеч Ким ва ҳеч нарсани бирламчи яралишини, яъни метафизик оламдан физик оламга ўтиши, бирламчи пайдо бўлишини кўрган эмас, кузатган эмас ва бу жараённинг ҳеч қандай археологик изини топган эмас ва топа олмайдилар ҳам. Мўжизавий суратда, метафизик оламдан моддий оламга ўтган ёки бирор-бир **нарсадан** келиб чиққан иккинчи **ҳар қандай нарса**, моддий олам қонуниятларига бўйсунди, яшайди, ривожланади ва вақти келиб ўз таназзулини топади.

Инсон тафаккури ва унинг илм-фанлари ҳам ушбу қонун остида. «Инсон илми ҳар нарсага қодир», фикри кўр-кўрона фикрдир. Инсон илми табиат қонунларини ўрганиб ва шу маълумоти билан айрим холларда ўзининг соғлиқ, омонлик ва яна бошқа ишларига табиатнинг зиён етказмаслигига, эҳтиёткорликка, сақланишга эришади, шунингдек бошқа холларда табиат қонунларидан ўз фойдасига ишлатиб қолади холос. Албатта бу жараён илм-фан, тафаккур ва билим ҳосиласидир. (М: Очлик – оқатланишга; совуқ – либосланишга; ёғингарчилик, совуқ – том қуришга, уй қуришга, зонтик туттиришга; тепаликдан тушаётган сувнинг кучидан– тегирмон паррагини айланттиришга; темирчи болғанинг қори кўтаргач унинг оғирлик кучи– гравитация кучидан фойдаланишга... ва яна ҳоказолар.)

Инсон табиат қонунларига нисбатан «биламан» сўзини эмас, «ҳабардорман», «табиатнинг шунда қонуни мавжудлиги менга маълум» сўзларини қўллаш тўғри бўлади экан.

Ўзбек тили изоҳли луғати маълумотига кўра:

**билим** – Обьектив мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид маълумотлар мажмуи;

Ўқимишлилик даражаси, маълумот, эрудиция(иктидор)

Билиш – билмоқ. – Мавжудотни, унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш.

Мавзу бошидаги фикримизни асослашга энди навбат етибди.

Кўраяпмизки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да

**билим** – Объектив мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид маълумотлар мажмуи;

Тахлил фикрларда билдикки, бирор нарсани биламан демоқ учун ўша нарса ҳақидаги маълумотлардан ташқари уни ясайолишимиз, қилаолишимиз керак. М: Қурилиш институтини аълога битириб келиб, бирор иншоотни қуриш билан дарҳол шуғулланиб бўлмайди. Бир неча йил қурилиш майдонларида оддий ишларда ишлаб, малака ва тажриба орттирибгина бу вазифани бажаришга киришиш мумкин.

**Билим эса ўша нарса, ҳодисага тегишли тарихий, фалсафий, физик, химик, биологик, технологик ва яна бошқа фан соҳаларида аниқланган, ўрганилган барча сифат ва маълумотлар ва улардан фойдалана олиш амалий малакаларидан иборатдир.**

Билиш босқичлари.

а)ахборот эшитиш, ёки сабоқ олиш.

б)кашфиёт ёки кузатувчилик асосида кашфиёт.

М: Тупроқ сув қўшилса лой хосил бўлар экан.

Қуруқ чойга қайноқ сув қўшилса чой бўлар экан.

Ушбу илм

1) кашфиёт қилиш

2.Кўриб, кузатиб олинган фикр-хулосалар **олиш йўли** билан ўрганилади.

2- услубда яна амалиёт керак. Марказий Осиё халқларининг энг оммалашган билими, яъни сувни тупроққа қўшиб, аралаштириб лайдан гувалак яшаш ва уй қуриш билимини ҳам ҳар бир инсон ўз амалиётида кўриши керак. Унда қанча тупроққа қанча сув қўшиш; қандай тупроқ, қандай сув керак? - каби билимлар ҳам керак.

Билимларни ўзлаштириш босқичлари:

Аниқлаш босқичи. Янги олинган билимларга пойдевор бўлувчи таянч билимлар аниқланади. Янги билим аввалгиси устига қурилиши, боғланиши керак. Худди шу босқичда ўқувчи-ўрганувчининг тушунчаларидаги хато ва камчиликлар аниқланади. Бу босқичда пайдо бўлган саволлар билим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Англаш босқичи. Бу босқичда янги билимлар берилади. Ўқувчи янги ахборотларни ўз тушунчалари билан қиёслайди. Ўзида бор маълумотларни янгилари билан боғлайди, таққослайди.

Мушоҳада босқичи. Бу босқичда билимлар мустаҳкамланади, яхлитланади, маълум муддатга хотирага жойланади. Ўқувчи янги ғоя маълумотларни ва ахборотларни ўзида борлари билан таққослайди. қўшимча ўзгартишлар киритади....

**Билмоқ учун изланиш жараёни** замондош донишманд таъкидлаганидек,

**Бугун эшитган СЎЗни том маънода билмоқ учун 7 йил вақт ўтади, —**

**табиат қонуни ўз кучини кўрсатади.** Ушбу қонун ҳали дарсликларда йўқ. Бу қонун, изланиш жараёни— «тадқиқотчининг бу илмга маълум бирор- бир қонуният ёки тушунчани том маънода ҳаётий ҳолатларда ўз кўзингиз, ўз

ақлингиз билан ҳаётий ҳолат-нарсани эканига ишонч ҳосил қилиш жараёнидир. Мана шу изланиш жараёни, тушуниш жараёни, ўрганилаётган нарсани ёки ходисани ҳар бир поғонасини «билиб» кўтарилиб бориш жараёнидир. Сиз изланиб, билиб бораверасиз ва бу жараёнда сизга янги босқич фикрлар келаверади.

Мана шундай жараёнларни бошингиздан ўтказибгина СИЗ излаётган нарсанинг, ҳаётий ҳолатнинг ҳаётий жавобига етиб келасиз. Ва бу билимингиз **мутлоқ** бўлади.



## ТОВУШ - СЎЗ ФИЗИКАСИ ВА МАНТИҚ

Ушбу мавзуга эҳтиёж «мантиқ» сўзининг маъно-моҳиятидан келиб чиқмоқда. «Мантиқ алифбеси» мақоласида айтдикки, «Товуш-сўзнинг фикрни кўзғотиш, маъно-моҳият етказиш ҳамда нарса, ҳодисаларнинг сифат, хусусиятларини ақл воситасида англаш жараёнини кўзғотиши, ҳаракатлантириши— мантиқ ҳодисаси аталади. Бу ҳодисани **сўз маъносининг** табиий кучи, руҳи. ҳосил қилади,— дедик. Агар ушбу куч бўлмаганида эди, инсонда тафаккурнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлар эди. Ушбу товушнинг табиий хусусияти ҳақида фикр юритиш мақсадимиздир. Табиий, демакки Илоҳий, инсонни иштирокисиз, деганидир.

«Диалектик материализм» тушунчасига кўра инсон мияси ҳар қандай жонзод миясидек «гўшт-оқсил модда»- дан иборат бўлгани ҳолда қандай қилиб бошқа жонзодлар мияларидан фарқли ҳолда тафаккур қилмоқда.

Тафаккур машинасининг механизми мия бўлса, унинг хом-ашъёси – товуш-сўзлардир. Товушнинг, яъни сўзнинг маъноси нима учун мия-онг ни кўзғотади, маълумот етказиши, тафаккурни ишлашга ундайдади. Бундай фикрлашимизга асос: ТИЛ –СЎЗ физик оламда товушлардан иборат ҳолоску. Ушбу қадимий саволни физик асосини топиш ёки тушунишни вазифа қилдик.

Назаримизда, инсон онгида «ахборот-тахлил жараёни» аталувчи: кўзғолиш, ахборотни қабул қилиш, тасаввур қилиш, қабул қилинган маълумотни хотирада сақлаш ва мавжуд билим- тушунчаларга таққослаш ва ҳукм чиқариш жараёнлари бир вақтда, тенг кечинади. Агар мия-онгда эшитилган товуш-сўзга ўхшаш бирор-бир маълумот «ёзилиб» қўйилмаган бўлса, у ҳолда онг эгаси эшитган товуш-сўзга нисбатан савол аломати (нима деяпсан?) пайдо бўлади.

Ҳайвонларда мия бўлсада Илоҳ унга **онг хусусияти** бермагани учун уларда эшитилган товушларга нисбатан умуман **0** реакция ёки чекланган, «шарт»ли аталувчи реакция-муносабат ҳолати пайдо бўлади.

«Мантиқ – тушуниш» нарса, ҳодисанинг ошқор ва яширин сифат ва хусусиятларини ақл воситасида билишни талаб қилади. Албатта ушбу сифат ҳар бир одамда индивидуал хусусиятга эга. Бу сифатни «иктидор ва билим» белгилайди. Агар айтилаётган маълумот-гапда мавзунини тўғри, тушунарли ёритувчи сифатлар етарли бўлмаса, у ҳолда онг етказилаётган фикр-гапга нисбатан «ақл ва билим» воситасида савол, эътироз ёки рад билдиради.

«Мантиқ» тушунчаси тафаккуримизда, фалсафий ном билан атасак ҳодиса даражасида турмоқда. Ушбу ҳодисанинг биринчи сифати— хусусияти инсон миясини, онгини фикрлашга, ақлни ишлатишга ундашидир. Чунки юқорида кўрдикки тушунчанинг этимологик, асл маъносида «илоҳий таассурот–тасаввур» жараёни бор. Шу илоҳий куч доим ўз таъсирини ўтказди.

Иккинчи сифати— сўзларга жойланган, нарса, ҳодиса ҳақида тўғри, ишонарли ва тушунарли маълумотлар бўлишини талаб қилишдир.

Сўзларнинг азали-бошланиши онгсиз, ҳайвонларча бақирик-чақирик лардан шартли қабул қилинган нарса эмас, балки инсонга Яратувчи-Илоҳ томонидан берилган-ўргатилган нарсалардир:

– «Аллама Адам аласмаа куллаҳа» –Қуръон. Бақара сураси, 31-оят. «Оллоҳ Одамга барча нарсалар исмини ўргатди.»

Айнан мана шу БИРИНЧИ билимлар, Одамато тафаккурига берилган имкониятлардир, ўхшатма қилсак тафаккурга берилган хамиртурушдир. Ҳаётий тадқиқотлар кўрсатмоқда, агар инсон миясида фикрлаш хусусияти бўлмаган да у ҳеч нарсани тушунмас эди, фикрламас эди, гапирмас эди. Энгельснинг «Мехнат маймунни одамга айлантди» хулосаси илмий асоссиз, исботланмаган ва исботланмайдиган фикрдир. Европанинг фидокор олимлари бутун умрини жонзодларни тарбиялаш тадқиқотларига сарфлаб, кўп нарсани ўргатиб кўришди, лекин маймун ҳайвонлигича қолди, уларнинг тажрибалари кўпайгани кузатилди, лекин инсоний тафаккур пайдо бўлмади.

Навбатдаги олдимишга қўйган вазифамиз айнан шу – товушнинг рухий хусусиятини илмий тадқиқ қилиш бўлди.

## Т О В У Ш ФИЗИКАСИ

Қўлимизда қалам. Столга енгил урсак «тиқ» этган товуш чиқди. Столга бармоғимиз билан чертдик, яна «тиқ» этган, лекин бошқачароқ товуш чиқди. Иккала қўлимиз кафтини бир-бирига урдик, «қарс» этган товуш чиқди. Ташқарида шамол ғувилламоқда... Хуллас қаёққа қараманг, нарсалар бир-бирига урилса ҳам, ҳаво ҳаракатга келтирилса ҳам товушлар ҳосил бўлмоқда.

Физика фани товушнинг хусусиятларини, кучи ва тарқалиш қонуниятларини тадқиқ қилган ва бу соҳада катта илмий натижаларга эгамиз. Товушлар тўлқинининг одам қулоғига етиб борадигани 16 Hz(херц) дан ортиқ ва 20.000 Hz дан камроқ тебраниш частотасига эга. Улардан пасти инфратовуш ва юқориси ултратовуш аталади. Бизни эса мутлақо бошқа нарса қизиқтириб қолди. Назаримизда физиклар товушнинг фақат кучига, тарқалиш хусусиятига эътибор берган холос. Товушнинг ўзи эса эътибордан қолиб кетган. Қолаверса «диалектик материалистлар» товушни материя–моддий нарса– деб атаган. Одатда моддий нарса, яъни материя массага эга бўлади. Товушда эса куч бор, масса эса йўқ. Фикримизни бошқа нарсалар мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Одамнинг кучи мавжуд, автомобиллар «от кучи»да ўлчанадиган қувватга эга. Чумолида ҳам куч бор ва шу кучи воситасида ўзининг вазнидан оғирроқ бўлган емишини уясига орқалаб кетади. Ушбу мисолларда «куч» **нарса-материяга** тегишли эканини билиб турибмиз. Лекин ҳеч ким шу пайтгача одамнинг кучини – одам, автомобил кучини – автомобил, деб атаган эмас. Жумладан шамолнинг ҳам кучи бор ва айрим тезликларида чанг-тўзон кўтаради, хазон-барғларни учиради, янада кучайса довул, торнадоларни ҳосил қилиб на фақат дарахтларни хатто шаҳарлар, турар-жойларни ҳам ағдаради ва ҳоказо.

Инсон қулоғига маъно етказаётган **товушнинг** ўзи нима? Бизга физика қонунларидан маълумки, товуш икки жисмни ўзаро урилишидан ёки ҳавони куч билан «пуф»лаш (хуштак) туфайли ҳосил бўлади ва бу куч ўз навбатида товушни ҳосил қилади. Товуш бу ултратўлқинлардир, ҳавони тўлқинлантириб тарқалади. Хуштакда биринчи жисм хуштакни ўзи бўлса, иккинчи жисм ҳаводир. Учаётган ўқ ҳам ҳаво зарраларига урилиши туфайли товуш чиқаради. Демак ҳавони «сабабчи куч» тўлқинлантираётган бўлса, товуш қани, агар бу товуш бўлса, сабабчи куч қани?

Тадқиқот, таҳлилларимизда қуйидаги хулосалар олдик. Физика фанидаги мавжуд барча фикрларни ўрганиб, ва товушнинг пайдо бўлиш ҳолатларини тадқиқ қилиб, товуш – физик оламда массага эга бўлмаган, лекин ўзи табиий кучдир, деган хулосага келдик. Жисмлар ўзаро урилганда, ёки ҳаво оқими бирор бир қаттиқ тўсиққа урилганда ҳаво зарралари (молекулалари) ўзаро тўқнашиб, **портлаш** юз беради. Мана шу портлаш – товушдир. Товушнинг мўжизалиги шундаки, **портлаш-товуш** кучи ҳавони ҳаракатга келтираётган кучдан бир неча марта ортиқдир. Физика қонунига кўра «Таъсир кучи акс таъсир кучига тенг бўлади», бу ерда эса қонун бузилмоқда. Сабаб нима- да? Бу хусусан инсон томоғида товушни пайдо бўлишида кузатилади.

1– Нарсалар (металлар, ёғочлар ва умуман муайян қаттиқликка эга бўлган нарса-моддалар)га зарба- куч билан таъсир қилинганда ундаги молекулалар, эҳтимол атомларининг ўзаро сиқилиш ҳамда чўзилиш таъсири туфайли улар орасида товуш пайдо бўлмоқда. Бу товуш ўз навбатида жисм бўйлаб ҳам, шунингдек жисмга тегиниб турган ҳаво зарралари воситасида фазога ҳам тўлқинсимон куч тарзида тарқалади.

2– Бирор- бир куч ҳавони ҳаракатга келтирганда, ҳаракатланаётган ҳаво ўз йўлидаги жисмларга тегинишидан ҳаво зарралари қисилаётгани – зичлана-ётгани ёки тор ораликдан (хуштак, сурнайда бўлаётганидек) ўтаётганда, шу ораликда ҳаво босими пасайиши туфайли ҳаво молекулаларига сийраклик кучи (кенгайиш, чўзилишга ўхшаш ҳолат) ёки ҳаво зарраларининг бирор тўсиққа урилиши натижасида ҳаво зарралари ичида портлаш юз бермоқда. Бу портлаш– товушдир.

Бу портлаш кучи товуш чиқишига сабабчи бўлган зарба кучдан ортиқдир. Бу мўжизадир. Чунки физиканинг «таъсир ва акс таъсирнинг тенглиги» тўғрисидаги механика қонунини бузилмоқда. Китобхонлардан узр сўраймиз, товушнинг пайдо бўлишидаги ушбу хусусиятни оддий, дағал тадқиқотларда фаҳмладик.

Бу **табиий** (Илоҳий) ҳодиса бўлиб, пайдо бўладиган товушнинг характери (жаранги, кучи(балл, децибалл) ва бошқа хусусиятлари (ёқимли, ёқимсиз, мусиқий) ҳаво ўтаётган тирқиш-нарсанинг материалига, тирқиш олдидаги ҳаво айланиб чиқаётган камера конструкциясига боғлиқ. Инсонлардаги товушларнинг хилма-хиллиги хусусиятлари, қўшиқчиларнинг овози ҳақида фикр айтишдан ожизмиз. Турли чолғу асбоблари яратиш ишларидаги муваффақиятлар, инсониятга берилган «илм-имкониятлар»нинг бир қисми холос. Юқоридаги кузатув таҳлилларимизда, товуш нарса

(жисм) ва ҳавода пайдо бўлсада, товушнинг ўзи номоддий нарса— ҳодиса, деган ҳалосага келдик. Товуш кучга эга. Бу куч, вужудида товуш пайдо бўлаётган нарсаларнинг ўзаро зарба кучига, шунингдек ҳавонинг оқим-ҳаракат тезлик кучига ва яна нарса (хуштак, най, чолғу асбоби тори... каби-лар)нинг материали (материалнинг хусусиятлари: қаттиқлик, эластиклик ва яна бошқалар)га боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган оралик ҳосила. Файласуфлар товушни «материя» деб қабул қилдилар. Юқорида товуш ҳодисасига берган изоҳларимизда кўриниб турибдики товуш модда эмас, модда молекула-ларининг(эҳтимол ундан ҳам кичик қисмлари) ташқи куч- зарба таъсирида пайдо бўладиган, ва тўлқин шаклида фазода тарқаладиган, кучга эга ҳодиса-дир. Фикримизни соддалаштирсак, ҳосил бўлган товуш ҳавода муайян кучга эга. Бу куч икки жисмни ўзаро урилиш кучи ёки ҳаракатланаётган ҳавонинг босим кучи ва товуш ҳавони тўлқинлантириб фазода тарқалади. Энди товушни келтириб чиқарган ҳар қандай ҳолат— вакуум —ҳавосиз очиқ фазода ҳам такрорланганда эди, товуш ҳосил бўлганда эди..?. Мана шу ҳолат бизнинг фикримиз асосидир. Материя вакуумда ҳам материялигича қолади-да! электромагнит тўлқини ҳам очиқ фазода тарқайди.

Демак, товуш материя эмас!

Бу бизнинг товуш ҳодисасини— мантикий тадқиқотимизга асосимиздир.

$$S = P L.$$

S— бажарилган иш - бу муайян ҳажм ва масофага тарқаган товушдир.

P – куч, – жисмларнинг ўзаро таъсир(урилиш) кучи ёки ҳавонинг ҳаракат кучи ёки босим кучи.

L – масофа, яни товуш етиб борган масофанинг энг чеккаси, охири.

Бу формуладаги P – куч (икки жисмни ўзаро урилиш кучи ёки ҳаракатланаётган ҳавонинг босим кучи) юқорида берилган Hz (херц) билан ўлчанаётган физик катталикини ҳам келтириб чиқармоқда.

Электромагнит ҳодисаси ҳам шундай табиатли, яъни ферромагнит аталувчи моддий нарсадан(оддий тилда «магнит темир») узликсиз таралаётган номоддий кучдир, демак ҳодисадир. Физикада «куч» тушунчаси иш бажа ради, иш бажариш жараёни эса ҳодисадир. У жисм воситаси ва ҳаракати туфайли ҳосил қилинади.

Элекромагнит куч инсон ва унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда доимо мавжуд ва бу куч таъсир майдонига ҳаракатдаги ўтказгич киритилганда ўтказгичда электр токи ҳосил қилади. Бу фикрни соддалаштириб тушунтирсак, магнитдан елпиғич ясаб у билан елпинсангиз сизнинг вужудингизда электр токи ҳосил бўлади, деганидир. Электр сўзи, – электа ← элоҳимяхудий ← илоҳим сўзидан ва «трр» -куч маъносидан, трр- табиий товушдан ясалган тақлидий сўзлар асосида келиб чиққан.

Товуш – сўз, умуман товуш номоддий нарса, асли ҳодисадир. Физика фани Ер шароитида, демак фақат Ерда товуш ҳодисаси ва унинг таъсир кучларини сезиши мумкин. Лекин диалектик материалист файласуфлар товушни ҳаво тўлқинларидан иборат , деб уни моддийлик қаторига қўшганлар. Товуш— куч сифатида ҳавони тебратиб- тўлқинлантириб унинг зарралари орқали кўчиб, тарқалади.

Аслида бу фақат Ерга тегишли ҳодиса ҳолос. Масалан: магнитофонга ёзиб олинган сўзни очик Ой шароитида эшита олмаймиз .Чунки у жойда бошқа **атмосфера**. Қадим ҳалқларда (хинд)Атма – худонинг исми, сфера – қобиқ. Яъни Илоҳ, Ойда бошқача қобиқ яратган. Моддийлик нуқтаи назари билан қарамоқчи бўлсангиз, Ердаги ҳар қандай буюмни Ойга олиб борсангиз у жойда ҳам ўша буюмингиз худди ердагидек ҳолида кўрасиз, фойдалани - шингиз ҳам мумкин. Лекин товуш билан бундай бўлмайди, чунки у номоддий, у нарса эмас, у фақат **Ерга ҳос сифат — товушдир. Товуш инсонга берилган мўжизадир.**

## Математика ва мантиқ

Ушбу мавзуга эҳтиёжимиз шундан иборатки, **мантиқ** фани ичида математика ва математикларга тегишли тушунчалар жудаям кўп экан. Хатто XVIII аср буюк математикларидан Лейбниц «тилни математик белгиларга алмаштириш орқали — «универсал сунъий тил» — ва бу орқали тафаккур жараёнларини тезлаштиришни таклиф этган. (Лекин ҳозиргача ҳеч ким бу услубдан фойдаланмади. Бизнингча, бунинг сабаби шуки, аввало бундай «универсал суъий тил»ни ўзи яратилмаган.) Математика фақат нарса, ходисаларни ҳисоб-китоби билан шуғулланади. Ҳисоб-китоб эса фанлар оламининг бир қисми ҳолос.) **Мантиқ** сўзининг илмий моҳиятини тўғрисида «Алгебра ва сонлар назарияси» (Р.Назаров, Б.Тошпўлатов, А.Дўсимбетов. 1993.й. Тошкент. «Ўқитувчи») номли олий таълим учун дарсликда: «Бирор фикрнинг рост ёки ёлғонлигини тиклаш учун тўғри ҳулосага олиб келувчи қоидалар одатда мантиқий қонунлар, деб юритилади»— дейди. Ҳаммасидан ҳам ўтиб, 2007 йилда чоп этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун дарслик сифатида чиқарилган «Алгебра ва математик анализ асослари» 1-қисм дарслигида «Математик мантиқ элементлари» боби берилган. Ваҳоланки бу бобда «мантиқ» мавзуси ва маъно-моҳиятига тегишли ҳеч нарса учратмадик. Фанлар ичида энг камгап соҳа устозлари бу ишлари билан тил ва мантиққа нима бердилар? Буни кўриб чиқамиз.

Аввало, — **мантиқ** нима? — саволига жавоб ва бу соҳадаги умумий таърифларни эслаб олишимиз муҳимдир. Юқорида **мантиқ**ни талқини нотўғри бўлган. Шунинг учун «Математика нима ва мантиқшунослик илми билан муносабатлари» мавзусида ҳам муайян кузатув, ўрганишлар қилишга тўғри келди.

Мантиқ тўғрисидаги адабиётлар ва «Мантиқ алифбоси» номли мақоламизда:

- олам нарса, ҳодисалардан иборат,
- инсон оламини, нарса, ҳодисаларни тафаккур қилади.
- инсон тафаккури нутқ —сўз билан амалга ошади.
- нутқ- сўз — нарса, ҳодисаларнинг исмидан иборатдир.
- нутқ-сўзнинг маъно- моҳияти бўлади.
- маъно-моҳият қулоқ орқали онга етади ва онгда «мантиқ—тушуниш» юз беради. (агар онгда эшитилган сўз бўйича «тушунча» -билим бўлса) Бошқачасига айтсак

**маъно— нарса, ҳодисаларнинг сўзда ифодаланиши , рухидир.**

Мана шу сўз- рух орқали нарса, ҳодиса инсон тафаккурида шаклланмоғи учун мантиқ ҳодисаси шартдир. Бизгача логикани(мантиқни) - тафаккур шакл-услубларини ўрганадиган фан, ҳисоблашган. Тадқиқотларимизда билдикки у тафаккур шакл-услубларига боғлиқ бўлмаган —**тушуниш**— ҳодисаси экан.

- маъно-моҳияти тушунарли бўлган фикр мантиқли дейилади.
- фикрни мантиқли —тушунарли қилмоқ ёки бўлмоғи учун ёки нарса, ҳодиса- ҳақидаги сўз ва гапларни **тушуниш** учун нима қилмоқ керак — деган саволга жавоб шуки, шу сўз , гап билан ифодаланаётган нарса,

ходисани керакли сифатлари баён этилиши шарт экан.

Нарса, ходисага тегишли **кўп сифатларни билиш** асосида уларнинг ҳали маълум бўлмаган сифати аниқланади ва номланади экан. Бу жараён **мантиқ-тушунишнинг** илмдаги моҳияти экан. Айнан мана шу — **мантиқни** илм сифатида ўрганишни тақозо қилиб келмоқда. Барча илмий очиш, кашфиётлар фақат шундай ҳосил бўлганлар. Яъни, нарса, ходисанинг бирор номаълум сифатини сезиб қолган «изланувчи» мана шу «сифат»га тегишли барча маълумотларни ўрганади ва унинг амалий аҳамиятини илм оламига етказди. Мантиқнинг яна бир аҳамияти, нарса, ходисанинг маълум сифатлари асосида номалум сифатлари ёки унинг нима эканлиги аниқланади, яъни тафаккур қилинади. Масалан топишмоқлар, «Заковат», «Ўйла, изла, топ» ўйинларидаги мантиқий масала ечиш деганлари шу кабидир. (М:1.Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. —Бу нима? — Пиёз.

2.Тунда қаттиқ тарақлаган товуш эшитилди. Эрталаб билсак, томдан шифер- ёпқичлар тушиб кетибди. Бу қандай бўлди ёки ким қилди экан?

Навбатда ходисанинг аниқланган-ўрганилган сифатлари асосида ҳулоса-хукм чиқарилади. Юқоридаги масалалар бўйича қилинган ишлар, фикрлаш ва унинг ҳосилалари **мантиқий** аталган. Аниқроғи нарсанинг маълум сифатлари асосида номаълум сифатлар аниқланган ва шундай қилиб мантиқ ходисасини юз беришига, яъни тушунишга эришилган.)

Ҳаммамиз мутлоқ биламиз, **математика — ҳисоб-китоб илмидир**. Лекин **математика** сўзининг асл маъноси ҳақида ҳеч ўқимаганмиз. Жаҳон илм дарғалари ижод қилган тиллари бўйича муайян тушунчалар тўплаганимиз бизни дадилликка тортди.

### **Математика сўзининг асл маъноси ва моҳияти:**

**математика = мат + е + мат + ика.**

**мат**← мад(араб) – модда; нарса, (материя, физик яъни жисмга эга нарса).

**е** — Илоҳ маъносини беради ва умуман барча унлилар(а, о, и, ы, у, ў, э...) ни бирламчи маъноси шудир, ва бу маъно ўзак сўзларни бирлаштириб янги маънолар ясаб беради.

**ика** – фан.

**математика – нарса яна нарса илми** , яъни

**Нарсалар(миқдори)ни жамлаш, кўшиш илми**, экан.

Математика сўзи нинг асл маъноси— «миқдорларни жамлаш» экан ва унинг ҳаётий кўриниши миқдорларни кўшиш (+) амалиётидир.

Миқдорларни жамлаш амалиёти нарса, ходисаларнинг сифатларига кўра баъзида айириш, олиб ташлаш (-) амалиётига эҳтиёж, шунингдек бирхил миқдорлар кўп бўлганда кўпайтириш амалиётига эҳтиёж пайдо бўлган. Ва албатта эришилган натижа —ҳосилаларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш керак бўлганда (:) бўлиш амалиёти кириб келган.

Инсонлар фаолиятлари кўпайган ва кучайган сари унинг тафаккурига юқоридаги 4 амални янада тезлаштиришга эҳтиёжлар пайдо бўлган ва замонамиздаги математика фани барча қирралари билан яратилди.

Математика, нарса ёки ходисалар тоифасига ҳеч қачон кўшила олмайди. Мантиқ эса нарса, ходисаларнинг номи--исми ва сифатлари ва билан иш олиб боради, Математика эса шу сифатлардан фақат биттаси— миқдорларни ҳисоблаш-жамлашдир. Шундай экан, ҳеч қачон математика ичида алоҳида

«2-математик мантик» бўлиши мумкин эмас. Аксиомалар ва теоремаларни бир қоида тушунтирмайди.

**Яна, физик нарса, ҳодиса бўлмаса математика сўзи ҳам, ўзи ҳам йўқ-дир.** Шунинг учун ўз вақтида илмий унвоннинг номини «физика-математика фанлари доктори ёки докторликка номзод шаклида қабул қилинган.

Хаммамизга маълумки, замонамизда математика фани соҳасига кирган хисоблаш услублари кўпдир. Ушбу услубларни тушунишга — мантиқига етишга математика фани дарсликлари хизмат қилади.

Умуман бутун математика фани вазифаси шу айтилган маъно: яъни нарса, ҳодисалар миқдорини жамлашдан иборат экан. Ушбу мақсадга хизмат қилмайдиган ҳар қандай «математик» аталувчи фикрлар ушбу фанга ётдир. Бу мутлоқ таърифдир.

Энди математиканинг айрим соҳаларидаги хаммамизга маълум номларни асл маъносини билишга ҳаракат қиламиз .

**Арифметика** сўзининг этимологияси.

**арифметика**– ариф + мет + ика

**ариф** ← ориф, донишманд.

мет– мадда, нарса.

ика – фан.

**арифметика – нарсалар ҳисоби тўғрисида ориф- донишмандлар илми.**

Шундай қилиб «нарсаларни сонини, миқдорини ҳисоблаш илми»нинг бошланғич номи математика, математиканинг такомиллашган давоми эса «арифметика» — «орифларнинг илми» экан.

Яна математика фанида логарифмлар леган бўлим бор.

**Логарифм** сўзининг асл маъноси логарифм = лог + ариф + м

**лог** – сўз;

**ариф** – ориф – орифлар сўзи.

**м** — мадда, нарса, бўлса керак.

М:  $\log 3 = 10^3 = 10 \times 10 \times 10 = 100 \times 10 = 1000$        $\log 3 = 1000$ .

Фақат сўзда ифодаласак: **учни логарифми ёки логарифм уч аслида мингни билдиради.** Бу ўз замонаси донишмандининг рақамни махфийлаштиришга хизмат қилувчи, навбатдаги донишмандлигидир.

Бу маъно ва маълумот ушбу илм яралган даврда давлат ахамиятига эга маълумотларини масофага махфий ҳолда юбориш ишига хизмат қилган бўлиши керак. Масалан: –Душманнинг 2 минг аскарлари бор– хабарини чопар 2 рақамини билдирувчи нарса-белги билан етказган.

Математика – фанлар подшосидир, деган бир донишманд. Бундай фахрли унвоннинг сабаби нимада. Инсоннинг фикрлаш жараёнини тезлаштириш, кучайтириш, ўткирлаштиришга айнан математика фани билан шуғулланиш олиб келишини қадимдаёқ тушунганлар. Чунки фанда табиатдаги нарса, ҳодисалар миқдорига тегишли ишларни белги-символлар асосида фикрлаб ва вазифа олиб, ҳеч сўз демасдан, тафаккур иш бажараверади. Шунинг учун «ҳисоб илмини билмаган файласуф бўлаолмайди» деган хулосага келганлар. Арифметик амаллар натижаси барчаси мутлоқдир.



**Психологик тадқиқотларимизда тушундикки, айрим математиклар масала, мисол тўқишга, ҳаётдан олишга эмас, ўта берилиши туфайли, шунингдек рухий табиатида ҳаёт ва ундаги жараёнларга, рақам ортидаги нарсаларга бепарқлик оқибатида ҳаётий-физик математикадан чиқиб кетганини фаҳхламай қоладилар экан.**

Оқибатда унинг фаолияти ҳам ҳаётдан йироқлашиш юз бериш эҳтимоли кучаяр экан. Бу гаплар нечун? Мантиқ аталувчи илм тушунарлиликни, демакки ҳаётийликни талаб қилар экан, демак унинг талабларига ҳам риоя зарурдир.

Математика нарсалар, ҳодисалар миқдорларини жамлаш, ҳисоблаш, аниқлаш фанидир. Ушбу мақсадга хизмат қилмайдиган ҳар қандай рақамли фикрлар математика эмас.

Айнан математик амалиётлар таъсирида шаклланган тафаккур услуби – **аналитик(ан+алитик)—илоҳ берган тафаккур** аталади. Яна шунингдек,

— математика фани инсонни тўғрилиқка тарбиялашда шарофати беқиёс эканини кузатмоқдамиз. Назаримизда бундай тарбия фактори, математика сўзи-фани мантиқининг, яъни уни тушунишнинг энг асосий сифати, асосида турибди. Масалан:

### — 1- бир —

**Бир**— нарса ёки ҳодисадир. Ва буни нарса, ходисанинг бошқа сифатларидек бошқачароқ тарифлаш мумкин эмас.

— бу сўздан ўзбек тилида **бор** ҳамда **бер** сўзлари ҳам ясалади. Ушбу фикр тил ривожланишининг бирламчи даврларига тўғри келади.

(**Бир** бўлса **нарс**а **бор**дир, фақат нарса **бор** бўлсагина уни **бер** дейиш мумкин.) Араб тилидаги «**барокот**» — **борлик** сўзи асосида ҳам бар = **бир** турибди. «Аллоҳнинг 99 улуғ исмлари» китобида ҳам Ал Бар исми мавжуддир. Бу мисоллар қадим арабистондаги тилда «Бар» сўзи мавжудлигини ва бу сўз ҳозирги ўзбек тилида кенг маъноларда истеъмолда сақланиб ўолганини кўрсатмоқда.

«Бир» — бу рақам мутлоқдир. Ва Илоҳнинг исмларидан бири ҳам экан.

Мавжуд фан учун асос, инсоннинг 10 та бармоқлари ва улардан фойдаланиб дастлабки ҳисобларни қилишдан бошланган.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Донишмандлар илоҳий илҳом асосида ва табиатан ҳар қандай инсоннинг шахсий имкониятидан келиб чиқиб ўнли саноқ системасини қабул қилганлар, амалиётга жорий этганлар.

Ҳақиқатан ҳам билим асосида мантиқли, яъни маъноси тушунарли фикрласак, математика, арифметикани том маънода билишни хоҳласак, у ҳолда **1** рақами-сонидан бошланадиган ва бир рақамлари жамланмасидан иборат барча табиий (натурал) сонларнинг чексизликка интилувчи қаторини зинапоялар шаклида қараш ва билиш, бу «математика»— «нарсаларни санаш илми» экан. Бу математиканинг ибтидосидир.

1 бир.

1 яна 1 =2

1яна бир 1,яна 1 =3

.....  
1яна 1, яна 1, яна 1, яна 1,яна 1,яна 1, яна 1,яна 1, яна 1 = 10

**0** — йўқ, ҳеч нарса.

Албатта математика фанининг ривожига Ал Хоразмий бобокалонимизнинг аввало рақамларни арабча ёзишни киритгани ва бошқа хизматларини эслаш ўринли бўлади. Чунки Лотин илмида қабул қилинган рақамларни М,Х каби ҳарфлар билан ифодалаш биз фойдаланаёт хисоб- китоб ишларига имкон ва натижа бермас эди.

Инсон аввал бир– 1-ни– илоҳий илҳом асосида билган: Мен — 1;

бармоқ(ларим) –бир, яна бир, яна бир, яна бир, яна бир...

«Билиш» назариясига кўра аввало ҳар қандай инсон, шунингдек биз ҳам онгли суратда **1** ни том маънода англамай, билмай туриб 2 сон-рақамига эҳтиёж сезмаймиз, англамаймиз. Фақат 1 ни тўла англаганимиздан кейингина 2 га эҳтиёж сеза бошлаймиз ва иккени ўзимиз учун кашф этамиз. Иккени тушунганимиз, билганимиздан кейингина 3 сон-рақамига эҳтиёжни сеза бошлаймиз. Ҳар бир рақам-сон сўз сифатида инсоннинг билими, тафаккури нарсаси-предметиға айланиши бутун бошли тарихдир.. Бу услубда қараш билан сон-рақамлар билан танишиб, ҳаётдаги мисолларда (айтайлик 1 нинг маъно-моҳияти– нима ни билдиради, 2 нимани билдиради ва ҳоказоларни билиб, ўзлаштириб сон-рақам зиналаридан кўтарилаверамиз. Бундай билимда «математик мантиқ фани» каби мантиқсиз, яъни тушунарсиз тушунчаларга эҳтиёж қолмайди. Яъни масалан: 5 катта 3дан, 7 катта 5дан. Демак 7 катта 3дан, каби хашаки мантиқшуносликка ўрин қолмайди. Чунки биз юқорида айтдик 1 ни маъно моҳиятини билмайтуриб 2 ни англаб бўлмайди. Энди қандай қилиб 3 билан 7 ни фарқиға бормаган одамға уни ўргата оламиз. Агар сиз нима катта-ю, нима кичик ва улардан ҳам каттароқ ва кичикроқ нарсалар борлигини илгари ўрганмаган, билмаган бўлсангиз, у ҳолда юқорида мисол қилганимиздек «мантиқий таълим ва назариялар» сизға ҳар қандай масала-мисоллар ечиш билан математик билим бераолмайди., чунки сиз ҳали рақам- сонларнинг қиймати-миқдорини, уларнинг хисоб китоб жараёнларидаги ўрнини **б и л м а й с и з**. Янада аниқ айтсак Сиз рақам-сонлар мантиқидан демакки маъно-моҳияти -дан беҳабарсиз. Бу фикрларимиз билан аввало, энг содда мавзуларни ҳам тўла маъно-моҳияти билан ўзлаштирадик, кейинги мавзуларни ўзлаштириш ва уларнинг ҳар бирини ҳаётда ўз ўрнида кўра олишимиз, ўрганган тушунча-билимимиздан фойдаланишимиз осон бўлади. Шундагина ўқишларни битиргач: нима учун ўқиган нарсаларимиз ҳаётға тўғри келмаяпти, деб ҳайрон бўлиб юрмаймиз.

Ушбу мушоҳадаларимизға ХХ асрнинг буюк олими А.Эйнштейн ва Л.Инфельднинг:

« Фандаги мавжуд барча ғоялар, **борлик** ва уни тушунишға қилинган уринишлар жараёнидаги драматик зиддиятларда туғилган», деган фикри асосдир.

Математик назарийчиларимиз хисоблаганларидек «мулоҳаза жараёнида агар эшитилган гапдаги маълумотни чин ёки ёлғонлиги тўғрисида

савол туғилса, у ҳолда – **нима учун?** деган савол пайдо бўлади. Аристотел нарса, ҳодисалар ҳолати тўғрисида гапларнинг мантиқи, яъни маъно-моҳиятини эшитувчи осон тушунсин учун ҳабардаги ҳодиса сабабини илгарироқ айтиб қўйган, ва шу услубда мушоҳада-мулоҳаза қилишни ўргатади». Бундан ташқари унинг муайян нарса, ҳодисаларни синфларга, турларга ажратишни ўрганиш жараёнидаги математик символлардан фойдаланиши бу фикрларни тарқоқликдан бирмаъноли шакл, тушунчаларга келтирган. Назаримизда бундай математик символлар билан ишлаш фақат тафаккурни тезлаштиради. Хусусан табиатшуносликнинг асоси бўлган физика фани худди шундай мантиқий қараш билан, яъни амалий тажриба, тадқиқот билан ҳозирги даражага етди. Бу услуб математика учун ҳам муҳимдир. **Бундай услуб ҳар қандай фаннинг асосий услубидир.** Физиклар Аристотелнинг мантиқ тўғрисидаги фикрини тўғри қабул қилиб физика ва техника фанларини ҳозирги даражасига етказдилар. Албатта бу жараёнларни математиканинг иштирокисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Айрим математиклар эса фаннинг номи -маъно, моҳиятидан воз кечишиб, (яъни, математика – «нарсаларни ҳисоблаш илмидир, «нарсалар» эса физикага тегишлидир. Яъни физик олам, физик жисмсиз математиканинг ўзи ҳам йўқ, кераги ҳам йўқдир.) олам, табиатдаги нарса, ҳодисалар ва уларни англаш, ўрганишдаги мантиқий жараёнлар ҳисоб китобларидан ажралишдилар. Назаримизда ҳисоб - китобнинг мавжуд услуб-турлари билан шуғулланишнинг ўзи инсон тафаккурини чиниқтиришга етарли фойда бераверади. Назарий математикада ҳисобланаётган нарса, ҳодисанинг бирор –бир физик сифатига тегишли, нима бор?— деган саволга битта жавоб бор экан. У ҳам бўлса бошланғич синфлар арифметикасини ўқиб бўлгач ўрганиладиган математика фанидаги (—) манфийлик белгиси экан. Айнан шу белги иссиқ-совуқ; баланд-паст; даромад-чиқим; тезланиш. секинланиш... каби физик сифатлардан хабар бериб турар экан.

Ҳамма фанлардаги каби математика фани билан шуғулланувчилар фанни назарий ва амалий қисмларга ажратадилар. Бизнинг таҳлилларимизда **математиканинг назарияси**— бу мавжуд математика дарслик китоблардаги барча илмлардир ва улар амалий фойдаланиш учун доимо тайёр шаблон-қолиплардир.

**Математиканинг амалиёти** —эса ҳалқ хўжалигининг барча тармоқлари ва амалий иш устида ишлаётган физик, химик ва бошқа назарийчилар ўз назарий ва амалий фаолиятларида қўллаётган математик назариядан ҳеч қандай ўзгартиришсиз олинган ҳисоблаш услубларидир.

Энди, математиклар айрим, «назария» деб ҳисоблаётган мавзулар амалиётнинг бирор- бир соҳасида умуман фойдаланмаётганини кўряпмиз. Ҳар қандай янги математик назарий янгилик ёки услуб **нарсалар, ҳодисаларни** ҳисоб китобларида қўллаш мумкин бўлсагина уни «математик назария» аташимиз мумкин. Бу ҳулоса «математика» сўзи маъно-моҳиятидан келиб чиқмоқда.

Математик мантиқшуносларимиз фикри: «(Алгебра ва математик анализ асослари. дарслик. Тошкент 2007. А.У.Абдурахмонов ва бошқ. 16-бет) да : «Математик

мантиқ математиканинг бир бўлими бўлиб, унда «мулоҳаза»лар ва улар устида мантиқий(тушунарли) амаллар ўрганилади.

Чин ёки ёлгонлиги устида фикр юритиши мумкин бўлган ҳар қандай дарак гап «мулоҳаза» дейилади. Мулоҳазалар устида бажариладиган мантиқий амаллар махсус белгилар ёрдамида ифодаланади. Бу белгилар ҳозирга замон математикасининг барча бўлимларида қўлланилади.

Белгилар қуйидагилардир: 1)  $\Rightarrow$  —агар, бўлса, уҳолда ... бўлади.

$P \Rightarrow Q$  — агар  $P$  бўлса,  $Q$  бўлади ( $P$  дан  $Q$  келиб чиқади ва аксинча)...

Ўзбек ҳалқ эртақларида: «Агаржонга Магархонни олиб берсалар, Кошки деган ўғил туғилар эди», дейди. Донишманд Аристотел худди шундай фикрлашни ва фикрни ифодалашни ўргатган. Лекин бизнинг **мантиқшунос** математикларимиз «Агар  $P$  бўлса  $Q$  бўлади», деб ҳалқимиз донишмандларининг ҳаётий мулоҳазаларидаги Агаржонга Магархонни (хотин) қилиб олиб берсалар, кейингина, Кошки (исмли) ўғил туғилган бўлар эди, — деган фикридан ўрнак олиш ўрнига мавҳум фикр қиляптилар. Бу нима? Математика фақат математиклар учун, хатто муаллифи ўзи ҳаётий моҳиятини тушунмайдиган ёзувлар қилиб илмий шухрат топиш учунми?. Минг бор узр сўраймиз!!! Мақсадимиз, амалий математикани мумкин қадар аҳолининг катта қатлами ўзлаштиришини ҳоҳлаймиз.

**Математика** сўзининг ва унинг ичидаги барча, ҳоҳ назарий, ҳоҳ амалий иш бўлсин — **бу : рақамлар ва 4 та амаллар ва баробарлик белгисидир.**

**Олий математика ҳам фақат нарса ва ҳодисаларга тегишли миқдорларни аниқлаш, номаълум миқдорларни топишга хизмат қилувчи, улкан миқдорларни тез ва аниқ ҳисоблаб чиқишга қаратилган тафаккурий, назарий механизмдир.**

**Мантиқ** аввало одам томонидан ОЛАМ ва ОДАМ ларни ўрганишда бутун бошли миллий луғатдаги сўзлар ва улардан кўп марта ортиқ сўз-гап-фикрлар, белги- ишоралар билан ишлайди. Яъни биринчидан, уларни тушунишга хизмат қилади, иккинчидан эса янги, назарга тушган сифатларни кашф қилади. . Бошқача айтсак сўз, гап-фикрларнинг маънолари ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанликни математикадаги мутлоқлик-абсолютлик билан алмаштириб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Математиканинг «харфий ифодалар, ўзгарувчан қийматлар, ўзгарувчан функциялар» каби атамаларни адабий тилдаги омонимлардек маъно-моҳиятида ўзгартириш мавзулар фарқи ва моҳиятни тушунмасликдир. Сабаб, кейинги 40 йил ичида анчагина физикага эътиборсиз математиклар тарбияланди. Улар фанни физикадан, яъни ҳаётдан алоҳида ҳолда кўрмоқчи бўладилар. Ваҳоланки мутлоқ фалсафий фикрласак, «физика» бўлмаса «математика» ҳам йўқ нарса.

Физ = пиз — нарса, -дегани. Математика — нарсаларни ҳисоблаш билан шуғулланади. Математик олимнинг тафаккури осмонга чиқиб, Ердагилар фойдаланаолмайдиган формулалар таклиф қилса, бу унинг буюклиги эмас. Ҳар қандай буюк математик мисол ёки формулани ўша биз биринчи синфда ўрганган «қўшиш- айириш» амалларига соддалаштириб олиб бориб бўлмас экан, демак у математикага даҳлсиз мавзудир.Моддий олам бор эканки унда ҳисоб китобга эҳтиёжни инсон фаҳм қилди. (М: Бурун битта, кўз иккита...)

Бу фикримиз «математик» мантиқнинг онасидир. Фанда абстрактлаб ўрганиш жараёнида, абстрактланган, яъни бир бутун **нарсадан** тадқиқот учун фикран ажратиб олинган **қисм** аслида ўша бутунга тегишли қисм эканини фикрдан, ҳисоб- китобдан қочириб бўлмаслигини унутмаслигимиз керак. Минг таассуфки кейинги 50 йил ичида «абстракционизм» соҳага айланиб, тасвирий санъатдаги «калласини қўлтиқлаб юрган одам тасвири» бу сатира –юмор экани унутилиб, уни ҳақиқий асар ҳисоблашга ўтиб кетдик. Фанда ҳам айнан шунга ўхшаш қарашлар ва фаолиятлар кузатилмоқда. Масалан олий таълим ситемасидаги «Тўпламлар назарияси» бунга мисол. Бу мавзунини бошида ёзиб қўйибдилар: « Ушбу услуб нарсаларни ҳисоблашга хизмат қилмайди»,— деб. Илм олиш учун сарфлаш керак бўлган қимматли умр-вақтни, маблағ ва ақл қувватини талабаларни имтихонда қийнамоқ учун сарфлаш шунчалар зарурми?

Илм-фанда мантиққа тўғри келувчи фикрни ёки фикрдаги **тўғрилиқ** ва **ҳақиқат**ни аниқлаш ишида, «тажриба- тадқиқот ва амалий аҳамиятлилик» услубидан афзалроқ услуб кўрмадик. Ҳар қандай чиройли-мантиқли фикрларни тажриба-тадқиқот ва унга амалий эҳтиёж пуч ёки саракка ажратиб кўяди.

**Математика назариясидаги ёлғонлар.**


**Буюк математикларнинг буюк хатолари**

**Математикани бошланғич синфларда ўқиётганимизда 1, 2, 3.. каби рақамларни ҳеч қандай қўшимча тушунчаларсиз нарса, ҳодисаларнинг миқдорини санаш учун қўлланадиган назария сифатида қабул қилганмиз. Вақти келиб математиканинг юқори босқичи бўлган алгебрага ўтгач рақамлар олдидаги мусбат ва манфий белгиларга алоҳида эътибор берган ҳолда ҳисоб китоб ишларида улардан фойдаланишни ўргандик.**

1. Математикада 0 – ноль белгиси бор. Бу, ҳеч нарса йўқ, дегани. Лекин мактаблар дарсликларидаги математика назариясида манфий ишорали –2, –9, ва умуман манфий ишорали сонлар **0** – нолдан кичик сонлар деб қабул қилинган. Шу тўғрими?

Наҳотки «йўқ нарса»ни катта ёки кичиги бўлса. Буни жиддийроқ амалий мисолларда кўрамиз.

Кузатувларимизда хатто Пифагор жадвалини яхши билмайдиганлар ҳам «йўқ нарса»нинг катта-кичиги бўлмайди, деб тасдиқламоқдалар. Демак манфий ишорали сонлар ҳам ниманидир билдиради. **Физикасиз математика йўқ нарса**, деган қонунга кўра: манфий белгилар билан ифодаланган рақамларга қараймиз.



**қарз пул**

.....

**ҳақ пул**

.....



Математика нарсаларни микдорини жамлаш илми экан, бу илм ичида айрим ҳолларда манфий сонлар билан ишлашга тўғри келади. Мусбат сонлардек манфий сонлар ҳам мавжуд нарсаларнинг саноғи бўлиб, улар ягона. Бир чизикда ётувчи системани ташкил қиладилар. Демак, манфий рақамлар билан ифодаланаётган нарса, ходисалар мавжуддирлар. Ягона симметрик системада ўлчамлари аниқланадиган ва 0 дан бошланиб 0 да тугайдиган физик жараёнларда, нарса, ходисалар иккала томонга ҳам 0–нолдан бошланади. М: 7метр баландлик. Агар баландлик ўлчови бўйича —7 метр десак, у ҳолда 7 метр чуқурликни тушунамиз. Бу ҳолда ҳам манфий сон билан ифодаланаётган **нарса** мавжуддир, асло 0 яъни **йўқдан** кичик эмас. Яна масалан, ҳавонинг ҳарорати  $-23^{\circ}$  ёки ҳаво  $23^{\circ}$  совуқ. Бу ўлчамдаги нарса ҳам мавжуддир, асло **йўқ** нарса эмас.

Демак **манфий ишорали сонлар бераётган маълумотлар мавжуд нарсалар экан ва асло 0 дан кичик эмас экан.**

Шуниндек «манфий сонни манфий сонга кўпайтирилса кўпайтма мусбат ишорали бўлади», дейди математика назарияси, яъни  $-2 \times -2 = 4$ .

Ушбу назарияни топган ва математика назариясига киритган шахс фикри бўйича ҳаракатлансак:

Агар -4 ни -4 га кўпайтирсак  $-4 \times (-4) = (-4) + (-4) + (-4) + (-4) = -16$  Энди -16 ни яна минуслаштирадик, яъни иккинчи (-) нинг талабига кўра -16 ни тескари йўналишга йўналтирсак оқибати 0 бўлаяпти. Бу ерда ҳар бир манфий қадам натижа 16 ни бирма –бир камайиб, натижа 0 да тугаяпти. Иккинчидан, иккинчи минусни алоҳида таъсир кучига эга деб уни талабини бажармоқчи бўлсак, у ҳолда ҳаракат ўнг, мусбат томонга эмас, балки манфий йўналишда, чапга кетиш шарт. У ҳолда манфийлик белгиси ўзгармай қолади, балки натижа яъни иккиланиб кетади.



Ҳаётда эса ҳеч қачон манфий сонни яна манфий сонга кўпайтириш амалиёти учрамайди. Бу физик моҳиятга эга бўлмаган нотўғри тушунча.. Бу тушунча математик каромат бўлади: -2 даража совуқни -2 даража совуққа кўпайтирсак 4 даражали иссиқ бўлади. Ёки мавжуд қарз -5000 сўмни яна -5000 сўм қарзга кўпайтирсак натижа 25.000.000 сўм даромад бўлади. Яшасин математика!-ми

Аслида кўпайтириш нима?. Биз билган Пифагор жадвали, бу бир хил сонларни жамлашни тезлаштириб берувчи жадвал холос. Математиканинг моҳиятига кўра 5000 сўм қарзни ни 5000 тасини жамлашимиз - кўшишимиз шарт. Натижаси эса кўриб турганимиздек ўта қувонарли. Қарз кўпайгани сари даромадга чўкиб боряпмиз. Агар бу ҳисоб ишларимиз ҳарорат ҳақида

бўлса у холда хазилакам ишлар билан ўтин –кўмир ёки газ ёқмасдан ҳам улкан ҳароратга эга бўлдик, деяверинг. Энда ўзингиз айтинг. Бундай математик ёлғонликлар ичида қандай қилиб зиёнсиз яшайпмиз? Жавоби содда экан. Ҳеч ким амалиётда бундай нотўғри математик назариялардан фойдаланмас экан. Бундай ғализ, мантиқсиз, амалий ахамият кўчасига кираолмайдиган назариялар бошқа фанларда ҳам пайдо бўлмоқда !!!.

Хулоса шуки, айрим математикларимиз мантиқдан, яъни тушунарли фикрлаш ва амалиётдан узоқлашгани сабабли унинг тафаккурида мавҳумлик томонга оғиш ҳолатлари юз бермоқда. Яъни математикларни физикадан узоқлашганлари оқибатидир. Математикада изланиш давом этаверади ва янги услублар, биров кўл урмаган физик жараёнларни математик моделлаштиришга эришилаверади. Бу ишда яратилган услуб математик янгилик эмас., балки физик жараённи рақамлар орқали тасвир — моделга келтириш ва керакли хисоб –китобни амалга оширишди.р, янгиликдир.. Албатта бундай ишлар алоҳида тахсин ва эътирофга лойиқдир, лекин математик янгилик, деб бўлмайди.

Яъна бир муҳим, бизни қийнаб келаётган мавзу бу мактаблардаги математика ўқитиш услубидир. Халқ хўжалиги ва амалиётда асосан математикнинг 4 амалдан фойдаланилади. Математикани ўзлаштириш жараёни эса бир гуруҳ ўқувчиларни 30 нафар деб қабул қилсак аълочи 10 фоиз, яхши ўқувчи яна 10 фоиз (бу рақамлар гоҳида ўзгариб, 5-10 фоизга кўпайиб қолиши мумкин) қолганлари ўрта баҳога ўқувчилар бўлгани,ни, аниқроқ айтсак мураккаб математик мавзуларни ўзлаштирувчилар оз сонли бўлгани учун мактабларда 4 амал машқларига камида 50-60 фоиз математика ўқитиш соатларини ажратсак бу мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳаёт кўрсатмоқда. Инсон онгини ишлашини тезлаштирмоқ учун бундай тарбия айна муддао бўлар эди.

## Лингвистика — тил тарихи ва мантик

Француз Жан Жак Руссо(1725-1778 йиллар) – тил ибтидоий, табиий кичкириқлардан тафаккур ва тил даражасига ўсиб етди, –деган фикрни илгари сурди. Унинг замондоши Шарл де Брюс (1709-1778 й.) ҳам– тил оддий кичкириқлардан ривожланиш жараёнида лексик тил бойлиги даражасига етди, бунда сўзлар маъноси конкрет моддийликдан алоҳида ва тасаввурларни ифодалашга етган,— дейди.

Жеймс Мамбеда (1714-1799 й.) эса тил тарихини табиий кичкириқлардан эстетик кўринишларга ўсиб борган деб ҳисоблайди. Италиялик Жамбатисто Вико 1725-йилда объектив қонуниятлар бўйича жамият ва тил тараққий этиб бориши муаммосини илгари сурди.

Йоган Гердер (1744-1803 й.) эса тилни пайдо бўлиши ва ривожланиши ни тафаккурни пайдо бўлиши ва ривожланишига қатъий боғлайди, лекин ушбу жараёни индивидуал ижодий фаолиятлар махсули сифатида кўради. Ҳуллас, фан тарихида инсон тили-нутқини моҳиятини тушунишга қилган уринишлари ана шундай, илмий асосланмаган моҳиятсиз тахмин- фикрларга бой бўлди ва бу ғоялар ҳозиргача тилга ўқитиш академик олий таълим институтлари дарсликларида асосдир.

Инсон нутқининг асоси бўлган СЎЗни ўрганувчи фан номи – **лингвистика** – лотинча сўз бўлиб, у сўз ўз навбатида арабча: –лағ – сўз, гап –дан келиб чикқани шундоққина кўриниб турибди. Ҳар нима бўлганда ҳам, илм-фанда юзаки фикрларга эмас, фақат тажриба –тадқиқотга суянувчи, фидойи олим, академик И. Павловнинг – **«Инсонда нутқ ва тафаккур тенг ва бир вақтда пайдо бўлган»**,– деб айтган қонун фикрини яна барибир лингвистика билан шуғулланувчилар ичида тушунувчилар топилмади. Сабаб содда ва оддий: лингвистика тарихи инсон тарихи билан ягона. Шуғулланувчилар эса нисбатан яқин ўтмишдан бирор бир кимсанинг бу ҳақда ёзма манбасини излайдилар. Илм-фан оталари Платон ва Аристотелларнинг – **«умумий тушунчалар буюмлар моҳиятини ифодалайди»**,– **«Якка тушунчалар биринчи моҳият бўлиб, мазмунан бойдир»**,– деганлари, шунингдек уларнинг издошлари номиналистларнинг «нарсаларнинг номи моҳиятдир» деган фикрларини тушунишнинг ўзи ушбу соҳа муаммоларининг ечим формулаларидир. Лекин бу фикрларни тушунмоқ учун мустақил ва мукамал фикрлашни ўрганиш муҳимдир. Мустақил ва мукамал фикрламоқ учун аниқ фанлар ва уларнинг амалиётида машқ қилмоқ муҳимдир.

Таврот. Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби Ибтидо. (Инжил.ўзбек тилидаги нашр. 1993й.Стокгольм Швеция.).

### **11-боб. Бобил минораси ва тилларнинг чатишуви.**

— «Бутун жахоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди. Одамлар Шарқ томон кўчиб кетаётган эдилар. (Тарихий Европа адабиётларда Вавилон, ҳозирги Ироқ давлатида жойлашган.) Китобдаги ривоятда ёзилишига кўра одамлар бир текисликда тўпланиб « Келинглари, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етади-



ган баланд минора куриб оламиз,» -деб мақсад қилганлар.... Эрталаб уйғонган шаҳарликлар бир-бирларини тушунаолмай қолганлар. Чунки Худованд бу шаҳар одамларини тилларини аралаштириб, сўнгра бутун Ер юзи бўйлаб тарқатиб юборди». Китоб баёнига кўра бу ходиса бамисоли бир кунда амалга ошган ходисадек тушунилади. Лекин,

Ушбу муқаддас китобдаги ХХI-аср кишисига эртақдек туюлувчи ривоятда биз учун бир илмий асос бор. У ҳам бўлса, «бу воқеадан сўнг шаҳар-ни номи Бобил– бўлиб қолди», - хабари ва шаҳарни ҳозир ҳам мавжудлигидир. Тарихий адабиётларда Вавилон аталган, ҳозирги Ироқ давлатида жойлашган шаҳар.) Қадим юнон ва ибрий тилларда ёзма қолган бу китобда шаҳарни номи — **Бобил** - сўзи бизга ўзбек тилидаги «боббиллама», «боббиллайверма», «ҳадеб бобиллайверасанми» «у нима деб боббиллаяпти» каби сўз –ибораларни эсимизга солади. Хусусан 60-йилларда Андижон диалектида муайян истемолда бўлган бу иборалар ҳозирга кунда истемолда йўқ – даражада. Бу таъна, дашном сўз-иборани эса «бирор-бир киши кўп гапирётган, лекин унинг «нима деяётганини» тушуниб бўлмаган ҳоллар»да қўлланиши маълум. Ўзбек тили изоҳли луғатида

**Боббилламоқ** – овози борича бақириб гапирмоқ, овози борича уришиб бермоқ. Баланд овозда, эшитувчиларга тушунарсиз шаклда бақириб гапирмоқ. Бундай гапирувчига нисбатан «боббиллайверма» тарзида танбеҳ сўз айтишади.

«Боб-боб», «баб-баб», тили энди чиқаётган гўдақлар табиий товушидан ясалган таклидий сўзدير. Ушбу мушоҳадамиз шаҳарни номини келиб чиқишига мантиқан мос тушаяпти. Ушбу фикрларга яна бир мантикий асос. Рус тилида **«бобыл» — ерсиз**, маъносига эга экан, яъни «ўз ватанидан чиқиб кетган одам ерсиз қолади»-да. Ўтмишда инсонларнинг бойлик манбаи энг аввало ер майдони бўлган. Назаримизда, ўз даврида аждодларнинг энг катта шаҳари Бобилда биринчи марта, Яратувчининг иродаси билан, «янги тилларнинг пайдо бўлиш мўжизавий жараёни» кечинган. Яна бир мушоҳада. Қадим китобда — «Шаҳар Бобил яъни *Аралашув* бўлиб қолди, чунки ўша ерда Худованд бутун жаҳоннинг тилини аралаштириб, одамларни ер юзи бўйлаб тарқатиб юборган эди.» Ушбу ёзувлардаги «шаҳар Бобил яъни Аралашув бўлиб қолди» матнини тафаккуримиз қабул қилмай қолди. Чунки Бобилда, бир кечада Илоҳнинг иродаси билан **«бир тил бўлган халқ кўп тилли халққа айланибди»**. Бу ходисани - **аралашув** - атаб бўлмайди. Ҳаётда **фақат мавжуд нарсаларгина аралашиси мумкин**. Бу ходисани аслида **аралашув эмас балки бўлиниш, ажралиш**, янги тилларни пайдо бўлиши, **«бир тилли халқни кўп тилли халқларга ажралиши»** аталса ходиса мантиқан тўғри таърифланган бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга **Боб** — сўзи ўзбек тилидаги айрим маълумотларда — **дарвоза** маъносини англатиши ёзилган. Хусусан Наманган вилоятидаги Поп қишлоғининг номи этимологияси Боб— дарвоза, водий дарвозаси — маъносини англатишидан хабаримиз бор. Бу мутлақо тўғри фикр бўлиб иккиламчи маънодир. Чунки инсониятнинг биринчи қурган шаҳари Бобил, биринчи шаҳар қўрғони ҳам шу шаҳарда қурилган. Ва албатта биринчи дарвозаси бор

макон ҳам фақат шу. Ушбу ҳолатдан кейинги сўзларга асос сифатида фойдаланилгани кўриниб турибди. Бундан ташқари Рус тили луғатида Бобыл— ерсиз сўзи ҳам мавжуд экан, Яъни Бобилдан бош олиб кетганлар бошқа юртга борганда албатта аввало «ерсиз» бўлади ва аталадида. Фикримизга — «**11-боб. Бобил минораси ва тиллар-нинг чатишуви**» -деб ёзилган сарлавҳа ҳам асос бўлмоқда. Қадимда китобни қоғозга туширган, шунингдек уни юнон тилига ёки ўзбек тилига ўгирган Зотлар ҳодисани эмас, ўз замонаси юксаклигидан ўтмишга қараб, замонамиздаги **ҳосилани** ёзиб кўйган бўлсалар не ажаб.

Фалсафа фанида «сабаб ва оқибат» қондаси бор. Биз мантиқ мавзусини таҳлил қилишни бошлаганда **мантиқ**ни «оқибат» атагандик ва уни сабабини, яъни мантиқ тушунчасини илм- фан майдонига кириб келиши сабабини аниқлашни мақсад қилган эдик. Юқоридаги таҳлил ва хулосаларимиз асосида фалсафий хулоса ясашга ҳаракат қиламиз:

Яратувчи – Ҳолик оламда «Инс»ни яратди. У пайтда рухий оламда «инс» –дан бошқа, ҳозир ҳам бор бўлган *нарсалар* мавжуд эди. Яратувчи «инс»дан – «анга, инга, -Ан га =Аллоҳ га =Ан–Илоҳга ҳамдлар бўлсин),»– дейувчи, дейдиган моддий махлуқ–инсонни яратишни мақсад қилди. «Ва унга «нарсалар исмини ўргатди». Ушбу фикрларимиз Куръон. Бақара сураси, 31– оятидаги «Мен Одамни яратдим ва унга нарсалар исмини ўргатдим, оятларига мантиқан боғланувчи фикрлардир.

Албатта Яратувчи ўзи ўргатган «*нарсалар исми*»га,– Сўзларга, биз **мантиқ** деб атайдиган – рухий қувват берди, ёки *нарсалар исми* бўлган **мантиқ**ли сўзларни ўргатди. Яъни бир инсоннинг оғзидан чиқиб иккинчи инсон қулоғи, онгига етгач,– **тиқ**, этиб иккинчи онгни кўзготиб, фикрлатиб, эшитилган товуш-сўзни маъносига етиш жараёнини амалга оширади. Агар Сўзда **мантиқ** – яъни сўзнинг рухий қуввати бўлмаса сўзлар ўлик- аморф бўлиб қолар эди. Сўз мулкида ижод қилувчилар Сўзнинг ҳаётбахш, илхомбахш, инсонларга рухий қувват ва мадад берувчи, ва ҳатто сеҳрловчи ва яна кўпгина бошқа ижобий ҳамда салбий хусусиятлари ҳақида бекордан-бекор гапирмас эдилар. Биз бу ерда тилга олган Сўзнинг рухий қувватга эгаллик хусусиятлари ўзи бир катта илмий тадқиқотга мавзу бўлади деб хисоблаймиз. Сўз мантиқининг метафизик хусусияти қисқача шулардан иборат.

Ер юзида ҳозир ҳам шундай қабилалар мавжудки, уларнинг тилида **сон** билан **отни** фарқига бораолмайсан: ҳали «икки» сони, «икки бармоқ» мажмуасидан алоҳида ажралмаган. Лекин улар ҳам Одамато авлодидир.

Янги тил-сўзлар бошланғич илоҳий сўзлар —Одамато луғати сўзларидан турлантириб ясалган. Турлантириш биринчи навбатда сўзлардаги ҳарф товушларни, хусусан навбатда унлиларни турлантиришдан (М: **а** ни **и**-га ёки **э**-га. ман→ мен —мин; сан→сен—син, тарвуз→арбуз каби, шунингдек ундош ҳарфларни юмшоқ ва каттиқ талаффузлари асосида.)

Ўзбек тилида 92 диалект бор. Ҳар бир диалект эгаларини ўз вилоятида, туманида, қишлоғида ўйланиб ўтирмасдан тушунадилар. Бошқа диалектни ва

турган гап бошқа тилни фақат ўйлашиб, фикрлабгина тушунилади. Бир шевада сўзлашувчилар ўз шеваларини тушунишга мияни ортиқча ишлатиб ўтирмайдилар. Россиянинг Сибир ўлкаларида бўлиб келган айрим ҳамюртларимиз ўша жойли, рус бўлмаган аҳолиси ўз тилларида гаплашганда уларни тушунганларини айтиб келишади. Тарихий маълумотлардан хабарсиз бўлганлар бу ҳолатга таажжубланадилар. Билмайдиларки, қадимда Турк аталган халқ ҳозирда 92 миллатга ажралиб бутун ер юзига тарқалиб кетган. Турган гапки уларнинг тиллари ҳам бир бирлариникидан турли даражада узоқлашган. Айрим туркий халқнинг ҳарф –товушларни талаффузи шу даражада узоқлашганки, оқибатда мутлақо бир ёзув ва маънодаги сўзни жаранглаши бир бирларидан жуда узоқлашиб, ўзаро тушуниб бўлмайдиган ҳолга келган. Масалан ўзбек, мўғул ва венгер у ёқда турсин қирғиз ва қозоқни ёки туркман, уйғурни тилларини тўғридан- тўғри тушунавермаймиз. Албатта тушунишни хоҳловчи пешонасини бир оз бўлсада тириштириши керак бўлади. Биз ҳозир туркий халқ тиллари устида мушоҳада юритдик. Энди Ушбу мулоҳазаларни араб ва яхудий миллатлари тилларига ёки славян диалектларига қаратсак, сўнгра араб, яхудий тилларидан юнон-грек ва лотин тилига ўтсак, миллатлар тилларидаги ва энг аввало ҳарф товушлар талаффузи, сўнгра мутлақо ёзувда бир хил сўзлар талаффузларидаги тафовутларни фарқлаб, аниқлаб борамиз. Бу тафовутларга эътибор бермасак, асталик билан бир -бирларидан анчайин фарқли тиллар назаримизда яқинлашиб боради.

## Тил тарихи ва асосий сўзлар

Энг аввало тилнинг келиб чиқиши ҳақида. Бу ҳақда донишмандлар китобларида, хусусан Европаликлар, рус тилидаги адабиётларида— тиллар еврей(яхудий) тилидан келиб чиққан— дейдилар. Осиёликларнинг китобларида, хусусан исломий адабиётларда эса— тиллар араб тилидан келиб чиққан, дейишган. Тилшуносларнинг илмий адабиётларида эса бу мавзу ҳайвонот оламига боғланган. Лекин юқоридани фикрларни асословчи маълумотларни учратмадик. Ҳақиқат қаерда? Ҳақиқат эса бу миллатларнинг тарихидан ҳам узоқроқда экан.

Аввало, нима учун тил араб ва яҳудий халқлари номларига боғланади, деган савол пайдо бўлиши турган гап. Бунинг сабаби ва жавоби шуки, Ердаги биринчи Инсон, Одам алайҳиссалом ва момо Ҳаво Арабистон ярим ороли заминида яратилган. Ер юзиде яшаётган барча инсонларнинг, миллати ва иркидан қатъий назар, йигирма биринчи асрда яшаётган бўлсада тараққиётда тош асри даражасидагиларнинг ҳам, ҳар бир туғилаётган боласи она корнидан чиқиб «**инга**»(**инға**) деяётган бўлса, уларнинг ҳаммалари Одам алайҳиссалом ва момо Ҳавонинг авлодларидир. Чунки Табиат фақат улар ва уларнинг авлодларига ушбу **сифат**ни берган. (Ҳар қандай жонзодга берилган сифатлар чала кузатувларда эволюцион жараёнларда ҳосил бўлганга ўхшасада бу сифат Табиатнинг яратувчанлиги ҳосиласидир. Буни англамоқ учун тадқиқотчи кузатувларини чуқурлаштириши ва нарса, ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик муносабатларини янада изчилроқ ўрганиши муҳимдир. Мана шу изчил кузатишлар, кузатувчини охир оқибатда — бу Табиат — Яратувчининг махсули, деган хулосага олиб боради. Табиат эса инсон илмидан ташқаридир.)

Тарихий ривоятлардан маълумки инсонлар аждоди Одам алайҳиссалом ва Ҳаво момомиз Арабистон заминида илоҳий мўжиза билан яратилганлар ва унда яшаб авлод тарқатганлар. (Бу ҳодисани илм билан аниқлаб, тасдиқлаб бўлмайди. **Чунки мўжизалар инсон илмининг имкониятидан ташқари ишдир**). Қуръоннинг Бақара сурасининг 31-оятда «ва Аллама Адама ал асмаа куллаха ...» яъни «Одамга исмларнинг ҳаммасини ўргатдик.» (Тўрт улус тарихи. Мирзо Улуғбек. Тошкент. Чўлпон нашр. 1994й.)

Шунингдек ушбу китобнинг 35-бетиде Пайғамбарлар ҳақида маълумотлар берилиб шундай ёзилган: Ҳазрати Одам алайҳиссалом **сифрида** (китобида) ҳарфлар (битилгандир). Демак Одам алайҳиссаломга, Биринчи инсон ва биринчи пайғамбарга нарсаларнинг исми ва ҳарфлар китоби берилган. Бу китобда Оллоҳнинг исми «Ан» аталган, бу исм олдида ундош ҳарфларни қўйиш билан Одам ато ва момо Ҳаво жисми қисмлари номи қўйилган: 1. Ан(Оллоҳ); 2. Ан(Оллоҳнинг яралмиши—Инсон); ман(бурун); сан(кўз); шан(бош); фан(мия)... каби одам анатомияси қисмларининг Биринчи номлари пайдо бўлади. Бу луғат-сўзлар барча халқлар, миллатлар нутқи — луғати ўшак-асосида турибди!!!

Энг аввало «инсон» сўзининг (арабча «инсан») келиб чиқишини аниқламоқ учун ушбу сўзни таркибий таҳлилдан ўтказамиз.

Инсан = инс + ан

инс = ин + с(ан). ин = ан – илоҳ.  
с(ан) – кўз, кўрмоқ, (дунёни кўрувчи).

**Инс**– илоҳий мавжудот– рухий оламдаги инсон руҳи, моддийлиги йўқ, физик оламга ҳали келмаган ёки ҳаётдан кетган инсонга тегишли, моддий оламни чекли кўриш хусухусусиятига эга рухий мавжудот.

**ан**– ҳар бир одам боласи онадан туғилибоқ «**ин**-га, **ан**-га» деб чиқарадиган товуш, ҳар бир инсоннинг туғилиш ондаги нидоси – Оллоҳнингбиринчи исми.  
ан + га – Оллоҳга раҳмат ва шукронам бўлсин ! –маъносини бермоқда.

Изоҳ: ин, ен, ун, он, ўн сўзлари **ан**-нинг синоними-маънодошларидир.

Шундай қилиб,

**Инсан** – «ан» –деювчи инс(руҳ), – маъносини бермоқда.

Маълумки Арабистон заминида яшовчи бу икки, араб ва яҳудий халқи Иброҳим алайҳиссаломнинг авлодларидир. Хотини Хожардан туғилган Исмоил а.с. ва Сорадан туғилган Исҳоқ а.с. лардан тарқалгандирлар. Демак, қадимда уларнинг тиллари ҳам бир бўлган. Даврлар ўтиб, улар кўпая бориб, икки халқ сифатида шаклланганлар. Албатта ўтган тарихий жараёнларда улар алоҳида яшаб, табиий ва ижтимоий жараёнлар таъсирида улар ота тилини бойитганлар. Бу бойитиш «Яратувчи– Табиат» кимга қандай фалсафий-мантикий асос берганига монанд кетган. Шу ўринда ўқувчиларимизга ҳозирги даврда ўзбек адабий ва оғзаки тилида, шунингдек рус тилида қўлланилиб келинаётган араб ва яҳудий халқлари номларининг асл маъно ва моҳиятлари ҳақида мукамал маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Араб сўзи аслида «анроб» бўлиб, бу ерда анроб = ан + роб

Ан – Илоҳ, –дегани бўлса,

Роб – эга,кул эгаси – маъноларини бериб

Араб ← Анроб – «Ан»ни роббим дейовчи кул – маъносини беради.

Яна «Оллоҳ эгамдир», деган маънода, шунингдек «Оллоҳнинг кули» маъносига ҳам эга. Бу ердаги Илоҳ, Оллоҳ сўзларини мағзини чақамиз.

Илоҳ= ил + оҳ. Бу ерда «ил» сўзи «ол» сўзининг синонимии бўлиб,

бу сўзлар ҳам «олмоқ» ҳам «бермоқ» маъноларига эга.

Бундай маъно Илоҳга нисбатан айтилганда «бермоқ»,

инсонга нисбатан эса «олмоқ» маъноларига эга

эга. Арабча ва ўзбекча бир хил «илм» сўзи ҳамда

«олим»(алм) сўзларидаги маънодош-яқинлик

бу фикримизга далилдир.

Яъни, **илм** – онг, ақл билан табиатни, ҳаётни кузатиб унинг айрим нарса, ҳодисаларини ўзгариш қонуниятларини

билиб олиш, ўрганиш– амалда такрорлаш мумкин бўлган иш демакдир. **Олим** сўзи эса ушбу амалиёт мутахасиси га нисбатан айтилган ном-сўздир.

«Оҳ» сўзи эса инсоннинг оху- фиғонидир, Яратувчига арз- шикоятидир, тилаги- илтижосидир. Инсон боласи Оллоҳни ўз қалбига «дард» тушгандагина англай бошлайди. Жонини койит-май ҳаёт кечираётган, уй-жойи, ош-нони тайин одамларнинг бир қисми ҳаттоки яқинларини ҳам ҳам кадрламайди. Маълумки ҳар қандай, динсиз- худосиз ҳам бошига мушкул иш, оғир дард тушганда ёки жар қирғоғига осилиб қолганда «оҳ» тортади, «дод» дейди, **Худога** илтижо қила бошлайди. Шундай қилиб

**Илоҳ**– сўзининг маъноси– «**оҳингни, илтижоингни** эшитувчи ва тилагингни бергувчи» – маъносини бермоқда.

Маълумки араб тилида ном сўзлар олдида «Ал» қўшимчаси қўшилади. («Аллоҳ яратган» маъносини беради.)

ва бу қўшимча «Ан» сўздан келиб чиққан, бир маънода эканини этиборга олсак,

Аллоҳ = Ал + Илоҳ = Ан + Илоҳ

Яъни Инсон дунёга келибоқ қичқириқла айтган, «Инга, Анга»-товушида жаранглаган сўз– «ин = ан»– Илоҳдир.

Шундай қилиб **Аллоҳ** = Ан илоҳдир –

**Аллоҳ** – **оҳинни эшитувчи Ан, тилагимни берувчи Ан,** – маъносини бермоқда.

Арабистон ярим оролида Фаластин давлати бор, у Исроил давлати билан қўшни. Ушбу номнинг маъносини ўзбек тилида тасвирласак– **Фаллоҳистон** бўлади. Шунингдек қадимда араблар деҳқонларни «фаллоҳ» деб атаганлар. Бу сўзнинг маъноси шундай.

**Фаллаҳ** = фааллаҳ = фа + аллаҳ

Фа – Оллоҳнинг исми бўлиб, – илм эгаси, фикр эгаси, ақл эгаси, фикр берувчи, ақл берувчи– каби маъноларга эга. Ушбу ном «Одамато луғати»даги «фан – мия» сўзи асосидадир.

Бундан ташқари улуғ авлиёлардан қолган Оллоҳга қасидада: —Фа— Фа лиллиҳил ҳамд Роббус самавати, Роббул арзи, Роббул аламин, -дейди. Шундай тушунчаларга кўра

**Фаллоҳ** – Улуғ(буюк) тафаккур эгаси Оллоҳ– деювчи;

Илм эгаси Оллоҳ– деювчи;

ақл эгаси Оллоҳ– деювчи ;

ақл ва илм берувчи Оллоҳ– маъноларини

бермоқда.

Шундай қилиб **фаллоҳ**– «Буюк тафаккур эгаси Оллоҳ!- деювчи, илтижохитоб қилувчи ҳалқнинг номи экан.

Яхудий миллатининг номи ҳақида. «Яхудий» сўзи аслида «Йа худаа!» хитобидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилига ўгирсак «Ё худо!» –

шаклига келиб, маъноси – Ё худо!- деювчи халқ,– маъносини беради. Худо сўзини таркибий таҳлили эса қуйидагича:

**Худо** = ху + до

Бу ерда «ху» инсоннинг табиий товуши бўлиб «Яратганга чақириқ, хитоб шунингдек чақириққа жавоб овоздир. Авлиёлар китобларида «Ху» – Оллоҳнинг исмларидан биридир. «До» эса инсоннинг табиий товуши «дод»дир. Шундай қилиб **Худо** – додингга «Ху» деювчи, додингги(фиғон– арзингни) эшитувчи, тилагингни берувчи– маъносини

бермоқда.

Шунингдек ўзбекларда–«жухуд», русларда– «жид» шаклидаги сўзлар ҳам «яхуд» сўзининг бузилган шаклидир. Шу билан бирга бу миллат руслар томонидан «еврей», қадимий тили эса – «иврит», ўзбекчада «ибрий», «иброний» ҳам аталади. Уларнинг маъносини бира тўла таҳлил қилиб ўзбекчалаштирсак– «иброҳимий», яъни Иброҳим а.с. миллати, авлоди,– маъносини беради. Турли даврларда ёзилган адабиётларда Иброҳим исми турлича– Ибром, Обром, Абраха, Абрахам, Авраам, Абрам ва яна бошқа шаклларда талаффузлари ҳам учрайди. Яхудийлар давлатини «Исроил давлати» деб аталишининг сабаби ҳам юқорида айтганимиздек, яхудийлар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг Сора исмли хотинидан авлод бўлган, иккинчи исми **Исроил** бўлган **Ёқуб** а.с.нинг авлодимиз – деб, аташидан келиб чиққан.

Яна илмий адабиётларда диншунослик фанини «теология» атайдилар. Ушбу сўз юнонча «Тео»– худо сўзидан олинган. «Тео» сўзи эса арабча «таоло» сўзидан олинган. Ушбу сўз ислом оламида «Оллоҳ таоло» деган ибора шаклида истемолда мавжуд ва машҳурдир. «Таоло» сўзи Оллоҳнинг сифатларидан бирини ифодалаб та + ол – «нарсаларни ол деювчи»– «Берувчи» маъносини бермоқда. Шундай қилиб арабча «Таоло» сўзи юнон донишманди орқали юнон халқи орасига тарқалиш жараёнида «Тео» шаклига келган.

Яна рус тилида «дин»ни «религия» деб атайдилар. Ушбу сўз арабча «илоҳим» сўзидан олинган. Яхудий диний адабиётларини ўрганган Европаликлар, хусусан руслар ундаги «элоҳим» сўзини «элегиум» шаклида қабул қилганлар ва бу шаклдаги сўздан «элегиум→ элегия→ религия» шаклига келганини эътироф этганлар.

Мантиқий мушоҳадаларимизда бугунги юнон, лотин ва бу тиллар асосидаги миллий тиллар, шунингдек форсий, туркий ва Африка халқлари тилларида ҳозирда истемолда мавжуд арабий сўзлар, ўзак-асослар кўп учраганлиги ва арабий халқлар нуфуси кўп марта ортиқлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам араб тили жаҳон тилларидан бири сифатида эътироф этилгани ҳолатларини эътиборга олсак, – тиллар араб тилидан келиб чиққан,– деган атама мақбулдир. Умуман айтганда «иброҳимий» атамаси араб ва яхудий халқларини тарихан бирлаштирувчи сўздир. Хитой ва бу тилга ёндош Шарқий-Жанубий Осиёлилар эса тарихан Бобилда арабий тил–асос шаклланишидан тарихан анча илгарироқ давригача ажраб чиққандир. Чунки хитой ва унга ёндош тилларнинг бевосита «Одамато луғати» -га

ўхшаш лилиги, яъни бир бўғим уч ҳарфдан иборат сўзлар шуни кўрсатмоқда.

Худонинг номини рус тилидаги «Бог» атамаси, араб тилидаги Оллоҳнинг исмларидан бири бўлган «бокий» сўзидан келиб чиққан, инглиз тилида «God»—Год деб аталиши бу халқларнинг ўзларига мақбул товушда, ўта аниқроғи эса ўзларига берилган табиий товуш билан Яратувчига илтижосидир, эҳтимол «дод» – табиий товуши асосида келиб чиққандир. Айрим китобхонларимиз таажжубланиши мумкин, нима учун дод, деб. Жавоби содда. Инсон бошига ўзи ҳал қила олмайдиган мушқил иш тушганда унинг эсига ҳамма нарсанинг ижодкори ва мададкори Оллоҳ тушади.

Биринчи инсон→ инстинктлари билан товуш чиқаради, эмади, мева ейди. Агар унга онг– тафаккур берилмаганда эди, у ҳар қандай тарбияга қара-масдан хайвон бўлиб қолар эди. Бу фикрга исбот кейинги 19-20 асрлар даврида топилган бир неча мауглилар, яъни чақалоқлигида хайвонлар орасига тушиб қолган ва уларни орасида ўсган болалар мисол бўлади. Улар хайвон тарбиясини олиб хайвонсифат бўлгани эътироф этилган. Инсон Рухи билим олиш, тарбияланиш хусусиятига эга.

Агар ҳар бир жонзодга, хайвонга ўзига хос инстинктив сифатлар Табиат томонидан **берилмаганида** улар ҳар хил бўлмас эдилар. Айтайлик, бир хил табиий шароитли Африка саваннасида турли жонзод хайвонлар пайдо қила олмас эди. Шу тахлитда фикрлаш табиат нарсаларининг илоҳий-мўжизавий ва революцион яратилишидан бошқа ҳақ қандай ўз-ўзидан бўлувчи эволюция йўқлигини, ўзгаришларнинг Илоҳийлиги фикрига беихтиёр бўйсундиради. Шундай экан инсонга берилган Тафаккур, бу тафаккурга асос-хамиртуруш-билим сифатида «Одамато луғати» ва табиий товушлар, бу луғат ва товушлар билан нарса ҳодисаларга НОМ-ИСМ бериш, Бу НОМ-ИСМ лар мантиқларини инсонни тафаккурлатиши, инсонни биологик дунёда ҳукмронга айлантирди.

Жаҳон олимлари ва сиёсатчилари йиғилишиб ишлаб чиққан ва қабул қилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 1- моддасида ҳам «Ҳар бир одам ақл ва виждон билан туғилган» деган умумжаҳон иқрори сатрида «виждон» сўзи инсонда туғма ҳолда, вужудида «ан» – Илоҳ мавжудлиги ёзиб қўйилган.

### **Исло**м сўзининг асл маъноси.

Охирги диннинг номи бўлган «**Исло**м» сўз-ном ҳақида турли таърифлар эшитганмиз. Айтишимиз керакки ҳаммалари ҳам қониқарли тушунча бергани йўқ. Шулардан охирги ўқиганимиз – «ислом» сўзи «таслим» сўзидан келиб чиққан»– деган шарх. Грамматикадан хабардор одам бундай шарх билан кели-шаолмайди, чунки асос учун олинган сўз «таслим» аввало «ислом» сўзидан бир ҳарф ортиқ. Иккинчидан «таслим» ўта аниқ кўриниш-шаклда кенг тарқалган «та» масдаридан (феъл сўздан от сўз ясовчи олд қўшимча) ясалгани шундоқ кўриниб турибди. Фикримизнинг энг асосийси «таслим» ҳамда «ислом» сўзлари умумий ўзак «слм» яъни «салом» сўзидан ясалган ва албатта ушбу ўзак олдида «та» ва «и» масдарлар қўйилиб у сўзлар пайдо бўлган, яралган. таслим = та + слим;



ислом = и + слм;            слм = салом.

Ушбу муаммони тўғри ҳал қилмоқ учун энг аввало арабча «салом» сўзининг этимологик маъносини топиш керак. «Салом» сўзининг истемолимиздаги маълум маъно- моҳиятини биламиз. Вазифа, шу маъно моҳиятни келиб чиқишини аниқлашдир. Б у соҳадаги жуда кўп маълум фикрларни ўрганиб улар бизга қониқарли тушунча бераолмагач, Қуръон фикрларига бевосита мурожаат қилдик. Қуръоннинг Йасин сурасининг 58- оятида «Саламун қовлам мирроббир роҳим» – «Қавмларимга саломларим бордир», оятлари бор. Қуръоннинг маъноларини тушуниб бориш асносида, ушбу оятларнинг бутун моҳияти билан том маъноларини тушуниб борамиз. Яъни, Оллоҳ :

Қавмларимга саломларим бордир, демоқда. Оллоҳнинг ўз яралмиши инсонга саломларида нималар бўлиши мумкин? Ушбу сўзни Одамато луғати мантикий маънолари асосида тахлил қилсак:

салом = слм = с + л + м .

сан – кўрмоқ, назар солмоқ.

лом – келмоқ, бормоқ.

ман — бир, Ягона, Илоҳ.

Фикри ожизимизга кўра **салом** сўзи « Оллоҳнинг назари тушгани» маъносини билдирмоқда. Илоҳий насиҳатлардан маълумки « Меҳрибон ва раҳмдил Оллоҳнинг бирор бир инсон ёки қавмга назари тушса ўша қавмнинг бутун вужуди билан мухтож бўлиб турган **нарсасини**(омонлик, соғлик, умр, фарзанд, фаровон ва тўкин ризқли турмуш ва ҳаётнинг бошқа, табиат билан боғлиқ муаммолари ва шу кабилар) Буларни «салом» сўзининг маъно- моҳияти деб тушундик ва албатта қабул қилдик. Чунки, турган гапки «салом берувчи» «салом қабул қилувчи»га албатта ўзининг энг яхши тилак-ниятларини амалга ошувини, орзулари ушалишини тилайди, яъни «салом» сўзи остида шунчаки «куруқ мулозамат» бўлиши АҚЛга тўғри келмайди. .

Шундай қилиб Ислом сўзи «салом» ўзак сўз асосида ясалган бўлиб унинг маъноси С – сан– кўз, кўрмоқ, назар...

Л – лан – оёқ. бормоқ, келмоқ...

М – ман, бурун, бир, ягона. Яратувчи...

Яратувчининг назари тушди(борди) – Донишмандлар фикрича ҳар қандай яхши ниятда бошланаётган ишларга, тўлиқ иймон билан қилинган тилак-ниятларга – Яратувчининг назари тушган ҳолдагина амалга ошади.

Сизга Оллоҳнинг саломлари бўлсин – Сизнинг барча яхши ният-тилакларингизга Оллоҳнинг назари тушсин ва мадад берсин. (тилак)

**Ислом** = и + с(а)лом    И(н) = Ан – Илоҳ; – **Оллоҳнинг саломи** ←  
Инсонларнинг бир-бирларига —

— **Оллоҳнинг назарига сазовор бўлишни тиловчилар жамоаси** – деб тушунсак Оллоҳнинг инсоният учун берган охирги динининг бошқа кўп мавзулар асосида англанилган маъно -моҳиятига мос тушади.

Ушбу мантиқшунослигимизни давом эттириб иймон, виждон, инсоф, эхсон, эшон, дийонат, сув, хаво, кун, тун, каби сўзларни этимологик тахлил қиламиз.

**иймон** =ий + м + ан;

ий← ийэ — табиий товуш. Араб луғатида инсоннинг Оллоҳ билан муқаррар юзлашуви — маъносини билдиради ва иймон сўзининг ўзаги ҳисобланади. м = ман — ягона Илоҳ. ан — Илоҳ.

— Ягона, Оллоҳга бир кун юзма-юз келиш (бор), мана шу кунга ишонч.

**инсоф** = ин + соф; ин = ан — Илоҳ; соф — тоза, ҳеч нарса аралашмаган. Қалбидаги Илоҳ тушунчаси тоза ва унинг буйруқларини ҳар қандай шароитда бажарувчи.

**виждон** = вижд + ан = вуж(у)д + ан; Илоҳ, Оллоҳга вужуддаги ишонч.

**эхсон** = э + хс + ан; арабчада хс ← хуфс = хуфз — ризқ; э ҳамда **ан** — Илоҳ- Оллоҳга ишончи туфайли ўз ризқидан бошқа(лар)га ҳам бериш.

**дийонат** = ди + йо + нат; ди — икки, йо = Йоо — Оллоҳнинг исмларидан бири, нат = ат инсон(лардан бири)

ди — икки — ҳам сўзи, ҳам шу сўзга риоя-ҳаракати демакки — икки қилмиши, яъни Оллоҳга, динга ишонаман деювчининг сўзи ва сўзига амал қилиши.

— «иймонлиман» деган сўзига риоя қиладиган(лардан бири).

**эшон** = эш + он = эш + ан → Ан-Илоҳга эш бўлган, яъни Оллоҳни буюрган ишларини бажарувчи, дин ва иймонда намуна ва тарғиботчи.

**орият** = ор + ий + ят

**ор**— юз, ←ўз юзини баланд, юксак, юқори кўтарувчи, уни ерга урмайдиган...

ий ← ийа(ийэ, ийи) — тақлидий сўз. иймон сўзи ўзаги. ят = ат—(инсон) лар.

Қадим ҳинд ва немисларда бу сўз «арий» шаклида. Қадимда Хиндистонда орийлар аталувчи халқ бўлган. Немислар яъни германияликлар ўзларини ўша халқнинг келиб қолган авлоди ҳисоблайдилар. Хинд достони

«Махабхарат»да ҳикоя қилинган воқеалар қахрамонлари ҳақиқатан ҳам «иймони юксак ва инсоний муносабатларда мукамал» одамлар бўлганини асардаги воқеалардан билиш мумкин. Шунинг билан бирга улар катта рухий хислатли аниқроғи авлиёлар ва авлиёзодалар бўлган. Авлиёлар эса моддий олам ишларига рухий олам кучларини жалб қилиш имкониятларига эга бўлганлар. **Ор** сўзидаги **р** ←ран Одамато луғатидаги **юз-бет**ни билдиргани ҳолда, тилимиздаги **орсиз** сўзи **юзсиз** маъносини беришини айтишимиз мумкин. Шу билан бирга инсон юз-бети тананинг юқори қисмида жойлашганини этиборга олган ҳолда **ор** сўзининг — юқори, баланд, юксак маъноси ҳам ўз мантикий тасдиқини топмоқда.

**орият** — ўз юзи, обрўси, шанини юксак қадрлаш, уни ерга уришни ҳоҳламаслик.

**Орият**нинг замонавий маъноси — қаттиқ уялиш ёки бошқалар олдида хижолат бўлишни вужуди билан ҳоҳламаслик — бу маъно асл маънога мосдир.

Ушбу фикрларни баҳам кўриш билан тил тарихига назар ташладик ва тилларни ривожланиш босқичларини тушуниш сари яна бир қадам босдик, мавзуга ёндошувимиз услубларидан хабардор қилдик.

## Тилшунослик ва мантик

Тилшунослик касби, назаримизда энциклопедик билимларни ўзлаштириш асосида турадиган соҳа. Тилнинг **асоси** мантик экан, Яъни тиллашув – гаплашишдан мақсад фикрни бошқаларга етказиш. Демак, мантик одамларнинг ўзаро алоқа воситаси – тил орқали **нарса, ҳодиса** ҳақида фикрни бошқаларга тушунарли етказишга, демакки тилшунослик фанига хизмат қилади экан. Шундай экан, тилшунослик фани нималарни ўрганиши керак саволига жавоб изладик.

Шу пайтгача луғатлар:

Тилшунослик – тил ҳақидаги фан, лингвистика.

Лингвистика – тил ҳақидаги фандир, деб таъриф бериб келган.

**Лингвистика** сўзининг асоси «линг» бу арабча «лағ – сўз, гап» -дан келиб чиққан ва демак «**сўз, гапшунослик**» маъносини бермоқда.

Ваҳоланки бошқа фанлар таърифига ўхшаб, тилшунослик асосан нима билан шуғулланади?–саволини бермаганлар.

Турли аудиторияларда миллионларга сабоқ бераётган илм ахлининг асосий изланиши, ташвиши ўзидаги мавжуд билимларни, фикрларни талабаларга **тушунарли** қилиб етказишдан иборат эмасми? Шу йўлда барча услубийчи (методист) олимлар изланмаяптими?

Ҳар қандай илмий- амалий конференция, симпозиумларни ўтказишдан мақсад ҳам шу эмасми?

Демакки фаолияти асосан «тиллашув» – сўзлаш– гапиришдан иборат донишмандларнинг асосий вазифа-мақсади ўз тафаккур махсуллари бошқаларга тушунарли қилиб етказишдан иборат эмасми. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб

**Тилшунослик фани – фикр- ни бошқаларга тушунарли қилиб етказиш қонун- қоидаларини, яъни фикрни мантиқли қилиш сирларини ўрганади.**

Фикрни тушунарли етказиш мавзусига чуқурлашсак, тил қонунлардан биринчиси ва асосийси *мантиқли гапириш* қонуни экан.

Фикрни тушунарли етказиш бўйича яна ўзимизга таниш «олма» мисолида фикр юритамиз.

М: Агар «олма» ҳақида гапираётган бўлсак, бу гапларимиз –

олманинг банди, гулпопути, пўстлоғи, мағиз-эти, суви, уруғдон ва уруғлар, уруғларнинг ички таркибий қисмлари қандай тартибда бир-бирларига ёнма- ён ва бириккан бўлса, булар ҳақида хабар-маълумот берувчи фикрлар ҳам шу тартибда номлари айтилиши, баён этилиши керак экан. Баайни арифметика –да 1, 2, 3...тартибда саналгандек. Фақат шундай тартибда фикр баён қилинганда **нарса** таркибига тегишли қисмлар номи – мантиққа тегишли сифатлар ҳақидаги маълумотлар бир-бирларига занжир халқаларидек қатор тизилиб, **фикр занжирини** ташкил қилар экан. Баён қилинаётган фикрлар бу шаклда, бўлса, фикр мантиқли– тушунарли бўлар экан.

Чунки бу шаклда айтилган фикр-маълумотлар **ҳақиқий** ҳолатнинг ўзидан

бевосита олинган дарак-фикрдир. Мантикнинг ушбу сифати нарса, ходисаларни ўрганишда, тадқиқ қилишда, ҳали номаълум сифатларини очишда хизмат қилиб келмоқда. «Тушунча **нарса, ходиса**даги барча томонларни эмас, балки муҳим, умумий томонларни акс эттириб, иккинчи даражали белгиларини четлаб ўтади, ҳисобга олмайди.» – таърифи эса суҳбат мавзусига қараб бўладиган вариант экан холос.

Яъни масалан, олманинг эртапишар навлари ҳақида суҳбат кетаётганда, унинг шифобахш хусусиятлари ҳақидаги фикрлар мавзу учун иккинчи даражалидир.

**Нарса, ходиса ҳақидаги фикр баёнида тасвирланаётган сифатлар нарса, ходисада қандай кетма-кетликда, ёнма-ёнликда ёки бевосита боғлиқликда жойлашган бўлса, худди шундай: занжир ҳалқаларидек кетма-кетликда бўлиши, ёки зинапоядан бирма-бир кўтарилишга ўхшаш, биринчи поғонадан кейинги поғонага кўтарилишдек баён этилиши керак – бу услуб фикрни тушунарли-мантиқли бўлишига олиб келади.**

Назаримизда бу талаб, фикрнинг тушунарли бўлишини таъминловчи қонуннинг ўзидир. Бу талабнинг қонунлик кучи шуки, унга риоя қилиш том маънода тушунарлиликни таъминлайди. Ва аксинча ҳолда, эшитувчи ёки ўқувчи сизнинг фикрингизни тушуна олмайди. Шу пайтгача мантиққа боғланган бу қонуният аслида **тушуниш** ходисасининг талаби бўлиб чиқаяпти. Тушуниш ва тушунча атамалари орасидаги фарқ:

**тушунча** – онгдаги мавжуд маълумот;

**тушуниш** – ходиса бўлиб, бу ходиса юз бермоғи учун аввало онгдаги муайян билим-тушунча бўлиши шарт. Янги ахборот онгдаги мавжуд **тушунча билан таққосланади ва «ахборот ва тушунчани таққослаш жараёни кечинади ва қарор-ҳукм қилинади.**

Мана шу тушуниш ва тушунча сўз ходисаларини инсоният тарихининг биринчисига, Одаматого олиб бораёлик. Агар у бирор нарсани тушуниши керак бўлса демак унинг онгида бирламчи билим-тушунча бўлиши шарт, дедик. Бусиз у на табиатдаги товушларни, ва на Момо Ҳаво уни чақирганини тушунган бўлар эди. Мана шу Одаматого берилган «нарсалар исми» ва тафаккур хусусияти маймун ва бошқа «мияли жонзодлар»га БЕРИЛМАГАНи учун уларни ҳайвон ўргатувчилар қанча ўргатсаларда, уларда «ўзлаштирилган ҳаракатларни сони кўпайиши» содир бўлсада бу ҳолат-хусусият чекли, иккинчидан *ушбу сифатлар уларнинг авлодларига ирсий ўтмайди*, улар орқали ривож топмайди.

Ал Берунийнинг ёзишига кўра тарихда катта из қолдирганлардан бири, Рим императори Юлий Цезарь замондош ҳукмдорларни «аёл фаржидан туғилгансан», демак фарждек паст тоифасан, деб масҳара ва ҳақорат қилар экан. Сабаб у ҳозирда тиббиётчиларимиз русча ибора «Кесарево сечение» атайдиган тиббий услуб, — **она қорнини «кесиби» олиш** — йўли билан туғилган экан. Ушбу тиббий услубни номи ҳозиргача ўзгаргани йўқ.

Ҳайратимиз учун «**кес, кесар**» сўзи қадимда ҳатто лотин тилларида ҳам туркий билан бир экан. Шу билан бирга бутун туркийда, тилимизда ҳозиргача «**кес**» →кесмоқ сўзи бутунча турибди.

Юлий **Цезарь** ёзуви бизга руслар ёзув - тилидан ўтган. «Цезарь» сўзи Рим тилидаги «кесар» сўзини русча бузилган шаклидир. Қолеверса рус тилида Кесар – ҳукмдор, шаклидаги сўз ҳам бор. Миллий адабиётларимизда «Рум қайсари» ибораси билан бу ном ифодаланган, яъни «Рим ҳукмдори» Цезарь эмас, **Кесар** экан. Ҳуллас «она қорнини кесиб олинган бола» — «кесар» охир оқибатда «ҳукмдор» маъносида жаҳонга тарқаган. Тарих билимларига эътибори камроқлардан узр сўраймиз. «Кесарево сечание» орқали туғилиш ўша замонларда фақат буюк ҳукмдорлар хонадони имконияти эди.

Бу мисол билан айрим, «Омонимлар фавқулодда ўхшаш сўзлар» қонунини тафаккурларига муҳраб олган тилшуносларимизга эслатиб қўймоқчимиз холос. Омонимлар, фавқулодда ўхшаш сўзлар эмас, балки ғоя берувчи **Мутлоқ** -нинг иродаси билан шаклланган ва ягона ўзакдан ясалган сўзлар дир.

Тилшуносликда фалсафа, сайёрамиз **Ер** сўзининг барча мантиқий сифатлари билан умумлашган ҳолда илмий кўринади, талқин қилинади, номаълум сифатлари ўрганилади, очилади, инсоният ўз маконидаги ҳаётини енгиллаштириш имкониятларини излайди. Биз мантиқ алифбесидида тушун - дик: нарсалар ва улар иштирокидаги ҳодисалар моддий, улар Инсон тафаккурида СЎЗлар воситасида аксланади. Кейинги йилларда замона донишмандлари иқрор бўла бошладилар: СЎЗ-тафаккурнинг таъсири моддий ўзгаришга олиб келади. Албатта ўзига ҳос қонуният асосида. Бу қонун инсон ихтиёридан ташқаридир.

## Табиий, демакки Илохий

**Табиат** сўзи маъно-моҳиятини мукамал билмай, фалсафа фанидан билимларимиз кемтик эканлигини англадик. Бу фикримизга асосимиз, 1975 йилда Тошкентда чоп этилган «Философик билим асослари» китобининг 3-бетидаги охириги абзацда «**фалсафа фани–табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунларини очиб беради**», дейди. Ушбу таърифдаги «фалсафа – табиат... тараққиётининг энг умумий қонунларини очиб бериши»ни фан-тафаккур тараққиётининг ХХI аср ҳолатига кўра қандай даражада эканини билишимиз муҳимдир. Юқоридаги таърифдан олган тушунчамиз: «табиат тараққиёти»- деган фикрга шубҳа қилган эдик, шу бетнинг 2-абзацидаги «**Марксистик философия кишини қуршаб турган дунёга, унинг тараққиёт қонунларига, уни билиш йўлларига қарашларнинг мукамал системасидир**»,- фикри билан шубҳамизни кучайтириб юборди. Ушбу фалсафий тушунча барча дарсликларимиз ва онгимиз тўлдирилган эди ва ҳозиргача бошқача «илмий асос»га эга эмасмиз.

Биз болалиқдан мактаб сабоқлари ва дарсликларидан «табиат» сўзи ва унинг маъноси ҳақида бир қадар хабардор бўлганмиз. Шундай бўлсада, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-қисм 102 бетига қарадик, Унинг берган маълумотига кўра:

### **табиат–**

- 1. оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун борлик; мавжудот; Табиат ҳодисалари. Жонли табиат, органик дунё, ўсимликлар ва ҳайвонлар;
- 2. теварак атроф, дала. тоғ, адир, дарё, денгиз, ўрмон ва шу кабилар шароити, манзараси.
- 3. Фейл, хулқ атвор; характер.
- 4. Бирор нарсанинг хусусияти, ўзига ҳос белгилари,
- 5. Кайфият, руҳий ҳолат.
- 6. Дид-фаросат.
- 7. Яратувчи., илохий куч, худо,- *ушбу изоҳ оғзаки сўзлашувдаги маъно, эскирган.*

Шу билан биргалиқда аслида арабча бўлган бу сўзнинг арабча луғавий маъносини кўриб кўямиз. Биздаги мавжуд илмий манба «Арабско-русский словарь. Х.К.Баранов. Москва 1970г.» китобига қарасак:

**табиъат** — 1. последствие, результат; 2. ответственность. — 1. оқибат, натижа; 2. масъулият, каби маъноларга ҳам эга бўламиз. Бу икки луғатнинг бераётган маълумотлари бизнинг қарашларимизни албатта кенгайтиради, деб ҳисоблаймиз.

**Табиат** сўзининг қамровидаги маънолар, кўраяпмизки анчагина кенг. Бу маънолар ичида «Оламдаги нарсаларнинг барчаси, мавжудотдан тортиб одамнинг феъл атвори, дид-фаросати. кайфияти, нарсаларнинг хусусияти ва ниҳоят, ўтмишда ушбу сўз остида «Яратувчи., илохий куч, худо» маънолар борлигини кўраяпмиз. Лекин бу охириги изоҳни «эскирган, оғзаки сўзлашувдаги маъно», деб уни «диалектик материализм» эътиборга олмаган. Кўраяпмизки, **Табиат** сўзининг мантиқига тегишли сифатлар бу: Ер сайёраси ва ундаги, шунингдек унга туташ ва қўшни, ўзаро таъсирлашув

билан турган коинот, Галактика, Метагалактикалардаги барча нарсалар экан, яъни

– Ер, Қуёш, Қуёш тизимидаги барча сайёралар...Сомон йўли галактикамик, метагалактикалар: Андромеда...

– Ой, унинг ёруғлик нури, турли фазаларда кўриниши, Ерга таъсир кучи...

– Ер ва унинг атмосфера қатламлари;

– Ернинг тортиш кучи; инерция кучи, ишқаланиш кучи. электромагнит кучлари; атмосфера босими кучи...

– Ер атмосфераси ва унинг таркибини ташкил қилаётган сув, кислород, водород, азот ва бошқа газ-модда ва бирикмалар...

– Ернинг бетидаги барча нарсалар: далалар, ўрмонлар. чўл-сахролар... чукурлик, текислик, тепалик, қир-адрлик, тоғлар, океан, денгиз, дарёлар...

–Ерни қуршаб турган атмосфера, стратосфера, ионосфера...

шабада, шамол, довул, бўрон...

–Микроблар, штаммлар... вабо касаллиги, Сибир язваси....

–вируслар: грип вируси, паранда грипи вируси, ОИТС-СПИД вируси... темирни ҳам емирадиган сульфат кислота еб яшайдиган микроблар...

–металлар, металмаслар, углеводлар... диод, триод, ярим ўтказгичлар...

–молекулалар, атомлар, электрон, нейтрон... фотон, квантлар...

–Одамлар: мен, отам. онам. аёлим, ўғлим, қизим... сиз, отангиз, онангиз, ўғлингиз, қизингиз... у, унинг отаси, унинг онаси... ва яна 6,5 млрд одамларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳолда ўз кўринишлари ва характерлари, қобилиятлари, камчиликлари, нуқсонлари ....

одамнинг ўрганган илм- фанлари: фалсафа, тилшунослик, мантиқшунослик, физика химия, биология, психология, тафаккур психологияси...

одамлардаги ижодкорлик сифатлар: шоирлик, ёзувчилик, рассомлик...

ишқибозлар: каптарбоз, беданабоз, хотинбоз...кимё фанига ишқибоз, физикага ишқибоз... фалсафага ишқибоз...

меҳнатсеварлар, дангасалар, очиқ кўнгилли, кўнгли қора...

фақат айрим одамларгагина тегишли ҳислатлар: пайғамбарлар, авлиёлар, башоратчилар, бармоқ билан ўқувчи, одам ички аъзоларини кўрувчи, келажакни кўра олувчи, фикрни масофага узатувчи, бир оғиз сўз билан айтсак парапсихологик хусусиятлар...

Ҳуллас ушбу қаторни давом эттираверсак ер усти, ости, юқорисидаги ва коинотдаги нарсалардан тортиб, хайвонот олами, паррандалар олами, сув ва денгиз-океан жонзодлари; Ернинг ўзи ва ердаги барча нарсаларнинг атоми-молекуласи ва уларни электрон, нейтрон ва яна ҳоказо қисмлари, Ернинг марказидан тортиб юқори қобиғигача бўлган ҳар бир қатламнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва улардаги кўзга кўринмас ўзаро таъсир кучлари; бугун Ернинг бетида яшаётган 6,5 миллиарддан ортиқ одамларнинг ҳар бири ва уларнинг хусусиятлари, чунки уларнинг мутлоқ бир-бирини такрорловчи нусхаларини илмий тадқиқотчилар топмадилар.

Шу билан бир қаторда деярли барча илм-фанлар табиат қисмларини ёки кучларини ёки ҳодисаларини ўрганадилар. Айтайлик, физика қонунлари: ернинг тоттиш кучи, инерция кучи, оқаётган сувнинг потенциал ва кинетик

энергиялари, қуёш нурининг таркибини ташкил қилувчи камалак ранглари, товушнинг тўлқинсимон тарқалиши, биологияда ўсимликларни ўсиши, тирик организмлар ҳаёти ва ҳоказо ва яна шу кабилар. Бу нарса ва ҳодисаларнинг барчаси **Табиат**нинг қисмлари холос. Ҳеч қайси бири алоҳида ҳолда **Табиат** аталмайди. Инсон илм-фани, техникаси ривожланиб қайси океан, ёки денгизни, қайси тоғни, ёки табатнинг қайси кучини: Ньютон аниқлаган Ернинг тортиш кучиними, инерция кучиними, Архимед аниқлаган суюкликдаги кучиними, ёки Авагадро аниқлаган газлардаги табиий кучни ўзгартирдим, ривожлантирдим ? ? ? **Табиатнинг ҳеч қайси қисми ривожлангани йўқ**, аксинча бўлди. Албатта **Инсон илм-фани, техникаси ривож топди**. Чунки бу ривождан Инсоният манфаатдордир.

Ушбу мулоҳазаларимиз асосида **Табиат** аталувчи нарсани чуқурроқ тушунаолган, англайолган бўлсак, «Ўзбек тили изоҳли луғати»да ёзилган: –  
7.Яратувчи, илоҳий куч, худо,- *оғзаки сўзлашувдаги маъно, эскирган изоҳ.*

аслида эскирмагани, аксинча ушбу маънони тушуниб етишимиз учун эндигина билимларимиз анчайин етарли бўлганини англаймиз.

Бизнинг турли фикрлаш жараёнларимизда қўллайдиган: «табиий кўриниш», «табиий феъл-атвор, характер», «...унинг бу ҳолати табиий», каби иборалардаги

**табиий** – табиат қандай яратган бўлса ўшандай ҳолат-кўриниш, табиатга тегишли, туғма сифат, – каби маънолар бермоқда.

Биз кўпинча кўриниб турган манзарани «табиат манзараси» атаймиз. Шу фикрга чуқурроқ кирсак, ҳақиқатан ҳам– **Илоҳнинг яратган** (ўта ёқимли) **манзараси**- маъноси «табиат манзараси» иборасига ўта мантиқли изоҳ бўлади. Кўпинча биз атрофимизда кўринган оламнинг қисмини «табиат» атаймиз. Аслида эса «Табиатнинг яратган манзараси» — десак тўғри гапирган бўлар эканмиз.

Юқоридаги қисқартирув оқибат натижада ҳаммамизда «кўзимизга кўриниб турган Оламнинг қисми, атроф- муҳитни – «табиат» атаб ўрганиб қолганмиз. Бунинг салбий ҳосиласи бўлиб, «инсон томонидан табиатни ўзгартириш» тушунчаси пайдо бўлиб қолди.

Табиат инъоми – бу ибора билан бизни ҳайратга солган нарса ҳақида фикр билдирамиз ва бу иборанинг асл маъноси Оллоҳнинг инъоми маъноси-га айниятдир.

**Табиат** – Яратувчи, илоҳий куч, Худо, туғдирувчи, ўзидан кўпайтирувчи... - маъноларига эга. Ушбу қарашларимизда бир фарқ кўзга ташланади.

**Инсон илми билан яратилган нарсалар туғмайди!!!**

Уй-саройлар, завод- фабрикалар, космик кема, компьютер, машина-трактор ва яна барча инсон ясаган нарсаларнинг ҳеч қайси бири туғмайди.

(Илтимос, фикримиздан кулманг, бизни тушунишга ҳаракат қилинг.)

Табиат сўзининг мантиқий сифатлари ичида **табиат кучлари** ҳам борлигини эътиборсиз қолдирдик. Айнан мана шу кучлар Ерда ҳаётни ва



инсон илмини асоси экани ҳақида мантиқий фикр қилмадик. Инсон Табиат ичида яралган. Юқоридаги мулоҳазалар асосида Табиат, инсон илми таъсири остида,- деб ким журъат қилаолади. Демак, Табиат қисмларининг яралиши инсондан ташқари эканини тан оламиз. Иккинчидан биз, Платон, Аристотел, Беруний, Ибн Сино, Архимед, Авагадро, Ньютон, Галилей, Эйнштейн ва яна ҳоказо минглаб донишмандларимиз заковатиға ғурурланиб, уларнинг номи билан аталган қонунларни билиб ва бу билимдан фойдаланиб, унинг келиб чиқиш манбаи ҳақида унчалар ўйланиб кўрганимиз йўқ, Ваҳоланки бу қонунлар барчаси Табиатнинг кучларидир. Уларнинг бирортасини инсон ўзгартира олгани йўқ. Об-ҳаво ўзгаришини илм билан олдиндан билиш бу, об-ҳаво устидан ҳукмронлик ёки бошқариш эмас. Ёки миллионлаб гектар майдонларда машина-тракторлар воситасида деҳқончилик қилиб ундан ҳосил олаётганимиз бу табиат устидан ҳукмронлик эмас, балки табиатнинг Ерга тегишли қонунларини билиб олиб ундан фойдаланишимиздир. Табиатга ҳукмрон бўлсак қиш фаслини бартараф қилиб, бутун Ер юзини ҳамиша баҳор, ёз, куз қилиб олмаймизми!!! Табиат кучларининг характери Ернинг ториш кучи характери билан бир хил эмаслигини билдик. Яъни, нарса-моддаларни ўта майдалаб ўрганганимизда, яъни квант ҳолатида нарсанинг таркиби -ни ташкил қилувчи заррларнинг ўзаро тасирлашуви механика қонунларидан фарқ қилар экан. Бу билан демоқчимизки табиатнинг яратган нарса, ҳодисаларига тегишли қонунлар ҳаммаси бир хил характерли эмас, механика қонунлари ўша онда ишга тушса, квант назарияси ёки маънавий қонунлар вақтлар оша ўз таъсирини берар экан.

### **Табиатнинг қайси кучини ўзгартира олдик?**

Ерни тортиш кучиними, инерция кучиними, босим кучиними, электромагнит кучиними...???

Ҳеч қайсинисини!!! Биз илмларимиз билан ушбу кучлар ичида, худди Африка жунглисида яшагандек, ҳар бир сафар алоҳида куч ва маблағ сарфлаб ўзимизга йўл очиб бормоқдамиз ҳолос.

**Илм билан табиатни ривожлантириш, ўзгартириш мумкин, деб ҳисобловчиларнинг тушунчаси, «мен ота-онамни туғиб, ёки ясаб бераоламан» - дейиш, билан баробардир.**

Табиат сўзни этимологик таҳлили:

**Табиат** = та + би + ат

**та** – масдар, араб тилида сўз ясовчи олд кўшимча:– умуман масдарлар барча ундош ҳарфлардан ясалганлар та, му, ма,са... ва барчалари бир сўздан иккинчи сўзни ясовчи ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда масдарлар — ...эгаси, ... яратувчи, қилувчи, бунёдкор... ва яна шу каби маънолар берувчи қатор сўзлар маъносини билдиради.

**би** ← бан – Яратувчи (туғдирувчи, демакки яралиш, туғилишига сабаб бўлувчи) – Одамато луғатидаги «бан» алифбо-сўзнинг маъноси асосида мантиқий ҳулоса қилдик. Бан – эрлик жисми– кўшилувчи, уруғ

берувчи, бир нарса(уруғ)дан иккинчи нарсани яратилиши жараёни асосий иштирокчиси – туғилишга сабаб бўлувчи. Бу жараёнда албатта илоҳий Рух (рухий қувват) иштирок этади ва иккинчи нарса пайдо бўлади, униб, ўсиб, етилиб чиқади, туғилади.

Европа илмий адабиётларидаги – Би – икки, маъносида яъни бирни икки қилувчи; икки – маъносини шу мантиқий хулоса тасдиқлай олади. М: Бинар, биквадрат, биметалл, биология(табиий-илоҳий, уруғдан кўпайишни ўрганиш фани).

**ат** – гуруҳ, ҳамкорлар, бирга фаолият кўрсатувчилар

**Табиат – Яратувчи**, уруғдан кўпайтирувчи, бир-дан иккинчи-ни чиқарувчи, ясовчи... **Илоҳ**, Илоҳий куч, Илоҳ яратган нарсалардан бири.

Табиатда кечинаётган барча ходисалар, ўзгариш жараёнлари: уруғ униб чиқиши, ўсимлик, дарахтларни ўсиши, барча жонзодлар ҳаёти, ер остида кечинаётган геологик ўзгаришлар, конларни пайдо бўлиши жараёнлари, сувдаги ҳаёт ва ундаги ўсимлик ва жонзодлар ва яна барча табиатдаги нарса ва ходисаларда илм оламида «табиий» аталувчи илоҳий жараёнлар бор, нарсаларга ҳаёт бахш этувчи илоҳий нур-энергия бор. Рух кучи, қуввати, энергияси таъсири билан яратувчилиги. (Рухий қувват таъминоти тўхтаган -да нарсалар ҳаёти тўхтайди, ўлади, ўсишдан тўхтайди, қуриydi, чириш бошланади.)

У НУРдир, борлиқнинг ҳаётини таминлайди. У нур бўлмаса намлиги етарли бўлган ерга тушган данак, деҳқон эккан ўсимлик уруғи унмайди, кўкармайди, боғбон эккан кўчат ўсмайди, аёл қорнида ҳомила пайдо бўлмайди, ўсмайди, болага айланмайди, туғилмайди. Лекин у нурни ҳеч ким кўраолмайди, ҳеч қандай электрон ёки бошқа асбоб илғай олмайди. Бу нур таъминоти тўхтатилганда ҳар қандай жонзоднинг ҳаёти тўхтайди, ўлади. Сизга ҳаётнинг асосий манбаи бўлиб кўринадиган қуёш нури ва сув– ушбу Илоҳ нурисиз қуритади, иккинчиси чиритади. ачитади. Илоҳий нурни пайқаш бўйича ягона илмий имконият, ҳар қандай нарсага келаётган Нурни қалби тоза ва беғараз (бошқалардан ўз манфаати учун умидвор бўлмайдиган) инсонлар илтижоси билан ижобий таъсири қисман ўзгариши мумкин холос. Чунки инсоннинг Оллоҳ билан мулоқоти фақат сўз биландир. Бунда мулоқот албатта муқаддас китобда ёзилган тарзда кечинади.

Ушбу нурнинг одатдагидан катта миқдорини-мададини бирор бир ишда жаҳд қилиб катта натижага эришганлар: айрим шифокорлар, спортчилар, хонандалар ва ҳ.к. ҳар қандай одатдагидан ташқари ишни амалга оширганлар эътироф этадилар. Ва турган гапки бу ҳолат насиб этмоғи учун ҳар қандай одам биринчи навбатда ўз рухий ҳолатини ўзгартириш билан шуғулланмоғи керак. Албатта у биринчи вазифани бажардим деб ҳисоблаган вақтда унинг дунёқарашлари тубдан ўзгариб етган бўлади. Чунки улар ўзларининг илмий имкониятларини ва табиий жараён қонуниятларини яхши биладилар. Шу асосда улар Оллоҳнинг, Табиатнинг мададини сезадилар. Илтижо асосида Илоҳий нур ҳар кимга ҳар хил миқдорда насиб этган, этаверади. Яратувчи Оллоҳнинг «моддий олам»– ер ва ерда ҳаётни таъминловчи барча

нарсалар билан «хамкорлиг»и. Бу ерда «хамкорлик» ни чекланган маънода қабул қилинг. Аввало ҳар нарсани, яъни нур-энергиядан энг содда нарсалар, атом, молекулаларни, оддий хужайралиларни ва яна улардан навбатдаги мураккаброқ нарсаларни, албатта Оллоҳ— илоҳиётнинг бевосита иродаси, ижоди, мадади билан табиий ўсиш, ўзгариш, кўпайиш жараёни турли қонуниятлар асосида амалга ошаверади. Бу жараёнда инсоннинг ижодкорлиги ҳам ўша илоҳий нур-қувват, илҳом-мадад асосида ижодий -инсоний яратувчилик сифатда амалга ошаверади.

Яратувчи ерда ўзига ўхшаган, яъни тафаккурли инсонни яратди, онг берди, бу онгга билим берди. Таъкидлаймиз, ўша «нарсалар исмини ўргатиб» билим берди. Бу онг механизми фаолиятини таъминлашни яна алоҳида қонуният асосида қолдирди. Муқаддас китобда «ақлни ишлатмайсизми?», илоҳий хитоблар кўп марта бизни ушбу ишга чорлайди. Биз эса «қўлимиздан келганча» ҳаракат қилаверамиз. Фан ва дин аҳллари йўналишлари бир бирлариникидан «мустақил». Ваҳоланки Билим эгаси ва уни бизларга берувчи Ягона. Инсон ўз хусусиятлари билан биологик оламда ягона. Уни биологик оламдаги энг асосий фарқи ва устунлиги ҳам энг аввало унга фан-мия, онг, тафаккур берилганидир. Вақтики келиб улар кўпайишганда, шунингдек «эҳтиёжли бўлганларида», ер юзида—тирикликда яшаш қонунлари— дин— насихат ҳам берилди. Исломий илм даврасида «олими илоҳий» унвонини олган Платон, Аристотел ва кейинги авлодлардан, уларга муносиб шогирд деб тан олинганлар «файласуф табиат қонунларини ўрганиб, у ҳақда фикр айтмоқ учун «албатта ҳисоб илмини билиши шарт»лигини таъкидлаб кетганлар. Бу дегани, аниқ фан билан ишлаб, тафаккурда аниқлик, табиат қонунларидаги ҳақликни фарқлашни одатга айлантирмай туриб, дин насихат билан тарғиб этаётган, инсонларнинг ҳаётида уларнинг кучини-таъсирини фарқламоқ учун деярли 50-60 йиллик ҳаётий жараёнларда кузатиб фарқлаш керак бўлган ҳолатлар устидан хулоса айтмоқ учун ҳам энг аввало аниқ ва табиий фанларни ўзлаштириши даркордир. Лекин минг таассуфки, замонамизда Инсонни чап қулоғини энди ўрганиб, ўнг қулоқни ўрганганлардан ажойиброқ фикр айтишга шошган илмий авлод, бу нарсалар ҳаммаси инсонга тегишли, инсон эса Табиатга, Илоҳга тегишли эканини унуттаётган. Ваҳоланки шундай. Хусусан табиатдаги ўзгаришлар энг аввало Илоҳнинг бошловчилигида кечинаётганини, Олим эса табиатнинг ҳаракатланиш, ўзгариш қонунларидан фақат бир қисмини, уни ҳам Илоҳнинг мадади билан ўзлаштираётгани, бу ўзлаштирилган Қонунлар билан фақат ўз турмушини енгиллаштириш, безашда фойдаланишини, бу билимлар билан яна бошқа бир Табиат яратиб бўлмаслигини англаб етиши муҳимлигини, Дин соҳасидаги ўзларини илм аҳли ҳисобловчилар эса нафақат дин—насихат қонунларини, балки табиат илмларини ҳам ўзлаштириб шу асосда диний хабарларни шархлашни, ўрганишлари муҳим, деб ҳисоблаймиз. Қаранг, дин аҳли инсоннинг яратилишини ҳанузгача бевосита лойдан ясалганини уқтиради, илм аҳли эса одам фақат туғилади, деб таъкидлайди, чунки табиатни ўрганиш шундай хулосага олиб келмоқда. Дин аҳли Илоҳнинг мўжизакорлигини деярли ҳар бир сўзида таъкидласада, табиий илмларни мукамал ўзлаш

-тирмагани сабабли, табиатда ва ҳар бир инсон ҳаётида ошиб тошиб ётган мўжизаларни илмий таҳлил билан асосламайди. Оқибатда фан бир кўчада, дин эса яна бошқа бир кўчада, уларнинг тарбия, билим бериш объекти Инсон эса ягона. Энди унинг калласида дилемма: қайбирига ишониш ва эътиқодни мустаҳкам қилиш керак. Чунки икковлари ҳам ўз аргументларини тушунарли-ишонарли ҳисоблайди.

Табиий, демакки илоҳий.

**Тушунча** – инсон миясида кечинадиган табиий (илоҳий) жараён бўлиб, эшитилган нарса, ҳодисаларнинг энг муҳим сифатларини онгда сақланишидир.

Содда қилиб айтсак: сўз-исмни эшитганда **нарс**а, **ҳодис**ани ўзи бамисоли олдимизга келади, аксинча **нарс**а. **ҳодис**ани кўрганимизда унинг исми-сўз ҳаёлимизга келади.

Бу изоҳдаги табиийликнинг «диалектик»лар учун исботи шуки, Яратувчи тушунча олиш механизмини, умуман инсонларнинг миясини ишлаш–тафаккур механизмини ҳар бир инсонга ҳар хил берган. Инсонларнинг бу сифати индивидуалдир. Тушунча олиш хусусияти ва умуман инсон тушунчаларининг мукамаллик даражаси ҳаммада ҳар хил бўлгани ҳолда, уни такомиллаштириш, ривожлантириш эса яна фақат инсоннинг ўзига вазифадир. Тушунчаларнинг юқори даражаси **билим**дир. Мукамал билим эса узоқ йиллик тафаккур меҳнати махсули бўлиб қолади.

Студентлар ўртасида бир латифа юради: «Бир янги фан яратилибди. Ушбу фанни ким ва қанча муддатда ўзлаштираолади,- деган савол билан журналистлар соҳадаги фан доктори, фан кандидати ва талабага мурожаат қилибдилар.

Фан доктори – 8-10 йиллар шуғулланишим керак бўлади, депти.

Фан номзоди – 3-4 йил ўрганишим керак, депти.

Талаба – имтиҳон қачон ? – деган жавоб қилибдилар.

Хулоса: Ҳар ким илм-фанга ўз тушунча-билимлари, тажриба тадқиқотлари даражаси-баландлигидан қарайди, яъни ўзининг фаҳм- фаросати, билими даражасида фикр юритади, дунёни ва муаммоларни кўради.

Яратувчи Оллоҳнинг «моддий олам»– ер ва ерда ҳаётни таъминловчи барча нарсалар билан «ҳамкорлик»и. Бу ерда «ҳамкорлик» ни чекланган маънода қабул қилинг. Аввало ҳар нарсани, яъни нур-энергиядан энг содда нарсалар, атом, молекулаларни, оддий хужайралиларни ва яна улардан навбатдаги мураккаброқ нарсаларни, албатта Оллоҳ– илоҳиётнинг бевосита иродаси, ижоди, мадади билан табиий ўсиш, ўзгариш, кўпайиш жараёни турли қонуниятлар асосида амалга ошаверади. Бу жараёнда инсоннинг ижодкорлиги ҳам ўша илоҳий нур-қувват, илҳом-мадад асосида ижодий - инсоний яратувчилик амалга ошаверади.

Яратувчи ерда ўзига ўхшаган, яъни тафаккурли инсонни яратди, онг берди, бу онгга билим берди, таъкидлаймиз, ўша «нарсалар исмини ўргатиб» билим берди. Бу онг механизми фаолиятини таъминлашни рухий олам кучлари

(фаришталар ва иблис)га қолдирди. Куръонда «ақлни ишлатмайсизми?» , илоҳий хитоблар кўп марта такрорланган ва бизни ушбу ишга чорлайди. Биз эса «кўлимиздан келганча» ҳаракат қилаверамиз. Фан ва дин аҳллари йўналишлари бир- бирлариникидан «мустақил». Ваҳоланки Билим эгаси ва уни бизларга берувчи ягона. Инсон ўз хусусиятлари билан биологик оламда ягона. Уни биологик оламдаги энг асосий фарқи ва устунлиги ҳам энг аввало унга фан– мия, онг, тафаккур берилганидир. Вақтики келиб улар кўпайишганда, шунингдек «эхтиёжли бўлганларида», ер юзида–тирикликда яшаш қонунлари– дин– насихат ҳам берилди. Исломиё илм даврасида «олими илоҳий» унвонини олган Платон, Аристотел ва кейинги авлодлардан, уларга муносиб шогирд деб тан олинганлар «файласуф табиат қонунларини ўрганиб, фикр айтмоқ учун **«албатта ҳисоб илмини билиши шарт»**лигини таъкидлаб кетганлар. Бу дегани, аниқ фан билан ишлаб, тафаккурда аниқлик, табиат қонунларидаги ҳақликни фарқлашни одатга айлантормай туриб, дин насихат билан тарғиб этаётган, инсонларнинг ҳаётида уларнинг кучини- таъсирини фарқламоқ учун деярли 50-60 йиллик ҳаётий жараёнларда кузатиб фарқлаш керак бўлган ҳолатлар устидан хулоса айтмоқ учун ҳам энг аввало аниқ ва табиий фанларни ўзлаштириши даркордир. Лекин минг таассуфки, бу нарсалар ҳаммаси инсонга тегишли. Инсон ва табиат эса Илоҳга тегишли эканини эканини унутаёзган. Ваҳоланки шундай. Хусусан табиатдаги ўзгаришлар энг аввало Илоҳнинг бошловчилигида кечинаётганини, Олим эса табиатнинг ҳаракатланиш, ўзгариш қонунларидан фақат бир қисмини, уни ҳам Илоҳнинг мадади билан ўзлаштираётгани, бу ўзлаштирилган Қонунлар билан фақат ўз турмушини енгиллаштириш, безашда фойдаланишини, бу билимлар билан яна бошқа бир Табиат яратиб бўлмаслигини англаб етиши муҳимлигини, Дин соҳасидаги ўзларини илм аҳли ҳисобловчилар эса нафақат дин –насихат қонунларини, балки табиат илмларини ҳам ўзлаштириб шу асосда диний хабарларни шархлашни, ўрганишлари муҳим, деб ҳисоблаймиз. Қаранг, дин аҳли инсоннинг яратилишини ҳанузгача бевосита лойдан ясалганини уқтиради, илм аҳли эса одам фақат туғилади, деб таъкидлайди, чунки табиатни ўрганиш шундай хулосага олиб келмоқда. Дин Илоҳнинг мўжизакорлигини деярли ҳар бир сўзида таъкидласада, табиий илмларни мукамал ўзлаштирамагани сабабли, табиатда ва ҳар бир инсон ҳаётида ошиб- тошиб ётган мўжизаларни «кўраолмайди». Оқибатда фан бир кўчада, дин эса яна бошқа -бир учрашмайдиган кўчада, уларнинг тарбия, билим бериш объекти Инсон эса ягона. Энди унинг калласида дилемма: қайбирига ишониш ва эътиқодни мустаҳкам қилиш керак. Чунки икковлари нинг ҳам аргументлари орасида анчайин тушунарли-ишонарли ҳолатлар мавжуд. Лекин, ўзбекларда бир маъқол бор, «касалингни яширсанг, ўлимнинг (уни) ошкор қилади» дейдилар. Инсон ҳаёти-умрини ягона илмий формуласи йўқлиги, бўлмаслиги. «Қанча умр кўришингни Яратувчигина билади» дейишади. Бошқа фикр борми?

## Психология ва мантиқ

Психология фани инсоншунослик—гуманитар фанларининг ўзаги ҳисобланади. Ушбу фан номининг ўзаги **психо**— юнонча бўлиб ўзбекчасига **жон, рух** маъносини англатади. Демак, психология инсон жони, руҳи тўғрисидаги фандир. Одамлар ўртасида психология асосан **инсон характери** — феъл-атвори ҳақидаги фан сифатида эсланади. Ҳозирга келиб психология фани 300дан ортиқ тармоқ, соҳаларга эга. Фаннинг асл мақсади инсон жони-руҳи хусусиятларини, пайдо бўлиш, мавжудлик ва йўқ бўлиш сирларини ўрганишдан иборат. Инсон жон-руҳининг мавжудлигини фақат унинг тириклигидан билиш мумкин бўлгани учун тадқиқотчилар тирик одамнинг сифат-хусусиятларини ўргана бошладилар. Зеро ўлик нарсага талаб йўқдир. Лекин ушбу йўналишларда аниқланган илмий маълумотлар **жон** ҳақида эмас, балки жонли одамлар сифат-хусусиятларига тегишлидир, демакки фан — инсоншуносликдир.

Диалектик материализм нуқтаи назарига кўра: психика юксак даражада ташкил топган материянинг алоҳида хоссаси бўлиб, бу ҳосса объектив воқеликни алоҳида бир йўсинда акс эттириш қобилиятидан иборатдир. (Умумий психология. П.И.Иванов. 1967. Тошкент).

Ушбу фикрлар зўраки экани унинг маъноларидан келиб чиқмоқда.

Зўракиликнинг биринчи белгиси: фан ўз номи номи бўлган «психология — жон-руҳ илми» номига содиқ бўлмади. Тушунтиришга ҳаракат қиламиз: Ҳар биримизни ўз исмимиз бор. Агар бошқалар бизни шу исм билан чақирмаса биз жавоб ҳам, эътибор ҳам бермаймиз.

Табиатшунослик фанида воқеликнинг қандай ва қайси қонуниятларга асосан кечинишини билишни хоҳлайдиган бир савол бор: Нима учун? Ҳар қандай илм шу саволга жавоб сифатида дунёга келган. Диалектик материализм психологиясида «объектив воқеликни алоҳида бир йўсинда акс эттириш қобилиятини» ўз-ўзидан пайдо бўлган,- деган жавобдан бошқа изоҳ айтмади. Ақлли одамлар айтади: ҳаётда ўз-ўзидан кечинадиган ҳодиса йўқ.

Психология— жон-руҳ, тириклик илмида инсоннинг бошқа жон-зодлардан фарқи унинг **фикрлаши** эканини билиб олган тадқиқотчи, шу фикрлашларга мавзу, маълумот бериб турган унинг жисмий сифатларини ўрганмоқда ва бу иш абадий давом этаверади. Фикрлаш учун одамлар оладиган ахборот-маълумотлар унинг сезгилари туфайли бўлгани учун инсон жисмидаги ҳолат ва фаолият асослари ўрганила бошланди. Уларнинг асосан 5 тури машҳурдир.

1— эшитиш; 2— кўриш; 3.— ҳид билиш; 4. — таъм билиш; 5. — тери сезгиси; 6.— мускул сезгиси; 7.— органик сезги. 6-7 сезгилар психологик назариядан ташқарида тери сезгисининг давоми, қисми сифатида кўрилиб асосан 5та сезги ҳақида гапирадилар.

Бу сифатларнинг инсон тана-жисмидаги, миясидаги асосларигача бориб етган илмий тадқиқот, барибир бу сифатларни мавжудлигига сабабчи бўлган **жон-руҳ** предметига бора олмади. Ушбу қаторда инсон тафаккурини ўргана бошлади. Бу мавзуда ҳам мақсадга илмий ета олмади, балки кўшимча, илмий ечилмас саволлар чиқди.

Ҳозиргача психология фани номи остида ёзилган китоблар назаримизда бошқа ҳар қандай йўналишдаги ёзилган илмий китоблардан кўпроқ. Ва улардан нисбатан катта қисми муаллифига хизмат қилди холос. Лекин ҳеч бирлари бевосита инсон жони - рухига етиб бора олмади. Лекин 2005 йилда Англия Оксфорд университети психологлари оламшумул психологик илм қонунини кашф қилдилар. Яъни:

**—Дахрий ва эгоистик тушунчали илмий тадқиқотчи ҳеч қачон амалий аҳамиятли илмий фикрни кашф қилаолмайди — экан.**

Психологияда «Ўз-ўзини ишонтириш» (самовнушение) аталган илмий тушунча бор. Ўзини –ўзи ишонтириш асосида айтайлик, тиш оғриғидан азобланаётган одам кўллаган дорилар ёрдам бермаганда ўзига-ўзи топшириқ беради : Менинг тишим оғримаяпти , менинг тишим оғримаяпти..., деб, бирор 10-15 минут вақт чамасида фикран ёки овоз чиқариб узлуксиз такрорлайди. Ушбу вақт ўтиб одам тиш оғриғи пасайганини ва ниҳоят тўхтаганини сезиши мумкин. Ушбу сўз билан машқ жараёнда инсон тана-жисмида «моддий ўзгариш қандай қилиб пайдо бўлди», - саволи туғилади. Чунки тиш оғриғининг сабаби, унинг илдизи турган муҳитда қон таркиби бузилган. Энди, материалистик қараганимизда **СЎЗ** ҳавони тебратади холос, қандай қилиб инсон жисмида кимёвий жараёни амалга ошираолди ва тиш оғриғи тўхтади. Аслида бу амалга ошган жараён ортида рухий-Илоҳий куч ётибди. Ва у, инсон жисмида, унинг асаб толаларида алдовчи-юпатувчи жараёни эмас, кимёвий жараёни амалга оширди. Бу фикрнинг исботи бўлиб Шарқ ва Ғарб олимларининг СЎЗнинг сувнинг таркибини ўзгартирувчи таъсири ҳақидаги илмий тадқиқотлари хизмат қилади.

Бу ҳолатлар ҳақида академик М.Норбеков:

Аввало инсон вужуди-ҳаётидаги кўпгина жараёнлар мўжизавий бўлгани учун:

Ишонувчида Рух бор, ишониш хусусияти бор.

Ишонч туфайли у Оллоҳдан нур, шифо бўлувчи нур-энергия олади.

Ишончни бундай самарасида Илоҳий НУРнинг моддиятга таъсири, моддийлашувидир,-деб тушунтиради.

Бундай тадқиқотни қила олмайдиганлар бор. Уларда ишочсизлик хусусияти ва эгоцентристик характери юқори даражада.

## Р У Х

Одамлар агар улардан Рух-жон кетса оддий гўштга (мурда) айландилар. Бу аксиома. Лекин катта қисм замона илм аҳли буни эътиборга олишни хохламайдилар. Сабаби уларга буни ўқитмаганлар. Энг ёмони, рухни инкор қилган бир дахрийнинг ҳаётий бўлмаган «илмий» фикрини кўтариб юраверадилар. Бундай илм аҳли ўзини «тушунувчи» бўлмоғи учун тушуниш йўли-дан юришга, бу йўлдаги муайян қийинчиликларни босиб ўтиш машаққатини хохламайдилар. Машаққат шуки унинг тирикчилиги бўлиб турган соҳадан бошқа бўлган соҳага мияни бир оз зўриқтириш, ўзи етарли эътибор бермаган илмий маълумотларни ўзлаштириш керак бўлади.

## Юрак сезгиси

Психология дарсликларидаги «инсон сезгилари», деган рўйхатга тушмаган яна бир соф инсоний сезги мавжуд. Уни юрак сезгиси ёки қалб сезгиси ҳам аташади. Тадқиқотларимизда ушбу сезгининг инсоннинг бево-сита тафаккур фаолиятида ўрни катта экани билинди. Жон яна рух сўзи билан синоним ҳисобланади. қолаверса рухнинг жойлашган жойи, маркази юрак ҳисобланади. Ушбу тадқиқотимизда мана шу Рух+юрак = тирик, юракни сезгиси, бундан ташқари тафаккурнинг ижобий, раҳмдил, инсофли, виждонли ва яна шу каби бошқа ижобий инсоний сифатларини юзага келишига хизмат қилувчи сезги ҳақида фикр юритамиз.

Одамлар икки тоифага бўлинади. Фақат ақлга суянувчилар, яъни ҳар қандай масала, муаммода фақат ўз тушунча -билимлари асосида янги қарор қабул қиладилар. Иккинчилари эса ҳам ақлга ҳам юрагига қулоқ соладилар, яъни эътиборидаги мавзуни ҳиссиёти билан ҳам кўради.

Психология фани ўрганадиган инсон сезгилари ичида «олтинчи» ҳисобланувчи ва органик сезги аталувчи ички сезгилар ичида «юрак сезгиси» ҳам борки уни илмий психология ўрганишдан қочади. Биринчи сабаби бу сезги ҳаммада ҳам ишлайвермайди, иккинчи сабаби кимдир бирор бир даражада ўрганса уни ҳамма шогирдларга ўргатиб бўлмайди. Ўрганувчининг ўзида йўқ нарсани ўргатиш қийин ишдир. (рангни фарқлай олмайдиганга табиат ёки рассомнинг асаридаги ёрқин ранглар ҳақидаги гап тушунарсиз, таъм билмайдиган одамга ёқимли таъмга эга таом ҳақидаги фикр, хид фарқламайдиган одамга гулларнинг хушбўй хидлари ҳақидаги фикрлар фойдасиз бўлганидек.) Ушбу сезги орқали билинган ёки хушёр тортган ҳолатлар ҳақида кўплаб таниш билишлардан эшитиб қоламиз. Айтмоқчимизки, умуман бундай сезиш хусусиятини фан инкор қилмайди. Тиббиёт фани назарияси ва амалиёти юрак ҳолатини ташхис жараёнида биринчи ўринга қўйган. Ҳар қандай ташхис юрак уриши сонини ва умуман унинг қай ахволда ишлаётганини эшитишдан бошланади. Чунки инсон организмидаги ҳар қандай салбий ( ва хатто ижобий ўзгариш ҳам) ўзгариш юрак фаолиятига ўз таъсирини етказди ва унинг фаолияти одатдагидан ўзгаришга учрайди. Бизнинг ушбу мавзуимизда эса инсон тафаккури жараёнида юракнинг иштироки, аниқроғи инсоннинг маъсулиятли тафаккур ва қарор қилиш онларида, уни юрагини реакцияси ҳақида фикрлаймиз. Бизга таниш ибора-фикрлар:

- Юрагим сезаяпти, бирор-бир ноҳуш ( ёқимли,) иш бўладида.
  - Нотиқ юракдан берилиб сўзлар эди...
  - Ёзувчи асари сатрларига юракдан ўтган фикрларни туширибди.
  - Юрагидан чиқариб ишламайдиган одамга жиддийроқ ишни ишониб, топшириш бўлмайди, хавфли, доғда қолдиради...
- булар биз фикрламоқчи бўлган мавзу-соҳалар.



## Хислат ва мантиқ

Биз мақолаларимизда «хислат» сўзини анчагина қўллаганмиз. Мақсадимиз, ушбу ном билан аталадиган инсоний сифатлар ҳақида илмий кузатувлар асосида кенгроқ тушунча беришдир. Зеро, олам ва одамни кенгроқ англаш, тушуниш, билишда, бундай кузатувларга ҳам эҳтиёж мавжудлигини сездик, кузатдик, бу ҳам илмдир. Ушбу мавзуга эҳтиёж сабаби, бир қисм иқтидорли, қобилиятли илм соҳиблар ўзларининг муваффақиятларини асоси, бу уларнинг фақатгина яхши ўқиш, меҳнати туфайли ушбу даражага эришган ҳисоблайдилар. Бу мутлақо тўғри. Лекин... бу соҳада **Табиат**нинг ўрни қани?.

Ҳаётий кузатувларимизда хислат аталувчи сифатнинг халқона таърифи:

Айрим инсонларга **табиат берган нодир, туғма сифатлар — хислат** аталади.

Ҳалқда хислатли одам сифатида асосан ғайри табиий сифатли одамларни: парасихологик, экстрасенсорик, гипнотик, рухий шифокорлик қилувчи, ва яна шу қабиларни аталади. Бундайлар бу соҳада алоҳида илм олмаган бўлсаларда, уларнинг туғма хусусиятлари туфайли шифокорлик ишлари, кўпларни осонгина гипноз ҳолатига тушира олиши ва яна шунга ўхшаш ишлари туфайли шундай атайдилар. Атаяптиларми? Демак шу сифат муайян даражада бор. «Мен ишонмайман», «менга унинг таъсир кучи етмайди», деб кичқирувчилар, «ишонаман» деювчилардан кўпроқ учрайди. Бу ҳам табиий ҳолат. Кўпинча, эндигина 5-7 ёшга тўлиб тўлмаган болага нисбатан...шу болада бир хислат борда, — деб қўядилар. Албатта бу фикрга асос боланинг тенгдошларига нисбатан фарқли фикрлаётганини кузатиб айтилгандир. Ҳатто айрим ҳолларда бундай боладан чиққан саволни шу мавзу-соҳадаги илмий ҳодимларнинг ҳам ҳаёлига келмайдиган фикрлаш экани эътиборни тортади. Бу ҳолат, -нима учун? — деган ҳақли саволни пайдо қилмоқда.

Ўзбек тили изоҳли луғатида:

**Хислат** – киши ёки нарсанинг муҳим ижобий белгиси, сифати; хусусият, фазилат.

Этимологик тадқиқотда, хислат = хис + л + ат

Ўзбек тили изоҳли луғатида:

**Хис(с)** — ташқи таъсирни қабул қилиш, сезиш қобилияти, сезги, туйғу.

л ← **лан** — борувчи, келувчи.

**ат** — (қобилият, сифат) лардан бири.

**Хисли** — сезиш, хис этиш қобилиятига эга, сезгир, хушёр.

Луғат изоҳидан кўриб турибмизки, **хислат** ўзига ҳос туғма психологик сифат экан. Шундай қилиб, муайян инсонларда ташқи, кўринмас таъсирларни қабул қилиш, сезиш сифати мавжуд. Бу сифат фақат иссиқ-совуқни, аччиқ-

ширинни, яхши-ёмоннигина эмас, балки айрим илмларни кўпгина тенгдошларига нисбатан яхшироқ ўзлаштира олиш, қўллай олиш ва яна шу мавзуда кашфиётлар қилиш хусусияти мавжуд экан.

Мана шу «**ташқи таъсир**» қаёқдан келмоқда !?

Шу жойда гапни чувалаб ўтирмасдан нақд жавобни айтиб қўямиз. Сиз ҳислат-лисиз! Сизнинг тафаккурингизга фикрлар оқими келиб турибди. Ва Сиз уларни қабул қилмоқдасиз. Бу фикримизга изоҳлар «Тафаккур ва мантик» мақоласида бўлади.

Бу соҳада, илм бобида юлдуз бўлиб турган , илмий мероси ҳамма замон амалиётида муҳим ўрин тутиб турган Сукрот, Платон, Аристотел, Ибн Сино , Берунийлардан бошлаб ва улар қабилар, авлиёлар, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, математиклар, физиклар, химиклар... инженерлар, олий маҳоратли ҳунармандлар, артистлар, спортда машхурлар ва яна бошқаларни тилга олиш мумкин. Уларнинг деярли барчаси ўқиш-ўрганиш, амалиёт ва машқ қилиш жараёнлари орқали атоқли мақомга етганлар. ва уларни барча - сини биз ўрганаётган сўзнинг илмий изоҳи, таърифга кўра **ҳислатли** атай оламиз экан.

Демак, ҳислат фақат «фавкулудда рухий сифатга эгаларнинггина эмас, балки меҳнат қилиш, ўқиш, ўрганишга иштиёқлиларни, **иктидорлилар, қоби-лиятлиларни** барчаси **ҳислатлилар** тоифасига кирар экан.

Биз назарда тутаётган фикрни айтишдан олдин бу соҳада ҳам буюклардан Эйнштейнни биографиясидаги бир ҳодисани эслашимиз мумкин. У ўз вақтида, яъни ўрта мактабни битирган йилда олий мактабга кириш имтихонларидан ўта олмаган. Биз ҳозир асл сабабни айта олмаймиз. Лекин нимадир бўлганки келажакда буюк бўлувчи Эйнштейн мактабни битирган йили олий таълим имтихонларидан ўта олмаган. Бу ҳодиса, илм-фанда буюкларда ҳаётда ҳам эл қатори ҳодисалар бўлиши мумкинлиги мисолидир.

Ирсият-генетика қонунларига кўра иқтидорли ота-онадан фақат иқтидорли бола туғилиши керак. Лекин шундай ота-онанинг 3-4 фарзанди бўлса, улардан биттасигина иқтидорли бўлиб, қолганлари ушбу сифатдан холи ёки битта ҳам йўқ экан. Табиат ҳаммага ҳам **иктидор** насиб этмаслигини билдираяпти. Демак **иктидорлилик**, умуминсоний сифат эмас, балки **Табиат** ихтиёри, бошқарувидаги иш экан. Нима учун?

Генетик назарияни кучи қани? Нима учун генофонднинг ҳамма уруғи ўхшаш эмас. Хулоса, **Табиат** ҳаммага ҳам иқтидор беравермас экан.

Энди шу, иқтидор- сифат инсонни маънавий ва илмий-қасбий камолида ахамияти буюк экан. Болалигидан шоирлик, математиклик, қўшиқчилик ёки созандалик сифатлари билан кўзга ташланганларни биламиз, телевидение, вақтли матбуот хабарларида кўриб турибмиз. «Диёр» газетасининг 2010 йил 1 июлдаги №26- сони 3-бетигаги мақола:

«13 ёшли астроном Гиннеснинг «рекордлар китоби»га кирди».

Россия Краснодар ўлкасида истиқомат қилувчи 7-синф ўқувчиси Андрей

Хлопин хозиргача бешта қийин илмий астрономик гипотезани исботлаб берди.

4 ёшга тўлганида ота-онаси Андрейга биринчи астрономия дарслигини олиб беришганди. 13 ёшга тўлганда эса у дунё фанига ўз хиссасини қўшишга улгирди.

–Ўғлим 4 ёшида эртак эшитишни хохламай , кўпроқ юлдузлар ҳақида гапириб беришимизни талаб қилар эди,-дейди Андрейнинг отаси. шунингдек ўзининг ҳам астрономияга қизиқишини яширмай. У беш ёшига тўлган кун менга «ўз метеоритимни топсам яхши бўлар эди, деб қолди. Бир неча кундан кейин мен ҳақиқатан ҳам томорқамиздан эритилган метал парчасини топиб олганимда ўғлимнинг фазога қизиқиши шунчаки билимлардан эмаслигини англаб қолдим. (Яъни унда астрономия бўйича алоҳида ҳис қилиш хусусияти мавжудлиги).

«Мен Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га кираман деб астрономия билан шуғулланганим йўқ, дейди Андрей. – Мақсадим, Ерда ҳаётнинг қандай пайдо бўлганлигини аниқлаш ва буни инсонларга ҳам етказишдир.»

Туғма Илоҳий сифатли донишманд ҳисоблаш керак бўлган намуналардан бири мана шу Андрейдир. Бунга ўхшаш кўплаб мисолларни сиз ҳам эшитгансиз, ўқигансиз. Айтган фикрларимиз тарозуси бўйича уларни тортиб кўришингиз керак ҳолос. Хулоса шуки янги, ҳар қандай илмий ижодкорлик мавҳум ёки лабораториядаги шахсларга эмас, орамиздаги хислатлиларга тегишлидир.

Психологик кузатувларимизда иқтидорли ҳисобланувчиларни бир қисми ўзи яхшигина бажарадиган илмий вазифаларни моҳиятига кўп ҳам чуқур киравермаслиги эътиборимизни тортди . Айнан шу сифат уларни **хислатли** эканини тасдиқламоқда. Яъни айрим ҳолларда уларни **Табиат** қўллаб- қувватлаб тургани учун у ўз вазифаларини бир қисм механик тарзда бажармоқда. Хис қилиш сифатининг бошланғич супаси илмий эмас, туғма бўлади. Билим ва билиш назариясига кўра **1** бирни билмасдан туриб **2** ни билиш мумкин эмас. Минг таассуфки, инсон ўзининг тафаккурини ишлатаётган, калласига келган, келаётган информацияни сезаолмади, аниқроғи иқрор бўлмайди. Бунга иқрор бўлиш даражасидаги тушунчалар, агар излансангиз, камолот ёшларида (55-70 ёшлар) шаклланади. Чунки бу даврда ўз ташаббус ва янги ғояларини, тафаккури қандай даражада ишлаётганини кўп марта синаб, кузатиб ва бу жараёнлар унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини англаб етади.

Иқтидорли кўринганларни барчаси моҳиятдаги **мағизни** фаҳмлаб улгирмаган бўлсаларда, илм ва хунардаги юқори даражаларини асоси-сабаби, улар хислатлидир. Хислат эса **Табиатдан**.

Азиз китобхон, **Сиз хислатлисиз.**

## МЎЖИЗА ВА МАНТИҚ

Биз **нарса, ходисанинг моддий бўлмаган негизи**, яъни *маънавий—Илоҳий сифатни* тушуниш ҳақида фикр юритмоқдамиз, тадқиқот қилмоқдамиз. Илм ахли, бутун илмнинг тарихий жараёнларида моддий бўлмаган сифатларни моддий олам билан алоқасини билишга қизиқиб, аниқроғи илмий асосини қидириб, лекин топаолмай келмоқда. Сўзига, ниятига мўжиза-кор куч–хислат берилганлар (пайғамбарлар, авлиёлар, донишманд хислатли одамлар) ушбу сифатни ИЛМИЙ ЭМАС лигини айтсаларда, бир қисм фан ахли ўзларининг табиатига кўра бу фикрни тушунаолмай келмоқдалар. Тушунмаслик шундаки улар **мўжиза** мавзусини ва унинг оддий мисоллари билан танишиб, илмий тахлил қилиб, ўрганиб кўрмаганлар. Бу соҳада **парапсихология** ишонмовчиларга ёрдам бера олади. Лекин бу иш ўз табиатига кўра тушунишни хохламайдиганлар учун жуда оғир ва 10 йиллар давомида тушуниладиган мавзудир. Бу мавзуни тушунишни ўрганмоқ учун аввало физика ва химия, биология қонунларни яхши ўзлаштириш ва уларни амалиёти билан жиддий шуғулланишлари шарт. Ана ўшандагина табиатда, ҳаётда учрайдиган айрим ходисаларни тахлил қилиб кўриб, унда материалистик қонунлар «ишламаётганини» кўплаб мисолларда кўргандагина унинг илмий қарашлари **ҳақиқатга** дуч кела бошлайди. Ушбу мавзу аввало Илоҳий аталгани учун бу соҳада барча диний йўналишлар ҳикоятлари бор, ўқиганмиз, эшитганмиз. Лекин ибратли ривоятларнинг деярли барчаси ўта содда даражага келтирилганки, яъни ривоятдаги ҳақиқатларда табиат қонунларининг қайси бири ишламаяпти, каби тахлиллардан ҳоли бўлгани учун бу ривоятларни эшитиб кўямиз-у лекин ҳамманинг таъсиротлари бир хил, аниқроғи у даражада ишонганимиз йўқ. Чунки бизни тафаккуримиз асосида материалистик қарашлар ётибди.

Тадқиқотларимизда фанлар, яъни тафаккур мавзулари йўналишлари ичида «мўжиза» мавзусини мавжуд илмий қарашларимиз асосида тушунишга эҳтиёж катта эди. Шунинг учун ушбу мавзуни «ичига киришга ният қилдик. Аввало «мўжиза» нима, деган саволга жавоб беришимиз керак. Ўсимлик ва жонзодлар дунёсидаги ўзгаришларни «эволюцион назария»» призмаси орқали қарашга ўрганган бизларга бу соҳада ҳеч қандай мўжиза йўқ, ҳаммаси ўз-ўзидан ривожланиб, кўпайиб, ирсий танланиш туфайли такомиллашиб бораверади. Бундай тушунча тафаккурсиз қарашда тўғри. Тафаккурсиз дейишимизга сабаб нарса, ходисани **моҳиятига**, моҳият ичидаги **моҳни** кўришни, фаҳмлашни ўйлаолмаслик, аслида чала тафаккурдир. Табиатдаги нарса, ходисаларга шу қадар ўрганиб қолганмиз ва улар ҳақида доим ҳам ўйлайвермаймиз. Шунинг учун биз «нодир ходисалар»ни топиб уларни илмий тушунчаларимиз асосида тушунишга ҳаракат қила бошладик.

Психология фанидаги «инсонда тафаккур ва нутқ бир вақтда, теппа – тенг пайдо бўлган» қонуни Одамато луғатини тасдиқлаб, «эволюцион назария»-га қарши турибди. Инсон тафаккурининг асоси унинг миясионги муайян тушунчалар йиққанлигидир. Мана шу тушунчалар сўз билан ифодаланади ва онгда шу ҳолда сақланади. Бундай, яъни СЎЗ аталувчи ва

товуш шаклида рўёбга чиқадиган «тушунча» Инсон табиатидаги ҳал қилувчи ва ҳукмрон сифатдир, аслида инсоннинг вужудидаги мўжизалардан биридир. Диалектик материализм принципи тушунчасига **мўжиза** сиғмайди. Бундай фалсафий қараш эгалари учун бу ҳол мутлақо тўғри. Чунки, диалектик материализм – «қўшҳақиқат», дегани. **Ҳақиқат эса фақат битта бўлади.** Материализм, яъни фақат «моддиюнчилик»ни– «моддани» – яралмиш»ни тан олувчиларнинг тушунча-билимлари қамровидан **МЎЖИЗА СЎЗИ**нинг маъно-моҳияти, **қамрови ва ва ҳосил қиладиган тушунчалари** чексиз даражада катта ва юқори туради. Яъни нарса, ходиса сўзларининг қамровидаги маънолари мўжиза сўзи қамровидаги маънолардан кичикдир, кичик эса каттани қамровига олаолмайди.

Иккинчидан, мўжиза сўзи бор эканми, демак мўжиза ходисалари ҳам бор. Мўжиза нима?

**Мўжиза – инсоннинг илмидан ташқари ва унинг иштирокисиз амалга ошадиган, Табиий аталувчи жараён, содир бўлган ходиса, ҳосил бўлган нарса, таъсир этувчи кучлардир, – аслида Табиий–Илоҳий ишдир.**

Инсон ихтиёридан ташқари кечинадиган барча ходисалар мўжизадир. Нима учун? Чунки айримлар ўзларини аниқроғи тафаккур нуқтаи назарида ҳар ишга қодир ҳисоблар экан, марҳамат қилиб табиатни қонунларини ўзгартириб кўрсинлар-чи. М: Ерни тортиш кучини, Ер электромагнетизмини, Ньютон қонунини, Архимед қонунини, Авагадро қонунини...

Инсон ўз илми билан қилаётган барча ишларини табиат қонунларини айланиб ўтиб ёки «ҳаққини «энергия» шаклида тўлаб»гина кейин амалга оширади. Муайян ижодий-амалий фаолият билан шуғулланаётган инсон ўзи шуғулланаётган соҳада мавжуд табиат кучларидан шунингдек нарсалардаги сифат-хусусиятлардан воқиф бўлгандагина унинг тадқиқотига ўша куч халақит бераётган бўлса, шу Табиат кучидан ортиқроқ миқдорда куч-энергия сарфлаб ўз мақсадига етиши мумкин. (Ернинг тортиш кучи қонунидан ҳабардор инсон космосга чиқмоқ учун жуда улкан маблағ ва энергия сарфлаб мақсадига етди. Агар шу куч халақит бермаганида эхтимол сувда сузгандек космосда барчамиз учиб юрармидик.)

Тадқиқотларимиз жараёнида **мўжиза** сўзини том маънода тушуниш, ўқимиш-ли одамларга анчайин содда иш эмас эканини, **сўзсиз ва гувоҳсиз Мўжиза** -ходисаларни тушунмоқ учун «диалектик материалист» тафаккур субъектлари ўн йиллаб шуғулланиши кераклигини англадик.

Мўжизанинг мисоли: 2006 йил апрел ойида Россия телеканалларидан бирида кўрсатув кетмоқда. Унда «уйнинг 9-қаватидаги бир хонадон деразасидан бир қизалоқ, 12 ёшлар чамасида ўзини ташлади ва ҳавода югуриб, пастлай бошлади ва ерга тушди. Ерга тушган ҳамано яна югуриб кетди. Унинг ортидан яна бир қизалоқ ўзини ташлади ва ерга қулаб, оёғи жароҳат олиб, ўрнида қолди. Ушбу тамоша кино эмас, ҳаваскор тасвирчи материали экан. Ушбу ҳайратга солувчи тамоша бўйича суриштирув қилмоқчи бўлган журналистлар телестудияга ўша иккала қизалоқни ва яна бир неча мутахассисларни таклиф қилишиб суҳбат уюштирганлар. Маълум бўлишича, опсингил қизалоқлар яшайдиган хонадонга юзларини қора ниқоб билан тўсган

босқинчилар киради. ота-оналар ишда бўлганлари учун уйда иккала описингилдан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Тўсатдан бўлган бу ҳодисадан кўркиб кетган қизалоқлар бирин-кетин ўзларини деразадан ташлайдилар. Ерга омон-эсон тушган биринчи қизалоқ югуришни давом этдириб тўғри ички ишлар идорасига борган ва ҳонадонига босқинчилар кирганини хабар қилган. Турган гапки қизалоқлар ўша пайтда 9-қаватда яшаётганларини ҳаёлига ҳам келтирмаганлар. Лекин шундай баландликдан уларни ерга омон-эсон тушишлари ҳаммани ҳайрон қолдирди. Студияга таклиф этилганлар мутахассислар униси у деди, буниси бу деди, лекин жавоблар ҳодисани мутлоқ шархлашга ожизлигича қолди. Ушбу телекўрсатувни кўриб, ҳайратландик. Бегуноҳ, ёмонлар тажовузига тушиб қолиб ҳеч нарсани ўйламай қочган бу норасида қизалоқларни Яратувчининг Ўзи қўллаганига иймон келтирдик, шукрона айтдик. Ушбу ҳодиса **Илоҳнинг мўжизаси** бўлади. Яна бир ҳодиса. 2009 йил апрелида яқин дўстимизнинг фарзандлари: ёшлари 36-40ларда бўлган учовлон: ака-сингил ва сингилнинг эри шунингдек уларнинг 6 ёшли қизалоғи ва 4 ёшли ўғилчаси, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти худудида енгил автомобилда келаётиб автоҳалокатга учрадилар. Автоҳалокат жараёнида автомобил бир неча марта думалаб, қаттиқ пачақланиб, оқибатда учовлон катталар ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлдилар. Лекин ҳайратимиз учун, пачоқ бўлиб кетган автомобилдан 6 ёшли қизалоқ ва 4 ёшли бола бирор ери хатто енгил жароҳат ҳам кўрмай, соғ омон қолганлар ва шукронамизким, соғ-омон катта бўлмоқдалар. Яна ўхшаш мўжизалардан: телевидениеда Америка давлатида юз берган торнадо ҳақида хужжатли фильм кўрсатилмоқда. Торнадо уюрмаси ўз йўлида учраган барча нарсаларни: бинолар, автомобиллар, электр таянчлари, хуллас ер бетида нима бўлса ҳаммасини учириб, улоқтириб бормоқда. Ушбу ҳодисани фавқулодда иштироқчиси бўлиб қолган 8-9 ёшли қизалоқ торнадо гирдобидан хатто юзини бирор ери тирналмасдан омон - эсон чиққан. Ушбу хужжатли фалокат-ҳодисаларинг барчасида Яратганнинг Ўзи бегуноҳ болаларни Табиат қонунларидан сақламоқда.

Бу ҳикоя қилинган Илоҳий мўжизаларни илмий текшириб кўриш, тажриба-тадқиқот қилмоқ учун ҳеч қандан махсус мосламалар керак эмас. Ўзингизни ёки болангизни 9 қаватдан бўлмасада, ҳеч бўлмаганда 4-қаватдан ерга сакраб кўринг. Болаларингиз билан автомобил фалокати саҳнасини ўйнанг. Ана ўшандан кейин кечинмаларингизни бирга баҳам кўрамиз.

Биринчи ҳодисани илмий тахлили: Гравитация қонунига кўра баландликдан ерга тушаётган ҳар қандай нарса  $9,8 \text{ метр / сек}^2$  тезланиш билан ерга тушади. Бу дегани ҳар секундда юқоридан пастга тушуётган нарсанинг тезлигига сал кам  $10 \text{ м/сек}$  тезлик қўшилади. 25 кг. оғирликка эга одам боласи ерга 9-қаватдан, демак 30 метр баландликдан соатига камида  $70 \text{ км/соат}$  тезликда ерга урилади. Агар бирор одам ушбу ҳолатни такрорлаб кўрса, табиийки ундан ер-асфалтда гербарий қолади. Албатта бунга ўхшаш ҳолатлар ҳақида ҳеч бўлмаганда матбуот орқали хабардорсиз ва бундай ҳолатларнинг илмий шарҳи юқорида айтганимиздекдир.

Ушбу мавзуимиз китобхонларга танишдек, лекин бизнинг назаримизда мутлақо нотаниш мавзудир. Чунки ушбу ҳолатларнинг маъно –моҳияти ҳақида назаримизда, ҳали илм –фан аниқ фикр айтган эмаслар. Бунинг сабаби, **ҳодиса якуни илмий тарозига сиғмайди , чунки илоҳийдир.** Илоҳийлик ва **инсоний илм** тафовути ҳақида мантиқли ёзилмагани учун ҳам аҳвол шундай бўлган деб ўйлаймиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида

Мўъжиза – арабча. 1. Диний тасаввурларга кўра ғайритабиий, илоҳий ҳодиса.

2. Умуман ҳар қандай кишини ҳайрон қолдирувчи ҳодиса, одатдан ташқари иш ёки нарса.

Луғатдаги изоҳдан кўриб турибмизки ушбу мавзу энг аввало динга боғланган, дин аҳли эса доимо инсон ҳаёти фалсафаси билан шуғулланган ҳолос, касб-ҳунар ва бошқа яратувчилик илмлари уларнинг соҳаси эмас. Оқибатда табиат ҳодисаларидаги мўжизаларни илмий шархлаш имкониятига эга бўлмаганлар.

Диалектик материализм принципи тушунчасига **мўжиза** сиғмайди. Бу мутлақо тўғри. Инсон – фан(тафаккур) воситасида ўз муаммоларини енгиллаштириш устида ишлайди. Чунки одамларнинг кўлидан мўжиза иши келмаслигини яхши англаганлар ва бу мавзуга бош қотириб ўтирмайдилар.

**Мўжиза –«бу илмий эмас»** иборасини қўллаган донишманд мутлақо тўғри гапирган. Чунки мўжиза Илоҳнинг ишидир. Лекин ушбу иборанинг маъно- моҳиятига бошқалар юзаки қараганлар ва бу сўз-ҳодисани илм-фанга «душман» қилдилар. **Мўжиза** мавзусини тушунувчилар эса бу мавзуни юмшоқ қилиб гапирдилар ва **илмий фикрловчилар билан мунозарарага киришдан ўзларини сақлайдилар. Чунки илмийлик билан мўжизани фарқини кўрсатмоқ учун дунёвий илм билан ҳам бевосита шуғулланиш талаб этилади.** Ҳозирги, фан, илмий-техника тараққиёти даври ушбу фарқни тушунарли кўрсатиб беришни тақозо қилмоқда.

Инсоният тарихида Оллоҳнинг кўп пайғамбарлари ўтган , ва барча замонда азиз ва авлиёлари ва яна бошқа хислатли «танланганлари» ўтган ва айримлари сизу-биз билан замондош бўлиб яшамоқдалар. Пайғамбарлар орқали инсониятга хушхабар бўлиб келган муқаддас китоблар: Таврот, Забур, Инжил, Қуръон китоблари ва тарих хабар беради. Азиз-авлиёлар ҳақида эса улардан қолган, асрлар оша тилдан-тилга кўчиб келаётган нодир гап-фикрлар, асарлар ва тарихий манбаълар хабар беради. Хусусан азиз-авлиё аталмиш шахслар ким ва қандай сифати билан улар ҳалқ орасида машхур, эътиборли ва тарихда қолганлар. Ушбу саволга жавоб бўлувчи тарихий ва ҳаётий мисоллар кўп. Лекин материалистик ижодкорлик, аниқ техника фанлари ривожланган ва тараққий этган кейинги 150 йил ичида ушбу тараққиётга тарғиботчиликдан бошқа хиссаси кўшилмаган фан кишилари (ҳақиқий ижод қилиб кўрмаган фандаги кишилар) юқорида айтилган тараққиёт жараёнида азиз-авлиёларни ролини кўрмадилар , демак тушунмадилар ҳам. Беадад шукурким, донишманд Президентимиз И.А. Каримов бу мавзуни тухмат ва тушунмаслик ботқоқларидан ёруғликка кўтарди. Ўзбекистон заминиди

яшаб ўтган азиз- авлиёлар маконлари ободлаштирилди ва халқнинг маънавий мустахкамланиш масканларига айлантирилди. Ҳамма замонда ҳам, ҳамма жойларда ҳам яшаб ўтган азиз-авлиёлар, танланган-хислатлилар ўзларига юклатилган сифат вазифаларини имконлари қадар бажариб келганлар, келмоқдалар. Улардаги сифат- билимлар ҳар бирларини ўзига ҳос, ўзига мос. Бу соҳа билимларининг стандарти йўқ. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган 20 йил ичида биз тилга олаётган азиз-авлиёлар, танланганлар ҳақида юзлаб мақолалар матбуот саҳифаларида, шунингдек бир қанча китоблар айтилган маконда тарқати, халқ орасига кириб борди. Бу соҳада унча-мунча, чекли имкониятлар берилган авлиёуллоҳлар эса ўз ҳолатининг негизини билиб турадилар, шунинг учун улар ўз билимлари ҳақида ҳеч нарса даво қилмайдилар. Охири фикримизни ҳозирги замон феълида ёздик. Чунки сизу-биз билмаган, танимаган, саёз фикримиз туфайли эътироф этмаган Илоҳнинг Танлаганлари ҳамма замонда ва маконда бордир. Шунингдек улар ҳам инсон. Ҳаммамизда учрайдиган айрим сифатлардан улар ҳам ҳоли эмаслар. Шунинг учун бундай нодир одамлар ҳаммага ҳам бирор- бир сифати билан ёқавермайдилар.

Юқоридаги **мўжиза** сўзининг таърифига кўра биз ҳар қадамда мўжизаларга дуч келамиз, кўрамиз лекин унинг фарқига етаолмаймиз. Ўз вақтида биз бурнимиз тагида кечинаётган илмий ҳодисани мўжизавий асосини тушунмоқ учун 10 йил изландик. Ҳозирги ҳаётимизни электрсиз, яъни электр қувватисиз тасаввур қила олмаймиз. Уйимизни ёритаётган, емоғимиз ва ичмоғимиз учун нарсалар пиширишда ҳарорат бераётган, корхоналарни гумбирлатиб ишлашига ҳизмат қилаётган, компьютер ва қўл телефонларимизни «жон-қони» бўлиб турган нарса, яна биз ҳозир рўйхатга киритаолмаган қанчадан- қанча нарсалар фаолияти-ишига жон-қувват бўлиб турган **электр қуввати** эканини яхши биламиз. Бир муддат унинг таъминотида узилиш рўй берса ҳаммамизга дунё қоронғу бўлиб кетади. Келинг, бу кечинаётган ҳодиса-жараёнларни илдизига диалектик материализм илми билан борайлик:

Аслида **электр** сўзи Европа адабиётларининг берган маълумотларига кўра яхудийча «элоҳим» (русча адабиётларда буни **элегиум** ёзилган. Сабаби руслар европаликлар адабиётидаги **х** (**н** – эйч) товуш ҳарфини **г** товуш ҳарфи сифатида ифодалайдилар. **Элоҳим** сўзи арабча ва ўзбекчада ҳам **илоҳим** шаклида талаффуз қилинади ва ёзилади. Электр сўзидаги **тр** қисми эса куч маъносини беради. Электр—Илоҳий куч, қувват деганидир. Мана шу электр сим –ўтказгичларда оқувчи электр қуввати қаҳрабо- магнит темирни ҳаракатлантирилганда унинг яқинида турган темир симларда ҳосил бўлиб қолади. Бунда ҳаракатланаётган магнитнинг кучи иккинчи темирга «тегиб, урилиб, унинг электронларни уриб» унда электр қуввати оқимини ҳосил қилади. Аввало бу куч кўзга кўринмайди. Кучнинг мавжудлигини магнит бошқа темирларни тортганидан биламиз. Китобларнинг хабарларига кўра «темир магнит» эрамиздан аввалроқ одамларга маълум бўлган ва ундан компас ясаганлар. Бундай магнитлар табиий ҳолда топилган. Лекин



хозирги замон металлургияси бундай магнитларни тайёрлаш илмига эга ва саноатда тайёрланмоқда. Электр токи ишлаб чиқарувчи энг содда машина «генератор», яъни «ишлаб чиқарувчи» аталади. Ҳар қандай генератор, хусусан гидроэлектр станциялари ёки иссиқлик электр станцияларида бўлсин барча жойда «темир магнит»ни ўқ атрофида айлантириб электр токи олинади, ишлаб чиқилади. Биз биламизки, ҳар қандай куч-қувват — энергияни олмоқ учун ўтин, кўмир ёки нефт маҳсулотларини ёқамиз ва албатта улар камаяди ва тугайди ҳам. «Диалектик материализм» ни фалсафий қуввати шу жойда тугайди. Лекин «темир магнит»ни қанча айлантурсак унинг ток ишлаб чиқаришга хизмат қилаётган куч-қуввати заррача камаймайди ток бераверади. Нима учун? Айнан мана шу магнитни туганмас қуввати туфайли биз электр қуввати ишлаб чиқармоқдамиз ва фойдаланмоқдамиз. Мана шу хусусияти туфайли биз магнитни Илоҳий-мўжизавий қувватга эга темир атасак тўғри бўлади. Дарвоқе, магнит сўзининг этимологияси ҳам буни тасдиқлайди.

Магнит = маг(х) + нит . маг ← маҳ — моҳ = Моҳ = Илоҳ; нит — нарса, куч магнит — илоҳий нарса; илоҳий кучга эга нарса.

Мўжиза мавзусида юритаётган фикрларимиздан илмга қандай фойда ёки зиён етади. Юқорида, мўжиза сўзига берган таърифимизга кўра, инсоннинг илми ва меҳнатисиз пайдо бўлган ҳар қандай нарса ёки ҳодиса — мўжизадир. Муқаддас ктиобларда ёзилганидек, табиатнинг барча мавжудоти бу Илоҳий илм ва яратувчилик ҳосиласидир. Демак, турли назариётчиларнинг маймун ёки тимсоҳнинг нимадан келиб чиқкани ҳақидаги фикрларнинг амалий аҳамияти 0 га тенг. Бу фикрлар айримларимизни жунбишга солиши мумкин. Лекин сиз тескарисини исботланг. Инсоний илм қуш ёки балиқдан ибрат олиб самолёт конструкциясини ясамоқда. Табиатдан олинган илм-ибратлар илм-фанда етарли. Лекин юқорида айтганимиздек, Табиатдек яратувчилик қилиш Табиатнинг ҳосиласи бўлган инсоннинг иши эмас. Ақлли компьютер компьютер туғиб бера олмайди. Селекция ҳосиласи бўлган сигирни маҳсулдор навли сигир туғиши илмдан эмас, балки бу ишдан ҳосил сут ёки гўшт илм ҳосиласидир. Инсон табиатдан илм олиб турларни чатиштирди. Бу ишдан «табиат ҳосиласи» зарарланмагани учун насл беришни давом эттирди.

Столимизда «Ҳамкорпресс» газетасининг 2009 йил 29 сентябр кунги сони. Ундаги мақола «Дардни беҳато айтиб бериб...» Юлия Воробьева бутун умрини машхур инсонларни даволаб, ҳеч қандай бойлик орттирмаган. Унинг ғаройиб қобилиятини текширган Япон олимлари «Рентген-одам» деб ном беришган. 1978 йилнинг 3 мартада Донецк вилоятидаги «Петровская» шахтасида кран машинасини бошқарувчи -«кранчи» бўлиб ишловчи Юлия Воробьева ишга кўтаринки кайфиятда келади. Хотин қизлар байрами арафасида байрам муносабати билан аёлларга гул, камёброқ озиқ-овқатлар, пул мукофотлари берилади. Байрам кайфиятида ўзининг иш жойи бўлган, кран юқори қисмидаги кабинага Юлия машинани ҳаракатга келтириш жараёнида унинг электр анжомлари қисмида ўт чақнаб, қарсиллаган овоз

эшитилади. ...Кейин маълум бўлишича кранчини 380 вольт кучланишдаги электр токи урган экан. Юқори кучланганликдаги ток уриши натижасида Юлия халок бўлади. Унинг қорайиб кетган танасини «тиббий мурдахона»га элтиб қуйишади.

Унинг ўлими сабабига «ўлим тоқ уриши натижасида юз берган» деб ёзиб қуйишади. Уйида эса дафн маросимида тайёргарлик кўра бошлайдилар. 3- куни мурдахона врачлари тиббий таҳлил учун мурда танасини ёрмоқчи бўлиб тиғ билан кеса бошлаганда мурда ўзига кела бошлайди. Қайта тирилган аёлга биринчи гуруҳ ногиронлиги берилиб, тиббиёт мутахасислари уни узоқ яшамаслигини айтадилар. Дардман ҳолдаги Юлиянинг кўзлари тез орада кўрмай ҳам қолади. Одесса офталмология институти уни текшириб «бутунлай ожиз» деб таҳлис қўяди. Бирмунча вақт ўтиб унда ғалати кўриш ҳолати тикланади. Энди у одамлар ва нарсаларни юзини эмас ички аъзоларини ҳам кўра бошлайди. Аввалига «кранчи» одамларнинг нонушта ёки тушликда нима еганини айтиб берса, кейин бир кун у сизир қорнидаги ҳомилани аниқ ўрганини айтади. Энди анатомияни ўрганмаса бўлмаслигини тушунган Юлия тиббиёт билим юрти ҳамширалик ўқув юртига ўқишга киради. Дастлаб у ички аъзоларни бир биридан ажратишни, секин -аста соғ аъзолар ва касал аъзоларни фарқлашни ўргана бошлайди. Бора –бора у касалликларга таҳлис қуйишни ўргана бошлайди. Юлиянинг ғаройиб қобилияти, касалликларни беҳато айтиш ва кўпларга бевосита шифо бериш қобилияти ҳақидаги гаплар аввал Донецк вилояти кейин бутун малмкатга тарқай бошлайди. Унинг олдида дарди оғир беморлар, тиббиёт ходимлари касалларни кўрсатиш учун кела бошлайди. Вақт ўтиб Юлиянинг ғаройиб қобилияти билан олимлар ҳам қизиқа бошлайдилар. Биринчи бўлиб уни Киев ядро физикаси институтида текширадилар. Юлияни 2000 та тирқишли қоронғу хонага ўтқазиб, кўзга кўринмас лазер нурини турли тирқишлардан ўтказадилар ва ундан сўрайдилар. Ҳар сафар у қайси тирқишдан нур чиқаётганини беҳато айтиб беради. Институт тадқиқотларида ундан кучли электромагнит нур таралиб туришини аниқлашди. Швейцарияда ўтказилган парапсихологларнинг Жаҳон конгрессида биргина Юлия Ворбьева текширувга олиб келинганларнинг ичидаги бир деҳқонда туғма касаллик мавжудлигини аниқлаб айтиб берди. Машҳур кўз шифокори, академик Святослав Фёдоров ҳар томонлама текширувлар ўтқазиб, Ворбьева мутлақо кўрмайди, деган хулоса берди. Лекин Федоровни биринчи марта кўриб турган Юлия, унинг чап тиззаси протез эканини айтади. Бундан хайратланган академик: «Балки сен миянг билан кўраётгандирсан» деб савол беради. Бунга ўхшашлар билан ҳар доим бўлганидек, Юлиянинг ҳалқаро миқёсдаги муваффақиятлари тўғрисида ватандошлари ҳеч нарса билмайдилар. Тақдир тақазоси билан бўлса керак, Ялта– курорт шаҳридаги мехмонхоналардан бирида машҳур ёзувчи Юлиан Семёновни Ю. Ворбьева билан таништирадилар. Аввалига Юлияга ишончсизлик билан қараган ёзувчи, ярим соатдан кейин уни ўзи билан Москвага кетишга таклиф қилади. Кейинчалик Юлиянинг қабулида қанча машҳур шахслар бўлмади дейсиз. Космонавтларнинг парвоздан кейин соғлигини тиклашга ёрдам кўрсатгани учун берилган «Звёздний шаҳарчаси фаҳрий фуқароси»

унвонидан у жуда фахрланади. Юлия Ворбьева Хиндистон бош вазири Раджив Ганди, Франция президенти Франсуа Миттеран уйларида меҳмон бўлган. Раджив Гандига – 1991 йил 21 май сиз учун қора кун, деб қилган башорати ҳақиқатан ҳам содир бўлган. Юлия Воробьева дунёнинг 28 мамлакатада бўлиб, кўплаб таниқли инсонларга ёрдами теккан. Шунингдек аскар оналарининг илтимосига кўра Шимолий Кавказ террористик урушида бедарак кетган аскарларнинг расмларига қараб ким ҳаёт ва қайси ҳолатда, ким ҳалок бўлганини бехато айтиб берарди. Юлия Федоровна Ворбьева ҳозир актив фаолиятини тўхтатган: «ёшим ўтиб қолди, соғлигим ҳам илгардай эмас. Менинг ишим катта жисмоний куч талаб қилади. Касални кўрсам унинг касалини ўзимда хис қиламан. Касаллик билан курашиш менга ҳозир оғир келмоқда. Бир неча кун ўзимга келаолмай қоламан.» Шу сабабли илтимосларни рад этишга мажбур. Бутун умр машхур инсонларни даволаган бўлишига қарамасдан у ҳеч қандай бойлик орттирмаган. Шунинг учун у ногиронлик нафақаси ҳисобига кун кечирмоқда. Чунки у беморлардан ҳеч қачон пул олмаган.

1997 йилда Россия ҳарбий генерали Богданов пешонасида товук тухуми катталигида шиш пайдо бўлгани, тиббиёт мутахасислари кафолотли даволаш ваъда қилаолмагани учун у шифо излаб Малайзия авлиёлари (руслар уларни хилерлар атайди) олдига боради. У ерда чангалзорлар ичида яшаб одамларга ёрдам бериб яшаётган шифокорни топиб учрагани, Оқибатда у чол кўлининг бир ҳаракати билан пешонадаги шишни чиқариб юборганини матбуотдан ўқидик.

Бундан 3 аср мукаддам Германиялик уста Иоганн Бесслер монастирда таъмирлаш ишларини бажариб юрганида у ердаги кекса роҳиб: «Сен Худога яқин одамга ўхшайсан. Мен қаридим ва яқинда у дунёга кетаман. Шунинг учун мен ўз сиримни сенга ишондим, деб бир қурилма кўрсатади. Унинг ғилдираги узлуксиз айланиб турар эди. 1712 йилда Бесслер ўзи - нинг биринчи қурилмасини яратди ва уни «Авлиёлар ғилдираги» атади. Бу ва бундан кейинги қурилмаларига Гера шахрида, Цейц шахрида ва яна Кассел саройида сертификат –гувоҳнома олган. Хар сафар ўз қурилмасига — абадий двигателга сўраган пулни бермаганлари учун машинасини бузиб ташлаган. Сертификатда «Уста Бесслернинг ғаройиб ва фойдали машинаси сув, шамол, пружинали механизмлар қўшимча юклар ва бошқа элементлар ёрдамисиз ҳаракатланади. Ғилдирак 1 минутда 50 марта айланади» Ундан тегирмон, ва сув иншоотларида фодаланиш мумкин деб ёзилган. Хамкор пресс 2009 21- март.

Япон олими Масаро Ямото ажойиб тадқиқот ўтказган. У 3та 1 литрли банка олиб водопроводдан сув тўлғазган. Бу сувли идишларга ярим стакандан уйдаги истеъмол гуручидан солган. 1-банкани бир чет токчага қўйган. Бир банкага ҳар куни «рахмат, миннатдорман» сўзларини айтган. 2-банкага эса ҳар куни «ахмоқ»- деган ҳақорат сўз айтган. Ушбу жараён бир ой давом этган. Бир ойдан кейин сув-гуручли банкларни солиштирган. Хар куни худога шукрона айтилган банкадаги гуруч яхши сақланган, гуруч айнимаган. 2-банкадаги ҳар куни ҳақорат сўз эшитган

банкадаги гуруч қорайиб, моғорлаб қолгани кузатилган. 3- бир четда шунчаки турган банкадаги гуручда оддий ачиш жараёни кузатилган. Бу тадқиқот аслида мўжизани кузатишдир. Яъни худога шукрона сўзларни эшитган биринчи банкада сувдаги гуручни яхши сўз шарофати билан яхши сақлангани ва иккинчи банкада сувдаги гуруч ёмон сўз эшитиши туфайли ғайри табиий моғорлаб кетгани кузатилгани — мўжизадир. Бу натижалар инсон СЎЗ-НУТҚи Илоҳий асосга эга эканини бира тўла ва соддагина қилиб тасдиқламоқда. Сув эшитар экан ва яхши ва ёмон сўзлар ҳатто жонсиз нарсаларга ҳам салбий ёки ижобий таъсирини берар экан.

Ушбу тадқиқот сувнинг қулоғи бўлмасада эшитишини, жонзодларникидек мияси бўлмасада ўзиган қарата айтилган гап-сўз, фикрларни яхши ёки ёмонни фарқлашини билдирмоқда. Демак **СУВ-нинг «онги» бор экан.**

Иккинчидан сўзнинг физик таъсир кучи бор экан. Албатта бу фикр учун асос бўлиб яна бошқа кўплаб тажриба тадқиқотлар асос ва тасдиқ бўлаолади.

Ушбу ҳолат тўмтоқ «диалектик материализм» тарафдорларининг — **«Яратувчининг вужуди кўринмаса Илоҳий тафаккур қандай бўлади?»** — деб хайрон турган фикрларига жавоб бўлади, деб ҳисоблаймиз.

## Метафизика ва мантик

**Метафизика** мавзуси барча мақолаларимизнинг ўзак тушунчаси десак бўлади. Сабаб, фалсафада, яъни ҳар қандай илмий қараш-фикрларда «диалектик материализм» методологиясига асосланувчилар **илм** сўзининг моҳиятини нотўғри тушуниб ва бу асосда метафизикани тушунаолмай, Илоҳ, илоҳиёт ҳақидаги тушунчаларни рад қилиб келмоқда. Илм-фан дарғаларининг бундай дунёқарашини **илмга** суянувчи инсониятнинг катта қисмини борлиқ, дунё ва инсон мавжудлиги яъни пайдо бўлиши тўғрисида тушунчаларини тўғри шаклланиш асосига соя солмоқда. Хусусан ёшлар томонидан Ҳақни, ҳақиқатни англашда тафаккурларини тўсиб келмоқда. Мавжуд илм океанида **амалий аҳамиятли фикрлар ва сафсатанинг**, шунингдек физика ва метафизиканинг **фарқига етмоқ учун** деярли ҳар бир инсон катта ҳаёт йўлини босиб ўтиши шартдир.

Тадқиқот жараёнида аввал **илм** сўзининг, сўнгра **СЎЗ**нинг моҳиятини тушуниб етиш, **СЎЗ** маънавий(илоҳий) борлиқ эканини англаганимиздан кейин атроф-муҳит ва инсоният ҳаётидаги айрим сифат ва ҳодисаларни, одамлардаги сифат-хислатларни барчасини физика ва бошқа фанлар қонунлари билан изоҳлаб бўлмаётганига иқрорлик келади. Сабаб, **инсон илмининг** тиши ўтмаётган ва умуман ўтмайдиган мавзулар ҳаётимизда талайгина. Шулардан энг асосийси инсон жони-руҳидир. Илм –фан, **жон** аталувчи нарсани моддий танада пайдо бўлишини ўрганиш, билишни ҳоҳлайди. Мавжудот жонининг бошланғич метафизик пайдо бўлиш нуқтаси уруғдадир. Уруғ жонлидир. Хужайрада **жон**нинг мавжудлиги, уруғни ривожланиш, ўсиш жараёнларини кечиниши билан изоҳланади. Илмий тафаккур соҳиблари ўз тушунчаларини шундай тўлдиришлари керакки, уруғ нафақат унинг ривожланиши учун керакли шароитда балки улар билан биргаликда метафизик — Илоҳий куч воситасида ривожланади. Бу куч, **жон-рух Яратувчининг мулкидир, илмидир**. У ҳеч қачон инсоний илм предмети бўлмайди. Тиббиёт илмида реанимациянинг мавжудлиги бу соҳадаги инсонга берилган илмнинг ҳаммасидир, Инсоний илмлар: тиббиёт ва бошқалар ҳар қандай ишларида бу Илоҳий кучни-жонни йўқотиб қўймаслик дарди, қасди билан ишлайди. тамом.

**Метафизика** юнонча сўз бўлиб, *мета та физика* — физикадан кейин келувчи ёки физик бўлмаган нарсалар ҳақидаги фан — маъносини беради. Шу пайтгача турли адабиётларда —физикадан ташқари, яъни жисм — дан ташқари— маъносини бериб келишади.

**мета** — кейинги, ташқаридаги.

**физ**( ёки **пиз**) — нарса-жисм

**мета** — ташқари, **физ**— нарса, жисм, **ика** — фан маъноларини беради.

Маънолар бирлаштирилса — жисмсиз нарсалар ҳақидаги фан. **Илм** фақат жисмий нарсалар хусусида эканини инобатга олсак, бу сўз— **илмдан ташқари фан**, маъносини беради. Ёки, «**мавжуд** –вужудсиз таъсир кўрсатувчи» атамаси ҳам тушунарлироқ бўлади деб хисоблаймиз. Аслида, **инсон илмидан юқори фан** — атамаси ўринлироқ бўлар эди. Асосимиз, ер

юзиди жуда оз сонли одамларнинг метафизик мавзудаги «чекли имкониятлари» **илмий эмаслигидир**. Яъни, инсон илми бу соҳада фаолият қилаолмайди.

Хозирги замонда кўпгина фанлар йўналишида метафизикага ўхшатма қилиб металогика, метаназария, метатил, метапсихология ва яна шу каби фанлар пайдо бўлган. Бу дегани, илғор фикрловчи олимлар ўзи ўрганаётган фаннинг юқори нуқтасига чиққандан сўнг ўрганилаётган объектлардаги айрим юқори жараёнларни ҳаракатга келтираётган куч ёки ўзгаришга сабаб бўлаётган таъсирлар манбаъини топаолмай қолганларида қилган хулосаларидир.. Демак метафизиканинг инсон билимлари шажарасидаги ўрни «тушунча» сўзига қисман мос келмоқда. Метафизика тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб айрим тадқиқотчилар тадқиқотларида чуқурлашганда «жисми номаълум куч»га дуч келадилар.

Назаримизда, ҳар қандай ўрганаётган нарсамиз инсон ҳаётида муайян моддий ёки маънавий аҳамиятли бўлсагина уни ўрганишга арзийди. Ушбу мавзуимизда ҳамма гап инсон жони - руҳининг Илоҳий аталгани ва уни ўрганишнинг моддий асоси йўқ, деб материалистлар мавзунинг рад этиб келганида. Ваҳоланки илмнинг биринчи оталаридан Платон ўзининг «Федон» асарида: (Человек. М.1991. Политиздат. 81-бет.)

«...—Менимча, биз ўзимизга олдимизга қўйидагича савол қўйишимиз керак, деди Сукрот. Бундай ҳолат – нарсаларни ўзида хис қилиш нималарга хосдир, қандай нарсаларга ҳавф солади, қандай нарсалар учун ҳавфсирамаса ҳам бўлади. Кейингина руҳни қайси тоифага қўйиш мумкин, кейин бу ҳолга қараб ўз руҳимиз учун кўрқимиз(ғамини ейишимиз) ёки кўрқмаслигимиз мумкинлигини биламиз...». Унинг шогирди Аристотель ўзининг «Метафизика» китобида: «Материя —имкониятдир, шакл эса энтелехия(Яратувчи-яралмиш), айнан қўшалок маънодаги: — тана сифатида ва илоҳий тажалли сифатида.» Бу ерда **шакл** сўзи остида инсон тушунилмоқда. Яъни шаклда тафаккур-билим ва уни ишга солувчи жон-руҳ мавжудлигини таъкидламоқда. Энтелехиянинг этимологияси: эн + те + ле + хия.

эн = ан — Илоҳ; те— тана, жисм, шакл; ле- ҳаракат, фаолият.

энтелехия — Тана-жисм Илоҳий руҳ воситасида жисм ҳаракат ва тафаккур қилади.

Ушбу мавзунинг тушунишни бир қисм илм ахли рад этиши назаримизда, улар ҳаётнинг воқеалар билан мутлақо тўқнашмаган ва ёмони улар ҳаёт ҳақида жиддийроқ фикрлаб кўрмаган, дейишга тўғри келади. Руҳий олам мавжудлиги тўғрисида хабар-маълумотлар, материаллар ХХаср охирида жуда кўпайди, кўп томонлама тафаккуримиз учун аргументлар матбуотларда эълон қилинди, ва улар асосида тушунчалар мукамаллашиб, ҳар томонлама изохланиб улгирди. Лекин ҳеч қачон эрдан чиқармаслигимиз керак: бу мавзу элементлари илм билан ўзлаштириладиган нарсалар эмас, чунки метафизикдир. Руҳий олам ҳақида кўпроқ дин илми хабар беради. Дин илми моҳиятан илоҳий насиҳатдир, қайсики поклик, тўғрилиқ, беғаразлик ва шу каби муҳим инсоний сифатларни тарғиб қилади. Шунинг учун биз тадқиқотларимизда биринчи навбатда **илм** тушунчасига яна бир бор

чуқурлашдик. Наҳотки инсон илмлари, ундаги барча қонунлар инсоннинг қўлини узайтириб, олис юлдузларни ушлайдиган қилиб қўйган бўлса ва «ҳар дақиқада жонсиз қолиш эҳтимоли бурнининг устида турган инсон» эканини дунёнинг ишларига қараб фаҳм қилиб кўрмаган бўлса.

Тахлилларимизда **илмлар** 2 турга ажралмоқда.

1- табиат қонунлари (кучлари) асосидаги илмлар.

2- нарсалари хусусиятлари асосидаги илмлар.

1- турдаги илмлар мисоли:

Ернинг тортиш кучи ҳақида Ньютон қонуни, гравитация қонуни, электромагнит майдони қонуни, ёруғлик қонуни...

Ушбу илмларни эгаллаган инсон бу илмлари билан дунёнинг ишлари ичида имкониятлари чекли бўлади. Яъни табиий кучлар бирор ишга зиён бераётганда уни таг-томири билан йўқ қила олмайди. Айтайлик, қишда Ернинг қуёшдан узоқлашиш ҳолатини ўзгартиролмаймиз. Яхши бўлар эди бутун ер юзида қиш бўлмаса... Бу биринчи тур илмларимиз «ҳабардорлик» атасак ҳам бўлади. Баайни поездни ҳаракатланиш графиги ёки самолетни учиш графигидан ҳабардор бўлгандек. Бизни қўлимиздан на графикни ўзгартириш ва на уни тўхтатиш келади. Керак бўлса график бўйича поездга ёки самолетга ўтириб бирор ерга бориб келишимиз мумкин холос, ёки поезд юрмаётган пайтда унинг йўлида туриш мумкин ёки йўлидан ўтиш мумкин бўлади.

Биз «Илм ва мантиқ» мақоламизда «илм» сўзининг моҳиятида «қўлга олиш» маъноси мавжуд дедик. Инсон бирор нарсани ўз қўлига олдими, ҳоҳлаганини қилади. М: олмани еб қўяди, тупроқдан тошдек ғишт ясайди ва ҳ.қ. Инсон **илми** фақат инсонга тегишли ва унинг яратувчилик, материяни ўзгартирувчилик имкониятлари асосидир. Лекин бу имкониятлар аслида Яратувчи — Табиатнинг ҳосиласидир. Одамларнинг тушунчасида эса, бу фикрнинг акси юради. Худди у ўз билимлари билан Табиатни ясаб оладигандек. Табиатнинг Яралмиши — Ернинг пайдо бўлганига 4,5 миллиард йил бераётган инсоннинг умри қанча? Ва у қандай қилиб табиатни такрорлайди. Умуман фалсафий фикр қилмоқчи бўлган одам фикрини худди шу асосдан бошласа тўғри бўлади.

Энди билдикки, аслида биз Табиатнинг кучлари характеридан ҳабардор эканмиз холос. Гоҳида ундан фойдаланамиз, гоҳида эса эҳтиёт бўламиз. Гоҳида ундан фойдаланамиз. Биз уларни ўз қўлимизга ола билмаймиз.

2– тур илмларимиз **материя** аталмиш нарсаларнинг хусусият-сифатлари тўғрисидаги илмларимиздан иборат. Ушбу нарсалар сифатларидан фойдаланиб иш олиб бориш — химия фани соҳасидир.

Ушбу соҳа нарсалари ҳам икки қисмга ажралмоқда:

— жонсиз материя.

— жонли материя.

Материянинг жонсиз қисми устидан инсон том маънода ҳукмрон экан. Жонли материя. Ушбу соҳа илмларининг маъно моҳияти — уларни жонли ҳолда сақлаш, кўпайтиришдир. Биология, зоология, психология ва яна бошқа фанлар мавзу моҳиятига етишни ҳохламай, ҳозиргача **жон** сўзи

хақида мушоҳададан ўзини олиб қочади. Чунки уни кўраолмаяпти, бошқараолмаяпти, қисқаси, **жон** аталувчи нарсасининг илмидан, измидан анча ташқарида. Юқорида айтганимиздек тирик мавжудот кучга эга, агар ундан **жон** кетган заҳоти ушбу танани ҳаракатлантирувчи **куч** ҳам йўқ бўлади. Чунки у Илоҳнинг тасарруфида. Худди квантлар-атомларнинг майда зарралари механика қонунларига бўйинсунмаганидек. Шунинг учун ҳам жон хақида деярли гапирмайдилар. Қизиқ жойи шуки, уни фақат йўқотгандан кейингина биламиз. Айнан мана шу ҳолатда, жонли материя ўзининг **тирик жон** ата лувчи ўз сифатини йўқотгандан кейингина ушбу, инсон фаолияти, кучи – **метафизик, манбаси кўринмас ёки номаълум эканини** фахмлаймиз. Мана шу онда, шу ҳодисада нарсаларнинг **жони** тушунчаси асос топади, мавжуд экани аён бўлади. Инсон танасини тарк этган **жон** энди **рух** аталади. **Тушунча** фақат тажриба- тадқиқотга асосланса, айнан метафизик тушунчаларни аниқлаш тажриба –тадқиқотининг энг муҳими ҳам шу бўлади. Илм-фан фақат тажриба- тадқиқотни тан олар экан метафизика соҳасида ҳам бошқа тажриба –тадқиқотларнинг ҳам иложи бор. Метафизик жон- рухни физик иши: Инсон муайян меҳр билан тайёрлаган бадиий буюмлар ва рассомлик асарлари бошқаларга таъсир қилувчи электромагнит кучига эга бўлишини кўп тадқиқотчилар паст кучли электр токни ўлчаш асбобларида ўлчаб кўрсатдилар, исботладилар. Ваҳоланки бу нарсалар фақат инсон кўли махсуллари ҳолос. Фақат **тоза қалб ва меҳр билан** қилинган ишлар. 1990-йилларда Москва Кремлининг табиби бўлган экстрасенс Жуна Давиташвилининг кўл бармоқларидан таралаётган шифобахш нурни сезиб қолган физик олим бармоқлардан таралаётган биоэлектр кучини тадқиқотларда ўлчаб худди шундай ўлчамларда электромагнит майдонига эга шифо машина яратдилар. Лекин бу машинадан ҳеч ким шифо топмади. 70-90 йилларда матбуотда хабарлар дунёга тарқалиб турди: «Афғонистонлик ғайри табиий, ўқимаган математикни, ёки Покистонлик ғайри табиий шифокор қизни ва яна шу қабиладан сирини аниқламоқ учун Америка давлатидаги илмий марказларга тадқиқот учун олиб кетди», деган . Лекин бирорта тадқиқот натижаси хақида хабар бўлмади. Биз бу соҳадаги тушунчаларимиз асосида комил ишонч билан айтаемизки, фавқулодда ҳислат эгаларини илмий тадқиқот қилиб ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Чунки Яратувчи Табиат кимнидир муайян ҳислат билан яратибди, бу ҳислат илмий эмас, метафизикдир. Ҳислат — бирор-бир инсоннинг ҳиссиётига тегишли сифатдир. Тадқиқотчи дўстим, бирор яқинингиз ёки дўстингизни бирор ҳиссий сифатини ўзлаштириб кўринг, фикримизни шунда осон тушунасиз.

Ҳар қандай уруғ, кўчат- новдадаги, ўсимликдаги тириклик хусусияти бу метафизик хусусиятдир. Бу инсон илмидан ташқари ёки юқори турувчи нарсалардир. Уруғдаги генетик сифатларнинг мавжудлиги илмдан ташқаридир. Унинг мос шароитда униб ўсиши эса Табиатнинг метафизик кучи туфайлидир. Ушбу тайёр сифатларга суянган ҳолда қилинадиган ҳар қандай селекция ва генетик инженерия илмлари бу тайёргина метафизик сифати бор материалдан фойдаланишдир. Бу ҳолатни ўхшатма қилиб



тушунсак, тириклик, жон бу океандир, океаннинг мавжудлиги инсон илмидан ва иштирокидан ташқаридир (субнинг формуласини билиш, бу океан яратиш имконияти эмас), тайёр океанда Архимед қонунидан фойдаланиб турли мақсадларга хизмат қиладиган кемаларни куриб, океанни хоҳланг остида, хоҳланг устида сузаверинг. Лекин инсон илми башорат қиладиган, лекин уни ҳеч қачон тўхтатиб қолаолмайдиган довул, пўртаналар сизнинг ихтиёрингизда эмас ва умрлик кушандангиз эканини унутманг.

Материя аталадиган жонли нарсалар биология фани доирасида ўрганилиб, улар жонли-тирик, ўсувчи, туғувчи, қўпаювчи экан. Материянинг биологик қисми устидан ҳам том маънода ҳукмрон бўла олмас эканмиз. Фақат жонсиз материя билангина илм асосида хоҳлаганимизни қила олар эканмиз. Юқоридаги, бевосита Табиатга тегишли бўлган кучлар ва жонли нарсалар билан нима хоҳласак қила олмаслигимиз, илмларимизни Табиат - Илоҳ илми олдида яна бир бор ожизлигининг тасдиқи бўлади ёки бизнинг илмларимиз айримлар айтганидек «ҳамма нарсага қодир» эмас экан. Материянинг биологик қисми мавжудотлари тирик бўлганлари учун материя атамасдан фақат уларни ўлдирганимиздан кейингина (дарахтни кесиш, ўсимликни ўриш, жозодни ўлдиргандан кейин, яъни **метафизик** жондан жудо қилганимиздан кейин) материя аташимиз мумкин бўлади. Унгача, айтайлик бизни ёки Сизни материя атасак ғалатироқ чиқмоқда. Чунки биз жонли, мустақил тафаккурли ва инсон ҳуқуқли ва танамиз ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Шунинг учун жонли материя, атама қабул қилсакми? Биламизки, биологик мавжудотни яшаши, униб- ўсиши қонуниятларидан ҳабардорлигимиз биологик мавжудотлардан инсон эҳтиёжларига фойдаланиш факторига хизмат қилмоқда. Агар биз мол ёки қўйни сўйсаккина унинг гўшти -материя билан хоҳлаган пазандалик соҳасида ижодкорлик— маҳоратимизни кўрсатишимиз мумкин.

Шу қаторда айрим *назария*ларга назар ташласак. Диалектик материализм, идеализм, эволюцион назария... Ушбу назариялар кўпинча сиёсий фикр сифатида ишлаб келди. Ҳар бир фан — физика ёки химия, биологиядаги назарияларнинг амалиётда роли йўқ. Бу назарияларга суянмасдан ҳам бинойидек шу пайтгача кашфиётлар қилинди.

Иккинчидан, вужуди билан дахрий илмий тадқиқотчига амалий ахамиятли янги фикр Табиат томонидан берилмаган ва берилмайди. (Албатта бу кимнингдир хоши эмас, балки Яратувчи Табиатнинг ишидир.) Учинчидан илмнинг оталари Платон ва Аристотел, Ал Беруний, Ибн Сино ва бошқа илм-фан **устун**лари дахрийлик таълимини бермаган. Ким айта олади, дахрий «фалончи олим» манавий ҳаётгий ахамиятли ва инсоният ҳар куни фойдаланаётган илмни кашф этган деб. Дахрийлик ғоялари эгоцентрист, илм-фанга шовқин—сурондан бошқа ҳеч нарса бермаганларнинг ишидир. Инсоннинг барча илмлари **жонга**, унинг оромига, лаззати, фароғати ва яна барча унга яхшиликларга хизмат қилар экан. Лекин минг таассуфки, вақти соати келиб қолганда уни чиқариб юбормаслик илми деярли **0**. Чунки жонни метафизик, деб бекорга аталмаган.

Ва яна фанлар қаторида «психология — жон-рух, тириклик ҳақида фан» мавжудлиги ўзи аслида етарли илмий исбот. Лекин сафсата билан шуғулланувчилар жон- рухни «сопини» қўлларига худди пичоқни сопини ушлаган-дек ушлатиб қўйишларини ҳохлайдилар. Аммо бунинг иложи йўқ, -деган гапга, «илм-фан» фақат шундай ҳолатни тан олади, деб тўхтатадилар. Ваҳоланки ҳар қандай уруғнинг унга қулай шароитда униб –ўсиши инсон илмининг иши эмас, балки Табиат-Илоҳнинг иши эканини, инсоннинг руҳий сифатларини тушунмоқ учун материалистик таҳлилларига аргумент камлик қилса бундай одам фақат ўзи ўлиб кўриши кераклиги, шундагина жонсиз танаси на ҳаракат ва на тафаккурга қодир бўлмай, ҳеч нарсага ярамай, кўпи билан 3 кун сақланиб кейин тупроққа қўшилишини кўриши мумкин бўлади. Ана ўшанда жон-рухни инсон ва умуман биологик оламдаги ҳал қилувчи моҳиятини кўриши мумкин. Ўлим жараёнларида кимнидир кексалиги ёки бетоблиги сабаб қилиб кўрсатилса, соппа- соғ юриб туриб ҳеч қандай ваз- карсонсиз тўсатдан ўлган ёшларни ўрганишингиз керак деймиз. Айтмоқчи, 1991-йилда матбу- отда хабар тарқалди. Москвалик бир неча шифокорлар спортчи, ўта соғлом йигитни ўз розилиги билан клиник ўлим ҳолатига туширганлар ва бир неча дақиқа ичида реанимация қилиб олганлар. Кўпи билан 30 минутга бормаган тадқиқотдан кейин ушбу йигитнинг дунёга аввалги қарашлари 180 градусга ўзгариб қолган. Яъни дахрийликдан худо- жўйликка ўзгарган. Сабаб, у нариги дунёга бориб ва яна айрим нарсаларни кўриб улгирибди. Қизиқувчилар манбани архивдан топиб ўқишлари мумкин.

Жонли нарсани пайдо бўлиш жараёнида унга **жоннинг** кириши жараёнини илм билишни ҳохлайди. Афсуски бунинг иложи йўқ. Фақат танани жон тарк этгандан кейингина тадқиқотчига муайян жавоблар чиқади. Лекин бунда ҳам танани тарк этаётган жон ҳеч кимнинг кўзига кўринмайди. Матбуотнинг хабарига кўра америкалик мутахассислар тадқиқотида инсон танасини жон тарк этгандан кейин унинг оғирлиги 5-6 граммга камайиши кузатилган. Шундай қилиб, жоннинг бор-йўқлигини билмоқ учун қизиқувчига ҳаётий мисоллар ишонарли тушунча бермаса фақат ўзи ўлиб кўриши керак холос. Фаҳм қилдик, инсон жон-рухига қўшимча метафизик **нур-куч-энергия** инсон вужудининг икки жойи: юраги ва мияси, шунингдек ҳар бир хужайрасига узликсиз келиб турар экан. Ушбу фикрнинг асоси **Қуръонда**. Айнан шу метафизик куч-нур туфайли ҳар қандай жонзод яшамокда. Агар инсон юраги ва миясига жароҳат етса жуда тезлик билан ўлим топади. Шунингдек ҳар бир жонзодга, инсонга келаётган метафизик нур-қувват келиши тўхтаса жонзод ўша онда ўлади. Бу нурнинг келиш ёки тўхташ қонуниятлари илмий эмас. Бу ҳолат юқори -даги фикримиз учун асосдир. Ушбу метафизик куч-нур, жон аталувчи нарса -ни инсон вужуди яшаб турмоғи ва фаолият кўрсатмоғи учун хизмат қилади. Замонамизда «у дунё хабари»ни берувчи ишонарли информацион фикрлар жуда кўплаб эълон қилинди. Руҳий олам, метафизик куч тўғрисида Россия Фанлар Академияси ва Россия тиббиёт академияси, Россия педагогика академияси ҳақиқий аъзоси, замондошимиз Мирзакарим Норбековнинг илмий

мақолалари билан унинг китобларида танишишиш мумкин, уни такрорлашга биз ҳуқуқсизмиз. Инсондаги барча сифатлар шу жумладан, экстрасенсорик, парапсихологик ва яна бошқалари ҳам инсон жон-рухига берилган сифатдир. Айнан жон-рух инсон вужудини тарк этиши билан биз-ларни ҳайратга солиб турган унинг барча сифатлари ҳам биргаликда ўчади, ўлади. Жон рухни фаолияти айнан ҳар бир жонзоднинг физиологиясига ҳам ҳамоҳанг. Кашпировский дейсизми, Девид Копперфилд дейсизми ва яна биз номларини ёзмаётган минглаб алоҳида сифатлилар ҳар бири алоҳида яратилган нусхадир. Илмий тадқиқот кимнидир мияси физиологиясида ўзига ҳос сифатини аниқлаган бўлса ва шу шахс алоҳида иқтидор ва илмий маҳсуллар муаллифи бўлган бўлса, демак шундай интеллектуал сифат учун монанд физиологик сифат ҳам бирга туғилар экан. Шундай ҳодисалар бўлган. Фалончи мана бундоқ нодир интеллектуал сифатга эга. Чунки унинг миясида қўшимча шунча бурмалари бор экан, деб ёзишади. Бу мутлақо тўғри, Лекин бу одам шундоқ туғилди ва яшамокда. Илмий тадқиқотчилар томонидан аниқланган қўшимча, бошқаларда учрамайдиган бурмаларни бошқа мияларга хирургия ёрдамида ҳеч қачон қилиб бўлмайди!!! Демак илмий тадқиқотчи аниқлаган алоҳида мия сифати фақат унга берилган экан. Бу соҳада аниқлаган «кашфиётлар» илмга янгилик бераолмайди. Косметик хирургия бир нарса, лекин инсоний интеллектуал сифат фақат индивидуал - лигича қолади ва эгаси билан бирга ўлади. Аристотел ёзган «**ЭНТЕЛЕХИЯ**»ни тушунишдаги шарҳини бир қисми шундай.

Иккинчидан ҳар қандай **ном** мавжуд физик ва метафизик нарсаларга берилган. Бу қонундир. Ва илм аҳли эътироф этишдан ор қилиб юрган метафизик номлар, демакки инсон онги, тафаккури ва ихтиёридан ташқари мавжуд бўлган нарсалар (масалан: инс, жин, фаришта...), олим зоти пайдо бўлишидан бир неча минг йиллар илгари ҳаётга кириб келган. Буни эътироф этмаслик психология фани нуқтаи-назарида бизнинг **идроксизлигимиз** бўлади. Аниқроғи **юқори илм соҳиблари** идрок қилган нарсаларни идрок қилиш агар *бизга берилмаган* бўлса, бу биз учун унчалар ёмон ҳол эмас, фақат иқдор бўлишимиз муҳимдир.. Эйнштейнни тушунмаган миллиардлаб одамлар индамай юрибдиларку. Донишмандлар айтганидек: «*тушунаолмаган нарсангни нотўғри, кераксиз демагин.*» Чунки уни кимлардир тушуниб, ҳаётий жараёнларида фойдаланиб турибди.

Биз бошқа мақолаларимизда **метафизика** тушунчаси қамровидаги сифатлар аввало физик эмас, демакки илмий эмаслиги, яъни ушбу тушунчадаги сифатларни илм йўли билан ўзлаштириб бўлмаслиги, чунки бу мавзудаги сифатлар Илоҳий аталиб инсоннинг илмидан ташқаридаги ҳодисаларда намоён бўлиши, қолаверса **инсон илми** Борлиқ ва Инсон мавжудлиги барча соҳаларини ўз ижобий таъсири қамровига ола олмаслиги аниқроғи ҳеч қачон инсон илми «Табиат кучи», «Табиат яратган нарса», «Табиат берган сифат» тушунчаларидаги ишларни қилаолмаслигини изоҳлашга ҳаракат қилдик. Бу тадқиқотларимизда «инсон илми ҳар нарсага қодир» ибораси ҳаётий эмаслигини кўринади. Демак илм оталари –донишмандлар эътироф этган метафизик мавзу, яъни Илоҳ ва илоҳий ишлар, илоҳий

коидалар, тушунчалари инсон ҳаётида ҳаётӣ муҳим ва ҳар қандай илмнинг муқаддимаси сифатида қараб, илмда изланган инсон албатта муваффақият ларга эришиши тарихда ва илм-фанда ўчмас из қолдирганлари исботдир.

Мантиқий ўйинлар кенг тарқалди. Уларда асосан берилган саволнинг мазмунига, демакки фикр маъносига кўра фикрдаги етишмаётган нарсасифатини, ёки ҳодисанинг сабабини топиш талаб этилади. Бунинг мантиққа қандай дахли бор. Мантиқ сўзнинг кучи-ку!! Ҳамма гап шундада. Мана шу **куч** ортида унинг ташкил этувчилари, СЎЗнинг, яъни нарсасифатининг барчасифатлари турибди. Шу ерда **STOP**. Физика фанида куч  $P = ma$ , ҳар қандай куч ортида масса ва тезланиш туради. Мана шу сифатлардан энг асосийси, инсон илмий тадқиқотида аниқлаёлмаётган, асбоб билан ўлчаб бўлмайдиган рухий куч, қайсики сўз маъноси ичида бориб онгни «тақ»қиллатадиган ва уни ишлатиб юборадиган мантиқ аталувчи **куч** – **Табиий куч, Рухий куч, Илоҳий куч – метафизик куч** турибди. Фақат шу туфайлигина қабул қилувчи онг ишляпти. Ушбу ҳолатни бошқа жонзодларда тадқиқ қилишни ҳоҳловчилар марҳамат қилиб жонзодлардаги онг, тафаккур хусусиятлари ҳақида ҳозир ҳужжатли филм қилиб ишланган минглаб маълумотлар бор. Ана ўшаларни бирор рўйхатга тушириб таққослаб кўринг! Овчарка итда, делфинда, орангутанда, қарғада, чумчуқда... ва яна ҳоказолар. Зора онгингизга уриб қолса. Булар нима учун, қандай қилиб, ва яна ҳоказо саволлар остида қоласиз. Зўр бўлсангиз 5-бтасини олиб тарбия қилиб кўрасиз. Вассалом. Натижангиз эса дам олиш пайти боп бир қанча видеоролик томошалар эгаси бўласиз. Ҳар қандай умумлаштириш ёки дифференциаллашдан ечилмай қолаётган **метафизик ҳодиса, ҳолатлар** эгаси бўласиз ҳолос.

Бирламчи яратилиш-яралишда моддий нарсасифатини ёки аксинча рух моддийни деган материалистик савол. Аслида илм фан тараққиётининг ХХI асрбошларидаги ҳолатида бу қарашнинг аслида амалий аҳамияти йўқ. Фақат бу сиёсий фикр ҳолос. Сиёсий фикрнинг мақсади истеъмолчи оммани ўз атрофига жипслашдир. Конкрет илмни қайси бирини кўриб чиқсангиз барчасифатининг ёки нарсанинг мавжуд кучлари устида кетади.

Табиатнинг мавжуд кучларини ўрганганингизда эса эса кучнинг келиб чиқаётган манбаси кўринмайди, топиб бўлмайдиган.

Уларнинг манзили Ер ҳолос. Ернинг пайдо бўлиши тўғрисидаги барчасифатининг амалий аҳамияти йўқ. Илм инсонни ҳаётини енгиллаштиришга ва саломатлигини муҳофаза қилишга ҳизмат қилади. Умрбоқийлик бу ҳали хом хаёл. Ғолиб подшоҳ Махмуд Ғазнавийнинг талабига кўра Хўжа Хофиз Шерозий айтган сўзи:

«Агар минг йил умр кўрсанг,

Жаҳонга подишоҳ бўлсанг,

Ўларсан оқибат бир кун.»

Бу ҳақиқатни англамаслик, тафаккурда болалиқдир. Диалектик материалистлар айнан шу йўналишдадирлар.

Диалектик материализм:

— Идеализмга қарама қарши ўлароқ рух, онг ва тафаккурга нисбатан

материянинг, табиатнинг ва умуман объектив воқеликнинг бирламчилигини..  
— Тўғри!

Шу жойда бир нарсани мушоҳада қиламиз. «...рух...га нисбатан материя бирламчи», деган даъво турибди.

Аслида **илм** биологик оламни яратишга хизмат қилмаган ва қилмас экан, у ҳолда **мавжудлик**ни пайдо бўлиши ҳақидаги материалистик ва идеалистик қарашларни ҳал қилувчи аҳамиятлари ҳам йўқ. Чунки инсон илми бу жум - боқ муаммоларини ечишга қодир эмас ва бўлаолмайди ҳам.

Ҳар қандай экспериментал биологик ва психологик тадқиқот янги натижалар олиш, топиш давом этаверади.

Иккинчидан, ҳар қандай илмий эксперимент конкрет нарса ёки ҳодиса устида боради. Бу эксперимент ҳосиласи эса яна изланувчининг феъл-атворига — шу тажриба тадқиқот натижасига қўйган мақсадига боғлиқ. Агар мақсад беғараз, соф илмий қизиқиш бўлса унда ижобий натижа чиқади. Агар ғаразли бўлса уҳолда натижа ҳеч кимга керак бўлмайдиган сафсатадан иборат бўлади. 4 та чумчуқчани ўрганиш базасида пайдо бўлган дарвинизмни чироғига мой қўйган академик Вернадскийнинг фикрлари ҳам бирламчи яратилишга мутлақо дахлсиз нарсалардир.

Жонзодларни метафизик жараёнлар ҳаётий қилиб турибди. Шу метафизик жараёнлар туфайли у ҳис қиляпти, эшитаяпти, кўраяпти, таъм билаяпти, лаззатланаяпти, калласига турли ҳаёллар келаяпти ва яна ҳоказолар. Шу метафизик куч бўлмаса ҳеч нарса мавжуд бўлмас эди. Ўсимлик уруғи намлик ва қуёш нури етарли ерда униб чиқиши, ўсиши, катталашуви булар барчаси метафизик куч туфайлидир. Агар шу метафизик куч бўлмаса ҳар қандай нарса нам ерда чириydi, қуёшда қуриб қовжираydi. кукунга айланади. Биологик оламдаги жараёнлар Табиийдир, яъни Илоҳийдир. Бу жараёнларда инсон илмининг заррача ҳиссаси йўқ. Инсон ўз ИЛМи маҳсулларига жавоб беради ва у ҳақда ИЛМ нуқтаи-назаридан гапиришга ҳақли. Биологик оламдаги жараёнлардан унга тегишлиси агротехника, зоотехника, медицина ва яна шу кабилар. Бу ИЛМлар ҳам метафизик куч мададида амалга ошмоқда. Баайни ернинг ториш кучи таъсирида тепалиқдан тушаётган чанадек. Агар Ернинг тортиш кучи бўлмаса чана сирпаниб пастга учмаган бўлар эди. Ҳар қандай биологик объект, одам ва жонзодлар ҳали ҳаёт экан еяпти, ичяпти, ўсаяпти. Қачонки ўсимлик ўрилган бўлса, дарахт кесилса, эчки сўйилса энди у ҳақиқий материя. Энди айтайлик, тухум ҳали парранда босмасидан олдин куймоқ учун материя десак, шу тухумдан жўжа тирик жон бўлиб чиқди. Шу тириклик, жон — қувват, ҳаракат қаердан келди. Демак Ернинг ёки Қуёш системасининг ёки галактикамизнинг ва ёхуд 18 минг оламнинг қаеридадир метафизик қувват — жон манбаси бор эканки, инсон илми етаолмайдиган тарзда тухум-материядан тирик жонли парранда чиқди. Инсоннинг илми инкубаторни кашф этди, тамом. Бошланғич маълу-мотилиргга ҳам аёнки жон ато этиш — Оллоҳдан. Оллоҳ эса дарвинизм тарафдорларига ҳам жон бердики, энди уни булар ўлар пайти келгандагина насиб этса англаydi. Айтмоқчи, академик И. Павлов ўлими яқинлашгани-ни сезгач, шогирдларига топшириқ берибди: жоним чиқиш

онларидаги ҳолатларимни кузатиб, ёзиб туришлар, деб. Ана илм-фанга мухаббат ва садоқат наманаси. Хуллас рух-жон деган нарса бор экан, унинг пайдо бўлиш органи ҳақида шошмай тураемиз. Сабаб, рухни ўзи кўринмас ва илмий эмас лекин мавжуд экан, демак уни материядан аввал ёки материядан кейин пайдо бўлганини бахслашиш мутлақо мантиқсиз. Оламлар ва улардаги нарсалар, шунингдек ердаги биологик нарсалар ҳаммаси инсоний илмлар билан эмас, Илоҳий мўжиза билан яратилган.

Табиат биздан кучли ва унинг кучларини инсон бўйсундираолмаслигини билдик. Бундай тушунчамиз бизни тафаккурда ҳали моҳиятга ета олмаганимизни кўрсатади. Чунки моҳият ўзагида Моҳ –Илоҳ турибди, бу идеализмдир. Иккинчидан, машхур А.Эйнштейн очган қонун  $E = mc^2$  — яъни ҳамма нарса энергияга эга, яна бошқача айтсак

**ҳамма нарса НУРдан ясалган!**

**Яъни, материянинг асоси нурдир. Бу яратувчи нурлар ҳам метафизик, ҳам физикдир хусусиятга эгадирлар.**

Катта психологлардан М.К.Мамардашвили Э Ю Соловьева, В. С. Швырьеваларнинг А. Эйнштейн ҳақида ёзганларига кўра : Бу даҳо ўзининг ақлий меҳнат имкониятларини метафизик- инъом сифатида, бошқалар учун ҳам фикрлаш вазифаси сифатида кўрган...

Биолог олим оддий хужайранинг «сесканувчанлик» хусусиятини кашф этди. Ва ҳаётнинг бошланиши, тафаккурнинг пайдо бўлишини хужайрадаги шу хусусиятни ривож, деб хулоса қилди. Сесканиш тирик жонга ҳосдир. Тириклик эса илмнинг маҳсули эмас. Илм фақат трикликни вужудда сақла- ниши қонуниятларини ўрганди. Лекин абадий тирикликни эмас. Савол бердик. Нима учун хужайрага тегинсак у оғриқни сезиб сесканаяпти. Бу саволга жавобни бир умр тирик хужайраларни кузатсак топмаймиз. Унда жон мавжуд бўлгани учун. Бошқа ҳолатга қараймиз. Хужайра нима учун ўлди ва ўлгандан кейин унда сесканиш хусусияти йўқ бўлди. Товуқ тухуми оқсил хужайралардан иборат. Тухумни 40 даражага иситсак хужайралар «пишиб» сесканмайдиган бўлиб қолди. Демак ўлди, жон кетибди. Ушбу ҳолатни инсонда кузатсак агар у иситмалаб қолса ва ҳарорати 40дан ошса тиббийёт қаттиқ ҳавотирланиб қолади., «пишиб» қолмасайди, деб. Лекин инсонда 40 даражали ва ундан юқори ҳароратли ҳаммомда исинса ҳам «пишиб» қолиш жуда кам учрайди. Нимса учун?

Одам ўлиш жараёни кузатилса, 5 минут ичида сесканувчанлик йўқ бўлади, юрак урмайди, ўпка нафас олмайди, танада ҳарорат пасайиб кетади, чунки организмда ассимиляция-диссимиляция жараёни тўхтайди, ўлди. Тана – жасад совуди, мушаклар ҳам «ёғочлашиб» қатиб қолди. Қизик, мурдадан 99 фоиз одам кўрқади, тасодифан кўриб қолса кўрқиб кетади, Нима учун? Чунки унинг атрофида «ажал рухи», метафизик нарса бор ва ундан тирик одам рухи кўрқаяпти.

Қуръоннинг «Ал-исро» сураси 85-оятда ёзиб қўйилган: **(Эй Мухаммад), Сиздан рух-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг, «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир.** (Изоҳли таржимадан). Ушбу илоҳий фикрни том маънода тушунмоқ (билмоқ

эмас!) учун аввало аниқ ва табиий фанларни ҳам назарий ҳам амалий билиб кейин, камида 10 йиллаб парапсихологлар билан илмий тадқиқот олиб бориш шарт. Шу билан бирга диндор бўлиш ва узлуксиз ибодат билан ҳам шуғулланиш шарт. Шундагина бу фикрни бир қисм англаб етасиз. Агар инсон Рух сирини очоолса, яъни рух ясай олса унда у Илоҳга етиб олди деган сўз. Бунинг эса иложи йўқ. Ҳар қандай генетик инженерликни Рух ясаш ёки пайдо қилиш иши билан алоқаси йўқ. Инсон илми ишлари, мавжуд рухли нарсалар устида олиб борилаётган ишлардир.

Фалсафа ва умуман фанга тарихан ёндошувдан фикрини бошлаганлар Платон ва Аристотелнинг илмий меросларини асл маъносини нотўғри тушуниш, хусусан Метафизика мавзусидаги фикрларни тушунаолмаслик асосида уларнинг илмий қарашларини бир-бирларига қарама-қарши қўйганлар. Фақатгина 1500 йил ўтгандан кейин италян файласуфи Пико дела Миран-дола (1463-1494) бу қарашларни ҳаётда борича, тўғри тушуниб, Устозлар фикрларида қарама-қаршилиқ йўқ эканини таҳлиллар билан тушунтириб берди. Платон «Қонундан сўнг»(Послезаконии) китобида ёзган эди: «барча эркин санъатлар ва ақлни чархловчи илмлар ичида энг илоҳийроғи санок илмидир. Нима учун одам ҳайвонлардан ақллироқ деган саволга: чунки у ҳисоблашни билади, деб жавоб қилган. Яна Платон очиқ огоҳлантирган эди: «ҳисоб илмини билмай туриб файласуф бўлиш мумкин эмас. Ҳисоб илми деганда савдогарлар ҳисоб китобларини назарда тутмаяпман».

Бу мавзуда Аристотел ҳам ўзининг «Муаммолар китоби»да «Абуназар бундай ёзган эди: Вавилонлик Авензорнинг фикрича **ҳисоблаш санъатини эгаллаган киши ҳамма нарсани билади**». Ҳисоблаш санъати деганда ҳозир савдогарлар уста бўлиб кетган ҳисоб –китоб илмини тушунмаслик керак». Бу фикрлар замонамизда янада актуал бўлиб қолди. Ҳар қандай инсоншунослик (гуманитар) илм-фанларида ҳам янги фикр айтмоқ учун албатта замонавий тушунча билан айтсак физика-математика фанларини эгаллаган бўлиши шарт, деб ҳисоблаймиз.

Идеализм айтади: Борлиқни Оллоҳ (Табиат) яратган ва бошқармоқда, деб. Уни инсон ўз тафаккури ва илми билан яратди, демади. Энди солиштирайлик. Ким нотўғри гапирди.

Рухнинг бирламчи ёки иккиламчи экани ҳақида.

Аввало рух фақат биологик дунёда бўлади. Тирик эканмиз демак рухимиз бор. Ўлганимизда биздан рух кетиб ҳақиқий материяга айланамиз Лекин бизнинг рухимиз фақат бизники — одамники эмас. Биологик оламда ҳаракат, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш жараёнларини Оламнинг метафизик рухи таъминламоқда бошқармоқда, ўзгартирмоқда, одамнинг рухи эмас. Одам, ҳали жон-рух унинг танасида экан пайтда ижодкорлик қилмоқда. Танани рух тарк этиши билан Одамда на ҳаракат ва на тафаккур қолади. Ўлим шундай қонунки энди унга умуман ҳеч қандай «инсон илми» ҳаётни қайтараолмайди. Яратиш, ўлдириш — Табиат-Илоҳнинг илми аталади. У метафизикдир.

## НУР МАНТИҚИ

Мақолаларимизда «Илоҳий нур» иборасидан анчагина фойдаланганмиз. Ушбу материалистик бўлмаган тушунчани илмийлаштириш вазифаси олдимизда турибди. Илоҳий нур аввало маънавий фактор, маънавий тушунча.

Илмий –физик тушунчалар ичида назаримизда, Эйнштейнни қилган кашфиёти  $E = mc^2$ ;  $m = E / c^2$  –яъни ҳар қандай физик жисм-масса аввало НУР дан иборат.  $c = 300000$  км/сек. – нур тезлиги.

Қуръон, Нисо сураси, 177-оят. «Эй одамлар! Сизларга роббингиздан хужжат (Пайғамбар ва мўжизалар.) келди. Сизларга яна равшан НУР (Қуръон) ҳам нозил этдик.»

Бизга маълум нарса — Қуёш нури, Ой нури, ўт-олов нури, шам, чироқ нури, чакмоқдаги чақин нури ва ниҳоят электр чироғи нури. Булар биз кўрган, билган нурлар. Лекин мавзуимизда ҳаёт нури, тириклик нури, илмий ва касб-кордаги муваффақиятларимизнинг асоси бўлган, бизга кўринмаган, кўринмайдиган, метафизик НУР ҳақида фикрлаймиз.

Оллоҳни англаш жараёнида изланувчи учун «илоҳий нур» тушунчаси мавжуд. Бу ҳақда Фалсафий энциклопедик луғат (Философский энциклопедический словарь. М.1983г.)нинг 363-бетида «Метафизик нур» («Метафизика света») атамаси остида берилган маълумотлар бор. Ушбу, юқори обрўли илмий манбанинг хабар беришига кўра, «Илоҳий Нур- метафизик нур» тушунчаси антик давр охири ва ўрта аср фалсафасида онтологик (бирламчи –Яратувчи) маънода, ва ушбу Нур барча нарсаларнинг асоситаркиби сифатида мавжудлиги ҳақида айтилади. Ушбу тушунча масаласида Таврот ва Инжил хабарлари борлиги, Платон ва издошларининг ушбу мавзудаги фикрлари мавжудлиги, шунингдек Қуръонда «Нур» сураси ҳам борлиги айтилган. Бизда ушбу тушунча бу мавзудаги илмий-китобий манбалардан танишишдан илгарироқ пайдо бўлган эди ва албатта уни илмий тушунча даражасига етказмоқ учун атрофлича изланишлар қилдик.

Илоҳий нур тушунчамиз каердан пайдо бўлди. Муайян адабиётлар таъсиридами? Йўқ. Бу тушунчамиз психологик, парапсихологик тадқиқотлар жараёнида шаклланиб борди. Касалхонанинг травматология бўлимида автохалокатда оёғи синган 10 ёшли Нозимжон Қуръон суралари билан бир неча марта ўқилгани шарофати билан оёқнинг синган жойини битиши 25 кунга тезлашгани маълум бўлди. Худди шундай тадбир шарофати билан 8 ёшли Мубина кўр ичакни хирургик операцияси азобларини сезмай ўтказди. Шифокорни ҳам ишончи бутун бўлмаган ҳолда, 6 ёшли Муслима 2-марта юрагини операциясини муваффақиятли ўтишига шахсан ўзининг Яратувчига илтижолари олиб келдики, бу фикр шифокорни эътирофидир.

Қуръоннинг **Нур** сураси бир қарашда сура номи билан сура ичида айтилаётган фикрларни уйғунлаштириш вазифаси билан олдингизда туради. Бунга Қуръонда кўп марта такрорланадиган «ақлни ишлатувчилар учун ибрат хулоса: ақлингизни ишлатмайсизми?» шаклидаги Илоҳий талаблар ундайди. Чунки сурада асосан Инсон шани – инсонлик обрўсининг асоси бўлган эр-хотин ва эркак- аёл муносабатларидаги норма ва уни



бузилишига олиб келувчи ҳолатлар ва ҳаракатлар, етарли асоссиз бошқалар шанини булғовчи фикр, гап-сўзлар қилиб бўлмаслиги ҳақида ҳаётий кўрсатмалар берилган. Демак, Оллоҳ наздиди Инсон олдидаги энг буюк вазифа унинг маънавий поклиги масаласи экан. Инсон маънавий пок экан, унинг «оҳ»и (Яратувчига илтижолари) ҳар қачон Яратувчига етади ва тилаклари амалга ошаверади, хусусан илм-фан майдонларида ҳам. Мана шу маънавий поклик асосида инсон «оҳ»ини Яратувчига етиши ва Оллоҳнинг изн-иродаси билан унинг муаммолари ечимини топиш шарти, барчаси – Илоҳ Нури асосида амалга ошиши, назаримизда ушбу сурадан инсоният олиши керак бўлган асосий илмдир. Демак, борликнинг, тирикликнинг асоси, ҳар бир инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқишини асоси бўлган «Илоҳий Нур»га сазовор бўлмоқ, инсоннинг маънавий поклигига бевосита боғлиқ метафизик жараён экан.

Суранинг «Нур» деб номланишини сабаби, биринчидан **Оллоҳ** еру - осмонларнинг **нури**– асл ижодкори экани, иккинчидан инсонлар бахтли саодатли ҳаёт кечиришлари учун куёш нури каби зарур бўлган илоҳий ахкомлар мавжудлигидир. 35-оят. «Оллоҳ осмонлар ва ернинг **нури**дир. Оллоҳ ўзининг бу **нури**- га ўзи хоҳлаган кишиларни хидоят қилур. 41-оят. Оллоҳга осмонлар ҳамда ердаги бор жонзот ҳам, саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтиб-поқлашини кўрмадингизми? Аниқки барчанинг дуою-тасбеҳини билиб турувчи Оллоҳ уларнинг қилаётган ишларини билгувчидир. 42-оят. Осмонлар ва ерларни подшоҳлиги униқидир. Ёлғиз Оллоҳга қайтиш бордир. 44-оят. Оллоҳ кеча ва кундузни айлангириб турур. 45-оят. Оллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. 61-оят. ...қачон уйларга кирсангизлар бир-бирингизга Оллоҳ хузуридан бўлган бўлган муборак покиза **салом(сўзи)**ни айтинг.

Ҳар бир биологик хужайра айнан илоҳий метафизик **нур** туфайли тирик ва сесканувчандир. Ҳар бир хужайра тирик организмнинг элементар қисми сифатида организм ички жараён ва таъминотларининг бир участкаси сифатида, шунингдек автоном мавжудот сифатида ҳам Табиатнинг метафизик нури билан узликсиз таъминотдадир. Ўлик хужайра сесканмайди. озикланмайди, ривожланмайди, кўпаймайди.

**Нур** ҳар бир инсонда, унинг ҳар бир хужайрасида бор. У куч-қувват шаклида, довюрлик шаклида, меҳр мурувват шаклида, муҳаббат шаклида, ва энг ахамиятлиси иқтидор-интеллект шаклида. Ушбу илоҳий **нур**ни кўпайтириш яна инсоннинг ўз ихтиёрида. Илм олиш, билим кўпайтириш, машқ қилиш, жаҳд қилиш, ибодат каби инсоний психологик жараёнлар Илоҳий Нурни кўпайтириш воситасидир. Айниқса иқтидор-интеллектни кучайтириш, билимни оширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат-меҳнат-машқлар инсондаги нурни кўпайтиришга алоҳида ахамиятлидир. «Билим кучдир» мақолининг манбаи ҳам шундадир. Ҳам куч-ғайратли, ҳам билим-иқтидорли, ҳам меҳнатсевар одамлар катта Нурга эга бўладилар, ўзларидан нури заифроқларга намуна ва маёқ, ҳамда етакчи бўладилар. Айнан ҳозирги замонда ҳеч бир шифокор-табиб уддалай олмайдиган иш — рак каби энг бедаво касалликларни ҳам айрим иродаси кучли ва том маънлда «яшашни хоҳлови» инсонлар 40 кунлик очликка чидам ҳамда ибодат билан бедаво

дарддан қутилмоқдалар.

Худди шундай **нур**ни катта миқдорига филиппинлик (руслар ахборотларида «хилер»лар атовчи) авлиё табиблар (бошқапча атаб бўлмайд, деб ,хисоблаймиз) эришмоқдаларки уларнинг шифокорлик услублари том маънода мўжизавийди. Улар одам танаси ичига ҳеч қандай пичоқ билан кесиш қилмасдан яланг қўли билан кира оладилар, касал аъзони қўли билан олиб ташлайдилар. Албатта бу мақомга етиш йўлида улар аввало юксак маънавий поклик билан кейинги ўринда машаққатли машқ ва ўқув, чидам билан етишганлар. Бу ҳақда хужжатли филмлаар ҳам тарқаган.

Ушбу тушунчага етмоқ, уни англамоқ, замонавий ибора билан атасак субъектив, яъни табиий жараёнлардаги айрим ҳолатларни тахлилида билвосита тарзда ушбу тушунчанинг ўрни пайдо бўлади. Бу фикр-хулосаларимизга асос сифатида азиз-авлиёлар аталган инсонлар ҳаётига назар солсак. Бир нарса маълум бўлади Ҳа, айнан маънавий поклик ҳар қандай инсонни мана шундай «Оҳ»и Оллоҳга етадиган ва унинг тилак –дуолари ижобат бўладиган нодир «инсоний поғона»га олиб чиқади. Президентимизнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида бизга раво кўраётган илмнинг ўзаги шудир.

Табиатда ҳар қандай нарса – хусусан ҳар қандай биологик турни бирламчи пайдо бўлиши- яралиш – Илоҳий *мўжиза* билан, яралган нарсаларни кўпайиши – туғиш билан. Ҳаётини жараёнларни кечиши Илоҳнинг мета физик нури – ҳаёт нури ҳамда ер, сув, ҳаво, қуёш билан. Илоҳий – метафизик **нур** берилиши тўхтаганда ҳар қандай биологик нарса ўлади, ва уни сув ачилади, қуёш қуритади. Инсоннинг яратувчилиги эса, илм-фан ва ишлаб чиқариш билан. Бу аксиомадир. Илоҳий метафизик – ҳаёт нури қуёш нурига ҳам, электромагнит тўлқинларига ҳам ўхшамайди, яъни физик-жисмий хусусияти йўқ. Унинг мавжудлигини фаҳм билан англаймиз. Айтайлик инсонга шу **нур** берилиши тўхтаганда у ёшидан қатъий назар, ва жисмоний соғломлик даражасидан қатъий назар у ўлади. Ушбу жараённи тушунишда исталганча тиббий тадқиқот ўтказиш мумкин. Кўпинча умумий ахволи нисбатан қониқарли одамлар ўлиб, улардан анчайин оғирроқ ҳолатдагилар тирик қоладилар. Яна, шу ҳаёт нури оддий, бир хил шароитда кимларгадир ва яна нималаргадир кўпроқ тегади. Ва албатта ушбу **нур** кўпроқ насиб этган одам ўша кун иши унумлироқ, мусобақада қатнашаётган спортчи, рақиблари билан тенг кучга эга бўлса ҳам омадлироқ, ва яна кимдир автофалокатдан омон чиқди, яна бошқа кимлардир арзимас сабаб билан фалокат қурбони бўлди ва хоказо ва яна шунга ўхшаш ишлар. Илоҳий, ҳаёт **нури** қандай ва қанча насиб бўлганини инсон ўша онда фарқига етмайди.

### Сўздаги нур

Шоирлар шеърда, ёзувчи сатрида, актёр харакати ҳамда ижросида хонанда қўшиғида ва ҳатто сизга айтилган ёмон, қўрқитувчи, дахшатга солувчи сўзда одатдагидан ташқари нур –куч–руҳ бор. Шу нур-куч қалбингизни илитади, титратади, йиғлатади, ёки қўрқинч, ваҳима солади. Шундайлар бор, менга ҳеч нарса таъсир қилмайди, ҳеч нарса қўрқитолмайди, дейдиган. Бу тўғри. Ҳозир сизни ҳам жисмингиз, ҳам рухингиз бақувват

Насиб қилса, яшайверсангиз бир кун ўзгариш бўлиб қолар. Кимдир айтади: отам ўлди, йиғлайолмадим, онам ўлди йиғлайолмадим. Кимдир навқирон фарзанди ўлганда ҳам йиғлайолмади. Бундай мисоллар ҳам учраб туради. Бу ҳол ҳам Яратувчининг мўжизаси, агар фаҳмласангиз бошқалар йиғласа-ю сиз йиғлайолмасангиз. Бизнинг сатрларимиз илмий эканини унутманг. Илм –табиатдан, ҳаётдан кузатув асосида олинади. Биз ҳам сиз билан бирга кузатишда давом этамиз. Йиғлаш жараёни инсон руҳининг Илоҳиёт билан «бир тўлқин»га тушишга ўхшаш жараёндир.

Буюк Британия улуғ юрт Ҳиндистонни 250 йил мустамлака қилиб, халқини эзиб келди. Бир неча марта ҳинд халқини озодликка эришмоқ учун кўзғолишлари кўзғолончиларни ўз қонига ботириш билан якун топди. Ҳиндистон озодлиги учун жонфидо курашчи, халқнинг буюк доҳийси Махатма Ганди 1949- йилда ўз фаолияти учун ҳибсга олиниб Ҳиндистондан жуда ҳам узоқда, инсон маконининг бир чеккаси бўлган Жанубий Африкадаги турмада сақланаётган эди. У ватанидан жуда узоқда турмада туриб Ҳиндистон ватанпарварларининг навбатдаги озодлик учун кўзғолони бостирилганини эшитди. Нима қилиш керак? –деган изланиш, эзилишига унинг онгига алоҳида **Илоҳ нуридан иборат фикр** келди: «Биз мустамлакачиларга қарши бошқа қурол кўтармаймиз. Лекин уларга энди бўйин эгмаймиз!!!» Бу илоҳий нур билан суғорилган фикр Ҳиндистонга ва бутун жаҳонга тарқалди. Мўжизани кўрингки, Буюк Британия ҳукумати ушбу **СЎЗ** таъсирида Ҳиндистонни ҳеч қандай уруш- жангсиз ташлаб чиқиб кетди.

Нур ҳодисасини англашга яна бир мисоллар шуки, айрим инсонлардаги ташқи, арзирли сабабсиз ўлим ходисаларидир. Кузатувларимизда, оз сонли бўлсада узоқ 5-10 йиллар оралигида турли касалликлар сабабли оғир ётган беморлар мисоллари. Тахлилларда ҳайратга солувчи ҳолат шуки тадқиқотга олинган беморларни тузалиб кетишига тиббий мутахассисларнинг фикрига кўра ҳам умид йўқ. Кўпинча бундай беморлар хатто мумкин бўлмаган даражада қаровсиз ҳам қолиб кетадилар. Энди шу кузатув даврида унча мунча туппа-тузик ишлаб, яшаб юрган айрим замондош, ҳамюртларимизни тўсатдан ҳаётдан кетгани ҳақида хабар топамиз. Барча илм-фан ва тараққиётдан мақсад, яхши таминланган ва қулай шароитларда узоқроқ яшаш бўлса, ва юқоридаги фавқулодда рўй берган ўлим ходисаларини олдини олишни иложи йўқ экан. У ҳолатларни сабабларини тушунмоқ учун қилинган чуқурроқ материалистик сабаб, таҳлил, мулоҳазалар ўлим ходисаси учун ишонарли асос бўлмай қолади. Сабаб содда, унга НУР келиши тўхтаган.

Суратда НУР. Рассомлар асарларини руслар «живопись– жонли тасвир» атайдилар. 1995йил бўлса керак Тошкент телевидениесида бир хаваскор ўзи ясаган прибор воситасида рассом чизган расм- асарга приборини яқинлаштирганда тасвирда муайян миқдор электромагнит майдони мавжудлигини кўрсатди. Айнан шу сабаб туфайли нозик таъб ишқибозлар кўл меҳнати билан қилинган турли сувенир ва бошқа нарсаларни севиб коллекция қиладилар Чунки у нарсаларда ҳақиқатан ҳам инсон қалб кўри, қалб- **нури**, Илоҳ НУРИ жойланган.

## Оллоҳни англаш.

Илм-фан гуркираб ривожланган кейинги 200 йил. Бу даврда Одам-атодан бери оғзаки, тилдан-тилга ўтиб келаётган жуда кўп билим ва ҳунарлар қоғозга туширилди, том маънода илмга айлантирилди. Хусусан 19-аср бошида худосизлик илм сифатида фан саҳнасига чиқди. Диалектик материализм аталган дахрийлик аввало онгларга тарқалди, кейин бу фикр тарафдорлари сиёсат ва давлат тепасига келдилар. Ушбу, фалсафа фанига тиқиштирилган йўналиш – «диалектик материализм»ни асл маъноси – диалектикус лот. диа – икки; лектус – сўз. икки сўз яъни икки илдизли фикр, икки хил қарашдаги материализм, дейилган. Лекин мусохабада фақат иккинчи овоз: дахрийлик овози эшитилди. Биринчи сўз, художўйлар овози ўчириб қўйилган эди. 70 йиллик хукмронликдан кейин, Ер юзида дахрийлик лагери деворлари кулагач, бу юртларда художўйларнинг ҳам фикрлари тафаккур ахлига эшитила бошлади. Художўйликнинг ғоялари ўзагида том маънода «пок турмуш тарзи» талаблари турганини фаҳмлай бошланди.

Илоҳиётни илмий ўрганиш, тадқиқ қилиш соҳасида жаҳонда, илм-фан майдонида шаклланиб қолган тушунчаларни таҳлил қилиш асосида чиқарган бизнинг биринчи хулоса – шу бўлдики, фан аҳли Оллоҳ, Худо, Парвардигор, Тангри, Бог, The God..., ИСМлари ва **дин сўзи** тушунчалари мантиқий сифатларини тўла очиб кўрмаганлар. Илм кишилари Оллоҳ, Худо... СЎЗИ тушунчаларини «дин» сўзи тушунчаси ичида кўрадилар ва «фан» тушунчасини, яъни инсоннинг тафаккур қилиш имконияти – ақлини ҳамма нарсадан устун кўрадилар. Телевидениеда илмий мавзудаги суҳбатда гапираяпти: «Олам чекли, лекин инсон тафаккури чексиз». Бу илм ахлининг тушунчаси. Чунки у газета ўқиб, радио-телевидениеда тамоша қилиб оламдаги кўп нарсадан хабардор бўлди, ўзини билувчи хисоблади, баайни кўшни хонадондаги оилавий жанжалдан хабардор бўлгандек. Лекин, *нима учун шундай бўлмоқда*, – саволини ўзига бериб кўргани ҳам йўқ. Ваҳоланки бутун оламни Яратувчиси – Илоҳ, Оллоҳ, Худо, Парвардигор, Бог, The God... ва яна бошқа, жаъми 3313 ИСМлар ЭГАСИни Ўзи яратган нарсалар қамровида кўриш, бу биринчи мантиқий хато эди. Бундай илмий қарашни ўхшатма қилсак, баайни «ҳар қандай инсон ўз ота-онасини туғиши мумкин»дек. Платон, Аристотел, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва яна барча биз исмини ёзиб улгирмаган даҳо-донишманд илм оталари ХУДОЖЎЙ бўлганлар ва бу сифатларини изоҳлашга ҳожат сезмадилар.

Аллоҳ — Ан + Илоҳ

Ан — ҳаёт берувчи, яшатувчи, умр берувчи, ризқ берувчи...

Ваҳоланки ушбу исмлар тарифлаётган сифатларни тушуниш бирламчи вазифа бўлади. Бу ҳолат мантиқ фан сифатида саҳнага чиқибди-ю лекин бу фанни амалиёти билан шуғулланиш, сўзларни, хусусан Оллоҳ -(сўзи)ни тавсиф этилган сифатларини мукамал тушунишга ҳошиш, одамшунослик (гуманитар) фани этиборига этиб борган эмас.

Мантиқий таҳлил

Платон: нарсанинг номи унинг моҳиятини билдиради, –деган эди.

Моҳият марказида эса **Моҳ** турибди. Моҳ бу Илоҳнинг исмларидан биридир.

Ушбу таҳлилни қилишимизга сабаб, кузатувларимизга кўра илм аҳлининг катта қисми Оллоҳни «дин» сўзи тушунчаси ичида кўрадилар ва «фан» тушунчасини «Оллоҳ» сўз- тушунчасидан устун кўрадилар. Бундай қарашлар мантиқшунослик супасидан қандай кўринишини олимларга тушунарли сўзлар мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

шўрва < таом < озуқа(озик)

Яъни, **шўрва** сўзининг қамровидаги, шу сўзни эшитганимизда сиз билан бизга англашиладиган : қўй гўштида шўрва, товук шўрва ... ва яна бошқа шўрвалар бўлса, таом сўзи қамровида жамики пиширилган емишбоп нарсаларни тушунамиз, озуқа сўзи ортида эса одамлар истемол қиладиган барча, пиширилган ва хомича ҳам ейилаверадиган нарсалар тушунилади. Сўзлардаги мантиқий фарқ бизнингча шундай бўлади. Энди асосий мавзуи мизга қайтсак **Оллоҳ, Худо, Бог, THE GOD...** сўзларининг мантиқий қамровига, сифатлари рўйхатига барча халқларнинг барча ЛУҒАТлари, яхши-ю ёмон, қаттиғу-юмшоқ сўз-у ибораларининг барчаси кирадилар !!! Мана бу тилшунослар учун, мантиқшунослар учун совға!!!

Жалолиддин Румий ҳазратлари ўзининг «Ичингдаги ичингдадир» китобида (60-бет) «**Улуғ Оллоҳ тасаввурлар оламига, ҳатто ҳеч бир оламга сиғмайди, тасаввур қилган (киши) уни қамраган бўлар эди. Демак, у барча оламлар устида экани англашилмоқда**». Яъни инсон ниманидир тасаввурига олаолса, демак уни фикр билан қамраган бўлади. Фикр билан қамралган нарса, ҳодисани инсон такрорлай олади. Замонамиздаги техника тараққиёти даражасидан қатъий назар ҳали инсониятнинг тафаккури қамрашни хоҳлаётган ва бу йўлда қилаётган ҳаракатлари кўп. Натижалар эса чекланган.

Шу пайтгача диний тарғиботларда «Худони таниш, Оллоҳни таниш» каби иборалардан фойдаланилади. **Оллоҳ** СЎЗИни мантиқий сифатларини таҳлилга олганимизда инсон лексиконида мавжуд барча сўз ва иборалар, гап-фикрлар, инсониятга маълум барча нарса, ҳодисалар ва уларнинг сифатларининг ҳаммаси Яратувчининг сифатлари таркибига киришини билдик.

Табиатдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодиса ИСМ-НОМга эга. ИСМ-НОМ эса, сўз– товуш оламидаги нарса бўлиб, уни қабул қилган кулоқ, мия-онгга «мантик» деб аталадиган «маъно-моҳиятли» товуш тўлқинлари етказиб, ушбу товуш тўлқинлар мия-онгда нарса НОМИ ортида турувчи сифатларни тасаввур сифатида пайдо қилиш хусусияти берилган. Нарсанинг сифатлари эса кўзга кўринувчи (объектив) ва кўринмайдиган, лекин ақл билан аниқланадиган (субъектив) (М: Олманинг шакли-кўриниши, ранги объектив бўлса, таъм- мазаси, хиди, шифобахшлиги субъективдир). Сифатлар ҳам ўз ИСМ-НОМларига эга. Ва булар инсон онгида аввал **тушунча** шаклида шаклланиб аста-секин бу тушунча бойиб боради (онг эгасинингсай-ҳаракати билан) ва **билим** аталувчи даражага етади. ушбу таҳлилимизда айнан мана шу «мантик» аталувчи фан, (бу фан рост билан

ёлғонни ажратиб бера олиш хусусиятига эга. Ҳақиқатни аниқлаш ҳар бир фанда ўзига хос услубларда олиб борилади ва улар соф мантиқийдир.

Инсон илоҳиётни англаши учун у табиат ва инсон ҳаётидаги физик конунлар ўз таъсирини ўтказмаган– кўрсатмаган вазиятларда, шахсий ҳаётидаги ходисалар ичида, имконияти бўлмаган, асос солинмаган ҳаётий жараёнлардаги кутилмаган муваффақиятлар , шунингдек ёқимсиз ходисаларда кўришни ўрганиши керак. Муайян билимли инсонларга ушбу йўналиш бари бир ишонарли бўлмайди, лекин аналитик таҳлил ҳам қилмайдилар. Бу инсон тафаккуридаги табиий психологик тўсиқдир.

Илоҳ, Оллоҳ, Роб, Раҳмон, Раҳим ... жаъми – 3313 Исм эгаси – бутун олам, галактика, метagalактикаларни, улардаги барча нарсалар, хусусан Инсонни яратган ва улардаги барча жараёнларни, хусусан инсонни онгли фаолиятини бошқариб турган Зот. Ул зотни фақат исмини биламиз. Ва охирги китоби Қуръонда ул Зот ўз исмини **Оллоҳ** аташимизни билдирди. Бу исм 3313 исмдан бизлар учун энг шарофатли ва баракотлисидир. Ва шу исми билан Унга муножот ва мурожаат қиламиз.

Дин – инсонга Оллоҳ томонидан берилган яшаш конун –қоидалари, тушунча- насиҳатларидир.

Энди кўрайлик, қандай қилиб мантиқ тарозисида Оллоҳ –бутун олам, галактика. метagalактикаларни Яратган Зот, 3313 исм (бу исмлар унинг сифатларининг номларидир) эгаси инсонга берилган насиҳатлар ёки инсоний яратувчилик жараёни қамрови ичида бўлади.

Илоҳнинг исмлари маъно-моҳиятини аниқлаш муҳимдир. Бу маъно-моҳият Унинг энг асосий сифатлардан хабар беради. Нима учун шундай аталган, исмланган ? Ёки мавжуд исмларни остида нималар, қандай сифатлар бор экан ?- деган, савол бериш жуда илм –фан учун жуда муҳимдир. Илоҳ, Оллоҳ, Худо, Парвардигор, Тангри, Бог, ТнеGod, Тео ва яна арабий 99 исм, булар ҳаммаси Унинг сифатлардир. Уни англамоқ – билмоқ файласуф бурчидир, ишидир. Яъни уларни билмаслик– тушунмаслик ва билишни хохламаслик ўзини файласуф хисобловчи инсонни жудаҳам калтафаҳм, фаросатсизлигидан далолатдир, яъни вужудий, қалбий хиссиётсизлигидан далолат.

Қуръон, Аъроф сураси, 180-оят. «Оллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша гўзал исмлар билан чорланглар».

Лекин бу вазифани бажариш, исмлар маъносини ўз фикру-зикри-мизга сингдиришимиз қийин. Лотин луғатида «Инсон – адашувчи» маъноси бунга жавоб. Ҳаётий ҳолатларни кузатсанг айримлар учун, такводорларга ҳам бу йўлдан адашиш иши бир қадам. Диндор сифатида ҳамма талабларни бажариш қийинга ўхшайди. Шунинг учун хазрат Баҳоуддин Нақшбандий нинг бир ибораси бу соҳадаги улкан асар хизматини ўтайди: «Дил ба ёру, даст ба кор» – қўлинг меҳнатда-ю дилинг Оллоҳда бўлсин». Бу диндорлик нинг энг такомил формуласи. Айримлар диний илмни дунёвий илмдан устун қўйсалар, бошқалар дунёвий илмларни диний илмдан устун қўядилар. Ваҳоланки икковлари инсонга тенг аҳамиятли: бирини билиб, иккинчисини билмаслик, демак чалалик, баайни онасини таниб отасини танимагандек.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, Ан, Илоҳ, Оллоҳ, Худо, Парвардигор, Тео, Бог, The God... исми ва Унинг мавжудлиги ҳам фандан, ҳам диндан ташқарида, яъни бу сўзлар қамровида умуман ҳеч қайси сўз қамровига сиғмайдиган **чексизлик** сифатлари бор. «Фан» сўзи остида инсон тафаккури доирасидаги ҳамма нарса тушунилади. «Дин» сўзи остида инсоният учун панд насиҳатлар тушунилади. Худо сўзи остида эса инсоннинг кўзига кўрингану-кўринмаган, ақлига сиққану сиғмайдиган, Ер, сув, осмонимиздан тортиб «Сомон йўли» галактикамиз-у ундан-да ташқари барча метагалактикалар-у, қора туйнуклар, кўринувчи ва кўринмас нурлар-у, тўлқинлар, фақат санокли одамларга кўринадиган инсу –жинлар ва яна бошқалар, ҳамма-ҳаммалари Илоҳ, О Л Л О Ҳ... сўзларининг мантиқи таркибларидир. Дин сўзи эса Оллоҳни инсонларга буюрилган пок яшаш тарзини тарғиб қилиш, танитиш билан шуғулланувчи соҳанинг номи ҳолос. Лекин ушбу мавзу кишилари, мисол-масалалари ҳали кўп фан кишиларининг кўпгина саволларига жавоб берганларича йўқ ёки қониқтирганича йўқ. Чунки фан кишилари лаборатория тадқиқотлари натижаларини кўришни ўрганиб олганда. Дин уламоларининг эса бундай лабораториялари йўқ. Уларнинг лабораториялари инсоният жамоалари ва шахсий ҳаёт йўллари, тўхташ, узилиш ҳолатларидир.

Аслида дин – *диалектика* аталувчи фалсафани бўлими – биринчи лектикаси, яъни фалсафанинг аниқ фанлардан кейин турувчи, инсоншунос-лик (гуманитар) фаннинг биринчи фанидир – китобидир. Иккинчи лектикаси эса бизга ўқитилган дахрий қарашдир. Шундай тартибда фанларни қўйсак фанлар ичида диннинг ўрни очик ва содда ҳолда кўриниб қолади.

ҚУРЪОН Бақара сураси 186-оят. англаган маъно.

«Сиздан, менинг ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини амалга оширурман. Бас, улар ҳам Мени (онг-тафаккур билан) қабул этиб, Менга имон келтирсинлар, шоят тўғри йўлга тушиб кетсалар.»

Фалсафада (Фалс. бил. асос. 13-бет) – Материалистик диалектикага тубдан қарама-қарши бўлган метод метафизикадир. – дейилган. Аслида фалсафа сўзининг мантиқий маъносига кўра фалсафа – « монолектик материализм» маъноси тўғри келади.

Метафизика материалистик илмга қарши эмас. Фақат метафизикани англамоқ учун ҳам материалистик, ҳам маънавий тадқиқотлар қилмоқ керакдир. Фандаги бирор бир фикр, хулосага қарши фикр бор экан демек у фикр ҳақиқатан ҳам мафжуд, фақат уни етарли ўрганаолмаганлар.

Фалсафа – бу табиат, инсон ҳақида соф фикр, гап, сўздир. Бу гап, сўз барча нарсаларни яратувчиси Оллоҳдан бошланиб, нарса, ҳодисаларга тегишли сифатлар ҳақидаги фикрлардан давом этиб, метафизика билан яқунланади. Бунда Илоҳий жараёнлар мўжизавий, физик жараёнлар илмий тафаккур қилинади.

«Диалектика – ҳаракатнинг, тараққиётнинг манбаи предметлар билан ҳодисаларнинг ўзига хос бўлган ички зиддиятларидадир» (12-бет) деб билади. Материалистларнинг фикрига кўра материя абадийдир, уни ҳеч ким ва ҳеч қачон яратган эмас, дунёда ҳеч қандай ғайри табиий, илоҳий куч йўқ.» (8-бет).

Бундай фикрловчиларга қарши қўйиладиган илмлар бор. Бу фанларни бирор-тасини эгаллаганлар жуда осонлик билан ҳеч қандай лабораториясиз, ҳатто билмоқчи бўлган одамга бармоғини текказмасдан ҳам метафизик куч-Илоҳий кучни кўрсатиб ёки таъсирини сездириб қўя олади. Бу куч – диний хабарларга асосланган — Рух кучи намойишидир. Оддий шароитда психокинетика — Ньютон қонунини бузилишидир. (P.S. Диалектик материализмни ҳалқ ҳаётига сиёсат билан жорий этган мустабид доҳий Сталин 1943 йилда, ҳали 11-жаҳон уруши оғир кетаётган пайтда, зудлик билан мамлакатда диний идоралар очилишига топшириқ берди.)

Замонамиз донишмандлари Оллоҳни англашда илғорлар йўли «тасаввуф»ни илм сифатида тан олдилар. Албатта фаровон ва тўкин-сочин ҳаётли замонамизда тасаввуф йўлидан юриш ва бу илмни ўзлаштириш китоб ўқиб уни ўзлаштиришдек осон иш эмас.

Тасаввуф– Аллоҳни ҳар он зикр қилиш, дунёга майл этмаслик, тақво, бошқаларга меҳрибонлик ва одамларга ёрдам, илм билаан шуғулланиш яна шу каби ҳоказолар...

Ушбу сўзни этимологик таҳлил қиламиз:

**тасаввуф** = та + сав + вуф

та – масдар. –эгаси, қилувчи... маъноларида.

сав ← соф – Илоҳнинг софлиги.

вуф ← уф – нотўри фикри, гапи ёки иши учун «уф» тортиб афсусланиш.

**тасаввуф** асл маъноси. —

**Илоҳга мақбул софликка ва кейин афсуда қолмасликка интилиб яшаш.**

Ушбу маъно тасаввуфчиларнинг ақидаларига мос чиқди. Ўйлаймизки дин олимларига ҳам мақбул бўлади.

Фалсафанинг ҳозиргача ечилмаган асосий масаласи: —**Инсоннинг туғилиши, яшashi ва ўлимидан мақсад нима?**

Бу мавзуда жуда кўп тоза қалбли олимлар фикран изланганлар, ўз фикрини айтганлар. Дин илмида турган тайёр жавобни қабул қилишга эса (фаҳмимиз- ча) аргументлари – илмий асослари етишмаган. Чунки тафаккур эгаси эшитган ёки ўқиган гапини кўр-кўрона қабул қилмайди. Ҳатто  $2 \times 2 = 4$  ни ҳам қайта, ўз онгида «чайнаб» кўриб, ўз фаҳмида ишонарли тушунча ҳосил қилибгина, ўз тушунчасини ҳукмга айлантиради. Бир уламо ўз маърузасида «Оллоҳ – «сиз(Мухаммад с. а. в.)ни яратмасам 18 минг оламни яратмас эдим», деган, деб муқаддас ҳадис мавжудлиги ҳақида гапирди. Очиғи ушбу иборани тушуниб етиш фикри бизни тинчимизни олди. Бундай фикримга сабаб, биз эътибор берган ҳадисларда пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в. ўз шахси ҳақида фақат ўта камтар фикрларни, масалан, «мен ҳам сизлардек оддий одамман, саводга ҳам эга эмасман», каби фикрларни айтгани ҳақида ишонарли тарихий маълумотлар мавжуд. Ушбу саволимизга жавобни икки йил изладик. Жавоб эса ўқиган илоҳий, тарихий ва бошқа китоблар берган маълумотларни қайта-қайта таҳлилидан ҳосила фикр сифатида келди. Келган фикрларни шундай ёзаолдик.

Маълумки, яратувчи Холик Инсонни, Одамато ва момо Ҳавони



яратиб, уни асрлар оша кўпайтириб, турли элат, миллат, ирқлар шаклига етказиб, Ўзига мақбул тарзда яшашни ўргатиб борди. Кўпайиб ер юзини эгаллаётган, ва ҳар бирига бир-бирлариникига ўхшамайлиган тафаккур берилган Одамзотни, мақбул тарзда яшашни ўргатиш, ўқитиш вазифасини эса одамлар ичидан танлаган пайғамбарлар, авлиёлар, алоҳида тафаккур ва илм берган донишманд– олимлар ва бошқа беғараз, покиза табиатли зукко инсонлар орқали, уларнинг тафаккури –онгига керакли фикрларни етказиш йўли билан амалга оширди. Замонамизга етиб келган Қуръон ва унда илоҳий сўзлар билан тасдиқ ва таъкидланган, «пайғамбарларни барчаларини биз оламлардан афзал қилдик», «биздан юборилган Таврот ва Мусони, Забур ва Довудни, Инжил ва Исони тан олмаган мусулмон эмас» оятлари Яратувчи «дин» аталувчи қонун – қоидалар билан инсониятни босқичма-босқич тарбиялаб, Яратувчининг куч-қудрати таъсирини қандай англаш кераклигини ўргатиб келаётганидан хабар-далил исботдир. Хусусан Қуръонни – Қуръони Карим деб ном олиши, яъни ушбу Китобда ёзилган кўрсатмаларни бажарувчилар каромат, яъни Илоҳий мужизалар эгаси бўлиши мумкинлиги ҳақида хабардир.

Анъом сурасининг 83- 86 оятларида «...Нўх, Иброҳим,...Исҳоқ, Яқуб... Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Хорун...Закариё,Яҳё, Ийсо ва Илёсни, ...Исмоил, ал-Ясъа(Ювша),... Юнус, Лутни ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик.» оятлари юқоридаги биз исботини истаган фикрни далилидир. Шунингдек Таврот, Забур, Инжилда Пайғамбарларнинг Яратувчига мурожаат– муножоти **хамду– сано**дан бошланиши, Қуръонни очқичи «Фотиҳа» сурасини «Алҳамду лилаҳи роббил алабийн» – «Оламларни Робби-си (Эгаси, Яратувчиси)га **хамд**лар бўлсин -дан бошланиши, яна шунингдек Мухаммад с.а.в. га онаси Оминанинг хомиладорлик пайтида унинг тушида – «қорнингдаги болангни исмини «**Мухаммад**» яъни – Оллоҳга **хамд** айтувчи , деб қўйиши ҳақидаги Илоҳий билдирувлардан хулоса қилсак, Буюк Яратувчимиз Ўзининг бизни яратишдан мақсади: бизга ҳаёт, умр, ризқ, фарзанд ва яна бошқа, барча нарсаларни, қайсики биз уларни истеъмол қилаяпмиз, фойдаланаяпмиз, кўриб завқланаяпмиз ва яна шу қабилар учун... бутун қалбимиз билан:

#### **Алҳамду лиллоҳи роббил оламин**

(христианлар: **аллиллуе**, дейдилар) дейиш,- ҳолос. Бу бизни илмий, касбий ва турмуш камолимизни биринчи зинапоясидир.

## Тафаккур ва мантик

Тафаккур мавзусининг муҳимлиги шуки, инсоният илми дунёнинг **нарса, ходисалари** ва улардаги сир-асрор-қонунларнинг анча қисмини кашф қилди, ўзлаштирди, шу боис ўзини тафаккурда кучли сеза бошлади. Бу шароитда айримлар: «инсон тафаккури чексиз, демак бу асосда унинг илми ҳар нарсага қодир» шиорини ўртага ташлай бошладилар, нафақат шиор, балки «мутлоқ фикр» даражасига кўтаришга уринмоқдалар. Лекин психологияда, хусусан «Тафаккур психологияси» фани йўналишида «Инсон қалласига янги фикр қаяқдан келади» саволи ечими айтилмай турибди. Ваҳоланки юқоридаги тушунча соҳибларининг илмий аҳамиятли фаолиятлари, тушунчалари – фан-техника тараққиёти ютуқларининг уй- рўзғор, маиший намуналаридан фойдаланишдан нарига ўтмайди. Ҳолбуки, инсон тафаккури ҳосилаларидан амалий аҳамиятлилари чекли, аҳамиятсизлари ва оқибати инсониятга зиён келтирувчилари эса қанча ҳохласангиз.

Илм оталари Платон билан Аристотел ёзиб қолдирган рух ҳақида таълимот ўрта асрларда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ҳукмрон эди. Улар бу мавзуни «жон-рух – Илоҳий», деб, эътироф этганлар. Лекин Дарвиннинг издошлари, ўзларини «маймунзода» ҳисобловчилар энг содда хужайрадаги «сесканиш»ни кашф этиб, — тафаккур шундан бошланган,- деган сафсатани ҳатто дарсликларга киритишга улгирдилар, тарқатмоқдалар. Ваҳоланки фаросатли инсон – «сесканиш» тирикликка, жонга ҳос- дир», ҳар қандай нарса ўлса ёки ўлдирилса сесканаолмай қолади, дейди. Демак, **жон** тафаккурнинг асоси. Буни текширмоқ учун игна билан ТАФАККУР қиладиган жойингизни эмас, балки ўтирадиган жойингизни бирор жойига салгина текказиб кўринг, албатта сесканасиз, чунки жонлисиз, энди ўлиб кўринг, сесканаолмай қоласиз. Чунки ундан **жон** аталувчи «метафизик нарса» кетади. (Ушбу фикрларимиз дахрийлар учун)

Тадқиқотларимизга Москва давлат университетида тайёрланган, профессор О.К.Тихомировнинг «Тафаккур психологияси» (Психология мышления. МГУ 1984.) дарслик-китобидаги фикрларни асос қилдик. Жаҳон олимларининг инсон тафаккури қирралари ва хусусиятлари устида тадқиқотлари ва уларнинг натижалари бўйича эълон қилинган илмий фикрлари китобдан жой олган. Китобдаги умумлашма ва хулосаларда миянинг ишлаши асл сир –асрори — тафаккурнинг сабаби илмий аниқланмагани эътироф этилган.

Ҳақиқатан ҳам **тафаккур** аталмиш жараён **инсонга** тегишли экан, у ҳолда сўзсиз аввал материя-моддий олам Яратилган. Инсон ўз тафаккури билан бу дунё ичида анчайин кейин яралди, пайдо бўлди ва унинг тафаккури ўз, шахсий, дунёвий муаммоларини ечиш, яъни ўзига керакли ишларни қилиш ташвишида яшамокда холос. У ҳеч қачон Табиатнинг бунёдкорлик иши сир –асрорига, «олам тафаккури манбаи»га илмий етмаган, ета олмайди!!! Охирги тадқиқотларга кўра бу соҳада инсондаги мавжуд имконият, **Яратувчига ният, илтижо билдириш** холос. Чунки Яратувчи ва унинг иродаси туфайли кечинаётган жараёнлар «ўз – ўзидан бўлаётган ҳоди-

салар эмас», балки метафизикдир. **Инсон илми** Оламнинг қонун-кучларини аниқлаб, уларнинг тўсиқларидан ўтиб, ўз манфаатларига етишмоқ учун йўллар излайди холос. Ҳамон инсоният диний манбаъларда ёзилган «Инсонни лойдан(балчиқдан) яратдик» хабарини кулолнинг лойдан хайкал яшаш технологияси асосида тушунадилар. Содда тушунчалар соҳиблари аввало «Илоҳ кулол»нинг лой қорувчи кўлини кўришни хоҳлайди. Бундай фикрни айрим Европа адабиётларида «фалакдан узатилган кўл» расми билан ифодалаганлар. Шу жойда айтиш жоизки, **Илоҳий Яратувчилик услуги метафизикдир**. Бу услуб инсоний яратувчилик, ишлаб чиқариш технологияларидан мутлоқ фарқ қилади ва уни ҳеч қачон ва ҳеч ким ўзлаштира олмайди. Фақат **ТАНЛАНГАН** -ларга Илоҳга илтижо асосида кароматлар кўрсатиш чекли имконияти берилган. Бу ходисалар ҳам инсонлар томонидан Илоҳни англамоғи учундир. Инсоннинг космосга учиши ёки космик аппаратни Марсга учуриш билан, ва яна бошқа ақлли машиналар яратиши, ёки кесиб ташланган оёқ ёки кўл ўрнига анчайин мукамал протез ўрнатиш билан бизнинг илмимиз дунёнинг муаммосини ҳал қилаётгани, бошқараётгани йўқ. Олам, дунё ҳамиша инсоннинг иштирокисиз ўз муаммоларини ҳал қилган, бошқарилган, бошқарилмоқда. XXI- асрга келиб инсоният тушуна бошлади: жуда кўп илмий кашфиётларни ҳаётга жорий этиш, оқибат натижада инсониятни бу дунёда яшашига зиёнли таъсир кўрсатмоқда экан. Агар муайян амалий аҳамиятли фикрлар йиққан миямиз билан Оламни Яратувчиси ижодкорлигини ўзимизникига ўхшаш, «қатиксимон мия иши» сифатида қараётган бўлсак ва Илоҳнинг услубларни ўзлаштирмоқ касдида излансак, ҳақиқатан ҳам бизнинг **бошимиз** ва унинг хосиласи —тафаккуримиз XX-XXI асрда инсонга насиб этган илмлар саҳнасида жудаям саёз ва тор, дунё ишларидан беҳабар нарсадир. Табиат- Илоҳни, унинг ижодкорлиги, яратувчилиги, бошқарувчилигини англаш содда иш эмас. Жуда, жуда, жуда кўп амалий аҳамиятли илмларни ўзлаштириш, бир оз бўлсада амалий фаолият билан шуғулланиш ва энг муҳими бу ишларни беғараз бажара олиш керак. Биз мақолаларимизда «беғараз» яъни «эгоистик бўлмаган» сўзини кўп қўлладик. Бу инсоний сифат **илмни** англаш, унинг моҳиятига етишда ҳал қилувчи психологик сифатдир.

Ушбу ҳулосани Англия Оксфорд университетидаги психологлар илмий тадқиқот ҳулосаси сифатида 2005- йилларда эълон қилдилар.

Фалсафа, тафаккурга ижтимоий-тарихий жараён сифатида қараб, инсониятнинг билими ва билиш имкониятларининг ривожланиш тарихи, тарихий поғоналарини билишни хоҳлайди. Умумлашган фалсафа муаммосини айтсак: «Тафаккур бирламчими ёки материя(моддий олам)ми, қайси бири аввал пайдо бўлган, - деб, ушбу мантиқсиз муаммони ҳамон ҳамон кун тартибида сақламоқда.

Юқоридаги «Тафаккур психологияси» дарслигида мамлакатнинг таниқли файласуфларидан бири, профессор Э.В. Ильенков фалсафа, психология ва тилшунос-мантиқшунослик фанлари еча олмаган масалани «мантиқ» олдида турган ва ечиш шарт бўлган вазифа сифатида қўйган.

«Известный профессор Э.В.Ильенков пишет: «Логика обязана показать, как

развивается мышление, если оно научно, если оно отражает, т. е. воспроизводит в понятиях вне и независимо от сознания и воли существующий предмет, иными словами создаёт его духовную репродукцию, реконструирует его саморазвитие, воссоздаёт его в логике движения понятие, и на деле – в эксперименте, в практике».

«Агар **мантиқ** ҳақиқатан ҳам илмий бўлса, у тафаккурнинг қандай ривожланаётганини тажриба- тадқиқотда, амалда кўрсатиб бериши керак, чунки мантиқ, тушунчалар орқали инсон иродаси ва хохишидан ташқари бўлган **нарсаларнинг руҳий қиёфасини тафаккур билан яратади** ва уларни ўз-ўзидан ривожланишини қайта созлайди».

Назаримизда файласуф қўйган масаланинг ечимини «Мантиқ алифбеси» ва «Одам ато луғати» мақоламизда муайян кўрсатишга ҳаракат қилдик ва бошқа мақолаларимизда ҳам ушбу мавзунинг ечими қисмларини изоҳлашга хизмат қилади.

Мантиқ – товуш-сўз орқали инсон онгига **маъно** етказиш ҳамда фикрни кўзғотиш, шунингдек нарса, ҳодисаларнинг сифат, хусусиятларини **ақл** воситасида **билиш жараёнини кўзғотувчи, юргизувчи** Илоҳий куч. Бу **куч** онгга таъсир қилиб уни ишлашга ундайди. Агар ушбу **куч** бўлмаганида эди, инсон тафаккурининг ўзи ҳам бўлмаган бўлар эди. Шунингдек **Мантиқ – нарса, ҳодисанинг борлигини сўзлар билан тушунарли қилиб ифодалашни талаб қилувчи фандир.**

Илоҳ илмини била оламан, деган гапни ким айта олади. Ҳеч Ким. Бу ақлга сиғмайдиган гап. Демак инсоннинг миясини ишлаш жараёни, фикрлаши бу инсоннинг моҳияти экан.

Ва бу моҳият– билим олиш, меҳнат қилиш, яратиш-бунёдкорлик ишлари қилиш, оила ва фарзандларга эга бўлиш, табиат ва инсон ижодкорлиги маҳсулларидан завқ олиш ва буларнинг ҳаммаси ортида Буюк Яратувчи–Оллоҳ турганини тўла англаган ҳолда Унга шукроналар айтиш ва ибодат, илтижолар қилишдир. (P.S. Куръон. Сен бугун ибодат қилиб тилагингни бугун олишни хоҳлайсанми, Оллоҳ сени истакларингга поғонама-поғона етказди. Қара, сен қишда туриб кузнинг илиқ ҳавоси ва тўкин мева-ҳосил- ларни хоҳлаяпсан. Ҳали олдинда қишнинг қолган қисми, баҳорнинг ёғинли кунлари, ёзнинг қийноқли иссиқ кунлари турибди. Кейингина сенинг истакларингга навбат келади).

Яна бир фикр. Инсонга тегишли Онг, Ақл, Фикрлаш(тафаккур) сўзларини синоним ҳисоблаймиз. Ваҳоланки этимологик таҳлилда:

Онг(англаш) ← ан +лаш; Ан – Илоҳ. Яъни, инсон миясининг Илоҳий куч асосида фаолияти.

Ақл ← ақ – узилиш, бола туғилганидан кейин киндик ипини узилишида бошланган мустақил ҳаёт – табиатдаги ҳар бир нарса, ҳодисани алоҳида кўра олиш, фарқлаш, ажрата билиш хусусияти.

Фикр, фикрлаш, тафаккур ← фа + икро. Нарса, ҳодиса ҳақида билиб сўз айтиш.

Кўриниб турибдики, инсонни онгли фаолияти, бу унинг ижоди эмас, балки юқоридаги сўзларнинг келиб чиқиши кўрсатиб турганидек Илоҳий ҳодиса экан.

## Мантиқ ва интуиция(ҳис-туйғу).

Ватандошимиз, Россия фанлар академияси ва яна бошқа кўплаб академиялар академиги Мирзакарим Норбековнинг «Миллион текин маслаҳат топиш йўли ёки жўжалар қаерда қишлайди» китоби чиққандан кейин Жон Кехонинг «Ғайриихтиёрий онг мўжизалари» китоблари ўзбек китобсеварлари қўлида пайдо бўлди. Ушбу мавзу илм ахли учун янгилик. Аниқроғи интуициядан илмий фойдаланиш фикрлари психологияда мутлақо янгилик. Ушбу илмнинг маъно-моҳияти инсониятга кўп марта муҳим ва фойдали илмдир. Яъни ҳар бир инсон ўзини бахтиёр қилиш ва фаровон ҳаёт яшаш йўлидир. Ҳар қандай илмнинг вазифаси инсонларга фаровонлик келтириш эмасми? Аслида ҳар қандай қандай янгилик, кашфиётни «интуитив–ҳис-туйғу олами» ҳаётга олиб келади. Бундай интуитив ҳолатга етмоқ учун эса муайян мавзуда изланаётган бўлишингиз шарт. Бу албатта илмдир, тафаккур мантиқининг сизга етишмаётган, сиз излаётган сифатидир.

### Тафаккур нима ?

Психология фани «Тафаккур психологияси»га конкрет шахсларнинг конкрет фикрлаш жараёни ва фикрлаш маҳсулининг пайдо бўлиши, фикрнинг туғилиши, пайдо бўлиш қонуниятлари қизиқтиришини вазифа қилиб юклагани ёзилган. Дарсликларда: Тафаккур, воқеликнинг умумлаштириб акс эттирилишидир. Нарса, ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муносабатлар тафаккур ёрдами билан очилади, дейилган.

**Тафаккур – фикрлаш**, энг содда маънода: СЎЗ-ИСМни эшитганда нарсани тасавву қилиш, ва нарсани-ҳодисани кўрганда унинг ИСМИ-СЎЗни эслаши бўлиб. бу жараённинг давоми қабул қилиш ва қабул қилинган маънони ўз ақл қозонида қайта ишлаб фикр билдириш жараёнидир. яъни ўзида бор билим-маълумотларни ичидан ҳозиргина қабул қилган маънога ўхшашини топади уларни таққослайди, янги қабул қилинган маъно ҳақида ҳукм беради ёки аниқлик учун қўшимча саволлар ташлайди. Ушбу жараён **мантиқ** туфайли, яъни сўз маъносининг онг-ақлга етиши ва уни тушунилиши жараёни, фикрлаш-тафаккур аталмоқда. Юқоридаги ишлар барчаси, яъни мия механизмининг иши **метафизик кучларнинг мия объекти билан ҳамохангликда амалга оширадиган жараёндир**. Бу иш ўхшашма қилсак, телерадио студияларининг фазога тарқатган тўлқинлари бўлмаса радио ёки телевизор ҳеч нарсага арзимадиган кути, эканига ўхшайди.

Тафаккур жараёнини замондошларимиз— идеал, деб эътироф этдилар. Бу «идеал»нинг асл маъноси Илоҳий эканини аввалроқ тушуниб етдик..

Шундай қилиб,

**инсон тафаккури — моддий ва илоҳий-метафизик кучларнинг ҳамкорлигида кечинаётган жараёндир.**

**Ушбулардан келиб чиқиб фалсафанинг тил ва психология соҳалари учун «тафаккур қонуни» ни шакллантирамиз:**

**Ҳар қандай товуш– сўз инсон онгига мантикий таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтиради. Оқибатда онгда товуш-сўз ортидаги нарса, ҳодисанинг тасаввури пайдо бўлади ва аксинча.**

Психология дарсликларида ёзилган 6- сезгини кўпинча тери сезгисининг қисми сифатида кўришади. Шунинг учун бадий фикрларда «6- сезги» ибораси мавжуд. Мана шу бадий адабиётларда 6- сезги аталаётган, қайсиники метафизик куч-таъсирлардан айримларимиз сезган «сигналлар» жараён метафизик бўлгани учун тадқиқотчилар «ушлаб кўра олмаган» и сабабли эътибор бермаган ва сеза олмаган нарса бу,

**— юрак-рух сезгиси → ички сезгидир.**

Ички ҳиссиёт, ички сезги, ички овоз, инстинкт иборалари ва улар остидаги тушунчалар барчаси бир нарсадир. Ички сезгиси орқали келган фикрни ким қандай қабул қилади, шунга боғлиқ ҳолда иборалар пайдо бўлган.

— юрагим сезаяпти: — янги ҳабар эшитаман. (юрак сезгиси нисбатан кам сонли одамларда, одамларнинг йигирмадан бирига тўғри келадиган қисмида эътироф этилади. Юрак сезгисининг маҳсули сифатида кўпинча инсон ўз ҳаёти ёки яқинлари ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ижобий ёки салбий янгилик ҳақида олдиндан гапирдилар. Аслида бу сезги— **рухий сезги.**

**Инсон жони-руҳи юрак ва мия билан билан узликсиз алоқада.** Инсоннинг бу аъзолари жидий жароҳат олсалар тезда ўлим топиши бунинг тасдиқи дир. Бу рухий ҳиссиёт-сезги орқали информация олишни замондошимиз, академик Мирзакарим Норбеков **илмий жорий этди.** Унинг Москвадаги «Инсон» институти ва унинг бўлимлари Россия ва жаҳоннинг кўпгина йирик марказ ва шаҳарларида ишлаб турибди, жумладан Тошкентда ҳам. Муаллифнинг таъкидига кўра, рухий сезги — мантиқ механизми иштирок этмайдиган, яъни эшитиш ёки кўриш орқали келмаётган «сигнал» дир.

**Тафаккур шакллари.** Бизнинг назаримизда тафаккурда шакл бўлмайдиган сабаб у субъектив ҳодиса-жараён дир. Бу ерда гап **тафаккурнинг турлари** ҳақида дир. Бизнинг тушунчамиз шундай.

**Тафаккур қонуниятларини** билмоқ учун албатта тафаккур турларини билиш, сўнгра уни пайдо бўлиш сабабларини аниқлашга ўтиш мумкин.

Китобнинг берган маълумотларига кўра инсон тафаккури турлари :

- назарий- мушоҳада қилувчи тафаккур;
- сўз-мантиқли тафаккур;
- нарсани кўриш асосидаги , ҳаракатдаги нарса ҳақида тафаккур;
- интуитив тафаккур;
- аналитик тафаккур;
- реалистик тафаккур;
- аутистик(орзуни ҳақиқат деб фикр қилувчилар);
- эгоцентрик тафаккур (ҳарнима ҳақида фикрласа фақат ўзига фойдали ва енгил бўлишини кўзловчи тафаккур);
- маҳсулдор тафаккур,
- инсоннинг хушёр иродасидан ташқари тафаккур: фавқулодда, муаммоли

масаланинг ечимини тушда кўриш... фавқулодда келаётган илмий ёки бадий илхом-фикрлар, рўёни кўрувчилар тафаккури...

Бу рўйхат давом этиши мумкин. Ва яна, ҳар бир инсон алоҳида тафаккур услуги манбаидир.

Тафаккурнинг турлари жуда кўп экан. Турган гапки тафаккур тури муайян инсон билан боғлиқ. Ҳар бир тур алоҳида келиб чиқиш сабабларига эга. Келиб чиқиш сабаблари остида энг биринчиси инсоннинг қандай ота-онадан туғилганига боғлиқлигини, яна ҳал қилувчи сабаб, хусусан ҳомила пайдо бўлиш, шаклланиш, ривожланиш давридаги уларнинг **маънавий хусусият, кечинмаларига, орзу- ниятларига, бошқа инсонларга нисбатан муносабатлари характери**га боғлиқлиги жуда кўп сонли бадий адабиёт, диний илмларда ёзилган ва узоқ йиллик кузатувларимизда тасдиқини кўрсатмоқда.

Тафаккур қонуни:

**Тафаккур** — таълим, тарбия, ўқиш, ўрганиш, тажриба олиш ва ошириш, амалий ишлар билан шуғулланиш, ушбу жараёнларда ўзлаштирилган фикрларни билим даражасига етказиш каби жараёнларда ривожланади, ўсади, кучаяди, кенгаяди ва яна шу кабилар.

Тафаккурнинг хусусияти, яъни илм-билимларни ўзлаштириш даражаси туғма бўлади, буни идрок атайдилар.

### **Фикрлаш жараёнида диққат ва чалғиш**

Тафаккур — фикрлаш жараёнидир. Ушбу жараёни тушунишда инсон миясида кечинадиган кўпгина моддий жараёнлар ўрганилган ва ўрганилмоқда. Лекин ҳанузгача илмий тадқиқотчилар тагига етаолмаётган «мияда фикрнинг пайдо бўлиши механизми»ни тушунишга ёрдам берадиган тафаккур ходисасига эътиборимизни қаратамиз.

Фараз қилинг, сиз бирор бир мавзуни фикрлаб, ўйлаб **кўрмоқчисиз**. Сиз ўйлаяпсиз. Бирдан фикрингизни шу жойида ялт этиб, фикрлаётган мавзуингизга мутлақо дахлсиз мавзуда, бошқа фикр келди. Бу фикр-мавзу қаёқдан тафаккурингизда пайдо бўлди? Бу ҳолатни психологияда **фикрни бўлиниши** деб ҳам аталади. Энди, нима учун фикрлаш жараёни сабабсиз бўлинапти. Бу, фикрни бўлувчи иккинчи мавзу онгда қаёқдан пайдо бўлди? Аслида бу ҳолат Табиий ва ҳамма одамда ва ҳар доим кечинадиган жараён.

— Эртанги кунда ўтиладиган дарсга тайёргарлик қилмоқдамиз. Аввал ўйлаб кўйган фикрларни қоғозга тушираётган эдик, фикримиз тўсатдан **чалғиди**. Бир оз тўхталдик. Мақсад- вазифадан оз вақтга бўлсада **чалғидик**. Ушбу тадқиқотимизда **чалғиш**нинг келиб чиқишини тушуниш асосида тафаккурнинг кечиниш жараёнининг бир қиррасини тушуниш билан шуғулланамиз. Психологиянинг тадқиқотларига кўра тафаккур пайтида одам фикрини мукамал қилмоқ учун ўз диққатини қанча таранглаштирмасин барибир

унда диққатнинг узилиши (психологларни айримлари диққатнинг тебраниши атаганлар.) юз бераверади. Ушбу мавзудаги тадқиқотлар натижаларига кўра 1 минутда диққат 25-30 мартагача тебранади, яъни узилади, бўлинади, **чалғийди**. Аммо тафаккур қилинаётган мавзу учун муаллифнинг маъсулияти юқори бўлганда, диққат анча барқарор бўлади. Бу ҳолда диққат 15-20 минут ва ундан ҳам кўпроқ вақт ҳеч бир нарсага бўлинмай, чалғимай тура олади. 20 минутлик узлуксиз фикрлашдан кейин диққатнинг бир неча секунд **чалғиши** сўзсиз кечинади. Ушбу ҳодиса Табиий, уни инсон йўқ қила олмайди. Ушбу чалғиш албатта метафизик чалғитувчи куч тасирида юз беради. Тафаккур жиддий мавзуларда ишламаётганда 2-3 секундда бўладиган чалғитувчи куч таъсири кўпинча кино лентасидаги кадр ўзгариши сезилмагандек бўлишига кўникиб қолганмиз. Умуман чалғитувчи куч-фикр таъсири тафаккур қилинаётган мавзу ахамиятига қараб кучая боради. М: Журналист қисқа муддатда ёзилган материалларни кўриб чиқиши керак. Диққат-эътибор хатоларни ўтказиб юбормасликка қаратилган. Айнан шундай пайтда тафаккур қилувчи қанча диққатини йиғишига қарамасдан **чалғитувчи куч** гоҳ қулоққа келаётган товушлардан бирига, гоҳ атрофдаги нарсалардан бирортасини назаримизга, эътиборимизга тортиради, гоҳ материал мавзусидаги бирор сўз маъноси ичига беихтиёр кириб кетиб қолинади. Буни фаҳмланимизда 2-3 секунд вақт ўтиб кетган бўлади.

«Бир ўқувчимиз айтиб қолди. «Отам савол берди: Одамнинг энг кучли душмани нима? Мен бир ой ўйланиб жавобини топдим ва айтдим: Одамнинг энг кучли душмани унинг ўзи».

Сўрадик, нима учун?

Агар бирор ишни қилишинг керак бўлса каллангга кўпгина баҳона, важкарсон фикрлар-тўсиқлар келади. Бундай, беихтиёр, ички фикр-тўсиқларни енгсанг мақсадингга етасан, албатта».

Мана шу, бирор мақсадга шайланганингизда келаверадиган турли фикрлар **чалғитувчи фикр**нинг йирик пландагисидир. Бу чалғитувчи фикрлар асоси, манбаи, яна метафизик оламдир.

Қуръон, Моида сураси 41-оят.

«... Оллоҳ кимники адаштиришни истаса, бас, сиз уни олдини олишга ҳеч нарса қила олмасиз. Улар, кўнгилларини Оллоҳ поклашини истамаган кишилардир. Улар учун дунёда расволик, охиратда эса улуғ азоблар бордир.» Муқаддас китобдаги бу оятлар инсон тафаккури рухий олам бевосита алоқанда, бошқарувида эканидан хабар бермоқда. М: Айрим ҳолларда бизни саломатлигимиз кўзлаб айрим яқинларимиз ёки шифокор билдирган, ҳар тарафлама фойдали таклифларни қабул қилмаймиз. Бу ҳолнинг «сири» юқоридаги оятда айтилмоқда. Чунки, бу бизни адаштиришга қилинган ҳукмнинг ижро жараёнидир. Агар насиб этса бундай бўлганини анча кейинроқ фаҳмлаб қоламиз.

Психология «фикр чалғиши»га деярли эътиборсиз бўлган ва асосан **диққат** мавзусини ўрганган. Диққат мавзусининг келиб чиқиши сабабчиси айнан «фикр чалғиши» ҳодисасидир. Психологиянинг ушбу мавзудан қочи-



шиниг сабаби эса диққат жараёнини узаётган, бузаётган Табiiй-метафизик ходисадир, яъни фикр чалғишидир. **Чалғитувчи фикр эса КЕЛАЯПТИ, қаердан келаётганини ёлғиз Худо биледи. Диққатимизни бузиб, узиб чалғитувчи фикр узлуксиз келаяпти экан, демак бошқа фикрлар ҳам шу тахлитда Табиатдан келаяпти эканда!**

Диққат ўз-ўзидан узилмаяпти, чарчамаяпти, тебранмаяпти, балки тафаккур кетаётган жараёни кесиб, узиб, тўхтатиб бошқа, кутилмаган, режада йўқ мавзу- фикр тафаккуримизга понадек кириб келди, Бу «**чалғитувчи фикр**»-дир. Ҳа, айнан чалғитувчи фикр. Ушбу чалғитувчи фикрни ўз мавзуси бор. Бу мавзу, сизни ҳаёлингизда ҳам, режангизда бўлмаган фикрдир. Албатта у фикрлар мавзусидаги гаплар сизга мутлақо ёт, нотаниш эмас. Уни аввал эшитгансиз, ўқигансиз, биласиз. Мана шу, тафаккур жараёнимизга понадек кириб келаётган **чалғитувчи фикр**ни ҳали ер юзида олим аталувчи шахслар пайдо бўлмасидан олдин, донишмандлар «Шайтоний фикр» атаганлар. Атаган эканларми, демак бу атама остида ҳали мавзу соҳасидаги тадқиқот - чилар тушуниб, ҳис қилиб етмаган нимадир бор-да. Қадим юнон реалистлари:

*«нарсанинг номи шу нарсанинг моҳиятини билдиради»,* деб бежиз айтмаганлар ва бу фикрни замонимиз дарсликларида бекорга ёзиб қўйилмаган.

**Моҳияти бор эканми, демак унинг ўзи ҳам, Моҳи ҳам бор.**

Яна бу ҳақда муқаддас китоб, Қуръоннинг Анъом сураси 112-оятида «Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу-жин (дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини (бири иккинчиларини яъни тафаккур эгаларини) алдаш учун гўзал сўзлар билан васваса қиладилар».

Ушбу оятларда «ҳар қандай инсоннинг тафаккури – фикрлаш жараёнига ёқимли, чиройли, аслида **чалғитувчи фикр** сифатида, инс ёки жинлардан бўлган «шайтонлар» фикр берадилар, дейилган. Албатта инсоният уларни кўрмайди ва илмий машиналар ҳам сеза олмайди. Савол туғилади. «чалғитувчилар»га нима керак? Бу саволга муқаддас китобда жавоблар етарли.

### **Табиат қонуни**

**Инсоннинг тафаккури биринчи навбатда** ҳар бир тафаккур эгасининг дунёга келишидан олдинроқ, онанинг ҳомиладор бўлиш ва ҳомиладорлик даврида:

– она-отанинг феъл-атвори, ўзлаштирган билимлари ва режа-орзулари, ҳаётда бошқаларга нисбатан қарашлари, муносабатлари, бошқаларга нималарни раво қўриши, орзу ниятлари умуман қандай ижобий ва салбий сифатлари мавжудлиги ва шу сифатларининг ҳосиласи бўлади. Иккинчи навбатда эса улар истемол қилган ва болага берилган луқманинг маънавий поклиги ва тарбия, таълимнинг даражасига боғлиқ бўлади. Бу фикрлар инсониятнинг минглаб йиллик кузатув-тадқиқотларида тасдиқини кўп маротаба топган. Тадқиқотчилардан Гельмгольц — «Янги фикрлар — мавзу устида ўйланаверган чарчоқ мияларда, шунингдек ҳеч қачон ёзув столи ортида ўйланиб, изланиб турган пайтларда пайдо бўлмаган»лигини аниқлаган.

Нисбийлик назариясининг биринчи ижодкори, математик Анри Пуанкаре: «Қандайдир саёхатга отланиб энди омнибусга ўтираётган эдик. Тўсатдан калламга янги фикрлар кела бошлади. Турган гап кайфиятим саёхатбоп ва иш ҳақида ҳеч қайдай ўй- ҳаёлга эга эмасдим».

Тафаккур психологияси тадқиқотчилари даҳо тафаккур эгаларидан Эйнштейнга берган саволларига — у ўз тафаккур жараёнида пайдо бўлган янги фикрларни «инсоният учун берилган метафизик (Илоҳий) неъмат» сифатида кўришини айтган.

Кимё фанининг отаси Менделеевга «Кимёвий элементларнинг даврий жадвали» тушида аён бўлган. Бунга ўхшаш мисоллар замонамизда чексиз кўп. Умуман айтганда инсон тафаккури жараёни ва унга янги фикрни келиши мутлоқ метафизик ва физик жараёнларни омухтаси, ҳамкорлиги, деган ҳулосага тўхтадик. Соддалаштирсак, янги келадиган фикр одамнинг табиатига қараб келади экан, ҳолис ниятли инсонга ижобий фикр, эгоцентрист одамга унинг қизиқиш ва муаммоларига қараб келмоқда. Энг аввало биринчи инсон — Одаматого **онг б е р и л г а н** ва унга бирламчи илм: Одамато луғати ва табиий товушлар берилган.

Бу жараёнлардан «илхом» ва «калламга фикр келди», «эврика» ҳозиргача давом этмоқда. Албатта бирламчи билим асосида илхомлар туфайли инсон тафаккурига тажриба тадқиқот асосида янги-янги фикр—билимлар кўшилиб келмоқда.

Сўзсиз тафаккур йўқ экан, ва у фақат инсонга ҳос экан демак,

**Тафаккур ва нутқ тенг ва бир вақтда пайдо бўлган.**

Ушбу фикрнинг кучи шуки, **сўз** бўлмаса нутқ йўқ, **нутқ** бўлмаса **тафаккур** йўқ, демак **ИНСОН** йўқ.

Тафаккур объекти «катиқсимон мия». У қандай ишламоқда. Аввало у «генератор» юрак-тана билан ҳамкорликда улардан муайян қувват олиб ишламоқда. Кимники қандай ишлаётгани кўриниб турибди. Фақат нима учун ҳамалари ҳар ҳил ишламоқда ва уни ўзгартириб, яхшилаб бўладими? саволига етарли жавоблар мавжуд. Фақат бир нарса: фикр қаердан келаяпти, адреси кўринмаяпти. Кўпинча буюк фикрлар соҳиблари ушбу саволга **Илоҳдан!**— деган жавоблари биз тадқиқотчиларни қониқтирмаяпти. Сабаб, биз тадқиқотчилар ҳар нарсани сирини билиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Илм, билим— аввало ота-она, аждодларнинг маънавий яхши сифатларидан ва таълим- тарбия, ўқиш, изланиш, меҳнатдан эканини яхши билганимиз ҳолда, бундай ақлли одамлар калласига келаятган янги фикрларни манбасини бевосита кўлга киритишни хоҳлаймиз. Аммо ҳамма уринишларимиз, илмий -техник ва маънавий таъсир билан инсон миясининг ишламай ётган 95 фоиз қисми хужайраларини миқдорини камайтиришни, бошқа каллаларни ҳам ақлли қилиб ташлаш имконияти кўлга кирмаётганидан қониқмаяпмиз.

М: Хукмдорнинг топшириғига кўра донишманд Архимед кўпдан бери катта ҳажмли олтин ҳайкални тарозида тортиш вазифаси устида бош қотираётган эди. Лекин у замонда бундай катта ҳажм ва оғирликдаги нарсани тортадиган тарози йўқ эди. Ушбу вазифани қандай бажарсам экан, деб боши қотиб юрган пайтлари эди. Архимед катта ваннада чўмилаёт-

ган эди. Сувда ўзини эркин қўйиб ётганида унга таъсир қилаётган сувни кўтарувчи кучини фахмлаган Архимеднинг калласига тўсатдан фикр келиб қолди ва бақириб юборди: **Эврика**, яъни- топдим !

Архимедга «суюқликка ботирилган жисмга таъсир қилувчи куч қонуни»ни очди, чунки у **келган** эди. Шу-шу юнонча «**эврика**» сўзи инсон тафаккурига фавқуллодда келган фикрларни лақаби бўлиб қолди. Бу шаклда фавқуллодда келган янги фикрни «Тафаккур психологияси» фанида «эвристик тафаккур» атайдилар.

### **Фикрнинг келиши**

Ушбу мавзу мавзуимизнинг шох ечими. Тафаккур пайтида фикр келишини қандай исботи қилиш мумкин. Бу ишда аввало илм-фаннинг оталаридан бири ҳисобланмиш Платоннинг «Федон» асари ва Аристотелнинг «Метафизика» асари дастур бўлади. 2500 йил аввал яшаган донишманднинг барча фикрлари илм учун асос сифатида қабул қилинган экан, нима учун тушунишга тишимиз ўтмасе бу асар ва ундаги бош ғоя «метафизика — моддий олам асосида физик, яъни моддий бўлмаган олам ҳам мавжудлигини қабул қилмаймиз. Донишманд Умар Хайём: «У дунё хабарин ким берган эй дил», деган эди бир ғазалида. Кейинги 40 йил ичида у **дунё** ҳақида хабар берувчи минглаб хужжатли хабар-мақолалар матбуот саҳифалари орқали жаҳонга тарқалди. Замонамизнинг буюкларидан бири Россия давлатидаги барча академиялар академиги Мирзакарим Норбековнинг касалхоналарнинг реанимация бўлимларида ўтказган илмий тадқиқотлари ва кузатувларидаги фактлар бу соҳада муайян илмий асос сифатида қабул қилинди.

Хўш бунини тушунаолмаётган эканмиз, нега бу ҳолатимизни тан олмаймиз. Хусусан тушунаолмаётганлар асосан жиддийроқ бирор илмий фикрни эгаси бўлмаганлардир. Биз **мантиқ** мақоласида айтдик, мантиқ тушунишни келтириб чиқаради, тушуниш билишга олиб келади. Агар мавзуни том маънода гапириш эмас, билишимизни амалда исботласаккина фикримизни эътиборга олиш мумкин бўлади. Айнан **билиш** бизнинг пуч ёки сарак фикр эгаси эканимизни тасдиқлайди. Бирор нарсани билган одам иккинчи нарсани ҳам билиши, аниқроғи ўзлаштириш билан шуғулланса бўлаверади. Фанни назарий билиш бу ҳали том маънода билиш эмас. Қачон уни амалиётда 7-8 йил давомида ҳаётга тадбиқ қилиш билан шуғуллансангиз, шундагина била бошлайсиз.! Энди шундай одам бирор бир бошқа мавзуни билишни қасд қилса, ўшандагина ҳали ўқиб ўрганган назарий фикрлар ичида ҳали ёзилмаган кўпгина фикрлар унга аён бўла бошлайди.

XX аср файласуфлари ва психологлари «инсон тафаккури «идеал» ходиса» деб тан олган даврда, инсонга боғлиқ бўлмаган **нарса, ходисалар** тафаккурнинг иш қуроли ва маҳсули бўлган СЎЗ «моҳият»и орқали Илоҳий асосга мантиқий туташаётгани кўриш, фахмлаш муҳим ходисадир.

Яна шунингдек – тафаккур идеал-илоҳий нарса экан, унинг маҳсули сўз ҳам Илоҳий экан. Энди, товуш- сўздаги маънонинг мантикқа, яъни физик таъсир кучига эгаллиги яъни маънонинг физик кучи – тафаккур жараёнига руҳий оламнинг таъсири, алоқаси, мададкорлигидан хабар берапти.

Сўзнинг вазифаси – бирор-бир фикр-хабарни етказишдир. Шундай қилиб сўз маъноси ичидаги «моҳият» аталувчи **мағиз – илоҳий хусусият** борлиги, **моҳиятнинг** ҳам объектив, ҳам субъектив ойна экани, бир томонида инсон, унинг манфаати ва фаолияти кўринса, иккинчи томонида Илоҳиётни кўрсатувчи сифат экан. Лекин иккинчи томонга ҳамма ҳам қарайвермайди, чунки уни кўрмоқ учун таҳлилларни чуқурлаштириш керак. Бундай тафаккурни хамманинг ҳам таъбиати ёқтиравермайди. **Моҳиятнинг бундай, асл маъносини тушунишнинг ҳаётий, амалий аҳамияти шуки, у ҳар бир сўзда «Илоҳ»–Аллоҳнинг Исми мавжудлигини эслатиб, инсондан ўз маънавий қиёфасини покиза тутишга ундайди. Ушбу ҳолат инсонлар учун қонундир. Диндормисиз, динсизмисиз барибир Сиз тилингиз, нутқингиз, сўзларингиз билан доим Илоҳни такрорлар, тасдиқлар экансиз. Одам боласи тукқан онасини рад этаолмаганидек, тил- нутқида фойдаланаётган маъно-моҳиятларни ҳам рад этаолмайди. Шунингдек СЎЗ-товуш ва унинг мантиқи – яъни таъсири мавжудлиги шакл ва мазмун бирлиги бўлиб, бу фалсафий нуқтаи назардан қонундир. (Ушбу қонун тилшунослик нуқтаи-назаридаги биринчи қонундир.) Яъни, ҳар қандай тил ўз миллий муҳотида таъсир кучига эга . Бу эса қонундир. Яна бир муҳим фикр: инсон нутқининг асоси бўлган СЎЗлар – «шартли қабул қилинган ва маъно берилган товушлар»– эмас, балки яратувчи Оллоҳ томонидан берилган «маънавий нарсалар» экан.**

Демак, бир онг манбаси сўзининг мантиқи иккинчи онг манбасида **тафаккур ҳодисасини** амалга оширар экан. Соддароқ айтсак, бир киши оғзидан чиққан СЎЗ иккинчи одам қулоғига етади ва унинг онги уйғонади-кўзғолади, аввалроқ қабул қилинган, мавжуд тушунча-билим асосида ва унга таққослаб янги эшитилган сўзнинг тегишли маъносини шакллантиради, пайдо қилади экан. Ушбу жараён фалсафа нуқтаи назаридан қараганимизда **ходиса** аталади.

### **Т а ф а к к у р**

Мантиқ ҳодисасининг «инсонни беихтиёр фикрлатиши» — Одаматога берилган бошланғич-асос билим (Қуръон Бақара сураси 31-оят.) асосида бошланган. Ушбу бошланғич билим бўлмаганда эди вва бу асоссиз Одамато ҳеч қачон фикрлашни- сўзлашни бошламаган бўлар эди. Бирор нарсани билмай туриб ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. Буни 18-асрдан буён жонзодлар билан ўтказилаётган тадқиқотлар кўрсатмоқда. Маймун ёки итнинг бирор бир «ақли» ишга ўргатилишини ҳеч бир тафаккур сўзини моҳиятан тушунувчи жонзодларда эволюцион ўзгаришга эриша бошладим , дея олмайди. Чунки маймун ёки итга нутқ ва демакки тафаккур берилмагани қонун, улар ўз билимларини тафаккур билан кўпайтираяпти, дея олмаймиз.

М: Табиат кучи туфайли ўсимликларни ўсиш қонуни. бу қонун баҳорда, ҳаво ва тупроқ ҳарорати кўтарилганда уруғларнинг униши ва ўсишидан ва бу униб чиқаётган ўсимлик майсаси аста йириклашуви. рангини ўзгартируви, аста шона, гул очилиши, гул ичида «эр-хотинлик жуфтлашуви қонуни» кечиниши ва янги мева туғилиш-ҳосил бўлиши ва етилиши бу ўсиш-ривожланиш жараёнининг барчаси **Табиат** нинг кучи-иродаси асосида кечинишини фаҳмлаб етамиз. Ҳар қандай ўсимлик шунчаки ўсавермайди. балки табиатнинг муайян қонуни, қайсики муайян ҳарорат, намликни талаб қилади. Бу талабнинг бири бажарилмаса ўсиш-ўзгариш бўлмайди. Бу ҳолда табиат ўзгармайди балки, Табиат уруғни ўзгартиради-ўстиради.!!!

Илм отаси Платоннинг ҳамма фикрларини илмга асс қилиб олган бўлсакда, бир фикрини 2500 йилдан буён тушуна олмай ўзимизни фундаментал масалада доводиратиб юрибмиз. «Метафизика». Яъни, физикадан, моддий дунё элементларидан ташқари «дунё». Назаримизда бу тушунмаслигимизни сабаби, моддий дунё қонунлари илдизларига фикран чуқур кира олмайганимизда, яқинлашаолмайганимизда!

Инсон тафаккури Илохий-рухий олам ичида, унинг бевосита таъсири остида. Бунда унга икки йўналишда: ҳам ижобий, ҳам салбий йўналишда фикрни кўзгатувчи энергия – нур, фикрлар оқими келиб турибди. Фақат буни сезмаймиз, сеза олмаймиз.

### **Инсонга ф и к р к е л а д и, к е л а я п т и !**

Инсон миясига Илоҳиётдан келувчи метафизик нур-фикрларни қабул қилиш ва ўз, индивидуал хусусиятига кўра танлов-қарор қилиш хусусияти берилган. Ҳаёт қизиқ. Бир кун келиб **ҳамма** ўлишини биламиз Лекин нима учундир бу **ҳамманинг** ичида ўзимизни кўрмаймиз. Ўзимизни ҳаётимизни қандайдир, чексиз кўрамиз. Нима учун ! Чунки тафаккур жараёнимизга узликсиз салбий фикрлар *келиб турибди*. Бу ҳолатдан реал, ижобий тафаккур зонасига чиқиш эса ҳар биримизнинг шахсий бурч - вазифамиздир.

Худди бизга бошқаларникига ўхшамас юз тузилиши ва ранг, ҳаракат тер берилгандай, Илоҳий нур-фикрлар мазмунан икки йўналишли, ижобий ва салбий хусусиятлидирлар. Барча одамларда мия- сининг англаш, фикрлаш жараёнлари индивидуал хусусиятларга эга. Унинг стандарти йўқ. Яна, Инсон мияси, тафаккури билим олиш, билимларини бойитиш, кўпайтириш хусусиятига эга. Бу хусусиятда ҳам барча одамларда индивидуаллик, яъни фарқлар бор.

Инсон онги, тафаккури имкониятлари чеклидир. Агар инсон онги ўзидан – ўзи ишлайверса, у табиатдан ғолиб келса, у ҳолда у илоҳга айланади. Бунинг эса иложи йўқ, бундай фикр жуда заиф фикрдир. Инсон илми ҳеч қачон табиат қонунларини йўқ қилаолган эмас, илмлар фақат унинг бир қисм эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади холос.

Илоҳни англаш мумкин, ва керак. Мингларча далил исботлар турибди. Салбий, эгоистик йўналишда фикрловчилар онгида бу йўлда тўсиқлар бор. Бу тўсиқ инсон ўз ҳаётини ғоясини ўзгартиши асосида йўқолади. Лекин бу

узоқ ва машаққатли ҳаётӣ жараёнди. Эгоцентрик тафаккур эгалари «яшаш учун кураш» ғояси маънавиятга айланган, улар ўзларини жонзодга қиёслайдилар. Инсоният тафаккури- рухий ҳолатларидарида шундай мисоллар етарлики, тушунчалари саёз одамлар 10 марта очликдан ўлиши мумкин бўлган муддатда, Ишонувчилар фақат Яратувчига ишонч, ният ва умид туфайли соғ, омон ва янада катта рухий қувватларга тўлиб, «ихтиёрий очлик» (мутлоқ рўза) жараёнини қилмоқдалар. Бу ҳар қандай инсон такрорлаши мумкин бўлган илмдир. Ушбу фикрни қабул қила олмайдиган, бошқача фикр эгалари бу илмни рад этар экан, бу радди билан улар ўзларини ҳақиқатан ҳам ЯРАТИЛ-ГАНИНИ тасдиқлайдилар. Агар ушбу инсонлар ҳақиқатан ҳам ўзларини «инсон илми ҳар нарсага қодир» ҳисобласа, у ҳолда «ушбу ҳаётбахш илмни» ўзида синаб кўрадилар, акс ҳолда ундан қочадилар.

Борлиқ ва тафаккурни пайдо бўлиши, ривожланиши ва уни энг умумий- қонуний алоқалари тўғрисида – ушбу «фалсафа» сўзини бош таърифни яратганлар, фақат рад фикр тўқиш билан эмас, балки, «борлиқ ва тафаккурнинг энг умумий алоқаларидан бирор –бир қисмчасини англаш, топиш билан том маънода шуғулланиб кўрсалар, эҳтимол фикрлари том маънода бойиган бўлар эди.

« Инсонлар ҳар бир «тафаккурли инсон» тажрибасида, сезги, идрок ва тасаввур асосида вужудга келган», дейди илмий адабиётлар. Ушбу илмий хулосадаги «инсон тажрибаси» иборасини тушунишга ҳаракат қиламиз.

Инсон тажрибаси– аввало бу нарса, яъни ҳар қандай «тажриба»– бу амалий фаолият бўлиб, у албатта муайян билим асосида амалга оширилади. Бунинг учун эса онгда албатта бирор-бир миқдор мавзуга оид билим бўлиши шарт.

**Айтайлик «маймунсимон лекин онгли одам» олма мевасини (хужжатли филмларда кўрсатилганидек) калтак билан қоқиб еди, бир икки уч марта бўлди. Бўйи етмаган шохдан олма қоқиб олишни ўзлаштирди. У олмани қоқиб олишни идрок қилди. Кўзи билан баланд шохдаги мевани кўрди. Керакли узунликдаги калтакни ҳам топди. У олмани қоқиб олиш мумкин- лигини идрок қилди**

Ушбу жараён Инсоннинг Илоҳиёт иродаси, мадади остида, яъни рухий оламдан инсон онгига келаётган сигнал -фикрларни (илҳомларни) қабул қилгач, ондан-ҳаёлдан ўтаётган ёки келган фикрлардан ўзига мақбулини танлаб ҳукм қилиши, унга берилган Рух туфайли инсон экан ва ҳар бир инсон ўзига ҳос фикрловчи «олам» экан. Мана шу фикрловчи «одам»ни ҳаракатга келиши албатта Яратувчи Илоҳ ва унинг мулки бўлган, бевосита тасарруфидаги метафизик мавжудотларининг фаолияти туфайлидир. (инсон тақдири Илоҳий демак унинг ҳар бир фикри, қарори, қадами, ишлари ҳам бевосита Илоҳнинг тасарруфида бўлиши) табиий. Ва бу жараёнда инсонга танлаш эркинлиги берилган.

### **Тафаккурда мантиқ туфайли сўзлар бир- бирларига уланади**

Мантиқ туфайли сўзлар бир-бирларига уланади. Уланиш асоси шуки сўз-исмлар-нарса, ҳодисани билдиради. Нарса, ҳодисанинг эса сифатлари кўп ва бу сифатлардан ўхшаши, таниш бўлгани иккала сўзда ҳам мавжуд.

М: Банан ейиладиган нарса. Лекин бу нарса бизнинг қахрамонимизга нотаниш. Лекин унга нотаниш бўлган бананни таклиф қилиб бу ейиладиган нарса десак ва унинг пўстини арчиб кейин ейиш керак, десак қахрамонимиз бизни гапимизни тушуниб етади ва қабул қилади. Тушунишнинг базаси, асоси «ейиладиган нарса» ибора- тушунчасидир. Чунки қахрамонимизда бир қатор: нон, олма, сут каби **ейиладиган нарсалар** тўғрисида тушунчалар бор. Мана шу тушунчалар сўз-фикрларни бир-бирларига боғланишига ва энг муҳими янги эшитган, кўрган нарса, ходисаларни тушунишимизга олиб келади. Бу тафаккур жараёни —фикрни ишлаши ҳосиласидир.

Илм оламидаги буюк тафаккур эгалари – тарихдан маълумлар ва замондошлар машхур олимларни илмий махсуллари ҳажмларини таққослаб кўрдик. Аристотел, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва улар қаторидаги кўпларни ижод махсуллари ҳажмини замондошларимизнинг ижод махсулларига таққослаганимизда, замонамизда бундайларни кўрсатиш қийин экани эътиборимизни тортди. Замонамизда бир амалий аҳамиятли илмий фикрни рўёбга чиқармоқ учун бир олимнинг умри кетмоқда. Тарихий донишмандлар қандай қилиб шундай катта ҳажмдаги илмий ишларни ҳам тажриба-тадқиқот қилиб, ҳам китоб қилиб улгирдилар экан? -саволи бизни кўп ўйлантирди. Тасаввуф устозларидан Қозизода Румий ҳазратларининг «Ичингдаги ичингдадир» китобида 113-бетида ёзилган бир фикр – «Мустафо(Мухаммад с.а.в.) дан кейин ҳеч кимга ваҳий келмайди, дейишади. Нега келмасин? Келади. Бироқ уни ваҳий демайдилар. Унинг маъноси «Мўмин Оллоҳнинг нури билан боқади(қарайди)» – деган ҳадис билан бирдир. Оллоҳнинг нури билан назар солган (дунёга қараган) зот(мўмин) ҳамма нарсани, аввал ва охири, уларда бўлган ва бўлмаганни кўра олади. Чунки ҳеч нарса Оллоҳ нуридан пинхон қололмас.»

Бу сатрларни эслашимизни сабаби «фикрни келиши» ходисаси донишмандларга қадимдан маълум фикр эканини эслаб, у Зот номини ўзимизга паноҳ қилиш асосида, аввалги донишмандлар томонидан «олими Илоҳий» аталганларга фикр илҳом шаклида эмас, балки тайёр, пишиқ ҳолда келганки, «келган» фикрларни тажриба-тадқиқотларсиз фақат мусобаҳа асосида дунёга чиқариб қоғозга туширганлар, деб ҳисоблаймиз.

## Фалсафа ва мантик

Мақолаларимизда фақат **фалсафа** нуқтаи назарини, шунингдек фалсафий атама, ибораларни асос қилдик. Чунки барча йўналишлардаги фан, ҳар қандай янги фикр, мавзу унинг фалсафий асосидан бошланиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Чунки академик китобларда ёзилишига кўра, **фалсафа** – табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунларини очади.

Бирламчи вазифамиз **фалсафа** сўзининг маъно-моҳиятига етишдир. Бунинг учун **фалсафа** сўзини этимологик таҳлил қиламиз:

**фалсафа** = фа + ал + саф + а;

1. **ф**← фан – мия, онг, ақл *билан етилган фикр, демакки амалий аҳамиятли фикр*. Чунки **ақл** амалий аҳамияти йўқ, бефойда фикр-гапларни кўтариб юрмайди.

2. **ал** – Илоҳ берган, Илоҳдан келган.

3. **саф**<sub>араб.</sub> = **соф**<sub>ўзб.</sub> – беғубор, тоза;

– таркибга бошқа нарса аралашмаган, асил;

– айб, гуноҳ, нуқсонлардан ҳоли,

– Илоҳнинг асосий сифат – исмларидан бири.

**саф** сўзи ҳарфларининг бирламчи, этимологик маънолари:

**с**← **сан** – кўз→кўриш, қараш, назар...

**а**← **ан** – **Илоҳ**– **Аллоҳ**...

**ф**← **фан** – мия, онг, ақл.

**саф** = **соф** – Илоҳ берган ёки Илоҳдан келган илҳом-фикр ва ақл кўзи билан кўрилган (таркибда ортиқча ёки кераксиз нарса йўқ);

умумлаштирсак,

**соф** –Илоҳий – тўғри, рост, ҳақиқий, қандай яратилган бўлса ўшандай-лигича.

Фикрларни умумлаштирсак:

**Фалсафа** – нарса, ҳодиса ҳақида **соф**–Илоҳий, амалий аҳамиятли фикр.

Назаримизда ушбу ҳулоса, **фалсафа** сўзининг ўзи ҳар қандай илм-фан очган, инсониятга амалий аҳамиятли, табиат сирлари тўғрисидаги фикрнинг номи, уларнинг яратилишидаги талаб-қонун ва услуб экан. Яъни, ҳар қандай илм-фан –**фалсафий** – яъни тўғри, рост, ҳақиқий, амалий аҳамиятли бўлиши шарт ва бу фикр қонундир.

**Илм-фан** аталувчи фикрнинг ҳаётга келишида, **фалсафа** аталувчи **қонун**-нинг бажарилиши шарт. Ушбунинг қонунлиги – кучи шуки, айтилган талаб бажарилмаса, **фалсафий** – яъни тўғри, рост, амалий аҳамиятли фикр-илм эмас, **сафсата** ҳаётга келади. Шунинг учун бўлса керак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳалқона фикр:

Фалсафа [а <грек] – 1. айнан. философия.

2. эшитиб муҳокама қилишга арзимайдиган, мавҳум, асоссиз фикр, мулоҳаза, сафсата, дейилган.



Шунинг учун, **фалсафа –фанларнинг онаси**, – дейишган эканда. Яъни, **нарса, ходисанинг** бирор- бир сифати ҳақида тўғри, рост, амалий аҳамиятли фикр қилинса бу фикрдан янги илм туғилиши мумкин.

Уқоридаги, **илоҳий фикр** ибораси остида – **тўғри, рост , ҳақиқат** каби маънолари тушунилади ҳолос. Айнан ушбу сифатлар фикрларни Илоҳий эканини билдиради.

Муайян **фан** аҳли **Илоҳий** сўзини ўқигандаёқ хазм қилишга кийналадилар, **асаблари таранглашади**, юраги ғашланади. Ҳа, айнан шундай руҳий ҳолат кечинади. Сабаб, аввало бу парапсихологик тасирланиш ҳосиласи, қолаверса уларнинг тушунчаларига кўра – Илоҳнинг материали - стик асоси йўқ, нима учун фанга бундай мавҳумликни тикиштирадилар, – дейдилар. Бундай фикрлаш – «Тафаккур психологияси» фанининг таъкидлашича **эгоцентристик руҳий ҳолатнинг** ҳосиласидир. «Психология луғати» китобида (Психологический словарь. Академия Пед. Наук. М.1983.) **эгоцентризм** сўзининг маъноси:

Эго лотин– Я рус– МЕН ўзбекчада – ушбу термин билан **шахснинг** фақат ўз мақсад-орзуларига, истакларига етишга қаратилган, бошқаларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, тан олмайдиган дунёқараш-характери аталган. Эго ← Егорус← ҲАНООлот ← Йа Хуу қадим. араб→ Ё Хуу ўзб. – Оллоҳнинг исмларидан бири.

Савол беришади: манфаатсиз инсоннинг ўзи йўқ-ку, деб. Тўғри. Манфаат, нон ейиш ҳаммага, ҳар куни 3 марта керак. Лекин шу нонни топишда ким қандай ўйлайди, фикрлайди, қандай йўл тутади. Кузатдик. Ўз манфаатидан бошқа нарсани кўрмайдиган, бошқалар манфаати билан очик -ойдин ҳисоблашмайдиган, деярли кўпчилик, ёмон одам-, деб, ҳисоблайдиган ва бошқаларга деярли тўғри гапирмайдиган жуда оз сонли шахслар ҳам ўзларига кимдир ёлғон сўзласа бу ҳолга мутлақо тоқат қила олмас, ўта ғазабланиб кетар экан. Чунки нотўғри маълумот, ахборотдан амалий ҳеч нарса чиқариб бўлмайди, балки зиёнга қараб кетади. Фанда ҳам шундай. Нотўғри фан-фикрдан илм-амал чиқмайди

Айримларимиз, ўзимизни ўта ўқимишли, ва катта билимлар эгаси сифатида эгоцентристик сифатим йўқ, -деб ҳисоблаймиз. Шундай бўлсада, тажрибали психологга учраб, суҳбатида бўлсак, дунёқарашимиздаги ҳақиқат очилади. Ўзимиз ҳақимизда, ўзимиз ҳали эътибор бермаган, тан олмаган, дунёқарашларимиз ҳақидаги ҳақиқатни билишимизга, ҳоҳласак уни тўғрилашга ҳам албатта ёрдам беради. Албатта бу жараён шифокор дорисини қабул қилишдек содда ечимли эмас, балки йилларни талаб қилади.

Энди фалсафа фани ўрганадиган мавзуга қараймиз. Дарсликларда: «**фалсафа – табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунларини очади**» дейди. Ушбу эски қоида фалсафа сўзининг этимологияси тўғрисидаги фикримиз – **Фалсафа – нарса, ходиса ҳақида соф фикр**, –ни тасдиқламоқда. Яъни, фақат амалий аҳамиятли, ҳаётий тўғри, рост фикрларгина тараққиётга олиб келади ва уларни илм-фан атаса бўлади.

Энди **фалсафа** сўзи ва ўзини мантиқ тарозисида тортиб кўрамиз. Мантиқ– сўзнинг табиий кучи бўлиб, бу куч тафаккурни ҳаракатга келтиради, тафаккур эса **нарса, ходисанинг** номаълум сифатлари ҳақида янги, тўғри, рост ва ҳақиқат фикрларни юзага чиқаради ва сўзни тушунарли

ҳолатга келтиради. Бунда ушбу сифатлар шу пайтгача «диалектик материализм» айтиб келганидек, икки тарафнинг мусохабаси – қуруқ гап – билан эмас, балки табиат, жамият, тафаккурнинг, яъни **нарса, ҳодисаларнинг** амалий аҳамиятли сифатларини ўрганиш, очиш ва амалий-илмий ҳаётида фойдаланиш билан **ҳақиқатни** юзага чиқаради. Айнан мана шундай сифатлар уларнинг **фалсафий** аталишига асос бўлади.

Навбатдаги вазифамиз **фалсафа** сўзининг қонун кучини аниқлаш бўлади. Биламизки **фалсафа** маънавий нарса. «**Қонун**» аталувчи **ҳодиса** ортида **табиат** кучи, **давлат қонунлари** ортида **жамият-давлат белгилаган «куч»** бор экан.

**Маънавият**, яъни – сўз- фикрлар оламида эса **мантиқ** аталувчи қонун ҳукмрон. Ҳар қандай тафаккур маҳсули мантиқли-тушунарли бўлмаса, у маҳсулот амалий, ҳаётий аҳамиятга эга бўлмайди, яъни унинг маъносига ҳеч ким тушунмайди, фойдаланаолмайди.

Манавият қонунларини бузилишидан келувчи зиёнли оқибатлар табиат кучларидан фарқлироқ. Бу оқибатлар йиллар оша келиши билан фарқланади. М: «Тараққиёт» аталган инсоният фаолиятдан ҳосил бўлаётган турли экологик зарарли оқибатлар, Ер сайёрасида об-ҳавонинг исиб кетиши билан боғлиқ офатларни жабрларини кўришни бошладик. Мавзуси маънавий бўлган турли назариялар эътиборимизни тортади.

Тахлилларимиз назарияларни икки турга ажратди.

1. Амалий аҳамиятли назариялар. М: Нисбийлик назарияси.

2. Амалий аҳамиятсиз назариялар(сафсаталар). М: Эволюцион назарияда: «табиатдаги ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошади», қонунидир.

Нисбийлик назариясини амалий аҳамиятини ҳозир мактаб ўқувчилари ҳам биладилар. Коинотга сафар амалиётида у назариядан фойдаланиб натижаларга эришмоқдалар. Лекин эволюцион назариядан фойдаланиб бирорта маймундан ўзларига ўхшаган одамни келиб чиқишини кузата олмадилар. Чунки ҳар қандай биологик турни бирламчи пайдо бўлиши мўжизавий-революцион, ва изсиз.

Тадқиқотларимиз асосан **Ном-Сўз** ва унинг **мантиқи** устида бораётгани учун мавзуимиз асосан **фалсафа** сўз-тушунчасига XIX-XX асрдаги нотўғри муносабатларимизни чуқурроқ таҳлил қиламиз. Бизнинг бу тахлилларимиз айрим дўстларимизга ёқмаслиги табиий. Ўтган асрлар фан-техника тараққиёти йилларидан иборат, деб. Бу фикр мутлақо тўғри. Лекин биттагина изох бор. **Фан-техника тараққиёти биносига ғишт қўйганлар жуда оз сонли. Улар нарса, ҳодисанинг моҳиятига мутлоқ етганлардир, шунингдек турли сафсаталарга мутлақо эътиборсизлардир.**

В.Г.Афанасьевнинг «Философик билим асослари» (Тошкент 1975й. «Ўзбекистон» Марксизм-ленинизм асослари мактаблари-нинг тингловчилари учун.) китобида «Тил ва тафаккур» мавзуси баён этилган. Китобнинг 64-бетида «**Ҳақиқатда эса сўзлар** кишилар томонидан ўзбошимчалик билан белгиланмайди, балки **билиш ва амалий** фаолият жараёнида муайян предмет ва ҳодисаларга биркитилади.

Сўзларни алмаштиришда бу объектив процесслар ўзгармайди ва йўқ

бўлмайди. дейди. Ушбу фикрлар ўз замонаси сиёсатига қарамасдан, иккиланмасдан айтилган **ҳақ**лиги билан бизни ҳайратга солди. Шунингдек бундай **ҳақ** тушунчаларни айрим тилшунослар илмий тадқиқотларига асос қилмаганлиги бизларни ҳафа қилади.

Ушбу мутлоқ дониш фикрни яна бир давоми 54 бетда:

Фикр – модда эмас, уни суратга олиб бўлмайди. *Фикр*– дунё предметлари ва ходисаларининг образи(тасаввурий қиёфаси, кўриниши)дир, лекин моддий образ эмас, балки идеал образдир. (Ушбу сатрларда марксист файласуф СЎЗни **идеал образ**, яъни илоҳий нарса(қиёфа, кўриниш,тажалли),– деб эътироф этмоқда) Муаллифнинг ушбу фикрини **мутлоқ** ҳисоблаганимиз учун қаттиқ ушлаймиз. Ушбу китобнинг 8-бетида «Философиянинг асосий масаласи. Материализм билан идеализмнинг қарама-қаршилиги» мақоласи ичида:

«...моддий нарса билан маънавий нарса бир-бири билан қандай боғланган, маънавий, **идеал нарса** моддий нарса томонидан яратилганми, ёки аксинча, моддий нарса маънавий нарса томонидан яратилганми?»

Шунингдек,«Рухни, онгни бирламчи деб ҳисобловчи философлар идеализм оқимига мансубдирлар». Диалектик материализм тарафдорлари дунёни билиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Идеалистлар эса бу фикрни инкор этиб, дунёни тўла билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар», – деган фикрлар бор», – дейилган.

Ушбу ёзилганларни тадқиқ қиламиз.Сўзлар кишилар томонидан ўзбошимчалик билан белгиланмас экан ва фикр модда эмас, балки «идеал образ» – «Илоҳий тажалли» экан. Бу ердаги «идеал» сўзининг асл маъноси «Илоҳий» бўлгани учун, **коммунистик мафкура** хукмрон давлатда худосизликни асословчи дурдона фалсафий асарда «фикр-сўз»ни Илоҳий эканини пардалаб ёзган, деб тушундик. Чунки давлат сиёсати билан муросасозлик қилмаслик мумкин эмас эди. Иккинчидан, мукамал тушунчасиз мукамал ва мақбул китоб ёзиб бўлмайди.

Шу ернинг ўзида донишманд муаллиф **идеал** сўзини бир жойда «худоба тегишлилик» бошқа жойда «худодан ташқарилик» маънода фойдаланиши бу «буюк ўйин» бўлиб, моҳиятга этиборсиз фан-сиёсатдонларига «хўрак-сиз қармоқ ютдирган». Фалсафага «идеал» сўзини киритган немис буюк файласуфи Эммануэл Кант фалсафий фикр (яъни **нарса, ҳодиса** тўғрисида соф, тўғри, рост, ҳақиқий фикр) марказида инсоннинг тафаккур ва фаолият услубини белгиловчи «Бирламчи, Илоҳий Тажалли» туришини таъкидлайди. (идея грек– инсоннинг фикрлаш ва фаолият услубини белгиловчи Яратувчи, Илоҳий Тажалли). Фикримизча аслида юнончадан келиб чиққан «идея» сўзи шу тилдаги «Тео — Илоҳ» сўзидан ясалган, келиб чиққан сўздир. (Тео→итео→идео). Лотинчада Iteus-Деус —Илоҳ.

Шундай қилиб, фалсафанинг асоси бўлган СЎЗ(тафаккур воситаси) ва унинг келиб чиқиши **идеал** яъни «Илоҳий ҳодиса» бўлганини ҳатто «диалектик материализм» устозлари иқроор бўлгани, бу **ҳодисага** ўзгача ном кўя олмаганини билиб олдикки, бунга бошқа сўз қўшишга ҳожат йўқ. Фақат, чексиз таассуф билан айтамикки, бундай **Ҳақ** фикрнинг қарама-қаршиси

бўлган фикрлар ҳозиргача айримларнинг фалсафий – фикр, қарашларига асос бўлмоқда ва бу фикрлари билан ёшларни ўқитмоқдалар.

Узр, азизлар. ХХІ аср бўсағасида жаҳон илм-фан оламида кўплаб беғараз олимларнинг: «фикр(сўз) – моддий таъсир хусусиятга эга», (моддий бўлмаган (маънавий) нарсанинг моддийлик хусусияти) деган илмий- амалий тадқиқотларга асосланган ҳулосалари эълон қилинди. Бошқа мақолаларимиз -да бу мавзуга мисоллар келтирилган.

Ушбу китобимиз идеалистик руҳда бўлгани учун саволлар беришди: Фалсафа ва умуман фанларнинг методологик асоси сифатида қабул қилинган «диалектик материализм»ни **мантиқ** нуқтаи назарига кўра ўрни қандай? Юқорида «фалсафа» сўзининг этимологик маъноси **нарса, ҳодиса** ҳақида соф фикр, - дедик. Шундай экан, шу пайтгача асос бўлиб турган қарашларни **софлик** нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Биз аввало «диалектик материализм» нимани англатади? саволига жавоб изладик. Фалсафа энциклопедик луғати (Философский энциклопедический словарь. Москва. 1983.) маълумотларига кўра, ушбу иборадаги «материалистик» сўзи тилимизда, – «моддийлик», «моддиюнчилик» бўлса, диалектикагрек.– икки шахсни мунозара олиб бориш санъатидир. (Ф.Э.Л). Энди биз ушбу сўзни этимологик таҳлил қиламиз:

диалектика = ди + а + лект + ика.

ди – икки.

лект(ус) – сўз.

ика – фан.

диалектика – икки сўз, икки хил фикр илми.

«Диалектика» – «икки сўз, икки хил фикр илми » маъносини берар экан.

Бу икки сўз, бир- бирлари билан тортишувчи, қарама- қарши фикрлар гапираётган мусоҳабачилар, файласуфлар сўзидир.

Мусоҳаба, мазмунан фалсафанинг асосий мавзуси, «борлик, нарсаларни мавжудлик қонунлари ва уларни пайдо бўлиши» ҳақида бўлади ва албатта фикрларини охирида тарафлардан бири: «Борлик, нарсаларни Худо яратган, - дейди, қарши томон эса «асос кўрсат, кўрсатаолмадингми, демак ундок эмас» дейди, ва ҳозиргача бу баҳс давом этиб келмоқда, давом этаверади ҳам. Сабаб, замондошларимиздан нисбатан фавқулудда буюк иқтидор эгалари бўлса ҳам, айниқса шундай бўлган ҳолни алоҳида таъкидлаймиз, тадқиқотчи томонидан Яратувчи Илоҳни англамоғи, Инсонни ва унинг тафаккур оламини, уларнинг яралиш, пайдо бўлиш жараёнларини том маъносини муайян даражада англаб етмоғи учун, у ўзига берилган ақлу-заковат даражасидан қатъий назар, у кексаликка қадар яшаши ва ҳаёти давомида ўрганган нарсаларни ўзаро боғлиқлик занжирини фикран таҳлиллар қилиб англаб, тушуниб, муайян даражада билиб етмоғи учун, **билиш даври қонуни** талаби даражасида, яъни ҳар бир мавзуни 7-10 йил ўрганмоғи, ўрганганда ҳам муайян, **билдим**, дея оладиган бўлиши, ўрганган билимларини ўз ҳаётий жараёнларига бевосита тадбиқ этиб яшаб кўриши шарт. Иккинчидан – **илм- фанни мусоҳаба эмас, тўғри, рост, ҳақиқийлик, амалий ахамият - лилик белгилайди.** Бунда ушбу сифатлар шу пайтгача айтиб келинганидек,

икки тарафнинг мусохабаси – куруқ гап билан эмас, балки табиат, жамият, тафаккурнинг, яъни **нарса, ҳодисаларнинг** амалий аҳамиятли сифатларини ўрганиш, очиш, ва ушбу сифатлардан инсоният илмий-амалий ҳаётида фойдаланиши ҳақиқатни юзага чиқаради.

Тарихий манбаъларга кўра, «диалектика» сўзини биринчи бор Сукрот кўллаган. Издошларнинг таърифига кўра Сукрот бу сўз остида «**ҳақиқатга** етиш йўлида тарафларнинг моҳирлик билан мусохаба олиб бориши» тушунилган, дейишади. Унинг шогирди Платон эса «диалектика» сўзига «**ҳақ** фикр-тушунча»га етишда ҳамфикрлар мусохабаларини кўзда тутган. Немис файласуф Гегел эса бу сўз остига «**ҳаёт**ий қарама- қаршилиқлар ичидаги **ҳақиқат**ни излаб топиш санъати», маъносини берган. Хуллас ушбу сўз остида қадим донишмандлар «**ҳақиқат**»ни топиш йўлида, ўз фикрига эга тарафларнинг мусохаба-изланишини тушунганлар. Айтишимиз керакки, ўтган 2500 йил ичида Биринчи Муаллимлар айтгандек, фан – диалектика-мусохаба мавзуси эмас, балки бевосита амалий ҳаётнинг қисмига айланди. Ўтган аср буюк сиёсатчи-файласуфларидан бирининг : «**Ҳақиқат** мусохабаларда туғилади», –фикри ҳамма ҳолатларда ҳам ҳақиқатнинг туғилишига сабабчи бўлмас экан. Аксинча, замонда сўзамоллик-нотиклик маҳоратига етганлар(тадқиқотчи эмас) ҳар қандай тадқиқотчини диалог-мусохабада, хусусан омма олдида бўлса, тепалаб ташлайди. Чунки нотиклик маҳоратидан йироқда бўлган тадқиқотчи табиатига кўра, шошилишда сўзини топа олмай қолиш ҳолларини кўп кузатдик. Ундан ташқари янги илмий фикрни ҳамма ҳам дарҳол тушунавермайди. Юқоридаги ҳолат кузатувчиларга ҳам «**ҳақиқат**» ғалабаси бўлиб кўринади. Чунки эл аро тарқалган, айтайлик «эволюцион назария» ҳаммани тушунчасидадир ва уни ҳимояловчи албатта олқишланади.

Шундай қилиб, кейинги, XIX асрдан буён илм-фан тараққиёти мисоллари, **ҲАҚИҚАТ**, фикр билдирувчиларнинг мусохабага усталиги билан эмас, балки фикрнинг ҳаётийлиги ва амалий аҳамияти билан ўлчанишини кўрсатиб турибди. Амалий аҳамияти бўлмаган фан-фикрнинг қадри ҳам ўшанчадир. Албатта, тафаккур чархланишида мусохаба муайян ўрин тутди. Лекин ҳал қилувчи эмас. Психологик, парапсихологик тадқиқотларда маълум бўлдики, айнан мусохаба пайтида айрим донишмандларга янги фикр, янги ечимлар илхом бўлиб **К Е Л А Д И** экан. Юқорида фикри айтилган донишманд шуни назарда тутган бўлиши керак. Лекин бу ҳолат яъни «янги фикр келиши» қонун эмас.

Иккинчи фикр. Илм-фан мусохаба учун эмас, балки инсонларга моддий ва маънавий наф келтириш учундир. Моддий ва маънавий нафни фақат амалиёт, ҳаёт белгилайди. Шундай экан. «Илмларни инсонлар учун фойдалиси билан шуғулланинг», деган Илоҳий қоида ҳамма илм аҳли учун қонундир.

Бунга кўра, илм **материалистик**-дир, лекин диалектик– қўшасосли эмас, бир асосли экан.

**Диалектик материализм қонунларни идеалистик тушунишга қарши чиқади.** (Философик билим асослари, китобидан).

Бундай қаршилиқ етарли асосланмаган. Чунки ушбу ғоя муаллифлари **илм-фан** тушунчасининг асоси, маъно-моҳиятини «зўракилик» билан асослаганлар. Биз аввалги мавзуда билдикки, фанда, **қонун** сўзи қўлланган барча ҳолатлар–ҳодисалар табиатга тегишли бўлиб, албатта бу **қонунлар** инсоннинг инон –ихтиёридан ташқаридадир, демак идеалистикдир. Табиат қонунларини инсонга боғлиқ жойи йўқ экан, улар ҳақида айрим инсонлар нима ўйлайди, бунинг Табиатга ҳам қизиғи йўқ. Табиат ўз билганларини қилаверади. (Ўзингга эҳтиёт бўл ИНСОН, ҳавфсизликни ўрган).

Мавжуд илм-фанлар йўналишларида аниқланган ва қонун аталган барча ҳодисалар **табиат ҳодисалари** бўлиб, улар албатта табиатдаги **Ерга, нарса, ҳодисаларга** тегишли сифатлардир. Шундай экан илм- фанни, яъни амалий ахамияти бор бўлган барча фикрларни **нарса– материалистик-моддий оламга** тегишли экани аксиома, яъни исботга муҳтож эмас. Лекин биргина, барча илмий фикрларга ўзак бўлиб турган, Оламни ва ундаги биологик қисмни бирламчи пайдо бўлиши масаласи жумбоқлигича турибди. Эътибор қилсак ҳали бирорта илм- фан «йўқдан бор»ни қила олгани йўқ. (Азиз-авлиёларнинг қароматлари бундан мустасно, яъни илм-фан аталмайди, чунки ушбу И Л М ни мактабда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди, чунки бу **танлаган** инсонларга Яратувчи томонидан берилган сифатдир. Бундай сифатни танланганларга берилишининг сабаби шуки, инсонлар бундай соҳиб қаромат-мўжизакорларнинг ишини кўриб хайратлансин ва Яратувчини англаб етсинлар.) XX аср охирида ядрочи физиклар водород атомидан металл атомини яратган бўлсалар, ёки кўмирдан сунъий олмос яратган бўлсаларда, бу яратувчиликлар табиатнинг мавжуд нарсалари асосида илм билан амалга ошди. Илм билан «йўқдан бор» қилингани йўқ. Балки **бор нарсадан** иккинчи **бир нарсани** яратди. Умуман айтганда **илм-фан** ҳар доим **мавжуд нарса, ҳодисалар** хусусиятлари ва уларга тегишли «**табиат қонунларини** билиш» асосида улардан ўз мақсадига фойдаланади.

Фалсафа, табиатшунослик фанларининг асоси бўлган физика фани моҳиятини чуқур тушунган муаллиф Роман Подольский «Ҳеч нарса» аталувчи «бирнарса» («Нечто по имени ничто». Роман Подольский. Москва.1983. Знание.) номли илмий-оммабоп китоб ёзган. Мавзу моҳиятини мукамал тушуниб етган муаллиф, инсоният ва илм- фан тарихида, биз турган моддий Дунё: Ер, Коинот аталувчи **фазо** муҳитини ўрганиш тарихий босқичларини таҳлилдан ўтказган. Мавзуни тушунишингизни осонлаштирамиз. Биз **осмон** атайдиган томонга қаранг. Нима кўраяпсиз? Мовий осмонни. Аниқроқ айтинг, айнан нимани кўраяпсиз?- деймиз. Сиз, – ҳеч нарсани дейсиз. Муаллиф эътибор берган мана шу «ҳеч нарса» ичида сиз-у-биз яшаётган Ер, унга ҳаёт бахш этаётган Қуёш, тунимизни ёритиб, ўнг томонимизда ўроқдек пайдо бўлиб, кун сайин тўлиб, 25-27 суткада кичрайиб, тескари ўроқ сифатида шарқ томондан ғойиб бўлиб, яна 3-4 суткада ўнг томонимизда ўроқ кўринишда пайдо бўлувчи, бундай ҳаракат программасини тузувчи ва унга ҳаракат-қувват берувчиси «номаълум» Ой, яна Зухро юлдузи... кўзимизга кўриниб турган барча юлдузлар мана шу «**ҳеч нарса**»нинг ичидадир ва мана шу «**ҳеч нарса**» ичида қачонлардир пайдо бўлган. Замондош олимлардан бири: бу пайдо бўлиш биринчи портлашдан бошланган, деган ўз ғоясини илм аҳлига ташлади ва уни бошқалар кўтариб юрибдилар. Айнан шу портлаш қайси

портловчи модда туфайли, чунки фазо-вакуумда ҳеч нарса йўқ-ку, –деган саволга жавоб йўқ. Яқинда яна бир астроном бу «юлдузлар оламининг чегараси» ҳақидаги ғоясини эълон қилди. Лекин бу чегара ортида астрономнинг қайси қариндошига қарашли «ранчо» борлиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Осмон-фазо бу чексизлик, ҳавосиз- вакуум муҳит, яъни инсоний қарашда «ҳеч нарса». Мана шу вакуум– «ҳеч нарса» муҳитида қандай қилиб «бир нарса-лар» яъни Қуёш, Ер, Ой, ва яна бошқа... «Сомон йўли» юлдузлари галаси ва ундан ташқари юлдузлар галаси (Андромеда туманлиги, метagalактикалар), хуллас 18 минг олам борлиги қандай пайдо бўлган ва турли қаттиқ моддалардан иборат юлдуз-планеталар қандай қилиб «ҳеч нарса»дан ясалган???. Бундай саволга жавоб излаш албатта фаннинг иши. Лекин бу йўналишда ақлга тўғри келмайдиган назарияларни илм сифатида тикиштириш, ... бу ўта шошқалоқликдир.

Фан муаммосини иизлашда нақд, шахсий манфаатни кўзламасдан қилиш керак, дейди Психология. Бу мутлақо тўғри. Шу пайтгача йирик, фундаментал илмий натижага эришган ёки очган барча донишмандлар ҳеч қачон тадқиқот-изланишларидан муайян моддий ёки маънавий манфаатни кўзламаганлар. Илм-фан оламида ҳайратлантирувчи натижалар кўпинча, илм соҳасида нон еяётганларга эмас, уларга мутлақо ёт шахсларга насиб этган. Бунга сабаб психология фанининг талаби: **беғаразлик**. Яъни ҳеч қандай манфаатни кўзламасдан изланган одамга амалий аҳамиятли натижа насиб этади. (Миср эҳромларидаги ёзувларни ўқиш бу соҳада ўнлаб йиллар «сахрода қум ялаган» олимларга эмас, уларнинг даврасига мутлақо бегона (лекин соф илмий қизиқишга эмас), Шампалеон очди...

Аввало,

**табиат ҳодисалари– қонун жараёнлар – нинг барчаси инсоният илм-фани учун мўжизадир.**

Яъни ушбу жараёнларни ҳеч қандай илм –фан ўзгартира олмайди. Лекин Инсон, ўзига берилган илмлар асосида тунни чироқлар ёқиб чароғон қила-олади. Ушбу электр қуввати асосида ишлаётган барча машина, механизмлар, радиоэлектроник ва телеметрик, информатсион технологиялар томирида эса «электр–Илоҳий, Табиий қувват»– Ернинг электромагнит қуввати куч бериб турибди.

Фан оламида кейинги, XIX аср охирлари даврида, Дарвиннинг улкан шов-шувларига сабаб бўлган «Жанубий Америка табиатида 4 хил чумчуқчаларни кузатуви»дан олган «буюк хулоса»си – «эволюцион назария»ни пайдо бўлиши сафсата оламида катта ҳодиса бўлди. Шу кунларда ҳам ушбу назарияга асосланган компьютерда ясалган «хужжатли филмлар» яратилиб, илм ўзлаштираётган ёшларни фикрларини чалғитиб ётибди. Ваҳоланки XX асрнинг нодир илмий тадқиқотчиси, тенгсиз олим Жак Ив Кусто узоқ йиллар тирик табиатни амалий кузатиб, тадқиқотлар ва таҳлиллар – хулосалардан ҳайратга тушиб, Оламларни Яратувчиси Оллоҳ эканини англаб етди, Қуръонни Илоҳий Китоб эканини тан олди ва ислом динини қабул қилди. Биз бошқа мақолаларимизда изоҳлашга ҳаракат қилдик. Яъни Инсон учун борлиқни яратилиши Илоҳий-мўжизавий. Шу пайтгача ҳеч Ким

ва ҳеч нарсани бирламчи яралишини, яъни метафизик оламдан физик оламга ўтиши, бир тур биологик жонзоддан иккинчи тур биологик жонзодни бирламчи пайдо бўлишини кўрган эмас, кузатган эмас ва бу жараённинг ҳеч қандай изини топган эмас ва топа олмайдилар ҳам. Мўжизавий суратда, метафизик оламдан моддий оламга ўтган ёки бирор-бир **нарс**адан келиб чиққан иккинчи **ҳар қандай нарса**, моддий олам қонуниятларига бўйсунди, яшайди, ривож- ланади ва вақти келиб ўз таназзулини топади. Ҳар қандай нарсани бирламчи яралиши, пайдо бўлиши **изсиз**. Илм оламида ҳозиргача яратилаётган барча **нарсалар мавжуд нарсалар** асосида ясалади. М: Ядро физиклари газ-водо- род атомидан металл атомини ясадилар. Лекин Табиатдек «ҳеч нарса» -дан эмас. Оламни пайдо бўлишидаги «биринчи портлаш назарияси» ҳам хом гап. Асоссизлик шуки «биринчи улкан портлаш» хом ашёси Н–водородни назариётчи қаёқдан олди. Ваҳоланки космос– вакуум– бўшлиқ- дан иборат. Агар ушбу назария муаллифи қуёш ва ундаги жараёнларни ўз назариясига асос қилмоқчи бўлса, **қуёш** ҳақида билганлари, «қиш фаслида қуёшда исиниш»дан кўп эмас. Қуёш ҳақида илм яратилса, бу дегани, бу илм асосида кичикроқ қуёш ясаб олиш мумкин, дегани бўлади. Агар бу талаб бажарилмаса, бундай фикр илм эмас, сафсата бўлади.

Инсон тафаккури ва унинг илм-фанлари доимо «материалистик» конун остида. «Инсон илми ҳар нарсага қодир»,- фикри кўр-кўрона фикр-дир. Инсон илми табиат қонунларини ўрганиб ва шу маълумоти билан айрим ҳолларда ўзининг соғлиқ, омонлик ва яна бошқа ишларига табиатнинг зиён етказмаслигига, эҳтиёткорликка, сақланишга эришади, шунингдек бошқа ҳолларда табиат қонунларидан ўз эҳтиёжига фойдаланиб, ишлатиб қолади. Албатта бу жараён – илм-фан, тафаккур ҳосиласидир. (М: Очлик – овқатланишга; совуқ – либосланишга; ёғингарчилик, совуқ – том қуришга, уй қуриш-га, зонтик тутишга; тепалиқдан тушаётган сувнинг кучидан– тегирмон паррагини айлантиришга; темирчи болғани юқори кўтаргач, унинг оғирлик **кучидан** фойдаланишга... ва яна ҳоказолар.)

Инсон, табиат қонунларига нисбатан «**биламан**» сўзини эмас, «табиатнинг, ёки бу нарсанинг шундай қонуний характери мавжудлиги менга маълум» сўзларини қўллаш, фаҳмимизча, тўғри бўлар экан. Чунки «биламан» сўзи остида ўша ҳодисани **мутлақо** бошқа томонга ўзгартириб юбориш ётади.

Ҳақиқатнинг идеалистик асоси эса фақат «бирламчи яратилиш» жараён-лари, мутлоқ йўқдан борликка ўтиш, айланишга дахлдордир. Яна бир-бор таъкидлаймиз: Инсон **илм-фани** мавжуд табиат қонунлари ва мавжуд **нарс**алар билан иш қўради. Унинг шу пайтгача қилган ва қилаётган ижодкорлик фаолияти фақат **БОР нарса**, **ҳодисалар** асосидадир.

Классик фалсафанинг ҳали рад этилмаган «**дунёни тўла билиш мумкин**» иборасини ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини таҳлил қиламиз.

Биз **билиш**, **биламан** сўзи остида инсон ўзи ақли, идроки ва меҳнати билан такрорлаши мумкин бўлган **нарса**, **ҳодисаларни** тушундик, Яъни: Буғдой етиштиришни биламан, ун ишлаб чиқарадиган тегирмон яшашни биламан,



нон тайёрлашни биламан, космик кема яшашни биламан, космосга учишни биламан, ва яна ҳоказоларни ёзишни, чизишни, ўқишни, физика фанини ўрта мактабда ўқитишни, ушбу мавзуда катта аудиторияда лекция ўқишни... биламан. Ушбуларга кўра бизнинг Дунё ҳақидаги билимларимиз қисмий характерга эга бўлиб, яъни **нарса, ходисаларнинг** фақат айрим сифатларига тегишли қонуниятларигина бизга маълум экан. Демак Инсоннинг илми қайси даражага чиқса ҳам ҳеч қачон Табиатдан том маънода устун бўла олмайди. Фақат ақли билан унинг куч-қувватидан фойдаланади ёки унинг зиёнли таъсиридан ўзини эҳтиёт қилади.

**Барча нарса, ходисалар** Ер сўзининг мантикий сифатларидир. **Ер** сўзи эса **Илоҳ** сўзининг чексиз мантикий сифатларидан бир донасидир. Инсон тафаккури ўзлаштирган барча илм– сўзларнинг тарозиси шудир. Фан-фикр (амалий аҳамияти бўлмаган фикр)лар–сафсаталар муаллифлари эса **нарса, ходисаларнинг** амалий аҳамияти тўғрисидаги тушунчалари ўта саёз, бекор чи бошларни банд қилувчи фикрлардир. Ер ва ундаги барча табиий нарсалар мавжудлиги– пайдо бўлиш, яралиш илми инсон тафаккури имкониятидан ташқаридир, чунки бу жараённи қайта ишга сола олмайди.

Фалсафада барча фанлар тафаккур воситасида, Илоҳ ва Ер сўзига тегишли **нарса, ходисалар** ИСМининг мантиқига тегишли соф(Илоҳий: ҳаётий, тўғри, рост, ҳақиқий) сифатлари орқали умумлашадилар, бирлашадилар, Мантиқнинг ушбу асосий хусусияти фалсафа фанини шаклланишида, асосий, яратувчи ўрин тутган, – деган фикрга келдик.

Энди ўйлаб кўрсак, табиат қонунлари, аниқроғи, табиатнинг айрим ходисаларига тегишли характерни билганимиз билан уни ўзгартириш қўлимиздан келмас экан, бу қонунни билдим ёки биламан иборасини унга нисбатан қўллашга ҳақсиз эканмиз. (Масалан гравитация қонуни, электромагнетизм қонуни, ва яна бошқа кўпгина табиат қонунлари ЕРга тегишли сифатлардир! ЕРнинг ушбу қонун-сифатларини **биламан** дейишга ҳақсизмиз, фақат ушбу **қонун-сифат менга маълум**, хабарим бор, каби сўзларни қўллашга ҳақли эканмиз. **Биламан** дейиш учун ўша **нарса-сифат**ни бошқа бирор нарсада қайта пайдо қила олишимиз ёки йўқ қила олишимиз керак. Масалан, Ерни яшашни билмайман, Ойни яшашни билмайман, Қуёш яшашни билмайман ва яна... Ерни магнит майдонини ўзгартириб юборишни, Ерни тортиш кучини йўқ қилишни ва яна жуда ҳоказоларни билмайман, билаолмайман. Фақат уларни ИСМига тегишли мантиқли айрим сифат-хусусиятларидан хабардорман холос.

Ана энди «дунёни билиш мумкин» ёки «дунёни билиш мумкин эмас» ибораларига назаримизда мутлоқ жавобга эга бўлдик. Юқоридаги фалсафа дарсликларига айтилган айрим «диалектик материализм» тарафдорлари, қайсики идеализмни инкор этувчилар «дунёни билиши қайдаражада мумкин-лигини кўриб турибмиз. Яъни бу «билиш» куруқ сафсата, куруқ гап экан. Ҳаёт, илм олами ва тараққиёт кўпинча бундай амалий аҳамиятсиз **фанлар**-га(куруқ гап, ҳаётий бўлмаган фикрларга) бефарқ қараб, аниқроғи бундай сафсаталарга эътиборсизлик билан, нарса, ходисалар тўғрисида соф фикрларга асосланиб ҳозирги даражага келди ва яна олдинга кетмоқда, Вассалом!

Юқорида биз «Фалсафа фанлар онаси, мантиқ эса жонидир» дедик. Бу фикр қандай пайдо бўлди, асоси қани? Мантиқ алифбосида СЎЗлар илоҳий асосга эга экани ва ҳар қандай СЎЗ **мантиқ** аталувчи Табиий таъсир кучига эга экани ҳақида хулосага келдик. Фалсафа **нарса, ходиса** ҳақидаги соф , тўғри сўз, фикр экан, шу фикр тушунарли, ишонарли ва тўғри бўлмаса, бу фикр эшитувчи ёки ўқувчи онгига ўрнаша олмаслигини билиб етдик. Фикр-СЎЗ мантиқ кучисиз онгга ўрнашмайди ва янги тушунча, фикр–фан – илми ҳосил бўлишига ҳизмат қилаолмайди. Мантиқ аталувчи кучи туфайли СЎЗ тафаккурни кўзғотади, янги фикрни пайдо бўлишига олиб келади. Мантиқ кучисиз фикр, худди шамолпайтида ерга сочилган уруғдек учиб кетади, униб чиқмайди яъни ҳеч қандай ҳосил бермайди. Фалсафада мантиқнинг ўрни шундай, «мантиқ фикрни тушунилиши ва фарқланиши, янгиларини туғилиши учун ҳизмат қилади» экан.

Фалсафада мантиққа шундай катта ўрин, аҳамият берилган. Яъни, «нарса, ходисалар ўзгаришидаги тушунчалар алоқасини ва боғланишини таъминлайди».

Бу боғлиқликни мантиқ эмас, нарса, ходисаларнинг сифатлари қилади. Мантиқ эса ўзининг асосий вазифаси: онгга маънолар етказиш билан шуғулланади. Онг эса тушунчаларнинг сифатларидаги бирхилликни-умумийликни фаҳмлайди-пайқайди ва шу асосда маънони маънога, тушунчани тушунчага боғлаб боради.

Биз аввалги таҳлилларимизда «қонун» сўзининг маъно-моҳиятига етдик. Шу пайтгача диалектик материализмга асосланган классик фалсафанинг асоси бўлган:

- 1.Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни;
- 2.Микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни;
- 3.Инкорни инкор қонуни. –ларнинг таҳлилини кейинги изланишларимизга қолдириб турамыз. Ушбу қонунлар физиклар томонидан тан олинмагунча сафсаталигича қолади.

Ушбу қонунларни таҳлил қилишдан олдин фалсафа фани ўрганадиган мавзуларни эсласак. **Фалсафа** – табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунларини очади-дейди. Биз тушуниб етдикки, фалсафа табиат тараққиётини эмас, табиатнинг энг умумий қонунларини ўрганади, десак бу фикр ҳақиқатга тўғри келади. Бу қайси қонуний жараёнлар?

- кеча ва кундузни алмашиши;
- фаслларни алмашиши;
- ернинг ўз ўқи атрофида ва қуёш атрофида айланиши, –қуёш системасининг спиралсимон айланма ҳаракати;
- Умуман самовий жисмларнинг узликсиз ҳаракати;
- биологик оламдаги уруғдан униб - ўсиб чиқиш, улғайиш, насл қолдириш, қариш ва таназзули;
- ҳар қандай модда атоми ичидаги узликсиз ҳаракатлар; .....

Юқоридагиларга кўра,

табиатнинг **фалсафани фани ўрганадиган, ҳамма нарса, ҳодисалар учун умумий бўлган қонунлари:**

– **Яралган, туғилганлар учун муқаррар таназзул қонуни.**

– **Ҳаракат қонуни.**

– **Ўзгариш қонуни.**

мавжуд экан холос.

Ернинг оғиш бурчаги 23,4 даража. Бу ҳолат бугунги Ернинг биз учун ҳаётий ҳолатини келтириб чиқарди, – деган янги илмий фикр яратилди.,

**Офарин.** Лекин бу кўрсаткич-рақамни ўзгартиришга инсон ожиз. Чунки бу ҳолат инсоннинг илмий фаолияти эмас, Илоҳий ирода туфайли мавжуд ва барқарор.

## ФАН ВА ДИН: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ЯҒОНАЛИГИ

Ушбу мавзуга эҳтиёжни замондошимиз, теран фикр ва мушоҳада соҳиби, забардаст математик ва файласуф олим Абдулла Аъзамнинг «Тафаккур» журналининг 1999 йил 1-сонида, «Руҳият сабоқлари» рукни остида эълон қилинган «Фан ва дин: Муносабат диалектикаси» номли катта фалсафий асарида кўтарилган муаммоларда кўрдик. Асар муаллифини биз, замонамиздаги фалсафа фанининг энг юқори чўққисида турган мавзу-билим-ларни тақдим этган ва муаммоларни аниқлаб, кўтариб чиққан, ва бизни ушбу муаммолар сўқмоқларига етаклаган устоз ҳисоблаймиз. Тафаккуримиз, асар кўтариб чиққан фалсафий тушунча ва муаммоларни «Одамато луғати» ва «Мантиқ алифбоси» мақолаларимизда шаклланган мантиқ ўлчовлари билан кўриб чиқишга ундамоқда.

XXI- аср. Инсоният кўп соҳалардаги амалий аҳамиятли илмлари туфайли она -Табиат дунёга берган жуда кўп неъматлардан баҳраманд бўлаётгани ва янада янги-янги кашфиётларни очиш арафасида турибди. Математика, физика, техника, ахборот ва алоқа техника ва технологияси, нанотехнология билан яратилган мўжизавий материаллар, космосга учиб ва уни тадқиқ қилиш, микробиология, медицина ва умуман барча аниқ фанларнинг амалиётда эгаллаётган чўққилари янада кенгайиб бормоқда. Амалий тадқиқотлар кўлами афсонавий даражада кенгаймоқда. Марс планетасига тадқиқотчи кема учирилди, шунингдек тадқиқот олиб боришнинг мураккаблиги космосдагидан ҳам оғирроқ, 11,5 км. чуқурликдаги сув ости ҳаёти тадқиқ қилинмоқда. Охирги янгиликлардан: Ер сайёрасидаги нефт ва газ захиралари 50-70 йилларга етишини инобатга олиб, жаҳон илғор олимлари Ойдан гелий-3(гелийнинг ерда йўқ изотопи) моддасини олиб тушиш ва ундан фойдаланиб атом электростанцияларини юргизиш, жаҳонни энергия билан таъминлашга қодир, демокдалар. Ушбу инженерлик лойиҳалари устида ишлашни бошлаб юборганлар. Айтишларича бундай технологияда экологияга зарар етмас экан.

Ер юзиде фан -техника ривожини асосида турли саноат-ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган турли кимёвий дорилар кўпайгани сари атмосфера, сув, тупроқ меъридан ортиқ захарланмоқда. Оқибатда, ҳали бирорта биологик турни бирламчи пайдо бўлишини кузата олмаган инсоният айрим турларни йўқолишини кузатишига тўғри келмоқда.

Ривожланган ва бой давлатларда илм-фаннинг ва сўнгги техника воситалари шарофати билан одамлар турмуши жуда енгиллашиб кетди. Ер юзининг анчагина қисми одамлари шаҳарларда, ўта катта шаҳар-мегаполисларда яшамоқда. Илм-фан ютуқларидан баҳрамандлик туфайли ҳаёт худди жаннатдагидек. Табиий муҳит ноқулайликлари: совуқ, иссиқ, қор, ёмғир, шамолнинг уларнинг турмуш ҳаловатига таъсири сезилмайди. Уй ичида қишда ўтин-кўмир ёқмасдан ҳам иссиқкина. Ёз иссиғида кондиционер билан уй ичи салқин. Бундай давлатлар фуқаролари муайян қисмининг «оғир иши» овқатланиш ва тамоша кўриш бўлиб қолган. Табиатдан йироқлашган бу одам-

ларнинг тафаккури ҳам турмуш тарзига монанд. Юқори даражада қулайлик ва енгиллик муҳитида ҳамма қатори яшаётган, ўзларини фан кишиси ҳисобловчиларнинг айримлари, «фан ҳал қила олмайдиган муаммонинг ўзи йўқ», тушунчасини ўзларига тўла сингдириб олганлар. Бундай турмуш тарзида фанга суянувчи одамлар динни тушунаолмайди, демак тан олмайди.

**Ваҳоланки ҳар қандай дин энг аввало инсонлар ўртасида фақат яхши хулқ ва муносабатни тарғиб қилади.** Бу эса ҳар қандай одам учун, шунингдек **илм-фанни** ривожланиши учун ҳам энг биринчи ва зарурий шартдир. Жаҳоннинг айрим жойларида илоҳий талабларга ҳилоф равишда, динни ўзларига ниқоб қилиб, турли даражадаги экстремистик ҳаракатлар, тартибсизлик, қарама-қаршилиқлар ташкил қилиб беғуноҳ аҳоли қонини тўкаётган, аслида дин талабига мутлоқо қарши ишлар билан шуғулланаётган, эгоистик –ғаразли тафаккур эгаларининг фаолиятлари замонамизда ер юзининг у ёки бу жойларида кўзга ташланиб турибди. Диннинг маъно-моҳияти, инсонлар турмуши, дунёқарашларидаги ўрни ҳақида ҳар қандай атеистга тушунарли фикрлар ёзилган «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» (И.Каримов. Тошкент. 1999 й.) китобига қарасак, донишманд олим ва давлат бошлиғининг изоҳ-тушунтиришлари қалбингизни тўлқинлантиради.

**«Фан ва дин» асарида баён қилинган, фан аҳлини ўйлантириб келаётган, ҳам фан, ҳам дин мавзусига тегишли ҳисобланаётган муаммомоларнинг илдизи, фан оталари: Платон, Аристотел, Евклид, Пифагор, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа, улар қаторидаги буюк донишманд-устозлар кўрсатган фан-тафаккурнинг ҳақиқат йўллари-дан узоқлашганликда деб, билдик**

**Донишмандлар йўли қандай эди ?**

**–Уларнинг йўли:**

**– «Олам ва ундаги нарсаларни бирламчи яратилиши Илоҳий, мўжизавий, – деб тушуниш. Умуминсоний амалий аҳамиятга эга фикр қолдирган барча донишманд-олимлар художўй бўлганлар ва уларнинг такводор дунёқараш илм-фан мавзусига моддий(материалистик) асосда қарашларига ҳалақит бермаган.**

**– Инсонларлар атроф-муҳитнинг ўзини ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ҳаракатланиш, ўзгариш, кўпайиш ва яна бошқа қонуниятларини ўрганиб, ақли яъни фани, билимини бойитиб, бу билимлардан ўз ҳаётий эҳтиёжлари учун фойдаланадилар. Чунки ҳар қандай илм ва илмий изланиш ортида инсоний манфаат, ҳаётий эҳтиёж ётади.**

**–Ер ва бошқа сайёралар, галактикалар ва улардаги нарсалар – Мавжудлик, Ҳаракат ва Ўзгариш Қонунлари билан яшамокда. Бу қонун-кучларнинг мавжудлиги инсон илмидан ташқаридадир, яъни бу қонун-кучларни бирортасини инсон ўз илми билан ўзгартира олмайди, йўқ қила олмайди. Ҳеч бир инсон шу пайтгача бирор –бир биологик нарса ёки турни бирламчи пайдо бўлишини – Яратилишини кўрмаган, кузатган эмас. Фақат мавжуд нарсаларни кўпайишини, туғилиши, тухумдан чиқишини, қайси жонзод бошқа жонзодга ўхшашлигини, нималарни еб яшаётганини ва яна шу кабиларни кўрган, кузатганлар, ўрганмоқдалар ҳолос.**

—Инсон ушбу оламда бошқа кўп **нарсаларга** нисбатан анчайин кейин яратилди, пайдо бўлди. **Биология — уруғдан кўпаювчилар дунёси** эканини тушуниб олсак, ушбу ҳолатнинг ўзи унинг оламдаги имкониятлари чеки чегараси ҳақида фикрлашга мажбур қилади. (Homo Sarpins ҳеч қачон ўз ота-онасини туға олмайди, ясай олмайди ва умрини боқий қила олмайди. Демак унинг ўзига ҳам шу тақдир битилган. Унинг илмидаги чегара шу.)

—Инсон ўз илм-фани билан Табиатнинг Қонунларини том маънода «ўзлашти-раолмайди», яъни ушбу қонунларнинг кучини ўз қўлига, ихтиёрига бўйсундира олмайди, йўқ қила олмайди. Чунки **ўзлаштирилган нарса** ўзлигини, ўз хохиш-ихтиёрини йўқотади ва ўзлаштирувчининг тасарруфига тўласича ўтади. Шунинг учун, инсоннинг Табиат Қонунларини ўрганишини, яъни илм-фани, Табиат кучларидан эҳтиёт бўлиш ва имкон топиб ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолиш», деб тушуниш керак. Инсон илми ва умуман илм сўзининг маъно моҳияти ҳақида «Илм ва мантик» мақоламизда юқоридаги хулоса-фикримизни асосладик. Ушбу ва бошқа шу мавзудаги таҳлил, мисоллар — инсон илм-фани Табиат ва унинг Қонунлари олдида инсоний, ақлли тадбиркорлик эканини кўрсатмоқда ҳолос.

— **Ашаддий дахрий олимлардан қолган ахамиятли қайси мавзу-илмларни**

**биламиз?**

— **Сафсатадан бошқа ҳеч нарса.**

**Табиат кучини бўйсундириш, ўзлаштириш, бу Табиатнинг муайян соҳадаги кучини мутлоқ йўқ қилишдир, Инсон илми ҳеч қачон бунга эришаолмайди, иложи йўқ!!! Чунки у Табиатнинг, Яратувчининг қони, қонуни, — илмий тилимизда айтсак кучидир.**

**Инсон илми Табиат кучларининг айрим сифатларини ўрганиб, тадбиркорлик билан шу сифат - кучдан фойдаланиб, ишлатиб мақсади-га эришади.**

М: сув тегирмони, ГЭС, шамол тегирмони, шамол электр станциялари...

Бу фалсафанинг энг, энг, энг **соф** қонунидир.

Бирор ишни амалга оширишда табиат кучи йўналиши ва миқдорига қарши куч қўямиз ёки ундан ҳимоя воситаси қўллаган ҳолдагина мақсадимизга эришамиз. Бу муваффақиятимиз фақат **бир нарса** ёки **иш** миқёсида ҳолос, мутлоқ эмас. Бу ҳолатни табиат кучи устидан ғолиблик эмас, тадбиркорлик атасак тўғрироқ бўлади.

«Диалектик материализм» ибораси тор маънода қонига сингган илм кишиларининг бир қисми — «моддий оламни, ундаги ҳар бир нарсани бирламчи яралиши — яратилиши ва Оламдаги нарса, ҳодисалар Илоҳий асосга эга», деган фикрни илмий исботини талаб қилдилар. Бундай талабнинг ўзи, унинг эгалари бўлган *илм аҳлида* биринчи навбатда **илм-фан** сўзининг маъно-моҳияти тўғрисида тушунчалари етарли эмаслигини билдиради. Иккинчи навбатда эса амалий ҳаёт ҳолатларига эътиборсизлигини билдиради. Энг оддий мантиқий далил. Агар Инсон Илоҳдек, Табиатдек яратувчилик имкониятига эга бўлса, унда **Илоҳ** ва **Табиат** сўзлари камровидаги маъно-моҳият **Инсон** сўзининг маъно-моҳияти билан бир ва

тенг бўлиб қолади. Инсон Табиатнинг яралмишидир. Ҳеч қачон фарзанд ўзини дунёга келтирган ота-онаси билан тенг бўлиши мумкинми. Бундай бўлишнинг иложи йўқ.

Бундай хом тушунчаларнинг сабаби, назаримизда **Илоҳ, фан, дин** сўзларининг маъно-моҳиятлари, мантиқий сифатларини тўла очиб ва тақ – қослаб кўрилмаганидир. Мантиқшуносликда Аристотелнинг «Органон» асаридаги «силлогизм»и, яъни «нарса, ходисанинг маълум икки сифати асосида учинчи сифатини аниқлаш» илмий изланишга эмас «кўчадаги олди- қочди гаплар» бўйича мушоҳада мақомига туширилган. Шу пайтгача файласуфларнинг илмий тушунча ва билимларидаги «фан» сўзи – «инсоният табиатнинг муайян сирларини очиб эгаллади ва албатта қолган сирларни ҳам вақти соати келганда очади. Шундай қилиб, инсонни кўлидан келмайдиган иш йўқ, инсон ҳамма нарсага қодир», деган чала мантиқ «тушунча-хулоса» **мутлоқ** қилиб олинган.

Юқоридаги фалсафий «Фан ва дин диалектикаси» асарида:

фан объекти – бевосита ёки билвосита кузатиш, тажриба ва тафаккур орқали моддий олам, жамият ва инсонни ўрганиш ва шу асосда оламга, жами -ятга ва инсон табиатига маълум мақсадда таъсир ўтказиш, – дейилган. Ушбу фикрлардан биз «инсон илм-фанлари билан **ОЛАМга** маълум мақсадда таъсир ўтказиш билан шуғулланади, фикрига қўшилаолмаймиз.

### **Сабаб ?**

#### **Биз инсониятни қўлимиздан шундоқ ишлар келар эканми ?**

Ундай фикр айтишдан олдин **Олам** сўзини маъно- моҳиятига етайлик. Сўнгра Оламга таъсир ўтказиш қанақа бўлишини тажриба тадқиқот қилайлик. Назаримизда бундай фикр қилувчилар очик фазода ҳаракат қилаётган космонавтни ёки гидрометрология хизмати ишларини «Оламга таъсир» сифатида қабул қиладилар, шекилли. Фикрлайлик, бу ҳаракатларимиз билан ўзимизга Оламдан **манфаат излаяпмиз** ҳолос.

**Илм – фан, изланиш чексиз давом этаверади ва ҳар бир ҳолатнинг пировард мақсади умуминсоний манфаат бўлади.**

Илм-фан **билимга** олиб келади. Билим эса инсоний яратувчилик билан шуғулланади. Лекин фан-изланиш билан шуғулланаётганимизда айримларимиз амалиётни ҳеч қандай тури билан шуғулланмай, кўрмай, демакки билмай фикр қиламиз. Оқибатда **билим** сўзининг маъно-моҳиятини билмай уни бузабошлаймиз. Албатта бундай бузғунчилик, **илм-фан** эмас, кўпроқ **сафсата** – деган ҳосил беради. Бундай ҳолат барча фан йўналишларида кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолатга сабаб, илмий изланишларда фикрлар мантиқий боғланишга, ва шу ҳолат орқали тасдиққа эга бўлса бўлди. Демак янги фикримиз ўзини исботини топти, -деган амалий ахамиятлилик тасдиғидан ўтмаган хулосалар» чиқарилишига олиб келмоқда. Айнан «**мантиқ**» сўзини асл маъно- моҳияти бундай хулосаларга қаршидир.

Тадқиқотларимизда билдикки, ҳар қандай мантиқий боғланиш янги илмга олиб келавермайди. Мантиқий боғланишлар Ердаги ҳар қандай нарса, ҳоди-

сада бор. Уларни барчасини **Ер, Инсон** сўзининг мантикий сифатлари боғлайверади. Юқорида илм - фаннинг маъно - моҳияти ҳақида гапирдик. Яъни, илм-фаннинг **пировард мақсади умуминсоний манфаатлар келтириш экан.**

«Илмни одамларга кўпроқ манфаат келтирадиганлари билан шуғулланинглар» - деган экан пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в.

**Бу маънавий асос энг аввало илмий, қолаверса диний фикрдир.**

Ҳамма динлар шу қонидани тарғиб қилади. Демак, бу фикр қоида эмас, Қонун экан. Ушбу **қонунга** мос келмайдиган ҳар қандай **илмий** аталувчи фикр — сафсатадир. Демак, дин ва фаннинг мақсад, вазифаси ягона экан.

Шунга кўра, **фан ва дин муносабати диалектик эмас монолектик экан.**

Бу монолектика:

— Фандаги «умуминсоний қадриятлар» аталувчи аслида диний фалсафанинг асосига мос келмайдиган барча **илмий** ва **диний** аталувчи фикрлар — сафсатадир.

Шу кунгача қабул қилинган фалсафий қонун:

**Билим – мавжуд нарса ва ҳодисалар сифат ва хусусиятларининг тажриба-тадқиқот ва амалиётда аниқланган ҳамда мантиқ қонунлари билан тасдиқланган маълумотларни инсон онгида тасаввур, тушунча, ҳукм, назария шаклида акланган ҳолатидир.** (Философический энциклопедический словарь. М. 1983г.)

Ушбу „дониш„ таърифдаги: ... **мантиқ қонунлари билан тасдиқланган маълумотлар...** қисмидан усталик билан «илмга нафи тегмайдиган фойдаланиш» мисолини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Аввало **мантиқ** тушунчаси бу— сўз маъносини таъсир кучидир ва бу маъно қамровига **нарса, ҳодисанинг** аниқлаш мумкин бўлган барча сифатлари ва атрофидаги бошқа нарса, ҳодисаларга нисбатан муносабат, жойлашувларини ҳақидаги маълумотлар ҳам киради. Иккинчидан **мантиқли** атаган фикримиз бу— **тушунарли** фикр дегани. Фикр илмий ва тушунарли бўлса бу фикрда ҳеч қандай топишмоқ бўлмади. Бу ҳолатда антоним сўзлар ҳам айнан бир мавзу учун мантикий ва тўғри бўлаверади. Юқоридаги мўътабар фалсафий таърифни мантиқнинг қайси қонуни билан тасдиқлашмоқчи.? Бу фикримизни тушунмоқ учун содда мисол кўрамиз: «Инсон – одам» сўз тушунчасини кўриб чиқайлик. Аввало бу одам **ерда** туғилган, **ерда** яшайди. Шунинг учун уни Ер фарзанди –деб ҳам аташ мумкин. Шу ҳолатни ўзида **инсон** сўзи **ер** сўзининг маъносига ўзаро мантикий боғланапти, яъни **Ер**нинг мантикий сифатларидан бири: инсон ерда туғилган, ерда яшайди, ўлганда ерга қўшилиб кетади ва яна ҳоказолар. Одамнинг мавжудлигини зарурий шарти Ер сайёрасининг мавжудлигидир.

2. Энди **инсон-одам** деган сўз –тушунчасини хусусий вариантини кўрайлик: Кўз олдимизга келтирайлик: Бўй-басти, қош-кўзи, қўл оёғи бор, гапирувчи, муайян фаҳм фаросатли субъект.

Юзида каттагина қора холи бор одам;

Қулоғида каттагина ортиғи осилиб турган одам;

Геморройи қийнаётган одам;



Кўзи ожиз одам...

Бундай мисоллар «инсон» сўзи мантикининг маъно- моҳиятини умумий эмас хусусий ҳолларига аниқлик киритувчи сифатлар ҳолос. Бу сифатлар **инсон-одам** тушунчасининг зарурий шартлари эмас.

Лекин замонамиздаги унча-мунча илмий ишларни маъно-моҳияти қарасак юқоридагидек маъноларни кузатамиз. Демак **мантиқий боғланган сўз, фикр тушунчаси** шу қадар кенгли, унда ҳар қандай умумий бўлмаган ва нарса, ҳодисани ҳатто бузиб кўрсатаётган, кам учрайдиган хусусий ҳоллар ҳақидаги маълумотлар ҳам **мантиқий** аталаверади экан. Ушбу, **мантиқ** тушунчаси ҳолатидан усталик билан фойдаланувчилар бамисоли: Дарёлар ўзани ёнида пайдо бўлган кўлмакчаларни ҳам «дарёнинг мавжудлигини зарурий шарти» сифатида «илм»га ўтказмоқдалар. Соғлом тафаккурли одамларга бундай тушунчалар кулгили кўринсада, айрим замондошларимиз гулдирос қарсақлари билан маъқуллаб, «фанларини ривожлантириб, бойитиб» бормоқдалар.

Турли фанларга кундан- кунга қўшилиб бораётган бу каби «янгиликлар»ни мантиқчилик, илмийлик асослари шу тарздадир, аниқроқ айтсак уларни мантиқчи ва илмий атайолмаймиз. Минг таассуфки, **илм** бундай янгиликлардан фундаментал илмларни тушунишга ҳалақит берувчи, зарарли тушунчаларга эга бўлмоқда ҳолос.

Илмда **мантиқ** фақат янгилик яратишга хизмат қилади. Бу янгилик нарса, ҳодисаларнинг номаълум сифатларини аниқлашдан иборат.

Инсон илм- фанидаги ғўр фикр, назариялар уни Илоҳдан узоқлаштириб, маънавиятини бузиб «дунё ишлари ўзи бўлади» тушунчасини тарқалишига олиб келди. Айтайлик, биологияга тегишли «эволюцион назария»дан амалиётда қандай фойдаланадилар? Бу назария асосида фақат янги сафсаталар тўқилди ҳолос. Ҳар қандай биологик ёки зоологик селекционерлик, ёки ирсий инженерлик ишида эволюцион назариянинг ўрни борми? Биологик мавжудотлар муайян муҳит ва шароит тақозоси билан бир турдан иккинчи турга ўтади, дейилади. Шу жумладан инсонлар ҳам маймунлардан ярим маймун, ярим одамга (неандертал, питекантроп, синантроп, атлантроп ...) ва ундан одамга айланган деб биологик олам ўзгаришларини изоҳлайдилар. Қани бу ерда амалий тадбиқ ва исбот? Қолаверса ҳар бир биологик мавжудот физик муҳитдан ташқари метафизик нур, яъни **Илоҳий нур** билан яшайди. Табиат мавжудотлари ўзидан- ўзи яшаб, кўпайиб, ўзгариб бораверади, деган фикр мутлақо ғўр, болаларча фикрдир. Яна, инсон «фан»и, яъни онги билан оламдаги барча нарса ва ҳодисаларини билиб олувчи, демакки такрорлай олувчи ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, фан (мия фаолияти) билан инсон фақат ўз эҳтиёжларига керакли бир қисм билимларга эга бўлди ҳолос. М: кулоллик, боғбонлик, асбобсозлик, металлургия, космик кема учуриш ва ундан халқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланиш ва ҳ.к.. Бирор нарса, ҳодиса ҳақида айтилган фикр, агар инсон нарса ёки ҳодисани шу фикр асосида ўз ақли, кучи ва воситалари билан такрорлай олса, ёки ҳар қандай назария амалий таҳлил ёки тадқиқотда фойда берсагина у **илм** даражасига чиқади. М: Гравитация қонунини билиш илми айтайлик, ерни тортиш

кучини мутлақо йўқ қилиш учун асос бўлаолмайди. Хақиқатда эса инсон ернинг тортиш кучи миқдорини, характерини ўрганиб, ҳаракат қилдирмоқчи бўлган жисмга ернинг тортиш кучидан ортиқроқ куч сарфлаган ҳолда, жисм-нарсани муайян тезликда ҳаракат қилишига эришади. Ушбу ҳаракат фақат мана шу ясалган нарса- машинага тааллуқли ва албатта муайян энергия-ёқилғи сарфи билангина амалга ошади. Ёки, Ер сайёрасини ғарбдан шарқ томонга қараб айланишини билишимиз асосида ҳеч қандай инсон илми билан яратилган куч –қувват билан ерни тескари айлантираолмаймиз.

Инсон ҳали ўзи билаолмаётган(яъни қилаолмаётган) нарса ва ҳодисалар кўплигини яхши билади. М: Илоҳий мўжиза билан яратилган Одамато ва Момо-ҳавонинг биринчи вазифаси бола туғиш бўлган. Бола туғиш, бу одам яратиш эмас. Ҳеч бўлмаса муайян сифатлари (кўриниши, қадду-қомати, қошу-кўзи, фаҳму-ақли, хулқ- атвори, рост-ёлғонга муносабати, тақдири) биз хоҳлагандек болани аёлларимиз туғиб бераолса эди. Афсуски бунга ҳеч ким, хатто пайғамбарлар ҳам эришаолган эмас. Ёки, ултратовушли ташхис аппаратида ҳомиланинг жинсини айта олиш, чала туғилган чақалоқни махсус камерада ҳаётини сақлаб, воясига етказиш, бу одам саломатлигини сақлаш жараёнидаги илмдир, асло одам яратиш илми эмас. Аслида, том маънода «одам яратиш» иборасининг маъно-моҳияти мутлоқ бажариб бўлмайдиган иш. Ҳар қандай ҳомила аввало эсон- омон туғиладимиз, йўқми, худо билади. Қанча яшар экан ва қандай кўринишли, феъл-атворли, хулқли, фаҳм-билимли бола бўлар экан ва ҳоказолар ҳаммаси саволлигича қолиб кетади.Қизик, янги туғилган чақалоққа биринчи эътибордаги фикрлар: чиройлими? кимга ўхшайди? Эртага ундан қандай одам чиқишини фақат Худо билади, деймиз-ку. Қолаверса, яшаши, тарбияланиши, билим олиши учун мутлоқ шароит яратиб берсангиз ҳам унинг тақдири, феъл-атвори сиз хоҳлагандек бўладими?

### **Илоҳий яратувчилик–мўжиза билан, инсоний яратувчилик–илм-фан билан.**

Донишмандлар – Сўз заргарлари наздида Оллоҳни яратувчилиги **мўжиза** аталади (яъни, айрим нарса, ҳодисани кўрганда инсоннинг юраги «жиз» этади). Инсонлар орасида саноқли одамларга **каромат** кўрсатиш имконияти берилган. Айрим одамларда **сехр-жоду** имконияти мавжуд ва улар бу ҳислатларидан эгоистик мақсадларда фойдаланади. Ўқимишли одам ушбу сўзлар шакли ва маъно-моҳияти ўрталаридаги тафовутга эътибор қилиши шарт. Зеро, ҳали инсон мўжиза кўрсатган эмас, бу имконият фақат Илоҳникидир (ушбу таъкид **каромат эгалариники**).

Фан ва дин мавзусидаги шу пайтгача ўзаро тушунмовчиликдан бири ва асосийси – бу метафизика ва догматизмни моҳиятига етилмаганидир. Метафизик жараёнларни, хусусан парапсихологик ҳодисаларни кўрган, кузатган ва ҳақиқатан ҳам у ишлар **инсон илми** имкониятларидан ташқари эканига иқрор бўлган олимлар «диалектик материализм»ни байроқ қилиб олган, табиий жараёнларни кўрмасдан, кузатмасдан, энг ёмони, аниқ фанлар йўналишларида тушунчалари, яъни тафаккур имкониятлари чекланган олимлар билан сафсатабозликка тоқатлари келмайди. Қолаверса ўтмишда давлат

сиёсати ҳам уларни қўллаб-қувватлаб тургани учун илмий мусохаба бефойда эканидан ўзларини тийганлар, деб ҳисоблаймиз. Идеализмни танқид қилувчиларни қўллаган иборалиридан бири «догматизм» сўзининг ўзаги ва бу сўзга берилган маъносига кўра ўзбек тилимиздаги «туғма» сўзига тўғри келмоқда. Мисолда кўрсак, «туғма кўр», «туғма кар-соқов», «туғаса чўлок» каби сўз ибораларимиз фикримизга исботдир. Энди «догматизм» сўзи билан танқид қилинган «қотиб қолган тушунчалар»ни «юмшатиш» фан аҳлининг вазисига киради. Яъни, нима учун диндор ёки идеалист шундоқ деяпти? – деган савони ўз олдига қўйиб унга жавоб излаш фаннинг ишидир.

«Диалектика» сўзини Платон назарда тутган маъно-моҳияти билан «Диалектик материализмни»ни илм-фан методологиясига қабул қилган дахрийлик сиёсати муаллифларининг бу сўзга берган маъно-қарашларидан тубдан фарқ қилади.

«Дилектик материализм»ни фанга методологик асос қилинишига сабаб, фахмимизча, сиёсий манфаатлардан келиб чиққан. Тарихда узоқ замонлардан бўён давом этиб келаётган – **ҳалқ устида ота меърос хукмронлик** – Илоҳийдир, деган ҳалқ онгига синган тушунчани сиқиб чиқариш бўлган. Бунинг асосида давлат ҳокимиятини эгаллаш бўлган. Бу масала ва мақсадга ўз навбатида илоҳиётни рад этиш билан асосландилар ва етишдилар. Шу мақсадга қаратилган фикрларни илм сифатида ҳалқ орасига ёймоқ қасдида Илоҳийлик-метафизика тушунчасини мутлоқ рад этишни «илмийлаштирилди». Ваҳоланки, диалектика сўзининг асл маъноси: – диа –икки; лектус – сўз; ика – илм маъноларидан иборат бўлиб, у —ҳар қандай нарса, ҳодиса ҳақида донишманд ўзига келган илҳом-фикрни иккинчи хамфикр донишманднинг ўзаро «мусохаба қилиши асосида фикрни пишитиш жараёни»ни назарда тутган. («Федон». Платон.) Лекин «Диаматчилар» бу сўзга бир мавзуда «икки хил сўз» айтиш мумкин, деган маънони беради. Бири художўйлар сўзи, иккинчиси дахрийлар сўзи.

Ўн тўққизинчи аср пролетариат дохийлари ижтимоий ҳаётда ҳалқ турмушидаги қоқоқликни асосий сабаби сифатида динни кўриб, «Дин –афюн-дир» деган хулосага келдилар ва бу сўз остига мусохаба эмас, балки ўзларининг Илоҳ ва динни рад этиш **сиёсий фикрини** хукмронликка киритдилар. Эътибор қилишимиз керакки, ҳамма замонларда эгоцентрик табиатли шахслар (бундайлар ҳамма гуруҳда, хусусан дин арбоблари орасида ҳам бор) дин тушунчасига халқни ўта ғофил сақлаш мақсадида, қасддан динни бузиб кўрсатишни қасб қилдилар, тарғиботчилар эса уни биратўла булғаб тақдим қилиб келишади. (Йигирма биринчи аср бошларида Россиялик тарихчи мутахасислар айнан Ленин ва Сталиннинг Илоҳга муносабатини тадқиқ қилишиб, бу йирик тарихий шахслар тафаккурида дахрийлик тушунчаси мутлоқ характерга эга бўлмагани тўғрисидаги материалларини эълон қилдилар. Ва бу фикр биз учун ишонарли. Асос: онгли фаолият кўрсатиб хукмронлик қилувчи инсон, ташқаридан қараганда тобе халқи олдида чексиз имкониятли кўринсада, ҳақиқатда эса хукмдорнинг имконияти **чекли** эканини биринчи бўлиб фахмлайдилар). Пролетариат дохийлари эса ушбу мавзунини ўзлари ҳоҳлаган иккинчи фикр, худосизлик фикрини фан учун асос қилиб, «диалектик материализм» тушунчаси остига, «моддий олам ўзи яралган ва ўзи ривожланаверади», фикрини киритдилар. Ва бу фикрни Платон «диалектик

материализми» -деб, бу ёлғон хулоса-фикр ортига беркиниб хукмронлик килдилар. Ваҳоланки бу ерда иккинчи, яъни эгоцентристик тушунча сохибига сўзи берилиб, биринчининг, яъни донишманднинг оғзи беркитилгандир.

Иймони бутун ва илмда комил инсонлар қайси дин қавми эканидан қатъий назар умумий сифатларга эгадирлар. Улар, ўзларини бошқа қавмдан афзалман, деган деган тортишувдан ҳам ўзларини тиядилар, чунки қалблари, ҳа айнан қалблари бунга йўл қўймайди. Чунки у жой том маънода ПОК-дир. Бундайлар Беруний хазратларининг илмий таъбири билан атаганда «қалбида Қуръон бор инсонлар» бўлади,. Қуръон —Илоҳнинг сўзи; қалб — юрак. Айнан шу тоифа инсонлар на фақат ақл билан ажратувчи, шунингдек қалби билан сезувчилардир. Кўпинча улар ҳам фикр билан, ҳам юрак амри билан иш тутадилар. Барча диннинг вазифаси пайғамбар орқали инсонларга Илоҳни тушунтириш, англантишдир, билдириш ва Унга мақбул пок ҳаёт кечириш. Ва албатта бу иш инсоният учун бир неча босқичларда мукаммаллаштириган ваинсоннинг яратилиши мутлоқ маъно-моҳиятини ойдинлаштирилган.

Табиатда ҳар қандай нарса – хусусан ҳар қандай биологик турни бирламчи пайдо бўлиши- яралиш – Илоҳий *мўъжиза* билан, яралган нарсаларни кўпайиши – уруғдан кўпайиш йўли билан. Кейинги 30-40 йил ичида техника тараққиёти шарофати билан табиат мавжудотларини ҳаётини ўрганиш ниҳоятда кучайиб, чуқурлашиб кетди. Табиат жонзодлари ҳаёти ҳақида юзлаб илмий – оммабоп хужжатли филмлар яратилди ва улар деярли ҳар куни телекўрсатувларда намоиш қилинмоқда. Бир хил муҳит, сувда 200000 хилдан кўпроқ жонзодларнинг борлиги ўзи хайратланарли. Лекин ҳали бирорта тадқиқотчи, бирор- бир ҳох йирик, ҳох майда янги нав жонзод ёки ўсимликни Табиатда биринчи бор пайдо бўлишини кузатаолгани йўқ. Фақат мавжуд нарсаларнигина ўрганиб келмоқда. Демак, тадқиқотчи бирор бир нарсани бирламчи пайдо бўлишини кузата олмаган экан, унинг келиб чиқиши ҳақида мутлоқ фикр айтишга ҳақсиз. Шунингдек, бирор бир номдаги балиқми, бақами ёки пашшани эволюцияси ҳақида сўз айтишга ҳақсиз. Фақат мавжуд нарса-жонзодни тузилиши, ҳаёти, кўпайиш услуби ва яна шу каби сифат ва хусусиятлари, ўзи бевосита кўрган-кузатган нарсалари ҳақида гапиришга ҳақли. Биологик олам эволюцияси ҳақидаги тахмин фикрлари эса мутлақо асоссиз. Инсон томонидан селекция йўли билан яратилган бирор- бир махсулдор биологик нав, айтайлик серсут сигирлар, сертухум товуклар, ҳосилдор ипак қурти, пахта навлари, қовун-тарвуз, айрим йирик, хуштам, чиройли мевалар, гуллар ёки ҳатто клонлаштириш – ирсий инженерлик йўли билан ҳосил қилинган нарсалар, булар бирламчи яратиш эмас. Яралган, ҳаёт, жонли нарсаларни чатиштириш, бирлаштириш, гибридлаштириш, клонлаштириш – мавжуд, яшаётган табиий нарса- навлардан уларнинг яшаш, кўпайиш қонуниятларини билиб олиб, илм-фан қўллаб (яъни ақлни ишлатиб), улардан ўз мақсадлари учун фойдаланишдир. Исо алайҳиссаломнинг ҳам ҳақири бор эди. (Ҳачир эшакнинг отдан туғилган боласи. Бундай йўл билан

отаси эшак бўлган отнинг боласини мачир деган навни ҳам яратишган.) Лекин бирорта хачир ёки мачирнинг авлодини тарих билмайди. Чунки **инсон илми билан яратилган жонзод ва ўсимлик навлари табиий кўпайиш хусусияти чекланган бўлар экан.**

Агар жозодларни гибридлари ҳам авлод берганда эди, ҳозиргача инсоният фермалари ундай жонзодларнинг юзлаб навига эга бўлган бўлар эди.

Ҳайратимиз учун, **Илоҳ томонидан, айрим фойдали ўсимликларнинг яратилган навларига, масалан пахта, буғдой ва яна бошқа шу каби бир йиллик ўсимликларга 10йилгача муддатга, навнинг ўз сифатларини сақланиш хусусияти берилган !!!**

Бу фикр кузатувлар натижаси ҳолос. Бу ҳолатни биз – табиий, атаймиз. (Ваҳоланки ушбу сўзни маъно-моҳияти – туғувчи, яратувчи, демакки Илоҳий –дир.) Кейин уруғни асл ҳолатига қайтиш (уруғни айниши) бошланади. Шундай қилиб инсон фақат *мавжуд нарсадан ўзига керакли нарсани* яратмоқда ҳолос. Оллоҳ эса «ҳеч нарсадан бир нарса» яратади. Бу ва яна шу каби бошқа, сиз ўзингиз ҳам ҳаёлингизга келтирган ҳар қандай янги-янги, барчани ҳайратга солиши мумкин бўлган илм-фан мисоллари, ҳеч қачон табиийлик билан айният бўлаолмайди. Биз бу фикрларимиз билан *Илоҳиёт* тушунчаси ва *илм-фан* тушунчалари ўртасидаги тафовутни кўрсатмоқчимиз ҳолос. Инсон иши ҳар қачон Илоҳ ишидан фарқ қилади, Илоҳнинг ўрнини боса олмайди, демоқчимиз ҳолос. Илоҳий яратувчилик маҳсуллари Оллоҳнинг инсонларга ғамхўрлигини фаҳмлаш учун асослардир. Куръон Анъом сурасининг 95- оятида «Албатта, Оллоҳ дон ва уруғларни ёриб-ундиргувчидир. У ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқаргувчидир. Ана ўша зот Оллоҳдир.» изох: ...у ўликдан тирикни чиқарур – яъни ўликдек жонсиз уруғ, масалан буғдой, макка ва яна бошқа хил дон-уруғлардан ўсимлик униб-ўсиб чиқади.

Ҳаётий жараёнларни кечиши Илоҳнинг метафизик нури – ҳаёт нури ҳамда ер, сув, ҳаво, қуёш билан кечинади. **Илоҳий – метафизик нур** берилиши тўхтаганда ҳар қандай биологик нарса ўлади. Ҳаёт манъбаи ҳисобланадиган сув ўлган нарсани ачитади, қуёш эса қуритади. Илоҳий- метафизик, ҳаёт нури қуёш нурига ҳам, электромагнит тўлқинларига ҳам ўхшамайди, яъни физик-жисмий хусусияти йўқ. Унинг мавжудлигини фаҳм қилишимиз мумкин ҳолос. А. Эйнштейн аниқлаган

$$E = m c^2$$

яъни нарсадаги энергия унинг массасини ёруғлик тезлигининг квадратини кўпайтмасига тенг формуласи дан фойдаланган ҳолда ҳар қандай нарсанинг массасини қуйидагича топишимиз мумкин.

$$m = E / c^2$$

яъни ҳар қандай «наrsa»нинг массаси (борлиғи) ундаги мавжуд энергияни (Илоҳий нурни) унинг ёруғлик тезлиги квадратага нисбатидан иборат.  $c=300000\text{км/сек.}$  Лекин бу НУР, йўқдан борни ясаган нурдир. Ушбу нур манбаъсининг генераторини инсон кўраолмайди. Энди, ушбу нур манъба - сидан бири инсонга бериб кўйилган. Бу – магнитдир. Магнит –*mahnit* сўзининг асл маъноси «Моҳ, Моҳий куч, яъни Илоҳий кучдир. Бутун оламни

энергия билан таъминлаётган электр энергиялари манбаъси шу МАГНИТдир. Магнитни ҳоҳлаганингизча айлантириб, ундаги бепилиски НУРдан олаверинг. Яна бир изоҳ, электр сўзи : элоҳим ва тр=тар – тақлидий сўз.— ҳаракат, ишқаланиш кучидан ҳосил бўлган товуш, - маъноларига эга, яъни илоҳий сифат. трр – қувват.

### « „Хеч нима,, номли „бир нима,, ».

Инсоншунослик фанлари соҳасида чуқур билим соҳибларига бир ажойиб китобни ўқишни тавсия қиламиз. Бу китоб 1983 йилда Москвада «Билим» жамиятида нашр этилган. Китобнинг номи « „Хеч нима,, номли „бир нима,,» (Нечто по имени ничто), муаллифи Роман Подольний. Китобда, олам аталмиш борлиқ: ер, ой, қуёш, кўриниб ва кўринмай турган барча юлдуз аталмиш осмон жисмлари турган чексиз-чегарасиз *фазо бўшлиғи(вакуум)* ва унинг хусусиятларини ўрганиш бўйича табиатшунослик фанларининг ўзаги бўлган физика соҳасида меҳнат-изланиш қилаётган, жаҳоннинг ўтқир физиклари кўп йиллардан буён олиб борган илмий тадқиқотлар натижалари ҳақида ёзилган. Муаллифнинг илмий тилдаги баёнларини янада соддалаштириб айтсак, –Илоҳ қандай қилиб шундай «бўм- буш, хавосиз фазо — вакуумдан, яъни «хеч нарса»дан ер, ой, қуёш, юлдузларни, барча осмон жисмлари, Галактикаларни ясаган ? Ушбу саволга жавоб топмоқ қасдида 19- асрдан буён физиклар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, улардан амалий аҳамиятини топган ва топмаганлар натижалар хусусида қизиқарли тарзда сўз юритилган. Лекин муаллифнинг бир фикри қатъий : ушбу илмий изланишлар, агар изловчи беғараз бўлса, албатта бирор бир амалий аҳамиятга эга янгилик-кашфиёт бераверади. Лекин Илоҳнинг яратиш услубини эмас. Чунки бизга пайгамбарлар ва авлиёлардан колган: «Илоҳ «БЎЛ» дейиши билан барча нарсалар яралган, ҳодисалар юз берган», ривоятга чуқур кираолсак, Унинг илмига инсон ҳеч қачон эга бўлаолмайди. Очиғи Илоҳнинг **БЎЛ** сўзи бизнинг тасаввуримиздаги, бизнинг имкониятимиздаги, бизнинг тушунчамиздаги «бўл»дан чексиз фарқ қилишини тушунишга интилишимиз керак, бунинг учун бир умр изланишимиз керак.

Илоҳ ўз мўжизаларини инсоният англамоғи учун, намуна тарзида, ер юзидаги санокли одамларга «каронат кўрсатиш» имкониятларини бериб қўйган. Мисол : Замондошимиз, 1924 йилда туғилган, хиндистонлик соҳиб-каронат авлиё Сатья Бобо. Уни зиёрат қилган айрим пок ниятлиларга уларнинг кўз ўнгида, ўта қимматбаҳо олтин узукни ҳаводан олиб ҳадя қилгани ҳақида ишонарли хабарлардан қизиқувчилар хабардор. Унинг олдида ҳар куни минглаб, турли диндаги инсонлар зиёратга келиб турадилар— деб, хабар беради матбуот. Имконияти кенг олим бўлсангиз боринг , зиёрат қилинг, таъсуротланинг. Яна гоҳ–гоҳида матбуотда хабар пайдо бўлиб қолади: у ёки бу ёки бу юртда ноёб қобилиятли одам чиқибди,(Мисол: энг кучли компьютердан тез хисоблайдиган россиялик одам. Умуман ўтган 30 йил ичида ер юзининг у ёки бу жойидан чиққан бирор бир нодир хислатли одамни ўрганмоқ учун Америка илмий тадқиқот марказига олиб кетибди, деган хабарлар-

ни кўп ўқидик. Лекин бирор марта бундай тадқиқот илмий натижаси ҳақида ўқимадик. Бизнингча сабаби оддий— Оллоҳ берган хислатни илмий, яъни ўрганса бўладиган томони йўқ, бу илмий яъни ҳамма ўқиб, ўрганиб такрорласа бўладиган иш эмас. Бу «Илми ҳол». Қолаверса бундай нодир хислатли одамлар илм-фандан анча беҳабар, ўта содда табиатли одамлар бўладилар. Яна бир гап. Бундай инсонларни обрўсизлантиришга қаратилган матбуот хабарлари ҳам тарқалади. Бу табиий ҳолат, яъни гаразли инсонлар барча жамоа ва ташкилотда шунингдек турли мартаба пооналарида етарлича бор. Иккинчидан, хохловчиларни 100 фоиз - ҳаммасига хислатли одамларнинг ёрдами тегаолмайди. Чунки ҳар бир инсонга тақдир бўлган муаммонинг келиб чиқиш сабаби ва шу одамнинг характеридан келиб чиқадиган унинг руҳий оламида тўсиқлари мавжуд.

**Инсоннинг яратувчилиги илм ва ишлаб чиқариш билан.** Бу аксиома. Табиатнинг муайян қонунларини билиб олган Инсон, ҳали шу кунгача ва бундан кейин ҳам Илоҳнинг **яратиш** жараёнини мутлақо кузата олгани йўқ. (Инсон илм-фани табиат қонунларини ўзлаштирган эмас! — билиб олган. «Ўзлаштириш» сўзининг маъно-моҳиятида ўзлаштирилган *нарса* ўзлигини тўла йўқотади, ўзлаштирган одамнинг фикри билан ҳаракат қилади.) У фақат «машаққатли тафаккур меҳнати билан эришилган-ўзига берилган *илм – фан, инсоний яратувчилик билимлари* асосида ўз эҳтиёжларини қондирмоқда, керакли нарсаларни ишлаб чиқармоқда. (Она товуқ ўрнини босувчи қилиб яратилган инкубатор очган жўжалар катта бўлгач бепушт тухум туғадилар, яъни *инсон илми* воситасида туғилган биологик мавжудот авлодини давом этдиrolмайди, чунки Илоҳий метафизик— ҳаёт нуридан баҳра олмаган. Табиат нарсаси эса ҳар қандай ҳолат ва шароитда туғаверади, кўпаяверади..) )

Фаннинг моҳиятини нотўғри талқин қилувчи бир қисм илм аҳли, «4-та чумчуқчани ҳаётини бир қисм ўрганиб, табиат, биологик олам сирини ўзлаш-тирдим, деган Дарвинга эргашиб, инсоннинг илм фани қудрати, илмий яратувчилиги ҳақида амалий аҳамияти йўқ, минглаб ғайриилмий фан – тахмин, назариялар тўқиб (айниқса инсоншунослик фанларида) ва уларни ҳатто дарсликларга киритишга эришиб, ўзларини хурсанд қилиб юрибдилар. Инсон амалиёти ва маънавияти эса ундай фанлардан ҳеч қандай баҳра олгани йўқ. Қуръон Аъроф сураси 191-оятда— «Ҳеч нарса ярата олмайдиган, балки *ўзи яралмиш бўлган нарсалар* ўзларини Оллоҳга шерик қиладиларми»? Ньютон ернинг тортиш қонунини очгунича ҳам олмалар ерга, яна бунинг устига ўз дарахти остига тушганлар. Сувнинг ўзига ботирилган жисмга акс таъсири қонунини Архимед очгунча ҳам кемалар қурилган ва фойдаланилган. Галилей бутун олам тортилиш қонунини очиши, мутахасислар учун қўл келди, космик кема қандай тезликда юқорига ҳаракатланса ернинг тортиш кучи «қурбони» бўлмасдан космик фазога чиқиб олади ва яна ҳоказолар.

Биз мақсадга қараб юришни «фан» ва «дин» сўзларининг маъно-моҳиятларини тўла очиб кўришдан бошлашга қасд қилдик.

Ўзбек тили изоҳли луғатида:

1. Фан – табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси.

2. Илм– 1. кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирган билими; маълумот, дониш.

2. айнан. фан.

Қаранг, бир китобда икки, фарқли таъриф.

Бизнинг биринчи саволимиз – ушбу таъриф ҳаётга қайдаража тўғри келади? – дейилгани ҳолда, уларга берилган изоҳларда тафовут кўраяпмиз. Хусусан «илм» сўзига берилган изоҳ- маънолар ўта ҳаётий бўлгани ҳолда «фан» сўзи изоҳ-маъноси бир қадар ҳаётийликдан узоқлашган.

Сабаби, этимологик тадқиқот қилсак «фан» сўзи «Одамато луғатида» – мияни ифодаловчи илоҳий сўздир. Ва ушбу сўз асосида мия фаолияти билан боғлиқ жуда кўп нарса ва жараёнлар, атамалар ясалган.

Табиатнинг тараққиёт қонунлари нима? Бунинг учун аввало, табиат нима? – саволини берамиз.

Бизнинг биринчи саволимиз – фан сўзининг таърифи ҳаётга қайдаража тўғри келади? – дейилгани ҳолда, уларга берилган изоҳларда тафовут кўраяпмиз.

Табиат – Яратувчи Илоҳдир. У яратган ер, сув, осмон ва ундаги барча нарсаларни бирламчи яратилишни ким кўрган? Ҳеч ким. Уни тафаккур эгалари фаҳм билан минглаб тушунча-билимлар ва узоқ йиллик таҳлиллар ва юрак билан хис қилиш асосида англайдилар. Англамоқ, билмоқ эмас, фақат тафаккурий тушунчадир. Илм-фаннинг маҳсули бўлган *билим*– нарса, ҳодисани такрорлаш -яшаш имкониятидир.

Ушбу улкан Табиатни қисмларга бўлиб, уларнинг мавжудлик ва ҳаракат қонунларини физика, астрономия, биология, кимё ва бошқа аниқ фанлар доира-сида ўрганиб келинмоқда.

Табиат қонунларини бир қисмига назар ташлаймиз. Масалан:

- ернинг ўз ўқи атрофида айланиш қонуни,
- кун ва тун алмашиш қонуни,
- ернинг қуёш атрофида эллипс чизикда айланиш қонуни,
- ернинг ҳаётида фасллар алмашиш қонуни,
- ернинг тортиш кучи қонуни,
- ойнинг тортиш кучи қонуни,
- қуёшнинг тортиш кучи қонуни.
- Нютоннинг инерция қонуни,
- Архимеднинг суюқликни сиқувчи- кўтарувчи кучи қонуни,
- Авагадронинг газларнинг бир хил шароитда ва бир хажмда молекулалари сони тенглиги қонуни,
- ўсимлик ва дарахтлар, данак ва уруғларнинг баҳорда кўкариш, ва қишда ўлиш қонуни.
- ўсимлик ва жонзод дунёсининг насл қолдириш қонуни.
- тафаккур қонунлари
- ... ва ҳоказо ва яна барча бошқа қонунлар.



Қонун аталувчи Табиат нарсаларининг ҳолати ёки ҳаракати инсоннинг иштироки, аралашувисиз ҳар доим мавжуд ва ўз кучидадир.

Узр сўраймиз. Юқорида кўрсатилган қонунлардан бир қисми ўта аксиоматик, яъни исбот талаб қилмайдиган табиатнинг қонуний ҳолатларидан бўлгани учун айрим фанлар уларни «қонун»лар рўйхатига қўшмаганлар.

Кўриниб турибдики, табиатнинг тараққиёт қонуни йўқ экан, фақат мавжудлик, ҳаракат ва ўзгариш қонунлари бор экан.

Дарвоқе, тараққиёт сўзи асли нимани англатади?

тараққиёт = тарақ + қи + ёт.

. Тараққиёт= тарақ + иёт. Ушбу сўз инсон фаолияти жараёнида нарсанинг нарсага урилиши туфайли ҳосил бўладиган табиий товушнинг тақлидий намунаси дир. Тараққиёт фақат инсоннинг меҳнат фаолияти асосида вужудга келадиган ҳосил дир.

«тарақ» арабчада ҳам, ўзбек тилида ҳам бир хил, икки жисмнинг бир бирига урилишида ҳосил бўлувчи тақлидий товуш «тарақ – тарақ» дан олинган.

(Араб тилида эса **ал тарақу— болта** ни билдиради.) Яъни, муайян иш бораётган, янгилик яратилаётган жараёнда ҳосил бўлган товуш. Демак, **тараққиёт** – сўзини асл келиб чиқиш, маъноси «инсон томонидан яратилаётган, бунёд қилинаётган янги нарса» лар, – деб қабул қилсак ўринли бўлади.

Фан тахмин қилганидек ернинг 4 млрд. йил илгари пайдо бўлиши унинг асталик билан биологик ҳаётга тайёр бўлиши, бирламчи, бир хужайрали мавжудотлардан тортиб то Инсон пайдо бўлгунча ва ундан кейинги даврларни тараққиёт аташ мумкин бўлса, ушбу тараққиётни Қонунлари инсондан яширин. На кузата олади ва на таъсир кўрсатади. Чунки бу Илоҳнинг яратувчилик иши дир. Мағзи (ядриси) қуёшдан ҳам қайноқ ҳароратли Ер устида нима учун ҳали ҳам «кетимиз» куйиб қолмасдан ўтирибмиз, деб бутун ўйлайдиган инсон етишмайди. Иқтисод назариётчиси Маркснинг «биз фақат бир фанни биламиз. Бу тарих фани дир» деган гапи асосида нарса, ҳодисаларни кечаги кунги ҳолатини бугунги ҳолатига таққослаш асосида улардаги ҳаракат ва ривожланишни топиб олдик деб ҳисоблаш бу асосан жамиятга мос дир. Нарса, ҳодисаларни кечаги кунини бугунга таққослаш асосида ҳулоса чиқариш ўз вазифасини бажариб бўлди, деб ҳисоблаймиз. Чунки табиатда ривожланишдан ташқари туғилган нарсаларни таназзул – ўлим жараёнлари ҳам мавжудки, (ўта оптимист бўлсакда ҳақиқат азизроқ) ҳар қандай илмий тадқиқот ва ҳулоса қилиш жараёнларида уларни ҳам этиборга олиш муҳим дир. Фаннинг вазифаси инсоннинг қорнини ҳозирги кунда энг таъминланган оилалар даражасида тўйғазишга, турмушини фаровон, меҳнатини енгил қилиб, ҳаётини енгиллаштиришга, бойитишга, гўзаллаштиришга, маънавий озуқа беришга ва яна шу кабиларга қаратилган. Оламга, табиатга таъсир ўтказиш тўғрисидаги фикр эса масалага ўта ҳовлиқма қараш, эришилган натижалар моҳиятини бўрттириб кўрсатиш маҳсули дир. Айнан, «фан»га бундай қараш инсониятни ўзини тушунишига ҳалақит берувчи, аниқроғи тесқари йўналишда фикрлашга олиб келувчи фактор дир. Очик этироф этишимиз керакки, илм-фанни ўзлаштириш энг оғир

инсоний иш, рухий меҳнат. Ҳамма ҳам бу оғир меҳнат юкига, қийноғига бардош бераолмайди. Фан, Инсоннинг Табиатдан ғолиб келиш, ҳатто ундан устунроқ бўлиш кучи, қудрати, қодирлиги манбаъи ва воситаси, – деб тушунувчилар адашадилар. Улар илм –фаннинг ҳар бир яратилган ғиштчасини тўғри баҳолай олмайдиганлардир. Бундайлар фанда янги тугул, бирор-бир фан ютуғини бирор- бир соҳага жорий қилишга ҳам қодир бўлмаганлардир. Улар психологик ўлчовда эгоцентристлардир. Худди шундайлар дин ҳақида ҳам шундай нотўғри, саёз фикрларни тарқатганлар. Баайни Оллоҳ, диний илм ижодкорларининг тўқимаси, жуда инсофлироқ фикр юритганлар назиди эса, Оллоҳ тушунчаси диний илм тасарруфидаги нарсасидек. ЙЎҚ!!! Бу жуда нодонларча фикрлашдир. Барча илмлар хоҳ дунёвий хоҳ диний илмлар –Яратувчи, фикр берувчи Оллоҳдан- дир. (Қуръонда «Фа соббиҳ би ҳамди роббика ва астағфир.» –Билимлар эгаси ва пок Оллоҳимга тавба ва хамдларим бўлсин. Авлиё айтади «Фа лиллаҳил хамд» – Ақл ва билимлар берган пок Оллоҳимга хамдлар бўлсин.) Инсон туғилибоқ «Инға» – «Яратганинг учун, бу ёруғ дунёга инсон сифатида келтирганинг учун раҳмат ва саломлар бўлсин,– маъносида қичкиради. Ин- га, Ан-га, деб Оллоҳга, Худога, парвардигорга... ва яна бошқа, барча исмлар эгаси бўлган буюк Яратувчига муножот қилар экан.

Илмий- техник тараққиёт натижасида кишилик жамяти эришган ҳозирги натижа «жамят тараққиёти» аталади. Лекин ушбу тараққиётдан Табиат қайдаража манфаат топди? Табиатнинг ҳозирги экологик ҳолати тараққиёт ҳосиласи эканини англаб етган инсоният ундан чиқиш йўлларини изламоқдаку. Шу кунларда жаҳон телевидениеси бонг урмоқда: –Асрлар давомида деярли ўзгаришсиз турган Гренландия муз-тоғ ороллари одамлар кўз ўнгида эриб океанга қўшилмоқда. Антарктида атмосфераси устидаги озон қатлами тешиги янада кенгаяётгани ҳақидаги хабар ҳам ҳеч кимни хурсанд қилмайди. Саноат, транспорт, энергетика корхоналари мислсиз кўпайиб, бутун Ер шари иқлим ҳароратининг кўтарилаётгани ва шу сабаб келажакда содир бўлиши мумкин бўлган катаклизм-офат ваҳимаси бир қанча донишманд олимларни ҳаловатини бузмоқда.

Кўриниб турибдики, табиатнинг тараққиёт қонуни инсондан пинхон экан. Унинг яратилиш, кўпайиш, ўсиш, мавжудлик, ҳаракат ва ўзгариш, ўлим қонунларининг амалий кучини эса илм-фан билан шуғулланмаганлар ҳам фаҳмлаб турибди. Инсон илм-фани тараққиёти Табиатга фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан холос. Тараққиётни инсон ўз онги, билими ва меҳнати билан фақат ўз жамятида амалга оширади. Бунда у ўзи ақлини ишлатиб, табиат қонунларидан мантиқий фикрлаш билан фойдаланиб, тажрибатдақиқот жараёнларида олган ҳар бир тушунчаларини билим даражасига етказиб, бу жараёнларда табиатнинг ўзи кашф қилган қонун ҳолатларидан бевосита фойдаланиш, қаршиликларидан зиёнсиз ўтиш ҳаракатида бўлади. Инсон ҳали табиат бағрида мутлақо янги, бирор бир хоҳ жонсиз, хоҳ жонли нарсани яратилишини кузата олгани йўқ. Фақат мавжудларининг кўпайиш жараёнларини механик кузатди, ўрганди. Ядро физикаси реакторида водород атомидан металл атоми ясаш, бу Илоҳнинг бир нарсдан иккинчи нарсани

яшаш сирини очилиши эмас. Илоҳ мавжуд нарсаларни ядро реакторида эмас, фақат, ҳеч қаерда изи кўринмайдиган Илоҳий ирода, ҳукми билан, метафизик нури асосида ёки таъсирида амалга оширган. Илоҳий яратиш «мўжиза» аталади. Инсон эса ундай жараённи ташкил қила олмайди. Сизга керакли микдорда металлни саноатда водороддан ясаб кўрингчи, табиийсидан неча юз ёки минг марта қимматга тушар экан. Юқорида келтирган мисол ва мушоҳадаларимиз, илм-фан сўзи маъноси ва моҳияти чегарасини тушунишга хизмат қилади ва уларни Илоҳиётнинг мўжизавий Яратувчилик ишларига заррача даҳли йўқлигини асослайди.

Демак жамият тараққиёти, фақат кишилиқ жамиятига хос сифат унинг Олам ишларига заррача даҳли йўқ.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (2т.293-бет), барча фанларнинг онаси бўлган фалсафа ҳақида, асосий таърифдан ташқари яна қўшимча таъриф берилган:

фалсафа – 2. халқ тилида. – эшитиб, муҳокама қилишга арзимайдиган, мавҳум, асоссиз фикр, мулоҳаза, сафсата.

Энди савол туғилади. Нима учун халқ шундай атади?

Албатта фалсафа сўзи-номи остида амалий ахамиятсиз сафсаталар мавжудлиги учун!

Луғатдаги бу иккинчи изоҳ, «фалсафа» сўзи ҳақида истехзоли таъриф халқ донишмандлигида бекорга пайдо бўлмаган. Назаримизда айрим «илм аҳли» «фалсафа» деб «сафсата» сотишларидан келиб чиққан. Демакки, оламини англашни ўргатувчи фалсафа фани ичида(илмида эмас) ҳаётий бўлмаган сафсата фикрлар жуда кўп.

Фанда назария аталган унча -мунча фикрлар бор. Уларни ичида амалий ахамияти йўқлари кўп. Лекин улар ҳам китобларни тўлдириб, аниқроғи инсониятга ортикча юк бўлиб юрибди. Амалий иш билан шуғулланмайдиган илмий тадқиқотчилар уларга эътибор қилмайдилар. Лекин бир қисм илм оламида юривчилар бундай кераксиз нарсаларни сақланишига сабабчи бўлиб турибдилар.

Энди бевосита табиат қисмларини тадқиқ қилувчи фанларнинг ўзини алоҳида-алоҳида луғатда берилган мақсад-моҳиятларини кўриб чиқсак:

Фалсафа –асл маъноси-олам ва одам ҳақида соф(ҳақ) фикр. борлиқ ва билишнинг, инсоннинг оламга муносабати; табиатнинг, жамиятнинг ва тафаккурнинг ривожланишини умумий қонунларини ўрганувчи фан.

Физика – материя(моддий олам)нинг хусусияти, тузилиши ва унинг ҳаракат қонунлари ҳақидаги фан.

Кимё – моддаларнинг таркибини, тузилиши, хоссаларини, шунингдек бир моддани бошқа модда билан бирикиши ёки ажралишини ўрганувчи фан.

Биология – тирик организмларнинг ҳаёти ва ривожланиши ва қонуниятлари ҳақидаги фан.

Кўриб турибмизки умумфалсафий майдонда ва унинг тармоқлари бўлган бирорта фан соҳаси ўз олдида атроф- мухитга, оламга таъсир ўтказишни мақсад қилмагани ҳолда замонамиз файласуфларининг истемолида «фан» сўзининг маъно-моҳияти қамровида бундай, «оламга маълум мақсадда таъсир ўтказиш» ғояси қаёқдан пайдо бўлди? Дарёга тўғон, ёки насос станциялари қуриб, кўриқ ерларни ўзлаштириш ёки тоғда боғ яратиш – бу атроф мухитга таъсир эмас, балки юрт оталарининг дадил қарори ва шижоати, ташкилотчилиги ва мутахасисларнинг илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиши асосида, юрт фаровонлигини таъминлаш мақсадида, деҳқончилик учун яроқсиз жойда ҳам халқ истемоли учун маҳсулот яратишдир. Атроф –мухит эса ўзининг ушбу деҳқончилик ишларига қаршилиги– нокулайлигини давом эттираверади. Фақат, ортиқча меҳнат ва сарф- ҳаражатлар эвазига ундай мухитдан инсон ўз тириклик эҳтиёжи учун бирор маҳсулот етиштириб олади. Шунингдек космик кемалар коинотни ўзлаштираолмайдилар. Фақат олим ва мухандисларнинг кучли даҳоси шарофати ва улкан сарф-ҳаражатлар эвазига у ерда бир муддат олимларнинг муайян мақсадли тадқиқотига хизмат қиладилар. Космосни ўзлаштириш, бу хохлаган планетани жойини ва ҳаракат йўналишини, траекторияси ва тезлигини ўзгартираолиш деган сўздир. Атроф мухитга таъсир кўрсатилса у муайян даражада ўз табиий сифатини биратўла йўқотиши керак. Айтайлик, совуқ иқлим зонаси иситиш воситасисиз ҳам доим иссиқ бўлса бу том маънода атроф мухитни ўзгариши бўлади.

Фанлар ичида айниқса тиббиёт фани имкониятлари инсонни эртанги кун, хусусан саломатлигини ўйлаш ёки ўйламаслигига сабабчи бўлади. Тиббиёт фанининг ривожини инсониятни ҳозирги даражада умр кўриши, жаҳон халқларининг нуфусини 7 млрд. га етишида хизмати беқиёс. Бу даражадаги умумжаҳон соғломлашиш, тиббий илм ва умуман одамларнинг маълумотбилим даражалари ўсишининг натижасидир. Япон халқи «соғлом турмуш тарзи» илми тавсияларига қаттиқ риоя қилиб ўртача умр даражасини жаҳонда энг узок, 80-90 ёш бўлишига эришмоқдалар. Бу «инсонга берилган ҳаётдан илм-фанга суяниб, ақл билан фойдаланиш» деганидир. Инсон ёшлигида, куч- қуввати юқорилигида орзу қилган боқий умрни иложи йўқ. Тарихда, ғолиб подшоҳ Махмуд Ғазнавий мағлуб юртдан тутиб келтирилган девонасифат шоир Хўжа Хофизга,- «шоир бўлсанг бизнинг ғолиблигимизни шарафлаб бир сўз дегинчи» — хитобига шоир :

Агар минг йил умр кўрсанг,  
жаҳонга подишоҳ бўлсанг,  
ўларсан оқибат бир кун,

—деган экан.

Инсонга «илм-фан», яъни мияни ишлатиш асосида *кашф* қилиш ва *билиш* асосида *меҳнат* билан *ясаи-яратиш* (турли-туман жонзод, ҳайвонларга ўз ризқини турли йўллар билан топиб ейиш хусусиятлари берилгандай, буни мукамал тушунмоқ учун табиий ҳаёт тўғрисидаги хужжатли филмларни кўринг.) имконияти берилган.

Инсоннинг илм-фан иши: космик кемалар учирши, компьютер технологияси, ген инженерлиги ва яна бошқа ҳаммамизни ҳайратга солувчи инсоний илмий-техникавий ишлар «кашфиёт» асосида пайдо бўлади. Ушбу сўзнинг маъзи, ҳайратимиз учун:

Кашфиёт = ка + ш+ф + иёт

ка – кан – кон, маъносида.

шф- сўзининг ташкил этувчиларини мутлоқ маъноси: ш ← шан– бош, ф ← фан– мия; ақлли бош, ишлайдиган мия –маъносида.

иёт – ...лардан, маъносида.

**кашфиёт** – Илоҳнинг мадади билан ақлли бош, ишлайдиган миянинг очган кони, – мантиқий маъносини бермоқда.

Дин насиҳатдир– дейди замондошимиз, Қуръон тафсирчиси, Шайх– Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳақиқатан ҳам дин пешволари диний мавзуда фақат насиҳат қиладилар. Қуръон Анъом сураси 48-оятда «Биз пайғамбарларни фақат хушхабар етказувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборамиз», дейилган. Инсоният ҳаётини кузатиш айрим муфассирлар фикрида айтилганидек «огоҳлантирувчи» хабарлар фақат нариги дунёга тегишли бўлмай, шу ёруғ дунёга ҳам тўла тегишли эканини кўрсатмоқда. Ҳар қандай инсон ўз бошига келувчи муаммоларни сабабчиси ўзи бўлиб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Қуръонда ёзилган, кишилар ҳаёти учун кўрсатма, огоҳлантириш ва тақиқ - қоидаларни назоратчиси ва улар бажарилмаган тақдирда муайян жазони **тақдир** сифатида берувчи Яратувчининг ўзидир. Ушбу тақдирий ҳолатларни на келиш муддати маълум, на шакли.

Ҳеч қайси дин ва оқимлар йўналишида Илоҳий кўрсатма-таъқиқларни назорати кўзда тутилмаган. Ушбу қоидаларни бузилишига нисбатан «Илоҳнинг иродалари» ҳар қайси инсонга ўзига хос ва мос «**тақдир**» сифатида «мукофот» ёки «жазо» бўлиб келмоқда. Кенгроқ фикр қилиб кузатиш, керагидан кўпроқ аргументларга эга бўласиз. М: диний йўналишидан қатъий назар барча миллатларда шундай доно нақл бор: «Ота- онанга нима қилсанг уни фарзандингдан кўрасан». Тамоша эмас, илм мақсадида хонадонларга назар ташланг. Ушбу нақл ижросини кўрасиз: Ота-онасини урган, ёки бошқа бир тарзда озор етказган, албатта вақти соати келиб фарзандидан озорланади. «Озор берувчи» энг энг олийжаноб мактабларда тарбия олган бўлиши ҳам мумкин. Умуман инсонларни ҳаётига эътибор билан қарасангиз «тасодиф» деган ходисани ўзи йўқлиги, ҳар қандай инсонга **тақдир** шаклида келаётган ҳар қандай «тасодиф» ходиса остида хато-гуноҳ ва унга ҚОНУНИЙ ҳукм турганини фаҳмлаб қоласиз. Албатта бундай фикрлашга етиш учун деярли ҳаммамизга етарли бир умр -йиллар яшаш керак.

Дин сўзининг этимологиясига, асл маъносига ҳарфма-ҳарф етишга ҳаракат қиламиз:

дин сўзининг келиб чиқишини аниқлашда 2та услубий йўл кўринмоқда.

1.дин = ←дан. Яъни **дин** сўзининг асоси Одамато луғатидаги «дан»

сўзидан ясалган. «Дан»нинг маъноси – суяк. Суякни мантиқий сифатлари:

қаттиқ, этни ушлаб туради... Мантиқий хулоса, дин → қаттиқ риоя қилиш керак бўлган илоҳий кўрсатма, деган хулоса чиқмоқда. Ушбу маънодан:

дин – «Қаттиқ риоя қилиш керак бўлган илоҳий қонунлар» хулосасини олиш мумкин.

2.дин = д +и н таркибга ажралади.

«д» ҳарфи Одамато луғатидаги «дан»– «суяк» ни билдирувчи сўздан келиб чиққан. Назаримизда «д» ҳарфи унинг асл маъно-моҳиятига тегишли «қаттиқ» сифатидан иборат.

Иккинчи мантиқиё сифат, суяк, «эт» ичида пайдо бўлади ва унга бирикиб, ушлаб туради, ва бундан «д» = икки, – икки нарсани бирлаштирувчи, мантиқий маъносини олиш мумкин. Ушбунинг мантиқий ривожидан: **инсон ҳаётидаги икки дунё, яъни моддий ва руҳий дунёлар ҳамоханглиги**, келиб чиқмоқда.

Сўз таркибидаги «ин» – Одамато луғатидаги Илоҳ маъносини бермоқда.

Шундай қилиб «дин» сўзи таркиби ҳарфларининг бошланғич маъносидан

Дин – икки дунё ҳаёти → «**қаттиқ риоя қилиш керак бўлган икки дунё ҳаётига манфаатлар келтирувчи қонунлар**»и – маънолари ҳам келиб чиқмоқда.

Умуман олганда иккала этимологик маънолар ҳам ҳаётий.

Фанда ҳар қандай илм нарса, ҳодиса устида – тажриба, тадқиқот билан тасдиқланади.

Динда ҳам тажриба тадқиқотлар бор. Ушбу тажриба тадқиқот кўпинча аввало ўз шахсий ҳаётий йўлини шунингдек ўз яқинларини ва яна бошқа ўзи яхши таниган-билган одамлар ҳаётини кузатиш шаклида бўлади. Бу кузатувлар илоҳий хабарларни инсонлар ҳаётига тегишли қисмларига қўшим-ча тасдиқ вазифасини бажариб, кузатувчини донишлигини кучайтиради.

Лекин динда кузатув хулосаларини илмий тадқиқот сифатида расмийлаштириш қабул қилинмаган. Сабаб, бу мавзудаги факт ва хулосалар инсонларнинг тақдири, қисматидан иборат. Кимларнидир (хатто ишончсизни) дилига озор етказиш бу соҳа донишмандларининг иши эмас. Билишни хоҳласангиз сиз ҳам кузатинг, ҳам кўрасиз, ҳам биласиз. Иккинчидан дин тарғибот қилаётган маънавий қоидалар ва «қилиш мумкин эмас» қонунларини бузилиши бўйича инсонлар тақдирида кўринаётган ҳолатлар ягона стандарт, формула асосида кечинмайди. Илм толиби дин пешвосидан у ёки бу гуноҳ учун қачон ва қандай илоҳий жазо тақдир бўлиб, бошига тушишини билишни хоҳлайди.

Афсус бундан аниқ фандагидек, «мана бу техника хавфсизлигига ёки йўл ҳаракат хавфсизлиги қайдасига риоя қилмасанг мана бундай холга дучор бўласан» дегандек, аниқ фикр эшитмайсиз. Инсонларнинг жисми ва характеридаги турли –туманликдек, ҳар бир инсонга муайян нотўғри ҳаракати учун насиб бўладиган тақдир «туҳфаси» ҳам турли туман. «Ҳамма феъл- атворига ва қил-мишига яраша бўлади», қайдаси асосида. Ҳаётимиз давомида бу нарсаларни билиб бораверамиз.

Академик М. Норбеков ёзади: Москвадаги институтлардан бирида ўқиётганимда тақдир тақозоси билан институтимизнинг «Илмий атеизм» кафедраси мудирининг шаҳар ташқарисидаги уйида яшар эдим. У ўз соҳаси

да Иттифокқа таниқли, бир неча китоб-дарсликлар муаллифи эди. Бир куни биргаллашиб кечки пайт чой ичиб ўтирганимизда у сўраб қолди: Сен худога ишонасанми ?

Яхши тарбия кўрган талаба сифатида: Албатта йўқ ! дедим.

– Бундай ишончни қайдан олдинг.

– Ҳамма шундай дейдику.

– Улар қаёқдан билибди. Ўша «хамма» Худони ахтариб кўрганмикин ?

Шу билан суҳбатимиз тугади.

У ҳар якшанба қаёққадир кетар эди. Бир якшанбада: Бекор ўтирибсан , юр, мен билан, айланиб келасан, деб қолди. Мени ҳайратлантириб, ...биз қишлоқ черковига борибмиз. У черковда икона олдида тиз чўкиб, узок туриб қолди. Мен кутавериб зерикиб, уйга кетиб қолдим. Кечки овқатланиш пайтида у: Ҳайрон қолдингми ? – деб қолди. Сен ўйлаётгандирсан, гуноҳларига тавба қилаётган бўлса керак, деб. Йўқ, менинг гуноҳларимга бир умр тавба қилсам барибир камлик қилади. Қолаверса ёшим ҳам етиб қолди. Мен ўзим учун эмас, набирам учун илтижо қилмоқдаман. «Сенинг олдингда жиноятчиман, мен ҳар қандай жазога лойиқман, лекин менинг гуноҳларимга набирам қарғишингга қолмасин,» деб илтижо қилмоқдаман.»

Динлардан Ислонда «Бешиқдан қабргача илм изла» ҳадиси асосида илм ва ибодатни инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини белгиланган. Бу фикрни соддалаштириб авлиё, ҳазрат Нақшбанд «Дилинг Оллоҳда кўлинг меҳнатда бўлсин»-деб ўргатганлар.

Бу фикрда Оллоҳни ўрганишни иккинчи даражага қўйилгани йўқ. Аксинча, барча билимлар Оллоҳдан, дунё билимларини ўрганмай, билмай туриб, билимсиз, калтабинлик билан Оллоҳни англаб бўлмаслигини назарда тутган

### **3313 исмли Оллоҳ онгли тарзда «Алҳамдулиллоҳ»**

(христианлар: Аллилуде, дейдилар) деювчиларни афзал кўради.

Бу афзаллик аввало шу инсонни ҳаётида кўринади. Билимсизлик инсонни фақирликка, онгсиз жонзодга яқинлаштиради. Билим одамдаги Илоҳга ҳам, инсонларга ҳам мақбул, ўзига ва бошқа инсонларга фойдали ишларини кўпайтиради.

Хулоса қилсак **фан** сўзи ҳам, **дин** сўзи ҳам асос-ўзагида **ан=ин= Илоҳ** сўзи турибди. Демак уларнинг иккиласини ҳам бош Муаллифи, инсониятга тақдим этувчиси, Ягона ва Яратувчи Оллоҳ экани аён бўлади.

Фикрларимизга якун ясасак, фан ҳам, дин ҳам асл моҳиятларига кўра марказида ИНСОН турувчи билимлар мажмуалари бўлиб,

ДИН — ахлоқ илми

ФАН — тириклик илми

Экан. Бу билимларни саёз фикрлашлар билан бир –бирларига қарама қарши қўймасдан, балки ҳар бир инсон ўз маънавий камолоти ва моддий фаровонлиги йўлида фойдаланишлари керак экан.

## Ривоятлар мантиқи.

Муқаддас китоблардан Таврот ва Қуръонда ривоят бор. Қуръоннинг Бақара сураси 57 ояти ривоятига кўра саҳрода Мусонинг сувсиз, оч қавмига Оллоҳ осмондан салво-беданалар ва «манна» аталган чалпақлар ёғдириб қавми ҳалокатдан сақлаб қолган. Хозиргача бу ривоят халқ оғзида ва бу воқеага ишониб-ишонмай турли эртақлар тўкиб келадилар. Ушбу ривоят ҳаётимизда йўқми? Ушбу мавзуда тафаккуримиз изланганда аввало ҳаётий, замонавий фавкулудда ходисалар антологиясига эътибор бердик.

1754 йили Бавария худудида Миттельшудт қишлоқчасида тирик қисқичбақалар ёғила бошлаган. Қишлоқ аҳолисига бу ходиса илоҳий совға бўлган. Санам журнали. 2011 йил 4 –сони.

Бошқа бир маълумот. 1980 йилларда Хинди-Хитой давлатларининг бири қишлоғига осмондан қурбақа, балиқлар ва чувалчанглар ёғилгани ҳақида матбуот хабар берган эди. Бу хабар ҳозиргача ҳотираимизда, лекин воқеанинг аниқ вақти ва жойи ҳотираимиздан кўтарилган. Бу хабар кўплаб суҳбатдошларимиз хотирасида мавжудлиги бизни дадиллантирди. Қолаварса, бу ғайри одатий ходисаларни келиб чиқиши ҳақида бошқа журнал мақоласидан хабаримиз бор. Яъни бундай ғайри одатий ходисаларнинг муаллифи денгиз ёки дарё, кўл устидан ўтган уюрма шамол бўлиб, уюрма ўз ҳаракати йўналишидаги сувда учраган барча нарсалар: сув, балиқ, бақа, медуза каби нарсаларни юқорига олиб чиқиб, навбатдаги бирор ерга олиб бориб ташлайди. Айтишимиз мумкин: «Урраа, бундай ғайри одатий ходисаларни асл сабабини билиб олдик. Бунда ҳеч қандай Илоҳий куч, таъсир йўқ экан», - деб. Бундай фикрловчи ўзича ҳақ. Бирор –бир табиат ходисасини сабабини билиб олишни илм ҳисоблаймиз-да. Лекин бу билишимиз бизга хабардан бошқа ҳеч нарса бермайди. Чунки илм дегани унинг назариясини ҳаётга қўллаб, ҳеч бўлмаганда ўша ходисани такрорлаш мумкин бўлганда-гина уни илм аташ мумкин. Лекин биз бу ходисани такрорлай олмаимиз-ку. Демак олган маълумотимиз бизни шунчаки тинчлантириб қўйди. Бошқа ҳеч нарса. Бундай ғайри одатий ҳолат илми асл «муаллифини» эҳтимол билаолмай ўтармиз.

Ғайри одатий ходисалар сабаби ҳақидаги маълумот бизни тафаккурга ундайди. Чунки биз билишни хоҳлаймиз. «Манна» сўзининг этимологик тадқиқотида манна = ман +на. Одамато луғатига кўра ушбу сўздаги ман — бурундир. Буруннинг мантиқий сифатларидан бири, унинг ҳосиласи «манқа» аталган. Фикримиз манқага ўхшаш денгиз мавжудотига тушди. Бу **медуза**. **Худди чалпақнинг ўзи**. Фикр қилдик: Саҳродаги оч Мусо қавмига Оллоҳ денгиздан медузалар ва дала-ўтлоқдан салво-беданаларни шамол орқали суриб келтирган экан.

Айтишимиз мумкин, йўқ ундоқ эмас, бошқача, мўъжизавий бўлган, -деб. Бўлиши мумкин.

Одамато, момо Ҳавонинг яратилиши ривояти хусусида. Таврот ва Қуръон хабарларига кўра Одам лойдан, балчиқдан ясалган. Саёз фикримиз



бизни ҳеч бўлмаганда Илоҳнинг кулол-хайкалтарошлик қилаётган қўлини кўришни ҳоҳлайди. Минг таассуфким бунинг иложи йўқ. Лекин Илоҳнинг вақти- вақти билан такрорланиб турадиган, айрим инсонлар иштирокчи ва гувоҳ бўлган ва ҳайратини ким билан баҳам кўришни билаолмай юрган мўжиза- ҳодисалари бор. Бу — айрим одамларга Хизрни йўлиқиши ҳодисаси. Қуръонда Хизр алайхиссалом номи бор. Қуръон муфассирлари бу ҳақда шундай маълумот айтганлар. Яъни Оллоҳ айрим инсонларга ўзининг хабарчисини инсон қиёфасида юбориб туради. Бу хабарчини Хизр, Хизр алайхиссалом атайдилар. Ўзбек тилимиздаги «хозир» сўзи юқоридаги сўздан олинган, деб хисоблаймиз.

Чунки айрим инсонлар эҳтиёжига кўра Илоҳнинг мадади шу онда пайдо бўлади, **хозир** бўлади. Бу тушунчаларни мукамаллаштирмоқ учун аввал «Хизр» сўзи бўйича тушунчамизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик. Изланишларимизда 10дан ортиқ «мен Хизрни кўрган бўлсам керак» деганлар билан суҳбатлашдик. Суҳбатларимиз натижасини илмий умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

— Хизр кимга, қачон ва нима учун кўринади ёки йўлиқади ?

Умумлаштиришларимиз натижаси:

«Хизр йуликкан одам- энг аввало қалби поқ, ўта беғараз ва бетаъма одамга ҳаёти, турмушининг оғир палласи суягига етиб турган пайтларни бирида йўлиқи- ши мумкин экан. Яъни ўзи меҳнаткаш, меҳнатсевар, меҳнати даромади билан тирикчилик утказадиган, бошқалардан ҳеч нарса, кутмайдиган, умид қилмайдиган, турмуш- ҳаётидаги етишмовчилик – камчиликларга сабот билан қараётган инсон. Унга кўчада фавкулудда бир мўйсафид учраб сўрашиб, «бу кунлар ўтиб кетишини айтиб» кетди. Яна бир вариантлардан: Инсон ўзи қалби поқ, меҳнаткаш, лекин ўша даврда бироз ўзининг поқ йўлидан нафснинг куйига кириб бироз чекиниш қилиб юрган пайти. Бу ҳолатларда баайни «огоҳлантирувчи» сифатида бир инсон дуч келиб, мулоқот қилиб ўтган бўлади. Воқеа қахрамонининг таажжуби шуки «У мен билан гаплашди, яхши гаплар айтди, яъни «яхши келажак кутаётганини» ва йўқ бўлиб қолди. Қайга кетди кўрмадим, беркинадиган жойни ўзи йўқ эди. Ёки, мен билан гаплашган одамни атрофимда мавжудлардан ҳеч ким кўрмапти» Ушбу шаклдаги «учрашув» ҳар бир мисолда. Таъкидламизки, ҳеч ким бошидан ўтказган бундай ҳодисани мактанмади, ғурурланмади, балки «минг хижолат ва ҳайрат билан» гапириб берди. Бу Оллоҳнинг Хизри –инсон қиёфасидаги фариштанинг «хозир» бўлиши, хушxabар етказиши ёки огоҳлантируви.

Одам алайхиссаломни яратилиши ҳақида ривоятлар бир неча: «яъни жаннатда юрган Одам ва Момо Ҳаво тақиқланган мева — олмани еб жаннатдан қувилдилар.

Изланишларимизда мавжуд ривоятлардан мантиқан қониқаолмаётган ҳолатларимиз бўлгани учун фикримиз изланишда давом этаверди. Ва фикр келди. Қуръон тафсирларига кўра, Одам алайхиссалом яратилган пайтда рухий ва моддий оламда инсондан бошқа нарсалар мавжуд эдилар.

Илоҳ , моддий оламда фикрловчи махлуқотни яратишни хоҳлади. Эҳтимол, Одамато яратилгунча инсонга ўхшаш хайвонлар яшагандир. Лекин уларга тафаккур хусусияти берилган эмас. (Бундай ёки бунинг акси бўлган ҳолатни ҳеч қандай археологик топилма исботлай олмайди.) Яратувчи даставвал рух шаклида яратилган Одаматога (у эгаллаши мумкин бўлган) инсон жасад-танаси макетини кўрсатди ва ундаги «нарсалар исми» -ни ўргатди. Кейин унинг «чап қовурғасидан момо Ҳавони руhini яратди. Одамато ва момо Ҳавога дунё - Ердаги «ўша тақиқланган мева» «балчиқ – лойда ўсадиган, битадиган «буғдой» мевасини ейишни амр қилинди. (Яратувчидан беъамр ҳеч нарса бўлмайди – Илоҳий Қонун). Энди буғдой донига қаранг. Унинг ҳар бир донасида инсоннинг жинсий олати шакли мухрланган, бир томонида эрнинг жинсий олати, иккинчи томонда аёлнинг жинсий олати шакли кўринишига ўхшаш шакллар турибди. Ҳар бир Буғдой донида эр ва аёлнинг жинсий шакли мухрлангани юқоридаги хулосамиз асосидир. Хуллас, буғдой донидан «оғзига солган» Одамато ва Момо Ҳавога Илоҳнинг мўжизаси – амри билан **емиш хазм бўлди**, сингди ва бу асосда улар «лойдан ясалган тана – жисмга»-га эга бўлдилар. Энди улар рухий оламдан ажралиб Ер мавжудотларидан бирига айландилар. Ер мавжудотлари ичида ягона, **тафаккурли** ва ҳукмрон биологик мавжудот бўлдилар. Фаҳмимизча, Одамато ва момо Ҳаво ўсмир ёки балоғат ёшида яралдилар. Улар тана – жисмли бўлгач, биринчи нафаси, товуш – сўзлари «инға – анға» бўлди. Яъни, аввалроқ **инс** - рух эдилар, энди **инс + ан = инсан** бўлди - лар. Шундан буён уларнинг авлоди туғилибоқ, «инға, анға» дейдилар. Инсон, яъни **ин – ан (инға, анға)** деювчи **инс дунёга келди, ва «инға – Яратган Ан –га шукрона айтдилар.** (Яна... Ўзи билади.)

Одамато сўзининг асл маъноси — **Одам + ато. ато — яратилган.**

**Одамато — Яратилган Одам.**

## Х о т и м а

«Одам алайхиссаломнинг луғати»ни ушбу илмий асосланиши, хозиргача илм оламида хукмронлик қилаётган тахмин-эҳтимол «Одам тадрижий холда маймундан келиб чиққан» деб аталувчи, илм деб тиқиштирилган, аслида эса нотўғри, асоссиз фикрлар мажмуасини рад этмоқдамиз. Европа, Американинг турли музейларида кўп йиллар давомида, катта машаққатли меҳнатлар билан тўпланган ва намойиш этилаётган «маймундан Одамни келиб чиқишини намойиш қилувчи антропологик экспозициялар» аслида шунчаки мавзуга зўраки тиқиштирилган нарсалар, дунёнинг турли жойларидан топиб- тўпланган қачонлардир яшаб ўтган турли жонзодларни суяк-саёқлари тўплами холос. Бу суяклар тўпламидаги инсон скелетига ухшаш суяклар қачонлардир яшаб утган жонзодлар колдигидир ва уларда тафаккур сифати булган эмас. Тафаккурсиз жонзоддан ҳеч қачон тафаккурли жонзод усиб чиккан эмас. «Одам алайхиссалом луғати» инсоният тарихида шаклланган, Илоҳий аталувчи муқаддас китоблар: Таврот, Забур, Инжил, Қуръон китобларидаги Одам тарихи ҳақидаги ривоят ва инсоний муносабатлар йўриқларини илмий жихатдан асослайди. Тадқиқотларимизда тушуниб етдикки, Илоҳийлик – бу соф маданият(культура), қайсики инсонни инсон томонидан хурмат қилиниши, оила, ота –она, қондош-қариндошларни, донишманд етакчилар, илм ахллари ва инсоният учун фойдали нарсаларни ижод қилаётган, кашф этаётганларни эозлашни, кадрлашни ўргатувчи, илм олишни, ҳар ишни тафаккур билан қилишни талаб қилувчи энг юксак фикрлардир, инсонлар истеъмолидаги СЎЗ–фикрларнинг энг аълоси, энг яхшиларини БИЗга ўргатувчи ва исбот талаб қилмас фан экан.

Хожиматов Озодбек Гуломжонович.  
Андижон вилоят, Олтинқўл тумани,  
Жалабек ҚФЙ. Жалабек МФЙ.  
Нурафшон кўча 62.  
+ 99890 5293583